Juwmaqlaw. Bul jumısta lazer nurınıń tásirinde yarım ótikzgishli ásbaplardıń tiykarǵı parametrleri bolǵan potencial barer biyikliginiń, ideallıq koefficienti, toyınıw togı, keri toktıń hám taǵı basqa parametrleriniń ózgergenligin ádebiy sholıwda analizledi hám sol ádebiyatlardı kórsetilgenlerden paydalanıp arsenid galliyden tayarlanǵan Shottki diodlarına kishi dozalı lazer nurınıń tásirin úyrendik.

Al bunday parametrlerdiń jaqsılanıwı olyarım ótkizgishli ásbaptıń quwatlılıǵınıń artqanlıǵınan dálil beredi. Yarım ótikzgishli ásbaplardıń tiykarǵı parametrleri lazer nurınıń $10^4 \div 10^7 Vt/sm^2$ doza aralıǵında jaqsılanatuǵınlıǵın eksperimental jaqtan dálillep kórsettik.

ÁDEBIYATLAR

1. Bayımbetov F.B., Djumamuxambetov N.G. Mexanizm vozdeystviya lazer nıximpulsovnapoluprovodnikiA^{III}B^{V}. //Fizikaiximiyaobrabotkamaterialov. -1999. -№1. –S.38-40. (1999).
2. Efimova A.İ., Kashkarov P.K. Petrov V.İ., Timoshenko V.Yu. Lazernoindutsirovannoe obrazovanie defektov v pripoverxnostnıx sloyax materialov A^{III}B^{V}. //Poverxnost. Fizika, ximiya, mexanika. -1990. -№8. –S.94-100.
3. Ber B.Ya. Daynova İ.R. Korobov V.A. Kulagina M.M. Proshepa G.V, Pyataev V.Z. Ostrovskiy A.Yu. Etinburg M.M. Lazernoe formirovanie omicheskix kontaktov k arsenidu galliya n-tipa. //Pisma v JTF. -1991.10.26. –t.17. -№20. -S.74-79.
4. Djamanbalin K.K. Dmitriev A.G. Evolyuciya barernogo kontakta GaAs-Ni v omicheskiy pri vozdeystvii lazernogo izlucheniya. //FTP. -1990. –t.24. -№11. -S.2024-2028.

Lazernurlarınıń volfram- arsenidgalleykontaktiniń elektrofizikalıqqásiyetlerinetásirinizertlew
NurimbetovaG., BekbergenovS.E., SaparniyazovA., QurbanovaA. Qaraqalpaqmámleketlikuniversiteti

Резюме. W-*n*-*n*$^+$GaAs kontaktinin' bar'erlik qa'siyetlerine kishi quwatliqtag'i lazer nurinin' ta'siriizerdlendi. Jilliliq effektler bayqalmag'anda kishi dozali lazerlik nurlandiriw GaAs kontaktlik oblastinda strukturaliq defektlerdin' tig'izlig'inin' kemeyiwine alip keletug'inlig'i ko'rsetildi.

Исследование влияния лазерного излучения на барьерные свойства контактов вольфрам-арсенид галлия
Нурымбетова Г., Бекбергенов С.Е., Сапарниязов А., Курбанов А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Исследовано влияние лазерного излучения малой мощности на барьерные свойства контактов W-*n*-*n*$^+$GaAs. Показано, что когда тепловые эффекты отсутствуют, лазерное облучение малой дозой приводит к уменьшению плотности структурных дефектов в приконтактной области GaAs.

Ключевые слова: лазерное излучение, вольфрам-арсенид галлия, малая мощность, барьерные свойства, лазерное облучение, приконтактная область

Investigation of the effect of laser radiation on the barrier properties of tungsten-gallium arsenide
Nurimbetova G., Bekbergenov S.E., Saparniyazov A., Qurbanov A.Karakalpak State University

Summary. The effect of low-power laser radiation on the barrier properties of W-*n*-*n*$^+$GaAs contacts has been studied. It is shown that when thermal effects are absent, laser irradiation with a low dose leads to a decrease in the density of structural defects in the near-contact region of GaAs.

Key words: laser radiation, tungsten-gallium arsenide, low-power, barrier properties, laser irradiation, the near-contact region.

УДК 53:002.893

ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ЁРДАМИДА МУҲИТ ТОЗАЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВА УНИ АНИҚЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ


Сатторов А.А.
Тошкент давлат техника университети

Ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммолардан бири бу атроф муҳит тозалиги ва унинг инсонлар соғлиғи ва табиатга таъсирини ўрганиш ҳамда имконият даражасида экологик муаммоларни ҳал қилишдан иборатдир. Биз нафас олётган ҳаво ва яшаётган муҳит тинимсиз ривожланиб бораётган саноат, кундан кунга кўпайиб бораётган автомобиллар, кундалик узлуксиз чиқаётган чиқиндилар, тўхтовсиз ишлатилаётган газ, нефт, кўмир ва шунга ўхшаш жуда кўп нарсалар таъсирида кундан кунга ёмонлашиб бормоқда. Бу эса табиатда жуда катта хафли ўзгаришлар ҳодисалар ва ҳалокатларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳәм бутун дунё олимлари ва жамоатчилик бу масаланинг олдини олишга барча илмий-техникавий ва маънавий салоҳиятларини ишга солиб ҳаракат қилмоқда. Аммо, биз ўзимиз яшаб турган жойнинг атроф муҳит тозалиги қандай ҳолатда эканлиги ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Биз бу масалада аниқлик киритиш учун қуёш элементлари имкониятидан фойдаланиб, атроф муҳит тозалиги ва унинг ойлар ҳамда йиллар давомида ўзгаришини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик [1,2,3].

Ҳаммага маълумки қуёш элементлари қуёшдан келаётган ёруғликни ютиши ҳисобига, уни тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантириб беради. Қуёш элементининг асосий параметрлари бу ундан тўғридан тўғри олаётган ток кучи-$I_{кт}$ (қисқа туташув токи) ва электр кучланганлиги-$V_{сю}$ (салт юритиш кучланиши)дир. Бу $I_{кт}$ ва $V_{сю}$ параметрлар қийматлари тўғридан-тўғри қуёш элементи юзасига тушаётган ёруғлик оқими ва унинг

ютилиши билан аниқланади. Агар қуёш элементи юзаси ҳар хил чанглар ва бошқа нарсалар ўтириши орқали хиралашса, демак қуёш элементининг ёруғликни ютиш хусусияти камаяди, бу эса асосий параметрлар бўлиб ҳисобланган $I_{кт}$ ва $V_{сю}$ ларга бевосита таъсир қилади. Бундан маълум бўлмоқдаки қуёш элементи параметрлари $I_{кт}$ ва $V_{сю}$ қийматларини улар ишлаётган (турган) муҳит ва бу муҳитда қуёш элементлари ишлаш вақтидаги ўзгаришига қараб, шу муҳит тозалиги ҳақида тўла маълумот олиш мумкин экан.

Биз ўлчамлари аниқ бўлган қуёш элементини олиб, унинг сиртини яхшилаб тозалаб, берилган аниқ ёруғлик оқимида унинг параметрлари $I_{кт}$ ва $V_{сю}$ ларини аниқлаб олдик, сўнг қуёш элементини ёмғир ва қор тушмайдиган ҳамда баландлиги 6м бўлган очиқ жойга жойлаштирдик (Тошкент давлат техника университети ҳудудида) ва ҳар ҳафтада бир марта, яъни ўша аниқ берилган ёруғлик оқимида унинг $I_{кт}$ ва $V_{сю}$ ўзгаришини йил давомида (1.11.2018й-1.11.2019й) доимий ўлчаб бордик. Қуйидаги 1-расмда қуёш элементи қисқа туташув токи ($I_{кт}$)нинг биринчи ойдаги (1.12.2018) ўзгариш графиги ҳамда биринчи ойдаги $I_{кт}$ ва $V_{сю}$лар қийматлари ўзгариши 1-жадвалда кўрсатилган.



1-расм. Қуёш элементи қисқа туташув токи-$I_{кт}$ нинг биринчи ойдаги ўзгариш графиги


1-жадвал


$I_{қт}^0$ *(мА)*	60.3			
$V_{сю}^0$ *(В)*	6.68			
Ҳафталар сони	1	2	3	4
$I_{қт}$ *(мА)*	56	54.3	53.2	52.4
$V_{сю}$ *(В)*	6.64	6.54	6.52	6.48

1-жадвалдан кўриниб турибдики, бир ой давомида қуёш элементидан олинадиган ток қиймати 13,1% га кучланиш эса 3% камайди. Булар асосан қуёш элементи юзасига ҳаво таркибидаги тушиб, ўтириб қолган чанг ва бошқа заррачалар ҳисобига бўлганлиги аниқланди. Текширишни 3 ойлик натижалари 2-жадвалда кўрсатилган. Бунда қуёш элементи юзаси анча хиралашганлиги аниқ кўриниб турибди.

2-жадвал

$I_{қт}^0$ *(мА)*	60.3		
$V_{сю}^0$ *(В)*	6.68		
Ойлар сони	1	2	3
$I_{қт}$ *(мА)*	52.4	46.4	43.8
$V_{сю}$ *(В)*	6.48	6.39	6.26






2-расм. Қуёш элементи параметрлари ($I_{кт}$ ва $V_{сю}$)нинг уч ой давомида ўзгариш графиги

Уч ой давомида фототок қиймати 27,4% кучланиш қиймати эса 6,3%га камайганлигига, яъни қуёш элементи параметрларининг узлуксиз ёмонлашиб борганлигига гувоҳ бўлдик.


Бир йил давомида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, қуёш элементи бир йил давомида атроф муҳит таъсири остида унинг юзаси ниҳоятда хиралашиб, дастлабки тозалик ҳолатига нисбатан анча ёмонлашганлиги маълум бўлди (3-расм). Қуёш элементи параметрларидан бири бўлган $I_{кт}$нинг йил давомида ўзгариш графиги 4-расмда келтирилган.


а)


в)


б)

3-расм. Тажриба ўтказилаётган қуёш элементининг дастлабки ҳолати- (а), уч ойдан кейинги ҳолати- (б) ва бир йилдан кейинги ҳолати-(в)



4-расм. Қисқа туташув токи- ($I_{кт}$) қийматининг ҳар бир ойга- (t) мос равишда ўзгарганлик графиги

3 ва 4-расмлардан кўриниб турибдики, бир йил давомида атроф-муҳит таъсирида қуёш элементидан олинадиган ток кучи 66,2%га, яъни олдинги қийматининг қарийб иккидан бирига камайганлиги шу вақтда кучланиш эса 27,2%га, яъни олдинги қийматининг тўртдан бирига камайганлиги маълум бўлди. Демак, қуёш элементидан олинадиган қувват 2,75 марта камайганлиги кўриниб турибди. Бу эса жуда катта камайишдир. Балки, бир йил давомида қуёш элементининг ўзининг ичида юз берадиган ўзгаришлар (деградация) ҳисобига бўлиши мумкинми деган саволга жавоб топиш учун эксперимент қилинаётган қуёш элементи бир йилдан сўнг яхшилаб тозаланиб, унинг параметрлари ($I_{кт}$ ва $V_{сю}$) ўлчанди. Натижа шуни кўрсатдики, унинг параметрлари бир йил олдин олинган қийматидан фарқ қилмаслиги аниқланди. Демак, йил давомида қуёш элемент параметрларини ташқи таъсир туфайли ўзгариши ва ундан олинадиган қувватни 2,75 марта камайиши – бу фақат атроф муҳитнинг таъсири эканлиги исботланди.

Олинган натижалардан яна шуни кўришимиз мумкинки тадқиқотнинг дастлабки ойларида (ноябр-декабр) қуёш элементимизнинг қисқа туташув токи қиймати катта миқдорда ўзгарган (3-жадвал).

3-жадвал

$I_{қт}^0$ *(мА)*	60.3										01.11.2018	
$V_{сю}^0$ *(В)*	6.68											
Ойлар сони	101.12.2018	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	1201.11.2019
$I_{қт}$ *(мА)*	52.4	46.4	3.8	1.2	8.5	4.8	1.2	9.1	7.2	24.6	22.1	20.4
Камайиши%	13.1	23.1	7.4	1.7	6.2	2.3	8.2	1.7	4.9	56.2	63.3	66.2
$V_{сю}$ *(В)*	6.48	6.39	6.26	6.17	6.08	5.89	5.7	5.58	5.39	5.2	5	4,86
Камайиши%	3	4.3	6.3	7.6	9	1,8	4.6	6.4	9.3	2.1	25	27.2

Бу олинган илмий тадқиқот натижалари қуйидаги жуда муҳим иккита масалага эътибор бериш лозимлигини англатади. Биринчи масала бу- Тошкент шаҳри муҳити қандай ҳолатда эканлиги ва буни яхшилаш устида зарур бўлган чораларни амалга ошириш лозимлиги талаб қилинади, чунки тажриба ўтказилаётгандаги қуёш элементи юзига тушган барча ғуборлар ҳам йил давомида бизнинг нафас йўлларимиз орқали организмимизга кириб бораётганлигини тушуниш қийин эмас. Иккинчи масала бу- Ўзбекистон шароитида (албатта, шундай тажрибаларни барча вилоят ва туманларда бажаргандан сўнг) қуёш энергиясидан унумли фойдаланиш ва асосан қайси ҳудудларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини ҳам илмий исботлаб бериш лозимлигини кўрсатади ва учинчидан келажакда фойдаланиладиган катта ва кичик қуёш электр

станциялари ва унга ўрнатилган қуёш панелларини вақт-вақти билан тозалаб туриш муаммосини ҳам ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Муаллифлар бу мақолани ёзишда асосий ғояни берган академик М.К.Баходирхоновга чуқур миннатдорчилик билдирадилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Бахадирханов М.К., Илиев Х.М., Курбанова Ў.Х. «Современные проблемы энергетики, экологии и фотоэнергетики»// ООО «Extremum press» г. Ташкент. Монография.2016 г. с.250-300.
2. Бахадирханов М. К., Қурбанова Ў.Х., Сатторов А.А., Рахмонов Б.Р. «Разработка и создание принципиально новых учебных лабораторных приборов с использованием физических возможностей фотоэлементов»// Журнал «Высшая школа».№2 2019г.с.31-34.
3. Абдиев У.Б. Исмоилов Э.О. Умумтаълим мактаблари физика таълимида қуёш фотоэнергетикаси фундаментал тушунчаларини шакиллантириш.// «Замонавий таълим» журнали, 2014,№2 21-24б.

Қуёш элементлари ёрдамида муҳит тозалигини ўрганиш ва уни аниқлаш имкониятлари
Сатторов А.А. Тошкент давлат техника университети

Резюме. Ушбу ишда қуёш панели (юза ўлчамлари 14см×23см бўлган) сирти тозалигининг ташқи таъсир (ҳаводаги чанг заррачаларининг сиртни қоплаши) туфайли бир йил давомида қандай ўзгарганлиги тадқиқ қилинган. Бунда қуёш элементининг асосий параметрлари қисқа туташув токи ва салт юритиш кучланиши ($I_{кт}$ ва $V_{сю}$)нинг 1-ой, 3-ой ва 1-йил давомидаги ўзгаришлари кузатилиб, муҳит тозалиги ўрганилди ва уни аниқлаш имкониятлар даражаси кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: қуёш элементи, қисқа туташув токи, салт юритиш кучланиши, экология, муҳит, параметр, ташқи таъсир, сирт тозалиги.

Возможности изучения и определения чистоты окружающей среды с помощью солнечных батарей
Сатторов А.А.Ташкентский государственный технический университет

Резюме. В работе исследовано изменение чистоты поверхности солнечной панели (имеющей размерность 14см×23см) под внешним воздействием (покрытые поверхности панели частицами пыли из воздуха) в течение года. При этом наблюдая изменение основных параметров тока короткого замыкания и напряжения холостого хода ($I_{кз}$ и V_{xx}) солнечнего элемента в течение 1месяца, 3месяцев и 1года была изучена чистота среды и рассмотрены степени возможности их определения.

Ключевые слова: солнечный элемент, ток короткого замыкания, напряжение холостого хода, экология, среда, параметр, внешнее воздействие, поверхностная чистота

Possibilities of studying and determining the cleanliness of the environment using solar panels
Sattorov A.A. Tashkent State Technical University

Summary. In this work, we investigated the change in the surface cleanliness of a solar panel (having a dimension of 14cm×23cm) under external influence (covered surfaces panels with particles of dust from the air) during the year. At the same time, observing the change in the main parameters of the short-circuit current and the open-circuit voltage ($I_{кз}$ and V_{xx}) of the solar cell during 1 month, 3 months and 1 year, the purity of the environment was studied and the degrees of possibility of their determination were considered.

Key words: solar cell, short-circuit current, no-load voltage, ecology, environment, parameter, external influence, surface cleanliness.

УДК: 621.311.12

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ КОРХОНАСИНИНГ ЭНЕРГЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

[1]Рахмонов И. У., [2]Нажимова А. М.

[1]Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
[2]Қорақалпоқ давлат университети

Саноат корхоналарида, жумладан, пахта-тўқимачилик кластери корхоналарида истеъмол қилинаётган электр энергиясини прогноз қилишда эксперт баҳолаш усули ёки корхонада фаолият олиб бораётган кўп йиллик тажрибага эга мутахассислар малакасидан келиб чиқиб амалга оширилади. Электр энергиясини истеъмол қилишни прогноз қилиш учун эксперт бахолаш усуллари, экстраполяция, регрессия моделлари ва бошқа усуллар қўлланилади, аммо бу усуллар ёрдамида аниқланган прогноз кўрсаткичлари қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, хусусан пахта-тўқимачилик кластери корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олмайди. Шунинг учун ҳам, аксарият холларда саноат корхоналари электр энергияси истеъмолининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлари ўртасида тафовут юзага келмоқда. Бу эса ўз навбатида электр энергияси истеъмолини прогно Қилишнинг амалдаги усулларини такомиллаштириш, корхоналар технологик жараёнидан келиб чиқиб, янгиларини яратиш заруратини туғдирмоқда [1].

Энергетик кўрсаткичларни баҳолаш, таҳлил қилиш ва ҳисоблашда электр энергия истеъмолини ҳар бир ишлаб чиқариш структураси буйича ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Бу ўз навбатида электр энергия кўрсаткичларини ҳисоблашда, таҳлил қилишда ва баҳолашда, муҳим факторлардан бири ҳисобланади, лекин ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайди, шунингдек электр энергия истеъмоли ҳар бир ишлаб чиқариш тури бўйича кўриб чиқилмайди [2]. Бундай истисно қилиш эса, ўз навбатида, ҳисоблаш ишларида, энергетик кўрсаткичларни аниқлашда бир қатор хатоликларни келтириб чиқаради.

Пахта-тўқимачилик кластери иштирокчилари ўртасида вертикал ва горизонтал алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни, жумладан, кадрлар тайёрлаш, техника ва жиҳозларни сотиб олиш, уруғ етиштиришни такомиллаштириш ва пахта хомашёси ишлаб чиқариш - пахта толаси - пахта иплари -


матолар - тикувчилик – маркетинг каби «ички занжир»да маҳсулот таннархини камайтиришдек умумий вазифаларни янада самарали ҳал қилишга имкон беради [12].

Юқоридаги барча боғланишлар рақобатбардош тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, республиканинг халқаро бозорларга чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун ишлаши керак.


Кластер самараси ва уни миқдорий баҳолаш имконияти ҳақидаги гипотезани синаш услуби сифатида биз «WBM ROMITEX» МЧЖ пахта-тўқимачилик кластерининг умумий фойдасини оширишда қўшган ҳиссасини қуйидаги технологик жараён мисолида таҳлил қилишимиз мумкин.

Тадқиқот объекти, яъни қишлоқ хўжалиги корхонасида электр энергиянинг ойлар кесимидаги истеъмолини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади. Корхонанинг истеъмолчилари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга, истеъмолчилари йил давомида мавсумга боғлиқ равишда деярли ўзгармайдиганлар [3]: уларга вентиляторлар, насослар ва бошқа шунга ухшаш қурилмалар киради. Иккинчи гуруҳга эса, бевосита технологик жараён билан боғлиқ ҳолатда ўзгарувчан юкламада ишловчи истеъмолчилар киради [1].

Юқорида кўрилган истеъмолчиларнинг электр юклама графиклари билан қўйида батафсил танишиб чиқамиз. Бу ерда тадқиқот объекти корхонаси яъни, «WBM ROMITEX» МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасининг суткалик электр юклама графиклари келтирилган (1 ва 2 - расмлар).



1 - расм. «WBM ROMITEX» МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасининг текстил комбинатининг суткалик электр юклама графиги (22.09.2019 йил)



2 - расм. «WBM ROMITEX» МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасининг пахта тозалаш заводининг суткалик электр юклама графиги (22.09.2019 йил)

Графикнинг таҳлили шуни кўрсатадики, электр истеъмоли бир текис эмас, яъни доимий равишда мавсумий ўзгарувчан характерга эга.

Демак, юқорида айтилганидек, корхонанинг энергетик кўрсаткичлари тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш учун биринчи навбатда корхонанинг энергетик балансини таҳлил қилиш лозим бўлади. Технологик жараённинг бевосита структурасига боғлиқ равишда ҳамда пахта заводи ва тўқимачилик комбинати бўйича электр юклама графикларини тўлиқ кўриб чиқилди. Олиб борилган тадқиқотлар [3] асосида, юкламанинг технологик жараёнига боғлиқ ўзгарувчан ва ўзгармас характерга эга иккита гурухга ажратиб, таҳлил қилиб ўргандик. Ўрганишлар натижасида, диссертация иши бўйича олдимизга қўйилган мақсад бу энергетик кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Электр энергия истеъмолининг асосий энергетик кўрсаткичларига актив қувват (P), электр энергия сарфи (W), электр энергиянинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган солиштирма сарфи (d) киради. Улар ўз навбатида, турли факторларни функцияси ҳисобланади.


Бажариладиган иш давомида асосан, умумий электр энергия сарфи (W), электр энергия сарфининг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган солиштирма сарфи (d) ҳамда актив қувват (P) каби энергетик кўрсаткичларини математик моделлаштириш жараёни амалга оширилади [6].

Маълумки, юқорида келтирилган асосий энергетик кўрсаткичларига, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва маҳсулот ҳажми таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида қурилмаларнинг юкланганлик даражаси билан ҳам характерланади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг математик модели $P_{ўрт}=f(P_{ўрт})$ функция кўринишида бўлади.

Турли хилдаги агрегатларнинг конструктив ва технологик ҳусусиятларидан, $P_{ўрт}=f(P_{ўрт})$ функция кўринишидаги математик моделлар чизиқли ҳамда ночизиқли функция кўринишида бўлиши мумкин. Мазкур тадқиқот ва ҳисоб-китоб жараёни учун чизиқли боғлиқлик P=f(A) қабул қилинади ва улар ўз навбатида кўплаб агрегатларнинг ишини характерлайди ва қуйидаги ифода ёрдамида ифодаланади [3]:

$$P = P_{доим} + \delta \cdot A \tag{1}$$

бу ерда, Рдоим – актив қувватнинг доимий ташкил этувчиси бўлиб, у салт юриш ва ёрдамчи қувват натижасида ҳосил бўлади; маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергия солиштирма сарфининг доимий ташкил этувчиси.



3 - расм. Пахта-тўқимачилик кластери корхонасининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш алгоритми

Ишлаб чиқариш самарадорлигига боғлиқ бўлмаган доимий қувват ташкил этувчилари қуйидаги ифода орқали ифодаланади:

$$P_{доим} = P_{с.ю.} + P_{ёрд.} \tag{2}$$

бу ерда, $P_{с.ю.}$ – агрегатнинг салт юриш қуввати;

$P_{ёрд}$ – агрегатнинг ёрдамчи эҳтиёжлари қуввати.

Кўрсатилган катталиклар экспериментал йўл билан аниқланади. Бу ерда қувват (энергия) таъмирлаш ишлари олиб борилаётган вақтда аникланади. Бу вақтда олинган қувват миқдори капитал таъмирдан кейинги қувват билан солиштирилганда, 30% гача ошишини кўриш мумкин.

Ёрдамчи эҳтиёжлар учун қувват бевосита узлукли ёки узлуксиз иш режимига боғлиқ ҳолда аниқланади. Тўла қувватни агрегатнинг белгиланган самарадорлиги доирасида ўлчаб амалга оширилади. Турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи агрегатлар учун истеъмол қуввати ҳар бир чиқарилаётган маҳсулот тури учун аниқланади [5].

Қувват таркибининг ҳар бир ташкил этувчиларини ўлчашлар асосида аниқлашни ҳисобий усули ёрдамида математик статистика ва эҳтимоллар назариясидан фойдаланиб амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар 3 -расмда келтирилган алгоритм ёрдамида амалга оширилади [8].

Юқорида қайд этилганидек, энергетик кўрсаткичлари математик моделини ташкил этувчиларидан бири бўлиб, агрегатларнинг самарадорлиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ҳисобланади. Бу ерда, биринчи навбатда маҳсулот номенклатурасига, агрегатнинг бир ёки бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришига алоҳида эътиборни қаратиш керак. Бир турдаги маҳсулотда ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Бир нечта турли маҳсулот ишлаб чиқарилганда, истеъмол қуввати аниқлашда ҳар бир маҳсулот турини ҳисобга олиб аниқланади. Бунда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда агрегат иш режими ва умумий ишлаб чиқариш самарадорлигида маҳсулотнинг улушини ҳисобга олиш лозим.

Экспериментал маълумотлар асосида қўйидагича математик моделлар олинади:

$$P = f(A), W = f(П), e = f(П)$$

Олинган математик моделлар ишлаб чиқариш самарадорлигидан ташқари барча факторларнинг доимийлигини ҳисобга олади. Табиийки, бу факторларнинг ҳисобга олиниши, келтирилган ҳисоб китобларнинг ишончлилигини таъминлайди. Бизга маълумки, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида, ўрнатилган стандартлардан ўзгарадиган бир қатор оғишлар мавжуд бўлади. Уларга қўйидагилар киради [4]:

1. Маҳсулот сифати: унинг намлиги, турли хил элементларининг мавжудлиги, йириклиги ва бошқа факторлар;
2. Қурилмаларнинг иш режими: технологик тўхтаб қолишлар, узилишлар, юкланиш қийматлари ва бошқа факторлар;
3. Электр энергия сифати: тебранишлар, юқори гармоникаларнинг мавжуд бўлиши, ток ва кучланишнинг синусоидал эгри чизиқлари;
4. Технологик жараён компонентлари сифати: сиқилган ҳаво, сув, буғ ва бошқа компонентлар;
5. Технологик қурилмалар сифати: мойлаш, ростлаш, атроф-муҳит ҳарорати ва намлиги.

Олиб борилган ҳисоб китоблар натижасида агрегат учун якуний энергетик кўрсаткичлар аниқланади .

Ҳисобот даври учун электр энергия сарфи қўйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$W = \phi \cdot \left(W^{ц}_{ёрдам} (1 \pm f_1) + \delta \cdot M^{ц} (1 \pm \gamma_i) \right) \text{[кВт•с]} \qquad (3)$$

бу ерда:

ϕ – қаралаётган давр учун цикллар сони;

$M^{ц}$– цикл давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот [т];

f ,γ – истеъмол қувватига таъсир этувчи факторларнинг натижавий қиймати;

$W^{ц}_{ёрдам}$ – цикл давомида ёрдамчи эҳтиёжлар учун электр энергия сарфи [кВт•с];

δ – электр энергия солиштирма сарфининг доимий ташкил этувчи коэффициенти.

Истеъмол қуввати қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$P = \frac{W^{ц}_{ёрдам} \cdot \phi (1 \pm f_i) + \delta \cdot M^{ц} (1 \pm \gamma_i)}{t} \text{ [кВт]} \qquad (4)$$

Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергия сарфи қўйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$d = \phi \frac{W^{ц}_{ёрдам} \cdot (1 \pm f_i)}{M^{ц} (1 \pm \gamma_i)} + \delta \text{ [кВт•с/т]} \qquad (5)$$

Хулоса қилиб айтганда, агрегатнинг энергетик кўрсаткичлари қанчалик тўғри аниқланса, ҳисоблаш жараёнида уларга таъсир этувчи факторлар ҳисобга олинса, ҳисоботлар аниқлиги ошади [7].

Мазкур таклиф этилаётган усул учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан DGU №08021 рақамли «Қишлоқ хўжалиги корхоналари технологик қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш дастури» (муаллифлар:И.У.Рахмонов, А.М.Нажимова) учун гувоҳнома олинган [8].

Таклиф этилаётган усул ёрдамида аниқланган кўрсаткичлар мавжуд усуллар орқали аниқланган кўрсаткичларга нисбатан фарқ қилади (1-жадвал). Натижалар шуни кўрсатадики, мавжуд усуллар ёрдамида энергетик кўрсаткичларни аниқлашда умумий ҳолатда ёндашилади.

Маҳсулотни қай турда ишлаб чиқарилишидан қатъий назар, ҳисоблашларда умумий маҳсулот шакли сифатида олинган ва уни ҳисоб-китобларда шу кўрсаткичлардан фойдаланилган. Таклиф этилаётган такомиллаштирилган усулда эса бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши ёки кўп турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилишини ва унга таъсир этувчи факторларни ҳисобга олган ҳолда, ҳамда цех технологик жараёни хусусиятидан келиб чиқиб, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирларни жорий этишни таклиф этиш энергетик кўрсаткичларини аниқлашда ҳисоблаш аниқлигини ошириш имкониятини беради [8; 9].

1-жадвал. Амалдаги ва таклиф этилаётган усул бўйича энергетик кўрсаткичларнинг солиштирма жадвали (M=const)

№	Маҳсулот номи	Амалдаги усул бўйича dкВт·с/т	Таклиф этилаётган усул бўйича dкВт·с/т	%
1	20/1 маркали ип ишлаб чиқариш учун электр энергиянинг солиштирма сарфи	2478	2344	5,4
2	21/1 маркали ип ишлаб чиқариш учун электр энергиянинг	2681	2567	4,3

	солиштирма сарфи			
3	24/1 маркали ип ишлаб чиқариш учун электр энергиянинг солиштирма сарфи	3022	2841	6,0
4	26/1 маркали ип ишлаб чиқариш учун электр энергиянинг солиштирма сарфи	3294	3086	6,3
5	30/1 маркали ип ишлаб чиқариш учун электр энергиянинг солиштирма сарфи	3884	3725	4,1
6	32/1 маркали ип ишлаб чиқариш учун электр энергиянинг солиштирма сарфи	3140	3018	3,9

Юқоридаги жадвалда тадқиқот объектининг тўқимачилик корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган ипнинг бир нечта маркалари учун солиштирма сарф кўрсаткичлари аниқланган. Ишлаб чиқарилаётган махсулот турига боғлик ҳолда электр энергиясининг солиштирма сарф кўрсаткичини амалда қўлланилаётган ва таклиф этилаётган усуллар билан ҳисоблаганда ўртача 5% га кўрсаткичларнинг камайганини кўришимиз мумкин. Бунда қуйидаги 4 та асосий йўналишдаги тадбирларни жорий этишни таклиф этиш орқали эришиш тавсия этилган [3, 7, 10, 11]: электр энергия исрофларини камайтириш йўналишида: электр технологик қурилмаларнинг ФИКни ошириш; режали таъмирлаш ишларининг сифатини ошириш; электр технологик қурилмаларни ишлатиш тизимини такомиллаштириш; реактив қувватни компенсациялаш; махсулот бирлигига тўғри келувчи энергия сарфини камайтириш йўналишида: нуқсонли (брак) махсулот ишлаб чиқаришни камайтириш, хом-ашё сифатини ошириш, хом-ашёдан махсулот олиш коэффициентини ошириш; истеъмол қувватини камайтириш йўналишида: хом-ашё ва ярим фабрикат махсулотларнинг меъёрий параметрларини назорат қилиш ва ўрнатилган параметр қийматларини таъминлаш, технологик жараён хусусиятидан келиб чиқиб, ҳарорат ва намлик кўрсаткичларининг меъёрий қийматларини таъминлаш, электр технологик қурилмаларнинг юкланиш коэффициентини ошириш, электр технологик қурилмаларнинг тезлигини ростлаш; электр энергия истеъмолининг лимит кўрсаткичини камайтириш йўналишида: технологик жараён имкониятларидан келиб чиқиб, электр юклама графигини текислаш, энергетик кўрсаткичларни аниқлаш усулларини такомиллаштириш, электр энергия истеъмолини прогноз қилиш усулларини ишлаб чиқиш.

Таклиф этилаётган усул ёрдамида аниқланган кўрсаткичлар мавжуд усуллар орқали аниқланган кўрсаткичларга нисбатан фарқ қилади. Натижалар шуни кўрсатадики, мавжуд усуллар ёрдамида энергетик кўрсаткичларни аниқлашда умумий ҳолатда ёндашилади.

Маҳсулотни қай турда ишлаб чиқарилишидан қатъий назар, ҳисоблашларда умумий маҳсулот шакли сифатида олинган ва уни ҳисоб-китобларда шу кўрсаткичлардан фойдаланилган. Таклиф этилаётган такомиллаштирилган усулда эса бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши ёки кўп турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилишини ва унга таъсир этувчи факторларни ҳисобга олган ҳолда, энергетик кўрсаткичларини аниқлаш жараёни, ҳисоблаш аниқлигини ошириш имкониятини берган [3].

АДАБИЁТЛАР

1. Дзевенцкий А.Я., Хошимов Ф.А., Ибрагимов К.Х. Метод анализа и расчёта энергоёмкости продукции предприятий, использующих комплексно электрическую энергию и энергию вторичных энергоносителей. //Промышленная энергетика. 2001. № 4. С.24 – 48.
2. Рахмонов И.У. Повышение эффективности электропотребления на предприятиях черной металлургии: Авторефер. дис. … PhD,. тех. наук. – Ташкент., 2018. – 38 с.
3. Нажимова А.М., Реймов К.М. Применение частотно-регулируемого электропривода в системе собственных нужд Тахиаташской ТЭС. Республиканская научно-практическая конференция Молодых ученых, посвященная 70-летию Академии наук Республики Узбекистан // Сборник тезисов докладов, г. Ташкент, 2013 С.130-131.
4. Хошимов Ф.А. Оптимизация использования энергоресурсов в текстильной промышленности. Т. – Фан, 2005. – 252. с.
5. Нажимова А.М. Юлдошов Т.М., Исмандияров А.Д. Об эффективности частотно-регулируемого электропривода в системе собственных нужд ТЭС. Инновацион техника ва технологияларнинг қишлоқ хўжалиги – озиқ-овқат тармоғидаги муаммо ва истиқболлари. // Халқ. анж. илмий ишлар тўплами. –Т. ТошДТУ, 2020. С.752-754.
6. Хошимов Ф.А., Муратов Х.М., Рахмонов И.У. Основные закономерности изменения энергетических показателей технологического оборудования хлопкоочистительной отрасли.// Научно-технический журнал «Проблемы энерго-и ресурсосбережения». Ташкент, 2019. - №3-4. С.355-359.
7. Реймов К.М., Гайибов Т.Ш., Нажимова А.М. Оптимальное управление спросом на электроэнергию в условиях рыночной экономики. VI международная научно-техническая конференция. Современные техника и технологии горно-металлургической отрасли и пути их развития. г.Навои.2013. С.330-332.
8. Рахмонов И.У., Нажимова А.М. Программа учета энергетических показателей технологических оборудований сельскохозяйственного предприятия. // Агентство по интеллектуальной собственности РУз. Свидетельство DGU №08021 21.02.2020.
9. I.U.Rakhmonov, N.N.Niyozov, A.M.Najimova. Optimization of the operating mode of units with large Start-up power consumption. // International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29, №7, (2020), pp. 9323-9329.
10. Каршибаев А.И..Повышение эффективности электропотребления в условиях горных предприятий Узбекистана. Диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук – М.: МГГУ. 2011.
11. Нажимова А.М. Экологические проблемы энергетики. Сборник материалов республиканской научно-практической конференции. Нукус, 2013.С.228-229.
12. Rakhmonov I.U., Najimova A.M. Modeling Forecast of Power Consumption of Rural Enterprises. // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. ISSN: 2350-0328. December 2019.Vol.6, Issue 12, P.12225-12228.

Пахта-тоқымашылық кластери кәрханасының энергетик көрсеткишлерин есаплаў усылын жетилистириў
Рахмонов И. У. Ташкент мәмлекетлик техника университети
Нажимова А. М. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада санаат ислеп шығарыў кәрханалары электр энергия тутыныўын прогноз қылыў усылларын ислеп шығыў процессинде кәрхана технологиялық процесиниң қәсийетлерин есапқа алыў ҳәм электр энергия тутыныўына тәсир етиўши тийкарғы ҳәм жәрдемши факторлар тәсири анализ етилген. Буннан тысқары, аўыл хожалығы кәрханалары, атап айтқанда, пахта тоқымашылық кластерлеринде электр аппаратларының энергия натийжелилигин есаплаў ҳәм электр энергияны тутыныў нәтийжелери келтирилген.

Таяныш сөзлер: Жүклеме графиги, пахта -тоқымашылық кластер кәрханасы, тәсир етиўши факторлар, электр қурылма, энергия көрсеткиши, электр энергиясы тутыныўы, прогноз көрсеткиши.

Пахта-тўқимачилик кластери корхонасининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш

Рахмонов И.У. Тошкент давлат техника университети
Нажимова А.М. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада саноат ишлаб чиқариш корхоналари электр энергия истеъмолини прогноз қилиш усулларини ишлаб чиқиш жараёнида корхона технологик жараёнининг хусусиятларини ҳисобга олиш ва электр энергия истеъмолига таъсир этувчи асосий ва ёрдамчи факторлар таъсири таҳлил қилинган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, жумладан, пахта тўқимачилик кластерларида электр қурилмаларининг энергия самарадорлигини ҳисоблаш ва электр энергияни истеъмол қилиш натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: юклама графиги, пахта-тўқимачилик кластери корхонаси, таъсир этувчи омиллар, электр қурилма, энергия кўрсаткичи, электр энергияси истеъмоли, прогноз кўрсаткичи

Повышение методики расчета энергоэффективности предприятия хлопко-текстильного кластера

Рахмонов И. У. Ташкентский государственный технический университет
Нажимова А. М. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматриваются особенности технологического процесса предприятия и анализируется влияние основных и вспомогательных факторов, влияющих на потребление электроэнергии при разработке методов прогнозирования потребления электроэнергии промышленными предприятиями. А также представлены результаты исследования расчета энергоэффективности электрооборудования сельскохозяйственных предприятий, в том числе хлопково-текстильных кластеров.

Ключевые слова:график нагрузки, предприятие хлопково-текстильного кластера, влияющие факторы, электротехническое устройство, показатель энергии, расход электроэнергии, показатель прогноза

Improvement of method of calculation of energy performance of cotton-textile cluster enterprise

Raxmonov I.U. Tashkent State Technical University
Najimova A.M. Karakalpak State University

Summary: The article takes into account the features of the technological process of the enterprise and analyzes the influence of the main and auxiliary factors affecting the consumption of electricity, when developing methods for predicting the consumption of electricity by industrial enterprises. In addition, the results of the study of methods for calculating the energy efficiency of electrical equipment of agricultural enterprises, including cotton-textile clusters.

Key words: loading schedule, cotton-textile cluster enterprise, influencing factors, electro-technological device, energy indicator, electricity consumption, forecast indicator

УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОСТАВА ПРОДУКТОВ АЗОТНОКИСЛОТНОЙ ПЕРЕРАБОТКИ КАРБОНАТНЫХ ФОСФОРИТОВ КЫЗЫЛКУМОВ

[1]Алламуратова А.Ж., [2]Эркаев А.У., [1]Реймов А.М., [2]Таиров З.К.

[1]Каракалпакский государственный университет

[2]Ташкентский химико-технологический институт

ВВЕДЕНИЕ. С 2005 года на АО «Samarqandkimyo» функционирует опытно-промышленная установка по получению нитрокальцийфосфатного удобрения (НКФУ) [1]. В основу его производства заложен процесс разложения необогащенной фосфоритной мукиКызылкумского месторождения (масс. %): P_2O_5 17,20; CaO 46,22; CaO : P_2O_5 = 2,96; Al_2O_3 1,24; Fe_2O_3 1,05; MgO 1,75; F 2,00; CO_2 16,0; Cl 0,1 с 57 %-ной азотной кислотой (HNO_3) в пределах норм 55-65% от стехиометрии для связывания всего CaO фосфорита с последующей нейтрализацией свободной кислотности нитрокальцийфосфатной пульпы с помощью газообразного аммиака, упаркой, грануляцией и сушки готового продукта [2-5]. При неполной норме HNO_3 суммарная реакция выглядит следующим образом:

$$2Ca_5(PO_4)_3F + 10HNO_3 = Ca(H_2PO_4)_2 + 4CaHPO_4 + 5Ca(NO_3)_2 + 2HF$$

В соответствии с этой реакцией конечный продукт состоит из солей моно- и дикальцийфосфатов в смеси с нитратом кальция с различной степенью гидратности. Последняя зависит от условий кристаллизации нитрата кальция из пульпы при аммонизации, выпарке и сушке. Так влажность исходной пульпы составляет 37% H_2O, а упаренной – 25% H_2O. Температура исходной пульпы – 40°С, а упаренной – 80°С. Упаренная в аппаратах контактного типа пульпа содержит 8-9% P_2O_5; 5-6% N и имеет плотность – 1,7-1,8 т/м^3. За счет совмещения процессов выпарки и нейтрализации остаточной кислотности пульпы газообразным аммиаком в едином технологическом блоке pH пульпы на стадии выпарки повышается и колеблется в пределах 3,5-4,0. Продукт, полученный из такой пульпы состоит из дикальцийфосфата (20-25%), монокальцийфосфата (10-15%), нитрата кальция (50-55%) в пересчете на безводные формы солей. Удобрение такого состава несомненно представляет большой агрохимический интерес [6].

Помимо этого, сохранение такого соотношения водо- и цитратнорастворимых форм P_2O_5 и CaO в реакционной смеси на всем протяжении предусмотренных производственных циклов позволяет осуществлять переработку нитрофосфатной пульпы в готовые удобрения без стадии выделения нитрата кальция [7]. А гранулирование и сушку НКФУ в данном случае можно производит по общеизвестной схеме получения аммофоса с использованием аппаратов БГС [8].

Следует отметить, что гранулы НКФУ обладает весьма плохими физическими свойствами: сильно гигроскопичен, мажется, плохо рассеивается и не пригоден для механизированного внесения в почву и тукосмешения [9]. Поэтому для улучшения физико-химических свойств НКФУ нами предложены [10-12]: глубокая сушка и мгновенное охлаждение продукта, применение набольшего количества мелкой фракции продукта (гранул с размером менее 1 мм), обработка и покрытие гранул сульфатными, фосфатными и карбонатными солями в присутствии и отсутствия органических веществ (ПАВ). Эти предложенные способы позволяет существенно улучшать потребительские свойства, размеров частиц и их сыпучести. Однако при длительном хранении и транспортировке готового продукта протекают различные вторичные физико-химические процессы: сорбция влаги из воздуха или подсыхание, перекристаллизация вследствие гидратации, ретроградация, дегидратация или полиморфные превращения и другие.

С целью улучшения свойств продуктов азотнокислотной переработки карбонатного фосфатного сырья применяют различные способы удаления избыточного кальция или уменьшения соотношения CaO : P_2O_5 в перерабатываемой азотнокислотной пульпе: 1) вымораживание (кристаллизация) нитрата кальция; 2) введение дополнительного количества фосфорной кислоты; 3) осаждение избытка кальция серной кислотой или сульфатами аммония; 4) осаждение избытка кальция в виде $CaCO_3$ диоксидом углерода и аммиаком [13].

В условиях Узбекистана наиболее перспективным и доступным способом улучшения товарного качества НКФУ является применение серной кислоты для связывания части кальция в азотнокислотной пульпе в гипс. При этом можно получить целевой продукт, содержащий P_2O_5 частично или полностью в водорастворимой форме. В этом случае разложение фоссырья осуществляют азотной и серной кислот в молярном соотношении.

В некоторых странах при получении азотнофосфорного удобрения типа нитроаммофосфата с массовым отношением N : P_2O_5 = 1 : 1 и содержанием водорастворимых форм P_2O_5 не менее 60% от общей формы фосфора суммарный расход азотной и серной кислот берут 140% от стехиометрии для связывания кальция и выведения из системы в виде гипса. В данном случае фосфорит разлагают азотной кислотой в двух первых реакторах, в третий и четвертый подают 60% от общего количества серной кислоты, остальную дозируют в реактор-аммонизатор. Далее влажный продукт сушат и гранулируют. Но для осуществления процесса необходимо качественное фосфатное сырье, как например апатитовый концентрат Кольского полуострова (39,5% P_2O_5, кальциевый модуль, то есть отношение CaO к P_2O_5, в нем 1,32) [13].

В отличие от вышеприведенного, нами разработан способ, где декарбонизация и разложение фосфатного сырья осуществляет низкоконцентрированной азотной кислотой при различных её нормах от стехиометрии для

образования нитрата кальция. Оба процесса проводятся в одном аппарате, а время подачи кислоты в зону реакции осуществляется равными порциями в течение 2-4 мин при активном перемешивании. Затем в полученную нитрокальцийфосфатную пульпу добавляется серная кислота, благодаря чему происходит доразложение фосфатного сырья и частичное высушивание пульпы. В этом случае в реакционной пульпе содержание жидкой фазы в 2-4 раза меньше, чем от разработанной технологии НКФУ [2, 14]. Благодаря чему при разложении карбонатного фосфатного сырья не наблюдаются обильное пенообразование и выделение оксидов азота в газовую фазу. Полученная густая масса или её смесь с нейтрализующими добавками (например, аммиаком) подается в смеситель, куда одновременно подается ретур в количестве, необходимой для поддержания в массе влаги 20-25%. Грануляцию пульпы целесообразнее осуществлять в шнековом или тарельчатом грануляторе в присутствии ретура.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ ЧАСТЬ. Для лабораторных исследований в качестве фосфатных материалов были взяты три марки фосфатного сырья Кызылкумского месторождения: фосфоритная мука, мытый сушеный концентрат и пылевидная фракция. Последняя образуется при получении фосфоритной муки в результате дробления и измельчения руды и которая пока никак не используется. В условиях острейшего дефицита качественного фосфатного сырья мы считаем, что и их нужно использовать в сельскохозяйственном производстве. Для этого нужно только перевести находящуюся в них неусвояемую форму P_2O_5 в усвояемую для растений форму. Кызылкумские фосфориты относятся зернистым фосфоритам, главным минералом которых является франколит. Он имеет параметры элементарной ячейки a_o = 9.33A^o, c_o = 6.89A^o и содержит 37% P_2O_5, 3.5% CO_2 и до 3% SO_3, изоморфно входящих в его кристаллическую структуру.

Химическая формула франколита (штаффелита) выглядит следующим образом:

$$2Ca_{10}P_{5.2}C_{0.8}O_{23.2}F_{1.8}OH \rightarrow 5.2P_2O_5 + 18.2CaO + 1.6CO_2 + 1.8CaF_2 + H_2O$$

В начальной стадии нами в лабораторных условиях изучен процесс получения азотнофосфорных удобрений путем декарбонизации и разложения фосфоритной муки состава, приведенной в табл. 1 сначала азотной, затем серной кислот при их суммарной норме 20,7-123% от стехиометрии на образование нитрата кальция.

Таблица 1. Химический состав различных видов фосфоритов Центральных Кызылкумов

Наименование фосфатного сырья	Содержание компонентов, масс. %						
	P_2O_5	CaO	Al_2O_3	Fe_2O_3	MgO	F	CO_2
Фосфоритная мука	17,20	46,30	1,23	1,04	1,70	1,98	15,5
Мытый сушеный концентрат	24,10	46,40	0,34	0,47	0,93	2,44	9,5
Пылевидная фракция	18,55	45,01	0,96	0,78	0,90	2,2	15,0

При этом норму HNO_3 (N_{HNO3}) варьировали от 5 до 31%, а H_2SO_4 (N_{H2SO4}) – от 7,6 до 93% от стехиометрии на связывание CaO в фосфатном сырье. А концентрация первого составляла (C_{HNO3}) 50 и 54%, (C_{H2SO4}) второго – 65 и 92%. Продолжительность взаимодействия фосфатного сырья азотной кислотой составлял 15 минут, а нитрокальцийфосфатной пульпы серной кислотой также 15-20 минут при температуре 75-80^{o}C. После завершения процесса перемешивания нейтрализацию кислых реакционных смесей проводили газообразным аммиаком не ниже 3,0. Затем их высушивали при 90-100^{0}C. Рассчитывали массу продукта, определяя при этом влажность пульпы. Гранулирование влажных фосфатных масс осуществляли в процессе сушки методом интенсивного размешивания и окатывания в присутствии ретурного числа. Далее готовые образцы охлаждали, измельчали и подвергали химическому анализу на содержание различных форм P_2O_5 и CaO, а также на содержание азота и CO_2 по известным методикам [15]. По изменению содержания CO_2 рассчитывали степень декарбонизации фосфатного сырья.pH продукта определяли после часового взбалтывания его 10%-ной водной суспензии. Прочность гранул удобрений определяли на приборе МИП-10-1 [16].


Результаты и их обсуждение. Экспериментальные данные показали, что чем выше кратность ретура, тем ниже содержание влажности готового продукта. Так, с увеличением количества ретура до 8 масс.ч. по отношению 1 масс. ч. начального продукта, влажность продукта снижается с исходного 22% до 1,5% в конечном (рисунок, кривая-1), то есть процесс грануляции можно провести на тарельчатом или шнековом грануляторе.

В табл. 2 приведен состав продуктов азотносернокислотной переработки фосфоритной муки в зависимости от нормы азотной и серной кислот с применением ретурного числа 1:6.

Таблица 2. Состав продуктов азотносернокислотной переработки рядовой фосфоритной муки Центральных Кызылкумов

№ опыта	Концентрация и норма HNO_3, %		Концентрация и норма H_2SO_4, %		Сумма N_{HNO3}+ N_{H2SO4}, %	Содержание азота, масс.%			Содержание P_2O_5 масс. %		$P_2O_{5усв.}$: $P_2O_{5общ.}$	Степеньдекарбон. фоссырья, %
	C_{HNO3}	N_{HNO3}	C_{H2SO4}	N_{H2SO4}		$N_{нитрат.}$	$N_{аммиач.}$	$N_{общ.}$	$P_2O_{5общ.}$	$P_2O_{5усв.}$		
1	54	11	92	23	33	1,97	-	1,97	13,50	5,4	40,1	75
2	54	11	92	70	80	1,57	1,50	3,04	10,54	8,22	78,2	95
3	54	11	92	93	103	1,37	2,90	4,27	9,36	8,55	91,3	97,5
4	54	21	92	23	45	3,75	1,05	4,80	12,80	6,40	50,4	86
5	54	21	92	70	91	2,73	1,81	4,54	9,34	7,66	82,3	96
6	54	21	92	93	114	2,46	3,01	5,47	8,43	7,76	92,1	98
7	54	31	92	23	53	5,05	1,21	5,9	11,54	6,92	60,1	90
8	54	31	92	70	100	3,89	2,02	6,26	8,89	8,0	90,1	97
9	54	31	92	93	123	3,56	3,51	7,07	8,14	7,73	95,1	98

10	54	15	92	11,7	20,7	3,03	-	3,03	14,82	5,04	34,1	68
11	54	15	92	32,7	47,7	2,73	1,15	3,88	13,31	6,79	51,1	86,5
12	54	15	92	58,5	73,5	2,17	2,03	4,20	10,61	7,75	73,4	89
13	54	16	65	7,6	23,7	3,24	-	3,24	14,68	4,55	31,1	65,0
14	54	16	65	15,2	31,2	3,03	-	3,03	13,82	5,25	38,2	71,0
15	54	16	65	22,8	38,8	2,83	1,03	3,86	12,94	5,69	44,3	77,0
16	50	15	65	7,6	22,6	2,78	-	2,78	13,70	4,11	30,4	60,0
17	50	10	65	15,2	25,2	1,88	-	1,88	13,93	4,60	33,4	67,1
18	50	5	65	22,8	27,8	0,94	-	0,94	13,93	4,88	35,2	70,02



Кратность ретура. Рисунок. Изменения влажность продукта в зависимости от кратности ретура.
(1 – пылевидная фракция; 2 – фосфоритная мука; 3 – мытый сушеный концентрат)

Из неё видно, что при одинаковых концентрациях азотной и серной кислот (54% HNO_3 и 92% H_2SO_4) и постоянстве норме HNO_3 – 11% и 21% увеличение нормы H_2SO_4 с 23 до 93% содержание $P_2O_{5общ.}$ в продуктах снижается с 13,50 до 9,36% и 12,80 до 8,43%, а содержание $N_{общ.}$ наоборот повышается с 1,97 до 4,27% и 4,80 до 5,47%, соответственно.При этом в продуктах отношение $P_2O_{5усв.}$:$P_2O_{5общ.}$ повышается с 40,1 до 91,3% и 50,4 до 92,1% при степени декарбонизации фосфатного сырья ($К_{декарб.}$) с 75,0 до 97,5% и с 86 до 98%. Следует отметить, что в этих условиях суммарные нормы азотной и серной кислот соответственно колеблются в пределах 33-103% и 45-114% от стехиометрии.

При одних тех же изменениях нормы H_2SO_4 и относительно высокой норме HNO_3 – 31% (при суммарной норме кислот – 53-123%), содержание $P_2O_{5общ.}$ в продуктах снижается, хотя незначительно (с 11,54 до 8,14%), но содержание $N_{общ.}$ достаточно высоко (5,47-7,07%). При этом фосфатное сырье полностью декарбонизируются (90-98%) и продукты имеют $P_2O_{5усв.}$:$P_2O_{5общ.}$ от 60 до 95%.

Однако повышение нормы HNO_3 более 30% и H_2SO_4 более 70% нежелательно, так как влажность продукта превышает 6,03% и имеют повышенную кислотность, что требует глубокой аммонизации реакционной массы, приводящей снижению содержания питательных компонентов и ретроградации P_2O_5 – перехода водорастворимого монокальцийфосфата в цитратнорастворимый дикальцийфосфат по реакции:

$$Ca(H_2PO_4)_2 + NH_3 = CaHPO_4 + NH_4H_2PO_4$$

Дальнейшее уменьшение усвояемых форм P_2O_5 при аммонизации объясняется последующей ретроградацией P_2O_5 по реакции:

$$2CaHPO_4 + CaSO_4 + 2NH_3 = Ca_3(PO_4)_2 + (NH_4)_2SO_4$$

Чтобы избежать от дополнительного процесса аммонизации продукта, приводящие выше негативные явления, нами выбрана суммарная оптимальная норма азотной и серной кислот – 73,5; 80 и 91% соответственно для HNO_3 – 15; 11 и 21; для H_2SO_4 – 58,5; 70 и 70%. В этих случаях полученные азотнофосфорные удобрения содержат (вес. %): в первом - $P_2O_{5общ.}$ – 10,61; $N_{общ.}$ – 4,20; $P_2O_{5усв.}$:$P_2O_{5общ.}$ = 73,4; $К_{декарб.}$ – 89; прочность гранул 2,3 МПа; pH = 3,5; во втором - $P_2O_{5общ.}$ – 10,54; $N_{общ.}$ – 3,04; $P_2O_{5усв.}$:$P_2O_{5общ.}$ = 78,2; $К_{декарб.}$ – 95; прочность гранул 2,1 МПа; pH = 3,6 и в третьем - $P_2O_{5общ.}$ – 9,34; $N_{общ.}$ – 4,54; $P_2O_{5усв.}$:$P_2O_{5общ.}$ = 82,3; $К_{декарб.}$ – 96; прочность гранул 2,2 МПа; pH = 3,3. С таким содержанием усвояемого фосфора полученные продукты являются эффективными азотно-фосфорными удобрениями.

Далее изучен процесс получения комплексныхNPK-удобрений. Для этого в продукты азотнокислотной переработки мытого сушеного концентрата и пылевидной фракции, составы которых приведены в табл. 1 добавляли калийные компоненты.

Процесс включает декарбонизацию и разложение фосфатного сырья одновременно (в одном аппарате), нейтрализацию до pH не ниже 3,5, упаривание пульпы до плотности не менее 1750 кг/м^3, добавление калийных солей при массовом соотношении $N:P_2O_5:K_2O$, равном 1:1:1; 1,5:1:1 и 1:1,5:1, гранулирование продукта и сушка в присутствии ретура и охлаждение. Количество азотной кислоты и калийных солей на 100 кг фосфорита при заданном массовом соотношении $N:P_2O_5:K_2O$ рассчитывается по формуле:

$A_{HNO3} = (C_{P2O5}*63/14) *(100 / C_{HNO3}) * (П_N / П_{P2O5})$;

$A_{ф/с} = 100 * П_{P2O5}$;

$A_{к.соль} = 0,5(C_{P2O5}* M_{к.соль} / C_{K2O}) *(П_{K2O} / П_{P2O5})$;

где, A_{HNO3}, $A_{ф/с}$, $A_{к.соль}$ - количество азотной кислоты, фосфатного сырья и калийных солей соответственно;

C_{P2O5}, C_{K2O} - содержание P_2O_5 и K_2O в фосфатном сырье и калийной соли, соответственно;

C_{HNO3} - концентрация азотной кислоты;

$M_{к.соль}$ - молекулярная масса калийных солей

$П_N$, $П_{P2O5}$, $П_{K2O}$ - численные значения заданного массового соотношения N, P_2O_5, K_2O, соответственно.

В качестве калийных компонентов использовали сульфатные, хлоридные и карбонатные соли, гигроскопичность (по 10-баллной шкале) которых приведены ниже:

Компоненты	Баллы (α)	Качественная оценка гигроскопичности
K_2SO_4	>1	Практически негигроскопично
K_2CO_3	>1	Практически негигроскопично
KCl	(3,62) 3-5	Гигроскопично

Калийные соли добавляются в смеситель, куда одновременно поступает упаренный плав в количестве, необходимом для поддержания массового соотношения $N:P_2O_5:K_2O$, равном 1:1:1; 1,5:1:1 и 1:1,5:1. Визуальные наблюдения показывают, что процесс грануляции в присутствии ретура необходимо проводить при поддержании количества влаги в массе не более 7-8%.Следует отметить, что снижение плотности плавадо менее 1750 кг/м^3 приводит к усложнению процесса грануляции и ухудшению свойств полученных удобрений за счет увеличения их влагосодержания.

В табл. 3 приведены составы сложных удобрений. Из неё видно, что на основе продукта азотнокислотного разложения мытого сушеного концентрата и калийных компонентов с изменением массового соотношения $N:P_2O_5:K_2O$ от 1:1:1 до 1,5:1:1 и 1:1,5:1 состав гранулированных NPK-удобрений выглядит следующим образом: для K_2SO_4 – 7,2-10,89% N; 7.26-10.76% P_2O_5 с суммой питательных компонентов – 25.5-26.5%; 7.2-8.84% K_2O; для KC1 – 7.7-11.6% N; 7.72-11.43% P_2O_5; 7.7-9.53% K_2O с суммой питательных компонентов – 27-28.5%; для K_2CO_3 – 7.9-9.84% N; 7.92-11.9% P_2O_5; 7.9-9.84% K_2O с суммой питательных компонентов – 27.7-29.5%.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «2021 йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этиш. Ёшлар форумидаги учрашувда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бундан ташқари ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаган холда уларни касб-ҳунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади» деб таъкидлаб ўтди. [1]Бу эса ўз навбатида инновацион ривожланиш даврида ёшларга кенг имкониятлар берилаётганлигидан далолат беради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, амалга оширилаётган ислоҳотлар инсонни ҳар томонлама камол топиш мақсадларига йўналтирилган. Шунга кўра, республикамиз инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончини тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Иқтисодий тараққиёт ва инсон салоҳиятини ривожлантиришда аҳолини иш билан бандлиги муҳим омил ҳисобланади. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш унинг такрор ишлаб чиқарилиши учун зарур шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси, иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасин ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун қилинадиган сарфлар аҳолини иш билан таъминланишига боғлиқдир. Шунинг учун аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат бозорида ишсизларнинг 90%га яқини муносиб ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан муҳтожлик сезмоқда. Муносиб иш ўринлари - бу ишчиларга қизиқарли ва қўлидан келадиган ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлган иш ўринларидир. Муносиб иш жойига эга бўлиш учун меҳнат бозорида ишчи кучи анча рақобатбардош бўлиши зарур. Ишлаб чиқаришнинг ёки ташкилотда бошқаришнинг рационал ташкил этилиши ва модернизациялашиши натижасида кадрларнинг тақчиллиги юзага келмоқда. Ўз вақтида иш жойини ўзгартириш, қайта тайёргарлик, бўш иш жойларига қабулнинг тўхтатилиши, кадрларни ишдан бўшатишга ижтимоий йўналтирилган танлаб олишнинг амал қилиши, персонални қисқартириш ёки қабул қилишни режалаштириш йўли билан ички меҳнат бозорини тартибга солишни зарурат этмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш инсон ижтимоий ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, у меҳнат масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳамда меҳнатга бўлган таклиф ва талабларни қондириш йўлларини очиб беради. Иш билан бандлик кишиларнинг иш жойлари қаердалигидан қатъи назар, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш юзасидан ўзаро киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларидир. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Аҳолининг иш билан бандлик тоифаси фақат иқтисодий компонентлар билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир. Шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик унинг асосий ҳусусияти ҳисобланади. Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида намоён бўлар экан, уни қуйидагича таърифлаш мумкин. Иш билан бандлик - фуқароларнинг қонун хужжатлари зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ, уларга иш ҳақи ёки меннат даромади келтирадиган фаолиятдир.

Иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминлашнинг муайян модели мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиб беради. Тажриба шуни кўрсатадики, жамият муаммолари ичида инсоннинг шахси ва талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ҳал қилишга уриниш омадсизликка маҳкум етади. Шунинг учун авваллари олимлар иш билан бандлик муаммоларини кўриб чиқаётганларида асосан, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор берган бўлсалар, кейинги пайтда иш билан бандликнинг ижтимоий жиҳатлари тўғрисида тобора кўпрок гапирилаётганлиги бежиз эмас.

Аҳолини иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига хос хусусиятлар, шу жумладан, иш билан бандлик турлари, касб-малака гуруҳлари бўйича тақсимлашдаги қонуниятлар кишиларнинг ёши ва жинси бўйича фарқланиши билан ифодаланди

1.1-жадвал. Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши)*

Кўрсаткичлар	Йиллар				2020 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
	2010	2014	2016	2020	+,-	Фоиз
Жами аҳоли сони	28001,4	31567,4	32121,0	34036,8	6035,4	121,5
Шундан:						
Шаҳар аҳолиси	14327,8	15964,0	16238,6	17183,7	2855,9	119,9
Қишлоқ аҳолиси	13673,6	15612,4	15882,4	16853,1	3179,5	123,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси маълумотидан.

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда. Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, 2010-2020 йилларда республикамиз меҳнат ресурслари 2930.8 минг кишига кўпайиб, ушбу кўрсаткич мазкур йилларда 17,7% га ошганини кўрсатмоқда.[4] Бундай ҳолат республикамизда демографик вазиятнинг мураккаблигидан далолат беради. Чунки меҳнат бозорида демографик «босим»нинг кучайиши ёшларнинг иш билан таъминлаш муаммосини кучайишига сабаб бўлади.

Таҳлил этилаётган даврларда Ўзбекистон Республикасида аҳоли сони 21,5 %гаошган. Шунингдек, республикамизда шаҳар аҳолисини мунтазам кўпайиб боришикузатилмоқда, яъни 2020 йилда 17183,7 минг кишини ташкил этган, яъни букўрсаткичнинг 2010 йилга нисбатан ўсиши 19,9 % га ошган ошган[4]. Республикамизда иш билан бандлар сони бу даврлар оралиғида 17,9%гаошган ҳолда, ишсизлик даражаси 2020 йилда 9,1%ни ташкил этган. Шунингдек, мустақил тарзда иш қидираётганлар сони 2,5 мартага ошган. [4] Бунинг асосий сабаби меҳнат бозори эгилувчанлигининг таъминланиши ҳисобига ностандарт иш билан бандлик турларининг кенгайиб бораётганлиги ҳисобланади (1.1-жадвал).

Мамлакатда ишсизлик катта иқтисодий, молиявий ижтимоий ва баъзан психологик ҳаражатларга олиб келади. Иқтисодий ҳаражатларбарча иқтисодий фаол аҳоли банд бўлмаслиги оқибатида ЯИМда ўз ифодасини топади. Молиявий ҳаражатларга, биринчидан, ишсизларга ижтимоий ёрдам сифатида кетадиган ҳаражатлар(нафақа моддий ёрдамнинг бошқа турлари, иш билан бандлик дастурини амалга оширишга), иккинчидан, давлат бюджетига тушмаган солиқлар суммаси орқали ҳисобланадиган ҳаражатлар киради. 1981 йилда Буюк Британия молия вазирлиги томонидан олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра битта ишсиз учун қилинган ҳаражат давлатга 3,4 минг фунтга тушган ҳамда давлатнинг барча молиявий ҳаражатлари 9,8 млрд. фунтни ташкил этган [3]. Шунингдек, қишлоқ аҳолиси сонининг доимий ошиб бориши Ўзбекистонда демографик ривожланишнинг ўзига хос хусусиятидир. Бунда ҳозирги кунда меҳнат бозорида ёшларнинг жами меҳнат ресурслари таркибида ҳиссаси ошиб бориши тенденсиясининг мавжудлиги ёшлар ишчи кучига талабни ошириш ва ишчи кучи таклифини қисқартириш муаммосини юзага келтирмоқда.

Ташкилий-ҳуқуқий механизмга меҳнат муносабатларига оид қонун ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш чора-тадбирлари ва меҳнат бозори инфрастузилмасининг ривожланиши кабилар киради.

1.2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва иш билан банд аҳолисонидинамикаси, (минг киши)

Кўрсаткичлар	Йиллар				2010-2020 й.й..да ўсиш %	
	2010	2014	2018	2020	+,-	фоиз
Аҳоли сони	28001,4	31567,4	32956,1	34036,8	6035,4	121,5
Меҳнат ресурслари	16504,2	18761,0	18829,6	19435,0	2930,8	117,7
Иш билан бандлар	11628,4	13058,3	13273,1	13716,8	2088,1	117,9
Ишсизхлик даражаси, %	4,8	5,2	9,3	9,1	4,3	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси маълумотидан.

Аҳолининг ижтимоий-фойдали фаолиятда қатнашиш хусусияти бўйича жинс-ёш гуруҳларини ижтимоий-демографик гуруҳлари деб аташ қабул қилинган. Аҳолининг жинс ва ёши бўйича иш билан бандлик хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадида аҳолининг қуйидаги ижтимоий-демографик гуруҳларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: эркаклар, аёллар, ёшлар (16-29 ёшгача бўлган меҳнатда фаол аҳоли) ўрта ёшли кишилар (30-49 ёш), пенсияга чиқиш арафасидаги кишилар (50 ёшдан ошган меҳнатга қобилиятли аҳоли), пенсия ёшидаги кишилар ва бошқалар. [2]

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ҳамда корхоналар даромадлари йўқотишларини қоплаш, фаолият юритишини ҳамда иш ўринларини сақлаб қолишни рағбатлантириш мақсадида турли имтиёзлар жорий этилди. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорлик субектларига мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйча кечиктириш имконияти тақдим этилди.

Юқорида келтирилган масалалар билан бир қаторда аҳолини асосан ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш масаласиҳам пандемия шароитида долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Меҳнат бозори жамият, сиёсат ва иқтисодиётда рўй берадиган ўзгаришларга сезгир ҳисобланади. Дунё бўйича 2020 йил бошла-нишидан меҳнат бозоридаги айрим касбларга бўлган талаб кескин ўзгара бошлади. Инқирозли шароитларда, хусусан, коронавирус инфекциясининг кенг тарқалиши хавфи мавжудлиги шароитида аҳоли даромадларини ва иш ўринларини сақлаб қолиш, аҳоли иш билан бандлигининг эгилувчан шаклларидан, яъни, айрим жойларда қисқартирилган иш куни ёки ҳафтаси, айрим соҳаларда масофавий иш билан бандликдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 2млрд. Дан ортиғи норасмий иқтисодиётда иш билан банддир. Булар, жами иш билан бандларнинг 62%ни ташкил этади. Норасмий иш билан бандлик паст ривожланган мамлакатларда 90,0% га яқини, ўрта ривожланган мамлакатларда 67,0% ва

ривожланган мамлакатларда 18,0% атрофида ташкил этади. Ёшларни иш билан бандликни таъминловчиларни рағбатлантириши нқирозли ҳолатларни ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини бартараф этиш учун зарурдир. Бундай чоралар самарали мулоқот асосида инқирозга қарши чораларни адолатли, самарали бўлиши ва бевосита иштирокчиларнинг имкониятлари ваҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Таҳликали вазият иш берувчилар, ходимлар ва ҳукумат ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда ижтимоий шериклик жараёнига норасмий иш билан бандларни ҳам жалб этиш имконини беради. Халқаро меҳнат меёрлари барчани қамраб олишга қаратилиб, инсон ҳуқуқлари, имкониятлар тенглиги, ҳар кимнинг соғлиғи ҳолатини эътиборга олган ҳолда ҳеч камситишларсиз адолатли сиёсат олиб боришга хизмат қилади. Бу эса асосан инқирозларга норасмий иқтисодиётни инобатга олган ҳолда самарали қарши курашиш имконини беради. ХМТ тавсияларига кўра, инқирозли вазиятларда муносиб иш ўринларини таъминлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ: барчага молиявий кўмак ва тиббий хизматларда фойдаланиш имконини яратиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш; кенг қамровли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш; ишлаб чиқариш ва ҳизмат кўрсатиш тармоқларини қўллаб-қувватлаш, кичик саноат зоналарини ташкил этиш орқали расмий иш ўринларини яратиш ва уларни рағбатлантириш. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий маълумотларига кўра бугунги кунда Ўзбекистон меҳнат бозорида 13,7 млн киши банд бўлиб, улардан 5,8млн киши расмий ва 7,9 млн киши норасмий секторда, шу жумладан, 2,6 млн киши меҳнат мигранти сифатида меҳнат қилмоқда. Норасмий иқтисодиётдаги иш билан бандлар ҳамда корхоналар пандемия шароитида инқирозга учраши мумкин бўлган энг заиф қатлам ҳисобланади. Ушбу қатламни қўллаб-қувватламаслик меҳнат бозори инқирозга юз тутиши ҳамда камбағаллик даражасини ошишига олиб келиши мумкин. Молиявий технологиялар, касаба уюшмалари, иш берувчилар, бизнес вакиллари ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар ҳамжиҳатликда ишни ташкил этиши орқали норасмий иш билан бандларни қамраб олиши мумкин. Муносиб рағбатлантириш имкониятлари, техник кўмаклашиш қисқа ва узоқ муддатда норасмий корхоналарни расмийлаштириш имконини беради. Ривожланаётган мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналарда норасмий иқтисодиётни қисқартириш чора-тадбирлари оқибатларини юмшатиш ушбу корхоналарнинг норасмий секторга яна қайтишини олдини олиш учун муҳим аҳамият касб этади. Бандлик деганда турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ёлланиб ишлаш билан чекланибгина қолмай, айни пайтда тадбиркорлик сохасида ўзини ўзи иш билан мустақил таъминлашни ҳам ўз ичига олади. 2020-йил 8-июн куни Ўзбекистон Президентининг»Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 2020-йил 1-июлдан бошлаб Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш бўйича фаолият турларининг 67тагача кенгайтирилиши асосида рўйхатга олиш тартиби жорий этилган эди. Ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020-йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди. Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ЯТТлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади[5].

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг айнан ишсизлик муаммосини ҳал этишга қаратилганчора-тадбирлари бу борада қатор ижобий натижалар бермоқда. Айниқса, ишсиз ёшларни иш ўринларибилан таъминлашга йуналтирилган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, “Ҳар бир ёшга бир гектар» лойиҳаси юртбошимиз топшириғига асосан ҳокимликлар, сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида 2020-йилнингИ-чораги натижаларига кўра, республика бўйлаб жами 25 мингдан зиёдгектарер майдонлариёшларга ажратилди. Жумладан, 1277 га. сабзавот, 1787 га. полиз, 10296 га. дуккакли экинлар, 7727га. бошоқли дон экинлари ва 391 га. картошка экиш учун, 3 866га. Эса боғяратиш учунажратибберилди[6].

Республикамизда вақтинча ишсизлик мавжудлиги сабабларидан бири – ишчи кучига бўлганталаб ва таклиф ўртасидаги номутаносибликдир. Яъни иш билан банд бўлмаган аҳолининг катта қисмималакасиз ходимлар ва меҳнат бозорига биринчи марта чиқаётган ёшларни ташкил этмоқда. Аксинча, иқтисодиёт тармоқларида юқори малакага ва иш тажрибасига эга бўлган кадрларга талаб ортиб бормоқда. 2020-йил 11-август куни Президентимиз томонидан имзоланган “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ҳам аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалгаоширишучунқўшимчашарт-шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз қарорига асосан, ушбу лойиҳалар ижросини таъминлаш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан2 020-йил учун ажратиладиган маблағларга қўшимча равишда150миллиард сўм маблағ ажратилади. [7]

Бу чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, иқтисодиёт ривожланишига, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил ўсишига мустаҳкам замин яратмоқда. Иш билан бандликда ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий вазифалари уларинг мамлакат меҳнат потенциалини шакллантиришдаги роли билан белгиланади. Бу гуруҳда шартли равишда икки катта гуруҳни -ўқувчилар ва ишловчи ёшларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Меҳнат бозорига чиқадиган ва иш билан бандликка кўмаклашув Марказлари хизматига мурожаат қиладиган ёшларнинг умумий сони кадрларнинг бўшаш кўлами билан белгиланади, Бунда кўп нарса ходимлар

қайси тармоқлардан бўшашига боғлиқ бўлади. Агар булар машинасозлик, тўқимачилик саноати тармоқларида бўлса, бу жойларда ишловчи ишчиларнинг улуши кўпроқ бўлади ва улар орасида ишсизлик сони ортади.

Ёшлар ўртасидаги ишсизлик миқёсини тартибга солиб туришнинг муҳим усули фаолиятнинг асосий соҳаси бўлган эҳтиёжини пасайтиришдан иборат бўлиб, бунга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим оладиганлар сонини кўпайтириш, кичик ёшдаги ва мактабгача ёшдаги болалари бор ёш аёлларга нисбатан эса оилаларга ижтимоий ёрдам беришни яхшилаш йўли билан эришилади. Ўқиётган ёшлар сонини кенгайтиришнинг иккита йўналиши бўлиши мумкин. Биринчиси ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш имкониятларини кенгайтиришдир. Иккинчийўналишга вақтинча чора сифатида қараш мумкин ва у коллеж ўрта махсус ва олий ўқув юртларида меҳнат бозори эҳтиёжларини ўзгариб боришига мувофиқ қайта ихтисослашув натижасида таълим олиш муддатини узайтиришдир.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида амалга ошириб келаётган ислоҳотларнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири - бу такомиллашган меҳнат бозорини шакллантириш ва унинг самарали амал қилишини таъминлаш ҳисобланади. Республикамизда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган ёшлар орасида ишсизлар сони салмоқли миқдорга эга бўлмоқда. Бундай ҳолат меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг ишсизлигини камайтиришнинг самарали усуллари ва механизмларини тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси ёш жиҳатидан анча ёш ҳисобланади, меҳнат ресурслари таркибига кириб келувчилар, яъни меҳнат қобилияти ёшига келиб қўшилувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Бунинг асосий сабаби собиқ Иттифоқ даврида ва мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида республикамизда аҳолини тез суръатлар билан кўпайиши натижасида ҳозирги кунга келиб, демографик босимнинг ортишига олиб келди. Оқибатда ёшларни, айниқса, қишлоқ ёшларининг ишсизлигини камайтириш ва уларнинг иш билан бандлигини таъминлашда жиддий муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш, уларнинг меҳнат бозоридаги ҳатти-ҳаракати қатор жиддий ижтимоий-иқтисодий ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёшларнинг салмоғи юқори эканлиги билан ажралиб туради. Меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлиги ва уларни касбга тайёрлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги глобаллашув шароитида дунёнинг барча мамлакатларида ёшлар орасида ишсизликнинг юқори даражада эканлиги кутилмоқда. Бугунги кунда ёшлар меҳнат бозорини тартибга солиш ва қишлоқда ишсизликни ва аввало 30 ёшгача бўлган шахслар орасида бартараф этиш масалалари етарлича ўрганилмаган. Шу муносабат билан ўтказилган тадқиқотлар қуйидагиларни тасдиқлашга имкон беради, яъни қишлоқ ёшлари ишсизлиги даражасининг юқори бўлиши кўпроқ ишчи кучини дастлабки касбга тайёрлаш тизими (шу жумладан, касбга йўналтириш)ни такомиллашмаганлиги, уларни ишга жойлашишининг паст даражаси ва оператив эмаслиги, иш берувчиларга ёш кадрлар учун иш ўринларини таҳлил қилиш ва сақлаб қолишга ҳамда яратишга моддий рағбат ва имтиёзлар йўқлиги, қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ривожланмаганлиги, ёшларда малака етишмаслиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг яхши ривожламаганлиги; истиқболда иш билан бандликни ривожлантириш бўйича илмий жиҳатдан асосланган дастурларнинг ишлаб чиқилмаганлиги билан белгиланади.

Бизнинг фикримизча меҳнат бозорида ёшлар ишсизлигини камайтиришни таъминловчи омиллардан бири, уларнинг билим даражаси ва касбий малакасини ошириш ҳамда меҳнатни диверсификациялаш билан боғлиқ ноқишлоқ иш ўринларини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ҳисобланади. Ёшларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларини амалга ошириш, уларнинг ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш меҳнат бозорида ёшларга меҳнатни диверсификациялаш асосида талабни рағбатлантириш ҳамда чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш натижасида уларнинг иш билан бандлиги даражасини ошириш бўйича тегишли илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020 й. Халқ сўзи №276 (7778).
2. Абдураҳмонов Қ.Х Меҳнат иқтисодиёти (дарслиги) –Т: «Меҳнат», 2009-238-б.
3. Economic progress Report.- London. : 1981
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумоти 2020 йил.
5. Солиқ.уз- ЎзбекистонРеспубликасиДавлат СолиқҚўмитасирасмий вебсаҳифаси.
6. Хс.уз–»Халқсўзионлайн»газетаси вебсаҳифаси.
7. Хс.уз–»Халқсўзионлайн»газетасивебсаҳифаси.

Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида ёшлар бандлигини оширишнинг назарий асослари
Бозоров Б. У. , Тухлиев Б. М. Самарқанд давлат университети

Резюме. Мақолада иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида аҳоли иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига хос хусусиятлар, касб-малака гуруҳлари бўйича тақсимланишдаги қонуниятлар Ишсизлик ҳолатини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликга жалб қилиш,уларни касб-ҳунарга ўқитиш ҳолатлари ўрганиб чиқилган ва ёритилган.

Калит сўзлар: ислоҳотлар, малака, ишсизлик, бандлик, иҳтиёж потелциал демографик холат,харажатлар,форум,бизнес лойиҳа,кредит меҳнат ресурслари

Теоретические основы повышения занятости молодежи в условиях инновационного развития экономики

Бозоров Б.У., Тухлиев Б.М. Самаркандский государственный университет

Резюме. В статье исследуются особенности социально-экономического характера занятости в условиях инновационного развития экономики, закономерности распределения по профессиональным группам, меры по борьбе с безработицей, привлечению малообеспеченных и безработных к предпринимательству, профессиональному обучению.

Ключевые слова: реформы, навыки, безработица, занятость, потребность, потенциальная демографическая ситуация, затраты, форум, бизнес-проект, кредитные трудовые ресурсы

Theoretical foundations of increasing youth employment in the context of innovative economic development

Bozorov B.U., Tuxliev B.M.Samarkand State University

Summary. The article examines the features of the socio-economic nature of employment in the context of innovative development of the economy, rules of distribution by occupational groups, measures to combat unemployment, attracting low-income and unemployed people to entrepreneurship, vocational training.

Key words: reforms, skills, unemployment, employment, need, potential demographic situation, costs, forum, business project, credit labor resources.

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Жузбаев А. О.

Қорақалпоқ давлат университети

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий бўғинларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур соҳа нафақат аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келувчи бандликни таъминлаш ва даромаднинг кўпайишида, балки иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш ва модернизациялаш, фаолият турларини диверсификациялаш каби жараёнларнинг муваффақиятли амалга оширилишида ҳам муҳим ўрин тутади. Шунга кўра, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида аҳамиятли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ташкил этилди.

2020 йилда тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди [1]. Кейинги йилларда қабул қилинган чоралар туфайли «Бизнес юритиш» рейтингида жаҳоннинг 190 та мамлакати ўртасида Ўзбекистон 138-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида 2022 йилга келиб 20-ўринни эгаллаш мақсади қўйилган.

Республикамизда бизнесни ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар яратилган:

1. Кичик бизнесни рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган вақт 30 дақиқани ташкил этади. Субъектни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш учун фақат битта ҳужжат, юридик шахс кўринишидаги кичик корхона сифатида рўйхатдан ўтказиш учун эса иккита ҳужжат тайёрлаш талаб этилади.2. Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш қуйидаги тарзда амалга оширилади: субсидиялашган ставкали имтиёзли банк кредитларини тақдим этиш; Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан бизнес субъектлари олаётган кредит суммасининг 50% га қадар ҳажмда кафиллик бериш; Жамғарма томонидан тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатлар учун компенсациялар тақдим этиш. 3. Бизнеснинг манфаатлари Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти томонидан муҳофазаланган. Ўзбекистонда кичик бизнес фаолиятини режадан ташқари текшириш бекор қилинган, биринчи маротаба молиявий-хўжалик ҳуқуқбузарликларини содир этган тадбиркорлик субъектлари барча кўринишдаги жавобгарликдан озод этилган.4. Мамлакатнинг барча ҳудудларида тадбиркорлар учун хусусийлаштирилган объектлар негизида лойиҳаларни амалга оширувчи бизнес юритиш бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Ёш бошловчи тадбиркорларга майдонни 5 йил муддатга ноль ставка бўйича ижарага тақдим этилувчи Ёшлар тадбиркорлиги кластерлари яратилган [2].

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес корхоналари сони кўпайиб, фаолият кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари асосий фаолият кўрсаткичлари (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)[1]

[1]Муаллиф томонидан тузилган. Манба:Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик.Статистик тўплам. 2016-2019. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2020.

Кўрсаткич	2016	2017	2018	2019
Рўйхатдан ўтган кичик бизнес корхоналар сони, бирлик	225560	242379	276237	353921
Фаолият кўрсатаётганкичик бизнес корхоналар сони, бирлик	210594	229666	262930	334767
Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг рўйхатдан ўтган корхоналар сонидаги улуши, фоиз	93,4	94,8	95,2	94,6
Янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналар сони, бирлик	31279	38167	48922	92874
Янги ташкил этилган корхоналарнингрўйхатдан ўтган корхоналар сонидаги улуши, фоиз	13,9	15,7	17,7	26,2
Рўйхатдаги ходимларнинг йиллик ўртача сони, минг киши	825,2	908	1075,1	1375,2
Битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи ходимлар сони:				
Рўйхатдан ўтган кичик бизнес корхоналар сонига нисбатан, киши	3,7	3,7	3,9	3,9
фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналар сонига нисбатан, киши	3,9	4,0	4,1	4,1

Жадвал маълумотларидан кўринадики, кейинги йилларда кичик бизнес фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги рўйхатдан ўтган кичик бизнес корхоналар сонининг 2016 йилдаги 225,6 минг бирликдан 2019 йилда 353,9 минг бирликка етиши, яъни 156,9 фоизга ўсиши орқали ҳам намоён бўлмоқда. Айни пайтда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналар сони тегишли равишда 210,6 минг бирликдан 334,8 минг бирликка (159,0 фоизга) ошган. Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг рўйхатдан ўтган корхоналар сонидаги улуши ҳам 2018 йилга қадар кўтарилган, фақат 2019 йилда бироз пасайиш кузатилган. Таҳлил даврида янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналар сони 296,9 фоизга, рўйхатдаги ходимларнинг йиллик ўртача сони 166,7 фоизга ошган.


Кичик бизнес корхоналари сони ҳамда, мувофиқ равишда, уларда банд бўлган ходимлар сонининг ошиши ўз навбатида мазкур корхоналар фаолиятининг молиявий кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатган. Буни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тайёрланган «Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик» номли статистик тўплам маълумотлари орқали кузатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, млрд. сўм)[2]

Кўрсаткич	2016	2017	2018	2019
Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум	89528,1	110347,9	184609,6	249862,5
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи	62889,0	76808,3	135629,5	195373,4
Давр харажатлари	10668,4	13871,0	21612,8	29593,4
Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	16271,6	13042,5	26365,6	22798,0

Жадвалдан кўринадики, кичик бизнес корхоналарининг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми 2016 йилга нисбатан 2019 йилда 279,1 фоизга ошган. Бироқ, шуниси эътиборлики, айни пайтда сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи нисбатан кўпроқ даражада, яъни 310,7 фоизга, давр харажатлари 277,4 фоизга ўсгани ҳолда, фойда солиғи тўлагунга қадар фойдаси атиги 140,1 фоизга ўсган холос. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, фойда солиғи тўлагунга қадар фойданинг ўсиш суръати барқарор бўлмай, олдинги йилга нисбатан 2017 йилда 80,2 фоизни, 2018 йилда 202,2 фоизни, 2019 йилда 86,5 фоизни ташкил этган.

Кичик бизнес корхоналарининг фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси динамикасидаги тебраниш сабаблари таҳлилини график орқали кўриб чиқамиз (1-расм). Бунда турли молиявий кўрсаткичларнинг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушумга нисбати кўрилгани сабабли, ушбу кўрсаткични йиллар бўйича 100 фоиз даражада деб белгилаб олинди.



1-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари фаолияти молиявий кўрсаткичларининг ўзаро нисбати, фоизда[3]

График маълумотларидан кўринадики, турли йиллардаги маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушумга нисбатан олинганда сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар)

[2]Муаллиф томонидан тузилган. Манба:Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик.Статистик тўплам. 2016-2019. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2020.

таннархи 8,6 фоизлик, давр харажатлари 0,9 фоизлик чегарада тебранса, фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) нисбатан аҳамиятли, яъни 9,1 фоизлик чегарада тебранган. Бундан кўринадики, юқорида қайд этилган статистик тўплам ҳамда унинг маълумотлари асосида тузилган жадвалда мазкур кўрсаткич қийматига сезиларли таъсир этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири, яъни молиявий фаолиятдан олинган соф даромад тўғрисида маълумот келтирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғига 2-сон илова «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»(2-сонли шакл)да келтирилган фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) қийматини ҳисоблашнинг кетма-кетлигидан фойдаланган ҳолда, мазкур кўрсаткични аниқлаш формуласини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин [3]:

$$Ф_{ФС} = СТ - Т - ДХ \pm \Delta Н_{МФ}, \qquad (1)$$

бу ерда: $Ф_{ФС}$ -фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар);

$СТ$ - маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум;

$Т$ - сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи;

$ДХ$ - давр харажатлари;

$\Delta Н_{МФ}$ – молиявий фолият бўйича натижа (соф даромад).

Ушбу формуладаги молиявий фолият бўйича натижа (соф даромад) $(\Delta Н_{МФ})$ ни молиявий фаолиятнинг даромадлари $(Д_{МФ})$ ҳамда молиявий фаолият бўйича харажатлар $(Х_{МФ})$ нинг фарқи сифатида ифодалаш мумкин:

$$\Delta Н_{МФ} = Д_{МФ} - Х_{МФ}, \qquad (2)$$

Ҳисоботда корхона молиявий фаолиятининг даромадлари қуйидаги таркибий элементлардан таркиб топиши белгиланган: дивидендлар шаклидаги даромадлар; фоизлар шаклидаги даромадлар; молиявий ижарадан даромадлар; валюта курси фарқидан даромадлар; молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар эса ўз ичига қуйидагиларни олади: фоизлар шаклидаги харажатлар; молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар; валюта курси фарқидан зарарлар; молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар. Юқорида таъкидланганидек, статистик тўплам ҳамда унинг маълумотлари асосида тузилган жадвалда молиявий фаолиятдан олинган соф даромад тўғрисида маълумот келтирилмаган. Шунга кўра, биз ушбу кўрсаткич қийматини аниқлаш учун баланс усулидан фойдаланган ҳолда формулани қуйидаги кўринишга келтириб оламиз:

$$\Delta Н_{МФ} = СТ - Т - ДХ - Ф_{ФС} \qquad (3)$$

Эндиликда юқоридаги формуладан фойдаланган ҳолда 2-жадвал маълумотлари ёрдамида кичик бизнес корхоналарининг молиявий фаолиятидан олинган соф даромадини ҳисоблаб топиш мумкин. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, мазкур кўрсаткич бўйича 2016 йилда 300,9 млрд. сўм фойда олинган бўлса, 2017-2019 йилларда тегишли равишда 6626,1, 1001,7 ва 2097,7 млрд. сўм ҳажмида зарар кўрилган. Статистик тўпламда даромадларнинг мазкур йўналиши бўйича маълумотларнинг батафсил баёни келтирилмаганлиги сабабли уларнинг айнан қайси таркибий элементлар ҳисобига вужудга келганлиги таҳлилини амалга ошириш имкони мавжуд эмас.Умуман олганда, кичик бизнесда молиявий фаолиятдан олинадиган натижаларнинг у қадар аҳамиятли бўлмаслиги мазкур соҳанинг фаолият хусусиятлари, айниқса, унинг фаолият миқёсининг чекланганлигидан келиб чиқади. Ҳозирда кўпчилик ўзининг бўш маблағларини инвестицияга қўйишга ҳаракат қилади. Бундай қўйилмаларнинг мақсади – фойда олиш. Инвестор учун у, мисол учун, корхонанинг ишлаб чиқариш потенциалини ошириш ёки унинг қувватларини кенгайтириш ва ҳ.к., яъни стратегик мақсадларга эришиш орқали ифодаланиши мумкин. Бироқ, кўп ҳолларда у ёки бу корхонанинг устав фондига инвестиция киритишдан фойда дивиденд кўринишидаги даромад олиш орқали намоён бўлади.

Дивиденд (лотинча dividendus – тақсимланиши лозим бўлган) – бу корхонанинг алоҳида иштирокчилари томонидан ҳар бирига тегишли бўлган акция ёки пайлар сонига мутаносиб равишда олинувчи фойданинг қисми. Бу шунингдек акциядорлик жамияти (АЖ) ёки масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) мол-мулкининг жамият акциядорлари (иштирокчилари) томонидан уларнинг устав капиталидаги улуши (ҳиссаси)га мутаносиб равишда тақсимланадиган қисми. Дивидендлар пул шаклида, айрим ҳолларда эса – мол-мулк воситасида тўланади[4].Демак, дивидендлар шаклидаги даромадлар – бу корхонадаги бўш маблағларни бошқа хўжалик субъектлари фаолиятига инвестиция қилиш орқали олинадиган даромадлар ҳисобланиб, ўз ичига мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, корхонага тегишли акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендларни олади.

Илгари билдирилган (белгиланган) ҳар қандай даромад, шу жумладан ҳар қандай турдаги қарз мажбуриятлари бўйича дисконт тарзида олинган даромад (уни расмийлаштириш усулидан қатъи назар), шу жумладан пул омонатлари бўйича олинган даромад фоизлар деб эътироф этилади [5]. Фоизлар шаклидаги даромадлар ҳәм ўз мазмунига кўра дивидендлар шаклидаги даромадларга яқин ҳисобланади. Асосий фарқи дивиденд шаклидаги даромадлар суммаси инвестиция қилинган корхона фаолияти натижалари ҳамда дивиденд сиёсатига боғлиқ ҳолда ўзгарувчан бўлса, фоизлар шаклидаги даромадлар суммаси қатъий, олдиндан белгиланган ҳолда амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кичик бизнес корхоналарида «бўш маблағ» тушунчасининг ўзи нисбий мазмун касб этади. Бунинг асосий сабаби – кичик корхона ва микрофирмалар доимий равишда «ўсиш, кенгайиш» потенциалига эга бўладилар. Уларнинг фирма ҳаётий цикли бўйича навбатдаги «қадам»ни

ташлашига кўпинча молиявий маблағларнинг етишмаслиги тўсқинлик қилади. Бундай шароитда ўз маблағларини бошқа корхоналар фаолиятида улушли иштирок этиш, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки фоизли даромадлар олиш мақсадида қарзга бериш ҳолатлари нисбатан кам амалга оширилади.

Молиявий ижара — мол-мулкни (молиявий ижара объектини) эгалик қилиш ва фойдаланишга ўн икки ойдан ортиқ муддатга шартнома бўйича топширишда вужудга келадиган ижара муносабатларидир.

Молиявийижарашартномасиқуйидагиталаблардан биригажавобберишикерак:1) молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижараобъектиижарачинингмулкигаўтса;2) молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;3) молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини шу ҳуқуқни амалга ошириш санасидаги бозор қийматидан паст нарх бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса; молиявий ижара шартномасининг амал қилиш даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошиб кетса [6]. Бундан кўринадики, юқорида белгиланган шартлар асосидаги молиявий ижара муносабатлари ҳам кичик бизнес субъектлари хўжалик фаолияти муносабатларида у қадар кенг ўрин тутмайди.

Валюта курси фарқи – бу миллий валюта жорий курсининг хорижий валюта курсига нисбатан тегишли савдо операцияларининг бошланиши ва тугалланиши ҳолатига ўзгариши натижасида вужудга келган сумма.Валюта курси фарқи агар харидор товар ортиб жўнатилгандан кейин ҳақини тўлаган ҳамда мазкур товарга эгалик ҳуқуқи товарни жўнатиш кунига ўтган ҳолда вужудга келади. Бундай ҳолатда товар ҳақини тўлаш вақтида валюта курси фарқи қуйидагича бўлиши мумкин: товарни жўнатиш санасига миллий валютада қарздорликни баҳолаш қиймати товар ҳақини тўлаш санасига қараганда паст бўлса – ижобий фарқ; товарни жўнатиш санасига миллий валютада қарздорликни баҳолаш қиймати товар ҳақини тўлаш санасига қараганда юқори бўлса – салбий фарқ. Шунингдек, валюта курси фарқи товарни жўнатиш ва унинг ҳақини тўлаш турли ойларга тўғри келган ҳолатда ойнинг охирги кунида мажбуриятларни қайта ҳисоблаш чоғида вужудга келиши мумкин [7].

Юқорида қайд этилган маълумотлардан кўринадики, агар ҳисобот даврида корхонада вужудга келган валюта курси фарқи ижобий бўлса – даромад, аксинча, салбий бўлса – зарар кўринишида қайд этилади.Фикримизча, кичик бизнес корхоналари фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда умумхўжалик фаолиятининг фойдаси таркибида молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларнинг салмоғини ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратиш лозим:1. Иқтисодиётнинг муайян тармоқ идора ва вазирлиги тасарруфидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг бўш маблағларидан дивидендлар шаклидаги даромадлар олишни рағбатлантирувчи механизмни жорий этиш.2. Кичик бизнес субъектлари томонидан дивиденд олиш имконини берувчи хўжалик операцияларини рағбатлантириш мақсадида мазкур соҳа корхоналари дивидендига имтиёзли солиқ ставкаларини қўллаш. 3. Кичик бизнес корхоналари томонидан фоизлар шаклидаги даромадлар, молиявий ижарадан даромадлар олиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.4. Кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлашга масъул ташкилот ва тузилмалар (масалан, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, маҳаллий ҳокимликлар қошидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тузилмалари ва ҳ.к.) томонидан кичик бизнес корхоналарида молиявий фаолиятдан олинадиган даромад, уни шакллантириш ва самарали фойдаланиш йўллари борасида махсус маслаҳат бериш ҳамда амалий кўмаклашиш марказлари хизматларини йўлга қўйиш.

АДАБИЁТЛАР

1. ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентиШавкатМирзиёевнингОлийМажлисгаМурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. - https://www.uza.uz
2. Шовкатов А., Акрамов А., Курбанова Д. Малый бизнес как основной драйвер развития экономики: состояние, проблемы развития и предлагаемые меры стимулирования. -https://mineconomy.uz/ru/news/view/3005
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғига 2-сон илова «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сонли шакл).
4. Абухович Д. Кирьякова О. О дивидендах и о том, как их выплатить. - https://www.norma.uz/nashi_obzori/o_dividendah_i_tom_kak_ih_vyplatit
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси(янгитаҳрири). 30.12.2019. -https://lex.uz/docs/4674902
6. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобинингстандарти (6-сонли БҲС) «Ижара». Ўзбекистон Республикаси молиявазирининг 2018 йил 12 декабрдаги 150-сонбуйруғига илова. - https://www.lex.uz/docs/4225533
7. Курсовая разница в учете, когда появляется и как учитывается в 2021 году.- https://www.bss.uz/article/179-kursovaya-raznitsa-v-uchete-kogda-poyavlyaetsya-i-kak-uchityvaetsya

Кичик бизнес корхоналарида молиявий фаолиятдан олинадиган даромадни оширишнинг аҳамияти

Жузбаев А. О. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада кичик бизнес субъектларининг молиявий натижаларини шакллантириш хусусиятлари муҳокама қилинади. Асосий кўрсаткичлар, шу жумладан Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари таҳлили асосида асосий бу соҳада молиявий натижаларни шакллантириш тенденсиялари аниқланган. 2016-2019 йилларучун статистик маълумотлар асосида молиявий даромадларни ошириш йўллари кичик бизнес субъектларида тадбирлар белгиланади.

Таянч иборалар: кичик бизнес, молиявийнатижалар, фойда, молиявийфаолиятданолингандаромад, харажат.

Важность увеличения доходов, получаемых от финансовой деятельности предприятий малого бизнеса

Жузбаев А.О. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассмотрены особенности формирования финансовых результатов предприятий малого бизнеса. На основе анализа основных показателей, в том числе, финансовых показателей деятельности предприятий малого бизнеса в Узбекистане, выявлены основныетенденции формирования финансовых результатов в данной сфере. Исследованы причины колебаний в динамике прибыли предприятий малого бизнеса до уплаты налога на прибыль. На основе статистических данных за 2016-2019 гг. определены пути повышения доходов от финансовой деятельности на предприятиях малого бизнеса.

Ключевые слова: малый бизнес, финансовые результаты, прибыль, доходы от финансовой деятельности, себестоимость

The importance of increasing the income received from the financial activities of small businesses

Zhuzbaev A.O. Karakalpak State University

Summary.*The article discusses the features of the formation of financial results of small business. Based on the analysis of the main indicators, including the financial indicators of the activities of small business in Uzbekistan, the main trends in the formation of financial results in this area have been identified. The reasons for fluctuations in the dynamics of profits of small business enterprises before payment of income tax have been investigated. Based on statistical data for 2016-2019 there have been identified ways to increase income from financial activities at smallbusiness enterprises.*

Key words:*small business, financial results, profit, income from financial activities, cost*

ФЕРМЕР ХОЖАЛЫҚЛАРЫ ҲӘМ БАСҚА ХОЖАЛЫҚ СУБЪЕКТЛЕРИ ОРТАСЫНДАҒЫ ЭКОНОМИКАЛЫҚ ҚАТНАСЫҚЛАРДЫ ЖЕТИЛИСТИРИЎ МӘСЕЛЕЛЕРИ

Сеилбеков Б. Б.
ТашМАУ Нөкис филиалы

Фермер хожалықларына хызмет көрсетиўши кәрханалар ҳәм шөлкемлер ортасында дүзилген шәртнамаларда белгиленген миннетлемелер ҳәм шәртлерди орынламаў жағдайларына жол қойылмақта. Соның менен бирге, базар экономикасына өтиў шәрәятында шәртнамалық қатнасықлар хожалық жүритиўши субъектлердиң экономикалық өндирис процесслерин нәтийжели басқарыўдың тийкарын қурайды. Бул машқалалар себепли аўыл хожалығы субъектлери искерлигинде материаллық мәплик механизми толық жаратылмаған[1].Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтып өткениндей, ҳәзирги күнде аграр тармақта әмелге асырылып атырған реформалар нәтийжелерин анализлеў ҳәм келеси жыл ушын ең зәрүрли ис-иләжларды белгилеп алыў актуал ўазыйпа есапланады.

Фермерлик ҳәрекетин раўажландырыў нәтийжесинде мәмлекетимизде кейинги жылларда 160 мыңнан артық фермер хожалықлары қәлиплесип, олар бүгинги күнде 10 нан артық бағдарларда нәтийжели хызмет жүргизбекте[2].Аўыл хожалығында реформаларды тереңлестириўде хожалық жүргизиўши субъектлер ҳәм басқа шөлкемлер ортасындағы байланысларды нәтийжели шөлкемлестириў үлкен әҳмийетке ийе.

Бул байланыслар төмендеги бағдарларда болыўы мүмкин:1. Аўыл хожалығын материаллық-техникалық ресурслар менен тәмийинлеўши кәрхана ҳәм шөлкемлер менен. 2. Аўыл хожалығында жетистирилген өнимлерди сатып алыўшы, қайта ислеўши кәрхана ҳәм шөлкемлер менен.3. Аўыл хожалығына сервис хызметлер көрсетиўши кәрхана ҳәм шөлкемлер менен байланыслар.

Бул бағдарлардағы өз-ара қатнасықларды жетилистириў бойынша көп ис-иләжлар әмелге асырылмақта ҳәм басқышпа-басқыш базар экономикасы талапларына сәйкесленбекте. Бирақ, бул бойынша еле шешилмеген машқалалар бар ҳәм бизиң пикиримизше, олар төмендегилерден ибарат: Биринширден, аўыл хожалығы менен байланыслар барлық материаллық өндирис тармақларында аўыл хожалығына салыстырғанда монополия орталығы қәлиплескенлиги себепли өз-ара қатнасықларда аўыл хожалығының мәплери дерлик итибарға алынбайды.Екиншиден, баҳа сиясатында аўыл хожалығы өнимлери ҳәм оларды жетистириў ушын зәрүр болған санаат өнимлери баҳалары ортасында диспаритет болып, ол барған сайын кескин түс алмақта.Үшиншиден, жетистирилген аўыл хожалығы өнимлерин қайта ислеўде фермер хожалықлары ҳәм қайта ислеўши кәрханалар ортасында өз-ара мәплик системасы қәлиплеспеген.Төртиншиден, қабыл етилген қарарларда фермер хожалықлары менен мәмлекетлик қарыйдар шөлкемлери ортасындағы өз-ара байланыслар нәтийжели дәрежеде қәлиплеспегенлигине қарамастан, бул тараўда дүзилип атырған шәртнамаларда өним ислеп шығарыўшылар мәплери толық итибарға алынбай атыр. Бесиншиден, фермер хожалықларына сервис хызметлери тийкарынан мәмлекет ҳәм түрли коммерциялық шөлкемлер тәрепинен әмелге асырылмақта[1].

Бул кемшиликлерди жоқ етиў мақсетинде төмендеги ис-иләжларды әмелге асырыў мақсетке муўапық:

1. Аўыл хожалығы өнимлерине баҳаларды, оларды жетистириў ушын кеткен қәрежетлерди, оларға усыныс ҳәм талапты, өндирис рентабеллиги дәрежесин тәмийинлеў мақсетинде басқышпа-басқыш әмелге асырыў ҳәм соның менен бирге аўыл хожалығында пайдаланылатуғын санаат өнимлерине баҳаларды бир дәрежеде услап турыў ямаса пәсейттирип, баҳалар ортасындағы диспаритетти жоқ етиў.

2. Фермер хожалықлары менен басқа кәрхана ҳәм шөлкемлер ортасындағы экономикалық байланысларды жетилистириў мақсетинде олар ортасындағы өз-ара байланысларды шөлкемлестириўде сондай хожалық механизминен пайдаланыў керек, бул байланыс ҳәмме қатнасыўшылардың мәпдарлығы бир дәрежеде итибарға алынсын.

3. Аўыл хожалығы өнимлерин сатып алыў тәртибин жетилистириў мақсетинде сатыў контракт-шәртнамаларын қабыл қылынған қарарлар бойынша дүзип, олардың орынланыўын тәмийинлеў ҳәм

тапсырылған өнимлер ушын хожалықлардың пулларын өз ўақтында төлеўди тәмийинлеў.

4. Аўыл хожалығының сыртқы саўда байланысларын раўажландырыў мақсетинде жетистирилген өнимлер экспортын дийхан ҳәм фермер хожалықлары бирлеспеси арқалы әмелге асырыў.

5. Фермер хожалықларына хызмет көрсетиўши машина-трактор парклери, суў хожалығы органы, химия шөлкемлери жумысларына тарифлерди пәсейттириў ҳәм бул бойынша тиккелей аўыл хожалығы кәрханаларының ширкет бирлеспелерин шөлкемлестириў. Аўыл хожалығында экономикалық реформаларды тереңлестириўде фермер хожалықларын раўажландырыў ҳәм олардың хызметинде пайда болатуғын экономикалық қатнасықларды жетилистириў үлкен әҳмийетке ийе.

Соны да айтыў орынлы, фермер хожалықлары мораллық ҳәм физикалық деградацияға ушыраған, себеби олар ислеп шығарыў ҳәм финанслық ғәрезсизликке ийе емес. Фермер хожалықлары басшыларының айырымлары аўыл хожалығы өндириси бойынша жоқары маман қәнийгелер болсада, лекин олар көп тәрептен базар қатнасықлары талапларына сәйкес емес, оларда исбилерменлик өзгешеликлери кемлиги нәтийжесинде ғәрезсиз ислеп шығарыў хызметин әмелге асыра алмай атыр.

Солай етип, республикада фермер хожалықлары шөлкемлестирилип атырған болсада, олардың нәтийжели хызмет кешириўи ушын керекли шәрт-шәрәятлар енгизилмей атыр. Демек, бул машкалаларды шешиў агроэкономикалық реформаларды тереңлестириўдиң келесидеги әҳмийетли бағдарларынан бири болыўы лазым.

Усыған уқсас машқалалар дийхан хожалықларын раўажландырыўда да бар. Олардың аўыл хожалығы өнимлерин жетистириўдеги салмақлы үлеси ҳәм аўыл халқының мийнет бәнтлигин тәмийинлеўдеги орнына қарамастан дийхан хожалықларын раўажландырыўда кемшиликлер ҳәм шешилмеген машқалалар көп. Ең ашынарлы тәрепи сонда, дийхан хожалықларына кредитлер ҳәдден тысқары кем бериледи ҳәм материаллық-техникалық ресурслар менен улыўма тәмийинленбейди. Буның үстине дийхан хожалықларын қайта дизимнен өткизиў, оларға юридикалық шахс бериў төмен көринислерде әмелге асырылмақта.

Бул ҳәм басқа машкалаларды шешиў зәрүрлиги заман талабына айланып, оларды шешиў мақсетинде, пикиримизше, төмендеги ис-илəжларды әмелге асырыў мақсетке муўапық:фермер хожалықларында жетистирилген өнимлерди өз ўақтында реализация қылыў ҳәм бул өнимлерге пулларды өз ўақтында бериў; фермер хожалықларының басқа шөлкемлер менен әмелге асырылатуғын экономикалық қатнасықларын және де жетилистириў; фермер ҳәм дийхан хожалықлары аграр сектордың тийкарғы хожалық жүритиў формаларына айланар екен, оларды және де раўажландырыў ҳәм олардың мәплерин қорғаў мақсетинде Қарақалпақстан Республикасы көлеминде, районларда дийхан ҳәм фермер хожалықлары бирлеспелери хызметин кеңейттириў ҳәм жетилистириў экономикалық реформаларды тереңлестириўдиң нәўбеттеги бағдарлары сыпатында тән алыныўы ҳәм шешилиўи үлкен әмелий әҳмийетке ийе ўазыйпалардан бири.

Бул жағдай тиккелей төмендеги илəжларды әмелге асырыўға жоқары бағдар сыпатында итибар берилиўин есаплайды:территориялық қәнийгелесиўин түптен өзгерттириў ҳәм арнаўлы егин түрлери бойынша регионлар шөлкемлестириў, мәселен, Кегейли, Нөкис ҳәм Хожели районларында мийўе-палыз егинлерин жетистириў бойынша арнаўлы территорияларды қәлиплестириў;егин түрлери қурамын азық-аўқат ҳәм от-жем егинлери майданларын кеңейттириў есабынан оптималластырыў;қубла ҳәм орайлық районлардың жайлаў территорияларынан нәтийжели пайдаланыў есабынан шарўашылықты турақлы раўажландырыўды тәмийинлеў; Қарақалпақстан Республикасында тухымшылық ҳәм нәсилшилик системасын регионның тәбийғий-ықлым шәрәятынан келип шыққан ҳалда раўажландырыў;районларда аўыл хожалығы өнимлерин таярлаў, сақлаў ҳәм қайта ислеў тармақларын раўажландырыўды есапқа алған ҳалда қәнийгелестириў системасын және де тереңлестириў;жерлердиң мелиоратив жағдайын есапқа алған ҳалда суў тәминатының системасын қәлиплестириў.

Республика фермер хожалықлары санының көбейиўи менен өним жетистириўдеги салмағы аспақта. Соның ушын фермерлер хызметин, мәмлекет ҳәм басқа хожалық жүритиўши субъектлер ортасындағы өз-ара қатнасықларын жетилистириўге ҳүкимет тәрепинен үлкен итибар берилмекте. Базар экономикасы шәрәятында аўыл хожалығында фермерлер, оларға хызмет көрсетиўшилер, тәминатшылар, өним сатып алыўшылар ҳәм басқа кәрханалар ортасындағы болатуғын қатнасықларды тәртипке салатуғын ҳуқыйқый ҳүжжет шәртнама есапланады[3,4].Аўыл хожалығында жетистирилип атырған өнимлердиң ҳасылдарлығын көбейтип, фермер хожалықларын раўажландырыў бойынша Қарақалпақстан Республикасында сезилерли жумыслар әмелге асырылмақта. Биринши нәўбетте фермер хожалықлары ушын зәрүр болған минерал төгинлер, түрли химиялық қураллар, жанылғы ҳәм майлаў материаллары, техника хызметлери ҳәм басқалар өз ўақтында жеткизилип берилмекте. Оларды қаржы менен тәмийинлеў мақсетинде банк хызметлери раўажландырылмақта. Соны есапқа алып, биргеликте фермерлердиң ҳәрекетлери нәтийжесинде химиялық қуралларды, жанылғы ҳәм майлаў материалларын тежеп жумсап, ҳәр бир гектар егин майданына туўры келетуғын қәрежетлерди кемейттириўге еришпекте. Бул жағдай болса олардың жалпы өнимлерин, пул түсимлерин ҳәм де сап пайдаларын асырып, экономикалық нәтийжелигиниң көбейиўин тәмийинлемекте.[3,4]. Бул нәтийжелерге барлық фермерлерде бирдей ерисип атырғаны жоқ. Буған бази бир жағдайларда орны келгенде кескин дәрежеде себеп болмақта.

Бундай жағдайдың жүзеге келиўине бизиң пикиримизше, төмендегилер тәсир көрсеткен:фермер хожалықлары ушын сервис хызметин тәмийинлейтуғын субъектлердиң ҳуқыйқый ҳәм норматив ҳүжжетлердиң толық бар емеслиги барларының болса сыпаты төменлиги ҳәм де қурамалылығы; сервис субъектлериниң ҳәр қыйлы техника қураллары менен толық тәмийинленбегенлиги, барларының болса мораллық ҳәм физикалық жақтан тозғанлығы, олардың запас бөлеклер менен толық тәмийинленбегенлиги; сервис хызметин көрсетиўши

субъектлердиң тәжирийбели қәнийгелер менен толық тәмийинленбегенлиги;хызмет көрсетиўши шөлкемлер қаржы менен толық ҳәм өз ўақтында тәмийинленбегенлиги;сервис хызметин көрсетиўши субъектлердиң фермер хожалықлары менен өз-ара шәртнамалық қатнасықларын талап дәрежеде жақсы жолға қойылмағанлығы ҳәм басқалар.

Фермер хожалықлары хызметлерин раўажландырыў ушын оларға түрли сервис хызметлерин өз ўақтында ҳәм сыпатлы көрсетилиўин тәмийинлеўге айрықша итибар қаратыў яғный, аўыл хожалығында сервис хызметиниң жаңа түрлерин шөлкемлестириў мақсетке муўапық.[5]. Фермер хожалықларына төмендеги сервис хызметлерин кең жолға қойыў мақсетке муўапық: фермер хожалықлары басшыларының ҳуқыйқый саўатын асырыў ҳәм экономикалық дәрежесин көтериў барысында оқыў шынығыўларын заманагөй ҳәм де аралықтан шөлкемлестириў;фермер хожалықларының басшылары ҳәм бас бухгалтерлериниң экономикалық системалардан пайдаланыўын раўажландырыў мақсетинде оқыў шынығыўларын шөлкемлестириў;фермер хожалықлары тәрепинен жетистирилген аўыл хожалығы өнимлерин сатыў ҳәм экспорт қылыўға көмеклесиў ҳәм де маркетинг дәстүрлерин жаратыў;фермер хожалықларын раўажландырыў ҳәм де жетистирилген өнимлерин қайта ислеў мақсетинде инвестиция қаржыларын енгизиў ҳәм инвестиция жойбарларын дүзиўге көмеклесиў;фермер хожалықларын лизинг тийкарында техника қураллары менен тәмийинлеўде көмеклесиў;фермер хожалықлары хызметкерлерин дем алыўлары ҳәм саяхатларға барыўлары ушын кәсиплик аўқамы бирлеспелери жумысын жақсы жолға қойыў ҳәм басқалар.

Келешекте фермер хожалықлары хызметлерин раўажландырыў, олардың искерлик нәтийжелигин жоқарылатыў ушын жоқарыда айтылған кемшиликлерди жоқ қылыўға қаратылған иләжларды әмелге асырыўда хызмет көрсетиўши мәкемелерден үлкен имканиятты талап етеди.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 383-сонли қарори. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 17-18-сон.
2. www.ferlibrary.uz - Мирзиёев Шавкат Миромонович. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 43 б.
3. http://www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.
4. http://www.norma.uz Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари норма ҳуқуқий портали.
5. Саматов Ғ.А., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. –Т:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 245-247 бетлер.

Фермер хожалықлары ҳәм басқа хожалық субъектлери ортасындағы экономикалық қатнасықларды жетилистириў мәселелери

Сеилбеков Б. Б. ТашМАУ Нөкис филиалы

Резюме. Мақалада фермер хожалықларына хызмет көрсетиўши кәрхана ҳәм шөлкемлер ортасында дүзилген шәртнамаларда белгиленген миннетлемелер ҳәм шәртлерди орынламаў жағдайлары көрип шығылған, сондай ақ тараўды раўажландырыў мақсетинде бир қатар пикир усыныслар берилген.

Таяныш сөзлер: экономикалық реформалар, фермер хожалықлары, сервис хызметин көрсетиўши субъектлер, сервис хызметлери.

Фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш масалалари

Сеилбеков Б. Б. ТошДАУ Нукус филиали

Резюме: Мақолада фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларда белгиланган мажбуриятлар ва шартларни бажармаслик ҳолатлари кўриб чиқилган, шунингдек, соҳани ривожлантириш мақсадида бир қатор фикр ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ислоҳотлар, фермер хўжаликлари, сервис хизматини кўрсатувчи субъектлар, сервис хизматлари,

Вопросы улучшения экономических отношений между фермерскими хозяйствами и другими хозяйствующими субъектами

Сеилбеков Б.Б. Нукусский филиал ТашГАУ

Резюме.В статье рассматриваются случаи неисполнения обязательств и условий договоров, заключенных между предприятиями и организациями, обслуживающими фермерские хозяйства.

Ключевые слова: экономические реформы, фермерские хозяйства, поставщики услуг, услуги

Improving economic relations between farms and other economic entities

Seylbekov B.B. Nukus branch of TashSAU

Summary. This article discusses cases of default on obligations and conditions of contracts concluded between enterprises and organizations serving farms.

Key words: economic reforms, farms, service providers, services

---

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИНИ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАРГА АЖРАТИШ ВА УЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Джумабаева Ш. Х.

Ўзбекистон Миллий университети

Қорақалпоғистон Республикаси демографик ҳамда иқтисодий салоҳиятининг ички тузилиши, яъни ҳудудий таркиби бешта иқтисодий-демографик районларга бўлинади[1.б.248]. Ажратилган районлар орасида ғарбий, шарқий ва шимолий районларнинг иқтисодий ва демографик салоҳияти анча паст, марказий ва жанубий

районлар эса нисбатан ривожланган. Қуйида ҳар бир иқтисодий-демографик районлар тавсифланган ва уларнинг ривожланиш йўналишлари баён этилган.

1. Марказий иқтисодий район таркибига Нукус шаҳри, Хўжайли, Тахиатош ва Нукус туманлари киради. Район ҳудуди жуда кичик. У Қорақалпоғистон ҳудудининг 1,1%ни ташкил этади холос. Аммо, ушбу районда Қорақалпоғистон аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг 30% жойлашган[2.]. Кейинги 10 йилда районнинг демографик салоҳияти 102,2%га ошди. Марказий районга Қорақалпоғистонда тайёрланган ялпи саноат маҳсулотининг 76,2%, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг 11,7%, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 41,3%, қурилиш ҳажмининг 49,7%, хизматлар соҳасининг 66,5% ҳамда жами экспорт ҳажмининг 80,9% тўғри келди(2019й.)[2.]. Бу иқтисодий район Қорақалпоғистонда энг ривожланганлиги билан ажралиб туради. Мазкур район таркибига кирувчи Нукус, Хўжайли ва Тахиатош туманлари саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган. Районда саноат соҳаси анча юқори даражада ривожланган. Минтақа асосини Нукус–Хўжайли саноат тугуни ва шу номдаги шаҳар агломерацияси ташкил қилади. Районда қурилиш индустрияси, кимё, электрэнергетика, электротехника, тўқимачилик (ип калава) ва озиқ-овқат (ўсимлик ёғи) саноатлари ҳамда қишлоқ хўжалигида шоличилик, қизилмия илдизи ва мева-сабзоват маҳсулотларини етиштириш яхши ривожланган. Районни келажакдаги ривожланиш йўналишлари экспорт учун мева-сабзавотларни қуритиш ва қайта ишлаш кластерларини жорий қилиш, янги технологияларни қўлланган ҳолда ҳосилдорликни кўпайтириш, қизилмия илдизини чуқур қайта ишловчи корхоналарни ташкил этишдан иборат. Нукус тумани орқали ўтган халқаро автомагистраль йўли келгусида маҳсулотларни яқин чет эл мамлакатларига ва Ақтов порти орқали экспорт қилиш учун логистика маркази қурилиши имкониятини беради. Районда туризм соҳасини ривожлантириш имконияти мавжуд.

2.Жанубий иқтисодий район таркибига Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманлари киради. Район Қорақалпоғистон ҳудудининг 10,7%ни, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг 40%ни ташкил қилади[2.]. Кейинги 10 йилда районнинг демографик салоҳияти 123,2%га ошди.Жанубий районга Қорақалпоғистон ялпи саноат маҳсулотининг 9,2%, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг 51,8%, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 18,2%, қурилиш ҳажмининг 25,6%ни, хизматлар соҳасининг 14,5% ҳамда жами экспорт ҳажмининг 6,7% тўғри келади(2019й.) [2.]. Бу ерда агроиндустриал мажмуа, жумладан пахта ва шоли етиштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожланган. Район саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, жумладан, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик соҳасига, уни қайта ишлашга ихтисослашган. Шунингдек, ушбу район худудидан халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўли ўтган. Асосий шаҳарлари Беруний ва Тўрткўл ҳисобланади.

Экспортер корхоналар қизилмия илдизи ва қизилмия экстрактини, ип калава, мева сабзавод, озоқ-овқат маҳсулотларини, парранда гўшти, тухум, совун, кир ювиш кукуни, шиша идишлар, мош, кунжут ва х.к.ларни экспортга чиқаради. Маълумки, жаҳон бозорларида ипак толаси ва ипак газламаларига талаб юқори. Жанубий районнинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, пилла ва пахта етиштиришда инновацион усуллардан фойдаланиб пилла, пахта хом ашёларини ошириш имконияти мавжуд. Ипак ва пахта толасидан мато ишлаб чиқаришни ривожлантириш минтақа тараққиётининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Районда чорвачилик (йирик шохли қорамоллар) ва паррандачилик соҳасини, балиқчиликни, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш учун имкониятлар бор. Шунингдек, пахта ва мева-сабзават етиштиришда кластер усулидан фойдаланган ҳолда уни ривожлантириш учун барча шароитлар бор. Заҳирадаги ерлардан самарали фойдаланиб шоли ва қизилмия ўсимлиги плантацияларини экишни, пахта чигитидан пахта ёғи ишлаб чиқаришни ҳамда турузимни ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари мавжуд. Бироқ, районда ўзига хос иқтисодий муаммолар мавжуд. Хусусан, қишлоқ хўжалигининг хом-ашё етиштиришга ихтисослашуви сақланиб қолмоқда, соҳанинг саноатлашув даражаси паст, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етарли даражада эмаслиги эса кичик бизнесни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

3.Шарқий иқтисодий район. Ушбу район таркибига Қораўзак, Чимбой, Кегейли ва Тахтакўпир туманлари киради. Район Қорақалпоғистон ялпи саноат маҳсулотининг 6,5%ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг 22,1%ни, асосий капиталга киритилган инвестициянинг 6,5%ни, қурилиш ҳажмининг 9,1%ни, хизматлар соҳасининг 5,2%ни ҳамда жами экспорт ҳажмининг 3,3%ни ташкил этади(2019й.) [2.]. Асосий шаҳри Чимбой. Район саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлашга ихтисослашган. Районда яйлов чорвачилиги, шоли ҳамда қизилмия илдизини етиштириш катта аҳамиятга эга. Экспортер корхоналар асосан қизилмия илдизи ва қизилмия экстрактини, истемол товарларини, мева сабзавод, вермикулит ва х.к.ларни экспортга чиқаради.

Районнинг табиий ер майдонларидан, айникса яйловлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг бал банитети паст[2.]. Шўрланиш даражасининг юқорилиги эса қишлоқ хўжалиги экин майдонлари унумдорлигининг паст бўлишига сабаб бўлмоқда. Чорвачилик соҳасини саноатлашуви юзасидан асосли лойиҳалар йўқлиги, соҳанинг хом ашё етиштиришга ихтисослашуви сақланиб қолишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражаси пастлигича қолмоқда. Импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар кам.Сут ва мева-сабзаватни қайта ишлаш корхоналари йўқ. Гўштни қайта ишлаш корхонасининг ишлаш қуввати паст даражада. Районда кичик саноат зонаси ташкил этилмаган.

Районда темир йўл тармоғи мавжуд эмаслиги ҳамда халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўли ўтмаганлиги ишлаб чиқаришни, экспорт ва хорижий инвесторларни жалб қилиш имкониятларини пастлигича қолишига сабаб бўлмоқда. Районда табиий ер ости қазилма бойликлари заҳираси аниқланмаган. Ғишт хом-ашё заҳираси аниқланганлигига қарамасдан ғишт ишлаб чиқариш корхонаси кам.

Районнинг демографик салоҳияти юқори эмас. Районда Қорақалпоғистон аҳолисининг 15,7% ва меҳнат ресурсларининг эса 15,9% жойлашган. Ишсизлик даражаси 10,5% [2.]. Кейинги 10 йилда районнинг демографик салоҳияти пасайди (0,89%). Қишлоқ хўжалигида бандлик даражаси жуда юқори.Районнинг ўзига хос хусусиятларидан бири кизилмия илдизидан экстаркт тайёрлаш саноати яхши ривожланган.Районнинг табиий иқлим шароитида қизилмия плантацияларини ташкил қилиш, етиштириш ва уни қайта ишлаш имконияти мавжуд.Район таркибига кирувчи Қораузак тумани қурилиш материаллари хом ашё базасига эга бўлиб, у қурилиш материаларидан шағал, цемент, вермикулит, оҳоктош етиштиришга ихтисослашган. Район вермикулит, цемент махсулотларини экспорт қилиш имкониятига эга.

Кегейли туманида пахта хом ашёсини кайта ишлаш заводи жойлашганлигини ҳисобга олиб, тўқимачилик саноатини ривожлантириш имкониятлари юқори. Шунингдек, Кегейлида чорвачилик маҳсулотларини (гўшт, сут, тери, жун) қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш ҳамда ғишт хом-ашёси захирасидан фойдаланиб пишган ғишт ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Ҳудудда биллур туз кони майдони мавжуд бўлиб, унда ўртача 500 минг тоннадан ортиқ туз заҳираси мавжуд [2.]. Пахта етиштириш ва мева-сабзавотчиликда фойдаланилмаётган имкониятларнинг мавжудлигини инобатга олиб, ушбу соҳаларда кластер усулини ривожлантириш мумкин. Шунингдек,районда сунъий хавзаларда балиқчиликни ривожлантириш учун ҳам имкониятлар мавжуд.Кегелийда темир йул тармоғи ва станцияси мавжудлиги (Қумшунгул) ҳамда республика пойтахти Нукус шаҳрининг яқинлигини ҳисобга олган ҳолда савзавот ва мева етиштиришни ривожлантириш истиқболдаги асосий йўналишларга киради. Шунингдек, ҳудуднингинвестицион жазибадорлигини ошириш асосида геологик қидирув ишларини бошлаш, заҳираларни аниқлаш ишларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Районнинг заҳира бойликларидан унимли фойдаланган ҳолда инвесторларни жалб қилиш, текстил ва тўқимачилик саноати тармоғини ривожлантириш имкониятлари бор.

4.Ғарбий иқтисодий район таркибига Қўнғирот, Шуманай ва Қонликўл туманлари киради.Ушбу район Қорақалпоғистон ҳудудининг 45,6%ни, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг эса 12,5%ни ташкил этгани ҳолда унинг ҳиссасига Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотининг 5%, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг 12,5%, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 18,9%, қурилиш тармоғининг 14,1%, хизматлар соҳасининг 13,2% ҳамда жами экспорт ҳажмининг 3,5% тўғри келди(2019й.)[2.].

Районда асосан яйлов чорвачилиги ривожланган. Шунингдек, ёқилғи ва нефть-кимё саноати ҳам ривожланиб бормоқда. Қўнғирот тумани нефт-кимё саноати ва чорвачилик соҳасига ихтисослашган бўлса, Қонликўл тумани дуккакли экинлар ва шоли етиштиришга, Шуманай тумани эса паррандачилик соҳасига ихтисослашган. Район экспортга асосан қизилмия илдизи ва экстрактини, натрий сульфат, ип калава ва мева-сабзавотларни чиқаради.

Ғарбий район етарли даражада минерал тузлар хом ашё базасига эга. Хусусан, «Барса келмес» ош тузи кони заҳираси 128,7 млн. тонна, «Қараумбет» ош тузи кони захираси 5,9 млн. тонна, мирабилит тузи кони захираси 6 млн. тонна. Районда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам катта(оҳактош захираси 2,9 млн. тонна, ғишт-черепица захираси 4,3 млн.куб, қурилиш ва силикат қуми заҳираси 4,9 млн.куб) [2.]. Мавжуд тайёр кальцийнацияланган сода (мавжуд қувват 200 минг тонна) ва натрий сульфат (мавжуд қувват 25 минг тонна) маҳсулотларидан бошқа янги турдаги (каустик сода, хлорид кальций, озиқ-овқат содаси, синтетик ювиш воситаларни) маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Ғарбий иқтисодий районни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири -чорвачиликни ривожлантиришдир. Бунинг учун районда табиий яйлов ва пичанзорлар мавжуд. Бу эса йирик ва майда шохли наслли чорва молларини боқиш ва улар учун озуқа ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Бугунги кунда қорамолчиликни ривожлантириш бўйича жами 16 та лойиҳа, қўйчилик ва эчкичиликни ривожлантириш бўйича эса жами 41та лойиҳа амалга оширилмоқда[3.]. Маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш асосида Шуманай туманида қорамал гўштидан колбаса ишлаб чиқариш цехларини, Қўнғирот туманида қорамол ва туя сутини қайта ишлашни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд. Ушбу чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хом ашё заҳиралари етарли.

Район ҳудудидан халқаро аҳамиятдаги ҳамда катта магистрал йўл ўтган бўлиб, ушбу йўл бўйида турли хил хизмат кўрсатиш марказларини ташкид этиш хисобига янги иш ўринларини яратиш мумкин. Шунингдек, районда замонавий иссиқхоналарни ва паррандачиликни ривожлантириш учун имконият бор. Ғарбий районда ўзига хос иқтисодий муаммоларидан бири қишлоқ хўжалигидаги ерларнинг бал банитети (ўртача 36-40 балл) паст, шўрланиш даражаси юқори. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг унумдорлиги паст. Районда етиштирилган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли талабини тўлиқ қондирмайди.

5.Шимолий иқтисодий-демографик районга Мўйноқ тумани ва 2020 йилда қайтадан ташкил этилган Бўзатов тумани киради. Ушбу районга Қорақалпоғистон ҳудудининг 22,8%, аҳолиси ҳамда меҳнат ресурсларининг 1,7% тўғри келади [2.]. Район иқтисодий жиҳатдан жуда суст ривожланган. Шимолий районга минтақа ялпи саноат маҳсулотининг 3,1%, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг 1,9%, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 15,1%, қурилиш ҳажмининг 1,5%, хизматлар соҳасининг 0,6% ҳамда жами экспорт ҳажмининг 0,5% тўғри келди(2019й.) [2.]. Мўйноқ тумани балиқчилик, чорвачилик ва туризм соҳасига ихтисослашган. Туманда йилига 5,0-5,3 минг.тн балиқ етиштирилмоқда (2020йил) [4.]. Маълумки, XX

асрнинг 60-нчи йилларда Мўйноқ балиқчилик саноати ривожланган шаҳар бўлган. Орол балиқчилиги бутун дунёга танилган [2.].Мўйноқ ҳудудида сифатли газ ва газ конденсат конлари жойлашган. Шунингдек, 50 минг га қамиш хом ашёси заҳираси бўлиб, ҳудудда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ҳамда яйлов майдонларида чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Районда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик саноат корхоналарини қуриб, улардан унумли фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, ҳудудда экотуризмни ривожлантириш учун имкониятлар бор. Хусусан, Мўйноқ туманида жойлашган «Судочье» кўлида ҳар йили баҳор-куз ойларида минглаб кўчманчи қушларнинг кўним топиши ғоят ажойиб манзарани намоён қилади. Улар орасида табиатда ноёб учрайдиган «фламинго» (қизилғоз) қушлар тўдасини ҳам учратиш мумкин. Фламинго қушларини Мўйноқдан ташқари фақатгина Африкада учратиш мумкин. Орол денгизининг сақланиб қолган сув майдонининг табиий гўзал қирғоқлари бугунги кунда сайёҳлар учун дам олиш ҳудудига айланмоқда. Бу эса ҳудудда экотуризмнинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшиши табиий[6.]. 1990 йилларнинг ўрталарида Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудларини артемиялар эгаллай бошлади. Артемиялар шўр кўлларда яшайди. 2017 йилдан буён Орол тўлқинлари қирғоққа чиқариб ташлаган артемия цисталари териб олиниб махсус ҳовузда личинкалар тайёрланиб сўнг экспортга чиқарилмоқда[6.]. Мўйноқ туманида жами 97 саноат корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми (қарийб 70%) артемия цисталарини йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг 100% артемия цистасига тўғри келади[7.].Бугунги кунда Шимолий район муаммоли райондан комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилаётган ҳудудга айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси ВМсининг 2019 йил 16 январдаги «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодтй ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 37-сон қарорига асосан Мўйноқ тумани учун давлат хазинасидан 1,5 трлн.сўм маблағ ажратилди. Бундай катта миқдордаги маблағ ҳали Ўзбекистоннинг бошқа ҳеч бир ҳудудига берилмаган[9.].

Ўзбекистон Президенти томонидан Мўйноқ туманини инвестициялар, технологиялар ва инновациялар марказига айлантириш учун барча зарур инфратузилмаларни яратиш бўйича вазифалар топширилган[9.]. Инвесторлар Мўйноқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича турли хил лойиҳаларни таклиф қилмоқдалар. Жумладан Бирлашган Араб Амирликлари инвесторлари Мўйноқда ўйин бизнеси зонасини ташкил этишни таклиф қилди[7.]. Маълумки, Лас-Вегас ҳам Мўйноқ сингари чўл зонаси ҳудудида жойлашган. Саҳро ўртасидаги ҳудудни ривожлантириш осон бўлмагач 1931 йилда ўйин бизнесига рухсат берилган.

Кейинги уч йил ичида Мўйноқ туманни комплекс ривожлантиришга қаратилган иккита хужжат қабул қилинди. Мўйноқда ўйин бизнеси зонасини қуриш тўғрисидаги бизнес лойиҳалари ҳам айнан ушбу хужжатларда ўз аксини топган. Бу каби ўйин майдонлари Россия ва Қозоғистонда ҳам мавжуд[9.].Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 37-сон қарорининг 2 иловасида «Global project capital»(GPC) ҚК томонидан 1млрд.доллар эвазига туризм комплекслари (мехмонхона, кўнгилочар дам олиш марказлари, савдо марказлари ва бошқа объектлар) ташкил этиш истиқболли инвестиция лойиҳаси сифатида киритилган[9.]. Ҳудудларнинг бундай ривожлантириш хусусиятлари Қорақалпоғистон Республикасининг минтақавий сиёсатида ўз аксини топади. Қорақалпоғистонни иқтисодий районларга ажратиш минтақани ижтимоий, иқтисодий ва демографик жиҳатдан ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришга хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ички иқтисодий районларининг муаммолари ва истиқбол йўналишлари ҳар хил. Хусусан, келажакда Марказий район ўзининг мавқеини сақлаб қолади;Жанубий районнинг ривожланиши эса янада тезлашади. Бунга Учқудуқ-Султонувайс-Мискин-Нукус темир йўлининг очилиши ҳам сабаб бўлади. Шунингдек, келажакда Ғарбий районнинг ривожланиши ҳам тезлашади. Чунки, Устюрт қазилма бойликларидан фойдаланиш ортади. Шарқий районнинг истиқболи келажакда Тахтакўпирдан шарққа Қозоғистоннинг туташ ҳудудига темир йўл қурилиши, Чимбой туз конларини ишга туширилиши билан боғлиқ бўлади.Қорақалпоғистонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, ҳудудларнинг инновацион жозибадорлигини такомиллаштириш, янги инновацион лойиҳаларни яратиш ва уни амалга ошириш, уларнинг иқтисодий механизмларини замон талаблари асосида ташкил қилишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда Қорақалпоғистон Республикаси олдида иқтисодий ривожланишнинг зарур имкониятлари мавжуд. Бу, энг аввало, республика аҳолиси сонининг кўпая бораётганлиги, зарур меҳнат ресурсларининг борлиги, табиий шароитнинг ўзига хослиги ҳамда хилмахил табиий бойликлар мавжудлиги билан ифодаланади.Илмий-назарий жиҳатдан асосланиб амалга оширилтган иқтисодий районларнинг ҳудудий тузилиши Қорақалпоғистон Республикаси олдида турган иқтисодий мақсад ҳамда вазифаларни бажаришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Солиев А. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма.-Т: «ЎзМУ кичик босмахонаси», 2003. 235 бет.
2. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш паспорти 2019 йил учун. Статистик тўплам. 2020 йил.
3. Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумоти.www.qrstat.uz/ru/
4. https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/5674-2020/
5. Ўзбекистон йиллик статистик тўплами 2000-2019.
6. https://uzhurriyat.uz/2020/09/09/orolning-tuganmas-mujizalari/

7. http://www.tarona.net/news/investitsiyalar va tashqi savdo vaziri tomonidan Moynoqda kazino qurilishi tasdiqlanmoqda/2021-01-29-12672
8. «Ishonch»газетаси 28.01.2021.
9. «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий иқтисодтй ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 37-сон қарори. Тошкент, 16 январ 2019 йил

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудини иқтисодий районларга ажратиш ва улар ривожланишининг асосий йўналишлари
Джумабаева Ш. Х. Ўзбекистон Миллий университети

Резюме.МақолададҚорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ҳәм демографик, ҳәм иқтисодий салоҳияти бўйича бешта иқтисодий районларга ажратилиб ўрганилган. Шунингдек, иқтисодий районларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

Калит сўзлар:ҳудуд, иқтисодий район, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, туман, таркиб.

Разделение территории Республики Каракалпакстан на экономические районы и основные направления их развития
Джумабаева Ш.Х. Национальный университет Узбекистана

Резюме. В статье охарактеризированы пять экономических районов Республики Каракалпакстан, как по демографическому, так и по экономическому потенциалу. Также обозначены основные направления развития экономических регионов.

Ключевые слова: регион, экономический район, промышленность, сельское хозяйство, животноводство, район, содержание

Division of the territory of the Republic of Karakalpakstan into economic regions and the main directions of their development
Djumabayeva Sh.Kh. National University of Uzbekistan

Summary. In the article, there have been characterized five economic regions of the Republic of Karakalpakstan, both in terms of demographic and economic potential. The main directions of development of economic regions are also indicated.

Key words: region, economic region, industry, agriculture, animal husbandry, district, maintenance

---

ЎЗБЕКИСТОНДА ЙЎЛДОШ-ШАҲАРЛАР: ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Зокиров С. С.
Тошкент шахри

Йўлдош-шаҳарлар йирик шаҳарларнинг ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа муаммоларини ҳал этиш, аҳоли ўсишини секинлаштириш ёки барқарорлаштириш мақсадида уларнинг атрофида сунъий равишда ташкил этиладиган аҳоли пунктларидир. Собиқ иттифоқ даврида 1960-йилларда В.Давидович, А. Афонченко, Н. Солофненко каби шаҳарсозлар томонидан йўлдош-шаҳарлар концепцияси ишлаб чиқилиб, кейинчалик А.Минц, А.Назаревский, Б.Хорев каби географ олимлар асарларида ривожлантирилган. Г.Лаппонинг таъкидлашича, қандай ташкил топганидан (табиий ҳолда юзага келганми ёки махсус лойиҳа асосида барпо этилганми) қатъий назар, географлар йирик шаҳар атрофидаги барча аҳоли пунктларини йўлдош-шаҳар деб биладилар [1. 123]. Кўпгина йирик шаҳарларнинг бош режаларида ва ҳудудни режалаштириш тарҳларида кўзда тутилган йўлдош-шаҳарлар зиммасидаги асосий вазифа, яъни йирик шаҳар ривожланишини чеклаш вазифаси амалга ошмасдан қолаётир. Бунинг устига, йўлдош-шаҳарлар барпо этилиши аҳоли, саноат, ижтимоий соҳалар жойлашувидаги ҳудудий нотенгликларнинг чуқурлашувини янада кучайтирди. Бироқ шунга қарамасдан, йўлдош шаҳарларнинг йирик шаҳар ва унинг атроф ҳудудларини ривожлантиришдаги ўрни беқиёс.

Қуйидагилар йўлдош-шаҳарларнинг асосий белгилари ҳисобланади:йирик шаҳар яқинида жойлашганлиги ва ҳаёт фаолияти давомида у билан узвий боғлиқлиги (жумладан, уни талабларини қондириш учун хизмат кўрсатади, айрим муаммоларини ҳал этишга кўмаклашади);энг камида, йирик шаҳардан функционал жиҳатдан қисман мустақил бўлишлиги (жумладан, иш ўринлари ва хизмат кўрсатиш муассасаларига эга бўлиши); ҳудудий жиҳатдан алоҳида ажралган (қишлоқ жойларда ёки шаҳар атрофи объектида жойлашган) бўлиши; ўзининг шаҳар атрофи ҳудуди бўлиши, атроф қишлоқлардан кишиларнинг ишлаш ёки хизматлардан баҳраманд бўлиш мақсадида қатнашлари. Табиийки, йўлдош-шаҳарларда бундай имконият йирик шаҳарга нисбатан анча паст бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 10 январда қабул қилинган «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сонли Фармонга илова қилинган «Ўзбекистон Республикасида урбанизацияни тартибга солишни таъминлаш бўйича «Йўл харита»синиг 12- ва 13-бандларига мувофиқ, тегишли давлат бошқарув органларига шаҳарларнинг салоҳиятини ҳамда йўлдош-шаҳарларни шакллантириш истиқболларини аниқлаш мақсадида аҳоли пунктларини хатловдан ўтказиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун энг қулай мақомини узайтириши билан бирга биринчи навбатдаги катта бўлмаган саноат корхоналарини жойлаштириш учун истиқболли қишлоқ аҳоли пунктлари, шаҳар посёлкалари ва кичик шаҳарлар рўйхатини шакллантириш вазифаси юклатилган.

Мазкур вазифани тўлақонли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан бевосита ушбу мақола муаллифи иштирокида йирик қишлоқлар ва шаҳар манзилгоҳларини хатловдан ўтказиш бўйича услубият ишлаб чиқилди. Унинг дастлабки варианти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг тегишли бошқармалари ва бўлимлари билан келишилиб, Тошкент вилоятининг Қибрай, Янгийўл туманлари ва Янгийўл шаҳрида апробациядан ўтказилди. Ушбу жараёнларда аниқланган нуқсонлар муаллиф томонидан бартараф этилиб, услубиятнинг қайта ишланган

варианти ижро учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенягаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига юборилди.

Услубиятга илова қилинган жадвалларни тўлдиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудларида жойлашган давлат ташкилотлари, хўжалик бирлашмаларининг туман ва шаҳар бўлинмалари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини жалб қилишлари кўзда тутилган.Маълумки, аҳоли пунктлари демографик ва иқтисодий салоҳиятига кўра ўзаро фарқ қилиб, бу омил уларнинг ички имкониятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, услубиятда аҳоли яшаш пунктларини хатловдан ўтказишни қуйидаги тоифаларга ажратган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилган: аҳоли сони 2000 дан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктлари;шаҳарчалар;аҳоли сони 50000 кишигача бўлган кичик шаҳарлар;аҳоли сони 50000 дан 100000 кишигача бўлган ўрта шаҳарлар.Услубиятни Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида апробациядан ўтказиш чоғида статистика органлари томонидан тақдим этилган аҳоли сони кўрсаткичи баъзи ҳолларда алоҳида аҳоли пункти бўйича эмас, балки унинг таркибий қисми, масалан айрим кўча бўйича берилиб, уни мустақил аҳоли пункти сифатида талқин этиш ҳолатлари аниқланди. Бундай ҳолатлар нафақат Янгийўл туманида, балки республиканинг деярли барча ҳудудларида учрайди. Муаммонинг ечими сифатида қуйидагилар таклиф этилади:

Маълумки, 2023 йилда мамлакатимиз ҳудудида аҳолини рўйхатга олиш кўзда тутилган [2]. Бизнинг фикримизча, мазкур аҳоли рўйхати маълумотлари ишончлилигини таъминлаш мақсадида уни ўтказишдан аввал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги билан биргаликда мамлакатимиздаги 11 мингга яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг хақиқий чегаралари аниқланиши ва шу асосда хатлов амалга оширилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда давлат ва нодавлат ташкилотлари қуйи поғонадаги фаолиятларини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимидаги маълумотлар асосида ташкил этмоқдалар. Маълумки, маҳалланинг ҳудудий қамрови ҳар доим аҳоли пункти қамровига мос келавермайди. Бундай тафовутлар турли катталикдаги қишлоқ аҳоли пунктларида яққол кўзга ташланади. Хусусан, аҳолиси бир неча минг кишидан иборат бўлган катта қишлоқлар бир қанча маҳаллаларга ажратилади. Айни пайтда, бир неча юз киши истиқомат қилувчи бир неча кичик қишлоқлар эса битта маҳаллага бирлаштирилади. Бундай ҳолатлар ишлаб чиқилган жадвалларни тўлдиришда бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ташкилотлар гарчи қийинроқ бўлсада, бундай маълумотларни аҳоли пункти кесимида тақдим этишлари ва ушбу жараёнда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш **бўлимлари**, маҳалла фуқаролик йиғинлари билан ҳамкорлик қилишлари лозим. Барча таклиф этилган жадвалларни ўз вақтида ва сифатли тўлдириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Услубиятдаги жадвал кўрсаткичлари мазмунига кўра 5 гуруҳга бўлинди: 1. Умумий маълумотлар; 2. Бандлик ва миграция; 3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси; 4. Ижтимоий инфратузилма, шу жумладан таълим муассасалари; 5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан шаҳарлар салоҳиятини баҳолаш бўйича тавсиялар.

1. Умумий маълумотлар: Мазкур жадвал маълумотларини аҳоли сони 2000 кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари, шаҳарчалар, кичик ва ўрта шаҳарлар бўйича тўлдиришда қишлоқ туманларининг тегишли бўлимлари маълумотларидан, ўрта, катта ва йирик (вилоятга бўйсунувчи) шаҳарлар бўйича эса шаҳар бўлимлари маълумотларидан фойдаланилади.

Қуйида мазкур бўлимда жамланадиган маълумотлар ва уларни тақдим этадиган ташкилотлар ҳақида ахборот берилган:аҳоли пунктининг ер майдони (гектар) – Ер ресурслари ва давлат кадастри туман (шаҳар) бўлими;аҳоли сони (киши) ҳақидаги маълумот ўн йиллик даврни ўз ичига олиб, бу кўрсаткичдан муайян аҳоли пунктида аҳоли сонининг ўсиш динамикасини таҳлил қилишда фойдаланилади – туман (шаҳар) статистика бўлими;аҳоли зичлиги (киши/км^2) – туман (шаҳар) статистика бўлими;қишлоқ аҳоли пункти ёки шаҳарчага тавсиф берилганда унинг энг яқин шаҳаргача бўлган масофаси (км) берилади – туман (шаҳар) статистика бўлими. Бу нарса муайян аҳоли пункти қайси шаҳарнинг таъсир доирасида жойлашганини аниқлаш имконини беради. Масалан, Хоразм вилояти Хива тумани Ирдимзон қишлоғи Урганч ва Хива шаҳарларига деярли тенг масофада жойлашган. Худди шундай ҳолат Тошкент ва Чирчиқ шаҳарлари ўртасида жойлашган Тошкент вилоятида Қибрай тумани Байтқўрғон қишлоғида ҳам кузатилади;уй хўжаликлари (УХ) сони, жумладан, кўп қаватли уйларда ва якка тартибдаги уй-жойлардаги сони – туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш **бўлими**;уй-жой фонди (ўртача бир яшовчига, м^2) – Ер ресурслари ва давлат кадастри туман (шаҳар) бўлими;барча турдаги шаҳар манзилгоҳларида «Бош режаларнинг мавжудлиги»; туман (шаҳар) қурилиш бўлими. Бунда агар Бош режа мавжуд бўлса, унинг тасдиқланган йили кўрсатилади.

Мазкур гуруҳда аҳоли пунктининг саноатлашув даражаси бўйича маълумотлар туман (шаҳар) статистика бўлими томонидан тақдим этилади. Бунда саноат ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар сони, корхоналар сони (фаолият юритаётган ва энди ишга тушадиган), иш ўринлари (мавжуд ва энди яратиладиган), маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм), асосий ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг турлари каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кичик саноат зоналарига оид маълумотлар «Кичик саноат зоналари дирекцияси»дан олинади.

2. Бандлик ва миграция: Аҳолининг иш билан бандлиги ва миграция бўйича маълумотлар алоҳида бир гуруҳни ташкил этиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:меҳнатга лаёқатли доимий аҳоли ва унинг жинсий таркиби – туман (шаҳар) статистика бўлими;банд аҳоли, шу жумладан, иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлик

ҳамда ишга муҳтожлар (ишсизлар) сони бўйича маълумотлар туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан тақдим этилади. Бунда банд аҳолининг жинс таркиби, уларнинг расмий ва норасмий сектордаги нисбати, уларнинг йириклаштирилган иқтисодиёт тармоқлари (жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар, давлат сектори, мудофаа тузилмаси, ҳарбий хизмат) бўйича таркиби ҳамда ишга муҳтож (ишсиз) аҳолининг жинсий таркиби бўйича маълумотлар – туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази;ўчиб кетганлар ва кўчиб келганлар, уларнинг ёши ва жинси ҳақидаги кўрсаткичлар туман (шаҳар) ички ишлар бўлими миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси маълумотларига асосланади.

3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси: Аҳоли пунктларини ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари билан таъминланганлик даражаси юзасидан маълумотлар қуйидаги ташкилотлар томонидан тақдим этилади:

Автомобиль йўллари туман (шаҳар) бўлими ҳар бир аҳоли пунктидан ўтадиган умумий фойдаланув йўллари масофасини (км) халқаро, республика ва маҳаллий тоифалар кесимида тақдим этади. Ички йўллар ҳамда кўча ёритиш тизими билан таъминланганлик ҳолати бўйича маълумотлар туман (шаҳар) Ободонлаштириш бошқармалари томонидан тақдим этилади. Бунда кўча ёритиш тизими билан аҳоли пункти ҳудудидаги магистраль, асосий ва ички кўчалар қай даражада таъминланганлиги акс эттирилади.

Муаяйн аҳоли пунктидаги уй хўжаликлари (УХ) нинг қанчаси газ қувурлари ва яна қанчаси қанчаси газ баллонлари орқали табиий газ билан таъминланганлиги вилоят «Газтаъминот» ҳудудий филиалининг туман (шаҳар) газ участкалари ёрдамида аниқланади. Жадвалдаги газ етиб бормаган уй хўжаликлари бўйича маълумот муайян аҳоли пунктидаги жами уй хўжаликлари сонидан газ қувурлари орқали ва газ баллонлари орқали табиий газ билан таъминланган хўжаликлар сонини айириш йўли билан аниқланади.

Аҳоли пунктларидаги уй хўжаликлари (УХ) нинг ичимлик суви ва канализация билан таъминланганлиги «Сувоқова» туман (шаҳар) бўлимлари, иссиқлик қуввати билан таъминланганлиги – туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими*маълумотларида ўз аксини топади.* Ичимлик суви таъминоти бўйича ***уй хўжаликлари***марказлашмаган ва марказлашган гуруҳларга ажратилади. ***Бунда*** уй хўжаликларининг марказлашмаган ҳолда ичимлик суви билан таъминланганлиги артезиан қудуқлардан сув тортиб чиқариш, автомашиналарда узоқдан сувни график асосида ташиб келтириш, ариқ сувини истеъмол қилиш каби ҳолатларни англатади.

Канализация ва иссиқлик қуввати билан таъминланганлиги уй хўжаликларида уларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича гуруҳларга ажратилади. Аҳоли пунктининг электр энергияси билан таъминланганлиги бўйича кўрсаткичлар "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг туман ва шаҳар филиаллари томонидан тақдим этилади. Бунда ҳудуддаги трансформаторлар (ТП) сони, шу жумладан, уларнинг таъмирталаб қисми, кабель ва ҳаво линияларининг умумий узунлиги, шу жумладан, уларнинг таъмирталаб қисми ҳақидаги маълумотлар берилади.Жадвални чиқинди ташиш хизматлари билан таъминланганлиги бўйича қисмини тўлдиришга «Тоза ҳудуд» ДУК туман (шаҳар) филиали масъул бўлиб ҳисобланади. Унда мазкур хизмат билан қамраб олинган ва қамраб олинмаган уй хўжаликлари сони кўрсатилади.

4. Ижтимоий инфратузилма: Ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлик бўйича маълумотлар қуйидаги ташкилотлар томонидан тақдим этилади:

Аҳоли пунктларида кишилар саломатлигини ҳимоя қилиш ва уларнинг тиббий хизматларга бўлган талабини қондириш мақсадида турлича шаклдаги соғлиқни сақлаш муассасалари ташкил этилади. Жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида қишлоқ оилавий поликлиникалари (ҚОП), қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП), шаҳарларда оилавий поликлиникалар (ОП), касалхоналар, йирик шаҳарларда ихтисослаштирилган клиник касалхоналар жойлашган бўлади. Барча аҳоли пунктларида бирдек мавжуд бўлган тиббий муассаса – бу дорихоналардир.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари қишлоқ оилавий поликлиникалар (ҚОП), қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП), касалхоналар ва дорихоналар сони бўйича маълумотларни тақдим этишлари лозим бўлади. Бунда муайян аҳоли пунктида жойлашган тиббий муассасалар ва улардаги ўринлар сони, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган врачлар (штат бўйича ва амалда) ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари (штат бўйича ва амалда) сони қайд этилади. Дорихоналар сонини белгилашда ветеренария дорихоналари алоҳида кўрсатилади.

Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат шохобчалари, тўйхоналар, дўконлар ҳамда бозорларга оид жадвал катакларини туман (шаҳар) статистика бўлими солиқ инспекцияси ва давлат хизматлари маркази билан биргаликда тўлдиришлари зарур. Бунда савдо дўконлари озиқ-овқат, қурилиш моллари ва аралаш моллар дўконига, бозорлар эса буюм бозори, деҳқон бозори ва ихтисослашган бозорлар каби гуруҳларга ажратилади. Аҳоли пункти ҳудудида жойлашган сартарошхоналар, гўзаллик салонлари, ҳаммомлар (сауналар), кимёвий тозалаш, кийим тикиш ва таъмирлаш, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, маиший жиҳозларни таъмирлаш, автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, автомобилларга ёнилғи қуйиш, ксерокопия ва полиграфия хизмати, буюмларни ижарага бериш ва бошқа турдаги маиший хизмат шохобчалари ҳақидаги маълумотлар қабул қилиб олиниши лозим.

Маданият муассасалари (музейлар, театрлар, концерт ташкилотлари, маданият ва истироҳат боғлари, дам олиш марказлари, маданий мерос объектлари) ва спорт иншоотлари идоравий мансублигидан қатъий назар, юқорида номлари қайд этилган ташкилотлар томонидан ҳисобга олинади. Диний муассасалар сони – туман (шаҳар) ҳокимининг диний масалалар бўйича ёрдамчиси, дафн этиш жойлари (қабристонлар) бўйича маълумотлар эса Ободонлаштириш бошқармаси томонидан тақдим этилади.

Ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражаси бўйича турлича миқёсдаги аҳоли пунктлари орасида катта фарқ мавжудлиги таълим муассасалари мисолида яна бир бор тасдиқланди (1-жадвал).

1-жадвал.Турли катталикдаги аҳоли пунктларида таълим муассасаларининг жойлашуви

№	Аҳоли пунктлари тоифалари	Таълим муассасаларининг мавжудлиги
1.	Аҳоли сони 2000 дан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктлари	Мактабгача таълим муассасалари (МТМ), хусусий МТМ, оилавий МТМ, тўлиқсиз ва умумий ўрта таълим мактаблари
2.	Шаҳарчалар, кичик ва ўрта шаҳарлар	Мактабгача таълим муассасалари (МТМ), хусусий МТМ, оилавий МТМ, умумий ўрта таълим мактаблари, мусиқа мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар (лицей, коллеж, техникум) таълим масканлари
3.	Аҳоли сони 100000дан ортиқ катта, йирик ва энг йирик шаҳарлар	Мактабгача таълим муассасалари (МТМ), хусусий МТМ, оилавий МТМ, умумий ўрта таълим мактаблари, мусиқа мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар (лицей, коллеж, техникум) таълим масканлари, олий ўқув юртлари

Манба: Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аҳоли пунктида жойлашган умумий ўрта таълим, мусиқа ва санъат мактаблари сони бўйича маълумотлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони эса – туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари маълумотлари асосида шакллантирилади. Бунда ўқувчи ўринлари сони (қуввати), амалда ўқиётган ўқувчилар сони ҳамда ўқитувчилар, шу жумладан, олий маълумотли ўқитувчилар сони (штат бўйича ва амалда қанча эканлиги) юзасидан маълумотлар қайд этилади.

Ўрта махсус касб-ҳунар (лицей, коллеж, техникум) таълим масканлари билан таъминланганлик бўйича жадвал катаклари туман (шаҳар) ҳудудидаги коллежлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи (коллеж директорларидан бири) томонидан тўлдирилади.Одатда олий ўқув юртлари (ОЎЮ) йирик шаҳарларда жойлашган бўлиб, у ҳақдаги маълумотларни тақдим этиш вазифаси ОЎЮ проректорларидан бирига, уларнинг ишини мувофиқлаштириш эса тегишли шаҳар ҳокими ёрдамчисига юклатилиши мумкин. Бунда асосий эътибор ОЎЮ ўринлари сони (қуввати), амалда ўқиётган талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар сонига (штат бўйича ва амалда қанча эканлиги) қаратилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан шаҳарлар салоҳиятини баҳолаш. Аҳолипунктларини хатловдан ўтказишда тақдим этилган жадвалларни тўлдиришдан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудларидаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб, янги шаҳар манзилгоҳлари ва йўлдош-шаҳарларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишлари лозим.

Таклифларда қуйидаги масалалар акс эттирилиши зарур (бу ерда мазкур масалани ёритиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмаси зиммасига юклатилгани кўрсатилган):шаҳар ва шаҳарчаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги энг муҳим тизимли муаммолар (канализация, ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси таъминоти, аҳоли бандлиги ва ишсизлик, уй-жой муаммоси ва бошқ.) (мувофиқлаштирувчи – туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари); мавжуд салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда йирик истиқболли қишлоқларни шаҳарларга айлантириш юзасидан таклифлар (масалан, 2030 йилгача шаҳарларга айлантириш имкони мавжуд қишлоқлар, уларнинг номи ва келажак имкониятларини аниқлаш) (мувофиқлаштирувчи – туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари);йирик шаҳарлар, жумладан Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказлари атрофида йўлдош-шаҳарчалар ташкил этиш имкониятларини баҳолаш (масалан, 2030 йилгача йирик шаҳарлар атрофида юзага келиши мумкин бўлган йўлдош-шаҳарчалар, уларнинг номи ва имкониятлари). Бунда йўлдош-шаҳарчаларга номзодлар асосий шаҳарлардан 35 км радиус узоқликдаги аҳоли пунктлари орасидан танлаб олинади (Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бош бошқармаси ва марказий шаҳар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими);кичик шаҳарларни ўрта шаҳар, ўрта шаҳарларни эса катта шаҳарлар тоифасига ўтказиш имкониятлари, уларнинг номи ва истиқболлари (Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, туман ва шаҳар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари); ихтисослашган шаҳарлар, масалан, туризмга, транспорт логистикасига, хизмат кўрсатиш соҳасига ихтисослашган шаҳарларни шакллантириш имкониятлари (номлари ва салоҳияти) (Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси);моношаҳарлар, яъни йирик саноат корхоналари асосида шаклланган шаҳарларнинг истиқболлари (Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси);истиқболли қишлоқ ва шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар (бошқарувни номарказлаштириш, шаҳар ҳокимликларининг ваколатлари ва молиявий имкониятларини кенгайтириш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда урбанизация жамғармаси маблағларидан фойдаланиш, шаҳарларни бошқариш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва ҳ.к.) (Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, туман ва шаҳар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари).

Мазкур услубият асосида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан республикадаги шаҳарчалар, кичик ва ўрта шаҳарлар хатловдан ўтказилди. Хатлов жараёнида тақдим этилган таклифлар ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан бевосита муаллиф иштирокида 2020-2023 йилларда республикада йўлдош шаҳарларга айлантириладиган аҳоли пунктларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш Дастури тайёрланди ва республика ҳукуматига тақдим этилди (2-жадвал).

2-жадвал. 2020-2023 йилларда республикада йўлдош шаҳарларга айлантириладиган истиқболли аҳоли пунктларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ДАСТУРИ

т/р	Аҳоли пунктлари номи	Ишлаб чиқиш, келишиш, республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашига тақдим этиш муддатлари	Масъул бажарувчилар
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри			
1.	Хўжайли шаҳри	2020 йил	Урбанизация агентлиги, ҚР ВК, ҚР Қурилиш вазирлиги, ЎзШаҳарсозлик ЛИТИ ДУК, ЎзГАШКЛИТИ ДУК
2.	Тахиатош шаҳри	2020 йил	
Андижон вилояти Андижон шаҳри			
3.	Шаҳрихон шаҳри	2020 йил	Урбанизация агентлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, Андижон вилояти Қурилиш бош бошқармаси, ЎзШаҳарсозлик ЛИТИ ДУК, ЎзГАШКЛИТИ ДУК
4.	Асака шаҳри	2021 йил	
Бухоро вилояти Бухоро шаҳри			
5.	Гала Осиё шаҳри	2021 йил	Урбанизация агентлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Бухоро вилояти Қурилиш бош бошқармаси, ЎзШаҳарсозлик ЛИТИ ДУК, ЎзГАШКЛИТИ ДУК
Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри			
6.	Косон шаҳри	2021 йил	Урбанизация агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Қашқадарё вилояти Қурилиш бош бошқармаси, ЎзШаҳарсозлик ЛИТИ ДУК, ЎзГАШКЛИТИ ДУК
7.	Хонобод шаҳри	2022 йил	
Наманган вилояти Наманган шаҳри			
8.	Тўрақўрғон шаҳри	2022 йил	Урбанизация агентлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги, Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармаси, ЎзШаҳарсозлик ЛИТИ ДУК, ЎзГАШКЛИТИ ДУК
9.	Чортоқ шаҳри	2022 йил	
Фарғона вилояти Фарғона шаҳри			
10.	Миндонобод шаҳри	2023 йил	Урбанизация агентлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Фарғона вилояти Қурилиш бош бошқармаси, ЎзШаҳарсозлик ЛИТИ ДУК, ЎзГАШКЛИТИ ДУК
Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри			
11.	Челек шаҳри	2023 йил	Урбанизация агентлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Самарқанд вилояти Қурилиш бош бошқармаси, ЎзШаҳарсозлик ЛИТИ ДУК, ЎзГАШКЛИТИ ДУК
12.	Ургут шаҳри	2023 йил	

* - муаллифнинг бевосита иштирокида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзларининг Олий Мажлисга юборган Мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларни белгилаб бердилар. Мазкур вазифаларнинг **тўққизинчисида** «урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак» эканлиги қайд этилган. Давлат раҳбари томонидан «ана шу ишлар доирасида 7 та йирик шаҳарга туташ бўлган 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши» [3] белгиланган. Худди шу нарса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли Фармонида [4] ҳам ўз аксини топган.

Дастурда қуйидагилар назарда тутилади:йўлдош шаҳарларни ривожлантириш натижасида асосий шаҳарга (ядро шаҳар) бўлган демографик юкни қисқартириш;йўлдош шаҳарларга бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий эътиборни кучайтириш орқали маҳаллий аҳолининг шаҳарлар ичида ҳаракати эркинлигини таъминлаш;йўлдош шаҳарларда саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш.

Шу билан бирга, хатлов натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш Концепцияси лойиҳасида ҳам ўз аксини топган.

АДАБИЁТЛАР

1. Лаппо Г.М. География городов. – М.: ВЛАДОС, 1997 -480с.
2. ЎзР ВМнинг 2020 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 710-сонли Қарори. https://lex.uz/docs/5093951
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
4. https://lex.uz/docs/4751561

Өзбекстанда жолдас-қалалар: қәлиплестириў ҳәм раўажландырыў перспективалары
Зокиров С. С. ПМИИ топар басшысы, э.и.к., доц.

Резюме. Мақалада Өзбекстанда қәлиплескен жолдас қалалар ҳаққында мағлыўматлар келтирилген. Сондай-ақ жолдас-қалалардың қәлиплестириў ҳәм раўажландырыў перспективалары анализ қылынған. Жолдас қалалардың қалиплесиў

факторлары көрсетилген. Қалаларды категорияларға бөлыў методологиясы ислеп шығылған. Алымлардың жолдас-қалалар ҳаққындағы пикирлери келтирилген.

Таяныш сөзлер: қала, география, демография, ҳалқ, жолдас-қалалар, аймақ, экология.

Зокиров С. С. Тошкент шаҳри. и.ф.н., доц.
Ўзбекистонда йўлдош-шаҳарлар: шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари

Резюмия. Мақолада Ўзбекистонда шаклланган йўлдош шаҳарлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, йўлдош-шаҳарларнинг шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинган. Йўлдош шаҳарларнинг шаклланиш омиллар кўрсатилган. Шаҳарларни тоифаларга бўлиш услубияти ишлаб чиқилаган. Олимларнинг йўлдош шаҳарлар ҳақидаги қарашлари келтирилган.

Калт сўзлар: шаҳар, география, демография, аҳоли, йўлдош шаҳарлар, ҳудуд, экология.

Города-спутники Узбекистана: перспективы формирования и развития
Зокиров С.С.г. Ташкент

Резюмия. В статье представлена информация о городах-спутниках, образованных в Узбекистане.Также были проанализированы перспективы формирования и развития городов-спутников.Указаны факторы формирования городов-спутников.Разработана методология разделения городов на категории. Представлены взгляды ученых на города-спутники.

Ключевые слова: город, география, демография, население, города-спутники, территория, экология

Satellite cities of Uzbekistan: prospects of formation and development
Zokirov S.S. c. Tashkent

Summary. The article presents information on satellite cities formed in Uzbekistan.The prospects for the formation and development of satellite cities have also been analyzed.The factors of the formation of satellite cities are indicated.A methodology for dividing cities into categories has been developed.The views of scientists on satellite cities are presented.

Key words: city, geography, demography, population, satellite cities, territory, ecology

---

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА УМУМ БЕЛГИЛАНГАН ВА СОДДАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

(*Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида)*

Тошкулов А. Х.
Иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Солиқ механизмининг таркибий қисмларига солиққа тортиш тартиблари ҳам киради. Солиққа тортиш тартибларини солиққа тортиш усулларидан фарқлаш лозим. Дунё амалиётида солиққа тортишнинг тўрт хил тартибидан қўлланади. Булар умумий тартиб, марказлаштирилган тартиб, соддалаштирилган тартиб ва халқаро тартиблардир. Солиққа тортишнинг умумий тартиби мамлакатнинг барча ҳудудларида солиққа торттишнинг умумий тамойилларининг амал қилишини билдиради. Бунда ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ элементлари(солиқ объекти, базаси, ставкаси, имтиёзларни қўллаш, солиқ ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга ўтказиш) бир хил тартибда қўлланилади. Солиқлар бўйича бериладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялари умумий тартибга нисбатан белгиланади. Солиққа тортиш тартибининг кейинги тури бу соддалаштирилган тартибда солиқ солиш тартибидир. Мазкур тартиб давлат солиқ сиёсатининг тактик йўналишларидан келиб чиқиб, айрим турдаги солиқ тўловчиларни мақсадли рағбатлантириш ва уларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларга нисбатан қўлланиладиган солиқ механизмларини ифодалайди. Бу тартибга кўра қишлоқ хўжалик корхоналари ягона ер солиғини тўлайди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»ги [1]Фармонига асосан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар 1999 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиғига ўтказилди. Бунда даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер остидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига ягона ер солиғи тўланиш амалиёти жорий этилди. Дастлаб ягона ер солиғига тортиш объекти бўлиб, эгаллаб турган ер майдони ҳисобланиб, ҳар бир ҳудуд учун тегишли ставкалар ва тузатиш коэффициентлари ишлаб чиқилди. 2004 йилдан бошлаб тажриба тариқасида Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ернинг меъёрий қийматидан келиб чиқиб ягона ер солиғи ставкалари белгиланди.

Маълумотларнинг кўрсатишича, 2016 йилга қадар ягона ер солиғи ставкалари ошиб бориш тенденциясига эга, 2004 йилда ставка 1 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 6 фоизга кўтарилган. Ягона ер солиғи ставкасининг ушбу йилларда оширилишининг асосий сабаби мазкур солиқ солиш объекти ҳисобланганернинг меъёрий қиймати бу йилларда қайта кўриб чиқилиб, оширилмаганлиги натижасида бюджетга тушумларнинг камайишининиг олдини олиш мақсадида ставкалар ошириб борилган. Лекин 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги ПҚ-2455 сонли қарори билан 0,95 фоизга туширилган.



1-расм. 2004-2019 йилларда ягона ер солиғи ставкаларининг ўзгариш динамикаси [2]

Бунинг асосий сабаби 2016 йилдан қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг меъёрий қиймати инфляция даражасидан келиб чиқиб қайта баҳоланди ва ягона ер солиғи ставкаси туширилди. 2016 йилда ягона ер солиғи ставкаси 6 баробардан кўп пасайтирилган бўлса-да, ерларнинг меъёрий қиймати кўпроқ оширилди. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди:




2-расм. Ягона ер солиғи тўловчилар сони ва ҳисобланган ягона ер солиғи бўйича маълумотлар (млн сўмда) [3]

2011-2015 йилларда ягона ер солиғи тўловчилар сонида ҳам ҳисобланган ягона ер солиғи суммасида ҳам кескин ўзгаришлар юз бермаган, фақат 2015 йил ва 2016 йилда ягона ер солиғи тўловчилар сони сезиларли даражада ошган. Бунинг биринчи сабаби республикада фермер хўжаликлари сонининг ошганлиги билан белгиланса, иккинчи сабаби Солиқ қонунчилига 2015 йилдан бошлаб киритилган ўзгаришларга мувофиқ янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан бошлаб икки йил муддатга берилган ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар бекор килинганлигидадир [4]. Шунингдек, 2016 йилда ягона ер солиғи ставкасининг 6 фоиздан 0,95 фоизга тушганлигига қарамасдан ҳисобланган солиқ суммасининг 55579,7 млн сўмга ошганлиги қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қиймати кескин оширилганлигидан далолат беради. Таҳлил қилинаётган 2016-2017 йилларда ягона ер солиғи тўловчилар сонининг ошиши Ҳукумат қарорига мувофиқ пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликари учун ажратилган ер майдонлари қисқариши натижасида уларнинг сони 7556 тага ошиши белгиланган [5]. 2019 йилдан ягона ер солиғи тўловчилар сонининг камайишига ушбу йилда пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами - 100 гектар деб белгиланиши сабаб бўлган [6]. Лекин 2019 йилда ҳисобланган ягона ер солиғи суммаси 310526,43 млн сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 30,25 фоизга ошганлигини шу йилда тажриба тариқасида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари билан банд бўлган ерлар учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари қатъий белгиланиб, оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Республикада сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ҳосилдорликни ошириш учун сув тежовчи технологияларни жорий этиш билан соҳага давлат томонидан рағбатлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2013 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналарида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинганда беш йил муддатга ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ этилди.

Мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди:



3-расм. Сув тежовчи технологиялар жорий этиладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг умумий майдони кенгайиши [7]

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида мамлакат бўйича сув тежовчи технологияларни жами суғориладиган майдонларнинг 32 фоизига етказиш режалаштирлган. Албатта, ушбу прогноз кўрсаткичларига эришиш учун қишлоқ хўжалиги товар

ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий рағбатлантирилиши муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда пахта хомашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби жорий этилди. Унга мувофиқ сарфланган харажатлар миқдоридан қатъи назар, томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ҳар бир гектар майдон учун давлат бюджетидан 8 млн сўм миқдорида бир марталик субсидия ажратилади. Келиб тушган маблағларни қишлоқ хўжалиги корхонаси ихтиёрий равишда фойдаланиши,жумладан, жалб этилган кредит бўйича қарздорликларни қоплашга йўналтириши мумкин. Ушбу субсидия маблағларини олиш нафақат томчилаб суғориш технологияларни жорий этган қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу билан бирга бу технологияларни жорий этишни бизнес режага киритган корхоналар ҳам олиши мумкин. Бунинг учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича лойиҳа ва «бизнес-режа»нинг нусхасини ўз ҳудудларидаги вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаларига тегишли ҳужжатларни тақдим этиши зарур бўлади. Бундай чоралар натижасида 2019-2022 йилларда жами 253 381 гектар ерга томчилаб суғориш технологиясини жорий этиш кўзда тутилган.

1-жадвал. 2019-2022 йилларда Ўзбекистонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш прогнози [8]

Ҳудудлар	**Жами**	**2019 йил**	**2020 йил**	**2021 йил**	**2022 йил**
ҚорақалпоғистонРеспубликаси	7 030	931	1338	1792	2 969
Андижон	16 454	1 048	2634	4600	8 172
Бухоро	19 687	2 382	3616	4985	8 704
Жиззах	11 052	1 315	1961	2920	4 856
Қашқадарё	24 479	1 660	4035	6851	11 933
Навоий	10 374	1 085	1651	2871	4 767
Наманган	17 840	1 425	2538	5101	8 776
Самарқанд	39 588	6 267	7932	9221	16 168
Сурхондарё	32 272	4 095	5614	8355	14 208
Сирдарё	13 144	1 641	2397	3346	5 760
Тошкент	27 604	2 037	4160	7864	13 543
Фарғона	23 814	2 719	4070	6550	10 475
Хоразм	10 043	1 322	1878	2671	4 172
Республика бўйича	**253 381**	**27 927**	**43824**	**67127**	**114 503**

Маълумотларнинг кўрсатишича, республикамиз бўйича энг катта майдонда томчилаб суғориш технологиясини жорий этиладиган ҳудудларга Самарқанд (39 588 га), Сурхондарё (32 272 га), Тошкент вилоятлари (27 604 га) киради, энг кам майдонга жорий этиладиган ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси (7 030 га) ва Хоразм (10 043 га) вилоятини киритиш мумкин, бу эса мазкур ҳудудларда ерларнинг кўп шўрланганлиги билан боғлиқ жараёндир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари 2019 йилнинг 1 октябридан йил давомида 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонига эга бўлган тақдирда қўшилган қиймат солиғи ва бошқа умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби белгиланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги корхоналари бугунги кунда ҳеч қандай тўсиқсиз ўзи етиштирган мева-сабзавотларини ёки уларни қайта ишлаш маҳсулотларини четга экспорт қилиши мумкин. Бунда экспорт реализацияси оборотига қўшилган қиймат солиғини ноль ставкада ҳисоблаб, қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммаси ҳосил бўлган тақдирда, бу суммани солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда давлат бюджетидан қайтариб олиши мумкин бўлади.

Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган асосий солиқ тури ҳисобланувчи ягона ер солиғи тушумини йиллар кесимида таҳлилини 2-жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

Қуйидаги жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, Сурхондарё вилояти бўйича ягона ер солиғи тушуми ўсиш тенденциясига эга. Фақат 2018 йилга нисбатан 2019 йилда кескин камайган. Ушбу ҳолатни 2019 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш механизмида ўзгаришлар киритилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5755-сонли Фармонига асосан қўшилган қиймат солиғи жорий этилди.

Термиз шаҳрида ягона ер солиғи тушуми деярли мавжуд эмас. Ушбу ҳолатни Термиз шаҳрида бир нафар чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи корхона мавжуд эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Сурхондарё вилоятида ягона ер солиғи бўйича асосий улуш Денов, Олтинсой, Шўрчи ва Қизириқ туманларига тўғри келмоқда. Мазкур туманларда солиқ тушумининг юқорилигини ушбу ҳудудларда ҳам деҳқончилик ҳам чорвачилик фаолияти субъектлари мавжудлиги билан асослаш мумкин.

2-жадвал. Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган ягона ер солиғи миқдори туманлар кесимида ўзгариши динамикаси [9] (млн. сўм)

№	Туман ва шаҳар номи	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
1.	Термиз шаҳар	1,0	2,2	1,2	5,9	5,4
2.	Ангор тумани	511,5	907,4	1 009,9	1 250,5	836,4
3.	Олтинсой тумани	811,8	1 409,9	2 513,0	2 587,4	2 130,1
4.	Бойсун тумани	569,4	755,3	751,6	872,7	540,5
5.	Музработ тумани	652,8	1 924,6	1 908,8	1 987,8	1 410,9

6.	Денов тумани	2 180,8	2 941,9	2 275,7	3 868,5	2 886,9
7.	Жарқўрғон тумани	898,2	1 785,3	1 744,5	1 531,7	1 194,1
8.	Қумқўрғон тумани	994,4	2 226,2	1 386,1	1 820,0	1 146,0
9.	Қизирик тумани	719,3	2 634,5	2 616,1	2 255,4	1 824,8
10.	Сариосиё тумани	661,7	850,5	1 073,6	1 285,6	1 104,6
11.	Термиз тумани	587,4	814,4	944,6	1 475,3	1 249,8
12.	Шеробод тумани	868,6	2 891,6	2 714,0	2 288,0	1 592,8
13.	Шўрчи тумани	1 078,3	1 531,1	1 464,8	1 558,1	1 222,0
14.	Узун тумани	692,1	897,3	845,2	1 247,8	1 205,2
15.	Бандихон тумани	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Жами	**11 227,3**	**21 572,1**	**21 249,3**	**24 034,7**	**18 349,4**

Ягона ер солиғи миқдорининг ўзгаришига биринчи галда бевосита ерларнинг меъёрий қиймати таъсир қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда деярли барча таҳлилий даврда барча туманлардаги солиқ тушумининг ҳар хил ўзгариб туришини ерларнинг меъёрий қиймати аниқ бир мезон асосида объектив равишда белгиланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги 2-жадвалда келтирилган ягона ер солиғи қишлоқ хўжалиги товарларини етиштирувчи корхоналар деҳқон хўжалиги сифатида ҳамда фермер хўжалиги сифатида фаолият юритувчи субъектлар, шунингдек, чорва корхоналари томонидан ундирилган.

Маълумки, Республикамизда 2020 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи бекор қилиниб, фаолият мажбуриятларидан ҳамда фойдаланиш объектларидан келиб чиққан ҳолда айланмадан солиқ ёки умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби жорий этилди. Яъни, йиллик пул айланмаси 1 миллиард сўмгача ҳамда суғориладиган ер майдони 50 гектаргача бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар айланмадан олинадиган солиқ ва бошқа солиқларни тўлаш тартиби белгиланди. Буни мисол тариқасида Сурхондарё вилояти Қизирик туманида фаолият кўрсатувчи «Сурхон лочини» қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолияти асосида таҳлил қиламиз.

3-жадвал. «Сурхон лочини» корхонаси томонидан тўланадиган солиқларнинг қиёсий таҳлили

2019 йилда	**2020 йилда**
1. Ягона ер солиғи 290 га х 12,6 х 0,95% = **37,7 млн. сўм** (1 сентябргача 30% 10,4 млн. сўм, 1 декабргача қолгани 24,3 млн. сўм ЯЕС тўланади) 2. Ягона ижтимоий тўлов 207,7 млн. сўм х 12 % = **24,9 млн. сўм** 3. Қўшилган қиймат солиғи 1508,5 млн. сўм х 15% = **226,3 млн. сўм** Жами солиқ суммаси **288,9 млн. сўм**	1. Фойда солиғи 150,0 млн. сўм х 0 % = **0** 2. Қўшилган қиймат солиғи 1508,5 млн. сўм х 15% = **226,3 млн. сўм** 3. Ижтимоий солиқ 207,7 млн. сўм х 12 % = **24,9 млн. сўм** 4. Мол-сулк солиғи 1250,3 млн. сўм х 2 % = **25,0 млн. сўм** 5. Ер солиғи 290 га х 12,6 х 0,95% = **37,7 млн. сўм** 6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 12 220 м^3 (ер усти манба) х 140 сўм = **1 710,8 минг сўм** Жами солиқ суммаси **315,6 млн. сўм**

Келтирилган жадвалдан кўринадики, «Сурхон лочини» қишлоқ хўжалиги корхонасининг фойдаси 250 млн. сўм, товар айланмаси 1 508,5 млн. сўмни, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 207,7 млн. сўмни, ер майдони 290 гектарни, кўчмас мулки қиймати 1250,3 млн. сўмни, ер майдони меъёрий қиймати 1 га учун 12,6 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун солиққа тортиш механизмидаги ўзгаришлар бир томонидан адолатлиликни таъминлаш ҳамда бюджет даромадлари ортишига хизмат қилади. Бироқ, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланадиган солиқларнинг умумбелгиланган тартибга ўтказилиши уларга нисбатан солиқ юкининг ортиб кетишига олиб келади.

Умумий ер майдони 1 гектардан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарга нисбатан ер участкасининг бир қисмида тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланилган тақдирда 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ягона солиқ тўлови ундириш тартиби белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сонли Фармонига мувофиқ, 2019 йил 1 августдан бошлаб ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш имкониятига эга бўлди. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб эса 2019 йил январь ойидан сентябрь ойигача 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси (тушуми)га ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларига эга бўлган ягона ер солиғи тўловчилари қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланиши белгиланди.

Мазкур ўзгаришлар таъсирида Сурхондарё вилоятида фаолият олиб борувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан 2018 йилда 8632,8 млн. сўм ягона солиқ тўлови ҳисобланган бўлса, бу кўрсаткич 2019 деярли 8 баробар, 2020 йилда эса 14 баробар, яъни кескин камайиб кетган. Ушбу ҳолатни қишлоқ хўжалиги корхоналари учун қўшилган қиймат солиғи 2019 йилдан жорий қилинганлиги билан изоҳлаш мумкин. Қўшилган қиймат солиғи 2020 йил I ярим йиллиги учун ҳисобланганлиги сабабли 2020 йилда 2019 йилга нисбатан кам кўрсаткичга эгалигини кўришимиз мумкин.

4-жадвал. Сурхондарё вилоятида 2020 йил ярим йил давомида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган солиқлар миқдори [10]

№	Туман ва шаҳарлар номлари	Қўшилган қиймат солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ер солиғи	Бошқа солиқлар
1	Термиз шаҳри	0,0	0,0	0,0	0,0
2	Ангор тумани	192,9	154,0	110,0	105,0
3	Олтинсой тумани	15,6	281,9	201,4	111,0
4	Бойсун тумани	53,2	1,0	0,7	12,0
5	Музработ тумани	39,3	1 066,9	762,1	162,3
6	Денов тумани	1 177,1	979,4	699,6	522,1
7	Жарқўрғон тумани	1 120,1	776,5	554,6	248,9
8	Қумқўрғон тумани	1 816,2	677,1	483,7	183,5
9	Қизириқ тумани	732,9	678,9	484,9	128,2
10	Сариосиё тумани	500,0	165,3	118,1	122,1
11	Термиз тумани	412,7	361,2	258,0	145,6
12	Шеробод тумани	1 113,7	532,8	380,5	155,7
13	Шўрчи тумани	450,3	567,4	405,3	185,7
14	Узун тумани	304,2	471,5	336,8	135,2
15	Бандихон тумани	564,9	320,3	228,8	111,9
	Жами	**8 492,9**	**7 034,1**	**5 024,4**	**2 329,2**

Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари сонининг йиллар давомида камайиб кетишини сўнгги йилларда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ва уларнинг оптималлаштирилиши, шунингдек кластер тизимига ўтказилиши билан изоҳлаш мумкин.

Сурхондарё вилоятида 2020 йил ярим йиллик якунларига кўра қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундирилган солиқлар таркибини 4-жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

4-жадвал кўрсаткичларига кўра, ундирилган солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиғи асосий ўринни эгаллайди. Ундирилган солиқларнинг асосий қисми Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Шеробод туманларига тўғри келмоқда. Бунинг асосий сабаби мазкур ҳудудларда қишлоқ хўжалиги майдонлари кўпроқ деҳқончиликка асосланганлиги, ерларнинг меъёрий қиймати яхши белгиланганлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўзлари томонидан қайта ишлаб реализация қилиниши, бунинг натижасида уларнинг айланма маблағлари юқори бўлиши ва қўшилган қиймат солиғи тушуми ортишига олиб келган.

Умумий хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш тизимли ёндашувни талаб этади. Бунда мамлакатдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси муҳим аҳамият касб этади, қайта ишлаш даражаси юқори бўлса, қўшилган қийматнинг кейинги босқичларида яратиладиган қисмига солиқ солишга асосий эътибор қаратилиши, қайта ишлаш даражаси паст бўлганда, хомашё сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чиқиб кетишини чеклашга қаратилган солиқ дастакларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларида ер майдонига нисбатан ҳисобланадиган мутаносиб ер солиғи умумқабул қилинган солиқ қоидаларига жавоб берса-да, табиатан нарх ва даромадларнинг ноэластиклиги ҳамда рискка мойиллиги бўлади. Сотилган маҳсулотлар бўйича олинган даромадлардан келиб чиқиб ҳисобланадиган солиқлар бу камчиликларни бартараф қилиш борасидаги мақбул йўналиш ҳисобланади ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналаридан олинадиган оптимал солиқ сифатида баҳоланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш бўйича ерларнинг меъёрий қийматининг белгилашда муаммолар мавжуд. Ерларнинг меъёрий қийматини номувофиқ белгиланиши айрим солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантирса, айрим ҳолатда, аксинча, давлат бюджетига тушумларнинг камайишига олиб келади. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилаётган ерларга нисбатан қўлланиладиган солиқ миқдори унинг меъёрий қийматига боғлиқлиги солиқ тушумларига салбий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобга олишда аниқ механизмларни ишлаб чиқиш лозим. Бугунги кунгача қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ҳақиқатда фойдаланилган сув ҳажмини аниқлаш механизми ишлаб чиқилмаган. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобга олишда фақатгина тумандаги сув таъминоти корхоналарининг хулосаларига таянилиб қолмоқда. Бунинг натижаси солиққа тортишнинг адолатлилик принципи талаблари бузилишига олиб келмоқда, яъни сувдан кўп фойдаланиб кам солиқ тўланиши ёки, аксинча, сувдан кам фойдаланиб кўп солиқ тўланиши ҳолатларини келтириб чиқаради.

АДАБИЁТЛАР

1. 2004-2019 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг бюджет параметрлари тўғрисидаги қарорлари асосида
2. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги «Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 362-сонли қарорининг 1-иловаси.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 декабрдаги «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 14-сонли қарорининг 4-иловаси.
6. «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сонли Фармони асосида тайёрланган.
7. «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742 сонли Фармони асосида тайёрланган.
8. Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.
9. Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиққа тортиш тартибларини қўлланишнинг хусусиятлари (Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида)

Тошкулов А. Х. Иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Резюме. Бу мақолада солиқларнинг иқтисодиётдаги ва бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришдаги роли, шунингдек солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳақида ёзилган. Шунингдек бу мақолада қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг жорий қилинишининг иқтисодиётга таъсири ҳақида тушунча берилган. Шу билан бирга мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар ва уларнинг халқ фаровонлигига таъсири ҳақида ёзилган.

Таянч сўзлар: солиқ, бюджет, иқтисодиёт, экспорт, қишлоқ хўжалиги.

Характеристики применения общих и упрощенных положений налогообложения на сельскохозяйственных предприятиях (На примере сельскохозяйственных предприятий, действующих в Сурхандарьинской области)

Тошкулов А.Х. Доктор экономических наук, доцент

Резюме. В статье рассматривается экономическое значение налогов и его роль в формировании доходной части бюджета, а также ход реформ в этой отрасли. А также дается представление о влиянии на экономику введения единого земельного налога для сельскохозяйственных товаропроизводителей, освещаются экономические реформы, осуществляемые в нашей стране для обеспечения стабильного экономического роста, и их влияние на благополучие народа.

Ключевые слова: налог, бюджет, экономика, экспорт, сельское хозяйство

Characteristics of application of general and simplified tax provisions in agricultural enterprises (On the example of agricultural enterprises operating in the Surkhandarya region)

Toshkulov A.X. Toshkulov A.Kh. Doctor of Economics, Associate Professor

Summary. In this article, the problem of economic meanings of taxes and its role in formation of profit part of the budget, and also reforming process in this sphere, is considered. Also, this article gives an idea of the impact on the economy of the introduction of a single land tax for agriculturalcommodity producers. And also this article highlights the economic reforms carried out in our country to ensure sustainable economic growth, and their impact on the welfare of the people.

Key words: tax, budget, economy, export, agricultural industry.

ÓZBEKISTAN RESPUBLIKASINDAQAMSIZLANDIRIW BAZARIN MÁMLEKET TÁREPINEN TÁRTIPKE SALIWDA SHET EL TÁJIRIYBESINEN PAYDALANIW

Kalenov K. T.
Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Kirisiw. Hár qanday tarawdı tártipke salıw mámleket tárepinen qabıl etiletuǵın nızamlar hám taǵı basqa normativ húJjetler tiykarında ámelge asırıladı. Bunday húJjetlerdiń ámel etiwi tarawdı tártipke salıw hám sawlam básekeni támiyinlew menen birge usı xızmettiń rawajlanıwınada shárt-sharayat jaratıp beredi.Kommertsiyaǵa tiykarlanǵan qamsızlandırıwdı rawajlandırıwǵa bólek itibar qaratıp kelinip atır hám sol maqsette bul tarawdıń rawajlanıwın názerde tutatuǵın bir qatar jeńillik hám preferensiyalar ámel qılıp atır. Bul jeńillik hám preferensiyalardı ǴMDA mámleketleri menen salıstırılǵanda biziń mámleketimizde kóbirek múmkinshilikler jaratılǵan dep tán alıw múmkin.Joqarıdagilardiń nátiyjesi bolıp esaplanıw, mámleketimizde qamsızlandırıw tarawı jańa tarawdıń bolıwı menen birge, salıstırmali ráwishte tez rawajlanıp atırǵan tarawlardan biri esaplanadı.

Kommertsiyaǵa tiykarlanǵan qamsızlandırıw xızmeti Ózbekistanda tiykarınan ǵárezsizlik jıllarında qáliplesti hám rawajlandi, onıń huqıqıy tiykarları jaratıldı hám jetilistirildi. 1993 jıl 6 mayda mámleket tariyxında birinshi ret «Qamsızlandırıw haqqinda» nızam qabıllandı. Bul nızam tiykarında óz aldina yuridikalıq shaxs abiroyina iye bolǵan túrli múlk formasındaǵı qamsızlandırıw shólkemleri dúzildi. 1994 jılda Prezident pármanı tiykarında islengen hám 1997 jılda «Ózbekinvest» eksport-import milliy qamsızlandırıw kompaniyası retinde qayta islengen mámleket múlkine tiykarlanǵan qamsızlandırıw kompaniyanıń dúziliwi, 1995 jılda isbilermenlik táwekelshilikti qamsızlandırıwǵa qániygelesken «Járdem» qamsızlandırıw agentligi, 1997 jılda GOSSTRAX shólkeminiń negizinde dúzilgen «Ózagrosuǵurta» hám «Kepillik» mámleket aktsionerlik qamsızlandırıw kompaniyalarınıń dúziliwi hám basqa bir qansha jeke menshik túrindegi qamsızlandırıw kompaniyalarınıń dúziliwi mámlekette qamsızlandırıw bazarınıń qáliplesiwi hám óz-ara básekeniń júzege keliwine sharayat jarattı hám qamsızlandırıw xızmetleri anaǵurlım dárejede rawajlana basladı. 2002 jılǵa kelip mámlekette qamsızlandırıw tarawı anaǵurlım rawajlanıw dárejesine eristi hám ámeldegi «Qamsızlandırıw haqqinda» ǵi nızamdı qayta kórip shıǵıw zárúrligi payda boldı. Sonnan kelip shıqqan halda ámeldegi qamsızlandırıw haqqinda nızam jańa baspada qayta islenip, 2002 jıldıń 5 aprelnide «Qamsızlandırıw xızmeti haqqinda» dep atalǵan jańa nızam qabıllandı. Bul nızamǵa kiritilgen eń zárúrli ózgerisler retinde qamsızlandırıw bazarınıń professional qatnasıwshıları bolǵan aktuariy, syurveer, adjaster, assistans sıyaqlı qatnasıwshılardı shólkemlestiriwdiń huqıqıy tiykarları jaratıldı [3]. 2002 jıl 27 noyabrde Ministrler keńesi tárepinen shıǵarılǵan 413-sanlı

«Qamsızlandırıw bazarın jánede rawajlandırıw ilajları haqqinda» qarar qabıl etildi. Joqarıda keltirip ótilgen nızam hám usı qarar qamsızlandırıw salasında túpkilikli ózgeris jasadi. Bul sheshimge tiykarınan 2003 jıldan baslap qamsızlandırıw kompaniyaları litsenziyalanatuǵın boldı hám litsenziya beriwdiń tiykarǵı talabı retinde ustav kapitallarınıń eń kem muǵdarları belgilendi. Bul minimal muǵdarlar jıllar dawamında basqıshpa-basqısh asırıp barılmaqta. [3]

2002 jıldan keyingi jıllar dawamında mámleket Prezidenti hám húkimeti tárepinen qamsızlandırıw salasın rawajlandırıw maqsetinde bir qansha párman hám qararlar qabıl etilip, usılar tiykarında qamsızlandırıw tarawı mámleket tárepinen tártipke salinbaqta, qamsızlandırıwshilardiń qamsızlandırıwshilarǵa salıstırǵanda huqıqları qorǵalip atır hám soniń menen birge qamsızlandırıw salasın rawajlandırıw ushın shárt-shárayatlar jaratılıp atır.

Tiykarǵı bólim analizi. Ózbekistanda qamsızlandırıwshilardiń xızmeti bir qansha nızam hám nızam asti húǵjetleri menen tártiplestiriledi hám qadaǵalalanadi. Bul nızam húǵjetlerin biz eki bólekke bolıp úyreniwimiz múmkin. Birinshi bólim qamsızlandırıw salasın tártipke salıwshi ulıwma nızamlar hám ekinshi bólim usı xızmetti tártipke salıwshi arnawlı nızamshılıq húǵjetlerinen ibarat.

Qamsızlandırıw salasın tártipke salıwshi arnawlı nızam hám nızam asti húǵjetleri retinde 2002 jıl 5 aprelde qabıl etilgen "Qamsızlandırıw xızmeti haqqinda" ǵi nızam, Ózbekistan Respublikası puqaralıq kodeksi jáne onıń «Qamsızlandırıw» dep atalǵan 52-babı, 2008 jıl 22 aprelde ámelge kiritilgen «Qamsızlandırıw hám qayta qamsızlandırıwshilardiń tólew qábileti haqqindaǵı qaǵıyda», 2009 jıl 3 iyulda ámelge kiritilgen «Qamsızlandırılatuǵın hám qayta qamsızlandırıwshiniń investitsiya xızmet haqqinda qaǵıyda» hám 2008 jıl 20 noyabrde ámelge kiritilgen «Qamsızlandırıwshilardiń qamsızlandırıw rezervleri haqqinda qaǵıyda» hám basqa bir qansha nızam asti húǵjetleri ámel etip kelip atır [3]. 2008 jıl 20 noyabrde ámelge kiritilgen «Qamsızlandırıwshiniń qamsızlandırıw rezervleri haqqinda qaǵıyda» ǵa kóre qamsızlandırıw rezervleri qamsızlandırıwshi tárepinen qamsızlandırıwdıń hár bir túri (klassi) boyınsha qamsızlandırıw shártnamasına muwapıq qamsızlandırıw tólemin (qamsızlandırıw pulin) tólew názerde tutılǵan valyutada qáliplestiredi. Qamsızlandırıw buxgalteriya esabatın dúziwde esabat sánesine qamsızlandırıw xızmetin ámelge asırıwdan alınǵan finanslıq nátiyjelerin anıqlawda qamsızlandırıw rezervleri kólemin esaplaydı. Qamsızlandırıw rezervleri esap -kitabı qamsızlandırıwshilardiń esap hám esabat maǵlıwmatlarına tiykarlanǵan halda ámelge asıriladı.

Usı qaǵıydaǵa kóre qamsızlandırıw óziniń balansında minnetleme yamasa aktivler retinde esapqa alınatuǵın tómendegi texnikalıq rezervlerdi qáliplestiriwi shárt:a) islep tabilǵan sıylıq rezervi (ulıwma qamsızlandırıw (qayta qamsızlandırıw) boyınsha xızmetti ámelge asırıwda); b) sıylıqlar rezervi (turmıstı qamsızlandırıw boyınsha xızmetti ámelge asırıwda);v) transport quralları iyeleriniń puqaralıq juwapkershiligin májburiy qamsızlandırıw boyınsha turaqlılastırıw rezervi (usı májburiy qamsızlandırıw túrin ámelge asırıp atırǵan qamsızlandırıwshilar ushın);g) is beriwshiniń puqaralıq juwapkershiligin májburiy qamsızlandırıw boyınsha xızmetti ámelge asırıwda (usı májburiy qamsızlandırıw túrin ámelge asırıp atırǵan qamsızlandırıwshilar ushın);d) qamsızlandırıw hádiysesiniń júz beriwi menen kelip shıǵıwshı hámde qamsızlandırıw shártnaması shártleri boyınsha orinlaniwi kerek bolǵan ziyan kólemine muwapıq halda anıqlanatuǵın hám tómendegilerden quram tapqan zıyanlar rezervi:xabar etilgen, lekin jónge salinbaǵan zıyanlar rezervi;júz bergen, lekin xabar etilmegen zıyanlar rezervi.

Qamsızlandırıw qosımsha túrde eskertiw ilajları rezervin, hár qiyli hádiyseler rezervin, zıyanlılıqtıń shayqalıwı rezervin, aktivlerdiń saykes emesligi rezervin hám basqa sol túrdegi rezervlerdi shólkemlestiriwi múmkin. Usı qaǵıydada joqarıda keltirilgen rezervlerdi esaplaw usıllarında belgilep berilgen [2,173]. Qaǵıydada «Ajıratılǵan aktivler» túsinigine táriyp berilgen bolıp, ajıratılǵan aktivler qamsızlandırıwshiniń qamsızlandırıw rezervleri summasına muwapıq keliwshi aktivleri bolıp tabıladı dep túsinik beriledi. Bul qaǵıydaǵa kóre qamsızlandırıwshi qamsızlandırıw rezervleri qarjları xızmetine ekvivalent bolǵan summadaǵı aktivlerdi ajıratıwı shárt ekenligi, ajıratılǵan aktivlerdiń ulıwma bahası qamsızlandırıw rezervleri qarjlarınıń jámi muǵdarınan kem bolmawi kerekligi, ajıratılǵan aktivler xızmeti qamsızlandırıw rezervleri summasınan kem bolǵan jaǵdayda, qamsızlandırıwǵa ajıratılǵan aktivler xızmetin qamsızlandırıw rezervleri summasınan kem bolmaǵan bahaǵa asırıw hám qamsızlandırıw rezervleri kóleminiń 105 protsentinen kóp bolmaǵan muǵdarda kóbeytiw ushın jeterli muǵdardaǵı qosımsha aktivlerdi ajıratıwı shárt [2,177]. Usı qaǵıydada ajıratılǵan aktivlerdiń 70% ten kem bolmaǵan bólegi tómendegilerden (yamasa olardıń geyparalarınan) quram tabıwı kerekligi belgilep qoyılǵan:Ózbekistan Respublikasınıń mámleketlik qımbat bahali qaǵazları;bank amanatları (depozitler);kassadaǵı hám esap (valyuta) nomerlerdegi hám basqa bank nomerlerindegi pul qarjları, soniń menen birge olarǵa teńlestirilgen qarjilar;shet el mámleketleriniń mámleketlik qımbat bahali; Ózbekistan Respublikasınıń nızam húǵjetlerine muwapıq, Ózbekistan Respublikası aymaǵında shıǵarıw hám mámilege kirgiziwge ruxsat berilgen, yamasa tiyisli kepillikli organ tárepinen berilgen ruxsat beretuǵın litsenziyaǵa iye bolǵan shet el emitentlar tárepinen shıǵarılǵan hám de qımbat bahali qaǵazlar bazarında mámilege qoyılǵan qımbatlı qaǵazlardan shólkemlesken bolıwı belgilep qoyılǵan.

2008 jıl 22 aprelde qabıl etilgen «Qamsızlandırıwshilar hám qayta qamsızlandırıwshilardiń tólew qábileti haqqindaǵı qaǵıyda» niń IV-bóliminde qamsızlandırıwshilar aktivlerin jaylastırıwǵa tiyisli talaplar belgilengen bolıp, bunday talaplar retinde qamsızlandırıwshiniń basqa yuridikalıq shaxslardıń ustav kapitallarına jaylastıratuǵın aktivlerine salıstırǵanda shegaralar, qamsızlandırıwshiniń hár qanday bir yuridikalıq shaxstıń ustav kapitalındaǵı úlesine salıstırǵanda shegara, qamsızlandırıw aktivlerin kóshpes múlk ob'ektlerine jaylastırıw boyınsha shegara, kredit shólkemlerine jaylastırilatuǵın qarjilar boyınsha shegaralar belgilengen bolıp, bunnan tısqarı qamsızlandırıw aktivlerin jóneltiriw sheklengen tarawlar da belgilengen [3].

Usı qaǵıydada qarız beriw máseleside názerde tutılǵan bolıp, oǵan kóre qamsızlandırıw óz shólkemlestiriwshileri, aktsionerleri hám xızmetkerlerine, sonıń menen birge turmıs qamsızlandırıwı shártnamasın dúzgen qamsızlandırıwshilarǵa bul shártnamalar menen kepillik berilgen qarızlar beriwge haqılı ekenligi belgilep qoyılǵan.Bul

qaǵıy tiykarında qamsızlandırıw pullari jaylastırıw xızmetine jeterli dárejede kóp shegaralar hám sheklewler belgilengen bolıp, bunnan maqset jaylastırılıp atırǵan pulladıń diversifikatsiyasin, qaytımin, paydalılıǵın hámde likvidligini támiyinlewden ibarat.Mámleket qamsızlandırıw qadaǵalawı qamsızlandırıw xızmetin tártipke salıwdıń zárúrli elementi esaplanadı. Ózbekistanda qamsızlandırıw qadaǵalawı Ministrler keńesi 1998 jıl 8 iyuldaǵi 286-sanlı sheshimine tiykarınan Finans ministrigi juwapkershiligine júkletilgen bolıp, bul wazıypanı ámelge asırıw maqsetinde finans ministrligi qasında qamsızlandırıw qadaǵalawı mámleket inspeksiyasi dúzilgen.

Ózbekistanda qamsızlandırıw xızmetiniń mámleket qadaǵalawı zárúrligi bir qatar faktorlardıń tásiri menen baylanıslı bolıp, biziń pikirimizshe bul faktorlardıń eń túpkiliklileri tómendegilerden ibarat:qamsızlandırıw tarmaǵı, bir tárepten mámleket finans sisteması institutlarınıń, ekinshi tárepten, múlkshilikti qorǵaw institutlarınıń bir bólegi retinde bólek wazıypalardı atqaradı. Qamsızlandırıw tarmaǵı bir qatar oǵada zárúrli sotsiyal waziypalardi sheshedi, onıń ónimi bolsa tómendegi ózgeshelikler menen xarakterlenedi: qamsızlandırıw polisi xızmeti satilatuǵin waqıtta qamsızlandırıw xızmeti sapasın bahasiniń múmkinshiliksizligi, xızmetiniń uǵımsızlıǵı, mámleket tárepinen tártipke salıwdıń bólek qurallardan paydalanıwdı talap etiwshi qamsızlandırıw minnetlemelerin támiyinlewdiń úlken qáwiplilikke iye ekenligi; qamsızlandırıw múlkin qorǵaw faktorı. Ol ásirese ekonomikaliq protsesslerdiń turaqli rawajlanıwı menen gúzetiletuǵın bazar ekonomikası sharayatında zárúrli rol oynaydı;qamsızlandırıw xızmetin mámleket tárepinen baqlaw zárúr ekenliginiń taǵı bir faktorı qamsızlandırıw kompaniyası qamsızlandırıw aldındaǵı óz minnetlemelerin atqara almaǵan jaǵdaylarda qamsızlandırıw kompaniyalarınıń tólewge ılayıq emesligi yamasa finanslıq turaliliqtiń ulıwma ekonomika ushın úlken, geyde bolsa ayanishli aqıbetleri menen baylanıslı. Bul tek ǵana qamsızlandırıw shártnamasında názerde tutılǵan múlkshilik yamasa ekologiyalıq tústegi ziyandi qayta tiklew emes, bálki ulıwma qamsızlandırıw bazarınıń qábileti hám keleshegi ushın kelip shiǵatuǵin aqıbetler menen de baylanıslı bolıwı múmkin;xalıqtıń tásir sheńberinen paydalanıp, yaǵnıy jumıs orni basshıları buyrıǵı, boyinsha, mektep basshilarin májburiy qamsızlandırıw ámeliyatları gúzetiledi. Bunday sharayatta mámleket qadaǵalawınıń zárúrli funksiyalarınan biri bul ámeliyattıń aldın alıwdan ibarat [1,173]. Joqarıdaǵı aytılǵan pikirlerden kelip shıqqan halda mámleket qamsızlandırıw xızmeti menen shuǵıllanıp, qamsızlandırıwshilardi qorǵawdıń nızamlı mexanizmlerin islep shıǵıwı jáne onı turmısqa qollanıw, atqarılıwın baqlawı kerek degen pikirdi aytiw múmkin.Bazar ekonomikası sharayatında mámleket qamsızlandırıw sistemasın rawajlandırıw ushın pútkil múmkinshiliklerdi iske saladı, qamsızlandırıw sistemasınıń rawajlanıwına járdem beretuǵın huqıqıy tiykarlardı jaratadı, qamsızlandırıw kompaniyaların shólkemlestiriw ushın finanslıq dereklerdi izlep tabadı hám bul kompaniyalarǵa litsenziya beriw menen baylanıslı shólkemlestirilgen islerdi ámelge asıradı.

Qamsızlandırıw xızmetin mámleket tárepinen tártipke salıwdıń zárúrli qurallarınan biri qamsızlandırıw kompaniyaların litsenziyalaw bolıp tabıladı. Ministrler keńesiniń joqarida keltirilgen sheshimi tiykarında qamsızlandırıw xızmeti litsenziyalanatuǵın boldı hám bul qarar tiykarında litsenziya talapları belgilendi.

Qamsızlandırıw kompaniyalarına xızmet kórsetiw ushın ruxsat beretuǵın litsenziyalar joqarıda keltirilgen klasslar tiykarında beriledi. Litsenziya talapları retinde tiykarınan tómendegiler belgilengen:mámleket diziminen ótiw; yridikaliq mánzilge hám xızmet júritiw ushın tájiriybeli xızmetkerler shárt-sharayatlardi ıyelew;mámleket tárepinen belgilengen minimal ustav kapitalın ıyelew;aymaqlıq filiyallardi ıyelew.

Joqarıdaǵı qararda qamsızlandırıw kompaniyaları ushın minimal ustav kapitalları muǵdarlarında belgilendi. Bunda turmıs qamsızlandırıwı tarmaǵı klasslari tiykarında xızmet kórsetiw ushın litsenziya alıwǵa talaban kompaniyalar ushın belgilengen ustav kapitalınıń minimal muǵdarları ulıwma qamsızlandırıw tarmaǵi klasslari tiykarında xızmet kórsetiwge talaban kompaniyalar ushın belgilengen minimal muǵdarlardan anaǵurlım joqarı etip belgilengen. Soniń ushin turmıs qamsızlandırıwı tarmaǵı klasslarindagi qamsızlandırıw túrleriniń zıyanlılıq koeffitsyientin salıstırǵanda joqarı hám bul tarmaqtaǵı qamsızlandırıw túrleriniń kópshilik bóleginde qoyılǵan pullar amanat ózgesheligine iye.

Bazar ekonomikasında talap hám usınıs oyını, bahalardıń bazar tárepinen belgileniwi, qamsızlandırıw tariflerindegi ózgerisler, qamsızlandırıw kompaniyalarindaǵi xızmetkerlerdiń uqibi menen jańa qariydarlardi tabıw hám sol sıyaqlı basqa sebepler jardeminde qamsızlandırıw kompaniyaları ortasındaǵı báseki gúresi jáne de rawajlanıp baradı.

Qamsızlandırıw bazarınıń rawajlanıwına tosıq bolatuǵın tiykarǵı sebeplerden biri monopol jaǵdaydıń júzege keliwi bolıp tabıladı. Bazar ekonomikası rawajlanǵan mámleketlerde monopoliyanıń júzege keliwine salıstırǵanda qawipsiz jaǵday retinde bir tarmaqta xızmet kórsetiwshi kompaniyalar sanı keminde on hám onnan artıq bolıp, bunda bul bazardaǵı bir kompaniyanıń úlesi qamsızlandırıw xızmetlerin satıw boyınsha 31 % ten aspawı, eki kompaniyanıń úlesi 44 % ten aspawı, ush kompaniyanıń 54 % ten aspawı hám tórt kompaniyaniń úlesi 64 % ten aspawı kerek. Bunday koeffitsient buzılǵan jaǵdayda bul kompaniyalarǵa salıstırǵanda mámleket ekonomikaliq sanksiyalar qollaydı hám olardıń qatnasıwın bul bazarda shegaralap qóyadı [1,175].Qamsızlandırıw bazarın mámleket tárepinen tártipke salıwdıń elementlerinen biri bazardaǵı básekeni jasalma túrde joytıw, yaǵnıy basqa báseke qatnasıwshısılardı bul bazarǵa kiriwine jol qoymaw maqsetinde eki yamasa odan artıq kompaniyalardıń óz-ara til biriktiriwi hám óz-ara xızmetimlerine jol qoymawdan ibarat bolip tabiladi. Básekiniń rawajlanbaǵan usıl hám quralları bolǵan tariflerdi jasalma túrde asırıw yamasa tómenletiw, qamsızlandırıwshılarǵa qamsızlandırıwdıń belgili bir túri haqqinda yamasa bul túrin ámelge asırıwshı óz básekishileri haqqinda ótirik maǵlıwmatlar berip olardı arasatqa qoyıw múmkin bolmaǵan jaǵdaylar bolıp tabıladı. Bunday jaǵdaylarǵa salıstırǵanda mámleket nızamlar jardeminde turaqlı qarsı sharalar kórip baradı.

Juwmaq. Ózbekstan milliy qamsızlandırıw bazarınıń ayriqsha ózgesheliklerinen biri, bazardıń aymaqlar boyınsha bir tegis bólistirilmegenligi bolıp tabıladı. Shólkemlestirilgen qamsızlandırıw kompaniyalarınıń barlıǵı Tashkent qalasında shólkemlestirilgen bolıp, olardıń bas ofisleride Tashkent qalasında jaylasqan. Bul bolsa óz-ózinen kórsetilip atirǵan qamsızlandırıw xızmetleriniń tiykarǵı bólegi Tashkent qalasına tuwrı keliwine sharayat jaratıp berip atır.

Qamsızlandırıwdı salıqlar jardeminde baqlaw yamasa belgili jeńillikler beriw mámleket tárepinen ámelge asırilatuǵın zárúrli qurallardan biri bolıp tabıladı. Buǵan baylanıslı sırt el tájiriybesine itibar qaratauǵin bolsaq, qamsızlandırıw biznesin salıqqa tartıw túrli mámleketlerde túrlishe. Mısalı Ullı Britaniya, Germaniya, Frantsiya, Shvetsariya hám Yaponiyada qamsızlandırıw xızmetin salıqqa tartıw basqa tarawlardan ayirmashiliqqa iye emes. Bul mámleketlerdegi qamsızlandırıwshılar basqa mámleketlerde qamsızlandırıw xızmetin júrgizse bul xızmet haqqinda dúzilgen shártnamalar haqqinda maǵlıwmattı salıqshılarǵa usınıwları kerek. «Ekonomikaliq sheriklik hám rawajlandırıw shólkemi» (OESR) ge aǵza mámleketlerde (Chexiya hám Polshadan tısqarı) shólkemler tólegen qamsızlandırıw sıylıqları salıqtan shegirib taslanadı. Rossiyada qamsızlandırıw xızmeti qosımsha baha salıǵına tartilmaydi (qamsızlandırıw nızamshılıǵına kóre).

Qamsızlandırıwshilar investitsiylia xızmetin mámleket tárepinen tártipke salıw sisteması ulıwma kóriniste usıl, siyasat, basqarıw dárejesi hám tártipke salıw ob'ekti sıyaqlı bólimlerden dúziledi.

Ekonomikaliq ádebiyatlarda qamsızlandırıwshilar xızmetin mámleket tárepinen tártipke salıwdıń eki qıylı jantasıwın ajıratıp kórsetedi:1) Evropasha jantasıw, bul jantasıw qamsızlandırıw xızmetin investitsiyaliq xızmetti esapqa almaǵan halda tabıslı nátiyjege erisiw xızmet etiwdiń shárt ekenligin názerde tutadı; 2)Amerikasha jantasıw, bul jantasıwǵa kóre qamsızlandırıw xızmeti ziyan kórgen haldada xızmet kórsetiwi múmkin, tek investitsiyaliq xızmetten alınǵan dáramat bul ziyandi qaplawi shárt[1,176]. Evropa awqami mámleketlerinde qamsızlandırıw kompaniyasınıń investitsiyaliq xızmeti usı qamsızlandırıw shólkemi investitsiyaliq xızmetti qaysı mámlekette ámelge asırıwına qaramastan, qamsızlandırıw kompaniyası shólkemlestirilip dizimnen ótken mámleket nızamshiliǵi tiykarında tártiplestiriledi. Tártipke salıw qaǵıydaları hám talaplar Evropa birlespesi mámleketleri tájiriybelerin qollaǵan halda ulıwmalastırılǵan hám birdeylestirilgen. Oǵan kóre qamsızlandırıw kompaniyası qansha juwapkerlikti alǵan bolsa, sonsha muǵdardaǵı rezervdi ıyelewi talap etiledi. Rezervler kólemi hám olardı jaylastırıw qaǵıydaları mámleket tárepinen belgilenedi.

Rezerv qarjları Evropa birlespesiniń hár qanday mámleketinde jaylastırılıwı múmkin. Evropa birlespesi direktivalari tiykarında bir investitsiyaliq ob'ektke qansha muǵdarda investitsiya jaylastırıw boyınsha shegaralar belgilep qoyılǵan. Barlıq jónelisler boyınsha anıq normalar hár bir mámleket tárepinen bul mámleket shárt-shárayatlarınan kelip shıqqan halda belgilengen. Bul normalar joqarı shegaralardı emes, bálki tómen shegaralardı da belgileydi.Mısalı, Italiya qamsızlandırıw nızamshiliginda segiz investitsiyaliq tarawdiń hár biri ushın minimal hám maksimal shegaralar hám de túrli variantlar belgilengen.Ózbekistanda ámelde qollanilmay atirǵan qımbatlı qaǵazlar opsion, f'yuchers hám svop operatsiyalarınan Evropa awqami mámleketlerinde, eger olar investitsiyaliq portfeldi nátiyjeli basqarıw imkaniyatın berse de investitsiyaliq risklerdı kemeytiw imkaniyatın berse, olardıda texnikalıq rezervlerdi qaplaswi qural retinde isletiwge ruxsat etilgen.

Bul mámleketlerde shólkemlestirilgen fond bazarında aldı satti ob'ekti esaplanbaǵan qımbat bahali qaǵazlardı, eger olar tez satiliwshań yamasa Evropa awqami mámleketlerinde islengen kredit mekemeleri, turmıs qamsızlandırıwı menen shuǵıllanatuǵın qamsızlandırıw shólkemleri, investitsiya shólkemleri bul qımbatlı qaǵazlar emitentleriniń hámmesi bolsa bul qımbatlı qaǵazlar da texnikalıq rezervlerdi qaplawshi qural sipatinda isletiliwi múmkin.

Joqarıda keltirilgen tártip-qaǵıydalar turmıs qamsızlandırıwı hám ulıwma qamsızlandırıw baǵdarları ushın bólek belgilenedi. Taǵı sonı atap ótiw kerek, Evropa awqami direktivalarina kóre, investitsiyaǵa jóneltiriletuǵın aktivler diversifikatsiya, likvidlik, qaytıwlılıq, paydalılıq talaplarına juwap beriwi kerek hám bul talaplar dúnya ámeliyatında tán alınǵan talaplar esaplanadı.

ÁDEBIYATLAR

1. Pod. red. Turbinoy K. E. «Teoriya i praktika straxovaniya». Uchebnoe posobie. M.: «Ankil», 2003, s. (173-177)
2. Ulickix O.N. Klishina Yu.E. Straxovanie kak osnovnoy metod regulirovaniya selskoxozyaystvennıx riskov. // Finansova ya analitika: problemı i resheniya. 2013. s. (170-173)
3. Lex.uz – Uz. R –si qonun hujjatlari bazasi.

O'zbekiston Respublikasida sug'urta bozorini davlat tomonidan tartibga solishda xorij tajribasigan foydalanish

KalenovK. T. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume.O'zbekistonda sug'urta xizmati bir qancha qonun va qonun osti hujjatlari bilan tartibga solinadi va nazorat qilinadi. Bu qonun hujjatlarini biz ikkita bulimga ajiratib o'rganishimiz mumkin. Birinchi bo'lim sug'urta sohasini tartibga soluvchi umumiy qonunlar va ikkinchi bo'lim ushbu xizmatni tartibga soluvchi maxsus qonunchilik hujjatlaridan iborat.

Kalit so'zlar: Eevropacha yondoshuv, Amerikacha yondoshuv, investitsiyaga yo'naltiriladigan aktivlar, diversifikatsiya, likvidlik, qaytimlilik, foydalilik talablarina javob berish

Использование зарубежного опыта государственного регулирования страхового рынка в Республике Узбекистан

Каленов К.Т. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье речь идет о страховой службе в Узбекистане, которая регулируется и контролируется несколькоми законами. Данное законодательство можно разделить на два раздела: первый - общие законы, регулирующие страховую отрасль и второй раздел - регулирование этих услуг, являющееся особым законодательством.

Ключевые слова: европейский подход, американский подход, инвестиционные активы, диверсификация, ликвидность, требования взаимного спроса

Using foreign experience of state regulation of the insurance market in the Republic of Uzbekistan

Kalenov K.T. Karakalpak State University

Summary. The article deals with the insurance service in Uzbekistan, which is regulated and controlled by several laws. This legislation can be divided into two sections: the first section is the general laws governing the insurance industry and the second section is the regulation of these services, which is specific legislation.

Key words: european approach, American approach, investment assets, diversification, liquidity, mutual demand requirements

УДК:338.22

ТАДБИРКОРЛИК ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИГА БЎЛАДИГАН ТАҲДИДЛАРНИ АНКЕТАЛАШТИРИШ УСУЛИ ЁРДАМИДА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Досчанов А.Т.

Урганч давлат университети

Бизнесни ҳимоялаш масалаларига эволюцион ёндашув ва бу масалага институционал ва омилли ёндашувларга асосан тадбиркорликни барқарор ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда тизимли тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб қилмоқда. Натижада тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлигининг иқтисодий-ижтимоий категориялари ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш бўйича имлий тадқиқот ишларига эътибор кучаймоқда [1,2,3,4.5,6].Бу тизимли ўрганилиши зарур бўлган соҳанинг мақсади билан боғлиқ бўлган турли таҳдидлар, хатарлар ва рискларни [7,8] ўрганиш бўйича ва уларни турлари, муҳим белгилари бўйича таснифлаш [9] ҳамда кўрсаткичлари [10,11] ахборот тизимини шакллантириш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилди [12].

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлигини тизимли ўрганишга унинг иқтисодий, ижтимоий, экологик жиҳатларини ўзаро боғлиқликдаги таъсирларини ўрганиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.Тадбиркорлик тизими иқтисодий жиҳати унинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги инновацион тараққиёт йўлига жадал ўтишининг иқтисодий, ташкилий асосларини яратиш рақобатбардошлик муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат ҳисобланади. Ижтимоий жиҳати эса бу иқтисодий тараққиёт «мўжиза»сининг мамлакат ичида бандлик муаммоларини ҳал қилиш, тадбиркорлар табақасини шаклланиш ва жамият иқтисодий-ижтимоий барқарорлаштирувчи куч бўлган ўрта синфнинг шаклланиш ва мавқеи мустаҳкамлашини оширади. Экологик жиҳати эса ишлаб чиқариш тизимининг энг кўп сонли вакили, табиий ресурсларнинг катта истеъмолчиси ва атроф-муҳит компонентларига турли таъсирлар ҳамда аҳолига саломатлиги ва турмуш тарзига юқори таъсирли омил сифатида ўрганишни тақозо қилади.

Тадбиркорлик тизимининг бу учта ўзаро боғлиқ ва бири-бирини тақозо қиладиган жиҳатларини ўрганиш, албатта бу тизим тараққиётига бўладиган турли тахдид ва тазйиқларни тадқиқ қилиш ва уларни тизимлаштиришдан ҳамда бу масалалар бўйича ахборотлар базасини шакллантиришдан бошлаш илмий-назарий ва услубий-амалий томонидан асосли ва ишончли бўлади.Бу йўналишда миллий, минтақа ва тармоқ даражасидаги тадқиқотлар ичида тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлигининг концептуал асослари бўйича чуқур йўналишлар, изланишлар олиб борилаяпди деб айтиб бўлмайди. Корхона даражасида кўпгина тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлса ҳэм тадбиркорликни алоҳида тизим сифатида ўрганилмаётгани бу иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўрни ва мавқеига тўғри келмайди.Бу муаммолар, айниқса сўнгги даврда ривожланиб келаётган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон тадбиркорлик доирасини тизимли ўрганиш ва уларни комплекс тадқиқ қилиш ҳамда ахборотлар тўпламини шакллантиришда алоҳида муҳим аҳамият касб қилмоқда.

Мамлакатимизнинг Хоразм вилояти иқтисодий, ижтимоий ва ресурслар салоҳияти жиҳатдан юқори бўлмаса ҳэм аҳолиси тадбиркорлик лаёқати, харакатчанлиги ва тадбиркорлик субъектларининг ҳар 1000 кишига нисбатан юқорилиги билан ажралиб туради. Ушбу вилоят тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлигини тизимли ўрганиш мақсадида ўз тадқиқотимизни юқоридаги илмий ёндашувларга таянган ҳолда тадбиркорлик субъектлари ўртасида социологик сўровномани ўтказдик. Сўровнома бешта бўлимдан иборат жами 74 та иқтисодий, ижтимоий, экологик йўналишдаги саволлардан шакллантирилди. Сўровномани ўтказишда вилоят тадбиркорлик субъектларининг, ҳудудий жойлашуви, ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият соҳалари каби хусусиятларини инобатга олган ҳолда танлама усулидан фойдаланиб ташкил қилинди. Субъектлар ўртасида жами 300 та анкета тарқатилди, шулардан 251 таси белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган ва фойдаланиш учун яроқли эканлиги аниқланди.

Сўровнома доирасида тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга бўладиган ички ва ташқи тахдидлар алоҳида ўрганилди ва тадқиқ қилинди ҳамда бу тахдидлар бўйича шакллантирилган кўрсаткичларга асосан илмий-амалий, тавсия ва таклифлар олинди. Тадбиркорлик тизим барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар асосини уларни баҳолайдиган кўрсаткичлар гуруҳи натижалари белгилаб беради. Бу жиҳатларини инобатга олган ҳолда Хоразм вилояти тадбиркорлик тизими фаолиятига бўладиган ички ва ташқи тахдидларни ифодалайдиган асосий кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинди ва улар бўйича қуйидаги асосий натижалар олинди.

Аввалambор, бу масаланинг ўта мухимлигини эътиборга олиб сўровноманинг илмий-услубий қисмида кўрсаткичларини шакллантиришда таҳдидлар таснифини хорижий ва россиялик тадқиқотчилар ишларига асосланиб нисбатан мукаммалроқ ярата билган И.Белозеров ёндашувидан фойдаландик ва сўровноманинг тахдидлар кўрсаткичларини шакллантирдик[9]. Даставвал ички тахдидларга эътибор қаратиб ўтмоқчимиз бунинг учун олти турдаги тахдидлар респондентлар ихтиёрига ҳавола этилди ва улар таъсири уч хил даражада баҳолаш имконияти берилди.

1-жадвал. Фирма иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигига асосий ички тахдидлар қайсилар ва улар таъсир даражаларини қандай баҳолайсиз? (4-5 тасини белгилашингиз мумкин)

Тахдидлар	Таъсир даражаси	Жавоблар сони	Улуши фоизда
1.Асосий капиталнинг эскирган қисмларининг фойдаланишдан чиқиши сабабли ишлаб чиқариш салоҳиятининг пасайиши.	Паст	16	7.9
	ўрта	167	82.3

	юқори	20	9.9
2.Техника ва технолгик жиҳатдан орқада қолиш	Паст	37	19.7
	ўрта	109	58.0
	юқори	42	22.3
3.Ишлаб чиқариш харажатлари	Паст	23	12.6
	ўрта	126	69.2
	юқори	33	18.1
4.Фирма ичидаги ўғирлик ва фирибгарлик	Паст	59	33.0
	ўрта	87	48.6
	юқори	33	18.4
5.Ходимларнинг касбий камчиликлари сабабли йўқотишлар(инсон омили)	Паст	30	16.5
	ўрта	123	67.6
	юқори	29	15.9
6.Рақобатчиларнинг фирма ходимларидан яширин ахборотлар олиши	Паст	24	13.2
	ўрта	124	68.1
	юқори	34	18.7

Тадқиқот натижаларига кўра барча ички таҳдидларнинг тадбиркорлик тизими субъектлари иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигига таъсири мавжуд эканлиги аниқланди ва уларнинг барчасида таъсир даражаси ўрта деб баҳоланиш ҳолатлари юқори улушга эга бўлмоқда. Мазкур таҳдидлар даражасини паст деб баҳолаш натижалари 7,9 фоиздан 33,0 фоизгача оралиқда ўзгарган бўлса, ўрта ва юқори деб баҳолаш натижалари мос равишда 48,6-82,3 ва 9,9-22,3 фоиз оралиғида ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Алоҳида ташқи таҳдидлар таъсирини ўрганиш мақсадида эса 10 турдаги таҳдидлар ва улар таъсир даражасини баҳолаш учун респодентларнинг фикрлари ўрганилди ва умумлаштирилди (2-жадвал). Ташқи таҳдидлар таъсир даражасини баҳолаш натижаларига кўра компьютер технологияларни қўллаш соҳасидан жиноятлар (хакерлик), рақобатчиликдаги жиноий харакатлар, ишлаб чиқаришдаги жосуслик, давлат иқтисодий ва жиноий-хуқуқий қонунчилигининг заиф томонлари кабилар таъсири бошқаларга нисбатан пастлиги аниқланди. Рақобатчи ва воситачиларнинг инсофсизлиги, харидорларнинг тўловга қодирлиги, мамлакатда ва унинг ҳудудларида молиявий аҳволнинг ёмонлашуви кабилар таъсири бошқаларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Умумий ҳисобда ташқи омилларни баҳолашда ҳәм барчасида ўрта даражада деб баҳоланиш улуши катта бўлиб хавфлар кесимида уларнинг ўзгарувчанлиги бироз юқори қийматга эга яъни вариацион кенглиги 33.2 бирликка тенг бўлмоқда.

2-жадвал. Фирма иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигига асосий ташқи таҳдидлар қайсилар ва улар таъсир даражаларини қандай баҳолайсиз? (4-5 тасини белгилашингиз мумкин).

Таҳдидлар	Таъсир даражаси	Жавоблар сони	Улуши фоизда
1.Фирманинг кенгайишини таъминлайдиган товарларининг сотилишида ўз бозоридаги мавқеининг пасайиши	Паст	23	10.6
	ўрта	172	78.9
	юқори	23	10.6
2.Мамлакатда, ҳудудда молиявий аҳволнинг ёмонлашуви	Паст	42	22.5
	ўрта	118	63.1
	юқори	27	14.4
3.Фирма акциялари қийматининг фонд бозорида пасайиши	Паст	26	15.7
	ўрта	122	73.5
	юқори	18	10.8
4.Харидорларнинг тўловбардошлиги	Паст	33	19.1
	ўрта	111	64.2
	юқори	29	16.8
5.Рақобатчи ва воситачиларнинг инсофсизлиги	Паст	51	29.8
	ўрта	89	52.0
	юқори	31	18.1
6.Рақобатчиликдаги жиноий харакатлар	Паст	71	41.0
	ўрта	79	45.7
	юқори	23	13.3
7.Ишлаб чиқаришдаги жосуслик	Паст	62	36.0
	ўрта	91	52.9
	юқори	19	11.0
8.Давлат иқтисодий ва жиноий-хуқуқий қонунчилигининг заиф томонлари	Паст	52	31.0
	ўрта	95	56.5
	юқори	21	12.5

9.Компьютер технологияларни қўллаш соҳасидан жиноятлар (хакерлик)	Паст	69	42.1	
	ўрта	83	50.6	
	юқори	12		7.3
10.Янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласи қўйилиши	Паст	32	20.4	
	ўрта	104	66.2	
	юқори	21	13.4	

Шунингдек, тадбиркорлик тизими барқарор ривожланиши иқтисодий хавфсизлигини ички ва ташқи тахдидлардан талаб даражасида ҳимояланишда тадбиркорлик субъектларининг чегаравий кўрсаткичлар ва улар даражалари таҳлили бўйича ҳам респондентлар фикрлари ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал. Сизнингча, чегаравий иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва улар даражаси фирмада қандай бўлиши керак деб ҳисоблайсиз? (бир нечтасини кўрсатиш мумкин)

Мезонлар	Таъсир даражаси	Жавоблар сони	Улуши фоизда
1.Фирма маҳсулотига тахминий талаб ва маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг уни ишлаб чиқариш қувватига бўлган нисбати	Паст	20	9.9
	ўрта	164	81.2
	юқори	18	8.9
2.Инновацион маҳсулотнинг жами фирма маҳсулотида улуши	Паст	30	16.1
	ўрта	133	71.5
	юқори	23	12.4
3.Фирманинг ички ва ташқи товарлар, хизматлар бозоридаги рақобатбардошлик лаёқати	Паст	29	16.1
	ўрта	109	60.6
	юқори	42	23.3
4.Фирма асосий фондлари емирилиш даражаси	Паст	48	25.9
	ўрта	112	60.5
	юқори	25	13.5
5.Маҳсулот ва активларнинг самарадорлиги	Паст	33	17.7
	ўрта	117	62.9
	юқори	36	19.4
6.Айланма маблағлар мавжудлиги	Паст	33	17.2
	ўрта	130	67.7
	юқори	29	15.1
7.Фирмада яшаш даражаси меъёридан паст ойлик оладиган ходимлар сони	Паст	40	23.1
	ўрта	105	60.7
	юқори	28	16.2

Чегаравий иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва улар даражаси фирмада қандай бўлиши кераклиги бўйича олинган жавобларнинг барчасида бир бирига яқин тенденция кузатилади, яъни жавобларнинг асосий улуши ўрта даражада бўлиши лозимлигини кўрсатади. Хусусан, фирма маҳсулотига тахминий талаб ва маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг ишлаб чиқариш қувватига бўлган нисбати ўрта даражада бўлиши керак деб берилган жавоблар 81,2, фирма асосий фондлари емирилиш даражаси ўрта даражада бўлиши керак деганлар улуши 60,5 фоизни ташкил қилмоқда.Шунингдек, фирма барқарорлиги ва хавфсизлигига тахдидларни бартараф қилиш кўрсаткичлари қайсилар ва улар қандай даражада бўлиши кераклиги ҳам ўрганилган (4-жадвал).

Фирма барқарорлиги ва хавфсизлигига тахдидларни бартараф қилиш кўрсаткичлари ва уларнинг даражалари бўйича олинган натижаларга кўра уларнинг барчаси ўрта даражада бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланган. Чунки, жавобларнинг барчасида ўрта даражада бўлиши лозим деган вариантнинг улуши 60 фоиздан юқорини ташкил қилмоқда.

4-жадвал. Фирма барқарорлиги ва хавфсизлигига тахдидларни бартараф қилиш кўрсаткичлари қайсилар ва улар қандай даражада бўлиши керак? (бир нечтасини белгилашингиз мумкин)

Мезонлар	Таъсир даражаси	Жавоблар сони	Улуши фоизда
1.Фирма ходимлари юқори малакали даражасида бўлиши таъминланганлиги	Паст	22	9.9
	ўрта	173	77.9
	юқори	27	12.2
2.Ходимлар интеллектуал салоҳияти даражаси	Паст	9	4.8
	ўрта	142	75.1
	юқори	38	20.1
3.Фирманинг техник-технологик мустақиллиги таъминланганлиги	Паст	17	9.8
	ўрта	121	69.5
	юқори	36	20.7
4.Маҳсулот рақобатбардошлиги даражаси	Паст	26	15.2
	ўрта	114	66.7

	юқори	31	18.1
5.Фирма менежменти коэффиценти даражаси	Паст	33	19.6
	ўрта	115	68.5
	юқори	20	11.9
6.Жорий ликвидлик кўрсаткичи даражаси	Паст	35	20.6
	ўрта	105	61.8
	юқори	30	17.6
7.Капиталлашув коэффиценти	Паст	29	17.1
	ўрта	108	63.5
	юқори	33	19.4
8.Фирма экологик фаолияти даражаси таъминланганлиги	Паст	28	16.9
	ўрта	116	69.9
	юқори	22	13.3
9.Фирма ҳуқуқий ҳимоясининг таъминланганлиги	Паст	32	19.0
	ўрта	107	63.7
	юқори	29	17.3
10.Фирма ахборот муҳити ҳимояланганлиги	Паст	30	17.2
	ўрта	120	69.0
	юқори	24	13.8
11.Фирма ходимлари хавфсизлигини таъминланганлиги	Паст	24	14.6
	ўрта	105	64.0
	юқори	35	21.3

Шу билан бирга фирманинг таҳдидларга қарши тура билишда юқори малакали кадрлар даражаси (77,9), иетеллектуал салоҳияти (75,1), техник-технологик мустақиллиги (69,5), маҳсулоти рақобатбардошлиги (66,7), менежменти коэффиценти (68,5), экологик фаолияти (69,9) ва ахборот ҳимояланганлиги (69,0) каби қатор кўрсаткичлар юқори даражалари унинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш асоси деб ҳисоблашган. Фирманинг инновацион йўналишдаги барқарор фаолиятини таъминлайдиган, хусусан техник-технологик, молиявий барқарорлик, рақобатбардошлик, ташкилий-кадрлар салоҳияти юқори даражада бўлиши зарурлиги фирманинг ички ва ташқи таҳдидларга мустаҳкам турабилиши билан ўзининг бизнес мақсадига эришабилишини ва самараси фаолият олиб боришини таъминлайди.

Умумий хулоса қилганда, минтиқа тадбиркорлик тизими субъектлари барқарор ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлиги масалаларини тадқиқ қилишда фирма расмий, молиявий ва бошқарув ҳисоботлари зарур кўрсаткичлар тизими бўйича тўлиқ маълумотлар бўлмаган ҳолларда асосли тузилган анкета – сўровлари асосида тезкор ва ишончли маълумотлар олиб тегишли тактик ва стратегик чора-тадбирлар амалга оширилади, фирманинг самарали тараққиёти таъминланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник/ Под ред. В.К.Сенчагов.–М.: Дело, 2002, 892с
2. Сенчагов В.К. Как обеспечить экономическую безопасность России// Российская Федерация сегодня -2009. № 6
3. Дронов Р. Подходы к обеспечению экономической безопасности// Экономист. -2001. №2
4. Колесникова Л. Планирование и оценка эффективности программ развития предпринимательства по материалам зарубежных исследований// Предпринимательства в России. – 2008. -№4
5. Еляков А. Электронный шпионаж// Мировая экономика и международных отношения. – 2009. - №8
6. Вечканов Г.С. Экономическая безопасность// - Учебник. – СПБ.: Питер, 2007. – 384ст
7. Обухова Е. Повзрослевший бизнес взялся за безопасность: Экономика России не готова встретится с угрозами// Независимая газета. – 2009. – 20 июня
8. Басолай С.В. Построение системы управление рисками для повыщения экономической безопасности// Микроэкономика. – 2009. - №2
9. Белозеров И.П. Организационно – провавые основы обеспечения экономической безопасности предпринимательской деятельности: Учебное пособие. – Омск. Ом.акад. МВД России, 2003. - 123с
10. Найт Ф. Поняние риска и неопределенности// THESIS. - №5. – 20-31стр.
11. Чернов В. Анализ коммерческого риска. – М.: 2008. – 199с
12. Проблемы обеспечения безопасности хозяйствования// Потрубач Н.Н., Горбунов Н.М., Колосов А.В., Максудтов Р.К. – Хабаровск: Дальневосточная академия государственной службы. 2008. – 269с.

Тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлигига бўладиган тахдидларни анкеталаштириш усули ёрдамида тадқиқ қилиш

Досчанов А.Т. Урганч давлат университети

Резюме. Мақолада социологик сўровнома асосида корхоналар иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигига асосий ички ва ташқи таҳдидлар ўрганилган ва уларнинг таъсир даражалари баҳоланган. Шунингдек, чегаравий иқтисодий барқарорлик, корхона барқарорлиги ва хавфсизлигига тахдидларни бартараф қилиш кўрсаткичлари ва уларнинг мақбул

даражалари аниқланган. Тадқиқот натижалари асосида корхоналар иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигин таъминлаш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик тизими, хавфсизлик, иқтисодий барқарорлик, ички ва ташқи таҳдид.

Исследование угроз устойчивости и безопасности системы предпринимательства методом анкетирования

Досчанов А.Т. Ургенчский государственный университет

Резюме. В работе изучены основные внутренние и внешние угрозы экономической стабильности и безопасности предприятий на основе социологического опроса и оценен уровень их воздействия. А также определены показатели предельной экономической устойчивости, устранения угроз стабильности и безопасности предприятий и их оптимальных уровней. По результатам исследования разработаны выводы и рекомендации по обеспечению экономической стабильности и безопасности предприятий.

Ключевые слова: бизнес-система, безопасность, экономическая стабильность, внутренняя и внешняя угроза

Investigation of threats to the sustainability and security of the entrepreneurship system using questionnaire method

Doschanov A.T. Urgench State University

Summary. In this paper there have been learned the main internal and external threats to the economic stability and security of enterprises based on a sociological survey and assessed their level of impact. As well as, there have been identified indicators of marginal economic stability, elimination of threats to the stability and security of the enterprises and their optimal levels. Based on the results of the research there have been developed conclusions and recommendations to ensure the economic stability and security of enterprises.

Key words: business system, security, economic stability, internal and external threat

---

O‘ZBEKISTONDA TURIZMNI RIVOJLANISHIDA TRANSPORT XIZMATLARINING AHAMIYATI

Raximov Z. O., Abdurasulov Sh. E.
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Kirish. Mamlakatimizda iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida iqtisodiyotning muhim tarmoqlaridan biri bo‘lgan yo‘lovchilarni tashish xizmatining o‘rni juda katta. Hozirgi kunda O‘zbekiston avtomobil transportida tashuvlarni tartibga soluvchi to‘qqizta xalqaro konvensiya va ikkita xalqaro bitimning a’zosi hisoblanadi.Yevropa, Osiyo va MDHning 26 ta davlati bilan avtomobilda xalqaro tashuvlar sohasini tartibga soluvchi ikki tomonlama hukumatlararo bitimlar imzolangan.

Shu tufayli turizm faoliyatini ravnaq toptirish masalasi 2017-2021yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha Harakatlar strategiyasining iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo‘nalishlarida ham o‘z aksini topgani bejiz emas. O‘zbekiston zamonaviy turizm industriyasini rivojlantirish uchun barcha zaruriy manbalarga ega bo‘lib, Buyuk Ipak yo‘li ustida joylashgan. Vatanimiz – qulay tabiiy-iqlim sharoitlariga, boy tarixiy, madaniy merosga va ayni paytda ham ichki, ham xalqaro turizmni rivojlantirish uchun yuqori salohiyatga ega.Transportda xizmat ko’rsatishni oshirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 10 yanvardagi qarori, 2018 yil 6 martdagi qaroriga muvofiq O‘zbekiston avtomobil transporti agentligi qayta tashkil etilishi, 2018-2021 yillarda avtomobil transporti infratuzilmasini rivojlantirish dasturi, 2018 yil 28 noyabrdagi «O‘zbekiston Respublikasining fuqaro aviatsiyasini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» Farmoni va Qarorlari transport sohasini rivojlanishiga olib keldi[4, 252].

Xalqaro turizmni yanada rivojlantirish, yo‘lovchilarga zamonaviy talablar hamda xalqaro standartlarga muvofiq ko‘rsatiluvchi xizmatlar sifatini tubdan yaxshilash, yo‘lovchilarga 2018 yilning 1 yanvaridan O‘zbekiston Respublikasi xalqaro aeroportlarida (qizil va yashil) yo‘lak joriy etildi. Ushbu qaror bilan xizmat ko‘rsatish, servis va turizm sohasini rivojlantirishning mamlakatimiz va hududlar bo‘yicha aniq dasturlari ham tasdiqlangan. Bulardan ham ko‘rinib turibdiki, ushbu sohada faoliyat yuritadigan sub’yektlar soni keskin o‘sadi, ular ko‘rsatadigan xizmatlarning sifati esa zamon talabiga mos ravishda oshadi.

Tadqiqot metodologiyasi. Izlanishlarimiz natijasida Turizmni rivojlanishida transport xizmatlarining ahamiyati o‘rganilgan bo‘lib, bunda turizm rivojlanishida O‘zbekistonja mavjud iqtisodiy sharoitlar va transport tizimi xizmatini rivojlantirish isloxatlari yoritilgan. Pandimiyadan turizm sohasi jabrlanayotgan bir vaqtning o‘zida turizm sohasini rivojlantirishda transport xizmatlari bo‘yicha ilmiy xulosalar va taklif-tavsiyalar ishlab chiqilgan. Tadqiqotni olib borish jarayonida ilmiy abstrakt fikirlash, mantiqiy yondashuv kabi usullardan foydalanildi.

Tahlil va natijalar. Transport sohasining jadal sur’atlarda rivojlanishi, bevosita turizm sohasining barqaror o‘sishiga to’g‘ridan-to’g‘ri ta’sir ko‘rsatadi. Yo’lovchilarni, shu jumladan turistlarni tashish turli transport vositalari yordamida, chunonchi: havo, yer usti, suv transportida amalga oshiriladi. Turistlarni tashish uchun transport turlarining ommaviyligi yoki talab etilish darajasi mamlakatning jug‘rofiy o‘rni va iqlim sharoitlariga, iqtisodiy rivojlanish darajasiga, milliy an’analariga, odamlarning ijtimoiy holati va turmush darajasiga hamda boshqa omillarga bog’liq bo’ladi. Har bir transport turining o’z ustun jihatlari va kamchiliklari mavjud bo‘lib, ular tarixiy rivojlanish, texnik, iqtisodiy va ekologik ko’rsatkichlar bilan belgilanadi, ammo transport tizimlarining barcha turlari bir asosiy maqsadni - tashish xizmatlarini ko‘rsatishda sayohatchilarning ehtiyojlarini to‘la qondirishni ko‘zlaydi. Shundan kelib chiqib, turistlarga transport xizmatlari ko‘rsatishni turistlarni va ularning yuklarini bir joydan ikkinchi joyga mumkin qadar tez va qulay sharoitlarda tashish uchun mo‘ljallangan xizmatlar majmui deb ta’riflash mumkin. Respublikada turizm industriyasini rivojlantirish uchun yangi yo’llarni intensiv ravishda to‘plash va o‘zlashtirish hamda shu asosda butun xo‘jalik mexanizmini o‘zgartirishning istiqbolli dasturini shakllantirish zarur. Bu jarayon ko‘proq darajada maqsadga

yo'naltirilgan holda borishi uchun turli-tuman usullar, ish yuritish shakllari tahlil qilib chiqildi, chet el tajribasidan foydalanildi.

Turizmda qo'lay bo'lgan eshikdan-eshikgacha eltuvchi vosita sanalgan avtotransport vositalarida turistlarga xizmat ko'rsatishni takomillashtirish maqsadida turizm uchun Respublikamiz hududiga chetdan olib kelingan 9 o'rindiqdan ko'p bo'lgan mikro avtobuslar uchun bojxona tulovlari 3% qilib belgilandi.Mustaqillik yillarida aviakompaniya zamonaviy havo kemalari bilan ta'minlandi. Jumladan, O'zbekiston hukumati yordamida avikompaniya «Boing-757», «Boing-764», «A-310», «RJ-85» kabi eng zamonaviy samolyotlar bilan to'ldirilgan. Hozirga kelib «O'zbekiston havo yo'llari» aviakompaniyasi tarkibida 11 ta xalqaro aeroportlar faoliyat olib bormoqda shu bilan bir qatorda yiliga qariyb 75 ming tranzit yo'nalishning havo harakatini boshqarmoqda. Mamlakatimiz Prezidenti joriy yil «Islom Karimov nomidagi «Toshkent» xalqaro aeroportida yo'lovchilarga ko'rsatiluvchi bojxona xizmatlari sifati va samaradorligini yanada oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarorida. Xalqaro turizmni yanada rivojlantirish, yo'lovchilarga zamonaviy talablar hamda xalqaro standartlarga muvofiq ko'rsatiluvchi xizmatlar sifatini tubdan yaxshilash, yo'lovchilarga 2018 yilning 1 yanvaridan O'zbekiston Respublikasi xalqaro aeroportlarida (qizil va yashil) yo'lak joriy etildi.O'zbekistonda turizmni yanada rivojlantirish maqsadida, Shavkat Mirziyoevning fevral oyidagi Qarshi aeroportiga «ochiq osmon» maqomini berish va u yerga loukoster aviakompaniyalarni ham qabul qilish imkonini yaratish haqida farmon imzoladi. «O'zbekiston Havo yo'llari» MAK – bugun O'zbekistonda yagona aviakompaniya bo'lib, u respublikadagi barcha havo transporti infraqurilma ob'ektlari va fuqaro aviatsiyasi samolyotlarni boshqaradi. Bugungi kunda kompaniya parkida 30 dan ortiq xorijda ishlab chiqarilgan samolyotlar bor. MDH va xorijiy davlatlarning 40 dan ortiq shaharlariga doimiy parvozlar yo'lga qo'yilgan. Milliy aviakomaniya 2021 yilga kelib yo'lovchilar oqimini 1,3 baravar oshirishni rejalashtirgan.Turizm sohasida turistlar uchun qulay sharoyitlar yaratish maqsadida temir yo'l soxasini ko'radigan bo'lsak. Misol uchun dunyo bo'yicha yo'lovchilarga qo'lay va tez xizmat ko'rsatish maqsadida dunyo reytingidagi ilk uchlik Yaponiya, Janubiy Koreya va Xitoy mamlakatlarini ko'rish mumkin.

Xalqaro tajribadan qolishmaydigan temir yo'l transportini barpo etish maqsadida mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2017 yil 13- martdagi "Buxoro – Miskin temir yo'l liniyasini qurish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga ko'ra bunyod etilgan mazkur yangi temir yo'l liniyasining umumiy uzunligi 355 km.ni tashkil etadi. Eng muhimi, Toshkent shahridan Urganch, Xiva, Nukus shaharlariga boradigan hamda mazkur shaharlardan Toshkent shahriga keladigan yo'lovchi po'ezdlarining harakatlanish vaqti qariyib 2 soatga qisqaradi. Toshkent-Saratov, Toshkent-Volgagrad, Olma-Ota-Nukus, Andijon-Urganch, Nukus-Urganch-Termez po'ezdlarining ham ushbu yangi liniya orqali qatnovi yo'lga quyiladi. Albatta, bu yurtimizda turizmni rivojlantirish, sayyohlar oqimining yanada oshishiga zamin yaratadi.Mazkur temir yo'lning ikkinchi bosqichida elektrlashtirish ishlari amalga oshirilib, bu yo'nalish orqali elektropo'ezdlar hamda yuqori tezlikda harakatlanuvchi "Afrosiyob" zamonaviy po'ezdlar qatnovi ham amalga oshirilishi ko'zda tutilgan.

Mustaqillik yillarida temir yo'llarni e'lektrlashtirish ishlariga katta ahamiyat qaratildi. Hozirga kelib esa Markaziy-Osiyo hududida Toshkentdan Samarqandgacha ilk tezyurar yo'lovchi harakatini tashkil qilish maqsadida 2011 yil 8 oktyabrdan «Afrosiyob» (Ispaniya kompaniyasi Talgo) tezyurar po'ezdi Toshkent-Samarqand-Toshkent yo'nalishi yo'lga qo'yilgan edi. Hozirda Toshkent – Samarqand - Qarshi - Toshkent va Toshkent – Samarqand - Navoiy - Buxoro - Toshkent «Afrosiyob» qatnovlari turistlarga samarali xizmat ko'rsatib kelmoqda.Natijada po'ezdlardan foydalanish harajatlarini 20 foizga kamaytirish, yo'lovchi va yuk tashish tezligini 1,3 barobar oshirish imkoni yaratildi.«O'zbekiston temir yo'llari» AJ yangiliklaridan biri Toshkent janubiy vokzali o'z ishini joriy yilning 4 aprelidan boshladi. Ma'lumotlarga ko'ra, vokzal bir vaqtning o'zida 500 yo'lovchiga xizmat ko'rsatish quvvatiga ega bo'lib, bir kecha kunduzda 20000 nafar yo'lovchilar 19 ta poyezdlar kutib olinadi va ko'zatiladi.

Ichki turizmni rivojlantirishda amalga oshirilayotgan ishlardan biri 2016 yil 22 iyunda O'zbekiston va Xitoy hamkorligining yirik va istiqbolli loyihasi Qamchiq dovoni orqali bunyod etilgan Angren - Pop elektrlashtirilgan temir yo'l liniyasi Farg'ona vodiysini O'zbekistonning markaziy qismi bilan bog'lab. Uning umumiy uzunligi 123,1 kilometr, tunnelning umumiy uzunligi 19.2 kilometrni tashkil etib. Dunyo reytingida tog'li hududlarda joylashgan tunnellar ro'yhatida ushbu yo'l murakkabligi bo'yicha 8-o'rinda, uzunligi bo'yicha esa 13-o'rinni egallaydi. Temir yo'lning qurilish natijasida O'zbekiston temir yo'l mustaqilligiga ham erishildi.

Ichki turizmni rivojlantirishda amalga oshirilayotgan ishlardan biri Angren-Pop temir yo'li qurilishi birinchi Prezidentimizning 2013 yil 18 iyundagi «Angren - Pop» elektrlashtirilgan temir yo'l liniyasi qurilishini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori asosida 2016 yil 22 iyunda O'zbekiston va Xitoy hamkorligining yirik hamda istiqbolli loyihasi Qamchiq dovoni orqali bunyod etilgan Angren - Pop elektrlashtirilgan temir yo'l liniyasi Farg'ona vodiysini O'zbekistonning markaziy qismi bilan bog'laydi. Uning umumiy uzunligi 123,1 kilometr, tunnelning umumiy uzunligi 19.2 kilometrni tashkil etib, dunyo reytingida tog'li hududlarda joylashgan tunnellar ro'yhatida ushbu yo'l murakkabligi bo'yicha 8-o'rinda, uzunligi bo'yicha esa 13-o'rinni egallaydi. Temir yo'lning qurilish natijasida O'zbekiston temir yo'l mustaqilligiga ham erishib nafaqat yuk va yo'lovchi tashish sifatini oshiradi, shu bilan birgalikda xalqaro va ichki turizmni rivojlanishi, balki davlatimiz iqtisodiyotining rivojiga o'z hissasini qo'shib, aholi turmush darajasini ham yuksaltiradi.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib aytganda, istiqlol yillarida O'zbekistonning transport va kommunikatsiya tizimini rivojlantirishda strategik ahamiyatga ega bo'lgan ulkan ishlar bajarildi. Respublikada transport mustaqilligi ta'minlandi va mamlakatning barcha hududlarini o'zaro bog'laydigan milliy transport yaxlit tizimi vujudga keldi. YUqoridagilardan kelib chiqqan holda quyidagi taklif va tavsiyalarni berib o'tamiz:O'zbekiston temir yo'llari tizimini modernizatsiya qilish;Xalqaro darajada javob beradigan yangi temir yo'llarni qurish;Temir Yo'l transportida

fuqarolarga xizmat ko‘rsatish sifatini yanada takomillashtirish; «Afrosiyob», «Afsona» poezdlariga o‘xshash tezyurar poezdlarni ko‘paytirish; Respublikamizning barcha viloyatlari bo‘ylab tezyurar poezdlarini yo‘lga qo‘yish.

ADABIYOTLAR

1. Raximov Z.O., Ismailov N.I. (2021). Samarkand tourism destination: status and development. European Scholar Journal (ESJ), Vol. 2 No. 2, ISSN: 2660-5562, 62-64.
2. Raximov Z.O., Ismailov N.I. (2021). Problems of Development of Tourism Infrastructure in The Republic Of Uzbekistan After Pandemid. Central asian journal of innovations on tourism management and finance. Volume: 02 Issue: 03, ISSN: 2660-454X, 16-19.
3. Raximov Z.O. Kulnazarova Z.B. (2021). Architecture of Samarkand in the development of tourism. Innovative Technologica: Methodical Research Journal. ISSN: 2776-0987. Volume 2, Issue 4. 78-81.
4. Safarov B.Sh. Ibadullayev N.E. Daminov M.I. Karimov A.A. Turizmda transport xizmatlari. O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamISI. 2019 yil. 252 bet
5. Raximov Z.O. Turizmda tadbirkorlik. O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamISI, 2019, 232 bet.
6. Raximov Z.O. Haitboyev R. Ibadullaev N.E. Safarov B.Sh. Turopereyting. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: «Fan va texnologiya», 2018, 300 bet.

O‘zbekistonda turizmni rivojlanishida transport xizmatlarining ahamiyati
Raximov Z. O., Abdurasulov Sh. E. Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Annotatsiya: Maqolada turizmni rivojlanishida transport xizmatlarining ahamiyati o‘rganilgan bo‘lib, bunda turizm rivojlanishida O‘zbekistonja mavjud iqtisodiy sharoitlar va transport tizimi xizmatini rivojlantirish isloxatlari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: turizm, transport, transport xizmatlari, avtomobil transporti, havo yo‘llari, yo‘lovchilar, temir yo‘llar.

Роль транспортных услуг в развитии туризма в Узбекистане
Рахимов З.О., Абдурасулов Ш.Э. Самаркандский институт экономики и сервиса

Резюме. В статье исследуется роль транспортных услуг в развитии туризма, освещаются современные экономические условия в развитии туризма в Узбекистане и реформы в развитии транспортных услуг.

Ключевые слова: туризм, транспорт, транспортные услуги, автомобильный транспорт, авиакомпании, пассажиры, железные дороги

The role of transport services in the development of tourism in Uzbekistan
Rakhimov Z.O., Abdurasulov Sh.E. Samarkand Institute of Economics and Service

Summary. The article examines the role of transport services in the development of tourism, the current economic conditions in the development of tourism in Uzbekistan and reforms in the development of transport services are highlighted.

Keywords: tourism, transportation, transport services, road transport, airlines, passengers, railways

---

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Исмаилов Б. А.
Қорақалпоқ давлат университети

Замонавий ҳаётда ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ўсиши мамлакатнинг ресурслари ва унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига қўшилиш даражаси билан белгиланади. Агар XX аср бошларида мамлакатнинг асосий ресурси капитал бўлган деб таъкидласак, XX аср охирига келиб ахборот технологиялари биринчи ўринга чиқди. XXI аср ҳақида гап кетганда интеллектуал ва ижодий фаолият етакчи аҳамиятга эга бўла бошлади. Шундай қилиб, асосий ишлаб чиқариш омили бўлиб, интеллектуал хизматлар, касбий кўникма, билим, тажриба ва малакаҳисобланади. Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг асосий ажралиб турадиган хусусияти иқтисодий бошқарув тизими ҳисобланади. Хизмат кўрсатувчи ташкилотларни бошқариш тизимининг ўзига хос омилларини ҳисобга олган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект мижозларига хизмат кўрсатиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ва хизмат кўрсатиш жадаллиги ва сифатини ифодаловчи омилларни, шунингдек мижознинг фикрига кўра, корхонанинг ижобий имиджини шакллантирувчи омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш корхоналар хўжалик фаолияти натижасига ўз таъсирига эга бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни ошишига олиб келади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига ижтимоий ва иқтисодий омиллар билан биргаликда ички ва ташқи омиллар ҳам таъсир қилади. Ушбу омиллар ўз мазмунига кўра, ўзаро боғлиқ ҳисобланади, яъни бир-бирига муайян даражада таъсир қилади. Инновацион иқтисодиётнинг асосини ҳозирги давр жамиятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланган инсон капитали ташкил этади. Яъни инсон тафаккури ишлаб чиқариш тизимининг шунчаки муайян унсури бўлиб қолмасдан, балки бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди [1]. Натижада сервис иқтисодиётининг фарқ қилувчи хусусияти сифатида ахборотлар алмашуви ҳал қилувчи роль ўйнай бошлади. Шунингдек, ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ахборотларни тарқатувчи ва ундан фойдаланувчи тармоққа айланиб бормоқда.


Бугунги кунда 63,0 % хизматлар интелектуал хизматлар категориясига киритилади. АҚШда 1991 йилда компьютер ресурслари бизнесининг 76,6 %ихизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига, фақатгина 11,9 %и компьютерлардан интенсив фойдаланувчи саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келган [2].Кўпчилик иқтисодчи олимлар тасдиқлайдиларки, бизнес-стратегияга мувофиқ ҳолда меҳнатни ташкил этишнинг ўзаро боғлиқ амалиёти турли хил ва ноёб алоқаларининг ривожланишига хизмат кўрсатиш корхоналарининг қодирлиги унинг барқарор рақобат устунлигини таъминловчи манба ҳисобланади [3].

«Механизм» тушунчасининг техник соҳадан иқтисодий соҳага ўтиши, энг ишончли ташкилий ва иқтисодий таъсир этишнинг комбинациясини аниқлашга имкон беради. Демак, маъмурий ва иқтисодий ваколатларга эга бўлган раҳбар ўз қўлида ташкилий ваижтимоий-иқтисодий механизм ёрдамида хўжалик юритувчи субъектни бошқариш воситаларини қўллаш имкониятларни ушлаб туради.Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий механизми шаклланишининг асосий элементлари соҳада фаолият юритадиган хўжалик субъектлари фаолиятини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий тараққиёт мезонларига мувофиқлигини таъминловчи вазифаларни ўз ичига қамраб олади (1-расм). Ушбу механизм элементлари қуйидаги йўналишлардаги таснифдан иборатдир:

1. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг **иқтисодий механизми** асосий элементлари иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадларига ўзаро мувофиқ ҳолда соҳада самарадорликни ошириш чора-тадбирларидан иборат бўлиб, уларга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида янги иш ўринларини яратишнинг мақсадли дастурларини амалга ошириш; соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш, ахборот технологияларига асосланган рақамли хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш, ҳудудий даражада соҳани ривожлантиришнинг инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, хизматлар экспортини рағбатлантириш бўйича солиқ имтиёзларини бериш кабилардан иборатдир.

2. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг **ижтимоий механизми** элементлари ижтимоий ривожланишни таъминлашнинг асосий хусусиятларини атрофлича ёритиб бериш имконини беради ва ушбу механизм элементлари қуйидагилардан иборат: истеъмолчиларнинг хизматлардан қониқиш даражасини ошириш; хизматлар сифати ва ижтимоий самарадорлигини ошириш; меҳнат жараёнида ходимларнинг касбий

мослашувчанлигини таъминлаш; хизмат кўрсатиш жараёнларининг мазмундорлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш жараёнида ишчи-ходимларнинг мослашувчанлигини ошириш, хизматлар оммабоплигини таъминлаш; кўрсатилаётган хизматлар вақтини қисқартириш, хизматлар кўрсатиш интенсивлигини таъминлаш, ходимларнинг меҳнат мотивациясини ошириш.



1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий механизмлари элементлари[4]

Шунингдек, соҳа ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий механизми хўжалик субъектларининг фаолият натижасига боғлиқ бўлган омилларга таъсир кўрсатадиган бошқарув тизимининг бир қисми сифатида қаралиши мумкин. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, иқтисодий субъект учун бошқарув омиллари ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин. Якуний мақсади фойда олишни мақсад қилган ҳар қандай корхона ташқи муҳит ҳолатидаги ўзгаришларга мослашиш, ички ва ташқи омилларни мувофиқлаштириши зарур.

Корхона фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий механизми ходимлар фаолияти мотивациясини кучайтирганда самарали бўлиши мумкинва мотивларнинг фаолият мақсадларига ўтишига истеъмолчилар ва корхона ходимларининг манфаатлари билан белгиланган мақсадларни мувофиқлаштириш асосида эришилади. Шу сабабли, мақсаднинг ўзи ҳам, уни белгилаш ҳэм бошқариш механизмига тегишли ҳисобланади.Хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражалари бўйича омиллари таснифи 1-жадвалда кетирилган бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида ушбу омиллар соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг воситалари сифатида ҳэм шаклланади.

1-жадвал. Хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражалари бўйича омиллари[5]

Даражаси	**Соҳаси**	
	Иқтисодий ривожланиш омиллари	**Ижтимоий ривожланиш омиллари**
Макродаражада	Хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари ривожланиши учун имтиёзли солиқлар ва кредитлаш тизимини жорий этиш, соҳада давлат инвестициялари жозиба-дорлиги ва самарадорлиги оши-риш, хиз-матлар экспортини молиявий қўллаб-қув-ватлаш, рақамли хизматлар кўрсатиш ҳаж-мини ошириш, соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакат миқёсида инновацион-инвестицион сиёсатни амалга ошириш, соҳани ривожлан-тиришнинг давлат дастурларини реализация қилиш.	Хизматлар кўрсатиш имконият-ларини ошириш бўйича меҳнат сало-ҳиятини ошириш, инсон капиталини ривожланти-риш; кадрларнинг касб ва малака даража-сини оширишнинг мил-лий дастурини реализация қилиш, хиз-матларни диверси-фикациялаш ва рақамли хизматларни кенгайтириш асосида ижтимоий ривожлани-шини таъминлаш, хизматлар бозорида рақо-бат муҳитини шакллантириш, миллий қадриятларимизга мос анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш.
Мезодаражада	Ҳудудлар иқтисодиётида хизмат кўр-сатиш соҳасини ривожланиши бўйича инвес-тицион сиёсатни амалга ошириш, соҳани ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳудудларда соҳани ривож-лантириш бўйича инновацион-инвес-тицон жозибадорликни ошириш.	Аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ-лари учун хизматларнинг омма-боплигини таъминлаш, истеъмолчиларни кўрсатила-ётган хизматлардан қониқиш даражасини ошириш, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга мос кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш.
Микродаражада	Хизмат кўрсатиш корхонасида меҳнат унум--дорлигини ошириш, корхона рентабеллигини ошириш, фондлар самарадорлигига эришиш, жонли меҳнатни ишлатишда интенсив омил-ларнинг улушини ошириш, хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш) харажатларининг нисбий даражасини камайтириш, иқтисодий самарадорликни ошириш, маҳсулотнинг меҳнат сиғимини камайтириш, корхона-нинг инновацион ривожланиши.	Меҳнатнинг мазмундорлигини ошириш, корхонада хизмат кўрсатиш жараёнини ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш, ходимларнинг ижодий фаоллигини рағбат-лантириш, хизматлар сифатини ошириш, меҳнат жараёнида ходимларни касбий мосла-шувчанлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, жамо-адаги ижтимоий-психологик муҳит, хизмат кўрсатиш маданияти даражаси.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналар ва ташкилотлар хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ташқи омиллар қуйидагилардан иборат:ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлар: иқтисодий ўсиш суръати, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши;техник-технологик ривожланиш: инновацион технологияларга мос кадрларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш;қонунчилик тизимининг талаби; рақобатчилик муҳитининг шаклланиши; истеъмолчилар талабини қондириш даражаси; корхонанинг роли ва форс-мажор шароитларида (табиий кулфатлар, инқирозлар ва бошқалар) фаолият ўзгаришининг кутилмаган ҳолатлари.

Ташқи омиллар корхонанинг архитектураси, ташкил этилиши ва методологиясига ўзининг «макро даражадаги ўзига хослик»ларини олиб киради. Шу билан бирга, «ишни ташкил этиш ички омилларга ҳэм боғлиқ, чунки улар ташкилий хусусиятга эга ва сиёсатни амалга оширишга таъсир кўрсатади». «Ресурсларни бошқариш билан боғлиқ ҳақиқат шундан иборатки, ташқи муҳитнинг қаттиқ чекловлари корхонани умумий таъсири энг қулай бўлган «оптимал нўқтаси»ни излашга ва ички омилларни «параллел»шакллантириш орқалиимкониятга эришиш учун жараёнлар ва технологияларга таъсир қилишга –синергетик самара ва корхона бошқарув тизимининг янги сифат босқичига ўтишга мажбур қилади» [4].Ташқи шароитлар корхонага бевосита таъсир қилмайди, лекин улар ресурсларни бошқариш тизимини ривожлантиришга рағбатлантирувчи ёки тўсиқ бўлиб хизмат қилиши мумкин ва бу роль ташкилотнинг хизмат кўрсатиш корхоналарига таъсир қилувчи энг муҳим ташқи муҳит омилларини таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятига боғлиқ [5]. Замонавий ташқи муҳитнингшарт-шароитлари (истеъмолчилар талабини ўзгариши, рақобатнинг кучайиб бориши, техник-

технологик янгиликлар ва б.) хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятига узлуксиз ва тўғридан-тўғри таъсир этади.

4. Ички муҳит ҳолати – барча турдаги ресурслар имконияти–хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш потенциали ва имкониятларини ифодалайди. Корхоналарнинг мавжуд ресурслари хизматлар соҳаси субъектларни иқтисодий салоҳияти унсуридир. Объектив реаллик шундаки, ресурсларнинг ҳар доим тақчиллиги мавжуд бўлади.Шунинг учун хизмат кўрсатиш соҳасида корхона, ташкилотларларнинг интенсив ривожланиш омилларига (инновацияларни реализация қилиш, ресурслардан самарали фойдаланиш) эътибор қаратиши лозим.Бизнинг фикримизча, ресурсларни самарали бошқаришни аниқловчи ички омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналарнинг стратегик ривожланиши ва уларнинг муайян ўзига хос хусусиятларини белгилайдиганталаблар: хизмат кўрсатиш корхонасининг стратегиясига мувофиқ келувчибошқарувнинг самарали стратегияси ва меҳнат ресурслариданоқилона фойдаланиш бўйича мақсад ва йўналишларни аниқлаш; корхонада ташкилий маданиятни шакллантириш: корхонани ташкилий маданияти шакллантириш асосида янгича усулларни бекор қилиш натижасида унинг оқибатлари жуда ҳэм оғриқли бўлиши мумкин;корхонадаги молиявий ресурслардан фойдаланиш бўйича харажатларнинг мувофиқ даражасини аниқлаш;ресурслардан самарали фойдаланишга ёндашувлар: ресурслардан фойдаланиш хўжалик субъектлари томонидан жорий этиладиган технологиялар ҳамда малакалар тармоқли шаклланмаган корхоналар учун тармоқлига айланиш даражасида ривожланишга имкониятини беради; ресурсларни миқдор ва сифат хусусиятлари уларни келгусида ўзгариш имкониятлари хизмат кўрсатишнинг сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади; корхонанинг ҳажми ҳамда уни ҳудудий бўлиниши.

Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг инновацион ривожланишининг стратегик йўналишлари ва унинг таркибий элементлари амалга ошириш йўналишлари бўйича белгиланган инновациялар турларига мувофиқ шакллантирилади. Шундай экан, хизмат кўрсатиш соҳаси учун қўйидаги гуруҳ инновациялари характерлидир:1. Технологик инновациялар – янги жиҳозларни жорий этиш, янги товарларни ишлаб чиқиш, янги хизматларни тақдим этиш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш имконини берувчи технология соҳасидаги инновациялардир.2. Сервис инновациялари – хизматларни истеъмол қийматини ошиши, кўрсатиладиган хизматлар таркиби ва турларини ўзгариши, хизматларнинг сифат таркибини такомиллашиши билан боғлиқ иннновациялардир.3. Ташкилий-бошқарув иннновациялари – бизнес жараёнларини такомиллаштириш, бошқарувнинг янги усул ва услубларини жорий этиш, қарорлар қабул қилиш, хизматлар соҳасида янги ахборот-коммуникация ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган инновациялар. 4.Ижтимоий-иқтисодий инновациялар – хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналар фаолияти учун ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни ўзгариши, меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатнинг янги усул ва услубларидан фойдаланиш аҳоли турмуш сифати билан боғлиқ инновациялар. 5. Молиявий инновациялар – хизмат кўрсатиш соҳасини молиялаштириш ва инвестицияларни жалб қилиш учун янги молиявий воситалар ва технологияларни барпо қилиш. Бизнинг фикримизча, инновацион ривожланишни таъминлаш орқали хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошиши хўжалик субъектларини зарур меъёрий-ҳуқуқий ва инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш, давлат сиёсати доирасида қўллаб-қувватланиши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар, дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш, корхоналрнинг тижорат ва иқисодий фаоллигини ошириш мақсадида фаолиятни диверсификациялаш, соҳа корхоналарини бозор субъектлари билан тармоқ (горизонтал) ичида тармоқлараро (вертикал) интеграциясини таъминлаш зарур.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий инновацияларни жорий этиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасини самарали ривожлантириш механизми инновацион кластерларни шакллантириш орқали амалга ошириш мумкин. Горизонтал ва вертикал даражадаги бошқарувнинг бундай шаклларини яратиш меҳнат бозори ривожланишининг салоҳиятини ифодалайди ва натижада ишсизликнинг қисқариши ва аҳоли турмуш даражасини оширади ҳамда таълим, фан, тиббиёт, молия соҳалари ва хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа инновацион йўналтирилган таркибий қисмларидаги инновацияларни аниқлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасига янги молиявий воситалар, молиялаштириш механизмлари ва инвестицияларни жалб этишнинг долзарблиги ижтимоий аҳамиятга эга объектларнинг етарли даражада молиялаштирилмаганлиги билан боғлиқ бўлиб, аҳоли фаровонлиги даражаси ва молиявий саводхонлигининг ошиши билан узвий боғлиқдир.

Дунёнинг энг юқори ривожланган йигирма иккита давлатида айнан аҳоли жамғармалари сармояларнинг аҳамиятли қисмини ташкил этади ва бу сармоялар уларга пассив даромад олиш имконини беради ҳамда шу орқали ўзларининг хавфсизлиги ва турмуш даражасини оширади. Яъни, ушбу йўналишни ишлаб чиқишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини инновацион ривожлантиришга реал иқтисодий вазиятга мос келадиган ва аҳоли фаровонлигини оширишга маблағ жалб қилишни ташкил этиш масалаларига муайян ечимлар топиш зарур. Давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш мумкин бўлган вариантлардан биридир [6].

Фан-техника тараққиёти таъсирида ва турли мақсадлардаги инновацияларнинг пайдо бўлиши натижасида кенгайиб бораётган хизмат кўрсатиш соҳасидаги функцияларни амалга ошириш мижозлар (истеъмолчилар) ва тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий йўналтирилган ўзаро муносабатлари тамойилларига асосланиши керак. Ушбу ўзаро ҳамкорлик ўзаро манфаатли шерикликнинг тўғри мантиқини акс эттириши, маънавий-ахлоқий ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланиши ҳамда хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, лойиҳалар ва чора-тадбирларни оқилона қамраб олиши керак.

Шундай қилиб, иқтисодий ўсишнинг сифат омили сифатида хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг функционал мақсади шундан иборатки, бунда хизматлар соҳасидаги

хўжалик субъектлари миллий ва жаҳон хўжалигининг муҳим сектори бўлиб ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш субъектлари ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида қўшимча қийматнинг катта қисмини яратади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш орқали сифат ва рақобатбардошликнинг ортишини таъминлайди, моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тобора ўсиб борувчи таъсирга эга бўлади, инсон капиталининг ривожланишида сезиларли аҳамиятга эга бўлади, бўш вақтнинг ортишига ёрдам беради, кишиларнинг ва бутун жамиятнинг талаб-эҳтиёжлари янада тўлароқ қондирилиши учун имконият яратади.

Шунингдек, соҳанинг самарали ривожланиши замонавий турмуш тарзини шакллантириш, инсон капиталини ривожлантириш ҳамда ижтимоий меҳнат тақсимотини нисбатан юқори даражасини таъминлашнинг муҳим элементи сифатида майдонга чиқади. Булар ўз навбатида хизматлар соҳасидаги хўжалик субъектларининг бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида режалаштирилаётган иқтисодий натижалар ва ижтимоий ривожланиш билан ресурслар салоҳиятини ўзаро мувофиқлигини таъминлаш асосида иқтисодий ривожлвнишнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. ик. и.ф.д., академик Қ.Х.Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: «Иқтисодиёт», 2013, 9-б.
2. Opeds and speeches // MTI For Your Information: Productivity in the Services Sector. 2003. Nov12.
3. Бухалков М.И. Управление персоналом, Москва, ИНФРА-М, 2005 г.; Валова Т.Д. Обучение - универсальная технология управления персоналом // Справочник по управлению персоналом. - 2011. - №11. - С. 85-90; Гончаров В.В. В поисках совершенства управления: руководство для высшего управленческого персонала. – М.:МНИИПУ, 2007. – 126 с.
4. Управление персоналом: Учебник / Под ред. д-ра экон. наук, проф. И.Б. Дураковой. – М.: ИНФРА-М, 2009. – С. 25.
5. Управление персоналом: Учебник / Под ред. д-ра экон. наук, проф. И.Б. Дураковой. – М.: ИНФРА-М, 2009. – С.115.
6. Богалдин-Малых, В. В. Маркетинг и управление в сфере туризма и социально-культурного сервиса: Учебное пособие / В.В. Богалдин-Малых. – Москва : МПСИ, 2015. – 560 с.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми элементлари ва омиллари

Исмаилов Б.А. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме.Мақолада хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий механизмлари элементлари, ривожланиш даражалари бўйича омиллари ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун гуруҳ инновациялари келтирилган.

Таянч сўзлар: ишлаб чиқариш омиллари, хизмат кўрсатиш корхоналари, инсон капитали, ахборот технологиялари, рақобат, механизм, ижтимоий механизм, иқтисодий механизм, инновациялар, иқтисодий ўсиш.

Элементы и факторы социально-экономического механизма развития предприятий сферы услуг

Исмаилов Б.А. Каракалпакский государственный университет

Резюме.В статье представлены элементы социально-экономических механизмов развития сферы услуг, факторы уровня развития и групповые инновации для сферы услуг.

Ключевые слова:факторы производства, обслуживающие предприятия, человеческий капитал, информационные технологии, конкуренция, механизм, социальный механизм, экономический механизм, нововведение, экономический рост

Elements and factors of the socio-economic mechanism for the development of enterprises in the service sector

Ismaylov B.A. Karakalpak State University

Summary. In the article the elements of socio-economic mechanisms of development of the service sector as well as the factors on the level of development and group innovations for the service sector have been presented.

Key words:factors of production, enterprise service, human capital, information technology, competition, mechanism, social mechanism, economic mechanism, innovation, economic growth

---

УДК: 332.122

ЭКОНОМИКАНЫ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАЎ ШАРАЯТЫНДА ЕРКИН ЭКОНОМИКАЛЫҚ ЗОНАЛАР ХЫЗМЕТИН РАЎАЖЛАНДЫРЫЎ МӘСЕЛЕЛЕРИ

Қалмуратов Б. С., Миратдинов С. Қ.
Қарақалпақ мәмлекетлик университети

2017-2021 жылларда Өзбекстан Республикасын раўажландырыўдың бес баслы бағдары бойынша Ҳәрекетлер стратегиясында макроэкономикалық турақлылықты тәмийиинлеў, экономика тармақлары ҳәм аймақларда сырт ел, дәслеп, туўрыда туўры сырт ел инвестицияларын жедел тәризде тартыў, мәмлекет мүлкиниң мәмлекет ийелигинен шығарылған объектлар базасында жеке исбилерменликти раўажландырыў ушын қолайлы шараятлар жаратыў, ўалаят, район ҳәм қалаларды комплекс социал-экономикалық раўажландырыўға тийисли көплеген ўазыйпалар белгиленген. Мәмлекетимизде еркин экономикалық зоналар, технопарклар ҳәм киши санаат зоналары искерлигиниң нәтийжелилигин арттырыў, жаңалықларды шолкемлелстириў барысында алып барылып атырған жумыслар бунда үлкен әҳмийетке ийе. Мәмлекетимизде еркин экономикалық зоналарды (ЕЭЗ) жергиликли минерал шийки зат ресурсларын тереңнен қайта ислеў тийкарында жоқары қосымша қунға ийе, бәсекиге шыдамлы өнимлерди ислеп шығарыўды тәмийнлейтуғын заманагөй кәрханалар шөлкемлестириў, республика аймақларының ислеп шығарыў ҳәм ресурс потенциалынан комплекс ҳәм нәтийжели пайдаланыў, сол тийкарда жаңа жумыс орынларын жаратыў ҳәм халық дәраматларын асырыў ушын сырт ел, биринши нәўбетте туўрыдан-туўры сырт ел инвестицияларын тартыўдың әҳимийетли факторы сыпатында раўажландырыўға айрықша итибар қаратылмақта.

Бүгинги күнде еркин экономикалық зоналар хызметин тәртипке салатуғын ҳуқықый норматив база жаратылды, оларды раўажландырыў ушын сырт ел ҳәм жергиликли инвестицияларды бағдарлаўға көмеклесетуғын кең көлемли салық ҳәм бажыхана жеңилликлери ҳәм де преференциялар системасы қәлиплестирилди. Ҳәзирги күнде республикамыздың аймақларында 21 ЕЭЗ шөлкемлестирилди ҳәм өз хызметин жүритпекте.

Бул бойынша Өзбекстан Республикасының Өзбекстан Республикасының 2020 жыл 17 февралдаги «Арнаўлы экономикалық зоналар ҳаққында»ғы Нызамы, мәмлекетмиз Президенти Ш.Мирзиёевтың 2017 жыл 7 февралдаги «Өзбекстан Республикасын жәнеде раўажландырыў бойынша Ҳәрекетлер стратегиясы ҳаққында» ҳәм 2016-жыл 26-октябрдеги «Еркин экономикалық зоналар хызметин жеделлестириў ҳәм кеңейтиўге байланыслы қосымша ис-илəжлар ҳаққында»ғы пәрманлары ҳәм Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетиниң 2018 жыл 16 январдағы «Еркин экономикалық зоналар ҳәм киши санаат зоналары искерлигиниң нәтийжелилигин арттырыў бойынша қосымша илажлер ҳаққында»ғы 29 - сан Қарары ҳәм басқада ҳуқыый нормативлик ҳүжжетлер мәмлекет ҳәм жәмийет раўажланыўы нәтийжелистратегиялық жобаластырыў системасына сапа жағынан жаңа қатнасларды баслап берди.

Бул болса өз нәўбетинде аймақларды раўажландырыў ҳәм жаңа жумыс орынларын жаратыў, халық дәраматларын көбейтиўде еркин экономикалық зоналардың үлесин арттырыў, жойбар бойынша басқарыў принциплери тийкарында еркин экономикалық зоналарда, кластерлер қатнасынан кең пайдаланған ҳалда усы зоналар қатнасыўшылары арасында жақын кооперация байланысларын жолға қойыў, жергиликли шийки зат ҳәм минерал ресурслар тийкарында бәсекиге шыдамлы таяр өнимлер ҳәм комплектлеўши буйымлар ислеп шығарыўды жергиликлестириў бойынша жоқары технологиялы заманагөй кәрханалар шөлкемлестириў ҳәм де жетекши сырт ел компания ҳәм корпорациялар қатнасында жоқары технологиялы заманагөй инновациялық ислеп шығарыўларды шөлкемлестириў ушын сырт ел инвестицияларын тартыў бойынша ең қолай шараятларды жаратыў, еркин экономикалық зоналар, олардың тартымлылығы ҳәм оны баҳалаў критерияларын ислеп шығыў зәрүрлиги ҳәм оның теориялық тийкарлары әҳимийетли есапланады. Амелге асырылған илмий-изертлеў жуыслары ҳәм алып барылған илмий теориялық излениўлерге қарамастан, бүгинги күнги глобалласыў ҳәм демократик базар реформалары шараятында еркин экономикалық зоналар хызметин кең көлемли статистик анализ қылыўды жетилистириў, экономикалық хызметке тәсир етиўши факторларды статистик моделлер тийкарында баҳалаўға қаратылған мәселелер системалы жарытылып берилмеген, сол себепли таңланған тема шеңберинде илмий изертлеўлер алып барылыўы талап етиледи.

Изертлеўде Өзбекстанда еркин экономикалық зоналарды шөлкемлестириў ҳәм олардың нәтийжелилиги ҳаққында анализлерди әмелге асырыўда ҳәм еркин экономикалық зоналардың нәтийжелилигин баҳалаў ушын 5 тийкарғы көрсеткишлер топары есапқа алынып, бул топарлар өз нәўбетинде киши топарларға бөлинеди. Усыкөрсеткишлердианығыраққөрсетиўушынолардысистемаластырыўмүмкин.



1-сүўрет. Еркин экономикалық зоналар нәтийжелилигиниң баҳалаў бағдарлары

Еркин экономикалық зонаның нәтийжелилигине баҳа бериў ҳәр бир көрсеткишлер топар ушын прогноз корсеткишлериниң орынланыўын есапқа алған ҳалдаәмелге асырылады. Белгилеп алынған реже орынланыў дәрежесин анықлаў бойынша еркин экономикалық зоналардың нәтийжелилигин баҳалаў көрсеткишлерине прогноз ҳәм ҳақыйқаттағы нәтийжелери салыстырмасы арқалы баҳа бериледи. Баҳалаў 5 баллы системада белгиленип, орынланған жумыслар жағдайын баллар бойынша орнатылған критериялар ийкарында қадағалаўға алыў белгиленген. Соны айтып өтиў керек, дүнья тәжирийбесинде еркин экономикалық зоналар нәтийжелилигин баҳалаў жәрдесинде айрым аралықлар есапқа алынбастан яки олардың тәкирарланыўы бир қанша қолайсызлықлар келип шығыўына себеп болады. Сол себепли, биздиң пикиримиз ше баҳалаўды төмендеги 2-кесетеде келтирилген критериялар тийкарында жоба бойынша баҳалаў мақсетке муўапық.

2-кесте. Еркин экономикалық зоналар нәтийжелилигин баҳалаў

Жобада белгиленген көрсеткишлер орынланыў дәрежеси, %	Жобада белгиленген көрсеткишлер орынланыўы бойынша баллар
90-100 %	5
70-89,9%	4
51-69,9%	3

41-50,9%	2
35-40,9%	1
20-34,9%	0

Жобада белгиленген көрсеткишлер орынланыўы бойынша алынған баллар тийкарында Еркин экономикалық зоналар нәтийжелилигине төмендеги критериялар бойынша жуўмақ шығарылады (3-кесте).

3-кесте. Еркин экономикалық зоналар нәтийжелилигин баҳалаў критериялары

Жобада белгиленген көрсеткишлер орынланыўы бойынша балл	Нәтийжелер бойынша жуўмақлар
5-4 балл	Еркин экономикалық зона нәтийжели хызмет көрсетпекте
4-3 балл	Еркин экономикалық зона жетерли дәрежеде нәтийжели хызмет көрсетпекте
3-2 балл	Еркин экономикалық зоналардың шәртли хызмет көрсетиўи басқа регионларда жетилистириў мүтәжлиги менен байланыслы
2-1 балл	Еркин экономикалық зоналар хызмети нәтийжеси пәс дәрежеде
1 баллдан төмен	Еркин экономикалық зоналар хызмети нәтийжесиз

3-кестеде келтирилген критериялар бойынша ҳәр қандай еркин экономикалық зона хызмети нәтийжелилигине баҳа бериў мүмкин. Әлбетте, буның ушын жоқарыда көрсетилген көрсеткишлердиң анықлылығына ҳәм исенимлилигине әҳимийет бериў зәрүр.

Дүнья жүзлик тәжирийбеде ҳәм әмелиятта ҳәр бир мәмлекеттиң өз миллий экономикасына сырт ел инвестицияларын тартыў бойынша өзине сай тәжирийбе ҳәм дәстүрлери бар. Ҳәзирде раўажланған мәмлекетлердиң экономикасының раўажланыўына тийкар болған усыллардан бири бул мәмлекетте белигили бир аймақты яки путин бир киши мәмлекетлер өз экономикасын еркин экономикалық зонаға айландырып раўажланып барыў жолын таңлаўы болып есапланады.

Еркин экономикалық зона әдетте мәмлекеттиң белгили бир регионы яки бөлек бир аймақта шөлкемлестирилген экономикалық тәрептен нәтийжели есапланады. Дүнья жүзлик тәжирийбеде административлик басқарыў системасы онша үлкен болмаған айрым мәмлекетлер пүтин экономикасының өзин экономикалық зонаға айландырғанлық жағдайларына да дус келемиз. Еркин экономикалық зоналарды шөлкемлестириўден тийкарғы мақсет қысқа мүддетлерде мәмлекетти раўажланған дунья жәмийети ағазалары қатарына қосыў ҳәм сырт ел инвестицияларын тартыўды жеделлестириўден ибарат.

Еркин экономикалық зоналардың шөлкемлестириўшилик дүзилиси ҳәм аталыўы түрли формаларда болса да, оларды шөлкемлестириўден тийкарғы мақсет имканияты болғанша сырт ел инвестицияларын, заманагөй техника ҳәм технологияларды тартыў есабына бар болған экономикалық, финанслық ҳәм социаллық машқалаларды шешиў жолларын қәлиплестириў ҳәм раўажланған мәмлекетлер қатарынан орын алыў арқалы халық турмыс дәрежесин жақсылаў.

Өзбекстан Республикасында еркин экономикалық зоналарды шөлкемлестириў ҳәм раўажландырыў ушын ҳуқықый тийкарларды қабыл қылыў ҳәм экономикаға енгизиў 1995 жыдан басланды. 1995-жыл 30 август күни «Концессия ҳаққында»ғы, 1996-жыл 25-апрель күни «Еркин экономикалық зоналар ҳаққында»ғы, 1996-жыл 29-август күни «Сырт елден қаржылар тартыў ҳаққында»ғы нызамлар қабыл қылынды ҳәм экономикаға енгизилди. Усы нызамлардың қабыл етилиўи сырт ел инвестицияларының экономикамызға бағдарланыўына ҳәм инвестициялар көлеминиң жылдан-жылға асып барыўына унамлы тәсир көрсетти.

Бүгинги күнде мәмлекетимизде 21 еркин экономикалық зоналар хызмет көрсетип атырған болып ҳәзирги ўақытта жаңа арнаўлы еркин экономикалық зоналар ҳәм киши санаат зоналары, технопаркларды раўажландырыў бойынша жумыслар алып барылмақта. Бул аймақларда әмелге асырылып атырған жойбарлар шеңберинде ишки базарда талап жоқары болған өнимлер менен биргеликте сыртқа базарларда да қарыйдарлар талабы жоқары болған жеңил-санаат, химия, азық-аўқат өнимлери, электр техникасы буйымлары, заманагөй қурылыс материаллары, мебел ҳәм басқа таяр өнимлер ислеп шығарылмақта. Елимиз басшысы, Президентимиз Ш.М. Мирзиеётың 2020 жылы ноябрь айының 11 сәнесинде «2020-2023 жылларда Қарақалпақстан Республикасын комплекс социал-экономикалық раўажландырыў илажлери ҳаққында»ғы Қарарына муўапық Қарақалпақстан Республикасының аймағында «Қарақалпақ-агро» еркин экономикалық зонасын шөлкемлестириў, соның менен бирге Қарақалпақстан Республикасындағы еркин экономикалық зоналарда қуны 21,2 млн долларға тең болған, 9 жойбарды, киши санаат зоналарында қуны 28 млн долларға тең болған 81 жойбарды иске түсириў ўазыйпалары қойылды [1].

Бул тараўда Президентимиз Шавкат Мирзиёевтиң «Еркин экономикалық зоналар хызметин жетилистириў ҳәм кеңейтириўге байланыслы қосымша ис-иләжлар ҳаққында»ғы [4] пәрманына муўапық: еркин экономикалық зоналарды және де раўажландырыў ушын тәртип-принциплерин әпиўайыластырыў, инвестор ҳәм исбилерменлерди тартыўды кеңейтириў; еркин экономикалық зонада инвестиция жойбарларын әмелге асырыўды жеделлестириў, сырт елден жоқары технологиялық үскенелерди сатып алыў; киши санаат зоналарының қаржыларын (капиталларын) тартыў, исбилерменликти раўажландырыў, жаңа жумыс орынларын жаратыў ҳәм халыў пәраўанлығын асырыў; еркин экономикалық зоналар ҳәм киши санаат зоналарын электр энергиясы, тәбийий газ, суў ҳәм басқа коммуникация тармақлары менен турақлы тәмийнлеў сыяқлы ўазыйпалар белгилеп берилди.

Жуўмақлап айтқанда, еркин экономикалық зоналар шөлкемлестирилиўи нәтийжесинде мәмлекет экономикасына инвестициялар ағымының күшейиўин көриўимиз мүмкин. Мәмлекеттиң сыртқы экономикалықхызмети және де раўажланып, сыртқы саўда, экспорт-импорт операциялары және де

раўажланады. Бул болса мәмлекет экономикасын және де турақласытырып, раўажланыўына түртки берери сөзсиз.Буның ушын биринши нәўбетте, еркин экономикалық зоналарды шөлкемлестириўде аймақларды, инженер-коммуникация, жол транспорт ҳәм орналасыў мәнзилин туўры таңлаў; аймақлар имканиятларынан келип шығып еркин экономикалық зоналар хызмети бағдарларын анықлаў ҳәм күтилетуғын нәтийжелерин прогноз қылыў; еркин экономикалық зоналарға кластерлер жанжасыўынан кең пайдаланған ҳалда зоналар қатнасыўшылар арасында кооперация байланысларын жолға қойыў; сырт елде ҳәм мәмлекетлик ўәкилликли органларда экономикалық зоналар мәплерин гөзлеўши, инвесторларды тартыў ушын информацион реклама жумысларын шөлкемлестириў; ғалаба ҳабар қураллары ҳәм интернет веб-сайтларында мәмлекетте шөлкемлестирилген еркин экономикалық зоналар имканиятлары ҳәм потенциалы бойынша рекламаларды күшейтиў; еркин экономикалық зоналар хызметин жеделлестириў ҳәм олардың нәтийжелилигин баҳалаўда жоқарыда келтирилген баҳалаў критериялары бойынша анық сыяқлы ис-иләжларды ислеп шығыў мақсетке муўапық.

Еркин экономикалық зоналардың шөлкемлестирилиўи нәтийжесинде мәмлекет экономикасының раўажланыўы экспорт потенциалының асыўы, халық бәнтлигин тәмийнлеў, халық турмысы пәраўанлығын ҳәм экономика турақлылығын, ең тийкарғысы дүнья жәмийетинде өз абыройына ийе болыўына алып келеди.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон «2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.http://www.lex.uz/uz/docs/5100705
2. Қорабоев Ш.А, Инамова Г. А., Алабаев С. И. Эркин иктисодий зоналар фаолиятини ривожлантириш масалалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йил
3. С. В. Приходько Н. П. Воловик Особые экономические зоны /; Консорциум по вопр. приклад. эконом. исслед., Канад. агентство по междунар. развитию [и др.]. – М. : ИЭПП, 2007. – 268 с
4. Друзик Я.С. Свободные экономические зоны. М.: ФУАинформ, 1999.
5. Кузнецов Ю.И. Свободные зоны и национальная экономика. М.: Дрофа, 1998
6. Смородинская П.А. Капустин А.С. Свободные экономические зоны: мировой опыт и российские перспективы. Вопросы экономики. 2012. № 27, с. 126-140

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантириш масалалари
Қалмуратов Б. С., Миратдинов С. Қ. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме:Мақолада мамлакатни ижтимоий иқтисодий юксалиш учун асосий омил ҳисобланган эркин иқтисодий зоналар, уларнинг жозибадорлиги ва уни баҳолаш мезонлари зарурлигини назарий асослари ёритилган. Бу ўзнавбатида хар бир вилоятни ўзининг минерал ва ресурс бойликларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришни талаб қилинади. Айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, экспорт салоҳиятини ошириш диверсификацион сиёсатни кучайтириш минтақалар иқтисодиётини барқарорлигини ва мамлакатимиздаги ҳозирги ҳолати ёритиб берилган.

Таянч иборалар:эркин иқтисодий зоналар, инвестиция, кичик саноат зоналари, махсус иқтисодий зоналар, ҳудуд.

Вопросы развития свободных экономических зон в условиях модернизации экономики
Калмуратов Б.С., Миратдинов С.К.Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье излагаются теоретические основы необходимости свободных экономических зон, как важнейшего фактора социально-экономического роста страны, и их привлекательности, а также критериев ее оценки. В свою очередь, это требует, чтобы каждый регион размещал и развивал производственные силы на основе своего минерального и ресурсного богатства. Автором подчеркивается усиление политики диверсификации малого бизнеса и частного предпринимательства, увеличение экспортного потенциала и текущее состояние экономики в регионах.

Ключевые слова: свободные экономические зоны, инвестиционные, малые промышленные зоны, особые экономические зоны, территории

Issues of development of free economic zones in the conditions of modernization of the economy
Kalmuratov B.S., Miratdinov S.K. Karakalpak State University

Summary. The article outlines the theoretical basis for the need for free economic zones, as the most important factor in the country's socioeconomic growth, and their attractiveness and evaluation criteria. In turn, this requires that each region locates and develops productive forces based on its mineral and resource wealth. The author emphasizes the strengthening of the policy of diversification of small business and private entrepreneurship, an increase in export potential and the current state of the economy in the regions.

Key words: free economic zones, investment, small industrial zones, special economic zones, territory

---

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Элмуродов Ш.

Тошкент шаҳридаги ЁДЖУ техника институти

Кириш. Яширин иқтисодиётда амалга оширилаётган фаолиятлар тури ва шакли ўзгарган бўлишига қарамасдан, бир қатор ривожланаётган ва ривожланган давлатлар унинг даражасини камайтириш мақсадида чуқур ислоҳотлар олиб бормоқдалар.

Тадқиқот ишимизнинг навбатдаги босқичида айрим давлатларнинг мазкур йўналишдаги тажрибалари баён этилади. Японияда ижтимоий хавфсизлик ва солиқ тизимининг адолатлилигини ошириш ва ҳукумат билан ўзаро алоқаларни осонлаштириш учун 2015 йил октябрдан бошлаб барча жисмоний шахслар ва корпорацияларга «Менинг рақамим» деб номланувчи такрорланмас идентификатор берилди. Шахсий идоралар

ва корпорацияларга Миллий Солиқ Агентлиги (NTA) томонидан жисмоний шахсларга берилган Менинг рақамим декларация бланкаларида ва қонун ҳужжатларида талаб қилинади. NTA декларациялар ва баёнотларни бирлаштириш ва мослаштириш ижтимоий хавфсизлик ва солиқ тизимининг аниқлиги ва самарадорлигини оширади деб кутмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Яширин иқтисодиёт ҳақида турли хил қарашлар бор. Уларни барчасини умумлаштирадиган бўлсак яширин иқтисодиётни фақатгина солиқдан қочиш мақсадида олиб борилаётган фаолиятлар жамланмаси деб таърифлаш мумкин. Аммо фақатгина солиқдан қочиш яширин иқтисодиётда фаолият юритишга мотив бўла олмайди. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Б.Турдиев яширин иқтисодиётни «Давлат бошқаруви органлари фаолияти ва назорат функцияларининг ташкил этилиши, маъмурий тартиб-таомиллар ва коррупция ҳолатлари натижасида вужудга келадиган фаолият»[1] деб таърифлаган. Б.Якубов эса яширин иқтисодиёт меҳнат бозори билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммо деб таърифлаган [2]. Яширин иқтисодиётни назарий муҳокама қилиш Allingem ва Sandmo томонидан бошланган ва улар яширин иқтисодиётни даромад солиғини тўлашдан бўйин товлаш дея таърифлаган [3, 323-338]. Гарчи яширин иқтисодиёт ва солиқларни тўлашдан бўйин товлаш бир-бирига мос келмаса ҳам, аксарият ҳолларда яширин иқтисодиётдаги фаолият тўғридан-тўғри ёки билвосита солиқларни тўлашдан бош тортишни назарда тутади, чунки солиқларни тўлашдан бош тортишни белгиловчи омиллар ҳам шубҳасиз яширин иқтисодиётга таъсир қилади. Allingem ва Sandmo солиқларни вақтида тўлаш унинг кутилаётган харажатлари ва фойдаларига боғлиқ дея таъкидлаган.

Ҳозирги вақтга қадар яширин иқтисодиёт мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор таърифлар келтирилган, аммо ушбу таърифлар ичида яширин иқтисодиётнинг барча жиҳатлари ёритиб берувчи таъриф сифатида Medina ва Schneidernинг тарифини қайд этишимиз. Унга кўра:

Яширин иқтисодиёт молиявий, қонун чиқарувчи ва институтсионал мақсадларда расмий ҳокимият органларидан яширинган барча иқтисодий фаолиятни қамраб олади. Монетар омиллар солиқлардан қочиш ва ижтимоий таъминотга қўшилган барча тўловларни ўз ичига олади, тартибга солувчи органлар томонидан аниқланадиган яширин иқтисодиётга эса давлат қонунчилигидан қочиш киради, институтсионал сабабларга пора бериш сиёсати, сиёсий институтларнинг фаолияти ва қонунчиликнинг заифлиги киради. Яширин иқтисодиёт, бизнинг тадқиқотларимиз учун, асосан рўйхатдан ўтган тақдирда миллий ЯИМга ҳисса қўшадиган қонуний иқтисодий ва самарали фаолиятни ифодалайди [4].2003 йилгача Грузия учун солиққа тортиш катта муаммо бўлган. Солиқ йиғилишини таъминлашни яхши ижро этувчи идоранинг етишмаслиги, солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини паст даражада бажарилиши ва бошқа жиддий муаммолар туфайли солиқларни ундириш қийин бўлган. 2003-йил ноябр ойидаги норозиликлардан кейин ҳукумат солиқ ва маъмурий суиистеъмол қилиш ҳолатларини камайтиришга умид қилиб, солиқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш мажбуриятини олган. Бир йил давом этган муҳокамалар ва мунозаралардан сўнг, иқтисодиётдаги солиқлар турлари ва уларнинг ставкалари 2004 йил охирида мамлакатдаги энг паст даражага туширилди.

Ислоҳот натижасида йигирмадан ортиқ солиқлар сони еттигача камайтирилди (2008 йилдан кейин олтита қолди). Молиявий жиҳатдан самарасиз бўлган барча солиқлар бекор қилинди ва коррупциянинг асосий манбалари бўлган солиқлар ҳам бекор қилинди. Ислоҳотдан кейин қолган солиқлар энг ижобий молиявий таъсирга эга бўлган, ҳисоблаш ва тўлашда энг осон солиқлар бўлган. Солиқни тартибга солишдаги ўзгаришларнинг умумий самараси 2008 йилга келиб, ЯИМ икки бараварга ўсган даврда солиқ тушумларининг 450 фоизга ўсишига олиб келди.

Австралияда Австралия Солиқ идораси (ATO) 2013 йил июл ойида жисмоний шахслар, кичик бизнес ва жисмоний шахсларни қўллаб-қувватлаш учун ишга туширган мобил иловасининг функционаллигини оширишда давом этмоқда. Илова мижозларга ўз календарига эслатмалар қўшиш, зарур муддатлар ҳақида хабар бериш ва солиқни ҳисоблаш калкуляторидан фойдаланиш имкониятини берувчи турли хил воситалар ва хусусиятларни таклиф этади. Жисмоний шахслар ва якка тартибдаги трейдерлар ўзларининг мобил қурилмаларидаги хавфсиз ATO онлайн хизматларидан фойдаланиш учун телефонга асосланган хизматлардан фойдаланиш учун бир хил иловадан фойдаланишлари мумкин. 2015 йилда дастурга **mydeductions** воситаси қўшилди, бу фойдаланувчиларга солиқ имтиёзларини йўлда қайд этиш имконини берди. Ўзларининг қурилмаларидаги камерадан фойдаланиб, фуқаролар квитанцияларни олишда фойдаланишлари мумкин, бу эса қоғозли қайдномага эҳтиёжни йўқ қилади.

Сингапурда Ички Даромадлар Агентлиги корхоналарнинг транспорт воситаларининг ҳаракатланиш маълумотлари орқали корхонанинг ҳозирда фаолият олиб бораётганлиги ёки бизнеси тўхтаганлиги аниқланади.

Бразилия электрон ҳисоб-фактурани топширадиган бир қатор мамлакатлар қаторига киради: етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасида (бизнес ва бизнес ёки бизнес ва ҳукумат ўртасидаги транзакциялар бўйича) ҳисоб-фактураларни электрон тарзда юбориш, қабул қилиш ва сақлаш Бразилияда йўлга қўйилган. Йиллик даромад солиғи ва бошқа солиқ маълумотлари тўғрисида тўғридан-тўғри ҳисобот беришга имкон берадиган миллий рақамли бухгалтерия тизимини яратишга ёрдам берган. Бугунги кунга келиб, Бразилия солиқ идоралари баъзи маълумотларни деярли бир зумда кўриб чиқиши, баҳолаши ва жарималарни ҳам тезкорлик билан жорий этишлари мумкин. Бу қўлланилган тизим орқали солиқларнинг ундирилиш даражаси сезиларли даражада ошишига олиб келган.

Мексикада Солиқ маъмурияти хизмати (SAT) Федерал солиқ тўловчилар реестрига (RFS) қўшилган солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш жараёнларини тезлаштиришга эриша олган. Натижада, фуқаролар онлайн рўйхатдан ўтишда Миллий рўйхатга олиш регистери томонидан тасдиқланган идентификация маълумотларини

ўз ичига олган такрорланмайдиган миллий рўйхатдан ўтиш коди ёрдамида рўйхатдан ўтишлари мумкин. Ушбу рақам ижтимоий таъминот каби бошқа давлат хизматларидан фойдаланиш учун ҳам фойдаланилади. Онлайн рўйхатдан ўтиш жараёнини тугатгандан сўнг, солиқ тўловчи SAT офисида шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ва биометрик маълумотлар ёрдамида жараённи якунлайди. Амалга оширилган бу каби ўзгаришлар иш берувчиларга янги ишчилар рўйхатдан ўтганлигини аниқлашга имкон берди. Агар ходим рўйхатдан ўтмаган бўлса, энди улар учун иш берувчиси томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Испания амалиётини таҳлил қилар эканмиз барча юридик шахслар учун солиқ маъмурияти билан электрон каналлар орқали муомала қилиш мажбурий ҳисобланади. 2016 йил октябридан кучга кирган ўзгаришлардан сўнг, фақатгина жисмоний шахслар агентлик билан юзма-юз муомала қилишлари мумкин. Қонунга биноан солиқ маъмуриятининг барча билдиришномалари электрон шаклда бўлиши керак.


Россияда Федерал Солиқ хизмати (FTS) фирибгарлик имкониятларини кескин камайтириб, бутун мамлакат бўйлаб ҚҚС бўйича солиқларнинг бажарилишини назорат қилиш имконини берадиган тизимни жорий этди. Ушбу ёндашув барча ҳаракат қилаётган томонлар томонидан талаб қилинган ҚҚС билан тўланадиган ҚҚСни ўзаро мослаштиришга асосланган. Барча кирувчи маълумотлар асосан реал вақт режимида қайта ишланади ва бутун мамлакат бўйлаб таҳлил қилинади, бу ерда саккиз соатлик кечикиш бўлиши мумкин. Тизим FTS-га операцияларни ёки ҚҚС бўйича солиқ тўловчиларни чуқурроқ текширишга ва тегишли солиқ таваккалчилигини автоматик равишда аниқлашга имкон беради. Кейинчалик у инспекторларга тайинланган ҚҚС бўйича солиқ текширувини бошлаши мумкин. Тизим, шунингдек, ФТСга ҳудудий ва маҳаллий идоралар ва солиқ инспекторлари фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш имкониятини беради.Италияда 2017 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС тўловчилар барча кириш / чиқиш ҳисоб-фактуралари маълумотларини даромадлар агентлигига юборишлари шарт. Ушбу маълумотлар тўғридан-тўғри даромадлар агентлиги томонидан олиниши мумкин, бу ерда хусусий томонлар ҳисоб-фактураларни алмаштириш учун «Exchange System» (италянча «Sistema di Interscambio / SdI») дан фойдаланадилар. (Биржа тизими - бу Италия даромадлар агентлиги томонидан бошқариладиган марказ бўлиб, у орқали давлат маъмуриятларига тақдим этилган ҳисоб-фактуралар мажбурий равишда 2014 йилдан буён алмашиниб келинмоқда.) 2017 йил 1 январдан бошлаб товарларни етказиб берадиган (маҳсулотлар сотувчи ускуналар) солиқ солинадиган шахслар учун даромадлар тўғрисидаги маълумотларни электрон сақлаш ва узатиш мажбурийдир. Ушбу ускунанинг барча транзакция маълумотлари автоматизация тизимининг орқали қайта ишлайди, маълумотларни олади ва солиқ маъмурияти серверига вақти-вақти билан (баъзан ҳар куни) юборади. Бунда уларнинг базасида сақланувчи маълумотларнинг ўчиб кетмаслиги ёки ўзгартириб бўлинмаслиги керак.

Канадада CRA Федерал-вилоят-ҳудудий яширин иқтисодиёти ишчи гуруҳи билан бир қатор ташаббусларни, шу жумладан Бизнес мактаби ташаббусини ишлаб чиқмоқда. Бу солиқ тизимининг талаблари бўйича таълим беради ва касб-ҳунар талабаларига яширин иқтисодиётида иштирок этишдан эҳтиёт бўлиш кераклигини тушунтиради. Масъулиятли фуқароликни ўқитиш модули ёш канадаликларга ўзини ўзи баҳолаш солиқ тизими ва Канададаги ҳаёт сифати ўртасидаги муносабатлар тўғрисида маълумот беради.

Швеция солиқ агентлиги Швециядаги таксилар савдо ташкилоти билан ҳамкорликда 2017 йил май ойида такси саноатида таксометрлар учун мажбурий узатиш тизимини жорий қилди. Шунга такси компаниялари учун маълумотларни (рақамли ва симсиз) ўз таксометрларидан Швеция транспорт агентлиги назорати остида бўлган такси корхоналари учун сертификатланган Бухгалтерия марказига узатиш мажбурияти киради. Швеция Солиқ агентлиги кейинчалик бухгалтерия марказларидан стандартлаштирилган ва рақамли маълумотни талаб қилиши мумкин. Швеция ушбу узатиш тизимидан солиққа риоя қилишни яхшилайди ва такси бизнеси доирасида адолатли рақобатни кучайтиради деб кутмоқда.

Тўртта асосий омил - глобаллашув, ривожланган халқаро ҳамкорлик, технологиялар ривожи ва юридик бизнес бозорига тобора кириб келаётган жиноятчилар - бу солиқ идораларига имкониятлар ва қийинчиликларни келтириб чиқармоқди, чунки бу таъсирлар асосида яширин иқтисодиётдаги фаолиятлар турлари кенгаймоқда бу яширин иқтисодиёт даражасини ошишига сабаб бўлмоқда. Диссертациянинг ушбу бобида яширин иқтисодиёти фаолиятида ёки бундай фаолиятни амалга ошириши мумкин бўлган кенг муҳитда юз берадиган баъзи асосий ўзгаришлар кўриб чиқилади: нақд пулдан фойдаланиш шаклларининг ўзгариши; янги бизнес моделлари ва ишлаш усулларининг пайдо бўлиши; технологиядан нотўғри фойдаланиш мумкин бўлган амалиётлар ва уларга қарши ишлаб чиқилаётган молиявий механизмлар халқаро даражада ўрганилади.

1-расм. Айрим давлатларнинг йиллар кесимида Яширин иқтисодиёт даражаси динамикаси [4]



1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики ривожланиш даражаси паст бўлган давлатлатда яширин иқтисодиёт даражаси жуда ҳам юқори бўлиб, ушбу кўрсаткич йиллар кесимида ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Энг юқори кўрсаткич бу ерда Зимбабведа бўлиб, у қарийб мамлакат ЯИМ миқдорининг деярли 70%ига тенгдир. Ўзбекистонга яқин ва қўшни давлатларда эса бу кўрсаткич 30%дан юқорироқдир. Сингапур ва Буюк Британия каби ривожланган давлатларда эса 10%дан камдир.

Технологиялардан фойдаланиш, хусусан, Интернет ва телефон банкинги, контаксиз карталар ва мобил иловаларнинг ўсиши, шунингдек онлайн харидларнинг сезиларли даражада ўсиши нақд пулдан фойдаланишга

кучли таъсир кўрсатмоқда. Бу кўплаб мамлакатларда қайд қилинган операциялар учун нақд пуллардан фойдаланиш ҳажмининг қисқаришига олиб келди (гарчи ўзгариш тезлигидаги фарқлар катта бўлса ҳам). Швецияда нақд операциялар 2015 йилда барча тўловлар қийматининг деярли 2 фоизини ташкил қилди. Буюк Британияда (Буюк Британия) 2015 йилдан 2016 йилгача нақд пул билан қайд этилган тўловлар сони 15 фоизга камайди, Германия ва Австрияда эса ўзгариш тезлиги секинроқ. Катта миқдордаги тўловларнинг аксарияти нақд пул билан катта тўловларни амалга оширишда жисмоний қийинчиликлар ва катта миқдордаги маблағларни ушлаб туриш муаммоларининг мавжудлиги сабабли электрон тарзда амалга оширилмоқда. Бироқ, нақд пул ҳали ҳам барча иқтисодиётда нақд пул ёрдамида амалга оширилган операцияларнинг асосий қисми билан глобал миқёсда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Хулоса. Яширин иқтисодиёт иқтисодиётнинг барча тармоқларига таъсир кўрсатиб, унинг даражасининг юқорилиги давлатдаги иқтисодий, ижтимоий муаммоларнинг мавжудлигидан ва молиявий механизмларнинг самарали фаолият юритмаслиги билан изоҳланади.Яширин иқтисодиёт даражасини аниқлашнинг бир қатор методлари мавжуд бўлиб, улардан самаралиси нақд пул ва талаб қилиб олунгунга қадар депозитлар нисбати орқали аниқлашдир.Яширин иқтисодиёт, унинг даражасини аниқлаш ва камайтириш бўйича тадқиқот ишларини олиб броган тадқиқотчиларнинг яширин иқтисодиётга берган таърифлари ҳам бир биридан тубдан фарқ қилади.Яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришда асосий воситалар булар фискал ҳамда монетар воситалардир.Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, ахборот технологияларининг ривожланиши яширин иқтисодиётни оширувчи усулларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Яширин иқтисодиёт даражасини паст даражага туширган мамлакатлардан бири бу Грузия бўлиб, унинг иқтисодиётдаги солиқлар турлари ва уларнинг ставкалари 2004 йил охирида мамлакатдаги энг паст даражага туширилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Бобир Собирович Турдиев. «Яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш ва унга қарши самарали курашиш йўллари, «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» ilmiy elektron jurnali. No 3, may-iyun, 2020 yil
2. Baxtiyor YaKUBOV, O‘zbekistonda yashirin iqtisodiyotning darajasi qanday? «Yangi O‘zbekiston» gazetasining 146-soni
3. Michael G. Allingham and Agnar Sandmo (1972) Income tax evasion: a theoretical analysis, Journal of Public Economics, vol. 1, issue 3-4, 323-338
4. Medina, L. and Schneider , F. (2018), Shadow economies around the world: What did we learn over the last 20 years?, IMF Working Paper WP018, IMF, Washington DC, USA

Яширин иқтисодиёт даражасини камайтириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси

Элмуродов Ш. Тошкент шаҳридаги ЁДЖУ техника институти

Резюме. Мақолада яширин иқтисодиётга таъсир этувчи омиллар, уни камайтириш бўйича хорижий илғор давлатлар тажрибаси ўрганилган. Давлатларнинг тажрибасида асосий ўзгаришлар ўрганилган. Ушбу тажрибалардан келиб чиққан ҳолда хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, яширин иқтисодиёт, давлат молияси, молиявий механизм

Опыт зарубежных стран по снижению уровня теневой экономики

Элмуродов Ш. Ташкентский технический институт YOJU

Резюме. В статье исследуются факторы, влияющие на теневую экономику, опыт зарубежных передовых стран по ее сокращению. Изучены основные изменения в опыте государств. Были сделаны выводы исходя из этих опытов.

Ключевые слова: налог, теневая экономика, государственные финансы, финансовый механизм.

Experience of foreign countries in reducing the level of the shadow economy

Elmurodov Sh. Tashkent Technical Institute YOJU

Summary. This article examines the factors influencing the shadow economy, the experience of foreign advanced countries in reducing it. Major changes have been studied in the experience of states. Conclusions have been drawn from these experiments.

Keywords: tax, shadow economy, public finance, financial mechanism.

УЎТ 005.93:655

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА УНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Хакимов Ғ. Қ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий методик марказ

Кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан яхшилаш, унинг сифатини ошириш, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва ушбу соҳада рақобат муҳитини яратиш бўйича юқори даражада амалий йўналишлар бошланди. Олий таълим муассасаси таълим сифати менежменти самарадорлигини ошириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда [1,2].Таълимнинг иқтисодий самаралилиги – миллий даромад ўсишида таълимнинг аҳамиятини ифода этувчи тушунча. Таълимга кетадиган молиявий сарфлар бутун ҳажмини моддий неъматлар ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари маълумот ва малака даражасини ошириш туфайли олинадиган миллий даромад ўсиши улушига нисбати сифатида тушунилади [3]. Амалиётда ташқи муҳитнинг самарадорликка таъсири ўрганилмаган. Шу сабабли Ш.Н.Зайнутдинов ва А.О.Очиловалар бошқариш самарадорлигини баҳолашда олинган натижалар (муассасанинг ташқи ва ички муҳити)ни зарурий (лойиҳада белгиланмаган) фойда орқали ўлчаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди [4]. Чунки, бу орқали ташкилий тузилмани лойиҳалашда алоқаларнинг мустаҳкамлигини баҳолаш мумкин. Бу ўринда мустаҳкамлик бошқариш тизими алоқадорлик фаолиятининг узлуксизлигини таъминлашни англатади. Бу кўрсаткич орқали сифат ёки бошқариш тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин. Европа сифат менежменти жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган бизнесни такомиллаштириш модели - EFQM "Excellence Model" 1990-йиллар бошидан буён 13 йилдан ортиқ вақт давомида мавжуд бўлиб, барқарор ривожланиш ва рақобатбардошликни оширишга қаратилган ташкилотлар учун идеал бошқарув тизимининг умумлашган модели саналади [5].

Бошқаришни такомиллаштириш бўйича бир қатор масалалар миқдор кўрсаткичи орқали ифодаланади.

Биз томондан ишлаб чиқилган олий таълим муассасаларининг фаолиятини инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубига кўра ушбу тизим қуйидаги қисмларга ажратилади:фаолиятни бошқариш (ФБ);вазифаларни бошқариш (ВФ);натижаларни бошқариш (НБ). Олий таълим муассасаларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва уни ошириш йўналишларини аниқлашда қадамли, яъни босқичма-босқич услубидан фойдаланишни лозим топдик (1-расм).

I – ҚАДАМДА ОТМни бошқариш самарадорлиги ҳолатини таҳлил қилиш ва зарурий маълумотларни йиғиш амалга оширилади. Ушбу вазифа ишнинг иккинчи бобида амалга оширилди.

II – ҚАДАМ. ОТМ фаолиятини бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш.

III – ҚАДАМ. ОТМ фаолиятини бошқариш самарадорлигини баҳолаш.

IV – ҚАДАМ. ОТМ фаолиятини бошқаришдаги тафовутларни аниқлаш.


V – ҚАДАМ. Муҳимлиги ва муддати бўйича муаммоларни турларга ажратиш.

VI – ҚАДАМ. ОТМ фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

ОТМнинг фаолиятини бошқариш самарадорлиги тизим ости элементларининг интеграл кўрсаткичлари асосида Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизими ривожланиш самарадорлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари матрицаси тузилди (1-расм). Матрицани шакллантириш жараёнида биз томондан ишлаб чиқилган ОТМ фаолиятини инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубидаги тизим таркибий қисмлари интеграл баҳо кўрсаткичлари асос қилиб олинди. Бошқариш самарадорлиги интеграл баҳо кўрсаткичларининг «паст», «ўртача» ва «юқори» даражалари бўйича бошқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот объекти сифатида танланган Ўзбекистон Миллий университети учун келгусида фаолиятни бошқариш самарадорлигиниоширишнинг «Олий таълим тизимида лойиҳавий ривожланиш тизимини жорий этиш» варианти энг муқобил саналади.

Олий таълим бошқаруви самарадорлигини оширишнинг истиқболдаги йўналишларини башорат қилишда таълим олувчиларнинг индивидуал сифат хусусиятлари албатта инобатга олиниши лозим. Зеро, таълим олувчиларнинг бир-бирига ўхшамасликлари таълим мазмунига бўлган талабни ўзгартириб, имкон қадар муқобил вариантни танлаш заруриятини юзага келтиради. Шунга қарамай профессор-ўқитувчи бошқарувчи ва тадқиқотчидан кучлироқ саналади. Бугунги кунда таълимнинг келгуси имкониятларида бизнес ва тадбиркорлик таълимни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизими ривожланиш самарадорлигини оошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари матрицаси (муаллиф ишланмаси)

Демак таълимни, хусусан олий таълимни келгуси ривожи кўп жиҳатдан таълимнинг янги тури мутахассислар томонидан таклиф этилаётган «иш билармонлик» (тадбиркорлик) таълимини йўлга қўйилиши билан узвий боғлиқ.

Бозор муносабатларини ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ўзига хосликлар ана шундай янги замонавий таълим турларини таълим тизими таркибига киритишни талаб этмоқда. Ана шунга кўра давлат ва хусусий тузилмалар учун қўшимча таълим (ишбилармонлик таълими)ни шакллантиришнинг давлат концепциясини ишлаб чиқиш талаби фикримизча қуйидаги тамойилларга асосланиши керак: шахснинг эркин ривожланиши ва умуминсоний қадриятлар устуворлиги, фуқаровий масъуллик, меҳнатсеварлик, инсоннинг хуқуқ, эркинликларига хурматга асосланиш; барча учун қулай мослашувчан таълим соҳаси эканлиги; ишбилармонлик таълимида эркинлик ва плюрализмнинг устуворлиги; таълим жараёнининг узлуксизлиги ва изчиллиги; ишбилармонлик таълимини умумжаҳон андозаси даражасида ривожлантиришда, умумий, ўрта, ўрта махсус, Олий ва олий ўқув юртидан кейинги касбий таълим орасидаги интеграциялаш тизимни шакллантириш.

АДАБИЁТЛАР

1. Беляков С.А. Новые лекции по экономике образования. – М.: Изд-во ООО «Макс Пресс», 2007. – С.74.
2. Граурман О. Менеджмент средней и высшей школы: 100 новых понятие / О.Граурман и др. Hellesheim: Universitat-sverlangHildesheim, 2004. – С.211.
3. Олий таълим (луғат-маълумотнома) / Саидов М.Ҳ., Перегудов Л.В., Тоҳиров З.Т. – Т.: Молия, 2003. – 313б.
4. Зайнутдинов Ш.Н. Очилов А.О. Олий таълим муассасаларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш // Иқтисодиёт ва таълим, 2010. - №2. – 112-117б.
5. Игнатьева Е.Ю. Менеджмент знаний в управлении качеством образовательного процесса в высшей школе. – Великий Новгород, 2008. – 280с.

Жоқары билимлендириў системасын шөлкемлестириўде оны басқарыў нәтийжелилигин баҳалаў
Хакимов Ғ. Қ. ӨзР Жоқары ҳәм орта арнаўлы билимлендириў министрлиги жанындағы бас илимий методикалық орай

Резюме. Мақалада жоқары билимлендириў системасын шөлкемлестириў мәселелери сөз етиледи. Жоқары билимлендириўди раўажланджырыў, системаны жолға қойыў мәселелери анализленген.

Таяныш сөзлер: жоқары билимлендириў, тәлим стандарты, базар мүнәсибетлери.

Олий таълим тизими фаолиятини ташкил этишда уни бошқариш самарадорлигини баҳолаш
Хакимов Ғ. Қ. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий методик марказ

Резюме. Мақолада олий таълим тизимини ташкиллаштириш масалалари ҳақида сўз юритилади. Олий таълимни ривожлантириш, тизимни йўлга қўйиш масалалари тахлил қилинган.

Таянч сўзлар: олий таълим, таълим стандарти, бозор муносабати.

Оценить эффективность его управления в организации системы высшего образования

Хакимов Г'. В. Главный научно-методический центр при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан

Резюме. В статье рассматривается организация системы высшего образования. Были проанализированы вопросы развития высшего образования, становления системы.

Ключевые слова: высшее образование, образовательный стандарт, рыночное отношение.

Assess the effectiveness of its management in the organization of the higher education system

Khakimov G'. B. The main scientific and methodological center under the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan

Summary. The article deals with the organization of the higher education system. The issues of the development of higher education, the formation of the system were analyzed.

Keywords: higher education, educational standard, market relation.

ГЕОГРАФИЯ ПӘНИ САБАҚЛАРЫНДА АЎЫЗЕКИ МЕТОДТАН ПАЙДАЛАНЫЎДЫҢ ӘҲМИЙЕТИ

[1]Ходжаева Г.А., [2]Жиемуратова Г.Ө.

[1]Қарақалпақ мәмлекетлик университети

[2]ҚР Халық билимлендириў хызметкерлерин қайта таярлаў ҳәм олардың қәнигелигин арттырыў Аймақлық орайы

Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2019-жыл 29-апрельдеги «Өзбекстан республикасы халық билимлендириў системасын 2030-жылға шекем раўажландырыў концепциясын тастыйықлаў ҳаққында» ғы ПҚ-5712-санлы пәрманы тастыйықланды. Бул қарарда халық билимлендириў системасын 2030-жылға шекем раўажландырыў концепциясында үзликсиз билимлендириў системасының мазмунын сыпат тәрепинен жаңалаў, оқытыў методикасын жетилистириў, тәлим-тәрбия процессине индивидуалластырыў принциплерин басқышпа-басқыш әмелге асырыў, заманагөй хабар-коммуникация технологиялары ҳәм инновациялық жойбарларын енгизиў белгиленген. Бул қарар мазмунында билимлендириў системасын ески мазмундағы оқыў дәстүрлеринен емес, бәлким инновациялық санлы экономика ҳәм хабарлы жәмийет ушын кадрлар таярлаў имканын беретуғын оқытыў системасына өтиўимиз кереклиги нәзерде тутылған. Солай екен улыўма орта билимлендириў системасына Миллий оқыў дәстүрин басқышпа-басқыш енгизиў, оқыўшылардың билим алыўға деген мүнәсибетин арттырыў, өз бетинше креатив пикирлеў ҳәм инсаныйлық туйғыларын қәлиплестириў жумыслары әмелге асырылыўы керек. Усыған сәйкес билим бериўге деген жаңаша қатнаслар өзгерип интернет ҳәм хабар технологиялары арқалы оқытыўшылар әпиўайы билим бериўшиден шөлкемлестириўши оқытыўшыға айланыўы зәрүр. Сол арқалы заманагөй билимлендириў системасында билим ҳәм ядлап қалыўшы шынығыўларғатийкарланған мектеплер орнын идеяларды жаратыўшы ҳәм раўажландырыўшы, дөретиўшилик искерлигин үстин қоятуғын мектеплерге тийкар салыныўы керек екенлигин көриўимиз керек. Усы формадағы билимлендириў системасында ғана оқыўшылардың өз бетинше креатив пикирлеўин раўажландырып, олардың машқалаларға шешим таба алыў қәбилетлерин қәлиплестириўге шараят жаратады. Бирақ, оқыўшы жасларымызға бундай қолайлы шараятларды жаратып жақсы нәтийжелерге ерисиўимизде оқытыўшылардың орны айрықша. Себеби, айырым оқытыўшылар ушын өзгерислерге таяр болыў аңсат болмайды. Бундай ўақытларда оқытыўшылардың арасында бәсекелесиў орталығы пайда болады, жуўапкершилик пенен бирге талап артып барады ҳәм оқытыўшылардың өз үстинде көбирек излениўи ҳәм идеялардың пайда болыўына алып келеди.

Билимлендириў системасындағы педагогикалық технологияларды ҳәм интерактив методларды пайдаланыўдың нәтийжелилиги оқытыўшының дөретиўшилик ҳәм кәсиплик шеберлигине де байланыслы. Оқытыўшы тәрепинен қолланылатуғын билим бериўши методлар оқыўшыларға билим бериў, көнликпе ҳәм уқыплылықты пайда етиў менен шекленип қалмайды. Ол оқыўшыларда дөретиўшилик искерлиликти раўажландырыўшы, ийелейтуғын билимлерин өз бетинше, еркин өзлестириўге үйретететуғын, илимий билимлерге тийкарланған дурыс көз-қарасты пайда етиўши усыллардан ибарат болады. Биз методлар оқыўшылардың қай тәризде пикирлейтуғынлығын белгилеў имканиятын беретуғын жол десекте қәтелеспеймиз.

Бүгинги күнде билимлендириў тараўында ҳәр бир оқытыўшы бир қанша интерактив методларды ҳәм педагогикалық технологияларды сабақ процессинде пайдаланады. Соның менен бирге кейинги ўақытларда педагогикалық ҳәм методикалық әдебиятларда методларды «актив», «пассив», «интерактив» сыяқлы түрлерге классификациялаў жағдайлары да жүз бермекте. Тийкарынан актив ҳәм пассив методтың өзи болмайды [1.11]. Ҳақыйқатында сабақ процессинде оқытыўшы қандай методтан пайдаланбасын дурыс жол менен қолланса өз мақсетине ериседи деп ойлаймыз. Егерде биз жоқарыда көрсетип өткенимиздей методларды ажыратыўғын болсақ айырым методларға оқытыўшылар басқаша көз қараста болады. Мысалы, тәжирийбемизден келип шығып айтатуғын болсақ оқытыўшылар сәўбетлесиў, аўызеки баянлаў методларын сабақ процессинде пайдаланса оқыўшылар актив болмай тек ғана тыңлап отырады деп көрсетеди. Олардың орнына «оқыўшыларды топарларға бөлип тапсырмалар берип өзлерин ҳәрекетке келтириўимиз керек»,- деген пикирлерди айтады. Дурыс сабақ процессинде оқыўшыларды активлестириў зәрүр, бирақ бул ол методлардың «нәтийже бермейди» дегени емес. Аўызеки баянлаў методларының да география сабақларында әҳмийети жүдә үлкен. Тек ғана бул методларды өз орнында, шеберлик пенен дурыс пайдалана алса оқыўшылардың активлигин асырып, нәтийже береди.

Аўызеки баянлаў методы тәлим-тәрбияда да үлкен әҳмийетке ийе. Оқытыўшы оқыўшыларға жанлы сөз арқалы терең билим береди, оларды география пәниниң тийкарғы нызамлылықлары, машқалалары ҳәм ең соңғы жетискенликлери менен таныстырады. Аўызеки баянлаў методынан шеберлик пенен пайдаланса 10-15 минут даўамында оқыўшыларға көп мағлыўмат бериўимиз мүмкин. Тек бир ғана аўызеки баянлаў методын бирден-бир пайдаланатуғын тийкарғы метод деп, теманы сөйлеп бериўге ғана дықкатымызды қаратпаўымыз керек. Себеби, аўызеки баянлаў менен шекленип қалыў, оқыўшылардың карта, сабақлық ҳәм басқада қолланбалар, техникалық қураллар менен ислеўи ҳәм тәжирийбе өткериўине имканият бермейди [2.61]. Солай екен, аўызеки баянлаў методын темаға байланыслы мазмундағы оқыў қолланбалар, теманың мазмунына тийисли карталар, көргизбели қураллар менен бирге алып барыў жақсы нәтийже береди.

Оқытыўшы өтилип атырған теманы жобаның тийкарында баян етиўи даўамында оқыўшылардың искерлигин асырыўшы ҳәр қыйлы усыллардан (салыстырыў, орынларды картадан табыў, сораў-жуўап) да пайдаланыўы, үйренилип атырған мәселелердиң жуўмағын шығарыўы керек. Оқыўшылар билим ҳәм мағлыўматларды жақсы өзлестирип алыўы ушын олардың итибарын көбирек тийкарғы мәселелерге қаратыўымыз, мәселениң тийкарғы ҳәм екинши дәрежели орынларын ажырата алыўына имканият жаратыўымыз зәрүр. Биз белгили бир өтилетуғын теманы аўызеки баянлағанымызда оқыўшылар қунт пенен тыңлаўы керек. Оқыўшылардың оқытыўшының баянлаўын дықкат пенен тыңлай алыў қәбилетлери класслар кесиминде ҳәр қыйлы болады. Сонлықтан да оқытыўшы аўызеки баянлаў методынан пайдаланыў ушын көбирек қосымша әдебиятлардан изленип, теманың мазмунына тийисли қызығарлы мағлыўматларды жыйнаўы керек. Теманы дықкат пенен тыңлаўы нәтийжесинде, берилип атырған мағлыўматларды көз алдына келтириўи, факт ҳәм ҳәдийселердиң мазмунын түсиниўи ҳәм белгили бир жуўмақ шығара алыўы керек.

Улыўма орта билим бериў мектеплериниң 6-классында оқытылатуғын «Материклер ҳәм океанлар тәбийий география»сы курсында оқыўшылар ҳәр бир материктиң тәбият зоналары ҳаққында мағлыўматларға ийе болады. География сабақларында барлық материктиң тәбият зоналары бир қыйлы жоба тийкарында үйрениледи. Оқытыўшы мағлыўматларды баян еткенде ямаса сәўбетлескенде көргизбели қуралларға, карта ҳәм дәслепки билимлерине таянып жумыс алып барады. Себеби, география сабақларында 6-класс оқыўшыларын материклердиң тәбият зоналары ҳаққындағы жаңа билимлер менен таныстырмастан оларды пикирлеўге, активликке шақыра алмаймыз. Сонлықтанда, аўызеки методлар арқалы материклердиң тәбият зоналары ҳаққында тема мазмунына сәйкес жаңа билимлер бериледи. Оқыўшылар үйренилип атырған материктиң тәбият зонасындағы айрықша өсимлик ҳәм ҳайўанат дүньясы ўәкиллериниң сыртқы көринисин көз алдына келтире алыўы ҳәм олардың тийкарғы қәсийетлери ҳаққында билиўи керек. Оқытыўшы тәбият зонасының өсимлик ҳәм ҳайўанат дүньясын сол дәрежеде түсиндириўи керек, оқыўшылар сол жердиң тәбият зоналарын көз алдына келтире алыўы лазым [3, 242].

Материклердеги ҳәр бир зонаны үйрениў карта үстинде ислесиўден басланады: тәбият зонасының географиялық орны ҳәм шегераларын тәбийий яки тәбият зоналары картасынан табады. Соңынан оқыўшыларға бул зона қайсы климат поясларына тийисли екенлигин, онда қандай климат шараятлары болатуғынлығын дәслепки билимлерин еске түсириўди усыныс етеди. Буннан соң оқытыўшы зонаның өсимликлери ҳаққында айтып береди, өсимликлердиң типи, олардың өзине тән қәсийетлерин тәрийиплейди ҳәм ең тийкарғы өсимлик түрлериниң атларын атап көрсетеди. Оқытыўшы бар имканиятларынан келип шығып зоналардың сүўретлеринен пайдаланып олардың өсимликлери ҳаққында сыпатламалар берип кетсе болады. Оқытыўшы сораў-жуўап арқалы оқыўшылардың дықкатын айырым өсимликлердиң қәсийетлери ҳәм өсимликлери менен тәбият зонасының климат шараятлары ортасындағы өз-ара байланысты табыўға бағдарлайды. Соңынан зонаның ҳайўанат дүньясы ҳәм оның тийкарғы ўәкиллерин тәрийплеп берсе де болады.

Оқытыўшы тәбият зонасының өсимлик ҳәм ҳайўанат дүньясы менен таныстырып болғаннан соң оларға инсанлардың бүгинги күндеги тәсири ҳаққындағы айқын мысалларды келтирип өткени мақул. Буннан оқытыўшы материклердиң тәбият зоналарын бир-бири менен салыстырыў арқалы, өзине тән қәсийетлерин ашып беретуғынлығын көриўимиз мүмкин. Мысалы, тропикалық тоғайлар зонасын көрип шығатуғын болсақ оқытыўшы материалды баян етиў арқалы оқыўшыларға шәртли белгилерге қарап тәбият зоналары картасынан тропикалық тоғайлар зонасын табыўды ҳәм бул зона географиялық кеңликлердиң қайсы градусларында жайласқанлығын табыўды усыныс етеди [4.66]. Соңынан ығаллы тропикалық тоғайлар зонасы ыссы поясты яғный экватордың қасында саванналардың жанында жайласқанлығын табады. Оқытыўшы саванналар ушын тән болған еки мәўсимди оқыўшыларға еске түсириўин усыныс етип, ыссы поясты пүткил жыл даўамында бир қыйлы муғдарда жаўын-шашын түсетуғын басқа орынлардың да бар екенлигин түсиндирип береди. Ыссылық, жақтылық ҳәм ығаллық көп түсетуғын бул орынларда ығаллы тропикалық тоғайлар жайласқанлығын айтады. Соңынан тропикалық тоғайлар ҳәм олардың өсимликлер дүньясы ҳаққында баянлайды ҳәм сүўретлерин көрсетиў арқалы тропикалық тоғайлардың тийкарғы қәсийетлерин айтып бериўди усыныс етеди. (қалың тығыз өсимликлер, бәлент пальмалар, лианалар ҳ.т.б.). Оқытыўшы айырым өсимликлерге (какос пальмасы, банан, кофе тереги) қысқаша тәрийиплеў береди, айырымларының сүўретлерин көрсетеди. Тропикте өсетуғын өсимликлердиң өзине тән қәсийетлерин айтып бергенде, оқыўшыларға оның барлығы климат шараятына байланыслы екенлигин түсиндиреди. Тропикалық тоғайлардың ҳайўанат дүньясында тәриплеўде ең тийкарғы ҳайўан түрлериниң сүўретлерин көрип шығады.

Продуктивное чтение: беседуем и уточняем позицию автора.Авторы утверждают, что эта технология едина для всех учебных предметов, но специфика её реализации для уроков по различным дисциплинам и по возрастным группам учащихся, конечно же, есть. Вполной мере эта технология реализуется на уроках литературного чтения. Методика интеллектуального развития младших школьников на уроках русского языка (Г.А. Бакулина) позволяет активизировать работу учителя надформированием таких умений как найти и извлечь (информацию из текста), интегрировать и интерпретировать (сообщения текста). Данная методика придает традиционной системе обучения развивающую направленность и позволяет сделать процесс обучения более эффективным. Основными положениями методики являются:1) систематическое использование антиципации (т. е. опережающего отражения окружающей действительности) на всех или большинстве структурных этапов урока русского языка;2) целенаправленное развитие логического мышления учащихся;

3)повышение речевой активности школьников. Использование этих и других образовательных технологий и авторских методик должно стать средством, а не целью в работе учителя начальных классов. Творческое использование традиционной и инновационных методик обучения призвано заложить основу читательской грамотности учащихся.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бакулина Г.А. Интеллектуальное развитие младших школьников на уроках обучения грамоте. 1-4 класс /Пособие для учителя. — М. Владос, 2004. — 239 с. — (Библиотека учителя начальной школы).
2. Новый взгляд на грамотность. По результатам международного исследования PISA 2000. – М.: Логос, 2004.
3. Образовательная система «Школа 2100». Педагогика здравого смысла /под ред. А.А. Леонтьева. М.: Баласс, 2003. С. 35.
4. Шавердашвили Э. Работа с текстом и стратегии чтения на уроке иностранного языка. //Журнал «Масцавлебели», №4, 2013.
5. Хуторской, А. В. Ключевые компетенции как компонент личностноориентированного образования // Народное образование. – 2003. – №2.–С.58-64.
6. Цукерман Г.А. Ковалева Г.С.Кузнецова М.И. Хорошо ли читают российские школьники? // Вопросы образования , 2007, №4,с.240-266. Эльконин, Д.Б. Как учить детей читать/Д.Б. Эльконин. –М.:Знание, 2000.

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasidan foydalangan holda o'quvchilarning o'qish savodxonligini shakllantirish to'g'risida

Masharipova Sh.R. Xorazm viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish markazi

Rezyume. Maqolada "o'qish savodxonligi" tushunchasiga kiritilgan asosiy o'qish qobiliyatlari (PISA testiga muvofiq) muhokama qilinadi, o'quvchilarning o'qish savodxonligini shakllantirish uchun tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasidan foydalanish samaradorligi ko'rsatilgan.

Kalit so`zlar: o'qish savodxonligi, matn, ma'lumot, integratsiya, kompetentsiyaga asoslangan yondashuv, tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasi, samarali o'qish texnologiyasi

К вопросу о формировании читательской грамотности учащихся с использованием технологии развития критического мышления

Машарипова Ш.Р. Хорезмский областной Центр переподготовки и повышения квалификации работников народного образования

Резюме. В статье рассмотрены основные читательские умения, которые входят в понятие «читательская грамотность» (в соответствии с тестом PISA), показана эффективность использования технологии развития критического мышления для формирования читательской грамотности учащихся.

Ключевые слова: читательская грамотность, текст, информация, интеграция, компетентностный подход, технология развития критического мышления, технология продуктивного чтения

On the formation of students' reading literacy using technology for the development of critical thinking

Masharipova Sh.R. The Khorezm Regional Center for Retraining and Professional Development of Public Education Workers

Summary. The article examines the basic reading skills that are included in the concept of «reading literacy» (in accordance with the PISA test), shows the effectiveness of the use of technology for the development of critical thinking for the formation of reading literacy of students.

Key words: reading literacy, text, information, integration, competence-based approach, technology for the development of critical thinking, technology of productive reading

KVANT FIZIKASINI O‘QITISHDA MUSTAQIL ISHLARNI TASHKIL ETISH

Matjanov N.S.
Nukus davlat pedagogika instituti

Mamlakatimizda ta’lim tizimi sifatini oshirish borasidagi islohotlar, ta’lim muassasalarini zamonaviy o‘quv-laboratoriyalari bilan jihozlanishi, oliy ta’lim muassasalarining jahonning yetakchi ilmiy-ta’lim muassasalari bilan hamkorligi darajasini kengaytirilishi aniq va tabiiy fanlarni o‘qitish samaradorligini oshirish, atom ilm-fani va yadro texnologiyalarini rivojlantirish imkoniyatlarini yaratmoqda. Shu bilan bir qatorda fizikani o‘qitishda metodik tizimning amaliyot bilan bog‘liqliq darajasini kuchaytirish zaruriyati ko‘zga tashlanmoqda. Ta’lim tizimi oldidagi ustuvor vazifalardan biri «uzluksiz ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, yosh avlodning ijodiy va intellektual salohiyatini qo‘llab-quvvatlash va ro‘yobga chiqarishga sharoitlar yaratish bo‘yicha vazifalar doirasida uzluksiz ta’limning pedagogik va didaktik xususiyatlarini o‘rganish mazmuni, shakllantirish mexanizmlarini takomillashtirish» [1] dan iborat bo‘lib, bu borada fizika fanini o‘qitishda kvant tasavvurlarni shakllantirish va rivojlantirishning didaktik va metodik imkoniyatlarini oshirish, uning uslubiy ta’minotini takomillashtirish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Zamonaviy ijtimoiy o‘zgarishlarning talablari muvaffaqiyatli kasbiy faoliyatga tayyor bo‘lgan, egallagan kasbiy bilim, ko‘nikma va malakalarni doimiy ravishda yangilab borishga intiladigan kadrlarga ehtiyoj tug‘dirmoqda.Mutaxassislarni tayyorlashning hozirgi holati ta’lim sifatini oshirish, mustaqil ijodiy ishlarga tayyorlik, eng muhimi - bitiruvchilarni amaliy va kasbiy faoliyatga tayyorlashning samarali vositalari va usullarini izlash zarurligini taqozo etmoqda.Ushbu talablar bo‘lajak mutaxassisning kasbiy fazilatlarini shakllantirish va rivojlantirish bilan to‘liq bog‘liqdir.

Mamlakatimizda uzluksiz ta’lim tizimida fizikaning nazariy asoslarini shakllantirish va rivojlantirishning kontseptual asoslari O.Axmadjanov, M.Djoraev, M.Mamadazimov, M.Mirzahmedov, K.Nasriddinov, G.Samatov, Z.Sangirova, N.Turdiev, K.Tursinmetov, P.Xabibullaev, A.Xudoyberganov, S.Qahharov, M.Qurbanov, G‘.Hoshimov, zamonaviy axborot-kommunikatsiyalaridan foydalanish nazariy va metodik asoslari bo`yicha A.Abduqodirov, B.Abdullaeva, U.Begimqulov, I.Bilolov, R.Djuraev, X.Mahmudova, M.Mirzaeva, B.Sattarova, N.Taylaqov, G.Umarova va boshqalar tomonidan tadqiq etilgan. Mustaqil davlatlar hamdo‘stligi mamlakatlarida kvant fizikani o‘qitish muammolari N.Bloxina, B.Budniy, T.Volnistova, N.Gomulina, A.Glazunov, M.Dodonov, M.Elyashevich, V.Markov, A.Migdal, V.Multanovskiy, I.Nurminskiy, L.Ponomaryov, I.Savelev, L.Tarasov, A.Usova, L.Xapova, Yu.Yabloshevskaya va boshqalar tadqiqotlarida o‘z aksini topgan.

O‘zgarayotgan o‘quv maqsadlari asosida pedagogik texnologiya ham o‘zgarib bormoqda. Shunday qilib, "Umumiy fizika" fani to‘rtta masalani yechishga mo‘ljallangan: 1) ta’limiy - talabalarga tabiatni tavsiflashning eng muhim qonunlari va modellari to‘g‘risida mantiqiy tartiblangan bilimlarni berish; 2) rivojlantiruvchi - ushbu bilimlardan talabalarning nazariy fikrlashini shakllantirish, tabiat hodisalari va jarayonlarini tahlil qilish, atrofdagi olamga ongli yondashish; 3) amaliy - talabalarga kelajakdagi faoliyat uchun zarur bo‘lgan asosiy bilim, ko‘nikma va malakalarni berish; 4) tarbiyaviy - egallangan bilimlar asosida tabiiy-ilmiy dunyoqarashni shakllantirish, o‘rganish qobiliyatini va umuman mantiqiy fikrlash madaniyatini rivojlantirish.

Bizning fikrimizcha fizika o‘qitish jarayonida mustaqil ta’limni tashkil etishda quyidagilarga e`tibor berish kerak:

1. Talabalarga mavzu yuzasidan maqsadlarni belgilash. 2. Maqsadlarga erishish uchun axborotlar to‘plash: darsliklardan va fanga oid adabiyotlardan; internetdan; ilmiy va ommabop jurnallardan. 3. Mavzuni to‘la yoritib beradigan rejalar tuzish: rejalar asosida ma’lumotlar to‘plash; rejalar asosida faoliyat yuritish. 4. Reja va ko‘rgazmali qurollar yordamida nazariy ma’lumotlar berish. 5. Nazariy bilimlar asosida amaliy va laboratoriya ishlarini bajarish. 6. Chizmalarni, grafiklarni, jadvallarni va ko‘rgazmali qurollarni amaliyotda qo‘llash. 7. Bajargan ishini talabalarga qay darajada yetkaza olganligini baholash.

Belgilangan vazifalarni ishlab chiqish o‘quv jarayonida mustaqil ishlarni tashkil etish orqali amalga oshiriladi [2]. Oliy o‘quv yurtidagi mustaqil ish, olingan bilimlarni mustahkamlash, kengaytirish va chuqurlashtirish, yangi bilimlarni faol izlashga tayyorlashda o‘quv jarayonining muhim qismidir.Mustaqil ishning samaradorligi uni to‘g‘ri rejalashtirishga bog‘liq. Kafedra fanlari bo‘yicha mustaqil ish soatlari jadvali o‘quv muassasasi fanlarini o‘rganishning tarkibiy va mantiqiy sxemalarini hisobga olgan holda oliy ta’lim muassasalarida o‘quv bo‘limi tomonidan tuziladi. Mustaqil ish soatlari guruh, amaliy, seminar mashg‘ulotlaridan oldin rejalashtirilgan.Tabiatshunoslik fanlari tsiklining bir qismi bo‘lgan "Umumiy fizika" fanini o‘rganishda mustaqil ta’limning ahamiyati to‘g‘risida to‘xtalamiz. Fan bo‘yicha mustaqil ish talabalarda o‘quv adabiyotlarini mustaqil o‘rganish, amaliy va laboratoriya mashg‘ulotlariga tayyorgarlik ko‘nikmalarini shakllantirish maqsadida amalga oshirilishidan tashqari, unga fanning eng murakkab mavzularini o‘rganishda ham muhim o‘rin berilgan. Mustaqil ish soatlari davomida "Umumiy fizika" fanidan darslarga tayyorgarlik ko‘rish uchun talabalarga topshiriqlar beriladi.

Didaktik maqsadlari bo‘yicha ular quyidagicha: materialni o‘zlashtirish va mustahkamlashga qaratilgan vazifalar; malaka va ko‘nikmalarni rivojlantirishga hissa qo‘shadigan vazifalar; olingan bilimlarni amalda qo‘llashga qaratilgan vazifalar.Kognitiv faoliyatning namoyon bo‘lish darajasi nuqtai nazaridan yuqoridagi barcha turdagi vazifalar talabalar uchun reproduktiv va ijodiy bo‘lishi mumkin.Vazifalar o‘qituvchi tomonidan ishlab chiqiladi. Vazifalar mustaqil o‘rganishga taqdim etiladigan o‘quv savollarini o‘z ichiga oladi, javob berilishi kerak bo‘lgan savollar ro‘yxati keltiriladi, darsga tayyorgarlik ko‘rish uchun tashkiliy-uslubiy ko‘rsatmalar va tavsiyalar beriladi, asosiy va qo‘shimcha adabiyotlar ko‘rsatiladi. Odatda fizika o‘qituvchilari tomonidan ishlab chiqilgan darsliklar va uslubiy qo‘llanmalar asosiy adabiyot sifatida tavsiya etiladi [4].

Ratsional aqliy mehnat ko‘nikmalarini shakllantirish uchun birinchi navbatda talabalarga mustaqil ish uchun topshiriqlarni qanday bajarish va o‘quv materialini o‘zlashtirishda muvaffaqiyatga erishish yo‘llarini ko‘rsatish kerak. Mustaqil ishlash uchun topshiriqlarning maqbul miqdorini belgilash, har xil turdagi topshiriqlardan foydalanish muhim omil hisoblanadi.Misol tariqasida biz mustaqil ish uchun "Umumiy fizika" fanidan o‘quv dasturiga kiritilgan "Issiqlikdan nurlanish. Kvant optikasi asoslari» mavzusini mustaqil o‘rganishga taqdim etilgan mavzularning ta’limiy savollariga quyidagilar kiradi: mutlaq qora jism tushunchasi, to‘lqinlar va zarralar dualizmi. Javob beriladigan savollar ro‘yxati: issiqlik nurlanishining ta’rifi va xususiyatlari, mutlaqo qora jism modeli va namunalari, issiqlik nurlanish qonunlari (Stefan-Boltsman qonuni, Vin qonuni), Plank gipotezasi, energiya, fotonning massasi va impulsi, fotoeffekt, fotoeffekt qonunlari, fotoeffekt uchun Eynshteyn tenglamasi [3].Biz yorug‘likning zarralar oqimidan iborat (korpuskulyar nazariya) ekanligini tasdiqlovchi (geometrik optika) dalillarni Nyuton zamonidan bilamiz. Uni elektromagnit to‘lqinlardan iborat (to‘lqin nazariya) ekanligini tasdiqlovchi jarayonlar (interferentsiya, difraktsiya, qutblanish) bilan tanishganmiz. Bulardan tashqari, yorug‘likning korpuskulyar tabiatini tasdiqlovchi fotoeffekt, Kompton effekti hodisalarini o‘rganganmiz.

Yuqorida qayd etilgandek, yorug‘likning tabiati haqidagi masala fiziklar oldida turgan muammolardan biri edi. Bu muammo, ayniqsa, issiqlikdan nurlanishni o‘rganish jarayonida yaqqol namoyon bo‘ldi. Uni ochish yo‘lida muhim g‘oyani ilgari surgan nemis fizigi Maks Plank 1900 yilda «energiya faqat kichik portsiyalar, ya’ni kvantlar ko‘rinishida chiqariladi va yutiladi», degan fikrni bildirdi va uning asosida muammoni hal qildi. 1905 – yilda A.Eynshteyn, Plank g‘oyasiga asoslanib, fotoeffekt hodisasini nazariy jihatdan tushuntirib berdi va o‘z formulasini taklif qildi, bu esa, Plank g‘oyasining yanada rivojlanishiga olib keldi. Hozirgi kunda fotoeffektning fan va texnikadagi qo‘llanilishi alohida o‘rin tutadi. Yorug‘likning ikki xil xossaga ya’ni ham korpuskulyar, ham to‘lqin xossaga ega ekanligini umumlashtirib, Eynshteyn fizikaga «korpuskulyar-to‘lqin dualizmi» tushunchasini kiritdi, bunday ekanligi uning formulasidan yaqqol ko‘rinib turibdi.

Issiqlikdan nurlanish tabiatda eng ko‘p tarqalgan elektromagnit nurlanishdir. U temperaturasi 0 K dan farq qiladigan har qanday jismga xos bo‘lib, moddaning ichki energiyasi hisobiga amalga oshadi. Natijada, moddaning ichki energiyasi kamayadi, temperaturasi pasayadi, ya’ni soviydi. Jism uzoq vaqt nurlanib turishi uchun esa uning kamayayotgan energiyasini to‘ldirib turish kerak. Shuni ta’kidlash lozimki, jism nurlanish bilan bir vaqtda boshqa jismlar tomonidan chiqarilayotgan nurlanish energiyasini yutadi. Buning natijasida jismning ichki energiyasi ortadi, temperaturasi ko‘tariladi, ya’ni qiziydi. Demak, jism bir tomondan nurlanish energiyasini chiqarsa, ikkinchi tomondan yutadi. Natijada, ma’lum vaqt davomida jism chiqaradigan va yutadigan energiyaning tenglashuvi yuz beradi ya’ni uning temperaturasi o‘zgarmaydi. Bunday holatdagi nurlanishga muvozanatli nurlanish deyiladi. Sistemaning vaqt o‘tishi bilan termodinamik parametrlari o‘zgarmaydigan holati termodinamik muvozanat deyiladi, har qanday sistema muvozanat holatga o‘tishga intiladi. Statistik nuqtai nazardan muvozanat holat termodinamik ehtimolligi eng katta bo‘lgan holatdir. Agar tashqi sharoit o‘zgarmasa, termodinamik sistema o‘z-o‘zidan muvozanat holatdan chiqmaydi.

Shunday qilib, yorug‘likning to‘lqin va kvant xossalari bir birini rad qilmaydi, aksincha bir-birini to‘ldiradi. Ular yorug‘likning haqiqiy tarqalish qonuniyatini hamda modda bilan o‘zaro ta’sirlashini ifodalaydi. Yorug‘likning kvant xossalari shu bilan bog‘liqki, nurlanishning energiyasi, impul`si va massasi uning zarrasi bo‘lgan fotonda joylashgan. Fotonlarni fazoda topish ehtimolligi yorug‘likning to‘lqin xossalari ya’ni yorug‘lik to‘lqining amplitudasi orqali aniqlanadi. Shuni ta’kidlash lozimki, to‘lqin xossa fotonlar to‘plamigagina emas, balki alohida fotonga ham taalluqlidir. Fotonni aynan ekranni qaeriga tushishini aniq aytish mumkin emas, faqatgina uning tushish ehtimoli to‘g‘risida fikr yuritish mumkin. A.Xudaybergenov, K.Tursunmetovlar tadqiqotlarida fizika kursida atom tuzilishini o‘rganishda foydalanilgan o‘quv materiallari hamda fakultativ mashg‘ulotlarda foydalaniladigan o‘quv materiallari ham keltirilgan. Shunday bo‘lsada mikroobekt, mikroobekt holatlari, elektron bult kabi iboralar ishlatilmagan. Atom tuzilishini tushuntirishda ehtimollik tushunchalari hamda ularni shakllantirish yo‘llari berilmagan.Ushbu mavzu bo‘yicha ko‘rsatilgan adabiyotlar va ma’ruza yozuvlaridan foydalangan holda, o‘quv savollarining konspektini ishlab chiqish, shuningdek, kvant optikasining asosiy ta’riflari, formulalari va modellariga e'tibor berish tavsiya etiladi. Shunday qilib, mustaqil ish soatlari davomida talabalar tomonidan bajarilgan vazifalar talabalarda nazariy pozitsiyalarni maqsadga muvofiq singdirish va ularni muayyan muammolarni hal qilishda qo‘llash ko‘nikmalarini shakllantirishga imkon beradi.

Mustaqil ishni tashkil etish quyidagi tamoyillariga rioya qilishni ta’minlaydi: majburiyat, tizimlilik, rejalashtirish, faollik va maqsadga intilish. Mustaqil ishni tashkil qilishning hal qiluvchi omili vaqtdan oqilona foydalanishdir. Mustaqil ish soatlarini boshqa mashg‘ulotlar bilan almashtirish kerak emas, bu mustaqil ishni tashkil qilishda jiddiy kamchilik bo‘lib hisoblanadi.

«Umumiy fizika»dan tashkil etiladigan mustaqil ish asosiy turlari quyidagicha: - mashg‘ulot soatlari davomida: o‘qituvchi rahbarligida kvant fizikasi o‘quv materialini mustaqil o‘rganish; kun tartibida nazarda tutilgan mustaqil ta’lim o‘rganish soatlari davomida: ma’ruza matnlarini qayta ko‘rib chiqish, o‘quv materiallarini o‘zlashtirish va chuqur o‘rganish maqsadida o‘quv ishlari, o‘quv vazifalarini bajarish, kurs va malakaviy bitiruv ishlarini bajarish, bo‘lajak darslarga tayyorgarlik, ilmiy va uslubiy ishlarda qatnashish, o‘qituvchining ko‘rsatmasi yoki shaxsiy tashabbusi bilan yangi o‘quv materialini mustaqil o‘rganish. Ushbu mustaqil ish turi asosiy sifatida ishlatiladi.

Mustaqil ishning samaradorligi uning nazoratiga bog‘liq. Ta’lim jarayonini tartibga soluvchi hujjatlarga binoan mustaqil ishlarni nazorat qilish kafedra professor-o‘qituvchilari tomonidan amalga oshiriladi. Kafedra majlislarida o‘qituvchilar tomonidan mustaqil ishlarni nazorat qilish tahlili tinglanadi.Mustaqil ish aqliy mehnat madaniyatini rivojlantiradi va o‘qitishning yuqori natijalariga erishishning hal qiluvchi omili hisoblanadi. U tashkilotchilik, intizom, faollik, belgilangan maqsadga erishishda qat'iyatlilik kabi fazilatlarni rivojlantiradi va kognitiv ko‘nikmalarni shakllantirishda yetakchi rol o‘ynaydi, voqealar va hodisalarni tahlil qilish qobiliyatini rivojlantiradi, mustaqil

fikrlashga o‘rgatadi.Shunday qilib, dasturiy materialni muvaffaqiyatli o‘zlashtirish uchun mustaqil ish zarur. Amaliyot shuni ko‘rsatadiki, mustaqil ta’lim samaradorligi masalasi o‘qituvchilar rahbarligida mashg‘ulotlar yuqori sifatda tashkil etilgan taqdirdagina amalga oshiriladi.

ADABIYOTLAR

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. – Т., 2017. Б.37.
2. Горлач В.В., Иванов М.А., Пластинина М.В. Физика. Самостоятельная работа студента: учебное пособие. 2-е изд., испр. и доп. –М: Юрайт, 2017. – 168 с. URL: https://www/biblio-online.ru/book/DB31CB42-D3A6-4555-9807-36535DC15AC9
3. Матжанов Н.С. Вопросы методики преподавания квантовой физики в педагогических вузах // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. – Тошкент, 2018. №2. –Б. 63-66.
4. Самолин А.Н. Самоподготовка как условие обучения к профессиональной деятельности. –Иркутск, 2010. – 136 с.

Kvant fizikasini o‘qitishda mustaqil ishlarni tashkil etish
Matjanov N.S. Nukus davlat pedagogika instituti

Annotatsiya. Maqolada oliy ta’lim muassasalarida mustaqil ishlashni tashkil etish xususiyatlari, quyidagi tamoyillarga rioya qilishni ta’minlaydigan asosiy turlari, talablari ochib berilgan: majburiyat, tizimlilik, rejalashtirish, faollik va maqsadga intilish.

Kalit so‘zlar: mustaqil ish, talablar, talabalarning kasbiy tayyorgarligi, tashkil etish tamoyillari, ko‘nikmalar, kvant fizikasi.

Организация самостоятельной работы в преподавании квантовой физики
Матжанов Н.С. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье раскрываются особенности организации самостоятельной работы при изучении квантовой физики в вузе, основные виды, требования, предусматривающие соблюдение следующих принципов: обязательность, систематичность, плановость, активность и целеустремленность.

Ключевые слова: самостоятельная работа, требования, профессиональная подготовка студентов, принципы организации, навыки, квантовая физика

Organization of independent work in teaching Quantum Physics
Matjanov N.S. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article reveals the features of the organization of independent work at a university, the main types, requirements, providing for the observance of the following principles: obligation, systematiccharacter, planning, activity and purposefulness.

Key words: independent work, requirements, professional training of students, principles of organization, skills, quantum physics.

УДК: 378:371.035

QORAQALPOQ YOSHLARINING MILLIY IDENTIK XUSUSIYATLARI

Urazimbetov A. B.
Toshkent DPU tadqiqotchisi

Biz ta’lim va tarbiya tizimining barcha bo‘g‘inlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni o‘zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilamiz.Haqiqatan ham, hozirgi vaqtda yoshlar tarbiyasi biz uchun o‘z dolzarbiligi va ahamiyatini hesh qachon yo‘qotmaydigan masala bo‘lib qolmoqda.Bugungi tez o‘zgarayotgan dunyo insoniyat oldida, yoshlar oldida yangi-yangi, buyuk imkoniyatlar ochmoqda. Shu bilan birga, ularni ilgari ko‘rilmagan turli yovuz xavf-xatarlarga ham duchor qilmoqda. G‘arazli kuchlar sodda, g‘o‘r bolalarni o‘z ota-onasiga, o‘z yurtiga qarshi qayrab, ularning hayotiga, umriga zomin bo‘lmoqda.Bunday keskin va tahlikali sharoitida biz ota-onalar, ustoz-murabbiylar, jamoatchilik, mahalla-ko‘y bu masalada hushyorlik va ogohlikni yanada oshirishimiz kerak. Bolalarimizni birovlarning qo‘liga berib qo‘ymasdan, ularni o‘zimiz tarbiyalashimiz lozim. Bu vazifalarni amalga oshirishda biz asrlar mobaynida shakllangan milliy an’analarimizga, ajdodlarimizning boy merosiga tayanamiz . Globallashuvning yoshlarga bo‘lgan bunday buzg‘unchi mafkuraviy ta’sirini biz quyidagi jarayonlarda ham kuzatishimiz mumkin: yoshlarning ma’naviy-ahloqiy qiyofasida; yoshlarning mehnatga bo‘lgan munosabatida; yoshlarning identikligida; yoshlarni qadriyatlarga bo‘lgan munosabatida; yoshlarni islom dini ma’naviyatini bilmasligida; yoshlar ruhiyatidagi begonalashuvda; yoshlarning bo‘sh vaqtini o‘tkazishida.

Dunyo miqyosida ijtimoiy-gumanitar fanlar tizimida identiklik masalalarining psixologik, sotsiologik, antropologik, falsafiy va madaniy jihatlari ilmiy tadqiqotlarning obekti bo‘lib xizmat qilmoqda. Xalqaro doirada milliy munosabatlar, etnik identiklik masalalari bilan ko‘plab tadqiqot markaz va ilmiy-tekshirish institutlari shug‘ullanadilar.Milliy identiklikning xususiyati muayyan bir etnohuddiy makonda istiqomat qilayotgan xalq va elatlarda milliy mansublik va o‘zlikni anglashga bo‘lgan ehtiyojning yuksalishi bilan izohlanadi. Bunday ehtiyoj bugungi tarixiy taraqqiyot bosqichida adolatli davlat siyosati va jamiyat manfaatlari asosida tobora rivojlanib, takomillashib bormoqda. Chunki har bir xalqning milliy o‘zligini anglashi, uning milliy barqarorligini ta`minlaydigan omillardan biri sanaladi.

Ma’lumki, millatning identikligi avvalambor davlat va xalq manfaatlari bilan chambarchas bog‘liq «o‘zlikni anglash» tuyg‘usi asosida shakllanadi. Chunki o‘zlikni anglash orqali nafaqat milliy, etnik manfaatlarni, balki shu bilan birga, milliy jipslilikni vujudga keltiruvchi mental xususiyatlarni ham maqsadga yo‘naltirish mumkin. milliy identiklikning yana bir xususiyati – u millat xarakter iva mentalitetining ijtimoiy-ma’naviy jihatlarini anglashning asosi ham hisoblanadi. O‘zlikni anglash milliy identiklikning bir qismi hisoblanadi. Lekin ko‘plab tadqiqot ishlarida o‘zlikni anglash omili uzoq vaqtlargacha identiklik tushunchasiga qorishtirib yuborilardi. Aslini olganda milliy identiklik o‘zida

mentalitet va o‘zlikni anglash tushunchalarini mujassam etadi va millatning xarakterli xususiyatlarini belgilashda ularni bir-biridan ayri ko‘rish mumkin emas.

Identiklik – bu shaxsning mavjud sotsiumda turli madaniy xususiyatlarni o‘zida jamlaganligi va shuning asnosida o‘zining ma’lum sotsial birlikka tegishli ekanligini anglash, his etishidir [3, 69]. Ammo bugungi kunda globallashuv tufayli dunyoda shakllanayotgan yangi qadriyatlar bilan insoniyat orttirgan hayotiy tajriba o‘rtasidagi uzviylikning muayyan darajada buzilishi, turli xil tahdidlarning hozirgi holati jarayonida o‘zgarayotgan identiklik maxsus tadqiq etish zaruratini taqozo etmoqda.Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan «milliy o‘zligimizni anglash, Vatanimizning qadimiy va boy tarixini o‘rganish, bu borada ilmiy-tadqiqot ishlarini kuchaytirish, gumanitar soha olimlari faoliyatini har tomonlama qo‘llab-quvvatlash»ni [1] rag‘batlantirishga doir muhim vazifalar belgilandi. Shu bois ham milliy identiklik tizimining o‘zgarishiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar, ijtimoiy tuzilmalar evolyutsiyasini tizimli tadqiq etish, identiklik fenomeni va uning ijtimoiy xususiyatlari dinamikasi prognozini amalga oshirish alohida dolzarblik kasb etadi.

Zamonaviy ijtimoiy fanlarda «identiklik» tushunchasining bir nechta talqini mavjud. Ijtimoiy o‘zgarishlar jarayoniga identiklik fenomenining kuchli ta’sir etishi sababli mazkur muammoning sotsiologik xususiyatlarini uchta guruhga ajratib o‘rganish mumkin. Birinchi guruhga identiklikni sotsial fenomen sifatida tadqiq qilishga alohida e’tibor qaratuvchi olimlarning tadqiqotlarini kiritish mumkin. Jumladan, B.Anderson [2] identiklikni insonlar madaniy hayoti va turmush tarzidagi sotsial muammolar bilan uyg‘unlikda o‘rgangan bo‘lsalar, ikkinchi guruh E.Smit [8] identiklikni diniy e’tiqod bilan bog‘langan holda tahlil etganlar.Uchinchi guruh olimlari jahon xaritasida yangi mamlakatlarning paydo bo‘lishi va XXI asrda ham ushbu jarayonning davom etishi bilan bog‘liq ravishda dunyo aholisida etnik va diniy mansublik masalasining favqulodda dolzarb ahamiyatga ega bo‘lishini asoslovchi nazariy yondashuvni shakllantirdilar. Bu yondashuv o‘z negizida «nizolar ta’limoti» va «o‘zaro yordam ko‘rsatish» g‘oyasini mujassam etadi. P.Burde [4] esa identiklikning sotsial fenomen sifatida rivojlantirib «avlodlar muammosi»ni yechish negizidagi sotsiomadaniy kontekstda o‘rganish fikrini ilgari surgan.

Tadqiqotchi Sh.Madaeva milliy o‘zlik va mentalitet masalalarini o‘rganar ekan, o‘zining ilk tadqiqot ishlarida «milliy identifikatsiya» mavzusini ko‘taradi. Unga ko‘ra: «Milliy indentifikatsiya – bu istiqlol davrida yangi hayot tarzini boshlagan davlatlar faqatgina milliylik nuqtai nazaridan davlat qiziqishlarini ifoda etishini bildirmaydi. Odatdan tashqari jarayonga moslashish va saqlanib qolish uchun kurashish vaziyatida tarixiylik moddiy va ma’naviy qadriyatlar nuqtai nazaridan o‘z ildizlarini o‘zlikni anglash uchun barcha progressiv va iqtisodiy siljishlarga to‘sqin bo‘layotgan an`anaviy dunyoqarashga asoslangan milliy tafakkur tarkibidagi kamchiliklarni qaytadan mushohada qilish evaziga zamonaviy dunyo taraqqiyotiga integratsiyalashishdir» [5, 12]. Demak, milliy identiklikning negizida milliy g‘urur yotadi. Qoraqalpog‘iston sharoitida milliy identiklik xususiyatlari qoraqalpoq olimlari: S.Kamalov, J.Bazarbaev, B.Koshanov, Ya.Abdullaevalarning ilmiy asarlarida tarixiy, falsafiy, madaniyatshunoslik, shuningdek, fol`klor-etnografiya fanlari doirasida o‘rganilgan.Hozirgi vaqtga qadar qoraqalpoq yoshlarining milliy identiklik xususiyatlarini chuqur ilmiy asoslash imkoniyatini beradigan kompleks tadqiqotlar o‘tkazilmagan.

Identiklik atamasi ingliz tilidan (identity) olingan bo‘lib – «aynanlik», «mansublik» ma’nolarida qo‘llaniladi [6, 41-42]. Identiklik kichik sotsial guruhlar, sinflar, xududiy birliklar, etnik va milliy guruhlar, xalqlar, sotsial harakatlar, shuningdek, davlat va global miqyosda butun bir insoniyat bilan bog‘liq tushunchadir. Bunda inson sotsial munosabatlar tizimidagi madaniy subekt sifatida o‘zini idrok etadi, his etadi va baholaydi. Sotsiumda inson bir paytning o‘zida o‘zini bir necha sotsiomadaniy birlik va guruhlar bilan indentifikatsiyalashi mumkin [7, 15].

Bundan tashqari, ta’lim amaliyotida milliy identiklik tashkil etuvchi gumanistik qadriyatlarning soddalashtirilgan talqini keng tarqalgan (vatanparvarlik – bu mamlakatning buyuk yutuqlariga muhabbat va faxrlanish); ijtimoiy faoliyatni rivojlantiradigan tartibsiz ravishda o‘tkaziladigan fuqarolik-vatanparvarlik tadbirlari (yoshi kattalarga g‘amxo‘rlik qilish esda qolarli kunlar bilan cheklanadi, atrof-muhit tarbiyasi tashkiliy harakatlar orqali tarbiyalanadi va h.) ammo asosiysi, talabalarning milliy identikligini shakllantirish bo‘yicha aniq belgilangan umumiy g‘oya mavjud emas. Milliy identiklik jamiyat taraqqiyoti, iqtisodiy-siyosiy darajasi, ma’naviy kamolotida hal qiluvchi omildir. Milliy indetifikatsiyalashuv jarayonlarini tarixiy xotira bilan takomillashtirish, aholining fuqarolik pozitsiyasini takomillashtirish va afzallashtirishning ilmiy asoslarini ishlab chiqish mumkin.Har bir inson tabiati shunday tuzilganki, u yashash va oliy darajadagi yetuklikka erishmoq uchun ko‘p narsalarga muhtoj bo‘ladi. Inson bir o‘zi bularning barchasini qo‘lga kirita olmaydi va buning uchun unda muayyan jamoaga mansub bo‘lish ehtiyoji tug‘iladi. Inson o‘z ehtiyojlarini qondirish maqsadida o‘zi kabi insonlar bilan birlashishga intiladi. Insonning ijtimoiylashuvi sun`iy xarakter kasb etib, u shaxs sifatida boshqa insonlar o‘rtasidagina shakllana oladi. Agar u insoniy munosabatlardan holi bo‘lsa, o‘zidagi yovuzlik yoki hayvoniy tabiatdan xalos bo‘la olmaydi. Shu sabali o‘zga kishilarning ishtiroki va ko‘magi orqaligina odam o‘zi intilgan yetuklikka erishishi mumkin. Bunday jamoa a’zolarining faoliyati yaxlitlik kasb etadi.

Talabalarda milliy identiklik xususiyatlarini shakllantirishning zaruriyatini quyidagilar bilan belgilash mumkin:Birinchidan, har bir shaxs, har bir ijtimoiy guruh yoki toifa, har bir elat, millat va mintaqa xalqalari o‘z tabiati bilan yaratilgan. Demak, har birining o‘ziga xos ma’naviy olami mavjud. Bu ma’naviy olam esa ma’naviy-ruhiy qiyofa tarzida namoyon bo‘ladi. Ular doimo bir xil saqlanmaydi, zamon va makonda o‘zgarib, goh kamolot sari yuksalib, goh qashshoqlashib turadi. Shu ma’noda bugungi yoshlarimizning ma’naviy-ruhiy qiyofasidagi o‘zgarishlar mohiyatini anglash, bizga islohatlar davrida bir qancha mavhum bo‘lgan muammolar yechimini anglash imkonini beradi.Ikkinchidan, har bir xalqning indentiklik xususiyatlariga mos tarzda madaniyati, oilaviy va ijtimoiy munosabatlar tizimi, diniy e`tiqodga nisbatan munosabati va shu bilan bog‘liq harakatlari, kayfiyatlari, hozirgi davrda esa siyosiy jarayonlarga munosabatlari ham shakllanadi. Shu ma’noda, xalqimiz milliy xarakterdagi barcha o‘zgarishlar, hozirgi zamon bilan hamnafas bo‘lishi, shu bilan birga jahondagi globallashuv jarayonlarini ham hisobga olishi lozim. zero,

globallashuv millatlarning ma’naviy-ruhiy qiyofalariga salbiy ta’sir etmoqda. Lekin bu milliy ma’naviyat tevaragida to‘siqlash tiklash bilan amalga oshirilmasligi kerak. Buning uchun xalqimizning o‘zini o‘zi himoya qilishga qaratilgan milliy-ruhiy salohiyatini shakllantirish zarurdir. Buning uchun bugungi yoshlarimiz, xususan milliy identiklik xususiyatlarini takomillashtirishning strukturasi va funktsiyalarini chuqur tadqiq qilish zaruriyatini keltirib chiqarmoqda.Uchinchidan, talaba yoshlarning milliy indentiklik, ma’naviy-ruhiy qiyofasini yangilash borasida juda katta ishlar qilinayotgan hozirgi kunda birqancha muammolar ham borligini e’tiborga olish lozim. Zero, aholining ko‘p millatli ekanligi va har bir millat vakillari identikligining o‘ziga xos xususiyatlari mavjudligi, mahalliychilik, urug‘-aymoqchilik an‘analari hanuzgacha rivojlanishga ma’lum darajada salbiy ta’sir ko‘rsatib kelayotganligi va boshqalar bilan hisoblashish zarurligini unutmasligimiz zarur.To‘rtinchidan, hozirgi vaqtda yoshlar tarbiyasi biz uchun o‘z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo‘qotmaydigan masala bo‘lib qolmoqda. Bugungi tez o‘zgarayotgan dunyo insoniyat oldida, yoshlar oldida yangi-yangi, buyuk imkoniyatlar ochmoqda. Shu bilan birga, ularni ilgari ko‘rilmagan turli yovuz xavf-xatarlarga ham duchor qilmoqda.

Albatta, biz mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni egallagan, mustaqil hayotiy pozitsiyaga ega bo‘lgan yoshlarni tarbiyalash bo‘yicha katta ishlarni amalga oshirmoqdamiz. Ammo xolisona tan olib aytadigan bo‘lsak, bugungi kunda butun dunyoda aholining, birinchi navbatda, yoshlarning ongi va qalbini egallash uchun qanday keskin kurash borayotganini, diniy ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik, «ommaviy madaniyat» kabi tahdidlar kuchayotganini hisobga oladigan bo‘lsak, farzandlarimiz tarbiyasi, ma’naviy-ma’rifiy sohadagi ishlarimizni bir zum susaytirmasdan, aksincha, ularni yangi bosqichga ko‘tarishimiz zarur.Beshinchidan, taraqqiyotning hozirgi bosqichida inson omili jamiyatni harakatga keltiruvchi qudratli kuchga aylandi. «Ta’lim to‘g‘risida»gi qonunni samarali amalga oshirishda uzluksiz ta’limning yangi qirralari shakllanadi va mazmunan takomillashib bormoqda. Uning asosiy maqsadi individ, jamiyatni intellektual rivojlantirishga qaratilgan bo‘lib, uning ta’sirida shakllanadigan shaxsda ijtimoiy-siyosiy faoliyat, jamiyat yangilanishida faol ishtirok etish qobiliyati va madaniyatini tarkib toptirish nazarda tutiladi.

Xulosa qilib aytganda, qoraqalpoq yoshlari hayotida milliy madaniyat, an`analar, urf-odatlar, marosimlar, qadriyatlar muhim ahamiyat kasb etadi. Bu nafaqat turmush tarzi, balki insonning o‘z faoliyati davomida kirishishi mumkin bo‘lgan ijtimoiy tabiatga ega munosabatlarda ham namoyon bo‘ladi. Shu sababli avloddan avlodga meros qoldiriladigan ma’naviy va moddiy qadriyatlar chuqur o‘rganilishi va orttirib borilishiga, takomillashuviga alohida e’tibor qaratish lozim.

ADABIYOTLAR

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 28-12-2018. https://president.uz/uz/lists/view/228
2. Андерсон Б. Воображаемые сообщества. Размышление об истоках и распространение национализма. –М.: Канон-пресс. Ц. 2001.
3. Борневассер М. Социальная структура, индентификация и социальный контакт // Иностранная психология. -1993. –Т.1. -№1. –С.69.
4. Бурдье П. Социология социального пространства. –М.: Изд. «Алетейя», 2007. –С. 80-278.
5. Мадаева Ш.О. Миллий менталитет ва демократик тафаккур // Фалсафа ва ҳуқуқ институти наширёти. –Тошкент, 2007.
6. Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. –Тошкент: NOSHIR, 2015. –Б.41-42.
7. Шнейдер Л.Б. Профессиональная индентичность. –М.: МОСУ, 2001. –С.15.

Qoraqalpoq yoshlarining milliy identik xususiyatlari
Urazimbetov A.B. Toshkent DPU tadqiqotchisi

Rezyme. Maqolada qoraqalpog‘iston sharoitida milliy identiklik xususiyatlari haqida bayon etilgan. Shuning bilan birga, hozirgivaqtgaqadarqoraqalpoqyoshlariningmilliyidentiklikxususiyatlarinichuqurilmiyasoslashimkoniyatlaribo‘yichama’lumotlarberilgan.

Kalit so‘zlar: identiklik, milliy identiklik, fenomen, sotsial, jarayon, sotsiomadaniyat, milliy, dunyo.

Особенности национальной идентичности каракалпакской молодежи
Уразымбетов А. Ташкентский государственный педагогический университет

Резюме. В статье описаны особенности национальной идентичности в контексте Каракалпакстана. Вместе с тем предоставлена информация о возможностях глубокого научного обоснования особенностей национальной идентичности каракалпакской молодежи.

Ключевые слова: идентичность, национальная идентичность, феномен, социальное, процесс, социокультура, национальный, мир

Peculiarities of the national identity of the karakalpak youth
Urazymbetov A. Tashkent State Pedagogical University

Summary. The article describes the features of national identity in the context of Karakalpakstan. At the same time, there has been provided information on the possibilities of a deep scientific substantiation of the peculiarities of the national identity of the Karakalpak youth.

Key words: identity, national identity, phenomenon, social, process, socio-culture, national, world.

О РАЗВИТИИ ОДАРЕННОСТИ СТУДЕНТОВ

Тлеубаева Г. С.
Нукусский филиал ТУИТ

Значение математических методов в таких науках, как механика, физика или астрономия, хорошо известно. Также всем известно и то, что математика необходима в практической работе инженеров и техников.

Элементарныезнания по геометрии или умение пользоваться буквенными формулами необходимы почти каждому мастеру или квалифицированному рабочему. Но менее ясным для многих является вопрос о том, что значит иметь специальность математика и заниматься самой математикой в качестве основной профессии.

За последние годы в нашей стране проведены важные мероприятия, направленные на повышение квалификации преподавателей математики высших учебных заведений на привлечение в вузы большого числа молодежи, имеющей склонность к математике. В мерах дальнейшего развития математического образования «… углубленное изучение таких важных и востребованных дисциплин, как математика, физика, химия, биология, информатика и иностранный язык, определяется как» - приоритетная задача [1].Поэтому содействие выдвижению математически одаренной молодежи является из важных задач школьных математических кружков, математических олимпиад и других мероприятий по пропаганде математических знаний и распространению интереса к самостоятельным занятиям математикой. Не следует спешить с чрезмерно ранним созданием для отдельных молодых людей репутации математических «талантов». Но вовремя подтолкнуть советами или премированием на олимпиаде способных математиков в сторону выбора математики в качестве своей дальнейшей работы необходимо.

Математические олимпиады, на которых предлагаются трудные задачи и победителям выдаются похвальные грамоты, удаются там, где хорошо поставлена работа в кружках. Задачи, предлагаемые в кружках и на олимпиадах, иногда носят искусственный характер. В этом нет беды, если задачи подобраны так, что для их решения требуется серьезная работа мысли, похожая на ту, которая требуется от взрослого, самостоятельно работающего математика. Очень важно правильно распределить свои силы между твердым усвоением школьного курса, серьезным продумыванием наиболее существенных и трудных с идейной стороны узловых вопросов этого курса, тренировкой в решении задач конкурсного типа и развитием своих более самостоятельных интересов путем дополнительного чтения, участия в кружках и олимпиадах.Начиная обзор психологической и педагогической литературы по проблеме математических способностей, следует отметить, что, несмотря на наличие в этой области ряда очень ценных работ, о математических способностей еще не разработана с достаточной полнотой. У нас, в частности, нет четкого представления о сущности и структуре математических способностей, о возрастной динамике развития структуры, о различных типах структур.

Одаренность – это сочетание ряда способностей, обеспечивающие успешность выполнения определенной деятельности. Одаренность и талант многие авторы считают синонимами. В «Словаре иностранных слов» талант определятся как «выдающиеся врожденные качества, особые природные способности, одеренность» [2].Одаренность – это системное, развивающееся в течение жизни качество психики, которое определяет возможнсоть дрстижения человеком более высоких (необычных, незаурядных) результатов в одном или нескольких видах деятельности по сравнению с другими людьми.А.В.Либин различает одаренность, талант и гениальность. Вот что он пишет по этому поводу: «Наиболее разработанной представляется область дифференциально-психологического анализа феномена креативности, компонентами иерархической организации которого являются конструкты одаренности, таланта и гениальности».«Хотя все уровни триады «одаренность-талантливость-гениальность» имеют отношение как к способностям, так и индивидуальности в целом, - пишет А.В.Либин, - сложилась определеная тардиция в изучении каждого из компонентов» [3, 137].Одной из наиболее известных теорий одаренности представлена американским ученным в концепции человеческого потенциала Дж.Рензулли, разработанная американским ученным, где одаренность – это сочетание основных трех характеристик: интеллектуальные способности (выше среднего уровня); настойчивость (ориентированная на задачу; мотивация); креативность [4, 214; 241]

В данной теоретической модели учтены знания и благоприятная окружающая среда, где контингент одаренных детей может быть значительно шире, чем при идентификации по тестам интеллекта, креативности или достижений. К категории одаренных детей относят тех кто проявил высокие показатели хотя бы по одному из параметров.С.С.Савеншева выявила, что у учащихся математической специализации высокой уровень интеллекта и средневысокий уровень креативности, у учащихся естественной специализации – средний уровень развития интеллекта с преобладанием невербального компонента и средневысокий уровень креативности, у учащихся гуманитарной специализации – средний интеллект с преобладанием вербального компоента и средненизкая креативность [5, 408-410]. Ч.Спирмен занимался проблемами профессиональных способностей (математических, литературных и др.). При обработке данных тестирования он обнаружил, что результаты выполнения многих тестов, направленных на диагностику особенностей мышления, памяти, внимания, восприятия, тесно связаны: как правило, лица, успешно выполняющие тесты на мышление, столь же успешно справлются и с тестами на прочие познавательные способности, и наоборот, испытуемые, показывающие низкий результат, плохо справляются с большинством тестов [6, 137].

Умственные способности человека называются общими. В самом деле, свойства ума проявляются очень широко, в различных видах деятельности (всюду требуются, например, внимание, а также сравнение, анализ, планирование и т.д.), в этом смысле они являются общими, т.е. общими для самых разных занятий. Но является ли ум чем-то единым: умный человек – одинаково умный во всем же умный в одном может быть неумным в другом? Дело в том, что умственные способности у одного и того же лица могут иметь вполне определенные характеристики, проявляющиеся очень широко, и одновременно – на таком фоне – и некоторые характеристики в более узкой сфере, имеющие более частное значение; при общие и специальные моменты неразрывно связаны между собой.

В настоящие время различают несколько видов одаренности: общая интеллектуальная; специфическая академическая; творческая: художественное и испольнительское искусство; психомоторная; лидерская; социальная.Бытует миф таланта от рождения с иным подтекстом: все рождаются талантливыми, но не все ими становятся. Все хорошее –от рождения, все плохое – от общества и прежде всего от образования и воспитания. Большинство людей имеютисторию, и эта история состоит в том, какон сам или его окружение закопали талант. Наоборот, жизнь замечательных людей – это история того, как удалось спастись от разрушающего воздействия общества, найти свое предназначение, остаться самим собой. Стратегия формирования кропуса талантов проста: спасти и защитить. У гениев все не как у обычных людей – условия рождения, воспитания, поведения, характера, странный образ жизни; замкнутость, у некоторых – пристрастие к алкогою и т.д.

Например, Рене Декарт не любил учиться, и в 17 лет его увлекали лишь верховая езда да фихтование, карты … Это пустой дворянчик, заподозрить в котором одного из прозорливейших людей в истории человечества невозможно. Но вдруг Декрат тайком от родственников снимает тихий домик в Сен-Жерменском предместье Парижа, запирается в нем и начинает изучать математику. Он словно приговаривает себя к двум годам каторжных математических трудов.

Одно из наиболее интересных исследований структуры математической одаренности провели В.Хаер и Т.Циген. авторы прежде всего выделили четыре основных сложных компонента, составляющие «ядро» математического мышления. Дальше они попытались каждый из этих компонентов разложить на более простые составляющие. Получилась такая схема:1) Пространственный компонент.а) Понимание пространственных фигур, образов и их комплексов (синтезов, гештальтов).б) Память на пространственные образы (пространственные представления).в) Пространственные абстракции (умение видеть у пространственных объектов общие признаки).г) Пространственное комбинирование (понимание и самостоятельные нахождение связей и отношений пространственных объектов).2) Логический компонент.а) Образование понятий и понятийных абстракций.б) Понимание, запоминание и самостоятельное нахождение общих понятийных связей.в) Понимание, запоминание и самостоятельное выведение заключений и доказательств по правилам формальной логики.3) Числовой компонент.а) Образование числовых представлений.б) Память на числа, числовые решения.4) Символический компонент.а) Понимание символов.б) Запоминание символов.в) Операции с символами [7, 53-54].

В заключении можно сказать, движущая сила человечества – это творческие личности. Выявление таких личностей является насущной задачей психологии, как и разработка теоретических основ творчества. И, несмотря на то, что проведено огромное количество исследований в области психологии творчества, нет целостной его концепции, отвечающей запросам философской, психологической и педагогической мысли. Не разработаны вопросы об источниках творчества, взаимосвязи личности и одаренности, нет единого представления о понятии творческого потенциала личности и условиях творческой самореализации. Тем не менее изучение вопросов структуры одаренности имеет очень большое значение как для теории психологии, так и для решения конкретных педагогических задач современного образования.

ЛИТЕРАТУРА

1. Указ Президент Республики Узбекистан подписал «О государственной поддержке дальнейшего развития математического образования и науки» 9 июля 2019 года, а также Постанавление Правительства Республики Узбекистан № 4387 «О коренном совершенствовании деятельности Института математики имени Романовского». Национальная база данных законодательных актов Республики Узбекистан, 2019 год, выпуск 07/19/4387/.
2. Словарь иностранных слов. –М., 1983.
3. Либин А.В. Дифференциальная психология: на пересечении европейских, российских и американских традиций. –М., 2000.
4. Рензулли Дж. Модель обогащающего школьного обучения: практическая программа стимулирования одаренных детей / Дж. Рензулли // Основные современные концепции творчества и одаренности. –М.: Молодая гвардия, 1997.
5. Савеншыева С.С. Индивидуально-типические особенности интеллекта одаренных подростков // Ананьевские чтения, 2001: Тезисы нацчно-практической конференции.– СПб., 2001.
6. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. –Питер: СПб, 2009.
7. Крутецкий В.А. Психология математических способностей школьников / Под редакцией Н.И.Чуприковой. –Москва: Институт практической психологии; -Воронеж: НПО «МОДЭК», 1998.

Талабалар қобилиятини ривожлантириш ҳақида

Тлеубаева Г.С. Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Нукус

Резюме. Мақолада ўқувчилар орасида математикага қобилиятли ёшларни аниқлаш ва уларни турли хил математик тўгарак ва олимпиядаларга жалб қилиш орқали ўларнинг билимини ошириш тўғрисида фикрлар юритилган ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича ҳэм давлатимиз томонидан олиб борилган бир қанча чора-тадбирлар ҳақида айтиб ўтилган. Ҳозирги даврдаги матемаитк иқтидорнинг бир қанча кўринишлари ва уларни ривожлантирувчи шарт-шароитлар ҳақида батафсил баён қилинган.

О развитии одаренных студентов

Тлеубаева Г.С. Нукусский филиал ТУИТ имени Мухаммеда аль-Харезмий

Резюме: В статье рассматриваются способы улучшения знаний учащихся путем выявления талантливых молодых людей по математике и привлечения их в различные математические клубы и олимпиады, а также ряд мер, принятых государством для повышения квалификации учителей. Подробно описаны несколько проявлений современных математических способностей и условий, в которых они развиваются.

Ключевые слова: одаренные студенты, математические клубы, олимпиады, повышение квалификации учителей, математические способности

On development of gifted students

Tleubaeva G.S.Nukus Branch of TUIT named after Mokhammed al-Khorezmiy

Summary: This article discusses the ways to improve the knowledge of students by identifying talented young people in mathematics and involving them in various math clubs and Olympiads, as well as a number of measures taken by the state to improve the skills of teachers. Several manifestations of modern mathematical ability and the conditions under which they are developed are described in detail.

Key words: gifted students, math clubs, Olympiads, improving the skills of teachers, mathematical ability

---

НОЮРИДИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Турсунов Ф. Ғ.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Ноюридик олий таълим муасасаларида ҳуқуқий таълим жараёнини ислоҳ қилиш, таълим муассасалари ўртасидаги узвийлик ва алоқадорликни ривожлантиради. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси»[1]да ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим асосларини тарғиб қилиш, ёшларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини ўргатишга қаратилган «Street law» («Кўча ҳуқуқи» – «Оддий ҳуқуқ») лойиҳасини кенг жорий қилиш, таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари орасида ҳуқуқ фанидан республика миқёсида қуйидаги танловларни ташкил қилиш ва ўтказишга қаратилган педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг механизмлари кўрсатиб берилган.


«Назария» атамаси (юнон. «кўриб чиқиш», «тадқиқ қилиш») «айрим ҳодисалар мажмуини ва тегишли соҳада ягона бирлаштирувчи асосга олиб борадиган қонуний алоқаларни тавсифловчи, тушунтирувчи таъминловчи таълимот, илмий билимлар тизими. У тадқиқ этилаётган ҳодисанинг зарур томонлари, алоқалари, моҳияти ва қонуниятлари тўғрисида янада чуқурроқ ва тизимли билимларни тақдим этади»[3]. Назарияда одатда муайян соҳа, воқелик, ҳодиса ёки жараёнга оид қарашлар, етакчи ғоялар, уларнинг намоён бўлиш қонуниятлари, қонунлари, устувор тамойиллари, муҳим илмий фаразлар ўз аксини топади. Ўз моҳиятига кўра «назария» тушунчаси «фан» маъносини ҳам англатади. «Амалиёт» тушунчасининг ўзагини «амал» сўзи ташкил этади. Форс тилидан таржима қилинганда «амал» тушунчаси «иш», «ҳаракат» [4,77] маъноларини англатади. «Амалиёт» атамасининг ўзи эса араб тилида «иш (ҳаракат)лар», «иш (ҳаракат)лар мажмуи» мазмунини ифодалашга хизмат қилади. Демак, назария онгда кечаётган фикр, ғоя, қарашларни ифодаласа, амалиёт эса улар асосида амалий хатти-ҳаракатларнинг ташкил этилишини билдиради. Демак, назария ва амалиёт бир-бирини тақозо этади, тўлдиради.

Юқорида билдирилган фикрга кўра, «ҳуқуқий таълим назарияси ва амалиёти» тушунчаси негизида «ҳуқуқий таълимнинг асосий ғоялари, етакчи қарашлари, уларнинг намоён бўлиш қонуниятлари, қонунлари, устувор тамойиллари, муҳим илмий фаразларига таянган ҳолда ҳуқуқий мазмунга эга муносабатларнинг амалий жиҳатдан ташкил этилиши» ёки «ҳуқуқий таълимнинг асосий ғоялари, етакчи қарашлари, уларнинг намоён бўлиш қонуниятлари, қонунлари, устувор тамойиллари, муҳим илмий фаразларига таянган ҳолда ҳуқуқий мазмунга эга муносабатларнинг амалий жиҳатдан ташкил этилиши масалаларини ёритишга хизмат қилувчи фан» деган мазмунни акс эттиради. Юқорида айтиб ўтилганидек, ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва амалиётини такомиллаштириш муаммосини тадқиқ этишда «методика» ва «ўқитиш методикаси» тушунчалари ҳам фаол қўлланилади.

«Методика» тушунчасини ҳам шарҳлашда қатъий тўхтамга келинган эмас. Буни тушунчага берилган бир неча изоҳлар мисолида кўриш мумкин: методика – «1) ўқитиш методлари тўғрисидаги фан; 2) нимадир ўқитиш, ниманидир амалий бажаришга хизмат қилувчи методлар тўплами»; 1) қандайдир ҳодисани самарали тадқиқ этиш учун қўлланиладиган методлар ва усуллар мажмуи; 2) тадқиқотнинг алоҳида хусусий метод ва усуллари, масалан, Бендикс методи»; «бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуи» [2, 311]. Дарҳақиқат, методика – тегишли соҳада, муайян иш-ҳаракатни бажаришда ёки тадқиқотни олиб боришда қўлланиладиган метод, усул ва восита мажмуидан иборат.

Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш назарияси ва методикасини такомиллаштириш қуйидаги йўналишларининг бири ёки барчаси бўйича яхлит ҳолда амалга оширилади: 1) ҳуқуқ фанларини ўқитиш сифатини яхшилаш, самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш асосида ҳуқуқий таълим концепциясини мазмунан янгилаш; 2) ҳуқуқ фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларни замонавий ёндашувларга асосланган шаклларда ташкил этиш;3) ҳуқуқ фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга хизмат қилувчи инновацион методлардан фойдаланиш; 4) ҳуқуқ фанлари бўйича ўқув машғулотларини таълимнинг замонавий воситалари ёрдамида ташкил этиш; 5) ҳуқуқ фанларини ўқитиш жараёнига шахсга йўналтирилган таълим технологияларини татбиқ этиш;6) ҳуқуқ таълими мақсадининг натижаланганлигини ташхислашда замонавий метод, восита ва технологияларни қўллаш; 7) глобал ахборотлашув ҳамда инновацион таълим муҳити шароитида мавжуд эҳтиёж, ижтимоий зарурият тақозосига кўра ўқув дастурини янгилаш.

Ноюридик олий таълим муассасаларида «Ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси» эса ўқув фани сифатида қуйидаги функционал хусусиятларини намоён қилади (1-расм):



1-расм. Ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси ўқув фанининг функционал хусусиятлари

1. Ҳуқуқий-методологик. Бунда асосий эътибор ҳуқуқ таълими мазмунини шакллантиришда аҳамиятли бўлган ДТС, ўқув дастурининг ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги, ҳуқуқ таълими учун ажратилган вақтнинг мавзулар қамрови, касбий-ҳуқуқий билимларнинг мураккаблик даражасига мувофиқ бўлишига қаратилади. Ҳуқуқ таълими мазмунини шакллантиришда давлат, ҳуқуқ, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, оила, мулк ва оилавий ҳамда мулкий муносабатлар, фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий нигилизм, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ меъёрларига доир тушунча ва билимларнинг эволюцион ривожланиши асос бўлиб хизмат қилади. ***2. Ташкилий-амалий.*** Ҳуқуқ фанларини ўқитиш жараёнини ташкил этишгаимкон берувчи моддий-техник асос (ўқув биноси, ўқув хоналари, техник жиҳозлар, зарур ўқув воситалари)нинг мавжудлиги, унинг сифатли таълим хизматини кўрсатишга имкон бериши, ўқув жараёнини замонавий техника, ахборот-коммуникацион технологиялар билан таъминланганлиги ҳуқуқ фанларини ўқитишнинг ташкилий-амалий жиҳатини ёритади.***3. Ижтимоий-фалсафий.*** Миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар, қонунчилик асослари, уларни шаклланиши ҳамда ривожланишининг тарихий босқичлари, ҳуқуқий таълимнинг мумтоз ва замонавий моделлари, қонун ва ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларнинг жамият ҳаёти ва шахс фаолиятидаги ўрни, роли, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятига доир билимлар, ўқув материаллари мазмунининг талабалар томонидан пухта ўзлаштирилиши уларнинг дунёқарашини бойитади, ҳуқуқий жамиятни барпо этишга ўз ҳиссасини қўшиш, бу жараёнда шахсан фаол иштирок этишга рағбатлантиради.

4. Таълимий-методик. Ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашда таълим жараёнини методик жиҳатдан такомиллаштирилиши, талабаларга илмий билимларни беришда ижтимоий ўзгаришларга уйғун ҳолда замонавий ёндашув, илғор тамойиллар, ноанъанавий шакл, метод, восита ҳамда технологиялардан фойдаланиш кутилган натижага эришишни кафолатлайди. Бинобарин, ўқув материали назарий жиҳатдан қанчалик пухта асосланган бўлса-да, унинг талабаларга самарали етказиб берилиши ўқитиш методикаси (шакл, метод, восита, технологиялардан иборат мажмуа)нинг тўғри, оқилона шакллантирилишини тақозо этади. Ҳуқуқ таълими методикасининг пухта шакллантирилиши педагогнинг замонавий дидактик таълимотлар - бихевористик таълимот, шахсга йўналтирилган (муаммоли, табақалаштирилган, индивидуал, лойиҳа, масофавий, компьютьер, дастурий, интерфаол, ҳамкорлик, инновацион, мустақил ва ривожлантирувчи таълим, ўйин технологиялари), коорпоратив, кредит ҳамда инклюзив таълим асослари, ўқитиш жараёнини ташкилий, методик, воситавий, технологик нуқтаи назардан самарали уюштирилиши, педагогик касбий педагогик компетентлик сифатларига эга бўлишига боғлиқ.***5. Тарбиявий (маънавий-ахлоқий).*** Функционал нуқтаи назардан «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналишида ҳуқуқий таълимни ташкил этишнинг яна бир муҳим жиҳати – ўқитиш жараёнида талабаларга берилаётган назарий ва амалий билимларнинг уларда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашдаги роли, ҳиссаси билан белгиланади. Ҳуқуқий таълим мазмуни, унинг устувор концептуал тамойиллари, етакчи ғоялари, дидактик ҳамда тарбиявий имкониятлари талабаларда давлат ва жамият бошқарув тизими, бошқаришнинг ҳуқуқий-демократик асослари, ўзининг ҳамда фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатлари, шахс сифатидаги қадр-қиммати, ор-номуси, шаънини ҳимоя қилиш, қонунсизлик, ҳуқуқбузарлик, жиноий хатти-ҳаракатлар, хусусан, жамиятни таназзулга олиб борувчи ижтимоий ҳодиса – коррупцияга, ҳуқуқий нигилизмга қарши муросасизлик, миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар, қонунчилик асослари, ижтимоий-ҳуқуқий талабларга ҳурмат кўрсатиш, қонун бузилишлари, ижтимоий адолатсизлик, зўравонлик, жиноятчилик, халқаро террор, «Одам савдоси», урушларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашишда фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш каби сифатларга эга бўлишини таъминлайди. ***6. Ижодий-рефлексив (ривожлантирувчи).***»Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналишида ташкил этиладиган ҳуқуқий таълимнинг яна бир функционал вазифаси – талабаларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг мустақил, ижодий, танқидий тафаккурга эга бўлишини таъминлаш. Талабаларни ўқув материали билан таништиришда муаммоли, интерфаол, ривожлантирувчи, лойиҳа ҳамда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси ўқув фанининг ижодий-рефлексив (ривожлантирувчи) характерга эгалигини англатади. Агарда ижодийлик талабаларни ўрганилаётган масала (муаммо)ни таҳлил қилишда унинг ечими бўйича ўз таклифини эркин баён этиш, асослаш, шахсий қарашларни ҳимоя қилиш, ўзига хос ечимни таклиф қилишга рағбатлантирилишини ифодаласа, рефлексивлик ўз ечимларини, шунингдек, мавжуд билим, малака, компетентлик сифатлари ҳамда ҳуқуқий маданиятга эгалик даражасини мустақил баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш асосида касбий-ҳуқуқий фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш англатади.***7. Концептуал-назарий (башоратловчи).*** Глобал ва инновацион ўзгаришлар, таълимий ислоҳотлар, янгиланаётган ижтимоий-

ҳуқуқий қарашлар, касбий компетентликка қўйилаётган талаблар, талабаларнинг касбий-ҳуқуқий билим, малака, касбий компетентлик сифатларининг мавжуд даражаси изчил равишда «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналишида ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Ўқув фанининг мазкур характери ҳуқуқий таълим асосларини миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар, юридик билимларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, бўлажак мутахассис сифатида талабаларнинг касбий-ҳуқуқий компетентликка эга бўлишини таъминлаш, уларда касбий-ҳуқуқий масалаларда вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш, мустақил равишда қарорлар қабул қилиш, қабул қилинаётган қарорни мақсадга мувофиқлик, қонун талабларига мослик, амалий қийматга эгалик мезонлари бўйича таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятларини ривожлантиришда янги йўналишларни белгилаш, ўзига хос ёндашувлардан фойдаланишни тақозо қилади.

Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:1. Ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ўз-ўзидан (стихияли), ихтиёрий ташкил этилмайди, балки жамиятнинг малакали кадрларга, шахснинг сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб амалга оширилади. 2. Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш жамиятнинг таълим тизимини ривожлантириш стратегиялари («Олий таълим – 2030») билан боғлиқ ҳолда кечади.3. Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш амалиёти олий таълим тизимини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг муайян қисми бўлиши зарур.4. Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни динамик, концептуал характерга эга бўлиши зарур.

Шундай қилиб, глобал ахборотлашув ҳамда инновацион таълим муҳитининг шаклланиши ўз навбатида илм-фан, техника, технология ва ишлаб чиқариш соҳаларида рўй бераётган инқилобий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ўқитиш тизимини такомиллаштириш заруриятини кун тартибига олиб чиқди. Зеро, барча даврларда ҳам малакали кадрларни тайёрлаш тегишли соҳаларнинг жамият ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига мослиги ҳисобига эришилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси // www.lex.uz.
2. Педагогика фанидан изоҳли луғат / Ж.Ҳасанбоев ва бошқа. – Т.: «Fan va texnologiyalar» нашриёти, 2009. – 311-б.
3. Формы проведения лекций // http://me.hse.ru/ knowledgebase/2018/ 04/19/формы-проведения-лекций.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А – Д / Биринчи жилд. 5 жилдли. А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва бошқалар. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 77.

Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштириш

Турсунов Ф. Ғ. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Резюме. Мақолада ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштириш масаласи илмий ва педагогик жиҳатдан таҳлил қилинган.Мақола педагогик тажрибани умумлаштиришга асосланади. Унда узлуксиз таълим тизимида таълим технологияларидаги мумкин бўлган ўзгаришларни таҳлил қилиш назарда тутилган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий билимлар, таълим технологиялари, интерфаол таълим, ҳуқуқий таълим тизими.

Совершенствование теории и методики правового образования в неюридических высших образовательных учреждениях

Турсунов Ф.Г. Узбекский государственный институт искусства и культуры

Резюме. В статье с научно-педагогической точки зрения анализируется проблема совершенствования теории и методики юридического образования в неюридических вузах. Статья основана на обобщении педагогического опыта. Предусматривается анализ возможных изменений в образовательных технологиях в системе непрерывного образования.

Ключевые слова: правовые знания, образовательные технологии, интерактивное обучение, система правового просвещения

The improvement of theory and methodology of legal education in non-legal higher education institutions

Tursunov F.G. Uzbek State Institute of Art and Culture

Summary. The article analyzes the issue of improving the theory and methodology of legal education in non-legal higher education institutions from a scientific and pedagogical point of view.The article is based on the generalization of pedagogical experience. It envisages an analysis of possible changes in education technologies in the continuing education system.

Key words: legal knowledge, educational technology, interactive learning, legal education system

---

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СКОРОСТНО-СИЛОВОЙ ПОДГОТОВКИ ДЗЮДОИСТОВ С ПОМОЩЬЮ МЕТОДА КРУГОВОЙ ТРЕНИРОВКИ

Тангриев А.Ж.

УзГУФКС

Важность скоростно-силовой подготовки для квалифицированных дзюдоистов не вызывает сомнений, так как дальнейший рост уровня техника-тактического мастерства базируется на высоком потенциале их физической подготовленности. В исследованиях различных авторов [3,4,6] указывается, что повышение уровня общефизической и специальной скоростно-силовой подготовленности спортсменов происходит за счёт средств самой борьбы, то есть применения большого количества разнообразных тренировочных заданий в процессе технико-тактической подготовки. Но, используя только эти средства подготовки, невозможно целенаправленно развивать именно те физические качества, которые позволяют дзюдоисту ускорит процесс освоения новых технических действий. В данном случае, если не применять концентрированной углубленной тренировки скоростно-силовой направленности, то в процессе совершенствования технико-тактического мастерства спортсменов не произойдет значительного повышения уровня развития скоростно-

силовых качеств (2). Целенаправленное использование средств скоростно-силовой подготовки с учетом специфики соревновательной деятельности спортсмена является одним из необходимых условий построения тренировочного процесса квалифицированных дзюдоистов. Отсутствие научно обоснованных рекомендаций по целенаправленному совершенствованию указанных способностей дзюдоистов определяет **актуальность** настоящего исследования.

Цель работы - совершенствование средств и методов скоростно-силовой подготовки квалифицированных дзюдоистов с помощью метода круговой тренировки. Одной из рациональных форм организации спортивной подготовки является круговая тренировка. Она дает возможность характер деятельности при выполнении подготовительных упражнений к режимам работы, свойственным соревновательным, создавая тем самым благоприятные условия для переноса тренированности [1,5,7].

Характеризуя круговую тренировки, применяющуюся на этапе базовой подготовки, следует отметить, что направленность используемых упражнений была идентичной соревновательной деятельности. Известно, что эффект тренировочной нагрузки будет больше, если выше ее интенсивность и длительность. Отсюда следует, что при развитии скоростно-силовых качеств необходимо стремиться к повышению нагрузки до максимальной с одновременным увеличением длительности ее воздействия, ориентируясь на условия соревновательной деятельности. В связи с этим в круговой тренировке использовались только восемь станций (упражнений). Длительность работы на каждой станции составляла почти одну минуту. На выполнение упражнений отводилось 40 секунд, оставшееся же время спортсмен использовал для отдыха и перехода к другому упражнению (станции). Соответственно время работы на восьми станциях составляло столькоже, сколько длится общее время схватки в дзюдо. Здесь придерживались принципа соответствия тренировочных условий соревновательным. Этот принцип имеет наибольшее значение в скоростно-силовых видах спорта и в первую очередь – в процессе подготовки квалифицированных спортсменов.

Экспериментально доказано, что длительное повторение изучаемого приема в борьбе приводит к стойкому закреплению относительно замедленных движений, предельных усилий в соревновательных условиях. В связи с этим рационально расчленить сложное упражнение на относительно простые составные части и совершенствовать эти элементы на максимальных скоростях и усилиях. Если исходить из представлений о структурности движений, необходимо признать, что целостность системы движения не может развиваться без дифференциации ее частей. Следовательно, на уровне высшего спортивного мастерства развитие целостности обеспечивается одновременной отработкой деталей, где методу избирательного выбора средств скоростно-силовой подготовки отводится одна из ведущих ролей.

При выборе упражнений были выбраны только такие, с помощью которых можно было бы воздействовать на структуру элемента (в этом плане само соревновательное действие предпочтительней всяких упражнений) и на те механизмы, которые обеспечивают устойчивый прогресс технической и скоростно-силовой подготовленности дзюдоиста.

Примером здесь могут быть упражнения с отягощениями, которые использовались в круговой тренировке. Прежде всего: лазание по канату (без помощи ног), прыжки в «глубину» с высоты 50-60 см по возможности с последующим вращением на 180˚ и 360˚, жим штанге лежа, сгибание-разгибание туловища лежа лицом вниз на «гимнастическом столе», ноги закреплены, из исходного положения стоя, захватив двумя руками один конец грифа штанге, перемещать ее в левую и правую стороны, поднимание и опускание туловища лежа на скамейке с поворотом на 90˚ (ноги закреплены, скамейка находится под углом 45˚), из исходного положения лежа на скамейке лицом вниз тяга штанге к груде, броски манекена прогибом (вес 2/3 от веса спортсмена).Хотя все эти упражнения моделируют соревновательные, они в какой-то мере и развивают те основные группы мышц, которые участвуют выполнении большинства технических действий в борьбе дзюдо. С помощью этого комплекса упражнений круговой тренировки можно вывести спортсмена на новый двигательный режим, приближенный к условиям соревновательной деятельности.

Круговая тренировка выполнялась один раз в день и всегда только после разминки. Такое построение тренировочного процесса имело место в дневной тренировке, в вечерней же предусматривалось только совершенствование технико-тактических действий. Следовательно, применяя круговую тренировку в первой половине дня, целенаправленно совершенствовали скоростно-силовые качества дзюдоистов, а выполняя тренировку вечером, пытались совершенствовать технико-тактическую подготовленность на фоне утомления. Это объясняется тем, что двигательный навык у квалифицированных дзюдоистов в основных технических действиях уже имеет стойко сформировавшийся стереотип, который на фоне утомления не должен подвергаться «изменениям в структуре технического действия». Да и время, отведенное на восстановление в течение 5-6 часов, позволяло уже в какой-то мере к вечерней тренировке, при хорошей функциональной подготовленности, иметь запас сил. Проходя четыре круга по восемь станций в каждом, дзюдоист тратил на это 32 минуты, со временем разминке это составила в среднем 45 минут тренировочного занятия. Следовательно, проводя одну такую тренировку в день, четыре раза в неделю, дзюдоисты выполняли объем работы специализированной скоростно-силовой направленности до 128 минут.

С целью более точного отражения количественных результатов, зарегистрированных на каждой станции при различных отягощениях, необходимо указать на две величины, существенно влияющие на конечные результаты. В первую очередь – это вес отягощений: на каждой станции в течение 40 секунд работы он не превышал 60-80% от максимума. И второе – это скорость выполнения упражнений на станции. Темп работы был максимальным. Все это и обеспечивало различную направленность тренировочного процесса скоростно-силового характера. При 40-секундной работе спортсмены независимо от весовых категорий выполняли на первой-25-30 прыжков, на третьей-15-20 подъемов штанги, на четвертой – не более 24-26 разгибаний туловища, на пятой -25-30 перемещений штанги, на шестой не более 20-26 сгибаний-разгибаний туловища, на седьмой-15-20 подъемов штанги и на восьмой- работа с манекеном, не более 10-12 бросков.Такой режим организации скоростно-силовых тренировочных занятий на базовых этапах подготовки позволил повысить уровень специальной физической подготовленности квалифицированных дзюдоистов к соревновательному периоду. Об этом свидетельствуют результаты контрольных упражнений в проведенном педагогическом эксперименте.

В ходе обследований использовалось ограниченное количество параметров. Это вызвано тем, что в процессе подготовки дзюдоистов высока класса нет смысла применять большую тестирующую программу, так как это занимает слишком много тренировочного времени и дает очень много информации, в которой нет необходимости на данном этапе подготовки. Поэтому в процессе исследований ограничились на выбранных тестах, так как они имеют тесную математическую связь с рядом других показателей.Для оценки уровня скоростно-силовой подготовки борцов в начале и в конце педагогического эксперимента использовали показатели, приведенные в таблице.Кроме того, многие специалисты области утверждали, что все восемь предлагаемых «станций» развивают скоростно-силовые возможности всех основных

мышечных групп.С этой точки зрения данное методическое направление может быть использовано в юниорском возрасте, где закладывается фундамент для последующих спортивных достижений. У высококвалифицированных дзюдоистов методический принцип может быть другой, в котором упражнения соответствовали бы индивидуальному арсеналу технико-тактических действий.

Таблица. Динамика показателей скоростно-силовых возможностей дзюдоистов после использования упражнений по методу круговой тренировки

№	Тесты	В начале эксперимента	В конце эксперимента	Прирост в %
1	Время 10 подтягиваний (с)	12,5	11,7	6,4
2	Время 10 приседаний (с)	12,2	11,4	6,6
3	Время 10 запрыгивания на высоту 0,7 м (с)	7,4	7,1	4,1
4	Время 10 подниманий туловища из положения лежа (с)	13,3	12,4	6,8
5	Время 8 бросков (с)	14,6	13,1	10,3
6	Время 15 бросков (с)	34,6	32,4	6,4
7	Прыжки в длину с места (см)	240	262	9,2

ЛИТЕРАТУРА

1. Бакиев З.А., Эркин кураш назарияси ва услубияти, –Т.: ЎзДЖТИ 2012 й.-125 б.
2. Гончарова О.В. ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш. Ўқув қўлланма. –Т.: ЎзДЖТИ, 2005.
3. Керимов Ф.А., Спорт кураши назарияси ва услубияти, –Т.: ЎзДЖТИ 2009.-286 б.
4. Керимов Ф.А., Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар, –Т.ЎзДЖТИ 2004.-263 б.
5. Матвеев Л.П., Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов.–Киев Олимпийская литература, 1999.
6. Новиков А.А., Основы спортивного мастерство. –М.: ВНИИФК, 2003.-208с.
7. Платонов В.Н., общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте.–Киев: Олимпийская литература, 1997.

Dzyudochilarning aylanma mashq usuli yordamida tezlik-kuch tayyorgarligini takomillashtirish

Tangriev A.J. UzGUFKS

Резюме. Мақолада дзюдочи техник ҳаракатларини бажаришда иштирок этадиган мушакларни ривожлантирувчи айланма машқлар услида қўлланиладиган махсус машқлар моҳияти ёритилган. Дзюдочиларни мусобақа шароитига мослаштирувчи янги ҳаракат дастурига хос машқлар мажмуаси яратилган.

Калит сўзлар: Тезкор машқлар, малакали дзюдочи, айланма машқлар, техник ва тактик маҳорат, рақобатбардош фаолият, барқарор тараққиёт, тиклаш, эгилувчанлик.

Совершенствование скоростно-силовой подготовки дзюдоистов с помощью метода круговой тренировки

Тангриев А.Ж. УзГУФКС

Резюме. В статье изложены особенности специальных упражнений по методу круговой тренировки, которые способствуют развитию мышц, задействованные в большинстве технических действий дзюдоиста. Создан комплекс упражнений, которые адаптируют дзюдоистов к условиям соревнования.

Ключевые слова: скоростная тренировка, квалифицированный дзюдоист, круговая тренировка, технические и тактические навыки, соревновательная деятельность, устойчивый прогресс, восстановление, гибкость

Improving the speed-strength training of judokas using the method of circular training

Tangriev A.J. UzGUFKS

Summary. The peculiarities of special round-training exercises which help to develop the muscles involved in most technical actions of judoist are set up in this article. Complex of exercises which adapt judoists to conditions of competition have been created.
Key words:speed training, qualified judoist, circular training, technical and tactical skills, competitive activity, sustainable progress, restoration,flexibility

---

МУНТАЗАМ СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЁШ СПОРТЧИЛАР ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИ

Чоршамиев Н.А.
ЎзДЖТСУ

Республикада сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш, илмий лабораторияларни ташкил этиш зарурати мавжуд[1]. Сўнги йиллардаги тадқиқотларда машғулотлар жараёнида куч, ҳаракатлар тезлиги ва чидамлилик каби ҳаракат сифатларининг ривожланишини янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган. Агар олдинги йилларда ушбу муаммонинг ишлаб чиқилиши, куч ва бошқа ҳаракат сифатларини ривожлантириш кўпроқ мушаклардаги морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар нуқтаи назаридан тушунтирилган бўлса, ҳозирги вақтда улар нафақат ҳаракат аппаратнинг самарали қисимдаги ўзгаришлар билан, балки олий асаб марказларида содир бўлаётган функционал силжишлар билан: ҳаракатланиш мушакларини яхшиловчи шартли рефлексларни машқ қилдириш йўли орқали тушунтирилади (Саркизов И.М., Серазини, В.И.Васичкин, Ермакова Н., Макунин Д.А. ва бошқалар). Бир қатор олимларнинг тадқиқотлари маълумотларидан кўриш мумкинки, машғулотлар йўли билан ҳаракат сифатлар (мушаклар кучи, ҳаракатлар

тезлиги ва бошқалар) ҳар хил даражада ривожланади. Масалан, куч 2 – 3 марта кўпайиши, тезлик эса бунда ўзгармаслиги мумкин. Бу муаллифларнинг фикрича, кучланишларни ўз ичига олувчи машқлар, айниқса 2/3 юкламада динамик хусусиятга эга жисмоний таранглашишларга қараганда мушак кучини ривожлантириш учун катта самарадорликни таъминлайди. Бироқ И.Г. Васичкин (2000) ўз тадқиқотларида максималга нисбатан 20% юкламада ҳам мушак кучининг минимал даражада устувор ривожланишини аниқлаган. Демак, машғулот юкламалари жараёнида мушак кучини намоён қилиш учун шарт – шароитлар яратилишини назарда тутиш ва асаб – мушак тизими фаолиятини такомиллаштиришга (яхшилашга) қодир тегишли шартли рефлексларнинг шаклланишида асаб координациясининг аҳамиятини ҳисоба олиш жуда муҳим. Бундан келиб чиқадики, асаб жараёнлари координациясини яхшилай туриб, кичик юкламаларда мушак кучини ошириш мумкин.

Машғулотлар жараёнида мушак кучини ривожлантириш учун оптимал юкламаларни аниқлаш мақсадида кўпгина тадқиқотчилар турли ҳил фикр – мулоҳазаларга таянадилар. Агар мушак кучини ривожлантириш учун ўртача шиддатли юкламалар етарли деб ҳисобланса, В.И.Васичкин машғулотларда энг катта ҳажмга нисбатан камида 60%, юкламалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Мушак кучини ривожлантириши учун катта юкламалардан фойдаланиш самарли эканлигини ҳам эътироф этади. Шунингдек, Н.В. Зимкин ва ҳамкасблари томонидан спортчилар билан олиб борилган тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, мушак кучини ривожлантириш учун машғулотлар пайтида қўлланиладиган юкламаларнинг катталиги қандайдир стандарт ҳисобланмайди, балки текширилаётган спортчиларнинг тайёргарлигига, машқланганлигига, машқлар суръатига, машғулотлар орасидаги танаффуслар давомийлигига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ. Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари охирги йилларда мушак кучини ривожлантириши учун мушакларнинг изометрик хусусиятга эга иш тартибини ўз ичига олувчи машқларнинг самарали эканлигини кўрсатди.

Ҳар хил оғирликдаги машғулот юкламаларнинг мушак кучланишлари катталигига қиёсий таъсирини ўрганиш, максимал катталикка нисбатан 66,80,90% юкламалар билан ҳафтада икки марта ва максимал катталикка тенг бўлган юклама билан ҳафтада 1 марта машқ қилишда кучнинг ишончли ўсишини аниқлаган. А.А.Желей фикрича, шиддатли жисмоний машқларга бўлган куч чидамлилигини такомиллаштириш учун уларни ҳар сафар имконият чегарасигача бажариш муҳим. Бошқа тадқиқотларда текширилувчиларнинг ўзлари томонидан изометрик куч кўрсаткичи бўйича натижаларни аниқлаш аҳамияти эътироф этилади. Уларда 15 нафар текширилувчида изометрик режимдаги куч ўлчанган. Текширилувчилар динамометр циферблатини катта қийматларига эришганлар. Ушбу муаллифнинг олдинги ишларида ёш боскичлар билан бир йил давомида олиб борилган тезлик машғулотлари жараёнида улар организмидаги айрим функциоанл ўзгаришларни камайганлигини кўрсатган. Икки йиллик машғулотлар жараёнида ўз натижаларини яхшилаган ўсмир сузувчиларда қўл кафти кучининг ошиши кузатилган, кам шуғулланган ва ўз натижаларини яхшилай олмаган сузувчиларда эса динамометрия кўрсаткичлари муҳим даражада ўзгармаган. Мушаклар тонуси динамикаси нафақат мураккаб ҳаракат амалларини эгаллашда, балки айрим ҳаракат сифатлари – кучнинг максимал намоён бўлишида ҳам муҳим омил ҳисобланади. Машқланган ва машқланмаган шахсларда мушаклар тонусини ўлчаш мақсадида қатор тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларда қайд қилинишича, жисмонан машқланган шахсларда мушакларнинг эркин йўналишида машқланмаган шахсларга нисбатан тонус тўпрок кузатилган. Ёш енгил атлетикачиларда мушак тонусини тадқиқ қилиш шуни кўрсатганки, жисмоний машқлардан кейин таранглаштириш ва бўшаштириш орасидаги фарқ доимий ҳусусиятга эга эмас, балки жисмоний машқлар хусусиятига боғлиқ бўлган.

Илмий-тадқиқот натижаларига кўра пухта ишланган ўкув режали спорт машғулотлари, иқлим шароитлари, об-ҳавонинг мўътадиллиги, бунда албатта иссиқ иқлимли ўлкалардаги спорт машғулотлари самарадорлиги ўрганиш асосида ёш спортчилар организмга таъсири сезиларлди равишда ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Уқалаш (массаж), илиқ ва совуқ душдан фойдаланиш жумладан махсус дастур асосида тузилган шарқона уқалаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Спорт массажининг бу тури ҳар қандай юкламадан ва толиқишдан сўнг организмнинг турли хил функцияларини максимал тез тиклаш мақсадида, шунингдек, умумий ва спорт ишчанлик қобилиятини ошириш мақсадида қўлланилади. Тиклантирувчи массаж шарқона массажнинг асосий тури бўлиб, у спорт амалиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Шиддатли мушак фаолияти жараёнида, шунингдек, толиқиши ривожланишида ҳаракат ҳамда вегетатив функцияларни бошқаришда мия катта яримшарлари пўстлоғининг роли катта аҳамиятга эга эканлигини томонидан эътироф этилади. Маълумки, асаб ҳужайраси ҳаракатланиши импульслари ва тропик таъсирлар манбаи ҳисобланади. Мушак фаолияти жараёнида ҳам асаб ҳужайрасида, ҳам ишлаётган органлар-мушакларда энергия сарфланади ва организимнинг ички муҳити шароитлари ўзгаради. Шу сабабли ривожланаётган толиқишида асаб ҳужайраси ҳолати асаб ҳужайрасининг ўзида ҳам, периферияда яъни ишлаётган органларда ҳам содир бўлаётган жараёнларга боғлиқ. Мушакларнинг қон билан таъминланишининг ёмонлашиши, ферментлар фаоллигининг бостирилиши, рецепторлар ва мушаклар қисқариши тузилмаларининг биокимёвий ҳамда биожисмоний ўзгаришлари, эндокрин аппаратининг гормонал функцияси бузилишлари тўқималарга кислороднинг етишмаслиги толиқишни кучайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Турли ҳил иқлимий шароитларда бажариладиган доимий жисмоний юкламаларнинг таъсирини ўрганишига бағишланган ишлар унча кўп эмас. Бироқ мавжуд тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, иссиқ иқлим шароитларига мослашиш асаб тизими ва психика ҳолатига ҳамда камроқ ҳарорат таъсири билан аниқланади. Атроф-муҳитнинг турли хил омилларининг мушаклар ишчанлик қобилиятига таъсири ҳамда унинг тикланишини ўқувчиларда қараб чиқаётиб, биринчи навбатда, ёш хусусиятларини инобатга олиш лозим. Адабиётларда ўсмирлар организимнинг юқори ишчанлик қобилияти,

метереологик шароитлар ўзгариши натижасида вегетатив функциялар ҳолатидаги катта силжишларнинг мавжудлиги аниқланган ишлар жуда кўп. Атроф муҳитнинг юқори ҳарорати ижобий таъсир қилиши қайд этилган. Ушбу маълумотларнинг ишончлилиги юқори ҳароратининг мушак фаолиятига ижобий (рағбатлантирувчи) таъсири туғрисида фикр юритишга имкон беради. Шунинг эвазига машғулотлар учун зарур бўлган вақт анча қисқаради. Бироқ бундай ҳулосага келиш учун шуни назарда тутиш лозимки, мушак иши жараёнида юқори ҳароратга мослашиш вегетатив функцияларнинг катта зўриқиши билан кузатилади. Албатта, регуляция механизмларнинг юқори эгилувчанлиги туфайли мушак ишига нисбатан доимий тайёргарлик ташқи муҳитнинг турли ҳил ноқулай омилларига бўлган чидамлиликни ошириш билан бир вақтда содир бўлади. Иссиқлик омилига мослашишда организмда гипоксия ҳолатига мослашишни машқ қилишса кузатиладиган бир қатор ўзгаришлар юзага келади. Шунинг эвазига «иссиқлик гипоксияси» диб аталувчи ҳолат ривожланади. Бир қатор олимлар томонидан шу нарса таъкидлаб ўтиладики организмнинг иссиқлик таъсирларига чидамлилиги, агар юқори ҳароратга дастлабки машқлашиш мушак иши билан бирга ўтказилса, янада самаралироқ шаклланади. Кўп сонли тадқиқотлар мунтазам спорт машғулотларининг ёш курашчилар организмига таъсирига бағишланган. Ҳаракат сифатларининг табақали ривожланиши аниқланган. Бундай тадқиқотларда кўпгина муаллифлар жисмоний юкламаларнинг таъсирини баҳолаш сифатида мушак тонуси, мушак кучи ва бошқалардан фойдаланилган. Иссиқ иқлим шароитларида бу кўрсаткичларнинг динамикаси тўғрисидаги маълумотлар йўқ. Мушакларнинг ишчанлик қобилияти, мушаклар толиқиши ва жисмоний кўрсаткичларни тиклантириши воситалари масалалари бўйича ҳар хил муаллифлар томонидан олинган маълумотлар бир – бирига қарама – қарши. Ишнинг вақт тавсифлари ва функционал ўзгаришлар орасида номувофиқлик аниқланган. Кўпгина тадқиқотларда шу нарса қайд этилганки, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш, биринчи навбатда мактаб ўқувчиларининг асаб – мушак тизимига таъсир кўрсатади. Адабиётларда ишчанлик қобилиятини, асосан, мушак ишини бажариш натижасида содир бўлган физиолигик ўзгаришларни тезда тиклантириш йўли орқали ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги масала ўртага ташланади. Ёш курашчиларда мушакларнинг ишчанлик қобилиятини оширишда шарқона массажда фойдаланиш самарадорлигини тажрибада асосланди.

АДАБИЁТЛАР

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг -5924-сонли «Ўзбекистон республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

2.Саркизов И.М. Серазини «Спортивной массаж» учеб.-метод.пособие/-Москва: Фис, 1993.-410 с.

3.В.И.Васичкин. Про массаж. Большое справочник про массажа. Изд фис. Москва: 2017. 140 с.

4.Ермакова Н. Новейшая энциклопедия массажа. «Медицина» Москва: 2019. 100 с.

5.Макунин Д.А. Массаж и лечения. Изд. «Медицина» –Москва: 2019. 400 с.

Мунтазам спорт машғулотларининг ёш спортчилар организмга таъсири

Чоршамиев Н.А. ЎзДЖТСУ

Резюме. Мақолада спорт машғулотларининг ёш спортчиларнинг организмга таъсири, жумладан машғулотлар, юкламалар, уқалаш, гигиеник омиллар ёрдамида организмни тиклаш масаласи ва уни илмий қарашлар асосида ўрганилганлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: спорт машғулотлари, ёш спортчилар организи, уқалаш, гигиеник омиллар, иқлим таъсири.

Влияние регулярных тренировок на организм юных спортсменов

Чоршамиев Н.А. УзГУМЯ

Резюме. В статье рассматривается влияние физических упражнений на организм юных спортсменов, в том числе вопрос восстановления организма с помощью упражнений, нагрузок, массажа, гигиенических факторов и его изучение на основе научных данных.

Ключевые слова: спортивная тренировка, организм юных спортсменов, массаж, гигиенические факторы, влияние климата

The effect of regular training on the body of young athletes

Chorshamiev N.A. UzSWLU

Summary. This article examines the effect of physical exercise on the body of young athletes, including the issue of restoring the body with the help of exercises, loads, massage, hygienic factors and its study based on scientific views.

Key words: sports training, the body of young athletes, massage, hygienic factors, climate influence.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Бузрукхонов С.М.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Кириш. Турли мамлакатларда олий таълимнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш ҳар хил ресурслардан фойдаланишни ўз ичига олади, улардан интеллектуал ва молиявий ресурслар (инвестициялар) асосийси ҳисобланади. Талаб, таклиф ва нарх шаклланадиган бозор муносабатлари шароитида олий таълим инновацион инфратузилмаси субъектларининг инновацион фаолиятининг асосий таркибий қисмларига нафақат янгилик ва инновациялар, балки инвестициялар ҳам киради. Таълим соҳасидаги янгиликлар бозорининг асосий маҳсулоти – ОТМ фан ва инновацияларнинг илмий ва илмий-техник натижаси бўлиб, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият натижасида муаллифлик ҳуқуқи ва шунга ўхшаш ҳуқуқлар амалдаги қонунчиликка

мувофиқ расмийлаштирилади. Инновациялар бозорида ҳам илмий, ҳам илмий-техникавий фаолият соҳасига, ҳам олий таълимнинг инновацион жараёнларига, яъни унинг субъектларини инновацион ривожлантиришга йўналтириладиган молиявий ресурслар ҳажмига инвестициялар ҳажми ҳал қилувчи шарти ҳисобланади.

Олий таълимнинг молиявий ресурсларини бошқаришнинг самарали механизмини амалга ошириш учун унинг инвестиция компонентини фаоллаштириш керак. Узоқ муддатли ривожланиш нуқтаи назаридан инвестицияларнинг асосий мақсади олий таълим салоҳиятини инновацион ва технологик модернизация қилиш бўлиши керак. Ушбу мақсадга эришиш фақат ушбу молиявий, моддий ва бошқа ресурслар учун мавжуд бўлган барча ресурслардан фаол ва самарали фойдаланиш билан амалга оширилиши мумкин, чунки улар ОТМларнинг ривожланиши учун энг муҳим вазифаларни ҳал этишга ва ўлчанган якуний натижаларга эришишга қаратилган. Шу билан бирга, давлат олий таълимнинг нотижорат лойиҳалари учун тўғридан-тўғри инвесторнинг вазифаларини сақлаб қолиши, айни пайтда таълим соҳаси ва ташқи инвесторларни жалб қилиш учун шароит яратиши керак.

Бугунги кунда Республикамизда олий таълим инновацион лойиҳаларининг инвестицион жозибодорлигини ошириш масаласи долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Республикамизда олий таълимнинг инновацион инфратузилмасини молиявий таъминотини яхшилаш уларни диверсификациялаш давр талабидир. Мамлакатимиз олий таълимининг инновацион инфратузилмаси миллий инновацион тизимнинг асосий ижтимоий-иқтисодий бўғини бўлиб, натижаси янги маҳсулотлар ва технологияларни яратиш ва тижоратлаштириш жараёни бўлган олий таълимнинг илмий ва инновацион салоҳиятини ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий институтлар билан, шунингдек, тижорат ва нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлар жараёнида шакллантирадиган ва амалга оширадиган иқтисодий субъектларнинг йиғиндисини ўзида намоён этади.Ушбу мақоланинг **мақсади** ҳам олий таълимнинг инновацион инфратузилмасини молиялаштириш манбаларини жозибодорлигини баҳолаш асосида олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш бўйича илмий таклифларни шакллантиришдан иборат

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Олий таълимни инновацион ривожлантирилишини молиявий қўллаб қувватлаш юзасидан қатор хорижий ва маҳаллий олимлар ўз илмий тадқиқотларида фикр мулоҳазаларини ва назарий қарашларини баён этган. Хусусан, Институционал тизимларнинг молиявий ресурсларини бошқариш муаммолари бўйича энг жиддий илмий тадқиқотлар молиявий менежмент концепциялари ва назарияларида, И. Бланк, Ф. Блэк, Р. Брейли, Ю.Бригхем, Д.К. Ван Хорн, Д.М. Вахович, Р. Вестерфилд, Л. Гапенски, В.Гордон, Т. Копеланд, Л. Крушивиц, Дж. Литнер, С. Майерс, Г. Маркович, Р.Мертон, М. Миллер, Ф. Модильяни, Ж. Перрар, С. Росс, Д. Уэстон, Дж.Финнерти, Дж. Фостер, Ч. Хорнгрен, Ф. Ченг, У. Шарп, Л. Эпстон каби таниқли хорижий олимларнинг ишларида акс эттирилган.

Ижтимоий секторда инновацияларни молиявий қўллаб қувватлаш масалалари, жумладан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларининг бюджет билан таъминланганлик даражасини ошириш масалаларига Россиялик олимлардан Абалкин Л.И., Богачев Е.Н., Глазьев С.Ю., Гринберг Р.С, Зуев В.М., Львов Д.С., Макаров В.Л., Некипелов А.Д, Петраков Н.Я., Поршнев А.Г., Римашевская Н.М., Романкова Л.И., Сенчагов В.К., Татаркин А.И.ларнинг ишлари бағишланган:Ўзбекистонлик олимлардан Б Юсупов кичик тадбиркорликда инновацияларни жорий этиш,инновацион фаолиятни молиявий таъминлаш асосида инновацион фаолиятниривожлантириш масалаларини тадқиқ этади.

Шунингдек,инновация фаолиятининг назарий асослари, уни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг миллий хусусиятлари ва амалиётига оид масалалар мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан Р.И.Гимуш, Ф.М.Матмуродов, М.Саидов, Д.Э. Набиев, Б.Э.Тошмуродова, Н.Жиянова, Д.Х.Суюнов, М.Н.Равшанов, М.Ш.Бутабаев, Э.Эгамбердиев, Х.Хўжақулов, А. Махмудов, А.Т.Ахмедоваларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган ва ёритилган.Инсон капитали сифатига асосланган "билим иқтисодиёти"нинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлик феномени таҳлили билан В.В. Авдокушин, А.В. Бузгалин, В. Иноземцев, Ю.В. Осипов ва бошқа олимлар шуғулланади. Таълим хизматлари самарадорлигини ўлчаш масалаларига В.В. Глуков, В.Г. Онушкин, С.Г. Струмилин, Л.Я. Савельев ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари бағишланган.Агранович М.Л., Озерова Н.Б., Беляков С.А., Клячко Т.Л. томонидан таълимни молиялаштиришнинг миқдорий ва сифатли таркибий қисмлари, молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш учун мумкин бўлган вариантлар ўрганилган ва шу асосда таълимни бюджетдан молиялаштиришнинг янада такомиллашган моделини ишлаб чиқиш бўйича асосий йўналишлар белгиланган. Лекин, инновацион ривожлантирилишини молиявий қўллаб қувватлаш юзасидан бир қатор олимлар муайян назарий ва услубий ҳисса қўшганлигига қарамасдан, "ривожланиш бюджетлари"ни ёки таълимнинг барча буғинлари ривожланишини молиявий ресурслар билан таъминлайдиган "инновацион бюджетлар"ни шакллантиришга ягона комплекс ёндашув ҳали ишлаб чиқилмаган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ. Ушбу мақоланинг методологиясида таҳлил ва синтез, илмий абстракция, дедукция, таснифлаш, умумлаштириш, қиёсий, назарий талқин усулларидан фойдаланилди.

Бундан ташқари, мақоланинг илмий асослари халқаро стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий нашрлардаги тадқиқотларидан олинган маълумотлардан иборат.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Халқаро таълим соҳасидаги меҳнат бозори динамикаси ва глобаллашув жараёнлари макро ва микро даражадаги олий таълим соҳасини ўзгартиради. Инновацион иқтисодиётнинг бундай муҳим секторидаги ўзгариш жараёнлари ўз-ўзидан давом этмаслиги керак. Улар олий таълимни ривожлантиришнинг пухта ўйланган инновацион ва молиявий стратегияси доирасида қуйидаги молиялаштириш тамойилларига асосланган ҳолда мунтазам равишда амалга оширилиши керак:*молиявий қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги тамойили*, унга мувофиқ олий таълимда молиявий

бошқарувнинг асосий объекти сифатида инновацион жараёнларни кўриш лозим;молиявий инвестицияларнинг инновацион фаолиятнинг сифатли хусусиятларига мувофиқлигини таъминлайдиган *молиявий ресурсларнинг оқилона етарлилиги тамойили*;инновацияларни жорий этиш ва унга эришиш харажатларнинг таъсирини қиёсий баҳолашга асосланган *молиявий инвестицияларнинг самарадорлиги тамойили*.

Инновацион жараёнларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги тамойили нафақат ОТМларнинг инновацион фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашни, балки умуман олий таълимнинг инновацион ривожланишини таъминлайдиган инновацияларнинг асосий турларини аниқлашни ҳам талаб қилади. Молиявий ресурсларнинг оқилона етарлилиги тамойилига риоя қилиш инновация харажатлар тузилмасини рационализация қилиш, илмий тадқиқотларни ресурслар билан таъминлашга бўлган эҳтиёжини ҳисоб-китоб қилиш усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади, уларнинг натижалари инновациялар ва уларни молиялаштириш стандартлари ҳисобланади. Молиявий инвестицияларнинг самарадорлиги тамойили нафақат янгилик натижаларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш, балки инновацияларнинг ҳар бир тури учун ресурсларни тақсимлаш технологиясини ишлаб чиқиш, молиявий оқимларни бошқаришнинг шаффофлиги, молиявий таъминотнинг рационаллигини ички экспертизадан иборат анъанавий ёндашувга риоя қилишини назарда тутади.Инвесторлар учун стратегик аҳамиятга эга бўлган инновациялар олий таълимидаги иқтисодий муносабатларга энг катта таъсир кўрсатади. Улар молиявий ресурслар ва маблағларни олий таълимнинг интеллектуал ва инновацион салоҳиятига айлантириш механизмлари ва технологияларини аниқлайдилар.

Олий таълим муассасаларининг интеллектуал фаолияти натижаларига татбиқ этиладиган барча турдаги инвесторларнинг талаблари инновацион таълим концепциясига тўлиқ мос келади, бу олий таълимнинг ижодий салоҳиятини фаоллаштириш ва унинг инновацион қобилиятини ривожлантириш муаммоларини очиб беради.

Инновацион таълим концепцияси доирасида олий таълимни инновацион ривожлантириш – таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятининг янги сифатини шакллантиришга қаратилган институционал, технологик ва мазмунли ўзгаришлар тизимини ўз ичига олган ўзига хос инновацион жараёнлар йиғиндисидир. Шу нуқтаи назардан, олий таълимни инновацион ривожлантиришнинг "молиявий ресурслари" олий таълимда инновацион жараёнларни такрор яратиш ва рағбатлантириш мақсадида фойдаланиладиган инвестиция даромадлари ва тушумларнинг маълум бир миқдори, олий таълимни инновацион ривожлантиришнинг "молиялаштириш манбалари" эса – инновацион фаолиятни ривожлантириш учун олий таълим муассасаларини молиявий ресурслар билан таъминлайдиган иқтисодий субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда молиявий ресурсларни олишнинг амалдаги салоҳият манбалари сифатида кўриб чиқилиши керак.

Қўшимча маблағларни жалб қилиш ва олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш миллий инновацион тизимнинг асосий элементи сифатида олий таълимни барқарор ишлаши ва ривожланишига бўлган эҳтиёжини тўғри ҳажмда таъминламайдиган бюджет маблағлари етишмаслиги билан шартланган. Ҳар қандай инновацион фаолият юқори даражадаги ноаниқлик ва хавф билан ажралиб туради, шунинг учун олий таълим инновацияларини молиялаштириш тизимини яратишнинг муҳим тамойили - тез ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитларда манбаларнинг кўплиги, эгилувчанлиги ва мослашувчанлигиҳисобланади.

Маҳаллий олий таълимнинг инновацион ривожланиши фақат бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланмайди. Давлат томонидан ажратиладиган маблағлар хусусий инвесторларни олий таълимни ривожлантиришга молиявий инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайдиган инновацион жараёнларнинг катализатори бўлиб хизмат қилиши керак.

Олий таълимнинг инновацияларига йўналтирадиган ташқи молиявий инвестициялари бўлиб давлат инвестициялари, бизнес ҳамжамиятининг маблағлари, шу жумладан тижорат банклари кредитлари, нотижорат ташкилотлар грантлари, хусусий депозитлар, венчур капитали кабилар ҳисобланади. Инновацияларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг ички манбалари ўз натижаларини тижоратлаштиришдан олинган даромадни, шунингдек, мавжуд илмий ва таълим фаолияти (қайта инвестиция) дан даромадларни (харажатларни) кўпайтиришни ўз ичига олади. Олий таълим муассасаларини инновацион ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлашнинг муайян манбаларининг жозибадорлиги уларнинг сиғимкорлиги , фойдалана олиш даражаси , рисклилик даражаси ва умумий жозибадорлиги мезонларга мувофиқ баҳоланиши мумкин: (1-жадвал).

Инвестиция манбасининг сиғимкорлиги – илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантириш, уларни тижоратлаштириш, шунингдек, ОТМ инновацияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилган молиявий ресурсларнинг салоҳиятли миқдоридир.Инвестиция манбасидан фойдалана олиш даражаси – молиявий ресурсларни олиш ва ғояларни ишлаб чиқариш, тадқиқотлар ўтказиш, инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида уларни тасарруф этиш қулайлигидир.

1-жадвал. ОТМ инновацияларини молиялаштириш манбаларининг жозибадорлигини баҳолаш

Манба тури	Сиғимкорлиги	Фойдалана олиш даражаси	Рисклилик даражаси	Жозибадорлиги
Ташқи манбалар				
Давлат томонидан молиялаштириш	Ўрта ва кичик	Жуда кичик	Ўрта	Юқори
Бизнес тузилмаларининг молиявий ресурслари	Ўрта ва кичик	Ўрта ва кичик	Ўрта	Юқори
Нотижорат фондларнинг молиявий	Юқори	Кичик ва ўрта	Ўрта ва юқори	Ўрта

ресурслари				
Хусусий инвестициялар	Юқори	Кичик	Паст	Ўрта
Бошқа ташқи манбалар	Ўрта	Ўрта ва юқори	Юқори	Кичик
Ички манбалар				
ОТМни қайта инвестициялаш	Паст	Юқори	Паст	Ўрта
Лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш	Ўрта	Юқори	Паст	Ўрта

Инвестиция манбасининг рисклилик даражаси инновацияларга сармоя киритиш учун мўлжалланган маблағларнинг бир қисмини ёки миқдорини йўқотиш эҳтимолидир. Жозибадорлик – бу унинг имкониятларини баҳолаш, мавжудлиги ва таваккалчилик мезонларини баҳолаш асосида яратилган интеграл кўрсаткичдир.

оммага тарқатилади; мулоқотлар, мурожаатлар ҳам кўпинча телеграмм гуруҳлари ёки ботлар орқали амалга оширилади. Фейсбук саҳифаларининг имкониятлари янада кенг. Таълим муассасаси номидан расмий ахборотларнинг эълон қилиниши, раҳбарият, профессор-ўқитувчилар, докторант ва талабаларнинг фейсбук саҳифаларидаги чиқишлари ОТМ имижига таъсир ўтказади. Шов-шувли хабарлар кўпинча фейсбук каналларида муҳокама қилинади. Одатда салбий ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар бунга сабабчи бўлади.

YouTube каналлари орқали ОТМнинг фаолияти, ютуқлари тўғрисида роликлар эълон қилиб бориш ижобий имиж яратишда муҳим восита. Баъзан таълим муассаси ичида содир бўладиган салбий ҳолатлар ходимлар ёки талабалар томонидан YouTube каналларида яшин тезлигида тарқатилади. Бундай ҳолатни олдини олишнинг ягона усули, раҳбарият томонидан юз берган ҳодисани холисона ўрганиш, тезкор чора кўриш ва муносабат билдиришдир.Кўпинча профессор-ўқитувчилар, ходимлар ёки талабаларнинг ижтимоий тармоқлардаги норозилик чиқишларига адолатсиз бошқарув сиёсати, раҳбариятнинг масъулиятсизлиги, меъёрий ҳужжатларга амал қилмаслик, оғзаки мурожаатларнинг эътиборга олинмаслиги ва раҳбарият фаолиятининг сусткашлиги ҳолатлари сабабчи бўлади. Шунингдек, бошқарувдаги қўполлик, муомаладаги менсимаслик, мулоқот маданиятига риоя қилмаслик; профессор-ўқитувчиларнинг манманлиги, таъмагирлиги, таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари поймол қилиниши каби иллатлар ҳам ижтимоий тармоқлардаги негатив чиқишларга олиб келади. Медиамаконда курашнинг самарадорлиги қонун бузилишларини олдини олиш, ҳар қандай салбий ҳодисаларга қонуний чора кўриш ва уни оммага етказиш билан боғлиқ.

Таълим муассасаси тасарруфидаги газета ва журналлар орқали ОТМ имижини яратиш чекланган тор доирада қолиб кетади. ОТМ газетаси (агар шундай нашр бор бўлса) таълим муассасаси ичидагина тарқатилиши мумкин. Тегишли илмий журнал эса фақат илм билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнигина қизиқтиради холос. Демак, таълим муассасаси тасарруфидаги газета ва журналлар орқали ОТМ имижини яратиш самарасиз ва тор доирада қолиб кетадиган усулдир. Матбуот котибининг медиамуҳитдаги фаоллиги бугунги кунда жуда аҳамиятли. ОТМ фаолияти, ундаги ўзгаришларни тўлиқ ёритиб бориш, медиада эълон қилинган салбий ахборотларга тезкор ва асосли муносабатлар билдириш биринчи галда матбуот котибининг вазифаси. Жимлик, салбий воқеликларга кечиктирилган ёки нохолис муносабатлар омма орасида ОТМ имижига жиддий путур етказади. Шунингдек, жараёнлар тўғрисида ахборот танқислиги ҳам матбуот хизматининг сусткашлигидан келиб чиқади.ОТМ раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, ходимлар, докторантлар, талабалар ўз ютуқлари тўғрисида ОАВда қанчалик кўп чиқиш қилсалар ижобий имиж яратилишига шунчалик кўп таъсир ўтказишади. Бу борада бир нарсадан эҳтиёт бўлиш лозим: ютуқлар ҳақиқий ва оммага тақдим этишга арзигулик миқиёсда бўлиши керак. Ёлғон ахборотлар ёки ОТМ доирасидаги ютуқларни пиар қилиш оммани бездиради ва салбий тасаввурлар шаклланишига сабабчи бўлади.Бугунги кунда ички ресурслари орқали имиж яратишда замонавий медиамуҳитда фаол бўлиш, тезкор ва батафсил ахборот тарқатиш, ҳар қандай салбий ҳолатларга зудлик билан асосли ҳуқуқий муносабат билдириш имиж яратишда самарали натижа беради.

Иккинчи ёндашув (ташқи ёндашув) – муассаса имижини шакллантиришда ташқи ресурсларининг, яъни хизмат мансублиги жиҳатдан таълим даргоҳига алоқаси бўлмаган субъектларнинг иштирокида амалга оширилади. Уларнинг медиамакондаги фикр-мулоҳазалари, қарашлари, таълим даргоҳига муносабати орқали муайян ОТМ хусусидаги тасаввурлар шакллантирилиб, ташқи ёндашув асосида таълим муассаси имижи яратилади. Омма орасида ташқи ёндашув асосида имиж яратилиши муҳимроқдир, чунки ташқаридан билдирилган фикрлар холис ёндашув ҳисобида баҳоланади. ОТМ имижини яратишнинг ташқи ёндашувини таъминлашда ОАВ ходимлари, журналистлар ва блогерлар фаол иштирок эишади.

Анъанавий оммавий ахборот воситалари ҳисобланган телевидения ва матбуот ҳали ҳам ўз мавқейини йўқотгани йўқ. Тўғри, ахборот тарқатишда матбуотнинг, айниқса, газеталарнинг ўқувчилар сони кескин пасайган бўлса-да, расмий нашрлар сифатида мавқейи анча юқори. Айниқса, тажрибали журналистларнинг кескин чиқишлари оммани эътиборсиз қолдирмайди. Муайян ОТМ хусусида газеталарда эълон қилинадиган мақолалар, телевидениядаги чиқишлар, муносабатлар асосан расмий доиралар аудиторияси учун имиж яратишда муҳим аҳамиятга эга. Таълим муассасаларига тегишли ҳар қандай ахборотлар маълум даражада имижга таъсир кўрсатади. Бирор олий таълим муассасасига алоқадор салбий ахборотлар (фелетон, расмий хабар) албатта имижга путур етказади. Кейинги йилларда баъзи таълим муассасаларидаги коррупцион ҳаракатлар, ночор моддий-техник база хусусидаги хабарлар ёки таълим сифати пастлиги ҳақидаги мақолалар айрим ОТМларнинг омма орасидаги имижини бузиб қўйди. Айниқса, бутун жамоага тегишли салбий ҳолатлар хусусида сўз юритилганда халқ тасаввурида муайян ОТМининг имижи барбод бўлади.

Замонавий ахборот воситалари ҳисобланган интернет оламида телеграмм, фейсбук, инстаграмм ва YouTube ижтимоий тармоқлари ташқи ёндашув асосида имиж яратишда омма орасида, айниқса ёшлар орасида кенг тарқалган воситалардир. Бу борада журналист ва блогерларнинг роли анча катта. Чунки уларнинг аксарияти оммага таъсир ўтказиш иқтидорига эга. Ёшларнинг кўпчилиги блогерларнинг қарашларини қўллаб-қувватлашади. ОАВ хизматчиларининг кўпчилиги пиарга ўч бўлиб, шов-шувли хабарларни тезкор тарқатишга ҳаракат қилишади ва тегишли ташкилотлардан жавоб муносабатини ҳам тезкор олишни исташади. Шунингдек, ўз хабарларига зудлик билан қонуний ва мантиқий асосли жавоб қайтарган субъектларни қадрлашади. Айниқса, адолат ўрнатиш йўлида қаердадир, ниманидир ўзгартира олсалар ўз ғалабаларидан сермаст бўлишади. Муайян ОТМда медиамуҳитнинг назарига тушган ҳар қандай камчиликни тезда бартараф қилиб, ҳолат хусусида матбуот хизмати орқали тезкор жавоб бериш имижни ҳимоя қилишдаги энг самарали усулдир. Танқидни ёки камчиликни инкор этиш, жим қолиш ёки жавобни кечиктириш имижга салбий таъсир кўрсатади, ҳатто давомли зиддиятларга ҳам олиб келиши мумкин. Танқид ёки асоссиз хабар берилган тақдирда ҳам журналистлар ва

блогерларнинг ҳурматини жойига қўйган ҳолда ҳақиқий ҳолатни тушунтириб жавоб муносабат билдириш самарали натижа беради.

Ижтимоий тармоқларни тўлиқ назорат қилиш ёки унга қандайдир тўсиқлар ва таъқиқлар қўйиш амалда имконсиз иш. Қонун доирасида тарқатилган ҳар қандай салбий ахборотга муносабат билдириш шарт. ОТМга тегишли салбий ахборотларни эълон қилувчиларни жазолаш, уларга тазъйиқ ўтказиш эмас, ҳодиса сабабларини ўрганиш, тегишли чора кўриш ва бу ҳақда оммага холис маълумот бериш энг тўғри йўлдир. Бу борада тажрибали блогерлар билан ҳамкорлик қилиш самарали натижа беради.Ҳар бир ОТМ доимий равишда медиамаконда ўз имижига дахлдор ҳар қандай ахборотларни кузатиб бориши, салбий ҳолатларга муносабат билдириши, негатив маълумотларнинг холислигини текшириб кўриб тегишли чора-тадбирлар кўриши керак.

ОТМ имижини яратишда ички ва ташқи ёндашувнинг иккаласи ҳэм эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардир. Ички ёндашувни бошқариш, унга таъсир эта олиш мумкин. Лекин ташқи ёндашувни кузатиш, унга муносабат билдириш, иложи борича унга таъсир ўтказишга эришиш лозим. Шундагина ҳар бир олий таълим муассасаси медиамайдонда ўзининг бетакрор ва жозибадор имижини ярата олади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган ПФ-5847-сонли Фармони.
2. Boulding K. The image. – Ann Peperbach, 1961.
3. Kamilova G. Zamonaviy muallim imiji. –Toshkent: «BAYOZ», 2017;
4. Алимов Б. Хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон имижини яратиш тамойиллари ва истиқболи (1991–2017 йиллар ОАВ материаллари мисолида). Журналистика (филология фанлари) ихтисослиги бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2018;
5. Волкова В.В. Педагогическая концепция формирования образовательного имиджа гуманитарного вуза: автореф. дис. ... д-ра пед. наук. -Москва 2010;
6. Гришунина Е.В. Психологические технологии как средство формирования имиджа организации: автореф. дис. ... канд. псих. наук. - М., 1995;
7. Гайнутдинова Л.Р. Психологнинг имиджи ва компетентлиги модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: ТДПУ - 2017.
8. Комилова Н.Г., Гайнутдинова Л.Р., Бойматова А., Тайлакова Д. Педагогик имидж ва компетентлик модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: ТДПУ -2017.
9. Кузин Ф.А. Современный имидж делового человека, бизнесмена, политика. - М., 2002;
10. Манякина Е.И. Политический лидер: процесс формирования имиджа : автореф. дис. ... канд. полит, наук. - М., 1994;
11. Ушаков Б.Г. Имидж как социально-психологическая проблема. - Екатеринбург, 1995;
12. Федоров И.А. Имидж как программирование поведения человека. - Рязань, 1997;
13. Шемпель В.М. Имиджелогия: секреты личного обаяния. - М., 1994.
14. Қолқанов Н. Замонавий шароитда сиёсий етакчи имижининг шаклланиш жараёни. Сиёсий маданият ва мафкура (сиёсатшунослик фанлари) ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2018.
15. https//ru.m.wikipediya.org>wiki

Медиамайдонда ОТМ имижининг яратилиши

Бабаджанов Ф. Қ. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақолада медиамаконда олий таълим муассасасининг имиж яратиш муаммолари ҳамда имиж яратишнинг ички ва ташқи ёндашувлари хусусида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: медиамакон, медиамуҳит, ижтимоий тармоқлар, телеграмм каналлари, фейсбук ва инстаграм иловалари, ОАВлари, PR технологиялар, ички ёндашув, ташқи ёндашув, ОТМ имижи.

Создание имиджа ВУЗа в медиапространстве

Бабаджанов Ф.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматриваются проблемы создания имиджа вуза в медиапространстве, а также внутренние и внешние подходы к созданию имиджа.

Ключевые слова: медиапространство, медиасреда, социальные сети, телеграмм-каналы, приложения Facebook и Instagram, СМИ, PR-технологии, внутренний подход, внешний подход, имидж вуза

Creating the image of a university in the media space

Babadjanov F.K. Karakalpak State University

Summary. The article deals with the problems of creating an image of a university in the media space, as well as internal and external approaches to creating an image.

Key words: media space, media environment, social networks, telegram channels, Facebook and Instagram applications, Mass Media, PR technologies, internal approach, external approach, university image.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ПРИНЦИП ВА МЕТОДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Пазылова М. Е.

Нукус давлат педагогика институти

Аждодларимиз таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Улар биринчи навбатда талабаларнинг иродавий фаоллик кўрсатишга нисбатан хохиш-иродаларини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Уларда билиш ҳаракатларини амалга оширишга нисбатан қатъият ва қатъиятлиликни шакллантириш, ўзларининг ақл-заковатлари ва куч-қувватларини шу мақсадга йўналтиришлари учун қулай шароит яратишга ҳаракат қилганлар. Шу мақсадда талабаларда кенг миқёсдаги барқарор билиш истакларини вужудга келтирганлар. Талабалар билишга интилган янги маълумотлар ва

ҳодисалар уларнинг ижтимоий тажрибаларида қисман мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам фаоллик шахс фаолиятининг сифат кўрсаткичи сифатида ўқитиш принципларининг таркибий қисми сифатида намоён бўлган.

Шахснинг билиш фаолияти ва уни ривожлантириш назариясига алоҳида хисса қўшган мутаффаккирлардан бири Абу Наср Форобий (873-950)дир. Форобий ўз дидактик қарашларида шахс фазилатларини икки гуруҳга ажратиб кўрсатган. Улар: туғма ва инсоннинг ҳаётий фаолияти давомида шаклланадиган фазилатлари. Фаробийнинг фикрича, туғма фазилатларга инсоннинг ўта ўткир зеҳнлилиги, бирор нарсани билишга ўта қобилиятлилиги киради. Асосий ахлоқий фазилатларни шахс ҳаётий фаолияти давомида эгаллайди. Юксак ақл-заковат эгаси бўлган инсонлар ҳам таълим-тарбияга эҳтиёж сезадилар. Таълим-тарбия жараёнида уларнинг билиш имконияти кенгаяди деган ғояни илгари суради. Бундай инсонларнинг билиш лаёқатларини таълим-тарбия жараёнида кенгайтириб, уларни фаоллаштиришга эришиш лозим дея уқтиради мутаффаккир [1]. Форобий мусиқани инсон ақл-заковатини ривожлантирувчи омиллардан бири сифатида эътироф этган.

Инсоннинг билиш фаолиятини ривожлантириш назариясига буюк мутаффаккир Беруний (973.4.9, Кот (Кат) шаҳри - 1048.11.12) ҳам алоҳида ҳисса қўшган. Унинг фикрича, билишнинг асоси, бизнинг дунё ҳақидаги билимларимиз манбаи бўлмиш сезги аъзолари орқали олинган билимлардир. Беруний илмий билимлар ҳақида фикр юритар экан, уни ақл-идрок туфайли эришилган интеллектуал бойлик сифатида баҳолайди [2, 72-84]. Беруний инсоннинг билиш фаолиятини ривожлантиришда тажрибанинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади. Беруний шахсни ақлий жиҳатдан ривожлантириш орқали унинг билиш имкониятларини кенгайтириш ва фаоллаштириш мумкинлигига эътибор қаратган.Илк уйғониш даври шахснинг билиш фаолиятини ривожлантиришга оид назарий ёндашувларнинг вужудга келганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу даврда инсон салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган кўплаб ғоялар илгари сурилган. Илк уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти шахс камолотини таъминлашга оид шарқона таълимотнинг вужудга келганлигидадир. Бу даврда Термизий ал-Ҳаким, Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Ибн Муҳаммад Насафий, Маҳмуд Қошғарий, Унсурул Маолий Кайковуслар инсоннинг билиш имкониятларини кенгайтиришга оид педагогик таълимотларни илгари сурганлар.

Биринчи ренессанс даврининг ўзига хос жиҳати, ўқув жараёнини ташкил этиш ва шахснинг билиш имкониятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган педагогик воситалар ва методларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги ва амалиётда қўллаш йўлларининг кўрсатилганлигидир. Шунингдек, мазкур даврда таълим муассасалари мактаб ва мадрасалар ташкил этилиб, уларда фойдаланиладиган қўлланмалар, дарсликлар, дидактик воситалар, усуллар кўрсатиб берилган. Шахснинг билиш имкониятларини кенгайтиришда «тадрис» усулидан кенг фойдаланилган (Х асрдан бошлаб). Мазкур усул шахснинг ўқув-билиш имкониятларини намоён қиладиган мунозара усули билан уйғунлашган. Ушбу усулдан ўша даврда олий таълим муассасаси ҳисобланган мадрасаларда талабаларнинг ўқув-билиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида фойдаланилган. Ушбу усулни қўллаш жараёнида мунозара, тафсир, шарҳ усулларига ҳам мурожаат қилинган. Тадрис усулидан фойдаланиш гуруҳли таълим имкониятларини кенгайтириб, дарс шаклидаги ўқув жараёнининг ташкил этилишига асос яратган.

Иккинчи Ренессанс сифатида XII-XIV асрлар эътироф этилиб, бу даврда илм-фаннинг юксак намоёндалари ўзининг илмий-ижодий фаолиятини амалга ошириб, ёш-авлодни дунёни билишга, илм-фан сирларини ўрганишга ундаган. Бу даврда шахсга таълим бериш, унинг билиш имкониятларини кенгайтириш, ўқув фаолиятининг самарали амалга ошириш масаласи мутаффаккирларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Жумладан, Замахшарий, Асириддин Ал-Ахсикатий,Бурҳониддин Марғиноний, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Хожа Ориф Моҳитобон Ревгарий, Носириддин Абу Жаъфар Муҳаммад Ибн Муҳаммад Тусий, Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Жалолиддин Муҳаммад Ибн Баҳоуддин Муҳаммад Ал-Балхий Румий, Азизиддин Насафий, Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий, Шайх Хованди Таҳур (Шайхонтоҳур), Баҳоуддин Нақшбанд,Тафтазоний, Амир Темур, Абдураззоқ Самарқандий, Жалолиддин Давоний, Хусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоий, Бобур, Хожа Аҳрор Валий каби мутаффаккирлар ўз асарларида инсон камолотини таъминлаш йўлларини кўрсатганлар.

Замонавий ўқув-билиш фаолияти талабаларда юксак даражада шаклланган барқарор билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириши лозим. Улар янгиликларни тезкор ўзлаштиришлари, касбий фаолият кўникмаларини эгаллашлари, педагогик жараёнларга аксиологик ёндашув тажрибасига эга бўлишлари талаб қилинади. Талабалар фаолият тарзини амалга оширишда мустақил бўлишлари, касбий кўникмаларни намоён эта олишлари муҳим аҳамиятга эга. Яхлит тарздаги педагогик жараёнда кутилган натижаларга эришиш кўп жиҳатдан талабаларнинг билиш фаолликларига боғлиқ бўлиб, таълим мазмунини жадаллик билан ўзлаштиришларини таъминлайди. Ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш натижасида талабаларда таълим мазмуни ва ўқув-билиш фаолиятига нисбатан ижобий муносабат кўникмаси шаклланади.

Талабаларнинг фаол тарздаги ўқув-билиш фаолиятлари ўзининг иккита йўналишига эга: ички яъни педагогик-психологик ва ташқи (ташкилий).Ўқув-билиш фаоллигининг ички йўналиши ўзининг муайян таркибий қисмларига эга: ўқув фаолиятига нисбатан қизиқиш, ўқув ҳаракатларини бажаришда ташаббус кўрсатиш; билиш мустақиллиги; қўйилган билиш вазифаларини ечиш учун жисмоний интеллектуал кувватларни сафарбар этиш кабилар. Ўқув-билиш фаолиятлари ривожи натижасида шахс фаолиятида мазкур таркибий қисмларнинг намоён бўлиши таъминланади.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг ташқи йўналиши мазкур фаолиятга барча талабаларни қизиқтириш ва жалб этишда намоён бўлади. Ушбу йўналишдаги талабларни амалга ошириш учун талабалар билан гуруҳли, индивидуал, ўқув ҳаракатларини бажаришларини таъминлаш лозим. Шунингдек, индивидуал ўқитиш воситаларини самарали қўллаш орқали ҳам талабанинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга эришилади. Бундай воситалар сирасига босма шаклдаги дидактик материаллар, бадиий асарлар, мантиқий фикрлашга ундовчи топшириқларни киритиш мумкин. Шунингдек, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган усуллардан ҳам самарали фойдаланилади. Топшириқларни ечиш алгоритмлари, мантиқ қонун-қоидаларидан фойдаланишни киритиш мумкин. Ўз фаолиятлари давомида талабалар тайёр алгоритмлар, қонун-қоидалардан фойдаланадилар ёки уларни мустақил тарзда тузадилар. Бу жараёнда талабалар репродуктив ва махсулдор усуллардан фойдаланадилар. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш учун объектив ва субъектив методларни мутаносиб тарзда уйғунлаштириш талаб қилинади. Субъектив методлар сирасига ишонтириш, тушунтириш ва зарур маълумотлар билан қуроллантиришни киритиш мумкин. Объектив методлар эса талабаларда ўқув мотивларини шакллантиришга йўналтирилган шароитлар яратиш, қайсиким, бундай шароитларда улар мустақил ҳаракатлана олишлари лозим. Шунда мазкур фаолият талабаларда қизиқиш, қониқиш, қувонч, уйғотади. Бундай шароитда талабаларда ўқув-билиш фаолиятининг жадаллашуви таъминланади. Натижада ўқув-билиш фаолиятига нисбатан барқарор қизиқиш хосил бўлади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш учун дастлаб уларнинг диққатини фаоллаштириш лозим. Диққатнинг етарлича шаклланмаганлиги талабаларнинг машғулотларда тўлақонли тарзда иштирок этишларига тўсқинлик қилади. Бунинг натижасида улар ўқув материалининг мазмун моҳиятини тўлиқ тушуниб етмайдилар. Уни эсда сақлаб қола олмайдилар, топшириқларни бажаришда хатоларга йўл қўядилар.

Талабаларнинг жамоавий ва якка тартибдаги диққатлари қуйидаги усулларни фаоллаштиришга хизмат қилади:эвристик суҳбатларни ташкил этиш методи;турли-туман дидактик воситалардан фойдаланиш методи, жумладан, кўргазмали-образли ёки мантиқий чизмалар, режа-конспектлар;талабаларнинг диққатини фаоллаштирувчи мустақил бажаришга мўлжалланган топшириқлар;ўз ҳаракатлари натижаларини намунадаги шакл билан қиёслаш;дарснинг турли босқичларида ўз фаолиятларини назорат қилиш усуллари;ўз ғояларини ҳимоя қилиш;жавоблар ёки мустақил бажарилган ишларни тақризлаш;ўзи ва гуруҳдошларининг ўқув фаолиятлари натижаларини текшириш.Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга муайян принципларга таяниш орқали эришилади. Бундай принциплар сирасига муаммолилик принципи, ўқув-билиш фаолияти билан амалий топшириқларни мувофиқлаштириш принципи, биргаликда ўқиб ўрганиш принципи, ўрганилаётган муаммолар доирасида тадқиқотлар ўтказиш принципи, индивидуал ўқитиш принципи, мустақил таълим олиш принципи, муваффақиятга ундаш принципи кабиларни киритиш мумкин.

Муаммолилик принципи таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу жараёнда таълим олувчилар тафаккурида муаммоли вазиятлар ҳосил қилинади. Уларни тадқиқотлар ўтказишга ундаш имкониятлари кенгайтирилади. Ушбу ўринда талаба ўз тажрибаси ва мантиқий хулосаларига таянган ҳолда муаммоларни ечиш, тадқиқотларни амалга ошириш учун ўзида етишмайдиган билимларни мустақил излашга ҳаракат қилади. Бунда ўз гуруҳдошларининг тажрибаларидан ҳам фойдаланишга эришади. Бундай вазиятларда талабалар тайёр шаклдаги билимларни эмас, балки ўзларининг мустақил ўқув-билиш ҳаракатлари ёрдамида зарур тушунчалар, билимлар, ахборотлар ва ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Ушбу принципнинг ўзига хос хусусияти шундаки талабалар ўз ўқув-билиш фаолиятларига мувофиқ келадиган дидактик топшириқларни бажаришга муваффақ бўладилар: ишончсиз стереотиплардан қутулиш, илғор қарашларга эга бўлиш, иқтисодий тафаккур тарзини эгаллаш. Ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаммоли характердаги ўқув материалларининг мазмунини танлашда талабаларнинг қизиқишлари ҳисобга олиниши лозим. Бугунги кунда таълим олдида турган асосий вазифалардан бири талабаларни янги билимларни излаб топиш ва ўзлаштиришга ундашдан иборат.

Ўқув-билиш фаолияти билан амалий топшириқларни мувофиқлаштириш принципи доирасида талабаларнинг амалий ишлари ҳар доим уларни касбий тайёрлашга йўналтирилган назарий материалларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши керак. Ушбу принципнинг асосий моҳияти талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини имкон қадар ижтимоий воқелик, реал ҳаётий вазиятларга яқинлаштиришдан иборат. Мазкур принцип муаммолилик принципи билан уйғунлашган ҳолда талабаларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалий фаолиятлари ёрдамида бойитиш ва мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Биргаликда ўқиб ўрганиш принципи ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар орасида билимларни ўзаро алмашиниш муҳити вужудга келади. Ўз билимларини мустақил ошириш, мустақил билим олиш учун нафақат назарий асос, балки ўрганилган ходисалар, далиллар, ахборотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш кўникмаси ҳам зарур. Мазкур билимлардан фойдаланишга ижодий ёндашиш кўникмасига эга бўлиш, ўзи ва ўзгаларнинг хатоларидан тўғри хулосалар чиқариш, ўз билим, кўникмаларини долзарблигини таъминлаш ва ривожлантиришга эришиш ҳам талабаларда ўқув-билиш фаолиятининг фаоллашувида муҳим аҳамиятга эга.Ўрганилаётган муаммолар доирасида тадқиқотлар ўтказиш принципи. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ижодий, изланиш характерига эга бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу фаолият имкон қадар ўзида таҳлил қилиш, умумлаштириш кўникмаларини мужассамлаштириши мақсадга мувофиқ. Муайян жараён ёки ходисани ўрганишга йўналтирилган педагогик вазиятлар имкон қадар ўзида тадқиқот элементларини акс эттириши керак. Бу талабаларнинг ўқув-билиш

фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим принципларидан бири бўлиб, ўрганилаётган муаммолар ва ҳодисаларни тадқиқ қилиш имконини беради.

Индивидуал ўқитиш принципи ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг педагогик тафаккурида жараён субъектларини индивидуал ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Индивидуал ўқитиш жараёни асосан талабани касбий тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, уларга алоҳида бир соҳалар бўйича чуқурлаштирилган ўқитиш жараёни ташкил этилган. Бундай ўқитиш жараёни асосан мадрасаларда амалга оширилган. Ушбу принципни амалга ошириш жараёни ўзига хос бўлиб, кўплаб психофизиологик хусусиятларга эга. Жумладан: гуруҳ аъзоларининг таркиби; ўқув жараёнига мослашиш; янги билимларни идрок этиш лаёқатига эгалик. Буларнинг ҳар бири ўқув жараёнини индивидуал ўқитиш принципини муваффақиятли қўллашга хизмат қилади. Мазкур жараёнда талабаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Мустақил ўрганиш принципи. Таълим жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш механизмларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида мустақил ўрганиш принципини амалга ошириш имконини беради. Ўтмишда мактаб ва мадрасаларда таълим олувчиларнинг билимларни мустақил ўрганишларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақсадда кўпроқ таҳлил-мутолаа методидан фойдаланилган. Ушбу принцип талабаларнинг шахсий билим захираларини бойитиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, таълим олувчиларга индивидуал ёндашиш принципини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади. Ушбу мақсадда талабалар қўшимча адабиётларни ўқийдилар, профессор-ўқитувчилардан зарур маслахатлар оладилар.

Муваффақиятга ундаш принципи. Фаоллик талабаларнинг мустақил ҳамда жамоавий билим олишларига йўналтирилган бўлиб, ушбу мақсадга талабаларни билим олишга йўналтириш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш принципи сифатида муваффақият қозонишга ундаш принципи муҳим педагогик аҳамиятга эга. Ўқув-билиш фаолиятининг ривожланишида асосий омил талабаларда ўқиш, билим олиш ва муаммоларни ечиш истагининг мавжудлигидир. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш ўқитиш методлари каби уларнинг ўзига хос имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Наср Форобий. Бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 2004.
2. Абу Райҳон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». Танланган асарлар. 1-жилд, - Тошкент, «Фан», 1995.
3. Беспалько В. П. Слагаемые педагогической технологии. –М.: 1989. -192- ст

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантирувчи принцип ва методларнинг аҳамияти
Пазылова М.Е. Нукус давлат педагогика институти

Резюме. Мақолада талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш учун объектив, субъектив методларни мутаносиб тарзда уйғунлаштириш ва муайян принципларга таяниш орқали эришиш мумкинлиги очиб берилади. Шунингдек, индивидуал ўқитиш воситаларини самарали қўллаш орқали ҳам талабанинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш масалалари ёритиб берилади.

Таянч сўзлар:объектив ва субъектив методлар,муаммолилик, мувофиқлаштириш, биргаликда ўқиб ўрганиш принципи.

Значение принципов и методов развития учебной деятельности студентов
Пазылова М.Е. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье показано, что развитие учебно-познавательной деятельности студентов может быть достигнуто за счет сбалансированного сочетания объективных, субъективных методов и на основе определенных принципов. Освещаются также вопросы развития учебной деятельности студентов за счет эффективного использования индивидуальных приемов обучения.

Ключевые слова: объективные и субъективные методы, проблемность, координация, принцип совместного чтения

The value of the principles and methods of development of educational activities of students
Pazylova M.E. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. This article shows that the development of students' educational and cognitive activities can be achieved through a balanced combination of objective, subjective methods and based on certain principles. It also highlights the issues of development of students' educational activities through the effective use of individual teaching aids.

Key words: objective and subjective methods, problematicity, coordination, the principle of joint reading

---

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аллияров А.Д.
Қорақолпоқ давлат университети.

Маънавий қадриятларнинг ўзига хос хусусиятлари талабаларнинг педагогик ва психологик жиҳатдан улар фаолиятининг характери, тафаккури хусусиятлари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини, ёшига хос ривожланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни талаб этади. Шу билан бирга педагогик маҳоратни такомиллаштириб бориш учун билим, кўникма, малакаларга эга бўлиш, дунёқарашнинг кенглиги, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш, ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий сифатларни эгаллаш, жанговар руҳий ҳолатга эга бўлиш, ҳаракатларда онглилик, аниқлик, техникани қўллашда зукколик, зеҳнлилик, ижодкорлик хислатларини таркиб топтиришда қобилияти, темпераменти, характерли хусусиятларини ҳисобга олиш, ҳиссий-иродавий собитлигини мустаҳкамлашга, жипслашиб ҳаракат қилишга ундаш кабиларда педагогик- психологик жиҳатдан тўғри ёндашишда қадриятлар катта имкониятлар яратади [1]. Лекин ҳар бир ёш босқичида шахсни ривожланиш

имкониятлари мавжуд бўлиб, уларга жисмоний, ақлий, ахлоқий таъсир этишда ана шу имкониятларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Зеро, шахс ривожланишининг ёш ва индивидуал хусусиятлари таълим-тарбияда алоҳида талаблар қўяди. Чунки инсоннинг ривожланишида умумийлик билан бирга ўзига хослик ҳамма вақт намоён бўлади. Умумийлик маълум ёшга тааллуқли бўлган хусусиятларга хос бўлса, хусусийлик бирор шахснинг фақатгина ўзига хос белгилари, хусусиятлари бошқалардан фарқ қилади. Ана шу ўзига хослик индивидуаллик деб аталади. Индивидуалликнинг асосий сабаби ҳар бир инсоннинг ўзигагина мансуб бўлган йўлни босиб ўтишидир. Инсонда намоён бўладиган сезгилар, идрок, тасаввурлар, тафаккур, хотира, қизиқишлар, майллари, қобилияти, темпераменти ва шахс характерига хос хусусиятлар индивидуал хусусиятлар дейилади. Индивидуал хусусиятлар шахснинг ривожланишига таъсир этиб, унда барча шахслик хислатларининг шаклланишига туртки беради.Олий таълим муассасаларида талабаларга таълим беришда индивидуал ёндашув асосий тамойиллардан ҳисобланади. Талабалик даври учун асосий хусусиятлардан бири уларни камолотга етишининг жадал ривожланишидир. Мазкур даврда талаба ижтимоий камолотга етиши учун зарур ақлий қобилиятга эга бўлиши, ижтимоий ҳаётга тайёрлиги муҳим ҳисобланади. «Мазкур жараённинг бош мезонлари ва кўрсаткичлари ўрта маълумотлилик, жамоатчилик топшириғи, меҳнатда фаоллик кўрсатиш, қонунлар олдида жавобгарлик, мутахассис бўлиш имконияти, унга интилиш туйғуси, иродавий зўр бериш, ёш оталик ва оналик бурчи, жамоатчилик вазифасини ўташ, ижтимоий гуруҳга раҳбарлик қилиш, спорт билан шуғулланиш, бўш вақтни ташкил эта олиш, тўгаракда қатнашиш ва ҳоказолардан иборатдир» - дейди психолог олим Э.Ғозиев [2].

Бу даврда талабалар характерида етукликка интилиш ривожлана борса ҳам, лекин бу борада ички қарама-қаршиликлар ҳам пайдо бўлиб туради. Талабаларнинг баъзиларида лоқайдлик, бефарқлик хусусиятлари ҳам пайдо бўлади. Ана шундай вазиятда талабаларда билим олишга қизиқиш уйғотиш, ўз-ўзини англаш, фаоллашиш каби хислатларни пайдо қилиш муҳим. Лекин бу жараён жуда мураккаблиги билан ажралиб турсада, энг муҳим хислатлар: ташаббускорлик, мустақиллик, зукколик, тиришқоқлик, билим олишга чанқоқлик каби сифатларни таркиб топтириш ўта зарур.

Педагогик –психологик ўзига хосликлар билан бирга педагогик жараён ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унда фақат маҳоратни шакллантириш билан бирга, ўзида маънавий-ахлоқий хислатларни ифодалаган ақлий ва жисмоний етук, ижтимоий фаол шахсни тарбиялайди. Педагогик жараённинг асосини ижтимоий-сиёсий, руҳий тайёргарлик ва маънавий-ахлоқий тарбия ташкил этади. Педагогик жараён кўп қиррали бўлиб, ватанни ҳимоя қилиш, замонавий талаблар доирасида мукаммал касб эгасини тайёрлаш самарадорлигини оширишга эътиборни қатъий талаб этади.

Педагогик жараённинг муҳим хусусиятларидан яна бири талабаларда эгаллайдиган билим, кўникма ва малакалар, назарий билим ва тушунчалар, қоидалар тизими кундалик хизмат фаолиятининг асосини ташкил этади. Улар миллий ғоя, маънавият фан асослари таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини касбий фаолиятларида қўллайдилар. Бу эса миллий ғоя, маънавият фан асосларидан таълим самарадорлигини оширишнинг ўта муҳимлигидан далолат беради [3].Бу борада билимлар, малака ва кўникмаларга эга бўлиши, педагогик -психологик жиҳатдан кенг маълумотга эга бўлиш, қобилият, педагогик тафаккур ва педагогик одоб, педагогик техника, ғоявий эътиқод, ахлоқий қиёфа, маънавий юксаклик, ички маданият, ташкилотчилик, сабр-тоқат, матонат, педагогик лаёқатга эга бўлиш; талабчанлик, қатъий интизом каби хислатларни таркиб топтириш асосий хусусиятлардан ҳисобланади .Академик Р.Х.Джураевнинг таъкидлашича, таълимни ташкил этишда талабаларни мажбур қилиш тарзида эмас, балки ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишга ижодий ёндашиш, ижтимоий-сиёсий, тарбиявий ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, уларга ҳар бир ишда намуна бўлиш, талаб ва эҳтиёжларни тушуниш, интизомга қатъий риоя этишига, назарий билимларини амалиётда қўллашга эришиш, керак бўлган пайтда ғамхўрлик қилиш, тажриба ва анъаналар, маънавий қадриятларни ўрганиш ҳамда улардан ижодий фойдаланган ҳолда амалга ошириш муҳимдир. Дастлаб талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда аввало профессионал билимлар билан бирга ўз касбий фаолиятига муносабатни тамоман ўзгартириш лозим. Миллий ғоя, маънавият асослари фанларини ўқитишда талабчанлик талабаларнинг савиясини ҳисобга олган ҳолда педагогик одобга мос ҳолда олиб борилиши керак.

Бу эса ўз навбатида ўқитишнинг педагогик-психологик тамойиллари, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ана шу жараённинг самарадорлиги миллий ғоя, маънавият асослари фанларини ўқитишда таълимга муносабатни ўзгартиради. Хуллас, талабаларга маънавий қадриятларни ривожлантиришда касбга қизиқиш ҳамда уни эгаллаб олишида самарадорликка эришишда:уларнинг табиатан ўта таъсирчанлиги, иродасининг мустаҳкам эмаслиги, ўзини тута билмаслиги, баъзи ҳолатларда манманлигини ҳисобга олиб, шахсий қадр-қимматини ерга урмай талабчанликни ошириш;талабаларнинг келиб чиқиши ва турли шароитларда вояга етганлигини ҳисобга олиб, уларга таъсир этувчи метод, воситаларни танлаш ва индивидуал ёндашиш мақсадга мувофиқ.Юқоридаги талаблар миллий ғоя, маънавият асослари фанларини ўқитиш методикаси фанларини ўқитиш таълимда илмий билимларни эгаллаш билан бирга маҳоратга эга бўлишда ҳам жамоа, шу билан бирга ҳар бир шахс психикасини ўрганиш, уларнинг имкониятларини аниқлашга ёрдам беради, шунингдек, ҳар бир талабанинг психикаси, онги, фаолиятини ўрганиб, уни тўғри ташкил этишга ёрдам беради ва энг муҳими ривожлантирувчи функцияга ҳам эга бўлиб, ҳар бир талабанинг онги, атроф-муҳит, бошқалар билан муомала-муносабатни таҳлил қилишга ўргатади ва ниҳоят педагогик маҳоратни шакллантиради ва такомиллаштиради. ҳам маърузаларда, ҳам амалий машғулотларда, ҳам тарбиявий ишлар жараёнида талабалар билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилар экан, юқоридаги психологик хусусиятлар ҳисобга олинади [4]. Педагогика ва психологияни ўрганишда жараёнида талабаларни таълим жараёнида

биринчидан, талабаларни бўлажак мутахассис психологияси билан қуроллантирилади, иккинчидан, инсон психикаси билан боғлиқ унинг онги, фаолиятининг таркибий қисмлари билан таништиради, учинчидан эса, талабаларга инсон психологиясининг ўзгарувчанлиги, унинг қонуниятлари, механизмларини аниқлашга ёрдам беради. Чунки улар таълим-тарбия жараёнида фаолиятга руҳан тайёрлаш конуниятларини билишга йўналтиради. Бу эса қуйидаги йўналишларни ҳисобга олишни тақозо этади:жараённинг миллий ғоя, маънавият асослари фанларини ўқитиш асосида таълимни ўтаётган ҳар бир шахсга таъсири;талабалар фаолиятининг ҳолатини ҳисобга олиш; талабаларни маънавий қадриятлар асосида фаолиятга тайёрлашнинг психологик қонуниятларини аниқлаш; талабаларга сиёсий ҳушёрлик ва огоҳликнинг моҳиятини тушунтириш; талабаларнинг педагогик-психологик тавсифномасини тайёрлаш ва бошқалар

Буларни амалга ошириш учун талабаларда биринчидан, билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириши, иккинчидан, назарий ва амалий тайёргарлик натижасида интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга психологик тайёрлаш. Психологик тайёргарлик – бу талабаларда педагогик-психологик сифатларни шакллантиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнидир. Психологик сифатлар талабаларни маънавий, руҳий томондан тайёрлайди, онгли фаолият юритишга йўллайди. Чунки талаба айнан психик жараёнлар ҳамда шахснинг сифат ўзгаришлари такомиллашиб бориши билан юзага чиқади [5].

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоя, маънавият асослари фанларини ўқитиш методикаси асосларитаълимда миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзига хос хусусиятларини, билим, кўникма ва малакаларини эгаллашга, талабалар дунёқарашининг кенглигини, мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олишни, ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий сифатларни эгаллаш, онглилик, тўғрилик, аниқлик, касбий техникани эгаллашда зукколик, зеҳнлилик, ижодкорлик хислатларини таркиб топтиради. Ҳиссий-иродавий собитлик, жипслашиб ҳаракат қилишга ўрганиш каби хусусиятларни, педагогик-психологик жиҳатдан тайёрлашда миллий ва умуминсоний қадриятли ёндашувни шакллантиришда кенг имкониятлар яратади. Мазкур имкониятлардан ихтисосликка оид фанларни ўқитиш билан бирга «маънавиятшунослик», «этномаданият», «миллий ғоя, маънавият асослари фанларини ўқитиш методикаси» ҳамда «маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси» фанларини ўқитишда фойдаланиладиган қадриятларни тизимлаштириш, бу борада маълум мезонларга таяниш, ҳар бир ўқув фанини ўзини ҳэм бир қадрият сифатида ўрганишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Жумабеков А.К. Турки халықтарының муллаларындағыпедагогика-лық ой-пикирлер: Жалпы педагогика, педагогика және билим тарихы, этнопедагогика. Пед.ғылым.канд.. дис. Автореферати. –Шымкент, 2004.- 27 б.
2. Ғайбуллаев О. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар эстетик тафаккурининг ривожланиш масалалари: Фал. фан. док. ... дисс. – Самарқанд, 2005. – 161 б.;– 56 б.
3. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – Москва. –Педагогика.–Пресс. –1999. – 536 с.
4. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. –Т.: Ўзбекистон, 1999. -30 б.
5. Каримова В. Психология. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 204 б.;

Олий таълим муассасалари талабаларда маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
Аллияров А.Д. Қорақалпоқ давлат университети.

Резюме. Мақолада олий таълим муассасаларида малака талаблари асосида маънавий қадриятларни ўрганиш бўйича маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: маданий мерос ва миллий маънавий қадриятлар, шахс, миллий ва умуминсоний қадрият, шакллантириш, таълим.

Особенности развития духовных ценностей у студентов высших учебных заведений
Аллияров А.Д. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье представлена информация об изучении духовных ценностей на основе квалификационных требований в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: культурное наследие и национальные духовные ценности, личность, национальные и общечеловеческие ценности, формирование, воспитание

Features of the development of spiritual values of students of higher educational institutions
Alliyarov A.D.Karakalpak State University

Summary. The article provides information on the study of spiritual values based on qualification requirements in higher education institutions.

Key words: cultural heritage and national spiritual values, personality, national and universal values, formation, education

---

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМИДА ЎТКАЗИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

(Қорақалпоқ давлат университети мисолида)

Елмуратов И. Г.
Қорақалпоқ давлат университети

Бугунги кунда рақобатбардош кадрлар ҳамда жамият янгиланиши ва фаровонлиги талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш Ўзбекистон тараққиётининг асосидир. Мазкур жараёнда олий таълим тизими соҳанинг муҳим бўғини сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети республикамизнинг халқ хўжалиги соҳаларини олий маълумотли кадрлар билан таъминлашда аҳамиятли ўринда бўлган олий ўқув юртидир. Университет 1976 йили Қорақалпоқ давлат педагогика институти базасида ташкил қилинди, 1990 йилга келиб университетдан Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ажралиб чиқди. Мустақиллик даврида университет факультетлари асосида Тошкент педиатрия

тиббиёт институти, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ахборот технологиялар университети филиаллари ташкил қилинган [1]. 1991-1992 ўқув йилида Қорақалпоғистон 2 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, 9.9 минг нафар талаба таҳсил олган [2]. Бу эса 1 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилган ўша давр учун анча паст кўрсаткич эди. Боиси аҳолининг аксарият қисми ёшлардан иборат бўлгани учун уларнинг маълум қисмигина ўзининг ҳудудида олий маълумот олиш имкониятига эга бўлар эди, холос.

Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 1992 йилнинг 25 январидаги қабул қилинган 274-сонли қарори асосида Нукус давлат университетига Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети номи берилди [3]. Қорақалпоқ давлат университетининг дастлабки йиллари 8 та факультетда 4830 талаба ўқиб, 28 профессор-ўқитувчи уларга билим берган бўлса, ундан педагогик, педиатрия тиббиёт институти ва аграр университети ажралиб чиққандан сўнг 2011 йилга келиб талабалар сони 7759 нафарга етиб уларга 581 нафар профессор-ўқитувчи ва 283 нафар қўшимча ўқув-техник ходимлар дарс берди [4]. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг фан, санъат, адабиёт ва бошқа йўналишларда ҳақиқий янгиланиш даври бўлди. Бу йиллари республиканинг ижтимоий-иқтисодиётининг ўсишига боғлиқ янги мутахассисликлар очилиб, улар илмий педагог кадрлар билан тўлиқ таъминланди.

Университет республикадагина эмас, бутун Ўзбекистон бўйича фан, таълим ва халқ хўжалигига йўналтирилган юқори таълимга эга мутахассислар етиштириш марказларининг бирига айланди. Университет очилгандан кейинги 2011 йилга қадар 38 фан доктори ва профессорлар, 200 дан ортиқ фан номзодлари ва доцентларни етиштирди [5]. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятларга, фан, техника ва технология ютуқларига асосланиб, давлат ва жамият мустақиллигининг энг муҳим вазифаларини шакллантиришга, миллий иқтисодиёт тармоқлари учун зарур мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган таълим муассасалари мақомини оширишга алоҳида эътибор берди.

Ўтган асрнинг 1990 йилларида университет экология, тиббиёт, экологияни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, молия ва кредит, автоматик бошқарув тизимлари, амалий математика ва информатика, араб тили, журналистика, туркман ва қозоқ тили ва адабиёти бўйича кадрлар тайёрлашни бошлади. Университет очилгандан сўнг бу ерда 30 дан ортиқ фан докторлари, 150 дан ортиқ фан номзодлари ўз фаолиятларини олиб борган [6]. 1993 йилнинг февраль ойидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил қилинган Олий Аттестация Комиссиясининг буйруғига кўра авваллари фақат номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган университет кенгашида қорақалпоқ филологияси бўйича докторлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилина бошлади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 1994 йил 15 мартида қабул қилинган буйруғини амалга ошириш мақсадида университетнинг факультет ва кафедраларида аспирантуралар очилди. Аспирантурага қабул танлов асосида амалга ошириладиган бўлди.

Муассасанинг ахборот-ресурс марказига алоҳида эътибор қаратилиши жараёнида 650 ўринли 7 та ўқиш зали, 350 ўринли конференция зали ташкил этилди. Ўз навбатида китоб фонди бойитилиб, ҳозирги кунда у ерда 475,5 минг асарлар мавжуд. Германия ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихоналари кутубхонани замонавий ўқув ва илмий адабиётлар билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб, уларнинг ёрдами билан 3 йил ичида фундаментал кутубхона инглиз, немис ва бошқа тилларда 10 мингдан зиёд китоб билан бойитилди. Шу билан бирга, электрон кутубхонага Ўзбекистоннинг бошқа олий ўқув юртларидан 300 дан ортиқ фанлардан маъруза матнлари келиб тушди [7]. Талабаларни замон талаблари асосида тайёрлаш учун университет ўқув базасини компьютерлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирда университет халқаро Интернет тармоғига уланган бўлиб, унинг ёрдамида ўқув, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишлари олиб борилмоқда [8]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йилнинг 23 майида қабул қилинган 230-сонли Қарори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 23-сонли буйруғи талабларини бажариш учун "Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш марказларини ташкил этиш тўғрисида" ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази ташкил этилди. Талабалар билимлари рейтинг тизими асосида баҳоланди.

Қорақалпоғистон Республикасини бозор иқтисодиёти вазиятига мос олий тоифадаги билимли, халқаро рақобатга туша оладиган кадрлар билан таъминлашни стратегик мақсад қилиб, 2001-2002 ўқув йилида ҳаммаси бўлиб 24 бакалавр йўналиши ва 19 магистратура мутахассислиги бўлган бўлса, 2007-2008 ўқув йилига келиб 38 бакалавр таълим йўналиши ва 28 магистратура мутахассислиги, 2008-2009 ўқув йилида янгидан нефть ва нефть газни қайта ишлаш технологияси, Ғазначилик иши, Автомобиль йўллари ва аэродромлар, Биокимё ва тупроқни эррозиядан муҳофаза қилиш билим йўналишлари очилди. 2010-2012 йиллари университетда 43 бакалавр йўналиши бўйича талабалар ва 23 магистратура мутахассислиги бўйича магистрантлар билим олган.2010-2011 ўқув йилида янгидан Агрокимё ва тупроқшунослик бакалавр йўналиши ва экологик экспертиза, микробиология магистратура мутахассислиги очилди. 2001-2002 ўқув йилида университет бакалавриатурасини битирувчиларнинг 85,1% и ишга қабул қилинган бўлса, бу кўрсатгич 2007-2008 ўқув йилига келиб 95,8 % и ташкил этади, яъни 10,7 % га юқорилади. Магистратура битирувчилари бўйича бу кўрсатгич 2001-2002 ўқув йилида 91,5 % бўлган бўлса, 2007-2008 ўқув йилига келиб 97,2 % ни ташкил этади, яъни 5,7 % га ўсди. Қорақалпоқ давлат университетида барча кафедралар режалаштирилган ягона иқтидорли мавзулар асосидаги илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

1991-2011 йиллар давомида илмий-тадқиқот ишлари натижасида 25 патент 161 монография ва брошюралар, 117 дарслик, 395 ўқув қўлланма, 682 ўқув-методик қўлланма ва 150 га яқин илмий амалий конференциялар ташкиллаштирилди. 6896 та илмий мақола ва тезислар босмадан чиқарилган [9]. Университет

кафедраларида халқаро алоқаларни кенгайтирилган ва таълим соҳасига чет эл инвестицияларни олиб келиш борасида чет эл грантлари асосида илмий ишлар амалга оширилди. Масалан, Евроосиё фонди, Сорос фонди, ЮНЕСКО, НАТО, JICA ташкилоти ва INTAS дастурлари асосида 1991-2011 йиллари 96 минг 298 АҚШ доллар ва 26 минг 666 экю кўламидаги грантлар асосида илмий ишлар бажарилган [10]. 1991-2011 йиллар оралиғида университетнинг иқтидорли талабаларидан 14 таси «Умид» фондининг, 10 нафари Аксельс, 10 нафари АЙРЕКС, 6 нафари эса ДААД ташкилотларининг совриндори бўлди. Иқтидорли талабалар АҚШ, Англия, Германия, Словакия, Жанубий Корея ва Қатар сингари ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларида таълим олди.

2001-2011 йилларда университетнинг профессор-ўқитувчи ва талабалари «Устоз», «Истеъдод» фондлари, ДААД, АКСЕЛС, Темпус, JICA, KOICA фондлари томонидан Буюк Британия, АҚШ, Канада, Швеция, Исроил, Малайзия, Туркия, Германия, Хитой, Россия ва бошқа давлатларнинг олий ўқув юртлари ва илмий марказларида бўлиб, тажриба алмашди [11].Университет ресубликамиздаги олий ўқув ўринлари қаторида қайта таъмирлаш дастурига киргизилган ва 2014 йили шу мақсадда 13 млрд 150 млн сўм маблағ ажратилди ва унинг 4 та ўқув биносида йирик таъмирлаш ишлари олиб борилиб, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди. 2016 йили январь ойидан бошлаб университет талабалари янги таъмирланган иморатларнинг замонавий биноларида ўқишни бошлашди [12].Университет илми МДҲ давлатлари ва Ўзбекистон Республикасининг кўплаб университетлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан яқин ҳамкорликда ривожланиб бормоқда.

Мазкур олий таълим даргоҳи 2017-2020-йиллар мобайнида Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь, Украина, Португалия, Польша, Словакия, Италия, Испания, Венгрия, Австрия, Германия, Жанубий Корея, Озарбайжон, Хитой Халқ Республикаси ва Буюк Британия Қироллигининг 57 та олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари ва меморандумларини имзолаган. Бундан ташқари, халқаро ҳамкорлик, таълим ва маданият ташкилотлари ҳисобланган ITEC, DAAD, KOICA, JICA, TIKA, GIZ, British Council, «SES» ташкилотлари билан ҳәм яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шунингдек, Хитой Фанлар Академиясининг Синьцзян экология ва география илмий тадқиқот институти томонидан ташкил этилган «Экология, атроф муҳит ва минтақавий барқарор ривожланиш» мавзусидаги Хитой-Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлик Симпозиумида иштирок этди ҳамда «Хитой ва Ўзбекистоннинг биргаликдаги ташаббуси-Орол денгизи минтақасини экологик қайта тиклаш» тўғрисидаги Урумчи Декларациясини имзолади [13].

ҚҚДУда сўнгги 3 йилда жами 16 та, шундан, 2018 йилда 1 та халқаро конференция ва 1 та халқаро симпозиум, 2019 йилда 4 та конференция, 1 та халқаро форум ва 2 та халқаро семинар-тренинглар, 2020 йилда эса 5 та халқаро конференция ва 2 та халқаро семинар-тренинглар ўтказилди. Университет профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий мамлакатларда сўнгги 3 йилда жами 9 та монография (2017 йилда-1 та, 2018 йилда-3 та, 2019 йилда-5 та) чоп этилган. 2018 –2019 ўқув йилларида 127 нафар хорижий фуқаролар ўқишга қабул қилинди[14].Университетда айни пайтда 16 та факультет, улар таркибидаги 51 та кафедраларда жами 750 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бораётган бўлиб, 27 нафари фан докторлари (DSc) ва профессорлар, 246 нафари фан номзодлари ва фалсафа докторлари (PhD), университет бўйича илмий салоҳият 35,5 фоизни ташкил қилади. Фан докторларининг ўртача ёши 56 ёш, фан номзодларининг ўртача ёши 51 ёшни ташкил этади, жами илмий даражага эга бўлганларнинг ўртача ёши эса 53 ёшни ташкил этади. Қорақалпоқ давлат университети илмий салоҳияти 2017 йилда 31,4, 2018 йилда 31,6, 2019 йилда 34,6 ва 2020 йилда эса 35,1 фоизни ташкил этади. Афсуски, илмий салоҳият бўйича Ўзбекистондаги етакчи Университетлардан орқада қолмоқда [15].

Қорақалпоқ давлат университетида фан докторлари (DSc) ва фан номзодлари (PhD) сони ҳәм йил сайин ортиб бормоқда[16]. Хусусан:

Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаси	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Фан доктори (DSc) илмий даражасига эга профессор-ўқитувчилар сони	28	29	27	8
Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга профессор-ўқитувчилар сони	179	186	212	238
Жами	207	215	239	266

Бугунги кунда университетда илмий салоҳиятни ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, Университетда 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 41 нафар тадқиқотчилар, шундан 6 нафари фан доктори (DSc) ва 35 нафари эса ўзларининг фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун диссертацияларини ҳимоя қилди[17].

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан мобайнида ҳимоя кўрсаткичлари динамикаси (нафарда)

Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаси	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Учиничи йўналиш – тарихий ёдгорликлар. Қорақалпоғистон ҳудудида қадимий археологик ёдгорликлар жуда кўп. Қадимги Хоразм пойтахтлари Қиёт, Қўйқирилган қалъа, Тупроққалъа каби қадимий шаҳарлар борки, уларнинг қурилиш архитектураси ўзига хос кўриниши билан ажралиб туради.XX асрнинг ўзида Қорақалпоғистон ҳудудида кўплаб археологик-қидирув ишлари олиб борилган. 1996 йили Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими олимлари Австралиянинг Сидней университети билан илмий ҳамкорликда илмий ишлар олиб борди ва ушбу тадқиқотлар XXI асрда ҳам давом этди. Жумладан, янги қалъа - шаҳарлар, харобалар остидан қазиб олиниб, ўрганилмоқда. Минтақада Султон Увайс бобо (XI – XIV асрлар), Кечирмас бобо (XVII – XIX асрлар), Тўрткўл туманидаги Норинжон бобо (XII – XIV асрлар), Қаландардоғ (XVIII – XIX асрлар), Хўжайли туманидаги Мазлумхон сулув ва Миздаҳқон (XI – XIX асрлар), Қўнғирот туманидаги Белеули (XII – XIV асрлар), Довуд - ота мақбараси, Мўйноқ туманидаги Ҳаким ота мақбараси ва қабристони, Элликқалъа туманидаги Аёзқалъа ёдгорликлари мавжуд бўлиб, улар туристлар диққат марказида бўлган муҳим марказлар ҳисобланади.

Япониядан келган сайёҳлик гуруҳи раҳбари Йохео Сабан Қорақалпоғистонга ташриф буюриб, иштиёқ билан шундай деди: «Биз Японияда бизни ҳайратга солган Буюк Ипак йўли, унинг асосий шаҳарлари ҳақида кўп ўқиймиз. Ва биз Қорақалпоғистонда кўрган нарсаларимиз - унинг музейлари, тарихий жойлари жуда ғайриоддий!» [2].Шунингдек, XX аср оҳирида чет эл тадқиқотчиларининг эътиборини ўзига қаратган йўналиш – бу қорақалпоқ халқи бетакрор амалий санъати ҳисобланади. 1990-чи йиллари Қорақалпоғистонга саёҳ бўлиб келган инглизлар Девид ва Сью Ричардсонлар ўн тўрт йил давомида қорақалпоқ тарихи ва маданиятини, асосан амалий санъатини ўрганиб, кўплаб мақолалар ёздилар ва бу борада кенг маърузалар қилдилар. Бирқанча вақт ўткач, Девид ва Сью Ричардсонлар чиройли тасвирланган катта форматдаги китоби инглиз тилида чоп этди [3]. Китоб муаллифлари томонидан олинган фотосуратлар билан безатилган, бундан олдин Қорақалпоғистон ва Россиядаги музейлар архивидан олинган ва илгари нашр қилинмаган кўплаб расмларни ўзида акс эттирган.

Девид ва Сью Ричардсонлар китобнинг чет эл матбуотида нашр этилиши шундай таърифладилар: «Қорақалпоқлар ҳақида ҳашаматли янги китоб, шу вақтгача инглиз тилида нашр этилган қорақалпоқлар ва уларнинг ғайриоддий фольклор санъатининг биринчи кенг қамровли тавсифи». Журналист ва муаллиф, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёни ўрганувчи муаллиф, қирғиз санъати коллекционери Ник Филдинг (Оксфордшир) «бу китоб қорақалпоқларни ўрганиш бўйича одатий асар бўлиб қолади, аммо унинг ўрнини ҳеч қачон алмаштириш мумкин эмас. Шунингдек, ушбу асар шу каби тадқиқот ишларини яратиш йўлида ўзига хос намуна ҳам ҳисобланади. Агар сиз санъатнинг ўзи билан қизиқмасангиз ҳам, ўқиб чиқинг ва ўзингизни англаб кўринг. Санъат бўйича бундан ҳам яхшироқ китоб топа олмайсиз» деган эдилар. Ўрта Осиё санъати коллекционери Сюзан Ф.Меллер (Нью-Йорк) таъкидлаганидек, «Ричардсонлар усталик билан, илмий иш ёздилар ва узларининг бу мавзуга бўлган очиқ эҳтиросларини етказдилар. Нашриётчи Престель ўқувчи кутубхонасини тўлдирадиган жуда чиройли, юқори сифатли китобни нашр этди»..

Қорақалпоқ халқи санъатига деган эътибор дастлаб французлар тарафидан бўлган эди. 1995 йилдан бошлаб Тошкентда IFEAC/EHESS халқаро ташкилоти фаолият юритган даврда қорақалпоқларнинг маънавий ва моддий меросини ўрганишга маблағ ажратиб, йиғилган материаллар асосида француз журнали бир сонини махсус қорақалпоқлар тарихи, маданияти ва этнографиясига бағишлади [4]. Умуман олганда, XX асрнинг оҳирги ўн йиллигида, мустақилликга эришгач, қорақалпоқ халқининг этнографияси ўзига хослиги билан

Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларидагидан катта фарқ билан ажрилиб турарди. Жумладан, тарийхий ёдгорликлар, мъеморий санъат, фолклорда мусиқалар оҳанги, достонларда матн қурилмаси халқ ижодиётига ўзига хос жозиба бахш этади. Ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, XX асрнинг оҳирларидаёқ Қуйи Амударё минтақаси катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга эканлигини таъкидланган эди. Бу ердаги мавжуд туристик ресурслар нафақат маҳаллий, балки хорижий мамлакатлар сайёҳларини ҳәм қизиқтириши ҳисобга олиниб, бирқатор мъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган эди. Аммо, ҳозирги кунгча бундай имкониятлардан фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Иккинчи бир муаммо - Қорақалпоғистоннинг ноёб тарихий ва археологик худудини сақлаб қолиш, тарихий ва маданий меросни ўрганиш, шунингдек ички туризмни ва чет эл саёҳларини жалб қилишни ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон ҳудудида «Миллий тарихий ва археологик паркни яратиш» ишларини жадаллаштириш лозим бўлиб турибди. Чет эллик олимлар таклиф қилганидек, бой тарихий ўтмишга эга қадимги Қорақалпоғистон шаҳарларида этнопаркларни истиқболли ривожлантириш учун 5-10 қора уйдан иборат кичкина экзотик турар-жойларни ташкил этиш мумкин, улар таркибида хизмат кўрсатувчи ҳодимлар миллий либосларда, ноёб қорақалпоқ ҳунармандчилиги устахоналари мавжудлиги етарли. Мутахассисларнинг фикрига кўра, халқаро туризмни ривожлантириш лойиҳасида шаҳарга жаҳон сайёҳлик йўналишлари тизимига киришга имконини берадиган бир неча босқичлар кўзда тутилган. Улардан бири халқаро талабларга жавоб бериши керак бўлган авиация хизматидир. Махсус шартномалар асосида биз чет эллик шерикларнинг эътиборини туризм зонасини яратишга ва унинг самарали ишлаши учун қўшма халқаро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги долзарб бўлиб турибди. Чет эл ва маҳаллий саёҳларини диний, овчилик, экотуризм каби туризм йўналишлари ҳәм катта қизиқишини ортишига эътибор қаратиш лозим. Масалан, агар минтақамиздаги тарихий обидалар асосан чет мамлакатлар фуқароларини қизиқтирса, диний қадамжойлар маҳаллий туризм учун хизмат қилади. Шунингдек, Бадайтуғай, Борсакелмес давлат қўриқхоналари Орол ва унинг атрофи экотуризмни ривожлантиришга қулай, агротуризм нуқтаи назаридан қишлоқ аҳолисининг урф-одатлари, уй-жойлари, миллий таомлар ва ўйинлари ҳәм хорижий сайёҳларни қизиқтириши мумкин.

Кўриб турганимиздек, мустақилликнинг дастлабки йилларида Қорақалпоғистон Республикасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, минтақа аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор юқори бўлганлигини кўрамиз. Қорақалпоқ ҳалқининг моддий ва маданий меросига деган қизиқиш ушбу даврда бошланиб, мантиқий нуктаи назардан бугунги кунда республикамизнинг аграр минтақадан ривожланган саноат, ижтимоий-иқтисодий, транспорт-коммуникация инфратузилмаси бўлган минтақага айланишига асос солиб берди.

АДАБИЁТЛАР

1. Еркин Қарақалпақстан, 1997 йил, 13 сентябр.
2. Karrar H. The New Silk Road Diplomacy: Chinas Central Asian Foreign Policy since the Cold War. - Vancouver: UBC Press, 2010.
3. Richardson David, Richardson Sue. Qaraqalpaqs of the Aral Delta. Prestel Verlag. 2012.
4. Karakalpaks et autres gens de L'Aral. Entre rivages ET deserts // Cabiers d'Asie Centrale. IFEAC/EHESS. Paris. 2002. №10.

XX аср оҳирида қорақалпоқ халқининг маданиятига халқаро қизиқишнинг ортиб бориши
Генжемуратов Я. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада Қорақалпоғистоннинг маданияти ва унинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришга бағишланган даврий нашрлар ва илмий асарларнинг хорижий манбаларига тарихий тақризи кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: қорақалпоқ маданияти, халқаро мунасобатлар, хорижий манбалар, милийлик, маънавий мерос, саонот, музей, қадрият, анъана, фольклор, достон, милий либослар, қадимий ёдигорликлар.

Растущий международный интерес к культуре каракалпаков в конце XX века
Генджемуратов Я. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается исторический обзор зарубежных источников периодической печати и научных трудов, посвящённых развитию культуры Каракалпакстана и его международному сотрудничеству.

Ключевые слова: культура каракалпаков, международное сотрудничество, зарубежные источники, национальное, национальное наследие, искусство, музей, ценности, традиция, фольклор, эпос, национальные узоры, древние стоянки.

Growing international interest to the culture of the Karakalpaks at the end of the 20th century
Genjemuratov Y. Karakalpak State University

Resume. This article considers the historical-graphical review of foreign sources of periodicals and scientific works devoted to the development of the culture of Karakalpakstan and its international cooperation.

Key words: culture of the Karakalpaks, international cooperation, foreign sources, national, national heritage, art, museum, values, tradition, folklore, epos, national patterns, historical sites.

ФЕРҒАНАЛЫ ҚАРАҚАЛПАҚЛАРДЫҢ ҮРП-ӘДЕТ ДӘСТҮРЛЕРИ

[1]ПрекееваА., [2]ҚутлымуратовК., [3]ХожабаеваА.
[1]Өзбекстан мәмлекетлик көркем өнер ҳәм мәденият институты Нөкис филиалы.
[2]Қарақалпақ мәмлекетлик университети
[3]Ташкент мәмлекетлик шығыстаныў университети

Қарақалпақлар әййемнен Қубла Арал бойында жасап киятырған тили түркий тиллер шақабының қыпшақ диалектинде сөйлейтуғын халық болып есапланады. Олар қубла шығыс ҳәм қубла батыс Аралбойы аймағында әййемги дәўирлерден орта әсирлерге шекем жасаған бир неше этнослардың араласыўы нәтийжесинде

отырықшы халық болып қәлиплескен [1]. Қарақалпақлардың жасаў жағдайының хәр қыйлы себеплерине байланыслы Хорезмниң арқа батыс тәрепине Үстирт, Сарықамыс Узбой бойларына көшкен, бир қаншасы Волга бойларына барып Алтын Орданың қурамына кирген [2]. XIV әсирдиң ақыры XV әсирдиң басларында Алтын Орда ыдырап бир неше халықларға бөлинип кетеди. XV әсирдиң ақырында басқалар сыяқлы қарақалпақлар өзбек ханлығынан бөлинип шығады [3]. Бул дәўирде ноғайлар менен биргеликте аўқам болып жасайды. Орданың ханы Орманбеттиң қайтыс болыўы себепли үлкен апатшылық, ашаршылық жүз береди. Буннан Едил Жайықтан жәнеТуркстанға яғный Сырдәрья әтирапына көшип келеди. Бирақ жунғырлардың 1723-жылғы, 1743-жылғы Абылхайырханның Сырдәрья бойларындағы қарақалпақларға ислеген шабыўыллары себепли әйемнен ата-журты, ата-мәканына қайта баслайды. Жунғарлардың Сырдәрьяның орта ағысын басып алыўына байланыслы қарақалпақлар «жоқарғы» хәм «төменги» болып екиге бөлинеди [4]. Жоқарғы қарақалпақларға сол дәўирдеги Қоқан хам Бухара ханлығындағы қарақалпақлар, ал төменги қарақалпақлар Әмиўдәрьяның Арал теңизине қуяр аяғындағы жерлер де яғный Хийўа ханлығында, жасаған Қарақалпақлар киреди. Хәзирги дәўирде жоқарғы қарақалпақлар Ферғана, Андижан, Наманган, Самарқанд, Ташкент, Жиззақ хәм Қазакстан Республикасының Шымкент ўаәлаятында, Түркменстанның Гоне Ургениш районында хам Аўғаныстанда отырықшы турмыс кеширеди. XIX әсирде жасап өткен классик әдебиятымыздың көрнекли ўәкили Бердақ бабамыздың дөретиўшилигиндеги «Амангелди» дәстанында Қоқанд ханлығында жасап өткен Амангелди батырдың мәртлик ислери сөз етиледи. Сол дәўирде Қоқанд ханлығында қарақалпақлардың жасайтуғыны ҳаққында мағлыўмат болған.

Ферғана ойпатында жасайтуғын қарақалпақлардың тили ҳаққында Д.С.Насыровтың мийнетлеринде «бөлекленген сөйлесим» деп көрсетиледи. Насыров бул мийнетинде ферғаналы қарақалпақлардың тилиниң фонетикасына, лексикасына, морфологиясына тоқтап өтеди [5].Жоқарғы қарақалпақлардың ишинде миллий сана - сезимин ең жақсы сақлап қалған Наўайы ўәлаятының Кенимех районында жасайтуғын қарақалпақлар есапланады.

Олардың тили илимий жақтан үйренилди хәм илимде қарақалпақ тилиниң Кенимех сөйлесими деп дәлилленди [6]. «Биз сөз етип отырған дәўирде қарақалпақлардың Бухара (Кенимех, Нурата) хәм Ферғана топарлары өзиниң миллий сана-сезимин толық сақлап қалды» [7] - деген еди Л.С.Толстова.Қарақалпақлардың Ферғана ойпатына келгенине үш жүз жылдан аслам ўақыт болғанын Сырды жағалап келип усы жерге қоныс басқанын айтады (инф. Осербай Маматов 1941-жыл руўы қыпшақ, Такалик қишлоғи). Бурын бул жерлер пышық мурны батпастай қалың тоғайлық болған. Сол дәўирде ханлар усы жерге келип, шикәрга шығып кийиктиң текесин аўлайды екен. Қарақалпақлар қоныс басқан соң жерлерди өзлестирип егин егип, мал сақлап күнлетипти. Ханның ләшкерлери жерине халық көшип келгенлигин ханға жеткерипти. Хан олардан халықтың не менен шуғылланып атырғанын сорапты. Олардың жер ашып мал бағып атырғанынан хабар тапқан хан оларға зыян бермеўди буйырыпты. Сол себепли халық бул жерде мәкан басып жасап қалыпты.

Бул жаққа көшип келиўин «Алпамыс» дәстанындағы ўақыялар менен байланыстырады. Язяван районының Текелик аўылы үшке бөлинеди. Биринши Текелик аўылында қыпшақлар, екиншисинде ийириўши (қарақалпақлардағы шериўши руўы болыўы итимал А.П.), үшиншисинде қарақалпақлардың найман руўы да жасайды. Найманлар жасайтуғын Текелик Андижан ўәлаятына қараслы екен. Ийириўши қытайдың тәңки топарына киреди. Оның қызылаяқ, сарыаяқ, тобаяқ, майлыаяқ, қазаяқ, қарға аяқ, тобаяқ тирелерге бөлинеди.1926-жылғы халықтың есабын алыў ўақтында Ферғана округинде 1305, Зарафшан округинде 170, Самарқанд округинде 290, Ташкент округинде 137, Андижан 14043, Кенимех районында 5938, Туркменстанда 1537 қарақалпақ деп көрсетилген.Ҳақыйқатында да, ҳәзирги дәўирде Ферғананның Алтыарық, Таслақ районларында, Наманганның Пап, Төреқорған, Задаръя, Чимқорған, Қасансай, Үйши районларында, Андижанның Пахтаабад, Балықшы, Алтынкөл Избасқан, Андижан, Чинабад, Хожабад районларында қарақалпақлар жасайды. Кенимехли қарақалпақлардың тили илимде қарақалпақ тилинин Кенимех сөйлесими деп үйренилди. Ферғаналы қарақалпақлардың тили бойынша Д.Насыров өз мийнетлеринде «Изолированный говор» деп атап өткеняғный мәденият байланыслардың болмаўынан, мектеплерде билимди ана-тилинде алмағанлықтан олардың тилинде өзгешелик жүз бериўи тәбийий.Деген менен, Ферғаналы қарақалпақлар өзлерин қарақалпақша сөйлеймиз деп ойлайды. Үлкен жастағы адамлардың тилиниң фонетикасында «ж» менен сөйлеўи жилама, же, журсанми, жок түринде, сондай сингарманизм нызамы сезиледи. Интернет мағлыўматларын қарастырсақ, дүньяның барлық жерлеринде қарақалпақлар жасайтуғынын көремиз.

Ферғаналы қарақалпақлардын үрп-әдет дәстүрлериндеги атамаларға тоқтап өтсек. Жаўшы-қызды үйинен сорап барыўшылар жаўшылыққа баратуғын шаңарақты әбден сорастырады. Ҳәзирги күнде келинди жигит таңлайды лекин 70-80-жылларда бундай емес еди. Келинди үйдиң жасүлкенлери таңлаған. Қыздың үйин түп-тамырына шекем сорап семьясын үйренип болған соң ғана жаўшылыққа баратуғын болған. Жаўшылыққа да ким болса сол бара бермеген сол шаңарақтың жасы үлкенлери абыройлы, сөз аўзы дүзиў абройлы адамлар жиберилген. Қыз таман жаўшыларды (ҳәтте қызды бериў нийети болмасада) жақсылап күтип жиберилген. Жаўшылар бирер тағам менен мийман қылған. Көбинесе палаў, сорпа менен күтилген. Жаўшылыққа еки үш мәрте барылған

Ақ кийди – егер кыз тәреп разы болса жаўшылар ақ таўар, ақ сүп, ақ орамал еркек болса, ақ көйлек берилген. Усы дәстүр «ақ кийди» деп аталған. Бул келин күйеўдиң атастырылғанын билдирген.Атастырылған келин-күйеў қайынатасы хәм қәйненесиниң көзине көринбеген. Бул мәресимге 4 кисиден ибарат ҳаял кисилер келген. Келинниң шаңарақ ағзаларына сарпайлар алып келген.

Қуда қыпты – ал кейинги төрт түрдеги сарпай менен келген оған бир кийимлик көйлек, орамал ақ реңде болыўы керек мәси-геўиш әкелген. Сондай себетте пәтир шырмай нан, набат, ақ қант, чай, қой гөши, гүрш палаў ҳәм сорпаға керекли нәрселери менен келген. Зияпатқа әўел қайнатпа сорпа, кейин палаў тартылған. Қыз таман ҳәм күйеўге сарпайлар менен сол күни себетке пәтир, қатлама, сомса салып күйеўдиң үйине барған. Бул қарақалпақстанлы қарақалпақларда «*қуда түсти*» деп аталады. Бирақ ферғаналы қарақалпақлардың дәстүрлеринен өзгешеленеди.

Көрпе хашар – усы арада келин ҳәм күйеў тәрепте көрпе төсек ислеўге «*көрпе ҳашар*» мәресими өткизилген. Бул еки қуданың келисиўи тийкарында исленген. Мәселен; келин тәрепте болса күйеў тәрептен ўәкиллери келип көрпеге салатуғын пахта ҳәм қой гөши ҳәм гүриш алып барған. Буннан тысқары сабаў (galtak) көрпеге ийне оймақ әкелген.Бул мәресимге 30-40 қа шамалас ҳәр қыйлы жастағы ҳаяллар қатнасқан.

Пәтия той – еки қуданың келисиўи менен пәтия той күни белгиленген. Бир күн бурын күйеў тәреп келинниң үйине бир қой менен палаў ҳәм сорпа ушын керекли затларды таслап кетеди. Қыз тәрепте қой сойылып таярлық көриледи. Басқа да дастурханға қойылатуғын затлар пәтия той күни қудалар тәрепинен алып барылған. Қудалар кеминде 20 адамнан ибарат ҳаял-еркеклерден ибарат туўысқанлары болған. Келин тәреп 30-40 адам қудаларды күткен. Қудалар менен биринши көрискен адам олардың маңлайына ақ ун жағып қойған. Кейингилери қудалар қолына ширинликлер берген. Қудалар киретуғын үйге пайандоз (паяндоз мақпал ҳәм ақ сүп болған) төселген. Қудалар төрге отырғызылған ҳәм әдираспан түтеткен кейин қолына суў қуйылған.

Биз материаллар жыйнаған Язяван районының Текели қышлағында жасайтуғын қарақалпақлардың жасы үлкен адамлардың тилинде сингорманизм яғный даўыслылардың үнлесиўин сезиўге болады: *күлшө, зағара күлшө, Осөрбай, бар будум шукур, же, жур, отуриш* (отырыспақ). Сондай-ақ, *жер, жейсенми, жылама, журсаң ма* сыяқлы сөзлерди өзбек тилинде сөздиң басында келетуғын *й* сесиниң орнына *ж* сесиниң қолланылыўы көзге тасланады. Бизиң адамлар *ж* ны копрақ ишлатар идик. Ҳәр қыйлы дәўир дағдарыслары себепли халқымыз ҳәр тәрепке қарап көшкен. Ҳәр бир руў-қәўимлер өзлерине қолай жерлерге қоныс басқан. Сол мәканларда жасап қалған. Олардың тили ҳәм мәденияты жасап атырған орталығының тәсири болған.

Жоқарыда Қарақалпақстаннан сыртта Ферғана ўәлаятының Язяван районында жасайтуғын қарақалпақлардың үрп-әдетлерине байланыслы атамаларды көрип өттик. Кенимех районының қарақалпақлары Қарақалпақстанға аймақлық жақтан жақын болғанлықтан ҳәм мәдений қатнасықлар болып турғанлықтан, ғәресизликтен соң қарақалпақ мектеплерин ашты. Олар ҳәзир өзлериниң ана тилинде билим алмакта. Кенимехли қарақалпақлардың тили илимде қарақалпақ тилиниң Кенимех сөйлесими деп үйренилди. Ал, Ферғаналы қарақалпақлардың тили Д.Насыров өз мийнетлеринде «Болекленген сойлесим» деп атап өткен. Олардың халқымыздан бөлекленгенине үш-төрт әсир болған. Ферғаналы қарақалпақлар тилиндеги өзгешелик қарым қатнастың кем болыўынан ғалаба хабар қураллары радио-телевидение, газета-журналлар яғный мәденият байланысларын болмаўынан, мектеплерде билимди ана –тилинде алмағанлықтан, олардың тилинде өзгешелик жүз бериўи тәбийий.Лекин,Ферғаналы қарақалпақлардың жасы үлкен әўлады озлерин қарақалпақша сойлеймиз деп есаплайды.Деген менен, жоқарғы қарақалпақлар тиллериндеги өзгешелик рән-бәреңе этнолексиканы пайда еткен.

Жуўмақластырып айтканда, тил бизге ана тәбияттың берген инәмы, сонлықтан жергиликли тил өзгешеликлерин изертлеў тил билиминиң әхмийетли ўазыйпаларының бири. Жоқарғы қарақалпақлар жасайтуғын аймақлардан олардың тилинен баҳалы материаллар жыйнаў, тиллик өзгешеликлерди үйрениў, ҳәзирги қарақалпақ әдебий тилине ҳәм диалектине сондай-ақ, қоңсы отырған өзбек, қазақ, қырғыз тиллерине салыстырмалы түрде изертлеў арқалы ондағы тиллик өзгешеликлерди көрсетиў, илимий айланысқа түсириў бүгинги күнниң ең әҳмийетли актуал мәселелериниң бири деп есаплаймыз.

Түркий тиллериниң диалект ҳәм сөйлесимлери кең түрде изертленген «Ал қарақалпақ тилинин диалектлик өзгешеликлери толығы менен изертлеп болынғаны жоқ. Диалектлер изертлеў объектинен шетте қалып келди» [8]. Сонлықтан бул мәселе қарақалпақ диалектологиясының шешимин күтип турған мәселелери деп есаплаймыз.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. –Нөкис: Қарақалпақстан, 2003. – 10- б.
2. Жоқарыдағы аты аталған мийнетте 14-бет.
3. Федоров-Давыдов Г.А. Общественный строй Золотой Орды. –Москва,1973.-106-б.
4. Камалов С. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиўи ҳәм оның мәмлекетлигиниң тарийхынан // ӨзРИАҚҚБ Хабаршысы. –Нөкис, 2001. Б. 23.
5. Насыров Д.С. Становление карақалпакского общенародного разговорного языка и его диалектная система. Нукус-Казань: Каракалпакстан, 1976. - 288 б.
6. Прекеева А. Конимех қоракалпоқлари шеваси: Филол. фан. ном. дис. ... автореф. –Нукус, 2012. – 19 б.
7. Толстова Л.С. Жоқары қарақалпақлар. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1975. – 158 б.
8. Қурбанбаева Б.Р. Қарақалпақ тилиниң қубла диалектинде сөзлердиң жасалыўы ҳәм морфологиялық өзгешеликлери. Монография. –Ташкент, 2020. – 159 б.

Фарғоналик корақалпоқлари ва уларнинг урф-одатдари

[1]Прекеева А. Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти Нукус филиали

[2]Қутлымуратов К., Қарақалпақ мәмлекетлик университети

[3]Хожабаева А. Тошкент давлат шарқшунослик университети

Резюме. Мақола Фарғона вилояти Язеван туманида истиқомат қилувчи қорақалпоқ миллати вакилларининг қиз чиқариш ва никох туйларига алоқадшр этнолексикага бағишланади.

Калит сўзлар:туркий сўзлар,қорақалпоқ тили,диалектология,диалект,юқори қорақалпоклар, ажралган шева, Конимех шеваси,Фарғаналик қорақалпоқлар, этнолексика.

Ферганские каракалпаки и их традиции

[1]Прекеева А. Нукусский филиал Узбекского государственного института изобразительного искусства и культуры
[2]Кутлымуратов К. Каракалпакский государственный университет
[3]Ходжабаева А.Ташкентский государственный университет востоковедения

Резюме. Статья посвящена этнолексике обрядов – провод невесты и свадьбы каракалпаков, живущих вдали от Каракалпакстана - в Язяванском районе Ферганской области.

Ключевые слова:тюркские языки,каракалпакский язык,диалектология,диалект, верхниекаракалпаки,изолированный говор,кенимехский говор,ферганские каракалпаки,этнолексика

Fergana Karakalpaks and their traditions

[1]Prekeeva A. Nukus Branch of the Uzbek State Institute of Fine Arts and Culture
[2]Kutlymuratov K. Karakalpak State University
[3]Khodjabaeva A. Tashkent State University of Oriental Studies

Summary: This article is devoted to the ethnolexics of the wedding ceremonies of the Karakalpaks living far from Karakalpakstan - in the Yazyavan district of the Fergana region.

Key words: the Turkic languages, the Karakalpak language, dialectology, dialect, upper Karakalpaks, isolated dialect, Kenimekh dialect, Ferghana Karakalpaks, ethnolexics.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ ДЕПУТАТИ- ВАКИЛЛИК ОРГАН АЪЗОСИ

Матирзаев У.С.
Қорақалпоқ давлат университети

Ҳозирги давр ҳуқуқий-демократик жамиятида халқ–давлат ҳокимиятининг ягона манбаи эканлиги тан олинган. Албатта, халқ ҳокимияти ва демократия ғоялари халқнинг ўзи томонидан шакллантириладиган давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи ҳисобланган парламент орқали амалга оширилади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Демократия қаердан бошланади – парламентдан бошланади», – деган эди[1,3].Депутатлар халқнинг ҳокимият вакиллик органларида фаолият юритувчи тўлақонли вакилларидир. Республикамиз мустакиллигини мустахкамлашда, хуқуқий давлат куриш жараёнида, жамият тараккиётида тўлик мазмундаги демократияга эришишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатирининг фаолияти мухим аҳамият касб этади. Жўқорғи Кенгес туб хуқуқий мохияти билан вакиллик органи хисобланиб, аввало ташкил бўлишида, Ўзбекистон фукароларининг бевосита иштирок этишида яккол куринади. У депутатлар орқали ўзида вакиллик ва бевосита демократия хусусиятларини мужассамлантира олади, таркибида иш олиб борувчи депутатлар фуқароларнинг вакилидир, улар ўз ваколатини сайловчилардан олади, улар номидан иш олиб боради. Сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятида бевосита иштирок этади. Жўқорғи Кенгес депутати фуқароларнинг вакиллик органдаги вакили сифатида, ўз фаолиятларини бевосита сайловчилар билан хамкорликда олиб боради.

Профессор О.Т.Хусанов таъкидлаб ўтганларидек, «Депутатлар бор махорат, билим ва тажрибаларни ишга солиб, сайловчилар, халқ, худудий ва партиявий манфаатлар муштараклигига эришишни кўзлаб фаолият олиб борганларидагина асосий мақсадга эришиш мумкин. Шунинг учун халқ олдидаги жавобгарлигини хис этиб, уларни талаб-истак, хохишларини рўёбга чикаришда иштирок этиши ўларнинг асосий бурчидир» [2,3]. Хорижий мамлакатлар парламент аъзолари фаолияти тахлили шуни кўрсатадики, бу аввало депутат билан бевосита боғлик булган парламент. Парламентнинг шакллантирилиши, кандай кишилар депутат бўла олиши мумкинлиги мухим ахамият касб этади. Бунинг боиси жамиятдаги хар қандай фуқаро хам бунга лойик деб топилмайди,чунки хорижий мамлакатлар парламентларига депутат булишда хар кайси давлат конунчилигида ўзига хос тартиб коидалар белгиланган ва ушбу талабларга жавоб берган фукаро депутат бўлиб сайланиши мумкин. Депутат (лот. Deputatus – вакил килинган, йулланган)-конун чикарувчи яки бошка вакиллик органига белгиланган тартибда аъзо килиб сайланган шахс [3,39], деб таъриф берилади. Депутат фаолияти ва вазифалари хусусида илмий адабиётларда турли тушунчалар, таърифлар берилган. Жумладан, «Конституциявий хуқуқ (изохли лугат)» да куйидаги таъриф келтирилган: «Депутат – давлат хокимияти вакиллик органларида иш олиб борувчи халк вакилидир. У сайлов йули билан сайланиб, халқдан тегишли органларда иш олиб бориш учун ваколат олади. Депутатлар маълум муддатга сайланадилар» [4,150]. Депутат вакиллик органлари ва сайловчилар билан мунтазам равишда ўзвий олакада бўлади ва шу аснода белгилаб куйилган муддат мобайнида фаолият олиб боради.

Депутат – бу сайланган шахс бўлиб, халк талабларини маҳаллий ўзини бошкариш органларида бажарилишини таъминловчи вакилдир [5,131]. Бу таърифга мувофик, депутатлар фақатгина маҳаллий ўзини ўзи бошкариш органларида ўзи учун овоз берган сайловчиларнинггина талаб ва қохишларини бажариши лозим бўлиб қолади. Бу эса депутатларнинг бутун ҳалк манфаатларини ифодаловчи шахс сифатида берилган таърифга мос келмайди.Депутат фаолияти мазмуни ўзига хос жихатлари билан тубдан ажралиб туради: депутат

сайланадиган шахс, у ўзи сайланган сайлов округи худудида яшовчи фукаролар манфаатларини химоя килади, у ўз сайловчиларининг вакили сифатида тегишли вакиллик органларида иштирок этади.

«Юридик атамалар қомусий лугатида» куйидаги таъриф келтирилади: депутат – ахолининг бир кисми, маълум бир миллатлар ва халкларнинг сайлов органи вакилининг ёки халқлар ва миллатлар барчасининг қонунчилик, вакиллик ёки бошка ўзини-ўзи бошқарув органига сайлаб қойиладиган вакили бўлмиш шахс. Депутат вакиллик органида профессионаллик асосида доимий ишловчи ва профессионал бўлмаган асосда асосий иш жойидан ажратилмаган ҳолда ўз фаолиятини олиб борадиган муваккат ишловчи депутат макоми конституция ва конунчилик томонидан ўрнатилади»[5,131].Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шундай хулоса чикариш мумкинки, депутат биринчи навбатда ўзини сайлаган сайловчилари олдида, қолаверса бутун халк олдида маъсулдир. Депутат ўз фаолиятини профессионал тарзда олиб борар экан, хуқуқий, ижтимоий, сиёсий жараёнлардаги муносиб иштироки билан фукаролар ишончини оқламоги лозим. Хар кайси депутат ўзининг шаъни, бурчи ва қадр – кимматини англаши, шу хусусиятларни амалиётда намоён қилиши лозим. Бизнинг пикиримизча, депутатлар хуқуқий макомини белгилаб берувчи қонунларимизга депутатнинг кимлигини англатувчи якдил таърифни киритиш мақсадга мувофик деб уйлаймиз.Жумладан: Депутат - давлат хокимияти вакиллик органларига сайловчилар томонидан бевосита сайланадиган хамда ушбу органлар ваколатларини амалга оширишда иштирок этадиган, бутун халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи масъул шахсдир.

Замонавий депутат ўз ишига фидойи, улкан маънавият эгаси, билимли, илғор дунёкарашли булиб, Ватан, халк, мустакил ривожланишимиз манфаатига сидкидилдан хизмат килади. Депутат миллат ва халкнинг солоҳияти ошишига самарали таъсир кўрсатади. доимо ватан билан бирга бўлиш, кийинчиликларни биргаликда енгиш, эришаётган ютукларидан қўвониш, унинг ор-номуси, кадр-киммати учун курашиш хар бир депутутатнинг бурчидир. Депутатнинг энг катта душмани – эътиборсизлик, лойқайдлик, вокеликдан ўз вактида огох бўлмасликдир[6,3]. Ҳозирги вактда фукаролик жамиятини жадал шакллантириш хар бир депутатнинг давлат ва ҳокимият тўзилмалари устидан жамоатчилик назоратини олиб боришдаги иштироки, қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш ва мустахкамлаш, давлатимиз фукароларининг хуқуқ ва эркинликларини кафолатланишига кенг имконият яратади.

Депутатлик фаолияти, турли давлатлар парламентларида ўзига хос ҳусусиятларга эга булиб, тарихий, миллий жихатлар, давлатнинг бошқарув ҳамда тўзилиш шаклига, парламент шаклланиши ва фаолиятига асосланган. Маълумки, депутатлар мандатининг ўзига хос куринишлари, мандатлар ўртасидаги ўзаро ўзвийлик, уларнинг бир-биридан фарқланувчи ҳусусиятлари мавжуд. Парламентаризмнинг ривожланиш тарихидан маълумки, депутатлар мандатининг асосан икки тури: яъни императив мандат ва эркин мандат билан фаркланган. Мандат тушунчасига тўхталадиган булсак, Мандат (лот. Mandatum – топширик) [7,14], депутатнинг ўз ваколатлари ва ҳуқуқларини амалга оширишини кафолатловчи хужжатидир.Депутат мандати муаммоси депутатнинг парламент аъзоси сифатида кимнинг хохиш-иродасини ифода этиши, парламент, унинг палаталари қарорларини кабул қилишдаги бевосита иштироки билан, сайловчилар манфаатларини химоя қилиши билан бевосита боғлиқ. Парламентдаги фаолияти учун депутат ўз сайловчилари олдида хуқуқий жавобгардир.Сайловчилар депутатларга ижро этишлари лозим булган йул-йуриклар бериш ва баъзи холларда уни чакириб олиш масаласини куйишлари мумкин.

Машхур Француз мутафаккири Ж.Ж.Руссо «Халк депутатлари халқнинг бевосита вакили була олмайдилар, улар фақат ундан ваколат олган кишилардир» [8,222], деб ўз даври депутатлари фаолиятига бахо берган.Императив мандат принципи 1871 йилги Париж Коммунасининг тажрибасига таяниб, мазкур тажрибани ўзконун хужжатларида мустахкамлаган собик социалистик мамлакатлар парламентлари фаолиятида этироф этилди. Париж Коммунаси жамиятни сиёсий ташкил этишнинг шундай бир янги типини шакллантирдики, унда депутатлар ўз сайловчиларининг йул-йурикларига катъий риоя қилишлари лозим ва ис-талган вактда алмаштирилишлари мумкин эди [9,637]. Аммо, социалистик тўзум шароитида жамият хаётига мансуб муаммоларни тез хал қилишга кумаклашмайдиган, давлат хокимияти конун чикарувчи органининг ижодий фаолиятини бугадиган императив мандат тўгрисида сўз юритиш учун хеч кандай асос йук, деган карашлар хуқуқшунос олимлар орасида мавжуд эди [9,638]. Шунга карамай, депутатлар ва сайловчиларнинг ўзаро муносабатлари хусусияти собик Иттифоқ даврида сайловчиларнинг ўздепутатларига йул-йуриклар бериш, шунингдек сайланган депутатларни чакириб олиш, уларнинг хисоботларини тинглаш имкониятлари конун хужжатларида мустахкамланиши билан белгиланар эди. Шундай қилиб, тоталитар тўзум депутат императив мандатининг мустабидсиёсий тўзум шароитларида кўп жихатдан расмий хусусиятга эга бўлган уч институт: депутатларни чакириб олиш хуқуқи, депутатларга йул-йурклар бериш ва уларнинг хисоботларини тинглаш хуқуқини ўз ичига олган.

Украина Республикасининг «Украина халк депутата макоми туғрисида»ги конунига мувофик[7,15], депутат ўз округидаги сайловчилар олдида жавобгар хамда хисобдордир, агар у сайловчилар ишончини козонолмаса, қонунда белгиланган тартибда парламентдан чакириб олинади. Демак, Украина Республикасида айнан императив мандатнинг куринишлари мавжуддир. Депутатлар сайловчилар томонидан берилган топширикларни ўз вақтида бажаришга мажбурдирлар.

Императив мандат мазмуни ва моҳиятини Россия Федерацияси олими юридик фанлари доктори, профессор С.А.Авакьян шундай таърифлайди:»Императив мандат шароитида уни тавсифлайдиган учта элемент булиши мумкин: сайловчиларнинг наказлари (топшириклар), депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги хисоботи,

сайловчилар томонидан депутатнинг чакириб олиниши»[10,232]. Профессор С.А.Авакьяннинг фикрларида ноаникликлар мавжуд булиб, юкорида келтирилган учта элементларнинг барчаси императив мандат учун мажбурийми ёки уни тавсифлаш учун улардан биттаси етарлими, деган муаммони вужудга келтиради.

Н.М.Исмоилов фикрича: «Парламент депутатлари императив мандатга эга буладилар, яъни улар ўзларининг сайловчилари олдидагина жавобгар хисобланадилар. Бу усул, жумладан собиқ тоталитар тўзум даврида хам кулланилар эди. Мен ўзим 1985 йилда туман Кенгаши депутатлигига сайланадиган вактимда сайловчиларим бизга магазин куриб берасиз, деб курсатма берган. Сайланганимдан сунг бу топширикни бажармаганман. Аммо бундай усул жамиятга катта фойда келтирмайди. Шунинг учун хам эндиликда, мустакил Ўзбекистонимизда депутатларнинг мандати эркин хисобланади»[11,4]. Аммо, шуни эътироф этиш керакки, амалда хозиргача депутатларни чакириб олиш туғрисидаги конун қўлланилмокда.

Тадкикотчи хуқуқшунос Е.И.Колюшиннинг эътирофига кура, «Шўролар даврида халк депутати императив депутат мандатига эга бўлган» [12,248]. Юридик фанлари доктори О.З.Мухаммаджановнинг таъкидлашича, айни холда императив мандат инкор этилишига карамай, унинг ўрнига депутатни партияга тобе килиб куядиган, унга ўз виждони ва эътикодларига мувофик, партия манфаатларидан эмас, балки миллий манфаатлардан келиб шихиб иш тутиш имкониятини доим хам беравермайдиган партия мандати этироф этилади. Бу жуда мураккаб муаммо булиб, партия аъзосининг махомини белгилайдиган конун хужжатларида ўз ечимини топиши лозим[13,175]. Императив мандатни кенгрок, яъни парламент аъзосининг ўз сайловчиларининг тугридан-тугри билдирилган хохиш-иродасини бажариши, қолган холларда эса эркин харакат қилиш мажбурияти деб тушунган тақдиримизда ҳам императив мандат ғояси жиддий эътирозлар туғдиради. Парламент аъзоси ўз сайловчиларининг хохиш-иродасини миллий манфаатларга зид деб топса, у мазкур хохиш-иродани бажариши ёки истеъфога чикиши ёки булмаса чакириб олиниши лозим.

Америка Кушма Штатларида, деб таъкидлайди тадкикотчи А. Токвиль,"Сайловчилар депутатни сайлагач, уни ўз режалари билан таништириб депутат бажариши лозим булган аник вазифаларни юклашади. Сайловчилар депутатларни мамлакатнинг равнаки йулида кандай ишлар қилишини топшириш билан биргаликда, ўзларининг шахсий эхтиёжларини бажаришига ҳам умид килади» [14,194]. Куриниб турибдики, сайловчилар ўз манфаатларини билдиришлари билан биргаликда мамлакатнинг ривожига ўз хиссаларини қўшиш умидлари борлигини намоён этиб турибдилар.

Шунингдек,Н.М.Исмоиловнинг такидлашича, «Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг парламентларида депутатлар одатда профессионал тарзда иш олиб борган холда, эркин мандатга эга буладилар. Бундай депутат мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларини ифодалайди ва ўз сайловчиларнинг иродасига бевосита тобе ҳисобланмайди»[11,2]. Депутатларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишда биринчи навбатда ўз имкониятларидан тўлик фойдаланган ҳолда, ўз нуктаи - назари, ўзининг мустакил фаолият йуналишларини аник белгилаб олган холда фаолият юритадилар. Дарҳакикат, депутатлар ўз вазифаларини қанчалик ишонч биланбажарар эканлар, уларга шунчалик сайловчилар томонидан хурмат, ишонч кучаяди.

Аксарият ривожланган мамлакатларда депутатлар эркин мандатга эга: ўлар бутун миллат, халк вакиллари хисобланадилар, хеч ким уларга ижро этишмажбурий булган йул-йуриклар беришга хакли эмас; улар муддатидан илгари чакириб олиниши мумкин эмас[15,243].Эркин депутат мандатининг мазмунини умумий тарзда куйидагича тавсифлаш мумкин: а) мандат умумий хисобланади (яъни сайлов округлари буйича сайланган депутатлар бутун миллат номидан иш куради); б) мандат императив эмас, балки факультативдир, чунки уни амалга ошириш мажбурловдан холи (депутат ўз сайловчиларининг фикрини эътиборга олиши шарт эмас); в) мандат чакириб олиниши мумкин эмас; г) мандат ўзини амалга оширишда мандатни берувчининг харакатларини маъкуллашни талаб этилмайди (депутатларнинг хохиш-иродаси халк хохиш-иродаси билан бирлиги шоқ-шубхасиздир).

Шу билан бирга, эркин депутат мандата принципини мутлаклаштириш ҳам максадга мувофик эмас. Бу ўринда партия рўйхатлари бўйича сайланган депутатлар парламентда овоз беришда купинча, хатто улар курилаётган масала юзасидан бошкача фикрга эга булган холларда хам партия тизомига буйсуниб, ўз фракциясининг йуригида юришга мажбур бўлишларини эътиборга олиш лозим.Масалан, Хиндистонда нафакат партиядан ўз ихтиёрига кура чикиш. балки ўз бошимчалик билан овоз бериш ёки партия курсатмасига зид равишда овоз беришлик хам депутатлик мандатини бекор қилиш учун асос булиши мумкин[16,505].Депутатнинг партияга тобелиги масаласини хал қилишга нисбатан мазкур ёндашувни ижобий холат деб булмайди. Зеро, айни холда императив мандат инкор этилишига карамай, унинг урнига депутатни партияга тобе қилиб куядиган, унга ўз виждони ва эътикодларига мувофик, партия манфаатларидан эмас, балки миллий манфаатлардан келиб чикиб иш тутиш имкониятини доим хам беравермайдиган партия мандати эътироф этилади.Эркин депутат мандати концепциясини ёклаб Россия Федерацияси хуқуқшунос олими А.В.Зиновьев депутатларнинг хуқуқий макомини илмий урганиб, шундай хулосага келади: «Эркин мандат» жуда хам демократик бўлиб, депутат ўз сайловчилари олдида хеч кандай мажбуриятга эга эмасдир, шу ўринда сайловчилар ҳам депутатни ортга чакириб олиш хуқуқидан махрумдирлар. Хеч нарса деб булмайди!. Депутатлар иши учун яҳшигина пул олишади ва улар хар кандай мажбуриятлардан холидирлар»[17,184].

Маълумки, чакириб олиш хуқуқидан сайлов эркинлиги зарар куради. Сайловчилар депутатни сайлашар экан, унга ишонч билдиришади. Шундай булсада, 1999 йил 23 июнда кабул килинган «Россия Федерацияси Федерация кенгаши аъзосининг ва Давлат Думаси депутатининг хуқуқий макоми туғрисида»ги Федерал Конунида депутатнинг чакириб олиниши кўзда тутилмаган. Парламент аъзоларининг бундай муносабати улар ўз сайловчилари олдида хеч кандай мажбуриятга эга булгиси келмаётганлигини курсатади[18,28].Россиялик

хуқуқшунос олим Н.В.Витрукнинг фикрига кура[19,7], «Россия Федерацияси субъекти давлат хокимияти вакиллик органлари депутатларининг мандати ярим эркин хисобланади. Депутат сайловчиларнинг курсатмаларини бажаришга мажбур эмас, лекин шу билан бирга депутатнинг ўз мажбуриятларини бажармаганда уни чакириб олиш ҳуқуки мавжуддир. Депутатни чакириб олиш, унинг ўз вазифаларини бажармаган, депутатлик шаъни ва одобига дог туширган холларда хамда сайловчилар билан алокани ўзган пайтдан бошланиши мумкин».Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатининг мандати мазмуни борасида конунларимизда аниклик киритиш талаб этилади. Депутат мандатининг эркинлиги ёки императивлиги хусусида норма конун ҳужжатларида мустахкамланмаган. Мамлакатимизда 1996 йил 28 июнда кабул килинган, «Қорақалпоғистон Республикаси депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида» ги конуннинг кабул килинганлиги, императив маидатнинг ҳусусиятларини намоён этади. Депутат хам халк билан, хам сайловчилар билан доимий муносабатда буладилар.Жўқорғи Кенгес депутати хозирги кунда кандай мандат асосида фоалият олиб боришини аниклаштириш лозим. Шу максадда, «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатининг мақоми тўғрисида»ги конунга депутатлик мандатини белгилаб берувчи аник коидани киритиш лозим. Бизнинг фикримизча, депутатлик мандатини «ярим эркин мандат» сифатида белгилаб куйиш, максадга мувофик деб уйлайман. Чунки, бизнинг амалдаги конунларимизда хам императив мандатнинг, хам эркин мандатнинг асослари мавжуд. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатининг мақоми тўғрисида»ги конуннинг 7- моддасида, депутатларнинг сайловчилар олдида ахборот бериб туриши бевосита эркин мандатни ифодаласа, ушбу модданинг ўзида, сайловчиларнинг ишончини оклай олмаган депутат конунда белгиланган тартибда чакириб олиниши мумкин, деб белгилаб куйилган. Бу эса императив мандатнинг куринишини ифодалайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. // [Электрон манба]. - Кириш тартиби: - URL: http://parliament.gov.uz/uz/events/other/22842/ (мурожаат вақти: 22.07.2017).
2. Ҳусанов О.Т.Ваколат ва маъсулият. // Ҳаёт ва қанун.2005. №1.-Б. 3.
3. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луҳат).Азизхўжаев А…,Ҳусанов О.Азизов Х.-Тошкент:ИИВ Академияси.2001.-39 б.
4. Выдрин И.В.,Кокотов А.Н. Муниципальное право России. –М.; !997.-С.150-151.
5. Юридик **атамалар** комусий лугати. Маъсул мухаррир: **Рахмонкулов Х.Р.** Адабий мухаррир: ЭшпулатовА. – Тошкент: «Шарк», 2003,- 131 б.
6. Мустафоев Б.,**Назаров К.**Ким депутат булиши мумкин? –Тошкент: ТДЮИ. 2004. 3 б.
7. Қаранг: \vww.5 ballov.ru
8. Руссо Ж.Ж. Трактаты. –Москва, «Наука», 1969. -222 с.
9. Конституционное право России. В 3-х томах. –М.: «Юристь», 2001.- 637-638 с.
10. Авакьян С. Федеральное собрание- парламент России,–М.: «Российский юридический издательский дом»,232 с.
11. Исмоилов Н**.** Депутатлик халк ишончи демакдир. –Ўзбекистон овози. 2004. **16**ноябрь.
12. Колюшин Е.И. Конституционное (государственное) право России. –М.: «Юристь». 1999. -248 с.
13. Мухамеджанов О. 3. Ўзбекистон Респубдикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий - хукукий асосларини шакллантириш. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияси . –Тошкент: 2004,- 175 б.
14. Токвиль А. Демократия в Америке. –М.: 1992,- 194 с.
15. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. –М.: «Зерцало». 1997,- 243 с.
16. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Обшая часть. 3-е издание. Тома 1-2.М.:БЕК. 1999,- 505 с.
17. Зиновьев А.В. Конституционное право России. –М.: СПб. 2000. -184 с.
18. Мальцев Г.. Экимов А. Бу дет ли настоящий парламент? //Народный депутат. 1992. - №7. - С.28-29.
19. Российская газета 1997. 15 январь

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати- вакиллик орган аъзоси
Матирзаев У.С.Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати вакиллик орган аъзоси тушунчаси мазмуни ва моҳияти тадқиқ қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатирининг фаолияти мухим аҳамияти ҳар томонлама таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: депутат, қонун, фукаро, худуд, парламент, жамият, мандат, императив, принцип.

Депутат Жокоргы Кенгеса Республики Каракалпакстан - член представительного органа
Матирзаев У.С. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье исследуются сущность и содержание депутата – члена представительного органа Жокаргы Кенгеса Республики Каракалпакстан. Всесторонне проанализирована значимость деятельности депутата Жокаргы Кенгеса Республики Каракалпакстан.

Ключевые слова: депутат, закон, гражданин, территория, парламент, общество, мандат, императив, принцип

Deputy of the Jokargy Kenges of the Republic of Karakalpakstan is a member of the representative body
Matirzaev U.S. Karakalpak State University

Summary. The article examines the essence and content of the deputy – a member of the representative body of Jokargy Kenges of the Republic of Karakalpakstan. The significance of the activities of the deputy of Jokargy Kenges of the Republic of Karakalpakstan has been comprehensively analyzed.

Key words: deputy, law, citizen, territory, parliament, society, mandate, imperative, principle.

УДК 1:28(093)

ИРФОНИЙ БИЛИМЛАР РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Исақова З. Р.
Наманган давлат университети

Кириш (Introduction). Ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ривожи ва тараққиётида унинг келажагини белгилашда маърифий, маънавий, тарихий меросга эътибор қаратилади. Буюк тарих, юксак маънавий мерос фаровон келажак учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг «Ҳаракатлар стратегияси»даги устувор йўналишлар тизимида маънавий меросга эътибор янгича муносабатни талаб этди. Шу маънода, ирфон ва унинг Шарқ фалсафий тафаккури ривожидаги ўрни масаласига ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида тадқиқот ишларини миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида илмий ёндашилдики, комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби альтруистик, олийжаноб фазилатлар Шарқ фалсафий тафаккурининг негизини ташкил қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). X-XIII асрларда яшаган мутасаввифларнинг ирфоний-фалсафий қарашлари қўлёзма асарларда баён этилган. Мутафаккирларнинг ижоди, таълимотларининг айрим жиҳатлари соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, тасаввуф таълимотининг мазмун-моҳияти, ирфоний билимлар ривожининг ўзига хос жиҳатлари, набийлик ва валийлик парадигмаси масалаларини ёритишда шарқшунос олимларнинг фундаментал тадқиқотлари, жумладан, Э.Бертельс, А.Кныш, Р.Никольсон, И.Петрушевский, М.Массигнон, Ж.С.Тримингэмнинг монографиялари муҳим методологик асос бўлди. Хорижий мутахассис олимлар томонидан тасаввуфнинг фалсафий жиҳатлари, ирфоний билимлар ривожининг генезиси тариқат, ҳол, мақомот ҳақида М.Степанянц, Б.Радтке, А.Арберри, А.Гўлпинорли, А.Афлокий, У.Турар, А.Зарринкўб каби олимлар томонидан олиб борилган монографик тадқиқотлар маълум даражада мавзу доирасидаги ирфоний билиш гносеологияси тадқиқига доир муаммоларни очиб беришда муҳимдир. МДҲ мамлакатлари олимлари А.Кныш, М.Мухаммедходжаев, А.Смирнов, Е.Фролова, А.Хисматулин тадқиқотларида тасаввуфнинг фалсафий-ирфоний таҳлили, жумладан, тасаввуф онтологияси, гносеологияси, комил инсон ғоялари турли аспектда таҳлил этилган. М.Мухаммедходжаев тасаввуф гносеологиясининг фалсафий асосларини тадқиқ этган бўлса, Е.Фролова араб-ислом фалсафаси тарихи ва гносеологик аспектларини ўрганган. А.Смирнов Ибн Арабийнинг «Фусус ал-ҳикам» асарини парадигматик таҳлил этган. А.Кныш тариқатларининг ривожланиш тенденциялари, хусусиятлари ва тарихини ўрганган. АХисматулин Абу Ҳомид Ғаззолийнинг асарларини таржима қилиб, шарҳ ва изоҳлар билан бойитган. Юртимиз олимлари И.Мўминов, М.Болтаев, М.Хайруллаев, Ҳ.Аликулов, Р.Носиров, Б.Тураев, Қ.Назаров, Ш.Мадаева томонидан Шарқ фалсафаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилган.

Истиқлол йилларида тасаввуф ва тариқатлар тарихи йўналиши доирасида махсус тадқиқотлар олиб борилган. Н.Комиловнинг тасаввуф ва тариқатларнинг тадрижий ривожи, тасаввуф истилоҳларининг ирфоний моҳияти, Г.Наврўзованинг тариқатлар ривожида нақшбандия тариқатининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни, Р.Шодиевнинг Марказий Осиё тасаввуфий таълимотлар генезиси таҳлили, О.Шариповнинг Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ахлоқий-фалсафий қарашлари ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, Ж.Холмўминовнинг тасаввуф фалсафасининг келиб чиқиши ва «ваҳдат ул-вужуд» таълимотининг нақшбандия тариқатига таъсири, Г.Юнусованинг қодирийлик тариқати маънавий меросида инсон моҳиятини фалсафий таҳлили, Б.Номозовнинг Муҳаммад Порсонинг тасаввуфий қарашларининг фалсафий асосларини тадқиқ этиш борасидаги тадқиқотлари диссертациянинг илмий-назарий жиҳатдан асосланиши учун муайян даражада хизмат қилди. Мавзу доирасидаги тасаввуф истилоҳлари генезисига доир муаммоларни тадқиқ этишда А.Ш.Жўзжоний, А.Мухаммедходжаев,М.Степанянцнинг тасаввуфга доир асарлари методологик аҳамиятга эга бўлди [1.].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тадқиқотнинг услубий асосини илмий билишнинг объективлик (холислик), тарихийлик, мантиқийлик, ворисийлик, системалилик, герменевтика, интерпретация, қиёсий таҳлил усуллари ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).Ирфоний билимлар, бир тарафдан, диний билимларни мужассам этса, иккинчи тарафдан, динда диннинг моҳиятини ифодалайди. Дин билан ирфон илми моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл муносабатлари каби мураккаб ва бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳодиса, яъни ислом дини минг йилдан ортиқ тарихи давомида мусулмон халқларнинг иймон-эътиқоди билан бирга ҳаёт ва тафаккур тарзи, маънавиятининг ажралмас қисмига айланган. Шу билан бирга, ирфон ҳэм асрлар оша динни фаоллаштирувчи, жонлантирувчи функцияни бажарган. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида ислом динининг тарқалиши, бошқа дин вакилларининг ислом динини қабул қилишининг асосий воситаси ҳэм ислом динининг илоҳсеварлик моҳиятини акс эттирган ирфон, ислом дини ақидаларини ҳаётининг мазмунига айлантирган ирфон аҳли ҳамда Қуръон оятлари, ҳадис ҳикматлари ва тасаввуфий ғоялар сингдирилган ҳаётбахш ирфоний адабиётлардир.

Ирфон илми қадимдан турли шакл ва номлар билан аталиб, илоҳиётшунослик ва диний манбаларда турлича талқин этилган. Теизм тизимида ирфон орифнинг Худо билан васли тарзида намоён бўлиб, бу боғланиш объектнинг иродаси билан амалга ошади.Шарқ фалсафий тафаккури ривожида ақлий ва руҳий йўналиш ўзига хос бўлиб, ақлий йўналишда ирфоний билимлар инсон билишининг олий даражаси сифатида қаралган. Руҳий йўналишда руҳий билиш, маънавий камолот, ахлоқий поклик масалалари етакчи бўлиб,

фалсафий атамалар мушоҳада ва руҳият мезони, руҳ билан табиат орасидаги зиддиятлар, инсон ақл-заковати, хислатлари қиёсий тадқиқ этилган.

Шарқ фалсафий тафаккури ривожида ирфоний билимларнинг тадрижий (эволюцион) камолоти қуйидагича акс этган: X асрдан ўзига хос ирфоний билиш концепцияси сифатида «барча илмларни қамраб оладиган, ҳикмат ва фалсафани ҳам қўшадиган орифона тасаввуф шаклланиб, тараққий этган ҳамда XIII асрда ривожланиш чўққисига етган [2, 13.] ва Шарқ фалсафий тафаккурининг ажралмас қисмига айланган. Ирфон илми ривожида аввал ўз-ўзини тарбиялаш (X-XI асрлар) орқали, кейинчалик шайх ёки пир воситасида (XII-XIII асрлар) ахлоқий фазилатларга эришилган [3, 22.]. X-XIII асрларда Шарқ фалсафий тафаккури икки йўналишда тараққий этган. Биринчиси, рационал (ақлий) йўналиш бўлиб, Абу Наср Форобий (ваф. 950 й.), Абу Али ибн Сино (ваф. 1037 й.), Ибн Туфайл (ваф. 1185 й.), Фахриддин Розий (ваф. 1209 й.), Носириддин Тусий (ваф. 1274 й.) каби мутафаккирлар тасаввуфни ўрганиб, ирфоний билимларни инсон билишининг олий даражаси сифатида кўрсатишган. Иккинчи, иррационал (руҳий) жабҳага Абу Бакр Колободий (ваф. 995 й.), Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 1167 й.), Сулаймон Боқирғоний (XII аср), Шайх Нажмиддин Кубро (ваф. 1221 й.), Яҳё Суҳравардий (ваф. 1191 й.), Айн ул-қуззот Ҳамадоний, Ибн Арабий (ваф. 1200 й.), Садриддин Кўнявий (ваф. 1273 й.), Жалолиддин Румий (ваф. 1273 й.), Азизиддин Насафий (ваф. 1300 й.), Ҳожи Бектош Валий (ваф. 1271 й.), Юнус Эмро (ваф. 1321 й.) каби ирфон аҳли мансуб бўлиб, бу йўналишда руҳий билиш ва маънавий юксалиш, ахлоқий поклик масалаларига эътибор қаратилган [4.7.], фалсафий-ирфоний атамалар, руҳ билан табиат орасидаги зиддиятлар, мушоҳада ва руҳият муносабатлари, инсон ақл-заковати, ҳикмат-хислатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Резюме. Мақола, Орол олди дельтасида жойлашган қадимги ва ўрта асрлардаги ёдгорликларнинг археологик тадқиқотлар даврига бағишланган. Орололдидельтасинингархеологиктадқиқотлартарихи, шуниндек, Миздахканнинг ўрганилиш тарихининг уч даврга бўлиб ўрганилади.

Таянч сўзлар: Орололди, дельта, мажмуа, некрополь, этнограф, минора, мис, оссуарий, қабртоши.

История археологического изучения древних и раннесредневековых памятников Приаральской дельты Амударьи
Утепбергенов Ф.Ж. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Статья посвящена периодизации археологического изучения древних и средневековых памятников, находящиеся на территории Приаральской дельты Амударьи. В истории археологического изучения Приаральской дельты, в частности, Миздахкана, мы можем выделить три качественно различных периода.

Ключевые слова: Приаралье, дельта, комплекс, некрополь, этнограф, башня, мыс. оссуарий, могильник.

History of the archaeological study of ancient and early-medieval monuments of the Aral Sea region of the Amu-Darya Delta
Utepbergenov F.J. Karakalpak State University named after Berdakh

Summary. The article is devoted to the periodization of the archaeological study of ancient and medieval monuments located in the territory of the Aral Sea region of the Amu-Darya Delta. In the history of the archaeological study of the Aral Delta, especially Mizdakhkan, three qualitatively different periods can be distinguished.

Key words: the Aral Sea region, Delta, complex, necropolis, tower, ossuary, burial ground.

«БЕРДАҚ АТЫНДАҒЫ ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИ ХАБАРШЫСЫ»НЫҢ ШӨЛКЕМЛЕСТИРИЛИЎ ТАРИЙХЫНАН

Қайыпова Ф. Ж.
Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Республикамызда илимий кадрларды таярлаў бойынша жоқары оқыў орынларында ҳәм илимий мәкемелерде илимий изертлеў, илимий–методикалық ҳәм илимий–әмелиятлық жумыслар алып барып атырған профессор–оқытыўшыларға, докторантларға, излениўшилерге, аспирантларға ҳәм магистрлерге өз искерлигинде жаңа илимий–теориялық, илимий–әмелиятлық жумысларының нәтийжелерин жәриялаўға ҳәм журнал арқалы тәжирийбелер алмасыў, ҳәзирги улыўма инсаныйлық мәплер ҳәм қәдириятлар жетекшилик етип атырған улыўма цивилизациялық раўажланыў дәўиринде, жәмийетлик турмыстың барлық тараўларын инсаныйластырып, ҳақыйқый инсан факторын жоқары дәрежеге көтериў ҳәм илимниң раўажланыўына үлес қосыў.

Өзбекстан Республикасының «Билимлендириў ҳаққында» ҳәм «Қәнигелер таярлаўдың миллий бағдарламасы ҳаққында»ғы Нызамларында белгиленгениндей, миллий бағдарламаны басқышпа–басқыш әмелге асырыў, билимлендириўдиң сапасын көтериў ҳәм оны заман талаплары тийкарында мағлыўматлық технологиялар менен байытып, илимий хызметкерлердиң, студент жаслардың руўхый, илимий, дүньяға көз-қарасын қәлиплестириў бойынша илимий-теориялық, методикалық жумысларды алып барыў ҳәм әмелий-тәрбиялық процесслерди еле де жетилистириў сыяқлы әҳмийетли ўазыйпалар көзде тутылған.

ҚМУ Хабаршысы журналы шөлкемлестирилиўинде биология илимлериниң докторы, профессор 2008 жылғы Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети ректоры А. Т. Матчанов, илимий ислер бойынша проректор Қ. Убайдуллаев ҳәм бир қанша профессорлар қатнасыўында журналдың Нызамы ислеп шығылды. Нызам [1] бир неше баплардан ибарат болып редакцияны шөлкемлестириў, оны техникалық қураллар менен тәмийнлеў, финансластырыў, мәселелери ҳар тәреплеме қарап шығылды.

2008 жылы 31 октябрьде Өзбекстан Республикасы мәмлекетлик баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен дизимнен өткерилди ҳәм 01-051 санлы дизимнен өткенлиги ҳаққында Гүўалық тапсырылды ҳәм усы [2] ҳужжетке тийкар «Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университетиниң хабаршысы» 2008-жылдың декабрь айында қарақалпақ, өзбек, рус, инглис тиллеринде (рус ҳәм инглис тиллеринде резюмеси) 60/84 форматта офсет усылында Ташкент қаласындағы «Нисо полиграф» баспаханасында 20 баспа табақ көлеминде 1000 (мың) данада басылып, Қарақалпақстан Республикасы аймағында тарқала баслады. Басылым илимий-теориялық, әмелий-методикалық бағдарға қәнигелескен, жылына төрт мәрте, ҳәр үш айда бир рет басылып шығады. Журналдың ҳәрекет бағдарлары, мақсет ҳәм ўазыйпалары Қарақалпақстанда, Өзбекстанда ҳәм сырт еллерде болып атырған илимий тараўдағы ўақыяларды объектив сәўлелендириў, олардың илимдеги орнын анық фактлер менен көрсетиў болып есапланады.

Журнал университет ректоры журналдың бас редакторы б.и.д., проф. А.Матчановтың, университеттиң илимий ислер бойынша проректоры журналдың бас редакторының орынбасары э.и.д. Қ.Убайдуллаевтың ҳәм журналдың жуўаплы хаткери «Журналистика» кафедрасының үлкен оқытыўшысы Т.Машариповалардың белсендилик көрсетиўи нәтийжесинде шөлкемлестирилип, биринши саны жәмийетлик басламада таярланды.

Редакциялық коллегия ӨзИА академиклери – т.и.д. С.Камалов, ф.и.д. А.Дәўлетов, э.и.д. Ж.Медетуллаев, ф.и.д. Ҳ.Ҳамидов ҳәм де илимниң түрли тараўларынан 17 илим докторы ҳәм профессордан ибарат қурамда жумыс баслады. Материаллар журналдың жуўаплы хаткери Т.Машарипова, редакция баслығы С.Ибрагимов, университет тиллер орайының баслығы Г.Тилеўмуратовлар тәрепинен редакторланып, териў ҳәм корректура жумыслары Б.Рашидов ҳәм А.Алламуратов, компьютер верстқасы Б.Якубовлар тәрепинен орынланды.

Журналды шөлкемлестириўден тийкарғы гөзленген мақсет республикамыздағы жас илимпазлардың илимий мийнетлериниң даслепки нәтийжелерин кең жәмийетшиликке таныстырыўда жәрдемши ўазыйпасы алға қойылды.

Усы дәўир ишинде Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқары Аттестация Комиссиясы Президиумының Қарары менен филология, философия, юридика, тарийх, динтаныў, сиясаттаныў, педагогика, психология, экономика илимлери бойынша докторлық ҳәм кандидатлық кандидатлық диссертацияларының дәслепки нәтийжелерин жәриялаў ушын Өзбекстан Республикасы Жоқарғы Аттестация комиссияси тәрепинен усыныс етилген илимий журналлар дизимине киргизилген.

Бүгинги күнде журналдың 50 ден аслам саны жарық көрди. Ҳәр саны 300 нусқада баспадан шығып, тәбийий ҳәм техникалық илимлер, жәмийетлик ҳәм гуманитар илимлер бөлимлеринде илимниң түрли бағдарларынан илимий-методикалық изленислердин дәслепки нәтийжелери оқыўшылар нәзерине усынылды.

Усы мийнетлер нәтийжесинде бүгинги күнге шекем Өзбекстан Республикасының барлық Жоқары оқыў орынлары илимий Кеңеслеринде 100 ден аслам ҳәр қыйлы бағдарлар бойынша философия докторы илимий дәрежелерин алыў ушын диссертациялар жақланды.

Журналда елимиз илими ушын әҳмийетли болған ўақыялар темасында жазылған мақалалар берилип барылды. Халық хожалығының турли тараўы ушын зәрүр болған илимий жаңалықлардың, ашылыўлардың дәслепки нәтийжелери жәрияланып келмекте. Мысалы: журналдың 2016 жыл №2 санында М. Ибрагимов, Г. Сабиров, Б. Гайпов, М.Сабировалардың авторлығындағы «Амударёнинг куйи минтақасида ширинмия ўсимлигининг илдиз тизимининг шаклланиши ва ривожланиши» мақаласындағы анализлерден алынған нәтийжелер бүгинги күни дүнья жүзлик фармакология илиминде өз орнына ийе. Усы санда У. Айтжанов, Б.Айтжанов авторлығындағы «Қарақалпақстан шараятында гүнжи жетистириўдиң әҳмийети» мақаласы тийкарында алынған тәжирийбелер ҳәм анализлер бүгинги күнде республикамыз аграр тараўында мол зүрәәт алыўда қолланылып киятыр.

Сондай-ақ, журнал бүгинги күнде Өзбекстан Республикасы Жоқары ҳәм орта арнаўлы билимлендириў министрлиги қурамындағы барлық Жоқары оқыў орынлары арасында өзинин сапасы, жәрияланатуғын мақалалардың қунлылығы жағынан жоқары орында туратуғынлығы тараў қәнийгелериниң анализлери тийкарында анықланған.

Ҳәзирги дәўирде бир қанша профессор ҳәм академиклерден ибарат редакциялық коллегия қурамында бас редактор техника илимлериниң докторы, профессор А.Реймов, бас редактордың орынбасары география илимлериниң докторы И.Турдымамбетов, жуўаплы редакторы М.Турсынмуратов ҳәм редакция хызметкерлеринен ибарат мийнет жәмәәт жумыс алып бармақта.

Соның нәтийжесинде республикамыз бойлап 100 ден артык илимпазлардың илимий мийнетлериниң даслепки нәтийжелери кең жәмийетшиликке усынылып отыр. Илимий жумысларын қоргап шығыўда жетекши рол атқарып атыр.

Журнал бүгинги күнде 800 ге шамалас профессор оқытыўшылардан ибарат Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети жәмәәтиниң хәм ректоратының коллап қуўатлаўы менен 40 баспа табақ көлеминде 300 данада оқыўшылар қолына жетип бармақта.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Журнал Нызамы. Нөкис, 2008.
2. Гүўалық № 52. Қарақалпақстан баспасөз ҳәм Хабар агентлиги. 2008-жыл 2-октябрь.

«Бердақ атындағы ҚМУ хабаршысы»ның шөлкемлестирилиў тарийхынан
Қайыпова Ф. Ж. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада Бердақ атындағы ҚМУ Хабаршысы журналының шөлкемлестирилиў тарийхы ҳаққында сөз етиледи, сондай-ақ редакцияға тийисли архив ҳүжжетлер тийкарында журналдың республика, университеттеги илим билимниң раўажланыўындағы орны ҳәм әҳмийети талқыланған.

Таяныш сөзлер: журнал, мақала, илимий бағдарлар.

«Бердақ номидаги ҚДУ ахборотномаси» журнали ташкиллаштирилиши тарихидан
Қайыпова Ф. Ж. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақолада Бердақ номидаги ҚДУ ахборотномаси журналининг ташкил этилиши тарихи ҳақида сўз юритилади, шунингдек журнал таҳририятига тегишли ҳужжатлар асосида таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: журнал, мақола, илмий йўналишлар.

Из истории организации журнала "Вестник МГУ им. Бердаха"
Кайыпова Ф. Дж. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается история организации издания журнала «Вестник КГУ им. Бердаха» отдельные научные направления, а также анализируются на имеющие важные социально-экономическое изначение для республики.
Ключевые слова:журнал, статья, научные направления.

From the history of the organization of the journal "Bulletin of the CSU named after Berdakh"
Kaiypova F. J. Karakalpak State University

Summary. The article discusses the history of the journal of Berdakh KSU, as well as analyzed on the basis of documents related to the editorial board of the journal.

Key words: journal, article, scientific directions.

УДК:338.48-2-057.875(575/1)

СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ ТАЪЛИМОТИДА ГЎЗАЛ АХЛОҚ ВА ШАХС КАМОЛОТИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

Ходжаниязов С. У.
Урганч давлат университети

Кириш. Тасаввуфнинг ўрта асрлар Шарқида педагогик фикр ривожига таъсири катта. Бу элита онги ва айни пайтда халқ педагогикасининг маҳсули. У таълим, тарбия ва ахлоқий юксалишнинг бир шакли бўлиб хизмат қилади. Тасаввуф нафақат диний, миллий қадриятлар, балки умуминсоний қадриятларни ҳам ўзида ёрқин ифода этади. Тасаввуфнинг асосини ташкил этувчи "сўфий" атамасининг келиб чиқиши анчагина баҳс-мунозарали масала ҳисобланади. Аксарият тадқиқотчилар "сўфий" сўзини арабча "сўф" ("жун") сўзидан келиб чиқиб, этимологиясини сўфийлар жун кийимларидан фойдаланганликлари билан изоҳлашади. Бошқа

тадқиқотчилар "сўфий" сўзининг келиб чиқишини араб тилидаги "соф" (пок) сўзи билан боғлашади, яъни сўфийларнинг ахлоқий покланиши ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан такомиллашиши деган маънони англатади. Шундай қилиб, "сўфий" атамасининг арабча "соф" дан келиб чиқиши тарафдорлари сўфийликни ҳақиқат деб талқин қилиб, бу таълимотни ахлоқий поклик ва маънавий жиҳатдан юксаклик тимсоли сифатида талқин қилиб, сўфийларни ана шундай поклик ва камолотнинг рамзи деб ҳисоблашди.

Абу Хафс Умар Суҳровардий "суф" ("жун") сўзининг келиб чиқишини ҳисобга олиш фақат илмсиз одамнинг ташқи таассуротининг аксидир, деган фикрни илгари суради. Умар Суҳраварди фикрининг тўғрилигини қўллаб-қувватлаш учун шуни қўшимча қилиш мумкинки, гарчи баъзи сўфийлар кийимга катта аҳамият беришган бўлсада, аксарият сўфийлар ҳеч қачон жун кийим киймаганлар [1,215-216]. Аммо, шунга қарамай, тасаввуф айнан Ўрта аср Шарқининг интеллектуал ҳаётида ғайриоддий куч билан ривожланиб, мураккаб, аммо мукаммал педагогик ва дидактик концепцияни ишлаб чиқишга кенг имкон берган десак, янглишмаган бўламиз.

Сўфийлар инсондаги илм-маърифатга, унинг инсон ва одамлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришдаги ҳал қилувчи ролига чуқур ишонишган. Улар мутафаккир - устозлар эдилар, чунки уларнинг ўзига хос шогирдлари ва издошлари бор эди. Ўзларининг асарларини яратишда улар ушбу илмий композициялар ўқув қўлланмаси сифатида ишлатилишини яхши билишган. Шунинг учун уларнинг илмий рисолаларида ёш авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этадиган педагогик ғоялар, ахлоқий кўрсатмалар, билимларни амалда қўллаш бўйича тавсиялар борлиги аниқ.

Сўфий мутафаккирларининг педагогик ва дидактик ғоялари қурилиш жараёнида ҳам асарларни тақдим этиш услубида ўзига хос оддийлик ва халқчиллик мавжуд бўлган. Шундай машҳур сўфийлардан бири Сулаймон Боқирғоний ҳисобланади.

Асосий қисм. Сулаймон Боқирғоний (1091-1186) – туркий "авлиё" (авлиё), афсонавий сўфий шайхи, исломнинг Ўрта Осиёдаги йирик тарғиботчиси ҳамда яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий шогирдларининг энг кўзга кўринган вакили ҳисобланади. У қиёматнинг исломий талқини бўлган «Охир замон китоби» асарининг муаллифидир. Ҳаким ота номи билан у турк мифологиясида машҳур образ сифатида кўрсатиб ўтилади.

Сулаймон Боқирғонийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тарихий маълумотлар турли ривоятлар билан аралашиб кетганлиги боис уни асл илмий-тарихий далиллар асосида ўрганиш тадқиқотчилар учун анча мураккаблик туғдиради. Халқ орасида Ҳаким ота номи билан ҳам машҳур бўлган валий инсон Сулаймон Боқирғоний ўз иқтидори ва шеърий истеъдоди билан Хожа Аҳмад Яссавийнинг эътиборини қозонган. «1911 йилда ёзилган Жўйборзода қаламига мансуб «Маноқиб»да айтилишича, Ҳаким ота (Ҳазрат Сулаймон) Қуръони каримга ўзгача ҳурмат кўрсатиб, дарсга бораётиб Мусҳафни боши узра кўтариб олар экан. Буни кўрган Аҳмад Яссавий ҳазратлари уни шогирдликка таклиф этади. Ҳаким ота у зотнинг қўлида таълим олиб, ўн беш ёшида муридликни қабул қилади»[3]. Аллома ўз устозининг тариқати қоидаларини янада чуқурлаштириб содда, равон услубда кенг халқ оммасига етказган. У ўз асарларида исломни, шариат ва тариқат қоидаларини тарғиб қилиб, кишиларни ўз нафси қулига айланишдан қайтарган ҳамда кишиларни илмли бўлишга, у дунёни ўйлаб яшашга, Аллоҳнинг карамидан баҳраманд бўлишга даъват этган.

Сулаймон Боқирғоний ислом маърифатини Аллоҳни таниш, унинг назарига тушишдан иборат маънавий-ахлоқий жараён сифатида талқин қилади. Олий муҳаббатни Аллоҳга бўлган муҳаббат, деб уни кейинги даражаси бошқа инсонларга меҳр-муҳаббатда бўлиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Сулаймон Боқирғоний ислом маърифатпарварлиги ва бағрикенглигини ёрқин ифодаси бўлган тариқат йўлини комил инсонни тарбиялаш йўли, жаннатга элтувчи йўл, деб билади. Аллома ўз ўгитларида даврига хос ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик ва бошқа иллатлар учун жавобгар шахсларни у дунё азоблари даҳшатини эслатиш билан тарбиялашга ҳаракат қилади. Инсофсиз ва имонсиз амалдорлар, нопок ишлар билан шуғулланувчи, ҳаромхўр, нодон ва жоҳиллар ҳамда босқинчи, талончи кишиларни кескин танқид қилади. Сулаймон Боқирғонийнинг шеърлари ўз даврида «Боқирғон китоби» (бу асар 19-20-аср бошларида Қозонда 3 марта нашр этилган) номи билан машҳур бўлган. Шунингдек, алломанинг «Биби Марям китоби», «Охир замон китоби» каби достонлари халқ орасида машҳур бўлган. Бу асарларда аллома ўзининг тасаввуфий мазмундаги маънавий-ахлоқий ва эстетик қарашларини батафсил баён этади.

Сулаймон Боқирғонийнинг машҳур «Охир замон китоби» ҳақида сўз боради. Бу асарда гўзал ахлоқ инсон камолотининг, шахс ривожланишининг асосий омили эканлиги, ахлоқлилик, поклик, инсон қалбининг гўзаллиги билан уйғунлиги масалалари ёритиб берилган.

Одамнинг ўз куч-қувватига ишончи, қилаётган иши қай даражада тўғри эканлигига аминлиги, ҳалол одамнинг виждони олдида нақадар поклиги, ўз қилмишлари учун масъулиятни ҳис этиши сингари маъноларни ҳам ифодалайди. Шу маънода Сулаймон Боқирғоний имон ва эътиқодга алоҳида шеър бағишлагани эътиборга сазовордир. Маълумки, аллома имон, ишонч ва эътиқод масалаларини асл эътиқодга ва сўфийлик бурчига мувофиқ равишда инсониятнинг Тангри таоло олдидаги бурчи ва садоқати сингари туйғулар билан боғлиқ ҳолда кўради. Бу ҳақда Сулаймон Боқирғоний шундай ёзади:

Санинг дардинг манго дармондин ортуқ, Санинг ёдингни айсам чўл ичинда,
Санга қул бўлғоним султондин ортуқ. Бўлур ул чўл бўстондин орти [4].

Мазкур шеърда сўфийлар фалсафасидан келиб чиқадиган бўлсак, инсон ҳаётининг бутун маъно ва мазмуни мазкур ибора билан янада очиқроқ, янада аниқроқ кўзга ташланаётгандек кўринади. Яратганнинг бир қули сифатида, ўша қуллик вазифасини тўла адо этмаётган бир кимса ўлароқ билади. Бундай пайтларда ҳам

шоир таърифлаган имон, ишонч унга доим далда бераётгандек бўлади. Яна шуни ҳам англаш мумкинки, абадий гўзаллик - бу Худо. Худо соф мутлақ мавжудотдир. Худо дунёни тўрт қисмга (олов, сув, ер, ҳаво) бўлиб яратди. Кейин у ўсимликлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар ва одамларни яратди, уларни бошқарадиган тўрт аъзо (оёқ, қўл, бош ва танадан) иборат. Сулаймон Боқирғонийнинг фикрига кўра, Худонинг гўзаллигини ҳар қандай одам тан олмайди. Чунки оддий одам ва Худо ўртасида кўринмас "парда" мавжуд. Ушбу "пардани" олиб ташламоқчи бўлган ва Худо билан танишишни ва унга чуқур эътиқод қилишни истаган киши, аввало, тасаввуф йўлидан бориши ва унинг асосий босқичларидан (шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат йўлидан) ўтиши керак. Натижада, "ички кўз" очилиб, руҳан покланган киши Худога янада яқинлашади. Худони ақл билан эмас, балки севги-муҳаббат билан билиш мумкин. Севги - бу юксак туйғу. "Нега Худони севиш керак?" Саволга Қуръони Каримнинг 61-оятида шундай жавоб берилган. Худонинг гўзаллиги Унинг раҳм-шафқатида, мағфиратида ва бандаларига чексиз яхшилигидадир. Унинг эзгулиги махлуқотларга бўлган севгисида. Фақат сахий, сабрли ва билимдон одамгина Худога яқинлаша олади. Худо инсон ва унинг юраги ўртасидадир. Бир кун унинг хукми остига одамлар тўпланишади. Табиат ва инсоният қонунлари ўзаро боғлиқдир. Инсон Худони фақат ўзини-ўзи билиш орқали билиши мумкин. Мағрурлик, очкўзлик, ҳасад, очкўзлик ва жанжалдан ҳоли бўлган одамгина тўлиқ маънавий-ахлоқий эркинликка эга бўлади. Умуман олганда, комиллик имкониятларининг барчаси инсонда гўзал ахлоқ воситасида намоён бўлади. Зеро, ислом динининг асосий мазмун-моҳияти гўзал ахлоқдан иборатдир. «Нисо» сурасининг 149-ояти каримасида шундай марҳамат қилинади: «(Эй мўминлар), хоҳ ошкора, хоҳ яширинча бирон яхшилик қилсангиз ёки бирон ёмонликни авф қилиб юборсангиз (Оллоҳ суйган бандалардан бўлурсиз)». Умуман олганда, хулқий гўзаллик бу оламни гўзал ахлоқ воситасида англашдир. Пайғамбаримиз буюрадилар: «Яхши мавзуда бир соат мулоҳаза қилмоқ, бир йиллик ибодатдан яхшироқдир». Инсон ҳаёти фақат моддийликдан иборат эмас, у умри давомида ҳақиқатни маърифатдан изласагина, ўз нафсини йўқ қилишга эришади. Зеро, ўқиб ўрганмай, илмли бўлмасдан туриб тоат-ибодат вазифаларини эгаллай олмайди. Илм шундай нарсаки, у инсонни адашганида тўғри йўлга бошлайди ва қалбига зиё тарқатади. Қуръони Каримда ҳам тафаккур, яъни фикр қилинг, дея хитоб қилинади. Пайғамбаримиз ўз Ҳадисларида: Умматим икки нарсадан ҳалок бўлиши мумкин: 1) илмни тарк этишдан 2) мол йиғишдан.

Инсон, аввалambор, ўзлигини англайди ва ўзлигини англаши билан бу дунёга нега келганини англайди, сўнгра саодати нимадалиги ҳақида ўйлайди ва англайдики, унинг саодати ўзида гўзал ахлоқни тарбиялаб инсониятга нафи теккан ҳолда Аллоҳ ризолигига эришишни кўради ва шу орқали икки дунё саодатига эришишга ҳаракат қилади. Кимки гўзал ахлоқдан маҳрум бўлиши, илму-маърифатни англамаслиги, Аллоҳга ва инсониятга муҳаббатини тополмаса, ҳаётий мақсадини тушуна олмаса, у ҳолда унинг ҳайвондан нима фарқи қолади, инсон ҳаётининг мазмуни ўз ақли-заковатини қалби билан бирлаштириш эмасми? Албатта, шундай.

Тасаввуфга йўл очилади. Қийинчиликлардан қўрқмайдиган ва иродали бўлганлар учун олд шарт - бу ўз устозини танлашидир. У таълим ва тарбия олишнинг ўзига хос мураккаб поғоналарини босиб ўтиб, комил шогирд даражасига етгунига қадар устозидан таълим олади. Бунинг учун шогирд бир неча босқичларни босиб ўтади. Шариат деб номланган биринчи босқичда у бутунлай тозаланади. Иккинчи босқичда шогирд биров ҳақида ёмон гапириш у ёқда турсин, танқид қила олмайди. Учинчи босқичда ёш сўфий кўнгил хотиржамлигига эришади. Инсон ҳар доим муҳтожларга ёрдам бериши керак. Тўртинчи босқичда инсон қалби очилади. Бу босқичда сўфий Худонинг илоҳий ҳикматини бевосита ҳис қилишни бошлайди.

Сулаймон Боқирғоний таълимотига назар ташласак ва синчковлик билан ўрганиб чиқсак, шунга гувоҳ бўламизки, бу зотнинг ҳаётдан мақсади илоҳий ҳақиқатни топиш эди ва бу зот ҳақиқатни тасаввуфдан топди, демак, инсон ҳаётининг мазмуни ҳам айнан ўша илоҳий ҳақиқатни топишдан иборатдир, бу дегани пайғамбаримиз(с.а.в) айтганларидек, ўша гўзал ахлоқни ўзида тарбиялашдир. Гўзал ахлоқ эса, инсон камолотининг, шахс ривожланишининг асосий омилидир. Сулаймон Боқирғоний ўз ишининг охирида гўзалликни 3 турга ажратади: 1. Ҳеч қандай ўзгармас Худонинг гўзаллиги; 2. Табиатнинг гўзаллиги ёки Худо гўзаллигининг ер юзида намоён бўлиши; 3. Маънавий гўзаллик. Худо орқали инсон руҳий гўзалликка эришиш учун ер юзига юборилган. Унинг таълимотига кўра, ҳақиқий ҳаётнинг асосини ахлоқ, демократия, ижтимоий гўзаллик ташкил этади. Бу фикрларнинг барчаси тасаввуф таълимотидан келиб чиқади. Аникроғи, аллома ўз устози Хўжа Аҳмад Яссавий қарашларига эргашиб, уни ривожлантиргани айни ҳақиқат. Диний афсоналар қаторида шеърлар ёзиш билан Сулаймон Боқирғоний XIII-XIV асрларда туркий адабиётда кенг тарқалиб кетган таниқли қаҳрамонларни образларини қайта яратишга кенг йўл очди. Сулаймон Боқирғонийнинг китоби 1897 йилда нашр этилган. ЕА Малов ўзининг "Археология, тарих, этнография жамияти тарихи" (XIV жилд) асарида нашр этган.[2,96]

«Ламаҳот мин нафаҳотил қудс» тазкирасида Ҳаким отанинг шариатга оид ўттиз минг, тариқатга оид ўттиз минг ва ҳақиқат борасида ҳам ўттиз минг ҳикмат айтганлари баён қилинган.

Маърифат дарёсинда ғаввос бўлуб, Тариқат майдонинда парвоз қилиб,
Муҳаббат гавҳарларин олғим келур. Ул тубо дарахтиға қўнғим келур [5].

Унинг фикрига кўра, бунда, асосан, инсон ақлий жиҳатдан тарбияланиши асосланади. Шу нуқтаи назардан буюк аллома маърифат мақомида ким, инсонда ақл ва тафаккур шаклланишининг пойдевори эканлигини кўрсатади ҳамда бу мақом инсоннинг ахлоқий шаклланишини ҳам ўз ичига қамраб олади, деб тушунтиради. Шунингдек, у ақлий тарбия ва ахлоқий шаклланиш жараёнларини ўзаро ўзвий боғлиқликда ҳамасослаб бера олган. Ҳар бир инсоннинг нафсу ҳирслардан тозаланган мусаффо юрагида илм олишга эҳтирос, ижод қилишга иштиёқ уйғонади. Шу сабабдан Боқирғоний инсоннинг маърифат манзилида Худо мохиятинн тўла англаб илму ахлоқда комилликка етишини бинобарин, у орифлик даражасига ҳам кўтарилишини таъкидлайди.

Бу билан инсон хаёти давомида мураккаб камолот йўлини ўтайди ва ўзидан яхши ва ёмон ном қолдиради. Кишининг ахлоқ-одоби ва билими ўзаро узвий боғлиқдир. Яъни билимли киши одобли ҳисобланади. Билим тасаввуфнинг илдизи. Маърифатни эгаллаб, сўнг шариатни ўзлаштириш, шариатни ўрганиб бўлиб, тариқатга кириш мумкин. Сулаймон Боқирғоний, Муҳаммад пайғамбаримизнинг "Илм эгалланг, илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида йўлдош, бахтиёр дақиқаларда - раҳбар, қайғули онларда - мададкор, одамлар орасида - зебу-зийнат, душманларга қарши курашда - қуролдир" деган ҳадисига амал қилган. Яъни бу билан инсон билимга интилиши, ўқиш ва ўрганиш орқали ушбу ўткинчи дунёнинг ёлғончи ҳузурларидан воз кеча олишлиги хамда уни ёмон йўлларга ундовчи нафс қопқонидан ўзини холос қила олишга ўзида куч-қувват, ирода тўплай олишлиги таъкидланади.

Хулоса. Тасаввуфнинг педагогик ва дидактик ғояларини таҳлил қилиш жамиятнинг туб ислоҳотлари ва ўзгариши шароитида тобора кўпроқ зарур бўлиб бормоқда. Шу муносабат билан педагогика фани янада катта аҳамият касб этади, чунки унинг асосий мақсади гуманистик ғояларга бой ўтмишдаги педагогик фикрни ўрганишдир. Хоразм уйғониш даври педагогик фикрининг ажралмас қисми сифатида тасаввуф педагогикаси ва дидактикаси асосини ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Акимушкин О. Ф. ас-Сухравардия // Ислам: энциклопедический словарь / Отв. ред. С. М. Прозоров. –М.: «Наука», ГРВЛ, 1991.
2. Мухаммеданское учение о кончине мира = Ахыр заман китаби / Пер. Е. А. Малова. — Казань: Типо-Лит. Имп. Ун-та, 1897.
3. https://hidoyat.uz/23902
4. https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/turk/sulaymon-boqirgoniy-sherlar-hikmatlar.html
5. https://hidoyat.uz/23902

Сулаймон Боқирғоний таълимотида гўзал ахлоқ ва шахс камолоти ҳақидаги фикрларнинг акс этиши
Ходжаниязов С. У. Урганч давлат университети

Резюме. Мақолада Сулаймон Боқирғонийнинг машҳур «Охир замон китоби» ҳақида сўз боради. Бу асарда гўзал ахлоқ инсон камолотининг, шахс ривожланишининг асосий омили эканлиги, ахлоқлилик, поклик, инсон қалбининг гўзаллиги билан уйғунлиги масалалари ёритиб берилган.

Таянч тушунчалар: тасаввуф, таълим ва тарбия, ахлоқ, комил инсон, тариқат, сўфийлик, инсон камолоти, шахс ривожланиши, маънавий гўзаллик, ижтимоий гўзаллик, педагогик ва дидактик ғоялар, гуманистик ғоя, тасаввуф педагогикаси.

Учение Сулеймана Бакиргани - отражение идей высокий морали и личного совершенства
Ходжаниязов С.У. Ургенчский государственного университет

Резюме. В статье речь идет о знаменитой «Книге последних времен» Сулеймана Бакиргани, в которой освещаются вопросы нравственности как ключевого фактора человеческого совершенства, личностного развития, нравственности, чистоты, гармонии духовности с красотой человеческого поступка.

Ключевые слова: суфизм, образование и воспитание, нравственность, совершенный человек, суфизм, духовная красота, социальная красота, педагогические и дидактические идеи суфизма, гуманистическая идея

Suleyman Bakirgany's teachings - reflection of the ideas of good morality and personal excellence
Khodjaniyazov S.U. Urgench State University

Summary. The article deals with the famous «Book of the Last Times» by Suleyman Bakirgany which highlights the issues of morality as a key factor in human perfection, personal development, morality, purity, spiritual harmony with the beauty of the human act.

Key words: Sufism, education and upbringing, morality, perfect man, Sufism, spiritual beauty, social beauty, pedagogical and didactic ideas of Sufism, humanistic idea.

ЎЗБЕКИСТОН ЗАМИНИДА ДЕМОКРАТИК САЙЛАШ – ЯНГИЛАНИШ ЭХТИЁЖИ СИФАТИДА

Курбанов Э.Э.
Гулистон давлат университети

Кириш. Шарқ ўлкаси – қадимдан дунё цивилизациясининг бешиги ҳисобланган. Бу ўлка жахонга қандай буюк фалсафий, маданий, тарихий ва ҳуқуқий мерос қолдирганини тарихни ўзи гувоҳ. Гарчан бу ўлка халқлари узоқ вақт кўчманчи чорвачилик ва ўтроқ деҳқончилик шуғулланиб, ҳаётларининг асосий вақти харбийлашган демократия тузумига хос кун кечиришган. Кўчманчи аҳоли демократик анъаналарида ҳар бир чорвадор ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга бўлиб, бундай жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ҳисобланган. Кўчманчи қабилалар ҳаётида дин ва диний туйғуларнинг пастлиги, мансабдорларга хаддан ташқари фанатизм (қалбан ва рухан итоаткорлик)нинг йўқлиги, қабила сардорларининг мақеи истеъдоди, маъсулиятига қараб сайлаб олинганлар ва тайинланган [1].Вақт ўтиши билан босиб олинган ерларда ўтроқлашиб олган кўчманчилар ўз турмуш тарзидаги уруғ-қабила демократик тузилишни йўқотиб борганлар, рим ҳуқуқи, жаҳон динлари, ижтимоий табақаланиш эса кўчманчи демократиянинг сайловлар, инсон эркинлиги ва шу каби институтларини аввал заифлаштириб, сўнгра сиёсий жиҳатдан кераксиз қилиб қўйган.

Шарқ одами учун дунё – бир бутун бўлиб, унда инсон хўжайин бўлмасдан, балки бу дунёнинг таркибий қисми бўлган. Табиат билан уйғунликда бўлишга, унинг қонунларини билишга, бу қонунларга риоя қилиб яшашга интилишни Шарқ фалсафаси ижтимоий муносабатларга ҳам ўтказган. Шарқ характери эркинликни бош қадрият деб уни ибодатга айланадиган нарсага айлантирмайди, сажда қилмайди. Улар эркинликни эркинлик бирор нарсадан эмас, балки бирор нарса учун деб англайди. Шу сабабдан танловни амалга оширишда

қадриятга, анъаналарга эътибор бериб келишган. Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония ва Шарқдаги бошқа мамлакатлар уларга Англия ва АҚШ томонидан зўрлаб ўтказилган демократик меъёрлар ва тамойилларни қабул қилишди, бироқ, уларни ўзларича ассимиляция қилишди. Масалан, Япония Ғарбдаги кўплаб демократия институтларини – кўппартиявийлик, парламент сайловлари ва бошқаларни ўзлаштириб, уларга ўз анъанавий меъёрларни мослаштириб солди: рақобатчилик ўрнига – ҳамкорлик, можаролилик ўрнига коалиция (иттифоқчилик) ва ҳоказо [2, 358- 378].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Демократия – халқ ва шахс ўз курашида эришиши мумкин бўлган жамиятнинг энг адолатли ва керакли туридир [3]. Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон халқларида кўп асрлар давомида инсониятнинг маънавий ва маданий тараққиётини белгилаган демократия илдизларининг мавжуд бўлмаслиги мумкин эмас. «Халқнинг маданиятида ўрин топа олмаган демократия, турмуш тарзининг компоненти ҳам бўла олмайди» [4, 148]. Демократик илдизлар, анъаналар халқимизнинг характерига, менталитетига, психологиясига, маърифатига, маънавиятига, маданиятига сингиб кетган. Бундай жамиятда инсоннинг маънавий камолоти юксак бўлиши керак. Уларни тадқиқ қилиш, аниқлаш, замонавий жамиятга, инсонга таъсирининг ўзига хослиги кўриш лозимдир. Қадрият, анъаналарга хос бўлган изланишлар, Шарқ одамининг, хусусан аждодларимизнинг демократик қарашларида хурматнинг юқорилиги, тайинлов ва сайлаш масаласида шарқона қарашлар тўғрисида Т.Бурбаев [5, 89-90] таҳлилида, сиёсатда маданият, истеъдод, мусулмон одатлари бўйича сайланиш ва кексаларга ва болаларга хурмат муносабати, хаттоки мусулмон оиласининг овқатланиш тартибида каттага хурмат каби масалаларни медик олим В.Исхаков [6, 112] изланишларида кўрсатиб берган. Кўриниб турибдики, халқимизда хар қандай ҳолатда тўғри танлаш ва шахсни қобилияти онгли равишда англаган ҳолда ўз жойига сайлаш ҳам тарихан ҳам тадрижан демократик йўлни босиб ўтган.

Таҳлиллар ва натижалар. Мустақиллик шарофати билан халқимизда кўплаб эркин ижод имкони яратилди. Очиқ ўз фикрини билдириш, одил жамият ва давлат қуриш ғоялари, адолат ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар бизнинг юртимизда қадимдан ўз тамал тошини қўйиб келган. Илғор натижалар ва қўлга киритилаётган ютуқларларнинг туб моҳияти ўзлик ва ўзига хосликни чуқур англаб етган, теран илмий тафаккурга эга баркамол жамият аъзоларини тарбиялашни тақозо этмоқда.

Мустақилликнинг миллийча бўлган мезони ва жаҳон хамжамияти томонидан тан олинган тараққиётнинг «Ўзбек модели» бозор иқтисодиёти ва демократия тамойилларига асосланган жамиятни барпо этишга, собиқ иттифоқ парчаланган сўнг юртимиз иқтисодиётининг ҳақиқий ҳолатига, мавжуд шарт-шароит ва имкониятларга, халқнинг тарихий анъаналарига, аҳолининг тайёргарлик даражасига асосланган эди.

Ортда қолган йилларни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳалқ ва жамият тақдирига дахлдор бўлган кўплаб қонунлар, қонун ости хужжатлари ва норматив хужжатлар қабул қилинди. Албатта бундай демократик ўзгаришлар аввалambор, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларга тенг ҳуқуқий имкониятларни яратиш, ўз имкониятларини эркин кўрсатиш, ижод эркинлигини бериш, қолаверса сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини беради. Шу сабабли ҳам қисқа фурсат ичида асрларга тенг улкан аҳамиятга эга ишлар қилинди ва демократик ислоҳотларни янада амалга оширишда қилиниши зарур бўлган кўплаб ишлар кутиб турмоқда.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишида халқаро тан олинган демократик тамойилларга, ривожланган демократик давлатлар тажрибасига ҳамда кўп минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихи ва ўзига хос миллий, маънавий, ахлоқий қадриятларга таянади. Собиқ иттифоқдан қолган ҳуқуқий меросларни ўзгартириш, мамлакат ҳаёти учун ўзгартиришларни амалга ошириш, демократик тамойиллар асосида Олий Мажлисни шакллантириш масадида миллий парламентимиз (1994 йил 22 сентябрда Олий Кенгаш номига Олий Мажлис мақоми берилди) учун биринчи сайлов 1994-йил 25 декабрда бўлиб ўтди.

Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди [8].

1993-йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунга кўра, республика парламентига сайловлар тенг, умумий, тўғридан – тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди [7, 450]. Ўзбекистон Республикаси I чақириқ Олий Мажлисига сайлов республика сиёсий ҳаётида дастлабки ютуқ ҳисобланиб, дастлаб парламент кўппартиявийлик асосида демократик сайловлар натижасида 250 депутат мандати асосида шаклланди. Давлат ва жамият қуриш тизимини янада такомиллаштириш борасида кейинги даврларда қилинган ишлар натижасида шуни кўрсатмоқдаки, Олий Мажлис бир палатали парламент сифатида фаолияти давомида катта тажрибалар тўплади. Олий Мажлиснинг 2001-йил декабрда бўлиб еттинчи сессиясида парламентни икки палатали профессионалга айлантириш зарур деган хулосага келинди ва 2002-йил 27-январда икки палатали парламент тузиш бўйича референдум бўлиб ўтди.

2002-йил декабрда Олий Мажлиснинг X сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, 2004-йил охири ва 2005-йил бошидаги сайловларда Республикада икки палатали парламент шаклланди. Қуйи палатага 120 депутат, сенатга эса 84 нафар сайланди, 16 нафар сенатор эса қонунчиликка асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланди.

2009-йил 29-декабрда бўлиб ўтадиган сайловларга қисман ўзгартиришлар киртилди. Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга асосан қуйи палатага депутатлар сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди [7, 452]. Қонунга биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 150 депутатдан 135 таси кўппартиявийлик асосида сайланган бўлса, 15 таси республикада фаолият юритаётган Ўзбекистон Экологик ҳаракати олий органи – конференциясида сайланган депутатлар эди. Бу демократик ўзгаришлар фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг, ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган интилиши ва ишончининг ортиб бораётганлиги, шунингдек, давлат ишларида қатнашиш ҳаётий заруратга айланаётганлигини кўрсатди. 2010-йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат билан биргаликда ўтказган Қўшма мажлисда «мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш» (IV устувор йўналиш) масаласига алоҳида эътибор қаратилди [8]. Бунинг сабаби сайлов масаласи, сайлов ҳуқуқи демократия тизимида, фуқароларнинг ҳуқуқий онгида овоз бериш муҳим масала эканлигини кўрсатди. Қонцепцияда қайд этилганидек, «эркин сайлов ва ўз хохиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича Конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади».

Бизнинг қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг бирон-бир иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси конституцияси қоидаларига мувофиқ, Президент сайлови, парламент ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳозирги вақтда қонун билан белгиланган ягона кунда – уларнинг конституциявий ваколатлари муддати тугайдиган йилнинг декабр ойи учинчи ўн кунлигидаги биринчи якшанба куни ўтказиларди.

2021-йил бошида сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва унга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонунни имзолади. Ўзгартиришга кўра Президентликка сайлов, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимият вакиллик органларига уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – октябр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланди. Ушбу хужжат Қонунчилик палатаси томонидан 29 январда қабул қилинди, Сенат томнидан 5 феврал куни маъқулланди ва Президент томнидан 8-февралда тасдиқланди [9]. Яна бир муҳим жараённи таъкидлаб ўтиш керакки, сайлов жараёнида хавфсизликни таъминлашдан олдин аввало мамлакатимиздаги сайлов сиёсатининг асосий тамойилларини билиш лозимдир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик миллий базаси сайтида аниқ ва тушунарли берилган [10]. Унга мувофиқ сайлов кодексининг 3 – моддаси «Ўзбекистон Республикасида сайлов ўтказишнинг асосий принциплари» деб номланиб: «Ўзбекистон Республикасида сайлов, умумий, тенг, тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади. Сайлов очиқ ва ошкора ўтказилади».

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда сайлов тизимини ислоҳ қилиш, уни янада демократлаштириш, халқаро стандартлар ва тамойилларга мослашиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини янада кенгайтириш ва ҳар томонлама таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексининг қабул қилиниши бунинг ёрқин мисолидир. Халқаро қоида ва стандартларга жавоб берадиган бундай хужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ғояси шахсан давлатимиз рахбари Ш.М.Мирзиёвнинг парламентга биринчи мурожаатидаёқ илгари сурилганди [11, 6]. Тараққиётнинг янги, демократик босқичига қадам қўйган Ўзбекистонда парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайлов кампанияси мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишда, шунингдек, яқин келажакда ҳам, узоқ вақт давомида ривожланишнинг стратегик мақсадларига эришишда жуда муҳим рол ўйнайди. Улар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишда илғор демократик ғояларнинг ёрқин куйчиси ва ифодаси сифади янги депутатлар тараннум этишади.

Сайлов жараёни хавфсизлик талабларни амалга ошириш жараёнидаги муҳимдир вазифадир. Сайлов жараёнини шаффофлигини таъминлаб берувчи бугунги кундаги энг оптимал ва тўғри восита бу – оммавий ахборот воситаси. ОАВ мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни холис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишда хизмати катта. Хатто сайлов кодексининг 46-моддасида номзодларга ташвиқот олиб бориш вақтида ОАВдан фойдаланишда тенг имтиёзларни бериш назарда тутган ҳолда бир хил эфир вақтини ва нашр майдонидан бепул фойдаланишда берилган тенг шароитларнинг ўзиёқ мамлакатимда демократик принципларнинг ошкоралик ва шаффоликка асосланганлигини кўрсатиб бермоқда.

2019-йил 8 январ куни Экологик харакатлар ҳаётида оламшумул воқеа бўлди. Бу харакат партияга айланиб, эндиликда 2019-йил 25 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов тўғрисидаги кодекси»га биноан уларга парламентда ажратиладиган махсус жой ажратилмайдиган бўлиб, Қонунчилик палатасидаги 150 мандат жой учун курашадиган бўлди. Бу ҳолат ҳәм бу партияни жамиятда ўз ўрнини

эгаллаши, табиат ва инсон ўртасидаги муаммолар қонун орқали ҳимоя қилиш йўлида курашиши зарурати туғилди. 2019-йил 22-декабрда парламент ҳамда халқ депутатларининг маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар биринчи марта янги Сайлов кодекси асосида ўтказилди. Сайловда биринчи марта бешта сиёсий партия ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Юқорида таъкидлаганимиздек, янги кодексга кўра, сиёсий партиялар энди 135 эмас, 150 сайлов округининг барчасида номзодлари кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, сайловга тайёргарлик жамиятни демократлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, сайлов тизимини модернизация қилиш жахонда халқаро демократик институтлар, инсон хуқуқлари бўйича вакиллик органлари, ЕҲХТ, ШХТ каби нуфузли ташкилотлардан кузатувчиларнинг эътиборини тортиши бу ҳам жахонда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг пировард натижасини кўрсатиб бериши, шунингдек, Ўзбекистон янада ўзгариб бораётган, сиёсий тизими модернизация йўлида бораётганини, Янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфасини ва демократик давлат сифатида обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади. Шу сабабли бугунги кунда фуқароларимизда «1+1» бир воз бир номзод принципи асосида ягона овоз бериш имунитетини шакллантириш, аввалambор очиқ, яширин йўл билан воз бериш орқали ҳар уқаро ўзининг кейинги беш йиллик тақдирини белгилаши каби масалаларни англаб етиши зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. КурбановЭ.Традиционные особенности демократических взглядов в жизни народов востока.//«Образование и наука в XXI веке». выпуск №14 (том 4) (май, 2021). Электронный журнал.https://a7d15ec7-c180-421a-ab56-70aae3695dcc.filesusr.com/ugd/a62191_8369974bdabb4876a306647275b4504c.pdf
2. Чугров С.В. К вопросу о сочетании традиционализма и модернизма в современном японском мышлении./ Политические институты на рубеже тысячелетий.- Дубна, 2001.
3. Э.Курбанов. Построение демократического общества: опора на национальные и духовные основы // Молодой ученый. — 2015. — № 13 (93). — С. 574-576. https://moluch.ru/archive/93/20896/
4. Каримов И. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса.- Соч. Т.6. – Т., 1997.
5. Бурбаев Т.К. Влияние демократических процессов в Республике Казахстан на состояние национального менталитета./ Перспективы развития философии и политологии в XXI веке.- Астана,2002.
6. Исхаков В. Восток и права человека./ Демократизация и права человека. 1999. №1.
7. ЭргашевҚ., ҲамидовҲ. Ўзбекистон тарихи. –Тошкент, Ғ.Ғулом.2015
8. https://lex.uz/library/127
9. https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/09/elections/
10. https://lex.uz/docs/4386848
11. Демократлаштириш ва инсон ҳуқулари. // №4. 2019.

Ўзбекистон заминида демократик сайлаш – янгиланиш эхтиёжи сифатида
Курбанов Э.Э. Гулистон давлат университети

Резюме. Мақолада демократик қарашларнинг Шарқона халқларига хос урф-одатлар, дашт аҳолисининг ўзига хос демократик қарашлари ёритиб беришга харакат қилинган. Қолаверса, ўтган тарихий босқич ва тўпланган сиёсий билимлар натижасида юртимизда танлаш, мустақил овоз бериш, сайлаш ва сайланиш имконияти яралди. Сайлов сиёсатининг ҳуқуқий нормалари, сайлов жараёнидаги ташкилий ишларнинг тўғри тартибда олиб борилиши ва халқаро талабларга мослиги, шунингдек янги Сайлов кодекси асосининг янгича қиёфасининг жамият ҳаёти учун нечоғлик фойдали эканлиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: кўчман чорвадор ва ўтроқ дехқонлар, ижтимоий муносабатлар, сиёсий маданият, сайлаш.

Демократические выборы в Узбекистане - как потребность в обновлениикачества
Курбанов Э.Э. Гулистанский государственный университет

Резюме.В статье предпринята попытка пролить свет на традиции демократических взглядов, присущие народам Востока. Отмечается соответствие правовых норм избирательной политики, организационных работ в процессе избирательной кампании международным требованиям, а также преимущество нового избирательного кодекса для общественной жизни.

Ключевые слова: кочевники и травоядные, общественные отношения, политическая культура, выборы.

Democratic elections in Uzbekistan - as a need for quality renewal
Kurbanov E.E. Gulistan State University

Summary. The article attempts to shed light on the traditions of democratic views inherent for the peoples of the East. The article notes the compliance of the legal norms of electoral policy, organizational work in the electoral campaign with international requirements, as well as the advantage of the new electoral code for public life.

Key words: nomads and herbivores, social relations, political culture, elections.

ПРОГНОЗИРОВАНИЕ И ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ЛАТЕНТНОЙ ПРЕСТУПНОСТИ КОРРУПЦИОННОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ С ПОМОЩЬЮ ГИС ТЕХНОЛОГИИ

Исмоилов О. Ю.
Академии Генеральной Прокуратуры Республики Узбекистан

Роль прогнозирования борьбы против преступности очень важна, а для латентной преступности этот сложный процесс имеет необходимое первостепенное значение. Так как это поможет государственным органам

в определении дальнейшей законодательной стратегии, позволит выделить отправные начала в борьбе с преступностью, сформировать правильный баланс между социальными, экономическими и специальными мерами предупреждения преступности.

В криминалистике используются различные термины для обозначения борьбы с преступностью – «профилактика преступности», «пресечение преступлений», «предотвращение преступлений», «предупреждение преступлений». Многие авторы считают данные понятия тождественными [1, с.185]. Разумеется, «предупреждение преступлений» можно понимать как в широком, так и в узком смысле. Так, в широком понимании предупреждение преступлений «есть криминологическая категория, обозначающая исторически сложившуюся систему преодоления объективных и субъективных предпосылок этих негативных явлений, реализуемого путем целенаправленной деятельности всех институтов общества по устранению, уменьшению и нейтрализации факторов, детерминирующих существование преступности и совершение преступлений» [2, с. 116]. Для оценки криминогенной обстановки и прогнозирования латентной преступности в территориальном аспекте один из перспективных методов являются ГИС технологии, которые позволяют осуществлять хранение, анализ, визуализацию пространственных данных на платформе современных географических информационных систем [3,4,5,]. ГИС - эта система сбора, хранения, анализа и графической визуализации пространственных (географических) данных и связанной с ними информацией о необходимых объектах.Понятие геоинформационной системы также используется в более узком смысле — как инструмента (программного продукта), позволяющего пользователям искать, визуально анализировать и редактировать как цифровую карту местности, так и дополнительную информацию об объектах. Активность исследований в области ГИС-технологий в последние десятилетия объясняется стремительным ростом компьютеризации всех сфер хозяйственнойжизнедеятельностичеловека с целью экономии времени и затрат, а также необходимостью оперативного получения достоверной информации.

Для изучения криминогенной обстановки была использована Геоинформационная система «ArcGis 10.3» американской компании «Esri»Геоинформационная платформа «ArcGIS» – наиболее распространенная в мире информационной системы для картографии и пространственного анализа. Все компоненты платформы неразрывно связаны между собой и поддерживают цифровую трансформацию организаций любого размера[6].Как было отмечено, «ArcGis» комплексная программа включающая в себя такие системы как «ArcMap», «ArcCatalog», «ArcScene» и «ArcGisEarth». Для нашей работы мы использовали системы «ArcMap» и «ArcCatalog».Для оценки криминогенной обстановки в нашемисследовании сперва надо создать картуТашкентской областис административными делениями используя инструмент «полигон».Данные на карте скомпонованы в слои, отображаемые на карте в определенном порядке. Каждая карта имеет компоновку, состоящую из таких графических элементов как: легенда, стрелка севера, шкала масштаба, условные знаки, текст и прочая графика, расположенных в определенном порядке.

Компоновка показывает карту так, как она будет напечатана. Слои определяют, как будет отображен набор географических объектов при их добавлении на карту. На каждый слой можно установить свою систему координат. Каждый слой карты используется для отображения определенного набора данных ГИС и работы с ним. Слой ссылается на данные, хранящиеся в базе геоданных, покрытия, шейп-файлы, растры, файлы САПР и т.д., но сам слой не содержит географических данных. Таким образом, слой всегда отображает самую свежую актуальную информацию из вашей базы данных. «ArcGIS» позволяет ассоциировать записи одной таблицы с записями в другой через общее поле, известное как ключевое. Создать эти ассоциации можно разными способами, включая временное объединение или связывание таблиц на карте или создание классов отношений в базе геоданных, что позволяет получить постоянные ассоциации.Обычно к слою присоединяют таблицу с данными на основании значений поля, которое присутствует в обеих таблицах. Название поля в таблицах может различаться, но тип поля должен быть один и тот же: числовые поля соединяются с числовыми, строковые со строковыми и т.д. Можно выполнить соединение и при помощи диалогового окна. Соединение данных (JoinData), которое открывается по щелчку правой кнопкой на слое в «ArcMap», или с помощью инструмента «Добавить соединение» (Join).

При определении и оценки криминогенной обстановки с упором на латентные преступления коррупционной направленности **у**читывается, что преступление-это социальное явление. Поэтому изучаются следующие шесть основных социальных показателей административных единиц (района или области):1. Общая численность населения; 2. Число зарегистрированных преступлений за отчетный период; 3. Соотношение совершенных преступлений на 100 тыс. человек; 4. Число преступлений коррупционной направленности (*включены ст. ст. 192-[9], 192-[10], 210-214 УК Республики Узбекистан*); 5. Число латентных преступлений; 6.Число укрытых преступлений, которые в последствии поставленны на централизованный учет.

Эти показатели, были изученына основании статистических данных за 2020 год, предоставленных Генеральной прокуратурой Республики Узбекистан на примере Ташкентской области. На основании изложенного, можно сделать вывод о криминогенной обстановки с учетом статистических данных, позволяющих понять ситуацию в сфере сокрытия преступлений, в том числе коррупционных.

Шаг первый на карту вводится численность населения и по цветовой гамме, мы можем определить плотность населения области, которая непосредственно влияет на криминогенную ситуацию, так как преступность-это социальное явление. **Шаг второй**, создаем карту криминогенной ситуации области, которая формируетсяиз количества совершенных преступлений от большего их числа к меньшему, а в цветовой гамме от темного цвета к светлому соответственно. Однако, полученные результаты не будут всецело реалистичны,

что обуславливается общепринятым соотношением совершенных преступлений к плотности населения - 1 на 100 тысяч человек. Так, территория Ахангаранского или Бустонлыкского районов Ташкентской области превышает площадь Андижанской области, а их плотность в десять раз меньше. **Шаг третий,** вводим данные совершенных преступлений на 100 тыс. человек и формируем криминогенную карту Ташкентской области (рис.-1). Сформированная карта позволяет определить географически выгодные положения районов/городов, степень урбанизации, их экономического развития.




Рис.-1. Криминогенная карта Ташкентской области. Шаг четвертый, вводим показатели преступлений в сфере коррупции, позволяющие сформировать карту коррупционных преступлений. Полученный результат позволяет определить районы/города с наибольшим числом преступлений в сфере коррупции, присущих в основном более развитым социально-экономическим территориям(рис.-2).. В частности, в Бостанлыкский районе отмечается наихудшая ситуация ввиду совершаемых коррупционных преступлений связанных с продажей земли и земельных участков.




Рис.-2. Карта преступлений коррупционной направленности Ташкентской области.

Шаг пятый, вводим данные латентных преступлений согласно статистике и формируем карту латентной преступности Ташкентской области. (рис.-3). Полученный результат указывает на состояние преступности данной категории, как на всей территории области, так и в разрезе районов/городов.




Рис.-3. Карта латентных преступлений Ташкентской области.Шаг шестой, формируем карту искусственно-латентных преступлений Ташкентской области посредством ввода статистических данных, о выявленных и поставленных на централизованный учет сокрытых преступлений. (рис.-4). Полученный результат позволяет проанализировать деятельность и дать оценку правоохранительным органам и силовым структурам осуществляющие противодействие правонарушениям, а также органам прокуратуры по выявлению сокрытых преступлений.

Анализ полученных фоново-тематических картограмм поможет определить пути правильного прогнозирования и предупреждения преступности Ташкентской области. Исходя из цели данной работы, мы проанализируем четыре фоново-тематические картограммы




Рис.-4 . Карта укрытых преступлений Ташкентской области.Изучая криминогенную карту Ташкентской области, т.е. **число преступности на** 100 тыс. человек можно сделать следующие выводы:в области урбанизация территории сильно влияет на креминогенную обстановку, в городах Ахангаран, Алмалык, Бегабате высокий уровень преступности связан с высоким уровнем плотности населения, т.е. урбанизацией территории;в Ахангаранском районе высокий уровень преступности связан с плотностью сетей транспортных коммуникаций. По территории Ахангаранского района проходит международная автомагистраль «Ташкент-Андижан-Ош-Кашгар» и железнодорожный узел «Ташкент-Ангрен-Поп» которые соединяют столицу республики Ферганской долины. Поэтому здесь превалируют преступления совершенные «гастролерами» или связанные с автомобилями, в частности ДТП, угон, кража и др;высокий уровень преступности по сравнению с численностью населения наблюдается в городе Нурафшане. Это административный центр Ташкентской области, образованный в соответствии с ПП-3375 от 03.11.2017 года[7], принял не только ранее размещенный в г. Ташкенте управленческий, деловой потенциал, но и стал социально-экономическим центром с повышенной криминогенной составляющей. В результате уровень преступности, включая преступлениясовершаемые приезжими, в городе численностью 48 тыс. человек составляет 383,9 преступлений, что превышает другие районы/города с аналогичным населением. Данная тенденция связана с постановлением на централизованный учет преступлений по принципу территориальности, т.е. по месту совершения преступления;при прогнозировании и предупреждении, необходимо также учитывать географическое положение, т.е. расположение районов от Ташкентского мегополюса, таких районов как Зангиота, Ташкент, Кибрай и Уртачирчике наблюдается высокий уровень преступности, а в отдаленных районах как Паркент, Бекабад, Бука, Оккургане более низкий уровень преступности связан частично с географическим положением районов.

Число **преступлений коррупционной** направленности в Ташкентской области так же имеют пространственные специфики которые необходимо учитывать при предупреждении и прогнозировании: в Бостанлыкском районе отмечается наихудшая ситуация ввиду совершаемых коррупционных преступлений связанных с продажей земли и земельных участков поскольку, рекрационно-климатические условия данного района очень высоко ценятся для отдыха и трузима;преступления коррупционной направленности часто наблюдаются в социально-экономических, развитых территориях, это города Алмалык, Бекабад и районы Зангата и Кибрай;низкий уровень преступности коррупционной направленности наблюдается в отдаленных районах области как Оккурган, Паркент, Куйичирчик.

Латентную преступностьи укрытые преступления, которые поставленные на учёт можно анализировать в пространственном разрезе. Так криминологи утверждают, что латентность преступности зависит от географического расположения, от величины территории, этнографии, урбанизации и занятости ее населения.

Как утверждает Журавлев Р.А., [8] Латентность преступности в сельской местности определяется следующими факторами: трудностями всвоевременной передаче информации о совершенном преступлении, особенностями психологии сельского бытия, нежеланием вовлекать родственников, знакомых в сферу деятельности правоохранительных органов; несовпадением или даже противопоставлением общественной и правовой оценки определенных деяний; неверием части населения в помощь правоохранительных органов.

Установлены также существенные отличия в соотношении латентной и выявленной частей преступности и по различным группам сельских районов - пригородных, смешанных и глубинных.

Все вышеуказанные закономерности распространения латентной преступности почти полностью наблюдаются в Ташкентской области:показателем латентной преступности и укрытых преступлений в первую очередь влияет фактор урбанизации, поэтому в городах Ангрене, Алмалыке, Чирчике и пригородных районах как Зангиата, Уртачирчике наблюдается очень высокий показатель;величина и отдаленность территории административных единиц так же влияют на показатели латентной преступности, если в Бустонликском районе на показатель латентных преступлений влияет величина территории, а в Чиназском районе на этот показатель влияет отдаленность территории данного района;низкий и очень низкий уровень латентной и выявленной частей преступности наблюдается в сельских районах области как Бекобод, Янгийул, Паткент и другие.

Из выше сказанного можно сделать вывод, что при оценке криминологической обстановки административных территорий использования современных ГИС технологий дают возможность выявить пространственные различия распространения преступности и в частности латентной преступности. На основе анализа фоново-тематической картограммы, можно определить структуру приступности, пространственные особенности административных еденицы, влияющие на показатель преступности. Это очень важно при определении дальнейшей стратегии борьбы с преступностью.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Криминология.Учебник / под ред. проф. Н. Ф. Кузнецовой, проф. В. В. Лунеева.Изд-е2-е,перераб.идоп. –М.: «Волтерс Клувер», 2004. 630с.
2. Криминология: учебник / под ред. В. Д. Малкова. –М.: ИНФРА, 2006. 528 с.
3. Аванесов Г.А. Криминология: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности.«Юриспруденция». –М.:ЮНИТИ-ДАНА,2012.575с.
4. Омигов В. И. Прогноз преступности как эффективное средство противодействия преступности // Юридические записки.2014.No1.С.9-14.
5. INDECT. For the Security of Citizens [Электронныйресурс]. URL: http://www.indect-project.eu(датаобращения: 14.07.2017).
6. Predicting Crime, LAPD-style [Электронныйресурс]. URL: https://www.theguardian.com/cities/2014/jun/25/predicting-crime-lapd-los-angeles-police-data-analysis-algorithm-minority-report (дата обращения:14.07.2017).
7. Постановление Президента Республики Узбекистан от 03.11.2017 года «О мерах по организации ташкентского района в составе Ташкентской области, а также Янгиюльского, Ахангаранского и Нурафшанского городских хокимиятов областного подчинения» за № ПП-3375
8. Журавлев РА. Оценка состояния латентной преступности в сельской местности Н Латентная преступность: понятие, политика, стратегия. — С. 248-249.с.

Коррупция йўналишидаги латент жиноятларни ГИС технологиялари ёрдамида башорат қилиш ва огохлантириш

Исмоилов О.Ю. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси

Резюме. Мақолада коррупция йўналишидаги латент жиноятларни ГИС технологиялари ёрдамида башорат қилиш ва огохлантириш усуллари кўриб чиқилган. Фон-мавзули картограммалар ёрдамида Тошкент вилоятида латент жиноятлар келиб чиқишининг шартлари ва сабаблари таҳлил қилинган**.**

Калит сўзлар: латентлик, латент жиноятчилик, латент жиноятчилик турлари, коррупция йўналишидаги жиноятлар, ГИС технологиялари.

Прогнозирование и предупреждение латентной преступности коррупционной направленности с помощью ГИСтехнологии

Исмоилов О.Ю. Академия Генеральной Прокуратуры Республики Узбекистан

Резюме. В статье рассматриваются методы прогнозирования и предупреждения латентной преступности коррупционной направленности с помощью ГИС технологии. С помощью фоново-тематических картограмм анализируются предпосылки и причины возникновения латентной преступности Ташкентской области.

Ключевые слова: латентность, латентнаяпреступность, виды латентной преступности, преступления коррупционной направленности ГИС технологии.

Forecasting and prevention of latent corruption-related crime usingGIS technology

Ismoylov O.Yu. Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan.

Summary. The article discusses methods for predicting and preventing latent crime of corruption with the help of GIS technology. Background and thematic cartograms are used to analyze the prerequisites and causes of latent crime of Tashkent region.

Key words: latency, latent crime, types of latent crime, corruption-related crimes of GIS technology.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИДАЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИАЙРИМ МАСАЛАЛАР

Юсупов М. Б.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси

Давлатимизда инсон, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари энг олий неъмат тариқасида эътироф этилган янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган туб ўзгаришлар юзага келмоқда.Мамлакатимизда эркин ва мустақил, ривожланган демократик давлат, фаровон жамият қуришдек ғоят муҳим жараёнда миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайлов қонунчилиги ва амалиётини умумэътироф этилган халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўла таъминлаш асосий вазифаларимиз эканлигини кўрсатмоқда.Ҳар бир ривожланган давлатда катта сиёсий тадбир

– Президент сайловига очиқ, ошкора, миллий сайлов қонунчилиги асосида ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўтказиш лозимлиги асосида амалга оширилади.Мамлакатимиз ҳаётида ва миллий сайлов қонунчилигимизда 2016 йил 4 декабрдаги Президент сайловидан кейинги даврда катта ижобий ўзгаришлар бўлди. 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси [1] илгари амалда бўлган сайловга оид олтита қонун ва ўнлаб қонуности ҳужжатларини ўзида мужассам этган.Мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасида, шу тариқа сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солишда бир қанча ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги даврга қадар Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан ҳамда аввалги сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган тавсиялардан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссиясининг амалдаги айрим низом ва йўриқномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Янгилари тасдиқланди.

2021 йил 27 апрелда комиссия томонидан тасдиқланган Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш концепциясига кўра барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ишлар кўп босқичли замонавий «каскад» технологияси [2] асосида ташкил этилган.Олдинги сайловлар тажрисидан келиб чиқиб, замон талаблари даражасида янада такомиллаштирилмоқда. Ҳозиргача йигирма бир миллиондан ортиқ сайловчи ягона электрон рўйхатга киритилган. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси сайтида "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?" [3] дастури ишлаб чиқилган.Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тафаккурида содир бўлган улкан ўзгаришлар натижасида сайловчиларнинг талаблари ортмоқда ва сиёсий партиялар, шунингдек сайлов комиссиялари олдига ҳам қатъий талабларни илгари сурмоқда.Бундай ижобий ўзгаришлар сайловчиларнинг сайлов жараёнларига қизиқиши ошиб, давлат тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётганидан далолатдир.Сайлов жараёнида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, Миллий гвардия органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш каби масалалар асосий ўринни эгаллайди.

Ҳар бир сайлов жараёнида сайлов округлари ва участкаларини ҳамда округ ва участка сайлов комиссияларини тузиш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини юритиш, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сиёсий партияларнинг, президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларининг сайловдаги иштирокини таъминлаш, сайловолди ташвиқоти ва сайлов жараёнларини ёритиш, кузатувчиларнинг сайловдаги иштирокини таъминлаш, овоз беришни ўтказиш ва сайлов натижаларини аниқлаш кабилар ҳисобланади.

Ушбу жараёнда асосий вазифалар бўлиб – ишончли ва тезкор ахборотни етказиш, фуқароларга сайлов тўғрисида тўла, муҳим фуқаролик бурчи эканлиги ҳақидаги фикрни шакллантириш, аҳолида сайлов оддий, шу билан бирга, бефарқлик кайфиятидаги шахсларни сайлов ҳуқуқини фаол амалга оширишга чорлаш, уларга сайлов жараёнларида иштирок этишдан ҳар бир фуқаро ва жамият манфаатдор эканлигини сингдириш ҳамда мамлакат таррақиётига даҳлдорлик ҳиссини шакллантириш ҳисобланади. Бунда - Олий Мажлис палатлари томонидан қабул қилинган аҳолининг электорал маданияти[4]ни юксалтириш бўйича миллий ҳаракатлар дастури муҳим ўринни тутади. Ҳар бир сайлов жараёнида қонунийлик, мустақиллик, холислик, очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда амалга оширилади. Шу мақсадда мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнларини ёритиш бўйича бирга ишлаш келишувларни амалга оширади.

Келишувдаги вазифаларни ижросида сиёсий партиялар ва номзодлар учун уларнинг сайловолди дастурлари қоидалари, барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятини изчил ёритиб бориш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига оид мустақил нуқтаи назарларини сайловчиларга, мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий, кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларида тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратиш йўли билан барча шароитлар яратиб берилади.Корхона, муассаса ва ташкилотлар билан биргаликда амалга оширишдаги сайловининг аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари, Сайлов кодекси, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга ва сайлов ташкилотчиларига етказиш борасида кенг кўламли ва изчил ишлар амалга оширилиши лозим.

Ҳозирги даврга келиб фуқароларнинг президент сайлови жараёнида жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аввалambор асосий қонунимиз Конституция олий манба ҳисобланади. Шу қатори ишлаб чиқилган ва қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосий манбага таянган ҳолда амалга оширилиши барчага маълум.Миллий гвардия ходимларининг сайлов жараёнида жамоат тартибини сақлашда асосан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларга таянади ва улар қўйидагилардан иборат: 1. Демократик сайловлар учун қулай шароитлар - хавфсиз ва осойишта сайлов муҳитини яратиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда сайлов жараёни қонунийлигига шубҳа тўғдирмаган ҳолда, барча қатнашувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш; 2. Бетарафлик ва аралашмаслик - Миллий гвардия ходимлари сиёсий, партиявий ёхуд номзод тарафдори бўлмаслиги;3. Бир хил муносабатда бўлиш - барчага тенгдек муносабатда бўлиш ва бир хил шароитни яратиш; 4. Қонун устуворлиги - миллий ва халқаро нормаларнинг устунлигини таъминлашда жамоат тартибини сақлаш; 5. Ҳисобдорлик ва шаффофлик - Миллий гвардия ходимлари олиб бораётган ишларининг ҳолати тўғрисидаги ахборот билан танишиш имконияти кафолатланганлиги ва бошқалар.

Юқоридаги келтирилган халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига амал қилган ҳолда қонунчилигимизда миллий принциплар ҳам ишлаб чиқилган.Миллий гвардия ходимлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51^2-51^9 моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланган ҳолларда расмийлаштирилиши, инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилиш зарурат туғилганда эвакуация қилиши, участка сайлов комиссияси ёки бошқа иштирокчиларга хавф туғилганда ҳимоя қилиш вафавқулодда вазиятларда ходим зудлик билан раҳбарият ёки навбатчилик қисмига хабар бериш, техника-аппаратлар билан таъминланиши, комиссия раисининг қонуний белгиланган кўрсатмаси асосида фаолият олиб бориши ҳамда бюллетенлар олинган кундан участка сайлов биносини қўриқлаш ва бошқа талабларга риоя қилган ҳолда жамоат тартибини сақланишини таъминлайди.

Хулоса қилиб шуни таъқидлаш лозимки, ҳозирги компьютер-техника тез фурсат билан ривожланиш даврида албатта, ҳозирги талабларнинг бири IT-мутахассислар (кадрлар)ни Олий ҳарбий таълим муассасаларида сифатли таълим бериш асосида етиштириб чиқариш лозим ҳисобланади. Сабаби, қайси ривожланган давлатни қарамайлик, ушбу давлатнинг барча муносабатлари фақат замонавий технологияни ишлаб чиқиш ёки олиш истагини билдирмоқда. Шу сабабли, мамлакатимизда билимли кадрлар тўлиқ етиштирилса - бу ҳар томонлама ривожланишининг бир кўринишини намоён этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон
2. https://saylov.uz/uz/news/2021/07/27
3. https://saylov.uz/uz/news/2021/10/09
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 7 июндаги 1008-IV/КҚ-233-IV-сонли Қўшма қарори

Миллий гвардия ходимларининг сайлов жараёнидажамоат тартибини сақлашдагиайрим масалалар

Юсупов М. Б. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси бошлиғи

Резюме.Мақолада сайлов жараёнида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш ёритилган.

Таянч сўзлар: миллий гвардия, инсон ҳуқуқлари, сайлов кодекси, электорал маданият, IT-мутахассис ходим.

Некоторые проблемы в поддержании общественного порядка во время избирательного процесса личного состава Нацгвардии

Юсупов М.Б. Начальник Управления Национальной гвардии Республики Узбекистан по Республике Каракалпакстан

Резюме. В статье освещено формирование целостной системы обеспечения общественного порядка, предупреждения правонарушений и борьбы с преступностью в избирательном процессе.

Ключевые слова:национальная гвардия, права человека, Избирательный Кодекс, электоральная культура, IT-спец-сотрудник

Some problems in maintaining public order during the electoral process of the personnel of the National Guard

Yusupov M.B. Head of the Department of the National Guard of the Republic of Uzbekistan for the Republic of Karakalpakstan

Summary. The article highlights the formation of an integral system for ensuring public order, preventing offenses and combating crime in the electoral process.

Key words: National Guard, human rights, Electoral Code, program, electoral culture, IT-specialist

---

ЁШЛАР СИЁСАТИВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Бердалиев Н. Ш.

Тошкент архитектура қурилиш институти

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ёшларга оид давлат сиёсати масалаларини демократик тамойиллар асосида қайта англашни ҳамда мазкур сиёсат мезонларини фуқаролик жамияти талабларига мувофиқ тарзда кўриб чиқишни тақозо қилди. Чунки, Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий, сиёсий, ҳуқуқий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олиш каби масалаларга бевосита боғлиқ. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилгани жаҳолатга қарши – маърифат тамойили асосида олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг узвий бир қисми бўлиб, у ер юзидаги икки миллиарддан зиёд ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай дейилади: «Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак» [1]. Бундан кўриниб турибдики, жамиятимизда ёшларга оид давлат сиёсатидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2016 йилнинг 14 сентябрида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги УРК-406-сонли қонунининг қабул қилинганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат бош ислоҳотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир стратегик йўналишларини изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш йўлларини белгилаб берди [2]. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлда «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоки фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ПФ-5106-сонли Фармонида ёшларнинг илмий ва

бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаккам иммунитетни шакллантириш муҳимлиги қайд этилган [3]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартда «Ал-Хоразмий номидаги халқаро физика ва математика мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида» 171-сонли қарорини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак [4].

Бизга маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этади. Юртимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Ёшларнинг олий таълимга қамровини кенгайтириш мақсадида таълим муассасалари сони хам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда республика бўйича олий таълим муассасалари жами 129 та, улардан 25 та чет эл олий таълим муассасалари филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Биргина мисол, Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони 2016 йилда 77 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 129 тага етди. Бу рақамлар ўсишда давом этмоқда[5]. Энг муҳими, қабул жараёнларидаги шаффофликнинг таъмиланиши билимли ёшларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида биргина Самарқанд давлат университетида 21 нафар Ўзбекистон Республикаси Президента давлат стипендияси, 106 нафар Беруний, Навоий, Улуғбек, И.Каримов номидаги давлат стипендияси совриндорлари, 252 нафарга яқин талабалар фан олимпиадалари ғолиблари бўлишди.

Халқ таълими тизимида ҳам ёшларга қаратилаётган эътиборни алоҳида таъкидлаш жоиз. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги Президент мактаблари ташкил этилиши ва Президент мактабларининг асосий вазифалари белгиланган. Унга кўра, Президент мактабларида таълим жараёни хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида амалга оширилиши, Президент мактабларида STEAM - (science - табиий фанлар, technology - технологиялар, engineering-техник ижодкорлик, art - санъат, mathematics - математика) дастури жорий этилиши, Президент мактаблари битирувчиларига белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, аттестат) билан бир қаторда, хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларига кириш имконини тақдим этувчи халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи берилиши каби вазифалар белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, улуғ алломаларимиз — Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, «Темурбеклар мактаби», Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилди. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг бахтиёр фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда.Кейинги уч йилда Президентимиз ташаббуси билан Наманганда — Исҳоқхон Ибрат, Жиззахда — Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним, Қаршида — Абдулла Орипов, Марғилонда — Эркин Воҳидов, Нукусда — Ибройим Юсупов, Андижонда — Муҳаммад Юсуф, Гулистонда — Ҳалима Худойбердиеванинг ижод мактабларига асос солинди. Ўз навбатида, иқтидорли болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Президентимиз ёшларга эътиборни кучайтириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш қамда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни ишлаб чиқдилар.

Жумладан, биринчи ташаббус - ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилишдир. Иккинчи ташаббус - ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Учинчи ташаббус - аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган. Тўртинчи ташаббус - ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликникенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни шакллантириш. Бешинчи ташаббусда эса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари назардатутилган.Ана шу эзгу ғоя Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида бошланиб, қисқа вақтда улкан ишлар амалга оширилди. Мазкур худуддаги туман ва шаҳарлар кутубхоналарига 300 минг нусхада бадиий адабиётлар етказиб берилди. Мусиқа ва санъат мактаблари чолғу асбоблари, спорт объектлари жиҳозлар билан таъминланди. Бу ишлар Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб,«Маърифат карвони» ташкил этилди. Ёшларучун 25 минг дона китоб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусиқа асбоблариетказиб берилди.

Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адибва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш, уларнинг нодир меросини, ибратли ҳаётива ижтимоий фаолиятини хар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб етиш,ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга **ҳур**мат руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенгоммалаштириш мақсадида «Ёш китобхон» танлови ташкил этилди. Ушбутанловнинг Республика босқичида ғолиб бўлган иштирокчи «Spark» автомобили билан

рағбатлантириладиган бўлди. Бу эса, ёшларда китобхонликмаданиятини шакллантиришга туртки бўлди десак янглишмаймиз.Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тугарак ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ташаббускор истеъдодли ёшлар ва махаллий хомийларни жалб этган холда, маданият марказларида бадиий-хаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва «Ёшлар клублари» ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди. Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига муайян мавзулар бўйича тарих дарсларини музейлар, тарихий обидалар, қадамжо ва театрларда сайёр ўтказилишини ташкил қилиш топширилди.

Ижтимоий ҳаётда ёшлар фаолиятига нисбатан либерал сиёсат юритиш улар тарбиясига путур етказади. Азал-азалдан ёшлар тарбияси ота-она, қўни-қўшнилар, маҳалла ва кенг жамоатчилик томонидан доимо назоратда бўлиб келган. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, «шахс - оила - маҳалла - таълим муассасаси - ташкилот - жамият» концепцияси асосида барчада дахлдорлик ҳиссини уйғотиш лозим. Иккинчидан, барча буғиндаги таълим муассасаларида коррупцияга қарши кураш бўйича кескин чоралар кўриш зарур. Бунинг учун салоҳиятли, илмли ёшлар ўртасида турли хил брифинглар, мастер класслар, конкурслар ташкил этиш ва талаба-ёшларга ҳар бир илмий иши учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида рағбатлантириш лозим. Зеро, инвестициялар билимга, ғояга қаратилса ёшларимиз барча масалаларга креатив ёндашадилар.

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё қалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини яхши англаймиз. Маънавият шахс, халқ, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати, тараққиёти, имкониятлари ва истиқболларини белгилаб берувчи ички ижобий, руҳий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабр да «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1059-сонли қарорини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак [6]. Ушбу қарорда, тарбия жараёнидаги узлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда аввало, онанинг ҳомиладорлик даврини тўғри ташкил этиш, гўдаклар ва болаларни маънавий тарбиялаш у бўйича асосий йўналишларни белгилаш, ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болаликдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш, ҳомиладорлик давридан бошлаб 30 ёшгача давом этадиган узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишда ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигининг ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш каби масалалар ушбу Концепсияда ўз аксини топган.

Буюк ватандошимиз Имом Ғаззолий бундай дейди: «Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан холи бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа букилса, эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунёю охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллиму устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантирилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади» [7]. Агарда биз маънавий тарбияни шакллантиришда оила, маҳалла ва таълим муассасалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўя олсак, бизлар ёшларни ҳақиқий комил инсон қилиб вояга етказамиз.

Ижтимоий масалаларда адашилса, жамият тарбиясида муаммолар юзага келади. Ижтимоий масалалар, мақсадлар, қадриятлар танлашдаги хатолар оқибатида «бой берилган авлод» - «Lost generation» ибораси пайдобўлди. «Lost generation» - инглизчадан олинган бўлиб, lost - йўқотилган, қўлдан бой берилган, адашган, generation - оила авлоди, мамлакатдаги биравлоднинг 25-30 йилга тенг давридир. Ушбу авлодни беқарорлик, депрессия шароитида тугилган, худбин, лоқайд, жамиятга фойдаси тегмайдиган,шафқатсиз, аламзада, ичкиликбозликка берилган, жиноий ишларга қўл урган, қўлидан иш келмайдиган, ахлоқсиз кишилар тоифаси дейиш мумкин[8]. Ривожланган давлатларнинг кўпчилигида моддий ҳаётнинг, бизнеснинг асосий фонга қўйилиши натижасида ёш авлод тарбиясига етарличаэътибор берилмайди.

А.Эркаев таъкидлаганидек: «Жамият таълим-фан, техника ютуқларини янги технология талабларини ўзлаштиришга тобора купроқ вақт ажратишга, тарбия билан камроқ шуғулланишга мажбур бўлди. Тарбия таълимдан ортда қола бошлади» [9]. Натижада ёшлар ўртасида технократик қарашлар, истеъмолчилик психологияси, мумтоз қадриятларга беписандлик кучая бошлади. Тарбиядан вақт тежаш окибатида давлат ёки оила бюджети фойда курган бўлиши мумкин, лекин энди болаларни қайта тарбиялаш учун сарфланаётган маблағ кўрилган фойдадан ўн баробар зиёдни ташкил этмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қадимдан ёш авлодни соғлом, комил инсон қилиб вояга етказиш, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига эришиш, халқ ва миллат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўя оладиган руҳда тарбиялаш юртимизда азалдан устувор масала бўлиб келган. Шу сабабли давлатимиз томонидан ёшларга барча имкониятлар яратиб берилган. Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келажакда тўғри йўлни танлаб, ўз олдимизга аниқ мақсад қўя олсак ва дадил ҳаракат қилсак, тараққиётнинг янги марраларини кашф эта оламиз. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон таълим-тарбия, илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //«Халқ сузи» газетаси. 2020 йил 24 январь, № 19(7521). 5-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги УРК-406-сонли Қонуни. //«Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 15 сентябрь, № 182 (6617). 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва ЎзбекистонЁшлар иттифоки фаолиятини кулпаб-кувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106- сонли Фармони. //«Зарафшон» газетаси, 2017 йил 8 июль, № 85 (22885) 2-6.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ал-Хоразмий номидаги халқаро физика ва математика мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги 171-сонли карори. 2020 йил 19 март, www.lex.uz
5. www.uza.uz./soceity/
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мах,камасининг «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиклаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 1059-сонли карори. 2019 йил 31 декабрь, www.lex. UZ
7. http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/1984
8. Куронов М. XXI асрда кайси давлат кучли булади? // «Маънавий хаёт», 2013, Нишона сон.
9. Эркаев А.Эркин инсон ва маънавий тарбия // «Тафаккур» журнали, 2014. 4-сон.

Ёшлар сиёсатива маънавий тарбия масалалари

Бердалиев Н. Ш. Тошкент архитектура қурилиш институти

Резюме. Макқолада Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсатидаги ислоҳотлар, ёш авлод тарбияси, уларни комил инсон қилиб вояга етказиш, халқ ва миллат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўя оладиган ёшларни тарбиялаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: ёшлар, маънавият, маърифат, ёшлар сиёсати, тарбия, ижтимоий ҳаёт, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг.

Молодежная политика и духовное образование

Бердалиев Н.Ш. Ташкентский архитектурно-строительный институт

Резюме. В статье рассматриваются вопросы формирования молодёжной политики в Республике Узбекистан, она содержит предельно общиеподходы к проблемам воспитания молодого поколения, способного ставить интересы народа и нации выше собственных интересов.

Ключевые слова: молодежь, духовность, просветление, молодёжная политика, воспитание, общественная жизнь, правовая культура, правосознание.

Youth policy and spiritual education

Berdaliev N.Sh. Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering

Summary. The article discusses the issues of formation of youth policy in the Republic of Uzbekistan; it contains extremely general approaches to the problems of upbringing the young generation that can put the interests of the people and the nation above their own interests.

Key words: youth, spirituality, enlightenment, youth policy, upbringing, social life, legal culture, legal awareness.

ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ВА ҲУҚУҚИЙ ИДЕАЛИЗМНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

Утемуратов М.А

Тошкент архитектура қурилиш институти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар, жамиятни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, демократиянинг ривожланиши, ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамланиши аввало жамиятда ҳуқуқий маданияти ва онгининг ривожланганлик даражаси, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши ва ўз фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Маълумки, ҳуқуқий онг деганда инсонларнинг ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодалайдиган ҳислари, туйғулари, фикрлари, қарашлари, ғоялари мажмуи, бошқача қилиб айтганда инсонларнинг ҳуқуқга бўлган муносабатини ва умуман ҳуқуқ қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикр-ўйларини, қарашларини ифодалаши тушунилади. Ҳуқуқий маданият эса, ҳуқуқни билиш ва тушуниш, унинг кўрсатмаларини онгли равишда бажаришдир[1]. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартиб солиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этиш, ҳуқуқий нормаларни бажариш, ҳуқуқий талабларни билиш ҳамда уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга оид барча масалалар кишиларнинг ҳуқуқий маданиятлилик даражасига боғликдир.

«Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармонда шундай дейилган, «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади... Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳэм қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда» [2]. Шу ўринда айтиш мумкинки, энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ҳолларда қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмлардаги бўшлиқда кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий нигилизмга, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади. Дарҳақиқат, ҳозирги

кунда бу камчиликларни бартараф этиш ва қонунчилик жараёни салмоғини ошириш мақсадида парламент аъзолари томонидан доимий изланишлар ва самарали фолиятлар олиб борилмоқда

Бугунги кунда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги вазифалар тизимида жамият аъзоларининг онгида, фаолиятида учраб турадиган ҳуқуқий нигилизмни йўқотиш масаласи долзарбдир. Шундай экан, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳақида гапирар эканмиз, албатта, **ҳуқуқий нигилизм** ва **ҳуқуқий идеализм** ҳақида фикр юритишимиз лозим бўлади. Чунки, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм бевосита жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг даражасига маълум маънода таъсир этиши турган гап.Нигилизм атамаси лотинча «nihil» – сўзидан олинган бўлиб, «ҳеч нарса», «ҳеч нима» маъноларини англатади [3]. Илмий, ўқув адабиётида ҳуқуқий нигилизмнинг бир неча турлари ажратиб ҳам кўрсатилган. Хусусан, россиялик ҳуқуқшунос олим, профессор Н.И.Матузов ҳуқуқий нигилизмнинг қуйидаги кўринишларини ажратган:қонунлар ва бошқа норматив актларни қасддан бузишлик; юридик қоидаларни оммавий тарзда бажармаслик ва уларга риоя этмаслик; бир-бирига зид ҳуқуқий актлар чиқариш; қонунчиликни мақсадга мувофиқлик билан алмаштириш; вакиллик ва ижро ҳокимияти тузилмалари ўртасида қарама-қаршилик; инсон ҳуқуқларининг бузилиши; ҳуқуқий нигилизмнинг назарий шакли мавжудлиги (бу кўриниши илмий адабиётларда мавжуд бўлади).

Фикримизча, ҳуқуқий нигилизм – ижтимоий онгнинг элементи бўлиб, эътиборсизлик ва ҳуқуқ субъект(лар)ининг амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсинмаслиги, уларга нисбатан ҳурматсизлик муносабатида бўлиши ёки инкор қилиши. Ҳуқуқий нигилизм қуйидаги кўринишларда намоён бўлади, назарий шакли (олимлар мутафаккирлар, сиёсатшунослар томонидан муайян манбаларда ҳуқуқни инкор қилиниши); амалий шакли (фаол ва суст кўринишда) [4].

Ҳуқуқий нигилизм анча мураккаб ҳодиса бўлиб, унга қарши кураш унчалик ҳам осон вазифа эмас. Айни пайтда, унга қарши кураш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш жоиз: ижтимоий-иқтисодий характердаги ислоҳотлар; ҳуқуқий тартибга солиш мазмунини ўзгартириш;юридик нормаларнинг мазмунини имкон қадар аҳолининг турли қатламларига яқинлаштириш;суд фаолиятининг характерини ўзгартириш ва алоҳида судга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш орқали одил судловнинг обрўсини кўтариш; ҳуқуқ қўллаш амалиётини яхшилаш; мазкур йўналишларда олиб бориладиган назарий ишларни ва шу кабилар.Юқоридагиларнинг барчаси, умуман олганда жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган. Демак, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятнинг мавжудлиги – ҳуқуқий нигилизмнинг камайишига олиб келиши аниқ.

Агар ҳуқуқий нигилизм ҳуқуқни назар-писанд қилмаслик ёки уни инкор этиш ҳисобланса, ҳуқуқий идеализм ҳуқуқни ҳаддан ташқари юксак баҳолаш, идеаллаштиришни англатади. Иккала ҳодиса ҳам ҳуқуқий саводсизлик, ҳуқуқий онг яхши ривожланмаганлиги, сиёсий-ҳуқуқий маданият пастлигининг натижасидир. Гарчи ҳуқуқий идеализм ҳуқуқий нигилизм каби кўзга яққол ташланмаса-да, бу ҳодиса давлатга, жамиятга ҳуқуқий нигилизмдан кам зарар етказмайди.Шундай қилиб, бир-бирини озиқлантирувчи ҳуқуқий нигилизмга ҳам, ҳуқуқий идеализмга ҳам ҳуқуқий маданиятсизликнинг умумий нохуш кўриниши сифатида қараш лозим. Ҳар иккала ҳолатларда ҳам: биринчидан, қонунлар назар-писанд қилинмайди, очиқ ойдин бузилади, ижро этилмайди, қадрланмайди, иззат-ҳурмат қилинмайди; иккинчидан, аксинча, қонунларга барча муаммоларни бир зумда ҳал қилишга қодир мўжизакор ҳужжат сифатида қаралади. Демак, уларни бартараф этмасдан туриб ҳуқуқий давлат ва қонун устуворлиги ғоясини рўёбга чиқариш мумкин эмас.Шундай қилиб, ҳуқуқий идеализм – ҳуқуқий нигилизмдан фарқ қилган ҳолда, ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрнига юқори баҳо беради. Бу икки ҳодисанинг ҳам озиқланадиган манбаси битта ҳуқуқий жоҳиллик, ҳуқуқий онг хасталиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг заифлиги. Шу боис, ушбу икки ҳодисанинг бир медалнинг икки томони дейиш мумкин [5]. Қонунларнинг кучсизлиги, уларнинг ҳаётий эмаслиги аҳоли орасида унга ишончсизликни, лоқайдликни шакллантириши мумкин. Қонунга лоқайдлик эса, аста-секин ҳокимиятга лоқайдликка олиб келади. Шундай қилиб, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм жамиятнинг умумий ҳуқуқий онги ва умумий ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳуқуқий тафаккури билан боғлиқ ҳодисалардир.Муҳими мамалакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни кенг кўламда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш керакки, токи ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши лозим. Ушбу вазифанинг самарали амалга ошиши кўп омиллар – давлат ҳокимияти органларининг керакли шарт-шароит яратувчи ташаббускор фаолиятидан тортиб, то мустақил Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг демократик ислоҳотларда фаол қатнашиш истагига боғлиқдир.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг маънавий-ҳуқуқий асосларини теран шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини юксалтириш, замонавий – маърифий ҳуқуқий маданиятни қарор топтиришнинг муҳим аҳамиятга эгалиги мазкур масалаларни ўрганишга сабаб бўлди. Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, аҳоли, айниқса ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш масалалари жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент, ТДЮИ, 2007. Б.491
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармони» // Халқ сўзи газетаси 2019 йил 10 январь.
3. Теория государства и права. Под.ред. МатузоваН.И., МалькоА.В.–М.: Юрист, 1997. –С.585
4. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент, «Адолат», 2009. Б-652.

Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализмнинг ҳуқуқий онг ва маданият даражасига таъсири
Утемуратов М. А. Тошкент архитектура қурилиш институти

Резюме. Мақолада бугунги кунда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги вазифалар тизимида жамият аъзоларининг онгида, фаолиятида учраб турадиган ҳуқуқий нигилизмни йўқотиш масаласи кўриб чиқилган. Шунингдек, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм жамиятнинг умумий ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий тафаккури билан боғлиқ ҳодисалар эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуқий идеализм, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият.

Влияние правового нигилизма и правового идеализма на уровень правового сознания и культуры
Утемуратов М.А. Ташкентский архитертурно-строительный институт

Резюме. В статье рассматривается система задач по поповышению правовой культуры и вопросов ликвидации правового нигилизма и правового идеализма, до сих пор встречающиеся в сознаниии деятельности членов общества, которые подпитывают друг друга, как общее неблаготворное явление на правовой неграмотности.

Ключевые слова: правовое сознание, правовая культура, правовой нигилизм, правовой идеализм

The influence of legal nihilism and legal idealism on the level of legal consciousness and culture
Utemuratov M.A. Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering

Summary. This article describes the system of tasks to improve the legal culture and the issues of elimination of legalnihilism and legal idealism, still found in the minds and activities of members of society which feed each other, as a common unbeneficial phenomenon of legal illiteracy.

Key words: legal consciousness, legal culture, legal nihilism, legal idealism.

ТОЛЕРАНТНОСТЬ КАК ПРИНЦИП ВОСПИТАНИЯ В ПОЛИКУЛЬТУРНОМ ОБЩЕСТВЕ

Атаджанова С. Э.
Ташкентский архитектурно-строительный институт

Проблема толерантности актуальна для современного Узбекистана в силу ее многонациональности и многоконфессиональности, трансформации узбекского общества, усиления проявлений в массовом сознании различных предрассудков и страхов, снижения согласия и терпимости в социуме. В настоящем в настоящее время взаимодействие народов и культур должно развиваться на основе принципа толерантности, выражающегося в стремлении достичь взаимного понимания и согласованности, не прибегая к насилию, подавлению человеческого достоинства, а путем диалога и сотрудничества. Только на основе принципов толерантности может выжить человечество в современном плюралистическом, поликультурном мире. Толерантность это намерение принять с уважением другую точку зрения, другую личность, признавая ее право на свои ценности и образ жизни и формируется в межкультурном общении, в котором происходит воспитание чувства уважения к другим народам, их традициям, ценностям, осознание непохожести и принятие всего этнокультурного многообразия мира.

Воспитание основ культуры толерантности в студенческой среде вуза обогащает и конкретизирует представления о стратегических направлениях развития личности. Трудность исследования выделенной темы обусловлена текущими темпами нарастания уровня напряженности в современном обществе, способствующего осложнению межэтнических и межнациональных отношений в вузе. В связи с этим мы попытались в рамках данной статьи раскрыть особенности толерантного подхода в межкультурной коммуникации, который выступает как условие сохранения отличий (культурных, этнических, расовых, социальных и др.). При таком подходе восприятие элементов чужой культуры происходит на основе сравнения с аналогичными элементами собственной культуры одновременно на рациональной и чувственно-эмоциональной основе. Изложение основного материала исследования с полным обоснованием полученных научных результатов. Толерантность в научной литературе рассматривается как уважение и признание равенства, отказ от доминирования и насилия, признание многомерности и многообразия человеческой культуры, норм поведения, отказ от сведения этого многообразия к единообразию и преобладанию какой-либо одной точки зрения.

Понятие толерантности определяет как уважение и признание равенства, отказ от доминирования и насилия, признание многомерности и многообразия человеческой культуры, норм, верований, отказ от сведения этого многообразия к единообразию или к преобладанию какой – то одной точки зрения. В научном обиходе «толерантность» часто заменяют синонимом «терпимость». Рассмотрим этимологические корни данных понятий. В«Современном словаре иностранных слов» дается следующее определение толерантности: «Tolerantia(лат.) – терпимость, терпение, устойчивость, выносливость, снисходительность к чему-либо, способность переносить неблагоприятное воздействие» [1]. В «Советском энциклопедическом словаре» приводится многозначное толкование этого понятия: «Толерантность – иммунологическое состояние организма; способность организма переноситьнеблагоприятное влияние того или иного фактора среды; терпимостьк чужим мнениям, верованиям, поведению» [2]. Большинство ученых подтверждают тот факт, что уровень толерантности индивида отчетливо коррелирует с уровнем его образования. При этом трансформация

толерантности как ценности в принцип деятельности личности, основываясь на включении толерантности в смысловые установки, происходит лишь в процессе личностно-значимой для воспитанника деятельности. Рассуждая о роли образования в формировании толерантной личности, американский психолог Г.У.Олпорт писал: «К несчастью, наши образы других людей чаще снисходительны или враждебны, чем дружелюбны. Одна из причин этого на его взгляд состоит в том, что «школы, по расставляемым ими акцентам, редко являются интернациональными. Ученый может быть знаком со всеми этическими системами, может быть сам авторомальтруистической этической доктрины, но в своей личной жизни он может быть явно эгоистичным, шовинистичным и воинственным...[3]». Толерантным отношением называется такое, когда человек стремится достичь взаимопонимания и реализации собственных целей путем достижения других людей без применения каких – либо мер насилия, принуждения и давления, а лишь посредством взаимодискуссии, убеждения и обоюдной корреляции поведенческих актов и действий. Приобщение к культуре другогонарода, вещь во всех отношениях полезная. Это не только путь духовно-нравственного обогащения ребенка, возможность по знакомиться с «чу-жим», но лучше узнать свое, научиться ценить его, любить, беречь, обогащать за счет влияний других культур. Кроме того, знакомство с культурой другого народа – это самый верный путь воспитания уважения, симпатии, добрых чувств к людям иных национальностей и этики межнационального общения, что особенно актуально в современных условиях. Толерантность признается сегодня как актуальная проблема и важнейшая ценность сосуществования людей в мультикультурном и мультиэтническом обществе и при этом – именно система поликультурного образования признается основной площадкой для реализации программы развития толерантных отношений в обществе. Поликультурное образование – процесс освоения подрастающим поколением этнической, общенациональной и мировой культуры в целях духовного обогащения и развития его планетарного сознания, формирования готовности и умения жить в многокультурной, полиэтнической среде.

Сегодня педагогу, работающему в поликультурной среде, необходимо обладать такими свойствами развитого профессионального сознания как диалогичность, гуманность,поликультурность, интегративность, проектность, экологичность, толерантность, креативность, интуитивность, рефлексивность, гибкость и многими другими качествами. При этом следует учитывать, что в поликультурной вузовской среде многонациональной республики большую роль играет межэтническая и межконфессиональная толерантность, которую можно считать нормой гражданского и либерального общества, а также ключом к решению сложных задач развития личности.

Важную роль в решении поставленных задач играет поликультурное образование, направленное на воспитание гармоничной толерантной личности, уважающей культуру, традиции других народов страны и мира с целью снижения межэтнических конфликтов, ксенофобии, шовинизма на основе позитивного межэтнического общения. Таким образом, толерантность в поликультурной образовательной среде можно рассматривать как минимум в трех аспектах: во-первых, овладение определенной философией толерантностикак ценностью; во-вторых, как культуру толерантного сознания; в-третьих, отношение к соответствующей действительности, воплощающееся в реальном поведении. Воспитание толерантности – общее дело многих государственных и общественных институтов, но когда его объектам выступает молодежь, главная нагрузка и ответственность в работе с ними ложится именно на образовательную среду, на профессорско-преподавательский состав вуза, его отдел по воспитательной работе. Им в этом труднейшем деле остро необходимы: информация о сущности и содержании толерантности, ее проявлениях и особенностях воспитания; представление о возможных средствах – технологиях такого воспитания, для их выбора и творческого использования в тех или иных условиях. Вот почему процесс формирования толерантной личности в студенческой среде представляет для нас определенный интерес.

Вусловиях многонациональной республики, той поликультурной среды, которая свойственна данному вузу в создании благоприятного социально-психологического климата большую роль играет межэтническаяи межконфессиональная толерантность – ключ к решению сложных задач развития личности, норма гражданского, либерального общества.Как известно, формирование основ этнической ирелигиозной толерантности в многокультурной среде обогащает и конкретизирует представления о стратегических направлениях развития личности. В связи с этим, воспитание толерантных начал в нашем обществе носит многоплановый характер и в условиях многоязычия, поликультурности и полиментальности населения республики является основой поликультурного образования.

Среди конкретных задач, решаемых нами в данном направлении, следующие: глубокое и всестороннее овладение студентами культурой своего собственного народа как непременного условия интеграции в иные культуры; формирование у них представлений о многообразии культур, воспитание положительного отношения к культурным различиям, способствующим прогрессу человечества и служащим условиям для самореализации личности; создание условий для интеграции студенческой молодежи в культуры других народов; формирование и развитие у студентов умений и навыков эффективного взаимодействия с представителями различных культур; воспитание их в духе мира, терпимости, гуманного межнационального общения.

Процесс воспитания толерантности, эффективен при соблюдении следующих условий: многокультурное и отражающее плюрализм мнений и трактовок содержание учебно-воспитательного процесса (на основе принципа дивергентности); организация толерантной среды, обеспечивающая толерантное взаимодействие субъектов образовательного процесса (деятельностный подход); использование интерактивных, личностно-

ориентированных, рефлексивных и имеющих диалоговое основание технологий, направленных на развитие толерантных качеств личности (интерактивно-диалоговый подход с использованием проектных технологий); развитые толерантные качества личности педагога и его компетентность в вопросе воспитания толерантности (компетентностный подход).

Высказанные соображения дают возможность дать следующие определения толерантности и терпимости. Толерантность мы рассматриваем как свойство личности, актуализирующееся в ситуациях несовпадения взглядов, мнений, оценок, верований, поведения людей и проявляющееся в снижении сензитивности к объекту за счет задействования механизмов терпения (выдержка, самообладание, самоконтроль). Границы ее проявления распространяются от высокомерия, сдержанности, терпеливости, выдержки,самообладания до беспомощности. Под терпимостью мы понимаем свойство личности, актуализирующееся в ситуациях несовпадения взглядов, мнений, оценок, верований, поведения людей. И необходимо не только изучение генезиса, содержания, особенностей проявления толерантности в глобализирующемся мире. Не менее важная задача - выработка путей и средств формирования толерантности, в том числе в системе высшего образования. В условиях противоборства тенденций глобализации и локализации жизненно важным становится формирование толерантного мировоззрения и развитие коммуникативной компетентности, овладение толерантной культурой деятельности, поведения, общения, социального познания. В Декларации принципов толерантности ЮНЕСКО, в статье 4 указано, что воспитание является наиболее эффективным средством предупреждения нетерпимости[4]. Студенческая среда достаточно неоднородная, включает представителей различных этнических культур, политических движений, молодёжных субкультур и группировок. Преподаватель должен быть примером толерантности, в том числе педагогической. Воспитание в духе терпимости начинается с обучения студентов тому, в чем заключаются их общие права и свободы. Необходимо приобщать студентов к общечеловеческим ценностям, вскрывать культурные, социальные, экономические, политические и религиозные источники нетерпимости, поощрять плюрализм мнений, гибкость мышления, отзывчивость, доброжелательность, умение выслушать других людей и тактично отстаивать собственную точку зрения, стремление к защите основных прав человека.

Особое внимание должно уделяться вопросам повышения уровня педагогической подготовки, учебных планов, содержания учебников и занятий, совершенствования инфраструктуры учебно-воспитательного процесса, разработки новых образовательных технологий эффективного воспитания чутких и ответственных граждан, открытых восприятию других культур, способных ценить свободу, уважать человеческое достоинство и индивидуальность, предупреждать конфликты или разрешать их ненасильственными средствами. Толерантность – продукт и одновременно предпосылка эффективного социального взаимодействия. Укрепление позиций толерантности в системе ценностей современного этапа глобализации является единственным способом предотвращения внутренних и внешних конфликтов, стимулом к расширению сотрудничества государств и народов.

Толерантность в современных условиях глобализации – одно из условий выживания и динамичного развития человечества.

ЛИТЕРАТУРА

1. Современный словарь иностранных слов. //Под редакцией Л. Крысина. – М.: АСТ-ПРЕСС КНИГА., 2012 – 216 с.
2. Советский энциклопедический словарь. // Под редакцией Р.Я.Булатов. – М.:4-ое издание, 1988 – 210 с.
3. Оллпорт Г. Становление личности. Избранные труды //Под ред. Л.А. Леонтьева. – М.: Смысл 2002. 462 с. 10.
4. Декларация принципов толерантности. Статья 4. Утверждена резолюцией 5.61 Генеральной конференции ЮНЕСКО от 16 ноября 1995 г.

Tolerantlik ko'p madaniyatli jamiyatda tarbiya tamoyili sifatida

Atajanova S.E. Toshkent arxitektura-qurilish instituti

Rezyume. Maqaladatalaba shaxsiyatining ma'naviy-axloqiy qadriyatlari orasida alohida qatorda bag'rikenglik dunyoqarashiga ega, madaniyatlararo, dinlararo muloqotga va boshqa millat vakillari bilan o'zaro tushunishga qodir bo'lgan fuqaroni tarbiyalash kir ishiga urg’u beriladi va uning muhimligi, chunki ko'p millatli, ko'p madaniyatli muhitda ijtimoiy-siyosiy barqarorlik shaxsning axloqiy rivojlanishiga va bag'rikengligiga bog'liq.

Таянч сўзлар: Bag'rikenglik, multikulturalizm, madaniyatlararo muloqot, vatanparvarlik, murosasizlik, murosasizliklik namoyon bo'lish shakllari, baynalmillik.

Толерантность как принцип воспитания в поликультурном обществе

Атаджанова С.Э. Ташкентский архитектурно-строительный институт

Резюме. В статье акцентируется внимание на духовно-нравственные ценности личности студента, обладающего толерантным мировоззрением, способного к межкультурному, межконфессиональному диалогу и взаимопониманию с представителями других народов. Это тем более важно, что в условиях многонациональной, поликультурной среды социально-политическая стабильность зависит от нравственного развития личности и толерантности.

Ключевые слова: толерантность, мультикультурализм, межкультурное общение, патриотизм, интолерантность, формы проявления интолерантности, интернационализм

Tolerance as a principle of upbringing in a polycultural society

Atadjanova S.E. Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering

Summary. In the article the attention is focused to the fact that among the spiritual and moral values of the student’s personality, in a special row is the upbringing of a citizen with a world tolerant outlook, capable of intercultural, interfaith dialogue and mutual understanding with other peoples. This is all the more important because in a multinational, multicultural environment socio-political stability depends on the moral development of the individual and tolerance.

Key words: tolerance, multiculturalism, intercultural communication, patriotism, intolerance, forms of manifestation of intolerance, internationalism.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ФАОЛИЯТИ

Сейтимбетова Н. М.
Қорақалпоқ давлат университети

Мамлакатимиз ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари яшаб келган, улар ўртасида ўзаро ҳурмат, тотувлик, дўстлик муносабатлари ҳукм суриб, миллатлараро зиддиятлар бўлмаганлиги – халқимизнинг энг катта ютуғи ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашган дунёда миллатлар ўртасидаги ана шу дўстлик алоқаларини сақлаш ва мустаҳкамлаш энг қийин масалалардан бири ҳисобланади. Инсоният тарихи турли миллат ва элатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий – маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустаҳкамланиб бориши жараёнидир. Дунёдаги барча миллат ва элатларнинг асосий мақсади – тинч-тотув яшаб, фаровон ҳаёт кечиришдир. Миллатлараро ҳамжиҳатлик, ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари эса мана шу орзуларни рўёбга чиқариш учун хизмат қилади [1,73]. Миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳар бир давлат ички сиёсатининг долзарб муоммаси ҳисобланади. Сабаби, кўп миллатли давлатда миллий таркибга эътибор бермаслик, кам сонли миллат вакилларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини инобатга олмаслик давлатда миллий зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин.

Республикамизда миллий зиддиятларнинг олдини олиш мақсадида мустақилликнинг дастлабки кунларидан миллатлараро муносабатлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилиб, ҳар бир миллат вакилининг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига, ўз ақлий ва жисмоний қобилиятини юзага чиқаришига, ўз она тилида таълим олишига кенг имкониятлар яратилди. Ўрганилаётган даврнинг муҳим бир хусусияти шундаки, республика ҳукумати томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатлар нафақат оммавий ахборот воситаларида ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни назарда тутди, балки уларда кўп миллатли давлатда оммавий ахборот воситаларини миллий барқарорлик ҳамда диний бағрикенгликни тарғиб қилишга ундовчи кучли воситага айлантириш белгилаб қўйилди. Мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимияти томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатларда Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг шаъни, қадр-қимматини, қонуний ҳуқуқлари ҳамда эркинлигини ҳимоя қилиш, миллатлараро муносабатларда осойишталик, ҳамжиҳатликни таъминлаш, дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилиш, миллатидан, ирқий мансублигидан, ғоявий ва диний эътиқодларидан қатъи назар, кишиларни бир-бирига нисбатан тенг ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш – телевидение ва радио фаолиятининг асосий вазифа ҳамда йўналишларидан бири қилиб белгилаб қўйилди. Шунингдек, уларда мустақил Ўзбекистон фуқароларининг ахборот олиш ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, давлат сиёсатини одилона ёритиш билан бирга, мамлакатнинг турли миллат вакиллари ўзаро тенг ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши каби масалаларда ҳэм журналистлар фаоллигига алоҳида урғу берилди [2, 89-90].

1989 йилларнинг охири 1990 йилларнинг бошида республикамизда миллий этник белгиларга асосланган ҳолда миллий уйғониш жараёни юз берди ва ҳар бир ҳудудда миллий-маданий марказлар ташкил қилина бошлади. Бироқ, миллий-маданий марказларнинг мамлакат миқёсидаги аҳамиятини ошириш, жамият ҳаётига чуқурроқ кириб бориши учун марказларнинг ташкил қилиниши ва фаолиятининг ўзигина етарли эмас эди. Шу сабабдан марказларнинг мамлакатдаги қарор топган миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлашдаги фаолиятини республика газета-журналлари, телевидение ва радиоси орқали тарғиботи ва ташвиқотини йўлга қўйиш зарурати туғилди.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятида ушбу муҳим вазифани амалга оширишнинг илк қадамлари ўта мураккаб ва миллий низолар кучайган давр, яъни ўтган асрнинг 80-йиллари охирларига тўғри келди. Айнан шу даврдан бошлаб, республика оммавий ахборот воситалари зиммасига миллатлараро муносабатлардаги тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик ғояларини тарғиб этиш маъсулияти юклатилди [3,127].М*иллатлараро дўстлик муносабатларни кенг оммага етказишда ва уни тарғибот-ташвиқот ишларида оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни катта. Республикамизнинг қайси бир бурчагида соҳага оид тадбирлар, турли фестиваллар, маданий кечалар ўтказилганлиги телевидение, радио, матбуот саҳифаларида ёритиб келинмоқда.*

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда олиб борилмоқда. Телерадиокўрсатув ва эшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилларда чоп этилмоқда [4]. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 12 тилда оммавий ахборот воситалари иш олиб бораётган бўлса, шундан 502 атамада ўзбек тилида, 164 таси икки ва уннан ортиқ тилларда, 84 таси 3-4 тилларда (ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик) чоп этилмоқда [5].Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида Байналмилал маданият марказининг маънавият ва маърифат йўналиши бўйича мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, ҳокимликлар, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирлари мунтазам ёритиб борилди. «Шу азиз Ватан – барчамизники» мавзуида расмлар кўргазмаси, «Ўзбекистон – менинг Ватаним» радиофестивали, «Миллий ғоя – бизнинг ғоя» доимий семинари, «Қардошларимиз санъати» адабий-мусиқий анжумани, «Маҳалла – менинг уйим», «Куч бирлик ва дўстликда», «Ватан ягонадир – Ватан биттадир», «Байналмилалчилик миллат танламайди» каби тадбирлар республикада истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари аҳиллигининг маънавий асосини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири эканлигига катта эътибор берилди [6, 134].

Ўзбекистонда бошқа миллат марказий нашрларидан корейс тилида «Коре Синмун», тожик тилида «Овози Тожик», қозоқ тилида «Нурлы жол» газеталари чоп этилмоқда. Бошқа миллат вакиллари кўпчиликни ташкил қилувчи ҳудудларда ўша миллат тилида газеталар чоп этилмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятида тожик тилида «Овози Самарканд», Фарғона вилоятида «Истиқлол йўли» ва «Садои Сух» газеталари чоп этилмоқда. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикасида 38 газета (шундан 5 таси республика, 4 таси хусусий, 15 таси туман, 14 таси соҳавий), 6 журнал ва 1 ахборот агентлиги бўлиб, газета ва журналлар қорақалпоқ, ўзбек, рус, инглис тилида, шунингдек туркман тилида ягона «Мекан» газетаси чоп этилмоқда.«Еркин Қарақалпақстан», «Вести Каракалпакстана», «Қарақалпақстан жаслары» ва бошқа газеталарда «Халқлар дўстлиги», «Өзбекстан – улыўма үйимиз», «Узбекистан – наш общий дом» рубрикаларида миллатлараро тотувликни тарғиб қилувчи мақолалар ёритилиб келинмоқда.

Газета саҳифаларида мамлакатимизда демократик жамият қуриш ва ривожлантиришда миллий маданий марказларнинг ўрни жуда катта эканлиги атаб ўтилади. Масалан, «Вести Каракалпакстана» газетасида Рус миллий маданий маркази фаолияти ёритиб борилади. Бу марказ томонидан амалга оширилган тадбирлар ҳақида К.Пирназарова, Г.Тюгай ва бошқа тажрибали журналистлар қалам тебратган.

2020 йилнинг 19-март куни «Қарақалпақстан жаслары» газетасининг №12 (8080) сонида «Жаңарыў жаршысы-әй, Наўрыз!» мавзусидаги мақола чоп этилди. Унда республикамизда яшаб ва меҳнат қилаётган қозоқ халқининг Наврўз байрамига бағишланган Нукус шаҳри 16-сонли мактабда ўтказилган байрам тадбири сўз этилади [7]. 2020 йилнинг 16 октябрь куни Нукус шаҳар «Пайтахт» газетасининг №28-29-30 (1255-41)-сонида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» мавзусидаги мақола чоп этилди. 2020 йилнинг 29 октябрь кунги «Қорақалпоғистон тонги» газетасининг №42 (1415)-сонида «Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик жамиятнинг мустаҳкам таянчидир» мавзусидаги мақоласи чоп этилди. 2020 йилнинг 30 октябрь куни Нукус тумани «Ақманғит таңы» газетасининг 4-сонида «Өзбекстан – улыўма үйимиз» дослық ҳәм татыўлық фестивалы мавзусидаги мақола чоп этилди. 2020 йилнинг 14 ноябрь куни «Вести Каракалпакстана» газетасининг №84-85-сонида «16-ноябрь Халқаро бағрикенглик куни»га бағишлаб «В единой и дружной семье» мавзусидаги мақола чоп этилди.2020 йилнинг 19 май куни «Вести Каракалпакстана» газетасининг №33 сонида Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритиб келаётган 5та миллий маданий марказлардан бири «Қорақалпоғистон Корейслар Ассоциацияси» ҳақидаги «Бизнинг кучимиз – дўстлик ва ҳамжихатликда» мавзусидаги мақоласи чоп этилди.2020 йилнинг 22 август куни «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 87-88-сонида «Миллетлераралық дослыққа арналды» мавзусидаги мақола чоп этилди. Шунингдек, шу куни «Вести Каракалпакстана» газетасининг 51-сонида «Духовность – источник силы» мавзусидаги мақола ёритилди.

2020 йилнинг 5 сентябрь куни «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 97-98-сонида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари Э.Турсуновнинг «Миллетлер аралық татыўлық диний кенпейиллик – аўызбиршилик факторы» мавзусидаги мақола чоп этилди. Шунингдек, «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 2020 йил 5 сентябрь кунги 97-98-сонида «Славутич» Украин миллий маданий маркази Қорақалпоғистон бўлимининг раҳбари Миронец Ольга Артёмовна ҳақида мақола ёритилди.2020 йилнинг 28 ноябрь куни «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг №144-сонида «Жетписти жылаўлаған жасыуллы» мавзусида Туркман миллий маданий маркази раиси М.Таганмуратовга бағишланган мақола чоп этилди.

Қозоғистон Республикасининг «Жети журт» газетасининг №26-27-сонида «Алыстағы ағайын» мавзусида мақола чоп этилди. Мазкур мақолада Қорақалпоғистон Республикаси Қозоқ миллий маданий маркази раиси Ж.Дарменов, ҳамда марказнинг Қўнғирот бўлими раиси М.Бужабаев, «Еркин Қарақалпақстан» газетаси бош редактори К.Реймов ва «Жети журт» газетаси бош редактори Ш.Амиров биргаликда тушган расм жойлаштирилди. Шунингдек, «Жети журт» газетасининг ушбу сонида «Бердақ» номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг филология факултети 1-курс талабаси М.Букенбаеванинг «Жүреги жырға толған жан» мавзусидаги мақола чоп этилди. Мақолада Тахтакўпир туманида туғилган, ўзининг шоирлик (ақын) истеъдодини номойиш этиб келаётган ёшлардан бири М.Абдикалиев ҳақида сўз этилган [8].

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар қошида нашрлар ташкил қилиниб, бу марказ фаолиятининг янада оммалашувида, ушбу соҳада амалга оширилаётган тадбирларнинг кенг ёритиб борилишида алоҳида аҳамият касб этди. 2001 йил январь ойидан бошлаб туркман миллий-маданий маркази ҳомийлигида туркман тилида «Мекан» номли газета нашр қилина бошлади. «Мекан» газетасининг очилиши узоқ тарихга эга. Собиқ иттифоқ даврида газета очиш ҳақида гап очишга журъат қила олмайдиган йиллар эди. 1987 йили Тўрткул туманига Туркманистон Республикасидан маданият кунларини ўтказишни бир гуруҳ санъат арбоблари, ёзувчи-шоирлар, олимлар таркибидан тузилган «Гулчад» гуруҳи келди. Ўша даврдаги Туркманистоннинг маданият ва адабиётининг намояндалари С.Атаева, М.Атажанова, Г.Шағулова, А.Чарыевлар халқларимизнинг дўстлигига, иноқлигига тан берди. Бу гуруҳ Эрон, Ироқ, Афғонистон, Тожикистон давлатларида сафарда бўлиб, Ўзбекистондагидек аҳилликнинг йўқлигини тан олди. Туркман миллатининг қадриятлари, анъаналари ўзини йўқотмай сақланганига ҳайрон қолди. Шу сабабли, туман раиси Ғ.Хаджиев (марҳум) туманнинг «Дўстлик байроғи» газетасининг бир саҳифасини «Орзу» номи билан туркман тилида чоп этишни таклиф қилди. Шу мақсадда Чаржоу шаҳридан линотип шрифтлар, асбоб-ускуналар олиб келиниб, чоп этилди. Дастлабки сонларини чоп этишда марҳум журналист Жумагелди Ачилов, Ата Ағабердиевлар тер тўкди, - дейди «Мекан» газетасининг редактори Аразмухаммед Абаев [9]. 2001-йилнинг 1-январидан «Салом, янги аср» рубрикаси билан миллий маданий марказнинг «Айдын жол» газетаси А.Абаевнинг редакторлигида чоп этила бошлади. 2004 йил газета «Мекан» номига ўзгартилиб, она тилида ўқувчилар аҳлини эгаллаб олишига эришди [10].

Газета саҳифаларида мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат мазмунини халққа ўз она тилида етказиш билан бир қаторда, республикамизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидан, ахлоқий қадриятларидан, тарихий мавзуларда, бадиий асарлардан парчалар, муштарийларнинг таклиф ва тавсиялари баён этилган мақолаларга алоҳида ўрин ажратиб келинмоқда.Ўзбекистон телерадиокомпаниясида турли миллат тилларида кўрсатувлар намойиш этилмоқда. Улардан «Под единым небом», «В единой семье», «Узбекистан — наш общий дом», «Чинсен», «Дидар», «Стремясь быть справедливым», «Рондо», «Эламан» ва бошқа кўрсатувларда Ўзбекистонда яшовчи миллатларларнинг тарихи ва ҳозирги кундаги ҳаёт тарзи, уларнинг маданияти ва санъати, миллий урф-одатларининг ўзига хос хусусиятлари кенг тарғиб қилинмоқда.

Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси томонидан ҳам миллий тилларда *«Өзбекстан – улыўма үйимиз», «Өзбекстан – ортақ үйимиз», «Өзбекстан – өз үйим», «Ата мекен», «Дияр» каби* махсус кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар халққа намойиш қилинмоқда. Бу эса юртимизда миллатлараро тотувлик ва миллатлараро алоқаларнинг мустаҳкамланишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикамизда маданий марказлар ҳаёти билан бирга ҳар хил миллат вакилларининг жамиятда тутган ўрни, халқларнинг урф-одат дастурлари, маданияти, ҳаётидан ҳар хил эшиттиришлар тайёрлаб, халқимизга тақдим қилиб келаётган Қорақалпоғистон радиосининг «Ижтимоий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий дастурлар» *редакциясида бугунги кунда «Өзбекстан – өз үйим», «Ата мекен», «Дияр» эшиттиришлари тайёрланиб келинмоқда [11]. «Өзбекстан – өз үйим» эшиттириши рус, корейс, қозоқ, туркман миллий-маданий марказлари билан биргаликда тайёрланиб, унда ҳар бир марказнинг ҳаёти, ўтказилган миллий байрамлар, тадбирлар ҳақида маълумот берилиб борилади. «Ата мекен» эшиттириши қозоқ миллий-маданий маркази билан биргаликда 2015-йили ташкил қилиниб, эшиттиришнинг мақсади республикамизда яшовчи қозоқ миллатининг анъаналари, яшаш шароити, маданияти, уларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида сўз этишдан иборат. «Дияр» эшиттириши туркман маданий маркази билан биргаликда 2016-йили март ойида ташкил қилинди. Туркман маданий маркази Тўрткул туманида иш олиб бормоқда. Марказ томонидан «Мекан» газетаси чоп этилиб, Ўзбекистондаги туркман тилидаги ягона газета ҳисобланади. Эшиттиришни тайёрлашда Тўрткул, Хужайли, Тахтакўпир, Шуманай туманларига бориб, туркман қишлоқлари аҳолисининг ҳаёти, маданиятини чуқур ўрганиб, халқга етказилмоқда.*

Қорақалпоғистон телевидениесида республикамизда яшовчи турли миллат ва элатлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон – умумий уйимиз» мавзусида ўзбек, қозоқ (Алтын астана) ва рус (Мой любимый край) тилларида кўрсатувлар намойиш этилади [12]. Миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, миллий-маданий марказларнинг фаолияти, турли миллат вакилларининг миллий ўзига хослигини тарғиб қилишда, кенг оммага етказишда халқаро интернет тармоғининг тутган ўрни алоҳида. Интернет тармоғида*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Республика байналмилал маданият маркази, миллий-маданий марказларнинг фаолияти, шунингдек ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг мақолалари билан танишиш имкониятига эга бўламиз.* 2020 йилнинг 5 октябрь куни Нукус Муҳаммад ибн Ахмад ал Беруний ўрта махсус ислом билим юртининг www.alberuniy.uz сайтида «Ислом таълимотида миллатлараро бағрикенглик» мавзусидаги мақола ёритилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ҳамда интернет сайтларида «16-ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни» га бағишлаб ўтказилган тадбирлар ҳамда мақолалар ёритилди. Юртимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси ва муҳитини мустаҳкамлаш мавзуларида ўтказилаётган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг www.karakalpakstan.uz расмий веб сайтида ҳамда ижтимоий тармоқдаги телеграмм каналларида ёритилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган миллий маданий марказларнинг ижтимоий тармоқларда ҳусусан телеграмм каналлари фаолияти йўлга қуйилди. Унда диёримизда яшовчи миллат ва элатлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўрсатувлар, мақолалар, видеороликлар ва тадбирлар ёритиб борилади.Рус, Корейс, Қозоқ, Туркман миллий маданий маркази раҳбари ўзларининг миллати вакилларига мамлакатимизда коронавирус пандемияси кенг тарқалаётган пайтида уйда қолиш бўйича ўз таклифини берган видеоролик тайёрлаб ҳудудий телеканаларида ёритилди [13]

Хуллас, миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб борилаётган ишларнинг халқ эътиборига етиб боришида, соҳада амалга оширилаётган ишлар таҳлилини юритишда, миллатлараро дўстлик ғояларини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари етакчи ҳаракатка келтирувчи куч ҳисобланади. Сабаби, ҳозирги замон информацион технологиялари ривожланаётган даврда ахборот алмашинув жараёни тезлик билан амалга ошмоқда. Ушбу информацион технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда соҳага доир миллий хусусиятларни акс эттирадиган видеороликлар, ҳар бир миллий-маданий марказ фаолияти акс этган фотожамланмалар, буклетлар ишлаб чиқиш, миллатлараро тотувлик ғояларини кўрсатувчи рекламаларни оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Мусаев О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари. Ф.ф.д.(DSc)... дисс. – Т.: 2017. – Б.73.
2. Сабирова Л. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва уларнинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни (1991-2005 йиллар). Т.ф.н....дисс. Т.: 2010. Б.89-90.
3. Сабирова Л. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва уларнинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни (1991-2005 йиллар). Т.ф.н....дисс. Т.: 2010. Б.127.

4. // «Халқ сўзи» газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *«Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони.* 2017 йил 23 май, №101 (6795)
5. Омонова С. Толерантность и межнациональные отношения в Узбекистане. // Наука XXI века. №3. 2017
6. Сабирова Л. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва уларнинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни (1991-2005 йиллар). Т.ф.н....дисс. Т.: 2010. Б.134.
7. // «Қарақалпақстан жаслары» газетаси. Жаңарыў жаршысы-әй, Наўрыз! 2020 йил 19-март №12 (8080)
8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг «Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти» бўлими материаллари. Нукус-2020
9. // Еркин Қарақалпақстан газетаси. Дослық, аўызбиршиликти жырлаўшы журналист. 2017-йил 23-февраль, №24 (19954)
10. // Еркин Қарақалпақстан газетаси. Дослық, аўызбиршиликти жырлаўшы журналист. 2017-йил 23-февраль, №24 (19954)
11. //«Қарақалпақстан жаслары» газетасы. Өзбекстан – көп миллетли халықлардың ўатаны. 2018-жыл 18-октябрь, № 42 (8006).
12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг «Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти» бўлими материаллари. − Нукус-2020
13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг «Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти» бўлими материаллари. –Нукус-2020

Millatlararo munosabatlarni mustahkamlashda ommaviy axborot vositalari faoliyati
Seytimbetova N.M. Qoraqalpoq davlat universiteti

Xulosa. Maqolada mustaqillik yillarida Qoraqalpog‘iston Respublikasida millatlararo munosabatlarni mustahkamlashda ommaviy axborot vositalarining o‘rni haqida so‘z yuritilib, millatlararo do‘stlik va totuvlikni mustahkamlashda davriy nashrlar, televideniye, radio, internet saytlarining ahamiyati qayd etilgan.

Kalit so'zlar: millat, millatlararo totuvlik, televidenie, radio, matbuot, internet, veb-sayt.

Деятельность СМИ в укреплении межнациональных отношений
Сейтимбетова Н.М.Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается роль СМИ в укреплении межнациональных отношений в Республике Каракалпакстан за годы Независимости, отмечается и значение периодической печати, телевидения, радио, Интернет сайтов в пропаганде межнациональной дружбы и согласия.

Ключевые слова: нация, межнациональное согласие, телевидение, радио, пресса, интернет, сайт.

The activity of mass media in strengthening interethnic relations
Seytimbetova N.M.Karakalpak State University

Summary. The article examines the role of mass media in strengthening interethnic relations in the Republic of Karakalpakstan over the years of Independence, notes the importance of periodicals, television, radio, Internet sites in promoting interethnic friendship and harmony.

Key words: nation, interethnic harmony, television, radio, press, internet, site.

АВИАЦИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ЎТА ЕНГИЛ АВИАЦИЯ ЭКСПЛУАТАНТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

[1]Бердимуратова Г. М.,[2]Мухиддинов Н.
[1]Қорақалпоқ давлат университети, [2]Тошкент давлат юридик университети

Мазкур нормадан келиб чиқадиган бўлсак, авиация ишларини бажариш шартномасида иш бажарувчи шахс сифатида ўта енгил авиация кемаларининг мулкдорлари қатнашадилар. Бугунги кунда ўта енгил авиация деб аталадиган транспорт воситасининг тушунчаси ва унинг мулкдори бўлишга нисбатан қонунчиликда аниқ талаблар назарда тутилмаган. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 18 октябрдаги 349-сон қарорига илова «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида авиация парвозининг асосий қоидалари»нинг [1] 8, 10-бандларига кўра ҳаво кемалари авиация турларига тааллуқлилиги жиҳатидан фуқаро, давлат ва эксперименталга бўлинади. Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ва парвозга яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳаво кемаларининг парвози тақиқланади. Ушбу қоидаларда ациавиция ишлари тушунчасига қуйидаги таъриф берилган: авиация ишлари – авиация воситалари томонидан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар (буюртмачи)ларни технологик ёки транспорт ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлаш мақсадида, шу жумладан эксперимантал ва илмий-тадқиқот ишлари, санитария ва табиатни муҳофаза қилувчи чора-тадбирлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, бахтсиз ҳодисалар, ҳалокат ва офатлар оқибатларини бартараф этиш учун тижорат асосида бажариладиган махсус операциялардир.

Ушбу таъриф аваиция ишларининг кенг маъноли тушунчасини ифодалайди ҳамда ушбу ишларни бажариш шартномаси субъектлари доирасини кенгайтириш имконини беради. Яъни авиация ишларини бажариш буюртмачиси сифатида юридик шахсларнинг барча турлари ва фуқаролар ҳам иштирок этиши мумкинлигини назарда тутади [2]. Фақат буюртмалар авиация ишларини бажариш шартномасига мос келиши учун ишлар тоифаси бевосита авиация воситалари томонидан бажариладиган ишлар хусусиятига мувофиқ бўлиши зарур.

Авиация ишларини бажариш шартномаси тарафлари эксплуатант ва буюртмачи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 29-моддасига биноан Ўзбекистоннинг ҳамда халқаро шартномага мувофиқ чет давлатининг тегишли аэродромига мулки ҳуқуқ асосида эгалик қилаётган ёки аэродромни ижарага олган ёхуд қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа асосларга биноан тегишли сертификатга эга бўлган шахс (юридик ёки жисмоний шахс) аэродром эксплуатанти ҳисобланади.

Ушбу моддада келтирилган таърифдан фуқаро ёки юридик шахсни эксплуатант сифатида эътироф этиш имконини берадиган учта ўзига хос белгини ажратиш мумкин. Биринчидан, ҳаво кемаси фуқаро ёки юридик шахсга ҳар қандай мулкий ҳуқуқ асосида, яъни ашёвий ҳуқуқ (мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқ) бўйича ҳам мажбурият ҳуқуқи (ижара, лихинг, ишончли бошқари ва шу кабилар) бўйича ҳам тегишли бўлиши мумкин. Ҳаво кемаси юридик шахс ёки фуқарога мулк ҳуқуқий ёки бошқа қонуний титул асосида тегишли бўлиши қонунчилик учун янгилик ҳисобланади [3]. Илгари ҳаво кемалари фақат авиакорхоналарга бириктирилар эди, бироқ бу ушбу корхоналар ҳаво кемасининг мулкори ҳисобланишини англатмасди. Ҳаво кемаларининг мулкдори Фуқаро авиацияси вазирлиги (аэрофлот) тимсоли давлат ҳисобланган ва авиакорхоналар унинг тузилмавий бўлинмалар ҳисобланган. Бироқ мулк ҳуқуқига нисбатан концепциянинг ўзгаришини оқибати ва хусусий мулк ҳуқуқининг тикланиши билан фуқаролар ва нодавлат юридик шахсларда ҳаво кемаларининг мулкдори бўлиш имконияти юзага келди. Ҳаво кодексининг 39-моддаси биринчи қисмига кўра, барча турдаги ҳаво кемалари рўйхатдан ўтказилиши, бунда фуқаро ҳаво кемалари - Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрида, давлат ҳаво кемалари эса Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрида рўйхатга олиниши лозим. Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланишича, тегишинча ҳаво кемаларининг реестрини юритиш тартиби ва уларга гувоҳномалар бериш тартиби тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2016 йил 1 мартдаги №58 «Фуқаро ҳаво кемаларини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисида»ги низом [4] қабул қилинган. Бироқ ушбу низомда ҳаво кемасига нисбатан мулк ҳуқуқини ва унга нисбатан битимларини рўйхатдан ўтказиш тартиби назарда тутилмаган. Бу эса айни пайтда фуқаро ҳаво кемасининг мулк ҳуқуқи объекти сифатидаги мақоми ҳамда фуқаролик муомаласи объекти сифатидаги ҳолатини аниқлашга салбий таъсир кўрсатади. Зеро, ҳаво кемасининг ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқиб унинг мулкдори ва унга нисбатан ҳуқуқларнинг юридик тақдирини белгилаш мумкин ҳисобланади. Уларнинг белгиланмаслиги натижасида ҳаво кемаларининг мол-мулк сифатидаги мақомига нисбатан мавҳумлик ва алалоқибат бу борадаги қонун бузилишларига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли равишда Россия Федерацияси Ҳаво кодексида ҳаво кемасига нисбатан ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш масалалари аниқ белгиланган. Хусусан, РФ ҲКнинг 33-моддаси ҳаво кемасини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобини юритиш масалалари белгиланган. Унга кўра:

1. Парвозларни бажариш учун мўлжалланган қуйидаги ҳаво кемалари давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:1) учувчисиз ҳаво кемаси, максимал учиш оғирлиги 30 килограмм ва ундан кам бўлган учувчисиз фуқаро ҳаво кемалари бундан мустасно ҳамда учувчи бошқарадиган фуқаро ҳаво кемаси, қурилма оғирлиги 115 килограмм ва ундан кам бўлган ўта енгил учувчи бошқарадиган фуқаро ҳаво кемаси бундан мустасно;

1.1. Ушбу модданинг 1-қисми 1-бандига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиладиган учувчи бошқарадиган фуқаролик кемалари, ўта енгил учувчи бошқарадиган фуқаро ҳаво кемаларидан бундан мустасно, Россия Федерациясининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат реестрида рўйхатдан ўтказилади ва давлат рўйхати тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

1.2. Ушбу модданинг 1-қисми 1-бандига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиладиган учувчи бошқарадиган ўта енгил фуқаро ҳаво кемаси фуқаро авиациси соҳасидаги ваколатли орган томонидан ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

1.4. Давлат ҳаво кемалари мудофаа соҳасидаги ваколатли орган томонидан белгиланган тартибида давлат авиацияси бўлимлари бўлган ваколатли органлари билан келишган ҳолда рўйхатдан ўтказилади.

2. Россия Федерациясининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат реестрига киритиш фуқаро авиация соҳасидаги ваколатли орган зиммасига юклатилади.

3. Экспериментал ҳаво кемалари мудофа саноати соҳасидаги ваколати органнинг тегишли ҳужжатини бериш билан давлат ҳисобига олиниши лозим.

3.1. Россия Федерациясига олиб кирилган ёки Россия Федерациясида ишлаб чиқилган максимал парвоз оғирлиги 0,25 килограммдан 30 килограммгача бўлган учувчисиз бошқариладиган фуқаро ҳаво кемалари Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

4. Россия Федерацияси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга қўйилган ҳаво кемаси Россия Федерацияси миллий мансубликка эга бўлади.

5. Фуқаро ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги ҳолларда Россия Федерациясининг фуқаро ҳаво кемалари давлат реестридан чиқарилади:фуқаро ҳаво кемасининг рўйхатидан чиқарилиши ёки фойдаланишдан олинганлиги;фуқаро ҳаво кемасининг сотилганлиги ёки унга нисбатан мулк ҳуқуқининг бошқа қонуний асослар бўйича чет эл давлатига, шунингдек фуқаро ҳаво кемасини Россия Федерацияси ҳудудан ташқарига олиб чиқиб кетиш шарти билан чет эл фуқаросига, фуқаролиги бўлмаган шахсга ёки чет эл юридик шахсига ўтганлиги;фуқаро ҳаво кемасини давлат рўйхатидан ўтказиш талабларининг бузилганлиги.

6. Фуқаро ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар Россия Федерациясининг фуқаро ҳаво кемалари давлат реестридан чиқарилганда ушбу ҳаво кемасини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ўз кучини йўқотади ва ушбу гувоҳномани берган органга қайтарилади.

7. Ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат ҳисобини юритиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади.

8. Фуқаро ҳаво кемасини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун Россия Федерациясининг солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчилигида белгиланган миқдорда ва тартибда давлат божи ундирилади.

9. Ҳаво кемасига нисбатан мулк ҳуқуқ ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, ушбу ҳуқуқларни чеклаш, уларнинг вужудга келиши, бошқага ўтиши ва тугатилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек ҳаво кемасига нисбатан ҳуқуқлар ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва рўйхатдан ўтказишни рад этиш тартибини белгилаш Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 131-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

10. Фуқаро ҳаво кемаси гаровга қуйилган ҳолларда гаров тўғрисидаги маълумотлар Россия Федерациясининг фуқаро ҳаво кемалари давлат реестрига киритилиши лозим.

Бу ҳолатда ҳаво кемасига нисбатан ҳуқуқларни ва улар билан боғлиқ битимларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқларга оид белгиланган қоидаларга асосан амалга оширилиши англашилади. Фикримизча, бундай тартиб Ўзбекистонда ҳам амал қилиши ва фуқаро ҳаво кемаларига нисбатан мулк ҳуқуқ ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, шунингдек уларга оид битимларни рўйхатдан ўтказиш кўчмас мол-мулк учун белгиланган тартибга бўйсундирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 44-моддаси биринчи қисмига биноан ҳар қандай ҳаво кемасига мулк ҳуқуқ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқга кўра эгалик қилаётган юридик ёки жисмоний шахс эмас, балки ҳаво кемасидан фойдаланиш қобилиятини тасдиқловчи тегишли сертификатга эга юридик ёки жисмоний шахс эксплуатант ҳисобланади. Бу эса эксплуатант томонидан ҳаво кемасидан фойдаланиб авиация ишларини бажариш шартномасини тузиш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳаво қонунчилигига кўра, эксплуатант мақоми сув кемаси эгасининг мақомига яқин ҳисобланади. Сув кемаси эгаси деганда, кемани ўз номидан эксплуатация қилаётган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади, бундай кемага эгалик қилувчининг унинг мулкдори эканлиги ёки кемадан бошқа қонуний асосларда фойдаланаётганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда гап транспорт фаолиятининг битта субъекти – кема эгаси тўғрисида бормоқда. Фақат ҳаво қонунчилигида кема эгаси эксплуатант деб аталади ва бу турли мамлакатлар ҳаво қонунчилигини бирхиллаштириш нуқтаи назаридан тўғри саналади [5]. Ҳаво қонунчилигидаги деярли барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз матнида «парвоз» атамасини қўллайди. Бироқ «парвоз» атамасининг легал тушунчаси қонунчиликда белгиланганмаган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «парвоз» сўзининг учиш, учиб бориш, осмонга кўтарилиш маънолари келтирилган [6]. Оддий тушунишда парвоз деганда, ҳаракат, ҳаво бўйлаб ҳаракатланиш англашилади. Кўриниб турибдики, «парвоз» атамаси айний ҳолатда юридик аҳамият касб этмайди. Бироқ бунда «парвоз» атамаси қонунчилик ҳужжатининг матнида қўлланилиш ҳолатини ажратиш лозим. Мазкур ҳолатда кемадан парвоз учун фойдаланиш, яъни ҳаво бўйлаб кеманинг ҳаракатланиши назарда тутилмоқда.

Муайян ҳолатларда алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг тан олинган ҳалқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномаларининг принциплари ва нормалари (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси) тушунчаларни махсус маъносини белгилаши мумкин. Хусусан, 1971 йил 23 сентябрдаги «Фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид солувчи ғайриқонуний актларга қарши кураш тўғрисида»ги Монреаль Конвенциянинг [7] 2-моддаси «а» бандида белгиланишича, ушбу конвенция мақсадлари учун ҳаво кемаси бўлиб юк ортилганидан сўнг барча ташқи эшиклар ёпилган пайтдан бошлаб юкни тушуриб олиш учун ташқи эшиклардан исталган бирови очилгунига қадар павозда бўлган кема ҳисобланади. Мажбурий (фавқулодда) қўниш ҳолларида ваколатли шахслар ҳаво кемаси ва унинг бортидаги шахслар ва мол-мулклар учун жавобгарликни зиммаларига олмагунларча парвоз давом этган ҳисобланади.

Ушбу Конвенция яна бир вазиятни ажратади. Хусусан, 2-модданинг «б» бандига мувофиқ, ушбу конвенция мақсадлари учун ҳаво кемаси бўлиб, ерда ишловчи ходимлар ёки экипаж томонидан парвоз олди тайёргарлигидан бошлаб ҳар қандай қўнишдан кейин йигирма тўрт соат ўтгунига қадар ҳар бир парвоз учун эксплуатацияда бўлган ҳаво кемаси тан олинади; бунда эксплуатация даври ҳамма ҳолларда ҳаво кемаси правохда бўлган барча даврга қадар давом этади.

Ушбу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25-февралдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ички сув транспорти уставига [8] мувофиқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси ички кема йўлларида сузиш қоидалари» [рўйхат рақами 769, 1999 йил 9 июль] алоҳида қизиқиш уйғотади. Мазкур уставнинг 4.1. бандига кўра, 4. «кема» – одамларни, юкларни ташишга ёки сувда бошқа ишларни бажаришга мўлжалланган махсус сузиш воситаси [9] дир.Фикримизча, ички сув транспорти сифатида «кема» тушунчасига таъриф берилиши мақсадга мувофиқ саналади ва бундай ёндашув ҳаво кодексида ҳам ўз ифодасини топиши ва «ҳаво кемасидан парвоз учун фойдаланиш қобилияти» атамаси (ҲКнинг 44-моддаси биринчи қисми) аниқлаштиришни талаб этади.

Бу ҳолатда ҳаво қонунчилигида бўшлиқ мавжуд саналади, бироқ мазкур вазиятга нисбатан қонунни ўхшашлик бўйича қўллаш ноўрин бўлади. Гап шундаки, қонун ўхшашлиги фуқаролик ҳуқуқи предметига кирадиган муносабатлар, яъни мулкий-қийматга эга бўлган ёки шахсий номулкий муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинмаган ҳолларда қўлланилади (ФКнинг 5-моддаси биринчи қисми). Бироқ «ҳаво кемасидан фойдаланиш» тушунчаси «эксплуатант» термини билан тавсифланадики, ўз навбатида буни соф фуқаролик-ҳуқуқий категория жумласига киритиб бўлмайди. Қолаверса, ҳаво кодексида моҳиятан маъмурий-ҳуқуқий нормалар ҳисобланган парвозлар тўғрисидаги бир қанча махсус нормалар мавжуд. Масалан, ҲКнинг VIII-боби «Ҳаво кемаларининг парвози»га бағишланади ва парвозларга бағишланган оммавий тусдаги 11 та моддани назарда тутади. Бироқ ажабланарлиси ушбу бобда парвоз тушунчаси берилмаган.

Қонун ўхшашлигини бу вазиятда қўллашнинг имконсизлигига қарамасдан, ички сув транспорти қонунчилиги ёндашувидаги тегишли тушунчаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин, албатта. Зеро, ички сув транспорти устави ва ХК ўз навбатида, транспорт корхоналарини ташкил этилиши ва фолият юритилиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни, транспорт корхоналари ва транспорт воситаларидан фойдаланувчи уларнинг кўп сонли мижозлари ўртасидаги муносабатларни, шунингдек бир ёки турли хилдаги транспорт воситаларига ихтисослашган транспорт корхоналари ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган «транспорт қонунчилиги»га таркибига киради. Транспорт корхоналарини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш тушунчасига давлат ҳокимияти органлари томонидан бундай фаолиятни назорат қилиш бўйича вертикал муносабатлар ҳам киради.

Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, «ҳаво кемасидан парвозлар учун фойдаланиш « – бу ҳаво кемасидан юк, йўловчи ва багаж ташиш, почта жўнатмалари (ташиш), қишлоқ хўжалиги, қурилишда иш бажариш учун, атроф табий муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа мақсадаларда (авиация ишлари), ҳарбий, чегар, милиция, божхона ва бошқа давлат хизматлари, шунингдек, мобиллашган-мудофаа вазифалари, экспериментал, илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек авиация ва бошқа техникасини синовдан ўтказиш ва бошқа мақсадаларда фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятдир. Бошқача айтганда, парвоз учун кемадан фойдаланиш ҳаво кемасидан фуқаролик, давлат ва экспериментал авиация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни англатади.

Амалий фаолиятда, шунингдек назарий таҳлилда махсус танланган, ягона таснифланишдан фойдаланиш мумкин бўлгани ҳолда, бундай таснифланишнинг кўплаб жиҳатлари ва бир эмас, бир қатор мезонларидан ҳам фойдаланишга йўл қўйилади. Шу жиҳатдан эксплуатантни қуйидаги турли мезонлар асосида таснифлаш мумкин:

парвознинг тайинланиши бўйича қуйидагилар: транспортли – йўловчи, юк, почта ва багаж ташиш учун;

– авиация ишларини бажариш бўйича парвозлар – фуқаро авиациясидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланилганида, шунингдек аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда ва санитария чора-тадбирларида;таълим – ўқув муассасаларида курсантлар ва тингловчиларни ўқитиш учун;шуғулланиш – учувчилар таркибини шуғуллантириш ва улар малакасини текшириш учун;методик – ҳаво кемаларининг оқилона ҳаракатланиш траекториясини ва ҳаво кемаларини бошқаришнинг мақбул усулларини топиш, учувчилар таркибини ўқитишнинг дастурлари ва услубларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, инструкторлик ишига жалб этилган учувчилар таркибининг услубий тайёргарлигини текшириш учун;тадқиқот (илмий) – илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун;тажриба (назорат-синов) – ҳаво кемаларини ёки улардан ўрнатилган двигател ва ускуналарни синовдан ўтказиш учун;ер усти тизимларнинг ортиқча парвози ва радиотехника тизимлари (ер усти тизимларнинг назорат ортиқча парвозлари радиотехника тизимлари) – радиотехника воситалари, ер усти қўниш навигация тизимлари учун;ҳаво кемаларининг ортиқча парвози (ҳаво кемаларининг назорат парвозлари) – ҳаво кемасининг ер устида текширишнинг имкони бўлмаган, тизимлари ва агрегатларини парвозда текшириш учун;бир жойдан иккинчи жойга кўчириш – ҳаво кемасини таъмирга (ёки таъмирдан), янги жойлашуви жойи ёки иш жойига парвоз орқали олиб бориб бериш учун;намойиш – авиация техникасини кўрикдан ўтказиш, шунингдек бошқа ташкилий тадбирлар учун;қидирув-қутқарув ва ҳалокат-қутқарув – ҳалокатга учраган, шунингдек бахтсиз ҳодисаларда ва бошқа ташкилотлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик режасига мувофиқ экипаж, йўловчи, учиш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларини қидирш ва ёрдам кўрсатиш учун.Парвоз ва самолётни бошқаришга оид парвозлар бўйича:

– ускуналари бўйича ва визуал (хаёлий) парвозлар.

Парвоз ҳудуди бўйича: аэродромли (аэротармоқли) – аэродром ҳудудида;трассали – ҳаво трассалари бўйича (халқаро ҳаво линиялари);майдонли – авиация ишларини бажариш зоналарида;йўналишли трассали – ўрнатилган йўналиш бўйича ва битта парвоздаги ҳаво трассаси бўйича бажарилади.Парвоз баландли бўйича қуйидагиларга бўлинади:нисбатан паст баландликда доирасида – ҳудуд рельефи ёки сув юзасидан 200 метргача баландликда;паст баландликларда – ҳудуд рельефи ёки сув юзасидан 200 метрдан юқори ва 1000 метр баландликда;ўрта баландликларда – денгиз сатҳидан 1000 метрдан юқори ва 4000 метрдан баландликда;юқори баландликда – денгиз сатҳидан 4000 метрдан юқори ва 12000 метргача баландликда;стратосферада – денгиз сатҳидан 12000 метрдаги баландликда.

физик-жуғрофий шароитга кўра парвозлар қуйидагиларга бўлинади:текислик ва қия жойлар устидан; тоғли жой устидан; чўл ҳудуди устидан; сув ҳавзаси устидан; Шимолий ва Жанубий ярим шар устидан.

Сутка вақти бўйича парвозлар қуйидаги турларга бўлинади:кундузги – қуёшнинг чиқиши ва ботиши оралиғидаги даврда;тунги – қуёшнинг ботиши ва чиқиши оралиғидаги даврда;оралиқ – ҳаво кемасининг учишидан қўниши кундузги парвоздан тунги парвозга ва аксинча амалга ошириладиган даврда.

Эксплуатантнинг белгиларига қайтган ҳолда, формал, айни пайтда зарурий белги – эксплуатантда сертификат (гувоҳнома)нинг мавжудлиги белгисини қайд этиш лозим. Ушбу сертификат авиация қоидалари эксплуатантга нисбатан белгиланган талабларга мос келадиган фуқаро (юридик шахс)га берилади (Ҳаво кодексининг 44-моддаси биринчи қисми). Ҳозирда ушбу талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 1 мартдаги 58-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатантнинг сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги низомда белгиланган. Хусусан, ушбу низомда келтирилишича, эксплуатантнинг сертификати – юридик ёки жисмоний шахсга фуқаро ҳаво кемалари эксплуатацияси билан боғлиқ фуқаро авиацияси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат бериш тусидаги ҳужжат ҳисобланади. Мазкур таърифдан эксплуатант фуқаро авиация соҳасида ташиш

ва авиация ишларини амалга ошириш имкониятига эга бўлиши, яъни фуқаро авиацияси субъектига рухсат этилган фаолият тури билан шуғуллана олиши лозимлигини англаш мумкин эмас.

ҲКнинг 23-моддасига биноан авиация экспериментал, давлат ва фуқаро авиациясига бўлинади. Бироқ, қайд этиш лозимки, эксплуатант – бу фақат фуқаро авиацияга алоқадор шахс ҳисобланади, яъни ҲК терминологияси бўйича фуқаролар ва иқтисодиёт эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида фаолиятни амалга оширадиган субъект саналади (ҲКнинг 24-моддаси). Ҳаво кемасини давлат авиацияси ва экспериментал авиация фуқаро ёки юридик шахс томонидан эксплуатант сертификати (шувоҳномаси)ни олиш мажбуриятини юкламайди. Ўз навбатида, агар жисмоний ёки юридик шахс фуқаро авиациясидан бошқа мақсадлар учун фаолиятни амалга оширса, бундай шахс эксплуатант ҳисобланмайди.

Хулоса сифатида қайд этиш зарурки, эксплуатант – бу муайян қонуний титул асосида ҳаво кемаси мавжуд бўлган, ушбу ҳаво кемасини фуқаро авиация мақсадларида фойдаланадиган ва эксплуатант сертификати (гувоҳнома) эга бўлган фуқаро ёки юридик шахсдир. Шу сабабли эксплуатант тушунчасига нисбатан Ҳаво кодексининг ёндашувининг ўзгартириш ва эксплуатант атамасининг аэродромга нисбатан эмас ҳаво кемасига нисбатан қўллаш ўринли бўлади. Зеро, эксплуатант аэродромни эмас, ҳаво кемасига нисбатан парвозларни амалга оширади. Ушбу ҳолатда ҲКнинг III-бобини «Авиация корхоналари. Эксплуатантлар» деб номлаш ва шу асосда эксплуатант ҳаво кемасининг эгаси эканлигига оид қоидаларни белгилаш зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 42, ст. 487; Национальная база данных законодательства, 08.05.2020 г., № 09/20/271/0565
2. Врбашки Л. Правовое регулирование воздушных перевозок и аэронавигации в ЕС: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2016.
3. Аксаментов О.И. Правовое положение воздушного перевозчика // Правовой научнопрактический журнал «Кодекс info» №12, декабрь 2001г.
4. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 9, ст. 92; Национальная база данных законодательства, 07.03.2019 г., № 09/19/194/2711; 08.05.2020 г., № 09/20/271/0565
5. Аксаментов О.И. Правовое положение воздушного перевозчика // Правовой научнопрактический журнал «Кодекс info» №12, декабрь 2001г.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Н-Тартибли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энцеклопедияси, 2008. – 219 б.
7. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 29 декабрдаги 1016-XII-сонли «Халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигига доир Конвенциялар ва Баённомага қўшилиш тўғрисида»ги қарорига асосан қўшилган. Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 9 мартдан кучга кирган // https://www.lex.uz/docs/2698811?twolang=true
8. https://lex.uz/docs/471865
9. https://lex.uz/docs/819422

Авиация ишларини бажариш субъекти сифатида ўта енгил авиация эксплуатантининг ҳуқуқий мақоми

Бердимуратова Г. М. Қорақалпоқ давлат университети
Мухиддинов Н. Тошкент давлат юридик университети

Резюме. Ушбу мақолада авиация иши мавзусига оид масалалар муҳокама қилинган. Ўта енгил авиация эксплуатантининг ҳуқуқий мақомини тадқиқ этиш бугунги кунда авиация ишларини бажариш шартномаси субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Ўта енгил авиация хизматини кўрсатиш шартномаси тарафлар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турувчи субъектлилик мақомига эга шахслар тоифаси мансуб саналади.

Калит сўзлар: авиация, ҳаво кемалари, эксплуатант, сертифкат, гувоҳнома.

Правовой статус эксплуатанта сверхлегкой авиации как субъекта авиационных работ

Бердимуратова Г. М. Каракалпакский государственный университет
Мухиддинов Н. Специализированный филиал ТГЮУ

Резюме. В данной статье рассматривается вопросы относительно субъекта авиационных работ. Изучение правового статуса эксплуатанта сверхлегкой авиации сегодня играет важную роль в определении прав и обязанностей субъектов договора на выполнение авиационных работ. Основным или обязательным предметом этого договора является лицо, выполняющее авиационные работы, то есть владелец сверхлегкой авиации.

Ключевые слова: авиация, самолёт, эксплуатант, сертификат, удостоверение.

Legal status of a very light aviation operator as a subject of aviation works

Berdimuratova G. M. Karakalpak State University
Muxiddinov N. State law disciplines of Specialized Branch of Tashkent State University of law

Summary. This article discusses issues regarding the subject of aviation work. The study of the legal status of an ultralight aircraft operator today plays an important role in determining the rights and obligations of the subjects of the contract for the performance of aviation work. The main or mandatory subject of this agreement is the person performing aerial work, that is, the owner of ultralight aircraft.

Key words: aviation, aircraft, operator, certificate, attestation.

МУКОФОТЛАШ АНЪАНАСИ: ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ (ТАРИХИЙ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ)

Абдуллаев Д. Н.

Тошкент давлат педагогика университети

Кириш. Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг давлат томонидан маълум бир эътирофга эришишида йиллар давомида хизмат фаолияти натижасида қўлга киритган ютуқларининг жамият ҳаётидаги аҳамияти муҳим роль ўйнайди. Одамларни янги-янги марраларни қўлга киритишларида уларга кўрсатилган моддий ва маънавий рағбатлантиришлар, яъни мукофотлаш, орден ва медаллар билан тақдирлаш каби рағбатлантиришнинг аҳамияти каттадир. Дарҳақиқат, тарихий тадқиқотларда мукофотлаш тизимини ўрганиш жараёнида жаҳон мамлакатлари ва Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларнинг мукофотлаш тизими, анъанаси, белгилари ва тарихий ривожланиш босқичларини қиёсий таҳлил қилиш муҳим ғоя ва фикрларни шакллантиради, улар ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳудудидаги мукофотлаш тизимининг ретроспективасига назар ташлар эканмиз, албатта, жаҳон мамлакатлари ва ватанимиз ҳудудидаги хонликлар ва амирликлар даври ҳамда Россия мустамлакачилик давридаги мукофотлаш тизими, орден ва медальонларнинг тарқалишини тарихий аҳамиятини тарихий-қиёсий таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.Бу борада дастлаб жаҳон мамлакатлари мисолида кўриб чиқар эканмиз, антик давлатларда мукофот ва унинг белгилари, ўрта аср Европа мамлакатларида орден ва медалларнинг яратилиш тарихига доир баъзи масалаларни илмий муҳокамага тортиш ва таҳлил қилиш даркор.

Асосий қисм. Жумладан,Қадимги Юнонистон ҳарбий соҳасида жасур ва мард жангчиларни жасорати ва фидойилиги махсус белгили мукофотлар билан рағбатлантирилган. У ерда «фалера» атамаси юзага келган бўлиб, дастлаб отлиқ жиловига мустаҳкамланган думалоқ нишонларга қўлланилган ва ғолибни дафна тожлари билан тақдирлаш урф-одати юзага келган. Аммо у ерда мукофотлар тизими аниқ ва қатъий ишлаб чиқилмаган, чунки Эллада (юнонлар ўз юртини шундай номлашган) доимо бир нечта кичик давлатларга ажралганича қолган ва асосийси у ерда профессионал армия шаклланмаган.

Юнонлардан фарқли равишда римликлар империя тузиб, кучли, профессионал армияга урғу берганлар ва юнон мукофотларидан намуна олиб, уларнинг асосида ихчам тизимни ишлаб чиқганлар. Рим мукофотининг биринчи кўриниши – гулчамбар тожи бўлган. Римнинг мукофотлаш тожларида аниқ иерархия ва қоидалар билан белгиланган ташқи кўриниш ажралиб турган. Рим империясининг олий тожи «Триумфалис тожи» деб номланган. Дастлаб гулчамбарлар дафна баргидан ясалган, кейинчалик барглари олтиндан тайёрланган ва унга «Ауреа тожи» номини беришган. Бу тож ғалаба қозонган қўмондонларга топширилган, кейинги давр цивилизацияларида подшоҳ ва князь тожларининг прототипи бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, империяда бир қатор мукофот турлари турли хил хизматлар учун тақдим этилган. Масалан, эман баргларидан тайёрланган «Цивика (фуқаролик) тожи» жангда дўстини қутқарганларга топширилган. Қалъа минораси кўринишидаги «Муралис тожи» душман шаҳри деворидан биринчи ўтган ҳарбийга тақдим этилган. «Валларис тожи» душман лагерини забт этганларга мўлжалланган. «Навалис рострат тожи» денгиздаги урушларда кўрсатилган жасоратлар учун топширилган [6].

Ўрта асрларда Европа давлатларининг ҳарбий юришлари тобора кўпайиб боргани сари жамият ҳаётида кўпгина ижтимоий бўғинлар пайдо бўлиб, диний мафкура етакчилик босқичига кўтарилган. Биргина, XI аср бошларида христианлик орденлари яратила бошланган. Иерусалим забт этилганидан кейин кўпгина рицарларга иш топилмаган. Янги подшоҳликдаги ҳокимиятни баронлар қўлга олганлар. Бу рицарлар бойиб кета олмай, ўзлари учун машғулот излашга сабаб бўлган. Улардан айримлари монах-госпитальерларга қўшилганлар, беморларга ва Иерусалимга ташриф буюрувчи зиёратчиларга хизмат кўрсатганлар. 1118 - йилда госпитальерлар ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлиб, ҳарбий соҳага аслзода рицарларни қабул қилишган. Уларни ажратиб туришда ва рағбатлантиришда махсус орден – госпитальерлар (иоаннитлар) орденларига асос солинган. Бир жиҳатга эътибор қаратиш лозимки, у ёки бу орденга мансублик, унинг хусусиятлари шахсларнинг кийимдаги фарқланишига, ажралиб туришига олиб келган. Масалан, ночор қатлам ҳисобланган франциcканликлар жигарранг кийимларини мажбурий белбоғ билан боғлаганлар, сильвестринликлар кенг ҳаво ранг тогу кийганлар, фаластинликлар оқ кийим устидан қора белбоғ ташлаб олганлар, кармелитликлар арестантликлар билан бир қаторда чизгилардан иборат уст-бош кийим кийганлар. Шунингдек, ўрта асрларда Киев русида олтин гривна, қурол-яроқ, хочли занжир билан тақдирлаганлар. XVI асрда рус подшоҳи Иван Грозний жангда жасорат кўрсатганларни кичик олтин юргизилган ёки кумуш тангалар билан тақдирлаш одатини жорий этган. Ўша даврлардан мукофотларни бош кийимга ёки уст кийимга тикиб олиб юрганлар. У вақтда бу алоҳида жасурлик, жасорат белгиси бўлиб ҳизмат қилган. XIV асрда Европанинг кўпгина мамлакатларида дунёвий орденлар юзага келиши жараёни бошланган. Масалан, Англияда – «Подвязка» ордени, Францияда «Юлдуз» ордени таъсис этилган. XV ва XVI асрларда таъсис этилган бошқа орденлар орасида Данияниng «Фил» ордени кўпроқ машҳур бўлиб, у илк бор Салиб юришлари вақтида юзага келган ва унинг белгиси жанговар минора билан оқ Филни ифодалаган бўлиб, бунда Салиб юришлари вақтида бу баҳайбат жонзот билан учрашув тўғрисидаги хотира акс этган. Россияда илк дунёвий рицарлик орденларининг юзага келиши буюк Пётр I номи билан боғлиқ[1, 13-14]. Ўрта асрлар Испанияси Валенсия шаҳридаги Монтеза қалъаси шарафига «Монтезская» авлиё ордени яратилиб, у испан тахти ворисига тегишли бўлган. Шунингдек, испан мукофотлари тармоғига кирувчи «Мальта» ордени 1802 йилда анъанавий белгини сақлаб қолган ҳолда Иоанн махсус подшоҳлик ордени яратилишига асос бўлган.

1811 йилда Испанияда Кортеслар ҳукмронлиги даврида Авлиё Фердинанд ҳарбий орденини таъсис этганлар, ушбу орден билан ҳукумат Испаниянинг мустақиллиги учун курашда жасорат кўрсатганлар мукофотланган.

Францияда «Авлиё Губерт» ордени 1416 йилда таъсис этилган бўлиб, у 1786 йилдан эса подшоҳлик орденига айланган. «Авлиё Михаил» ордени эса Людовик XI томонидан 1469 йилда таъсис этилган ва фан ҳамда санъат соҳасида ҳизмат кўрсатганлар учун мукофот бўлиб хизмат қилган. «Авлиё Кармельская» ва «авлиё Лазар» орденлари 1607 йилда Генрих IV томонидан подшоҳ тансоқчиларига тақдим этилиши мақсадида таъсис этилган. «Авлиё Людовик» ҳарбий ордени 1693 йилда таъсис этилган. Унинг аверс бурчакларида нилуфар гулли ва Авлиё тасвирли оқ хоч ҳамда таъсис этилган санаси белгиланган.

Ўрта асрлар Англиясида келиб чиқиши Шотландия ва Ирландияга таалуқли бўлган – авлиё «Андрей» ва «Патрик» орденлари юқори аҳамият касб этган. «Андрей» орденига 787 йилда асос солинган бўлиб, 1787 йил реформация даврида қайта тикланган. «Патрик» ордени 1783 йилда таъсис этилган.

Италияда Парма герцоглиги вакили номи билан аталган авлиё «Георгий Константиновск» ордени ҳәм қадимийлиги билан машҳур. Шунингдек, 1836 йилда Лук герцоглигида испан вориси Людовик Бурбон томонидан таъсис этилган Авлиё «Людовик пармск» ордени эълон қилинган. Авлиё «Иосиф Тоскания» ордени, юзага келиши айрим манбаларда XVI асрлар деб кўрсатилган бўлиб, Европанинг Наполеон томонидан қайта тақсимланиши вақтида яратилган. 1859 йил Италия бирлашиши даврида сақланиб қолган Сан-Марино республикасига тегишли авлиё «Марин» ордени таъсис этилган. Шунингдек, Пий IV томонидан 1560 йил Авлиё Иоанн Латеранский ордени пайдо бўлган.1698 йилда Пётр I Россиядаги биринчи «Андрей Первозванний» орденини таъсис этган[2].Европа мамлакатлари мукофотлаш тизимида айниқса орденлардаги тошлар – атиргул ўйилган майда олмослар, нотекис юқори қисми касталари (уйғониш давридаги буюмларда қўлланилган қимматбаҳо тошларни мустаҳкамлаш усули) билан деярли беркитилган. Кастларнинг пастки қисми четижа-қирра тишли нақшинкор камарлар билан немис санъати намунаси асосида ясалган.

Юқорида келтириб ўтилган мукофотлар тўғрисида сўз юритилганда, орденлар аста-секин дунёвий характер касб этиб, оммалашиб, жамиятда рағбатлантириш тизимининг бир қисмига айланиб борган. XV–XVII асрларда орденларни ишлаб чиқишда ҳукмдорларнинг ўзи эътибор қаратиб, янги «ихтисослаштирилган» орденларни жорий қилиш ҳамда эскиларини янги кўринишда таъсис этишга киришганлар. Мукофот орденларининг сони оширилиши, катта давлат тизимларининг юзага келиши натижасида бутун мукофотлаш ишини мувофиқлаштирувчи марказий махсус мукофотлаш муассасаларининг тузилишига олиб келган. Натижада, Марказий мукофотлаш муассасалари ихтиёрий орден ва мукофот соҳалари билан боғлиқ давлат фаолияти, шунингдек ҳуқуқий ва молиявий масалалардаги раҳбарликни ўз зиммаларига олганлар.

Албатта, Ғарб давлатларида мукофотлаш орденларининг нафақат давлат мукофоти сифатида, балки дунёвий жамият ҳаётидаги муҳим рағбатлантириш воситаси сифатида юзага келганлиги, унда асосан диний мафкура, ҳарбийларга бўлган муносабатлар ҳамда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ташаббус кўрсатган вакиллар учун яратилгани ҳамда тақдим этилганлигини таъкидлаш мумкин. Мукофотлар тизими асрлар давомида мавжуд бўлган ҳарбийлар, зиёлилар, илм тоифаларини тарбиялаш ва рағбатлантириш механизми вазифасини бажарган. Жаҳон мамлакатларида давлат мукофотлари давлат қурилиши, иқтисодий, фан, маданият, санъат ва маърифат соҳасида, қонунчиликни мустаҳкамлашда, саломатлик ва ҳаётни муҳофазалашда, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, тарбия, спортни ривожлантириш, Ватан ҳимоясидаги ҳиссаси ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, фаол хайрия фаолияти ва давлат олдидаги бошқа хизматлари учун фуқароларини рағбатлантиришнинг олий шакли ҳисобланиб келган ва бу анъана бугунги кунда ҳәм давом этмоқда.

Албатта, ҳозирги кунда тарих фани ривожланишининг замонавий даражаси тадқиқотчидан манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва муомилага киритишни талаб этади. Орденлар, медаллар, нишонлар билан бир бирини тўлдириб борувчи мукофотлаш тизими тарих фанининг кўпгина муаммоларини тадқиқ этишда ўзига хос қимматли манба ва аҳамиятли қўшимча ёрдамчи тарих фанлари таркибида ўрганилади. Улар орқали давлат сиёсатининг янги, аввал кам ўрганлган жиҳатларини тадқиқ этиш, мамлакат тарихидаги муҳим босқичларни янада кенгроқ тушуниш, тарихий ҳодисаларнинг маълум жиҳатларини тўлдириш ёки аниқлаштириш мумкин[4, 93]. Марказий Осиёда мукофотлаш ва рағбатлантириш тизимининг тарихий шаклланиши VIII асрда араб истилоси ва ислом динининг тарқалиши билан боғланади. Мовароуннаҳрда Сомонийлар сулоласининг ҳукмронлиги даврига келиб маҳаллий дин пешволари, пайғамбар авлодлари – саидлар ва дастлабки тўрт халифалар издошлари – хожилар давлат таянчига айланганлар. Ҳукмдорлар уларнинг кўмагига таяниш, уларни рағбатлантириш мақсадида катта ер ва мулкларни ҳадя этганлар. Шу тариқа, давлат ҳаётида мансабдорлар, ҳарбий қўмондонлар, олий дин арбоблари ва зиёлиларини турли ер мулклар (суюрғол, жогир ва танхо) билан мукофотлаш доимий анъанага айланган.

Ўзбек давлатчилигининг ривожланиши ва мустаҳкамланишида буюк Амир Темур ва Темурийлар даври муҳим ўрин тутади. Темурнинг мероси ҳисобланмиш «Темур тузуклари» китоби давлат бошқаруви тўғрисидаги нодир манбадир. Китобда муносиб инсонларни мукофотлаш қандай амалга оширилганлиги тўғрисида муҳим далиллар баён этилган. Масалан, бирор-бир вилоятни эгаллаган ёки душман қўшинини тарқатиб юборган амир фахрий белгилар билан тақдирланиши буюрилган: Мукофот эгасига фахрий унвон, уни баҳодир деб олқишлаш, давлатни бошқариш ишларида ҳамкор деб тан олиш ва ўз кенгашларига киритиш; унга чегара ҳудудини илтифот этиш ва маҳаллий амирларни унинг ҳокимиятига бўйсундириш каби ваколатлар берилган. Душман сафларини мағлуб этган ва унга қаршилик кўрсатган душманни тарқатиб юборган ўнликбошилар шаҳар ҳокими этиб; юзбошилар эса – вилоят ҳокими этиб тайинланган. Душман қўшинини мағлуб этган мингбошини вилоят

(мамлакат) ҳокими этиб тайинлаш аъанага айланган. Тегишли ўлкани эгаллаган амир уч йил давомида ўша ҳудудни бошқариши мумкин бўлган. Жангда жасурлик кўрсатган баҳодирларни жанг болғаси, кашта чодир, белбоғ, қилич, от ва ўнликбоши унвони билан мукофотлаш; такроран ёки учинчи бор жасурлик кўрсатганларни – юзбоши ва мингбоши унвонига кўтаришни буюрган[9, 80-82]. Шунингдек, хорижий мамлакатлар элчилари Самарқандга ташриф буюрган кезларда Амир Темур томонидан уюштирилган зиёфатларда иштирок этганлар, уларга кўпина қимматбаҳо кийимлар, отлар ва тангалар ҳадья этилган[3, 268]. Бунда албатта, Амир Темурнинг меҳмондўстлиги ва дипломатик қобилияти юқори бўлганлигини эътироф этиш даркор.

Албатта, Ўрта Осиё хонликлари тарихи даврларида ҳам мукофотлаш анъанаси давом этган ва ривожланган. XVI–XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё ҳудудида мукофотлаш тизими тарихида қуйидаги икки омил муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, XVI–XVIII аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётда «иқтоъ», «суюрғол», «танҳо» каби давлат имтиёзларининг мукофотлаш тизимидаги ўрни, иккинчидан, мазкур даврда Ўрта Осиё хонликлари ҳудуди жумладан, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Ўратепа ва бошқа шаҳарлардан олтин буюмларни тайёрлаш соҳаси тараққий этганлиги, айнан улардан давлат мукофотлари ва совғалари сифатида фойдаланиш имконини берган.

XIX асрга келиб Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонлигида, товар-пул муносабатлари тилло, кумуш (танга) ва мис (пул) тангалари билан амалга оширилган. Турли «сайидлар», «хўжалар» «уруғдор», «шогирдпеша» авлодлар ижтимоий мавқеидаги эгаллаган поғонаси, тилла тангалар, буюмларда ифодаланган бойликка эгалилига кўра унвонлар ва фахрий белгиларга эга бўлган. Уларнинг ўз камарида олтин ва кумуш пичоқлар, қилич ва жанговар болғаларни олиб юриши маҳсус ёрлиқ берилганлигини ифодалаган[7, 129].Фалеристиканинг муҳим қисми ҳисобланган тақдирлаш нишонлари (орден, медаллар) Марказий Осиёда Россия империяси босиб олгандан кейинги йилларда пайдо бўлган. Масалан, 1881 йилда Бухоро амири Музаффар томонидан биринчи бор «Бухоройи Шариф» ордени таъсис этилган. Амир Абдулахад ҳукмронлиги даврида «Бухоро подшоҳлиги тожи» (1886 й.) ва «Искандар қуёши» (1898 й.) орденлари яратилган[8, 197-200]. Бу орденларнинг таъсис этилиши Бухоро амирлигининг Россия билан дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга ҳизмат қилган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Россия ва хориждан кириб келган Европа орденларининг хоч шакли Марказий Осиё шароитига ва динига номақбул бўлган, шунинг учун русларнинг Станислав ёки Анна орденлари юлдузлари шаклига ўхшаш нишонлар афзал кўрилган.

Туркистонда совет ҳукумати ўрнатилиши даври ҳам Марказий Осиёда тақдирлаш иши ривожланишидаги янги босқични белгилаб берган. Масалан, Бухоро халқ совет республикасида «Бухоро белгиси нишони» ордени 1921 йил 1 декабрда таъсис этилган ва 1922 йил 26 январда «Бухоро белгиси нишони» тўғрисидаги низом тасдиқланган. 1922 йил январь ойида Хоразм халқ совет республикасида «Қизил Байроқ» ордени таъсис этилган [5, 166-197].

Марказий Осиё ҳудудида мукофотлаш тизими тарихини даврлар асосида кетма-кетликда таҳлил қилиш натижасида, ушбу тизим тарихимизнинг ҳар бир шонли даврида турлича кўринишларда шаклланганлиги ва ривожланганлигини таъкидлашимиз даркор. Дарҳақиқат, Россия империясининг Ўрта Осиёга босқинчилик ҳаракати ҳамда хонликларнинг протекторатга айлантирилишигача бўлган даврни ўрганиб чиқар эканмиз бунда, мукофотлаш тизимини шартли равишда қуйидагича даврлаштириш асосида тарихий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди: IX-XII асрлар даврида мукофотлаш турлари;XII-XV асрларда мукофотлаш анъаналари;XIV-XIX асрнинг биринчи ярмида мукофотлаш тизими тарихи.Марказий Осиёда илк фалеристик объектларнинг яратилиши яъни, Россия империясининг Ўрта Осиёга босқинчилик юришларидан кейинги давр Россия империяси ҳамда совет даври мукофотлаш тизимини қуйидаги даврлаштириш асосида мукофот белгиларининг ўтмишини билиш ва тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ:Россия империяси (1865-1917 йиллар) даври; 1917 йилдан 1991 йилгача бўлган давр;1991 йилдан то ҳозирги вақтгача бўлган давр.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон халқлари ва Марказий Осиё халқларининг мукофотлаш анъанаси тарихий босқичлари борасида юқорида таҳлил этилган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистонда мукофотлаш тизими тарихини ўрганиш ва қиёсий таҳлил этишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, бу борада ўрганиб чиқилган илмий адабиётлар ва манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, амалга оширилиши керак бўлган бир қатор вазифалар белгилаб олинди:Ғарб ва Шарқ мамлакатлари мукофотлаш тизими тарихининг бошланиш даврининг бир-бирига боғлиқлик жиҳатларини аниқлаш ва даврий чегараларини белгилаш;Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиё ҳудудида фалеристика соҳасининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёни, ривожланиш босқичларини аниқлаш;Ўрта Осиё ҳудудининг қадимги ва ўрта асрлар даврида рағбатлантириш ва тақдирлаш турлари сонининг ошиши, аҳамияти ва ролини тадқиқ этиш;Марказий Осиё ҳудудида орден ва медаллар билан мукофотлаш анъанаси шаклланган давр ва мукофотлар хусусиятини таҳлил этишда ички ва ташқи таъсир омилларини ўрганиб чиқиш ва туркумлаш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Всеволодов И.В. Беседы о фалеристике. Из истории наградных систем /И.В.Всеволодов. – Москва: Наука, 1990. – С.13-14,
2. Карсакова Т.Н. Типология и стилистика украшений в России XVIII века. Автореферат диссертации кандидата искусствоведения. - Москва, 2010.
3. Клавихо Р.Г. Дневник Путешествия к двору Тимура в Самаркандъ в 1403-1406 гг. – Санкт-Петербург, 1881. - С. 268
4. Корсак А.И. Вспомогательные исторические дисциплины: учебно методический комплекс для студентов исторических специальностей 1-21 03 01. «История» Новополоцк, 2010. - С. 93.
5. Куценко А., Смирнов Ю. Ордена Советских республик. – Донецк: Лебедь, 1996. – С. 166 –197
6. Марченко Д. История византийских корон. Ч. 2. Античные венки// Православная жизнь 2016. https://pravlife.org/ru/content/istoriya-vizantiyskih-koron-chast-2-antichnye-venki(дата обращения: 01.02.2019).

7. Сохибназаров М.Д. Товарно-денежные и торговые отношения в золотодобывающей промышленности Средней Азии в XVI-начале XX в.в. (По данным письменных историко-литературных источников). Дисс. канд. ист. наук. – Худжанд, 2018. -Б. 129.
8. Спасский И. Иностранные и русские ордена до 1917 года. – Москва: Вече, 2009. – С. 197– 200
9. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашма, 1991. – Б. 80-82

Мукофотлаш анъанаси, тарихий босқичлари ва уларнинг аҳамияти (тарихий-қиёсий таҳлили)
Абдуллаев Д. Н. Тошкент давлат педагогика университети

Резюме. Мазкур мақолада жаҳон ҳалқлари ҳамда Марказий Осиё ҳалқлари тарихида анъанага айланган шунингдек, бугунги кунда оммалашиб, жамият фаолиятининг бир қисмига айланиб улгурган мукофотлаш анъанаси, тарихий босқичлари ҳамда аҳамияти борасида тарихий-қиёсий таҳлил амалга оширилган. Тадқиқот доирасида муаммолар аниқланиб, улар ечимига доир таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: мукофот, цивилизация, рағбатлантириш, тақдирлаш, орден, медал, фахрий нишон, фалеристика

Традиция награждения: исторические этапы и их значение (историко-сравнительный анализ)
Абдуллаев Д.Н. Ташкентский государственный педагогический университет

Резюме. В данной статье проведен историко-сравнительный анализ традиций награждения, исторических этапов и значения, ставших традицией в истории народов мира и народов Центральной Азии, а также ставших сегодня частью общественной деятельности. В рамках исследования выявлены проблемы и даны предложения по их решению.

Ключевые слова:награда, цивилизация, поощрение, награждение, орден, медаль, знак отличия, фалеристика

The tradition of awarding: historical stages and their significance (historical and comparative analysis)
Abdullaev D.N. Tashkent State Pedagogical University

Summary. In this article, a historical and comparative analysis on awarding tradition, historical stages and significance, which has become a tradition in the history of the peoples of the world and the peoples of Central Asia, and which has also become a part of the social activity today. Within the framework of the study, the problems have been identified and suggestions for their solution have been given.

Key words: award, civilization, encouragement, awarding, order, medal, badge of distinction, faleristics

---

УДК391.984

ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛҚЫНЫҢ ӨНЕРМЕНТШИЛИГИ ТАРИЙХЫНАН

Төрениязова Д. Қ.
Қарақалпақмәмлекетликуниверситети

Бугинги күнде мәдений руўхый қәдириятларды сақлаў, халық әмелий өнерлерин, миллий өнерментшилик дәстүрлерин қайта тиклеў ҳәм оларды раўажландырыўды қоллап қуўатлаў мәселеси мәмлекет сиясаты дәрежесинде қаралмақта. Өзбекстан Республикасы биринши Президенти И.А.Каримовтың «Халық өнерментшилиги ҳәм әмелий көркем өнерин раўажландырыўды қоллап қуўатлаў мәмлекет ис-илажлары ҳаққында» ғы пәрманы бул тараўды раўажландырыўға тийкар болды[1]. Бул пәрманда дәстүрий өнерменшиликти сақлап қалыў, өнерментлерди ҳуқуқый, қаржы ҳәм руўхый жақтан қоллап қуўатлаў, тараўды және де раўажландырыў, умытылған айырым түрлерин қайта тиклеў, өнерментлер қатарын көбейтиў сыяқлы әҳмийетли мәселелер итибарға алынды. Нәтийжеде елимизде «Өнермент» аўқамы ҳәм оларды қоллап қуўатлаў мақсетинде «Өзбекстан Республикасы Халық устасы» атағы шөлкемлестирилди. Соның менен бирге 2019-жыл 28-ноябрдеги «Өнерментшиликти және де раўажландырыў ҳәм өнерментлерди қоллап қуўатлаў бойынша қосымша ис-илажлар ҳаққында» ғы 4539-санлы қарарында «халық көркем өнерментшилиги ҳәм әмелий көркем өнери менен байланыслы билимлер ҳәм көнликпелер, дәстүрий әсбап – үскенелерден пайдаланған ҳалда, тийкарынан қол мийнети жәрдеминде жаратылған ҳәм қағыйда тийкарында миллий нағыслар менен безетилген буйымлар ҳәм дөретпелер халық әмелий көркем өнери өнимлери деп есапланыўы белгилеп қойылсын» деп көрсетилген[2]. Усы қарарда өнерментлердиң өнимлерин шет еллерге көрсетиў ҳәм сатыўға жәрдемлесиў, саўда үйлери ҳәм дүканларын ашыўға жәрдемлесиў, халық әмелий өнери усталарының миллий каталогин енгизиў, жол карталарын ислеп шығыў белгиленген. 1996 жылданберлиҳәржылы «Ташаббус» көриктаңлаўышөлкемлестирилип, ондаөнерментлерушын «Ең жақсы өнермент» номинациясы шөлкемлестирилди. Соның менен бирге өнерментшиликтиң белгили бир тармақларына бағышланған бир қатар экспозициялық көргизбелер, фестиваллар шөлкемлестирилиўи, жаңа музейлер, устаз-шәкирт мектепleриниң дүзилиўлери итибарға ылайық. Усы көз-қарастан қарақалпақ халқының дәстурлик халық өнерментшилигин изертлеў дәўир талабына айланды. Бүгинги күнге дейин қарақалпақ өнерментшилик тарийхын үйрениўде алымлар тәрепинен бир қанша илмий жумыслар алып барылған, атап айтқанда С.П.Толстов, Т.А.Жданко, С.К.Камалов, Л.С.Толстова, А.С.Морозова, Н.П.Лобачева, А.Өтемисов, А.Алламуратовлардың мийнетлеринде өнерментшилик бойынша мағлыўматлар келтирилген. Соның менен бирге елимизге келген саяхатшылардың естелик китапларында да өнерментшилик туўралы мағлыўматлар ушырасады.

Уллы тарийхшы алым С.П.Толстов басшылығында 1945-1948-жылларда Хорезм археологиялық-этнографиялық экспедициясы шөлкемлестирилген ҳәм дала жазыўлары алып барылған. Нәтийжеде Әмиўдәрьяның төменги жағасындағы халықлар соның ишинде қарақалпақлардың кийимлери, турақ жайлары, зергерлик буйымлары ҳаққында мағлыўматлар топланды.

ХХ әсирдиң 40-60 жылларында белгили этнограф Т.А.Жданко басшылығында Хорезм экспедициясы этнографиялық изертлеў жумысларын алып барған. Т.А.Жданконың «Изучение народного орнаментального искусства каракалпаков»[3] мақаласында қарақалпақ халқының миллий нағыслаў өнерлери, кәсиплик шеберликлерин басқа халықлар менен айырмашылық ҳәм уқсаслықларын атап өтиў менен бирге бул тараўдың аз үйренилгенлигин сол дәўирде бир қатар илимпазлардың изертлеў шеңберинен шетте қалғанлығы айтылады. Хорезм археология ҳәм этнография эспедициясының 1945-1954-жыллар аралығында алып барған изертлеўлери нәтийжесинде топланған материаллар тийкарында «Народное орнаментальное искусство каракалпаков» атлы мийнети жазылады ҳәм онда қол өнериниң такирарланбас үлгилери ҳаққында сөз етиледи. Мысалы қарақалпақларда қурақтың 60 түри белгили болған, бирақ олар 30 түрин ғана дала жазыўлары ўақтында жазып алғанын атап өтеди. Кийимлердеги нағыслардың келип шығыў, өзгешеликлери ҳәм

уқсаслықлары туўралы пикирлер билдиреди[4]. «Народы Средней Азиии Казахстана» китабының 1-томында қарақалпақлардың темиршилик, ағаш усташылығы, ер устасы, тоқымашылық, кийиз басыў сыяқлы өнерментшилик түрлери ҳаққында мағлыўматлар ушырасады. Темиршилер кетпен, бел, орақ, қармақ ушы, шеге, зәңги, таға, қақпан ҳәм басқа да затларды соққан болса, ағаш усталары ислейтуғын өнимине қарап аталғанлығы, мысалы: ершилератерин, үйшилер қара үйде талларын таярлағанлығы ҳаққында айтылады. Тоқымашылық пенен ҳаяллар шуғылланған, қамыстан ший, бойра, жекеннен шыпта тоқығанлығы атап өтилген [5]. С.К.Камаловтың «Каракалпакив XVIII-XIX веках» мийнетинде өнерментшилик ҳаққында бир қанша мағлыўматлар келтирилген. Онда қарақалпақлар арасындағы өнерментшилик түрлери, ислеп шығарылған өнимлер ҳаққында мағлыўматлар ушырасады. Абдисамат Тажимбетов айтыўынша деп көрсетеди бул мийнетте «биз темиршилик пенен жети атадан берли шуғылланамыз. Олар бул кәсипти өзбеклерден емес, өзлери үйренгенин атап өткен». Бул мийнетте ҳәм өнерментлердиң ис ҳақсы өним ямаса шарўа малы менен төленгенлиги көрсетилген. Мысалы: зергерлер жақсы ис-ҳақы алғанлығы, олардан бири Ораз зергердиң 75 ири қара малы ҳәм 106 қойлары болған, ал Хожелиши Иса зергердиң 20 бас ири қара малы бар болғанлығы ҳаққында мағлыўматлар келтирилген[6].

Коллективликте жазылған «Этнография каракалпаков в конце XIX-начало XXвека» илимий мийнетинде қарақалпақлардың турар жайлары, кийимлери, тағамлары, өнерментшилиги, хожалығы менен байланыслы үрип-әдетлер ҳәм исенимлери дала жазыўлары ҳәм архив материаллары тийкарында берилген. IV бабы тиккелей өнерментшилик пенен байланыслы болып, қарақалпақлардағы темиршилик, шойыншылық, зергерлик, ағаш усташылығы келтирилген. Ҳәр бир өнермент өз ата-бабаларының кәсиплерин даўам еттирип киятырғанлығы, мысалы Абдусамат Саимбетов 75 жаслы болып, ол темиршилик пенен шуғылланып киятырған 18-әўлад екенлиги, темирши Есемурат Дурсовта 18-әўлад екенин атап өткен. Темиршилер ҳәм шойыншылар «Хәзирети Даўыт ата» ға сыйынғанлығы, ол тек қарақалпақларда емес, ал Орта Азияда халықларында усылай аталған деп көрсетеди. Қарақалпақларда зергерлик әйемгидәўирден белгили болғанлығы ҳәм Орта Азия халықларының зергерлик буйымларына уқсаслығы, зергерлер алтын ҳәм гумистен өз буйымларын соққанлығын атап өтилген. Зергерлик пенен шуғылланған Худайберген Қоразов ата кәсибин даўам еттиргени, ол тек қарақалпақлар арасында емес ҳәтте Хийўа ханлығынада белгили болып, хан тәрепинен тез-тез сарайға шақырылып турылғанлығы көрсетилген[7].

Көркем өнер изертлеўши И.В.Савицкий Хорезм экспедициясында сүўретши болып ислеген дәўирлеринен баслап халық қол өнерлерин жыйнай баслайды. Оның топлаған қол өнер үлгилери тийкарында 1966-жылы Нөкисте мәмлекетлик музей шөлкемлестириледи[8]. Оның мийнетлеринде де ағаштан зат ислеў, ағашқа, сүйекке нағыс ойыў сыяқлы мағлыўматлар келтирилген[9]. Тарийхшы Р.Қосбергенов «Қарақалпақ халқының колониал дәўирдеги мәдениятыҳәм турмысы» китабында қарақалпақ халқының қоныс ҳәм турақ жайларына әсиресе қара үйлерине айрықша итибар берип өткен. Сондайақ қол өнерине тийкарланған үй руўзгер буйымлары, кийимлери бойынша да бир қатар мағлыўматларды келтиреди[10]. Қарақалпақ халқының кәсиплери ҳаққында профессор Қаллы Айымбетов «Халық даналығы» мийнетинде халық арасында сақланып қалынған ҳәм жоғалып кеткен кәсиплер туўралы жазып қалдырған. «Киркиреши, мөреши, тарақшы» деген кәсиплер халық арасында жоғалып кеткен, ал ағаш усталары болса ҳәзирги ўақытта шығыр, гүнде деген әсбапларды соқпайды, яғный олардың ислейтуғын буйымлары да өзгерди деп жазып өтеди [11].«Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана» китабында илимпаз Н.П.Лобачева қарақалпақ кийимлери болған жегде ҳаққында мағлыўмат берип өтеди[12].

Тарийх илимлери кандидаты, доцент Айназар Өтемисов «Қарақалпақлардың өнер кәсиплери» мийнетинде қарақалпақлардың XIX-XX әсир басларындағы өнерментшилик кәсиплери ҳаққында сөз етеди. Өнерментлердиң әсбап-үскенелери, устаз-шәкирт мәселелери, қарақалпақ халық өнерментшилигиниң басқа халықлардағы өнерментшиликтиң айырмашылықлары ҳәм уқсаслықларын келтирип өтеди. Соның менен бирге бул китапта қарақалпақлардың темиршилик, шойын қуйыўшылық, зергерлик, мыскерлик, ағаш усташылығы, шапшышылық, көншилик, етикшилик, тоқымашылық, гулалшылық ҳәм басқада кәсиплер ҳаққында мағлыўматлар келтирилген[13].

Илимпаз Ағынбай Алламуратовтың «Мәңги мийрас» мийнетинде қарақалпақ қол өнериниң халықтың күнделикли турмыс пенен тығыз байланыста раўажланғанын, қол өнер дөретпелеринде көбинесе жергиликли өнимлер болған жүн, пахта, ағаш, жипек ҳәм шеттен келтирилген түрли метал ҳәм ҳасыл таслардан қолланылғанлығын билдирип өтеди. Ағаш усташылығы ағашқа нағыс ойыў өнери менен биргеликте алып барған усталарда болып, олар сандық, сабаяқ, астахталарды нағыслар менен безегенлиги, териден ат ушын керекли ақ баслы ер, жүўен, жона, тебиңги, соның менен бирге шынықап, шанаш, геўишлер ҳаққында мағлыўматлар келтирген. Қур тоқыў, гилемшилик тийкарынан қара үй менен байланыслығы, қурлар болса бир бирин тәкирарламағанлығын атап өтеди[8].Л.Г.Береснева «Ковровые изделия каракалпаков» мийнетинде музейдеги қарақалпақлардың гилемшилиги ҳаққында сөз етип, қарақалпақларда гилемшилик Кегейли, Қоңырат, Хожели, Шымбай районларында бурыннан белгили, гилемлер тийкарынан қара үйлер ушын тигилген деп көрсетеди[14].

Профессор К.Мәмбетов «Қарақалпақлардың этнографиялық тарийхы» мийнетиниң 6-7 бапларында қарақалпақлардың өнерментшилиги, кәсип өнерлери, қол өнерлери ҳаққында жазады. Ол өз мийнетинде А.Алламуратов келтирип өткен усталар менен заманлас екенлигин, ҳәтте темирши уста Әбдисәмет Сайымбетовтың көригин өзи басқанлығын жазып өтеди, сондай-ақ И.В.Савицкийди «қарақалпақ көркем өнериниң ашығы» деп атап өтеди[15]. Тарийхшы илимпазлар М.Қарлыбаев, З.Қурбанова авторлығындағы 2014-жыл баспадан шыққан «Қарақалпақ кийимлери» мийнетинде қарақалпақлардың бас кийими, үстинги ҳәм аяқ кийимлериниң XX әсирдиң басларында өзгериске ушырағанлары, халық арасында елеге дейин тақыя, шапан, мәси, геўишлердиң жасы үлкенлер арасында сақланып қалғанлығы, соның менен бирге кестешилик техникасы, кестешиликте реңлердиң үлкен әҳмийетке ийе екенлиги көрсетилген. Кестешиликте жети реңнен пайдаланғанлығы, реңлер ишинде қызыл реңниң ҳаял қызлар кийимлеринде басым екенлиги, реңлердиң де қандайда бир мәнисти аңлататуғынлығы, мысалы: сары-қуяш, қоңыр-жер, жасыл–өсимлик дүньясының тымсалын аңлатқанлығын жазып өтеди. Нәтийжеде кийимлер пишиминде, пайдаланылған гезлемеде, нағысларында, тигиў техникасында заман талабына сай өзгешеликлер сақланып қалынғанлығын атап өтеди [16].

С.М. Дудинниң «Ковровые изделия Средней Азии» мийнетинде «қарақалпақлардың енсиз узын гилемлери өзиниң кестелениўи, қызыл гербиш реңлиги, гулли қызыл реңлиги, қоңыр сары жүннен исленген жумсақ, биреўлик ямаса бир-бирине айқасқан қағаздай екенлиги, басқа халықлар гилемлеринен өз мотиви менен ажыралып туратуғын, қоңыратлылардан гүли ҳәм түрлениўи менен айырмашылыққа ийе, олардың сүўретлери қызықлы, әсиресе жаңа экземплярлары, оларды өзбеклерден басқа русларда сатып алған» деп атап өтеди[17].И.В.Богословскаяның «Каракалпакский орнамент образ и смысл» китабында қарақалпақлардағы қамыс ҳәм жекеннен тоқылатуғын ший, бойра, шыпта, соның менен бирге қарақалпақ кийимлери, нағыслары, гилемшилик тараўлары ҳаққында мағлыўматлар сүўретлери менен

берилген[18].Т.Уразимова, З. Қурбанова, С.Уразбаевалар тәрепинен жазылған «Қарақалпақ нағыслаў өнери» китабында қарақалпақ халқының миллий кийимлериндеги соның менен бирге ағашқа, териге, зергерлик буйымларына салынған нағыслар, олардың түрлери, өзгешеликлери сөз етиледи [19].Жазыўшы М.Нызановтың «Қарақалпақлар» роман эссе мийнетинде қарақалпақлардың өткен замандағы кәсиплери үйшилер, шойыншы, көнши, тоншы, малақайшы, етикши, шийши, ағаш устасы, бесикши, арбашы, дигирманшы, мыскер, зергер, шапшы, гилемши, темирши ҳәм басқа өнерментшилик кәсиплери ҳаққында мағлыўматлар келтирилген[20].И.Сейтназарова, Қ.Зайрова авторлығында шығарылған «Қарақалпақ тилиндеги тағыншақ атамалары» мийнетинде зергерлик буйымларының атамалары ҳаққында мағлыўматлар келтирилген[21].

Жоқарыда келтирилген илимий мийнетлерден тысқары елши, саяхашылардың күнделиклери, мийнетлеринде қарақалпақ халқының өнерментшилик буйымлар, өнерментшилик тараўы ҳаққында мағлыўматлар ушырасады. Олардан бири XVIIIәсирдеги Д.Глядышева ҳәм Муравин мийнетинде «қарақалпақлар қырғыз қайсақлар сыяқлы кийинеди, тек оларда териден исленген қызыл қайыс жоқ, бундайлар тек ақсуйеклерде ушырасады» деп көрсеткен[22].

Риза Қулы Мырзаның «Әмиўдәрья областының қысқаша очерклери» китабында Шымбай қаласындағы жигирмалаған сабын шығарыўшылар, бес зергер ҳәм мыскерлер, онлаған ағаш устасы, алты темирши уста ҳәм басқада кәсип ийелери ҳаққында мағлыўмат береди. Соның ишинде гилем тоқыўшылығы ҳаққында айтып өтип, «гилем тоқыў ҳәмме жерде кең ен жайған, бирақ гилемлериниң айырымлары кавказ гилемлерине уқсаған менен сапасы жақсы емес, кийизлери әсиресе ақ кийиз жүдә жақсы исленеди» деп мағлыўмат қалдырады[23].

Жуўмақлап айтқанда, миллий мәдениятты раўажландырыўда халық көркем өнерментшилиги ҳәм әмелий көркем өнердиң әҳмийетин асырыў, қолда исленетуғын жоқары дәрежедеги көркем өнер буйымлардын таярлаў, дәстүрий өнерментшилик түрлерин қайта тиклеў мәмлекет талабынан келип шыққан ҳалда, миллий өнерментшиликти тиклеў ўазыйпасы тийкарында қарақалпақ халқының өнерментшилик тарийхына анализ жасалды. Нәтийжеде әсирлер даўамында өнерментшилик кәсибиниң халықтың күнделикли турмысында әҳмийети жоқары екенлиги анықланды.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. https://lex.uz/docs/168968?ONDATE=31.03.1997%2000
2. https://lex.uz/docs/4622088
3. Жданко Т. А. Изучение народного орнаментального искусства каракалпаков // Советская этнография. 1955. № 4. -С. 56–69.
4. Жданко Т. А. Народное орнаментальное искусство каракалпаков // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции.–М., 1958. Т. 3. -С.373–410
5. Народы Средней Азии и Казакстан.–М.,1962. -С.450-452
6. Камалов С.К.Каракалпаки в XVIII-XIX веках.–Ташкент,1968. -С.108-109
7. Этнография каракалпаков конце XIX-начало XX века.–Ташкент,1980. -С.140-170
8. Алламуратов А.Мәңги мийрас. – Нөкис,1993. -С.5
9. Савиций И.В. Резьба по дереву. – Ташкент,1965.
10. Қосбергенов.Р Қарақалпақ халқының колониял дәўирдеги мәденияты ҳәм турмысы. – Нөкис,1970. -С.20-63
11. Айымбетов.Қ «Халық даналығы». – Нөкис,1988. -С.262-265
12. Лобачева Н.П. «Традиционная одежда народов Средней Азии и Казакстана»., 1989. -С.169-171
13. Өтемисов.А.Қарақалпақлардың өнер кәсиплери.– Нөкис,1991
14. Береснева Л. Г. Ковровые изделия каракалпаков. – М., 1994.
15. Мәмбетов.К Қарақалпақлардың этнографиялық тарийхы. – Нөкис.1995. -С.90-125.
16. Қарлыбаев.М, Қурбанова.З. Қарақалпақ кийими.Фотоальбом. – Нөккис. 2014
17. Дудин.С.М Ковровые изделия СреднейАзии.–Санкт-Петербург.1928
18. Богословская И.В. Каракалпакский орнамент образ и смысл.–Алматы., 2019
19. Уразимова Т, Қурбанова З, Уразбаева С. Қарақалпақ нағыслаў өнери. –Нөкис., 2019
20. Нызанов.М. Қарақалпақлар.– Нөкис., 2020. С.256-261
21. Сейтназарова. И. Зайрова Қ.Қарақалпақ тилиндеги тағыншақ атамалары. – Нөкис., 2020.
22. Поездка из Орска в Хиву обратно, совершенная в 1740-1741 годах Д. Глядышевым и Н. Муравиным.– Спб.1851. С.70
23. Риза Қулы Мирза Әмиўдәрья областының қысқаша баянламасы //Әмиўдәрья журналы, 1992, №2 , Б. 96-100

Қорақалпоқ халқи ҳунармандчилиги тарихидан

Торениязова Д.Қ. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада муаллиф бугунги кунда халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришда давлатимиз томонидан ижобий ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаб, қорақалпоқ халқининг ҳунармандчилик тарихининг тадбиқ қилинишини олимлар ва сайёхлар назарида таҳлил этади.

Таянч сўзлар. Ҳунармандчилик, каштачилик, гиламдузлик, ёғош устаси, заргар, олимлар, илмий тўпламлар.

Из истории ремесел каракалпаков

Торениязова Д.В. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье дан обзор истории изучения ремесел каракалпаков в трудах ученых и путешественников, отмечено, что сегодня государство ведет позитивную работу в развитии народных ремесел.

Ключевые слова: ремесло, ткачество, ковровые изделия, плотник, ювелир, ученые, научные труды

From the history of crafts of the Karakalpaks

Toreniyazova D.V. Karakalpak State University

Summary. In this article, the author analyzes the application of the history of Karakalpak crafts in the eyes of scientists and tourists, noting that today the state is doing positive work in the development of folk crafts.

Key words: craft, weaving, carpet products, carpenter, goldsmith, scientists, scientific works

ОИЛАГА ВА ЁШЛАРГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нажимов М. Ш.

Қорақалпоқ давлат университети

Миллий таълим тизимлари ўз структураси ва таълим дастурлари мазмунига кўра давлатларнинг тараққий этганлик даражасига қараб миллий ва халқаро даражада ўзаро фарқ қилади. Жаҳон миқёсида таълим тизими жараёнларини тушуниш ва тўғри интерпретация қилиш мақсадида 2011 йилнинг ноябрида Юнесконинг Бош конференцияси 36-сессиясида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи қабул қилинган. Даставвал, бу таснифлагич 1970 йилларда ишлаб чиқилган бўлиб, 1997 йилга келиб қайта кўриб чиқилган. Бу ҳужжатга бутун дунёда таълим тизимларидаги янгиликлар киритилиб, такомиллаштирилиб борилади. 2011 йилда киритилган ўзгартиришлар тадқиқотимиз учун шуниси билан аҳамиятлики, бунда кичик ёшдаги болалар таълим тизимини ривожлантиришнинг янги категориялари билан тўлдирилган ва учинчи даражадаги таълим тизими қайта кўриб чиқилган.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилмоқда [1].

Таълимдан кўзланган мақсадга эришишда қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида давлат маъмурий мажбурлов чорасини қўллаш билан таҳдид қилади. Яъни, унда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик, бунинг оқибатида вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиши, шунингдек, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилаш билан мустаҳкамлаган [2].

Алоҳида қайд этиш керакки, юқорида келтирилганлардан ташқари вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик (47^1-модда), ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик (47^2-модда), никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик (47^3-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик (47^4-модда), васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдирганлик (48-модда) учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Уларнинг аксарияти бир йил ичида такроран содир этилганда жиноий жавобгарлик келтириб чиқарувчи ҳуқуқбузарликлар бўлиб, қонун чиқарувчи мазкур восита билан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига хилоф ҳуқуқбузарликларга қарши курашади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги [3] Қонуни 3-моддасидаўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар)**бола (болалар) деб эътироф этилиши мустаҳкамланган. Мазкур қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда** бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати**,** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари, бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки ҳамда бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари ўрин олган. Бундан ташқари, ушбу қонун ҳужжатида вояга етмаганларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ҳимояга бўлган ҳуқуқи, оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи, ўз фикрини эркин ифода этиш, ахборот олиш, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, хусусий мулк ва турар жойга бўлган ҳуқуқи, меҳнат қилиш, дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи, соғлиғини сақлаш ва билим олиш каби ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланган.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, унда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари ва принциплари ҳамда уни амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари мустаҳкамланган [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб, мазкур Қарорнинг 3-бандига асосан юқорида сўз юритилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни тегишинча Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар этиб қайта

ташкил этилди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси белгиланди [5].

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлардан яна бири - «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунидир [6]. Ушбу Қонун ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Қонуннинг 3-моддасида «ёшлар» тушунчасига изоҳ бериб, қонун чиқарувчи ёшлар деганда ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар доирасини белгилайди. Шунингдек, Қонунда давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Юқорида келтирилган вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларининг ўзига хос жиҳатларидан бири мазкур қонун ҳужжатларининг асосий мақсади вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатидаги ўз ҳуқуқларини тўлақонли реализация қилишга шарт-шароит яратиш ҳисобланади.Шундай қонун ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикасининг «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади [7]. Ушбу қонун ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли - васийлик ҳамда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли - ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Қонунда, шунингдек, агар ота-онаси билан туриши вояга етмаган шахснинг қонуний манфаатларига жавоб бермаслиги ҳамда унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин.

Бундан ташқари, васий ёки ҳомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлардан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фойдаланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсни назоратсиз ва зарур ёрдамсиз қолдирганда, васийлик ва ҳомийлик органлари уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун зарур чораларни кўриши шарт.»Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасида васий ёки ҳомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлардан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фойдаланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсни назоратсиз ва зарур ёрдамсиз қолдирганда, васийлик ва ҳомийлик органлари уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун зарур чораларни кўриши шартлиги белгиланган. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларга нисбатан тайинланиши инобатга олинса юқорида келтирилган ҳолат нақадар жиддий эканлиги аён бўлади. Модданинг амалдаги таҳририда фақатгина васийлик ҳуқуқини суистеъмол қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, бу турдаги қилмишлар васийлик ва ҳомийликнинг хусусиятига кўра мунтазамлик касб этиши эҳтимоли юқори. Шунга кўра, ушбу моддани янги таҳрирда қабул қилиш, мазкур моддага худди шу қилмишни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин такроран содир этилганлиги учун жазо чорасининг оғирлаштирилиши ижтимоий адолат принципини таъминлаш, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Алоҳида қайд этиш керакки, ўсиб келаётган ёш авлодни уларнинг саломатлигига, ҳаётига ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан асрашни назарда тутувчи «Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни [8] мазкур масалани тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунда бузғунчи ғоялар билан болаларнинг руҳияти, ҳаётига ва саломатлигига зиён етказувчи ахборотлар тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва тақиқлаш масалалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг иштироки ҳамда улар томонидан жамоатчилик назоратини кучайтириш назарда тутилган.

Ҳуқуқ соҳасида кўзга кўринган олимлардан бири Г.Юлдашева мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг қуйидаги асосий принциплари шаклланганлигини кўрсатади: Бола ҳуқуқлари тўғирисидаги Конвенция ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган болаларга нисбатан дискриминацияга йўл қўймаслик, вояга етмаганларнинг асосий ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини тиклаш; Конституция ва қонунларнинг устунлигини эътироф этган ҳолда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи қонун нормаларни такомиллаштириб бориш; вояга етмаганларнинг жисмоий, маънавий, диний ва ақлий камол топишини таъминлаш; вояга етмаганларни ҳуқуқ ва манфаатларни кафолатини таъминлаш мақсадида улар яшаётган оилаларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш; вояга етмаганлар манфаатларини бузилишига, чекланишига сабаб бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш; вояга етмаганларни ҳуқуқлари

ва конуний манфаатларини ҳимоя қилувчи маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш [9, 28].

Юқорида таҳлил қилинган вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлаш, жумладан, вояга етмаганларнинг яшаш, индивидуалликни сақлаб қолиш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, соғлиқни сақлаш, билим олиш, ҳимоя, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш, ахборот олиш, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги, хусусий мулк ва турар жой, меҳнат қилиш, дам олиш ва шу каби бошқа ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланган. Бизнингча, мазкур қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг МЖтКга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й., 06/19/5812/3699-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 2017 й., 1-сон, 1-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2016 йил 15 сентябрь, 182 (6617)-сони.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.
9. Юлдашева Г., ЭсановаЗ.Н., Эгамбердиев А.У., Тухташева У.А.,Права ребенка. Дарслик. – Т.: ТГЮУ, 2017. – Б. 28.

Оилага ва ёшларга қарши жиноятлар тушунчаси ва уларнинг хусусиятлари
Нажимов М. Ш. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме: Мақолада оилага ва ёшларга қарши жиноятлар тушунчаси ва уларнинг хусусиятлари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари тадқиқ килинган.

Таянч сўзлар: ижтимоий хавфли қилмиш, квалификация, фоҳишалликка жалб этиш, жазони индивидуаллаштириш

Понятие преступлений против семьи и молодежи и их характеристика
Нажимов М.Ш. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье исследуются сущность и содержание понятия преступления против семьи и молодежи, а также вопросы правонарушений среди несовершеннолетних и их профилактика.

Ключевые слова: общественно-опасное деяние, квалификация, вовлечение в проституцию, индивидуализация наказания

The concept of crimes against family and youth and their characteristics
Najimov M.Sh. Karakalpak State University

Summary. The article examines the essence and content of the concept of a crime against family and youth, as well as issues of juvenile delinquency and their prevention.

Key words: socially dangerous act, qualification, involvement in prostitution, individualization of punishment

---

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁДАГИ БОЖХОНА СИЁСАТИ

Мадалиева Р. Х.
Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти

Ҳеч бир мамлакат ўз иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилмасдан фаолият юрита олмайди. Божхона хизмати давлатнинг иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланиб, унинг иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасининг ажралмас қисми бўлиб унинг ҳудудида қадимги давлатчиликнинг пойдевори яратилган, буюк цивилизацияларнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий алоқадорлиги ривожланиб келган. Турли халқларнинг тарихий тақдирлари туташган. Қадимги даврда Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб ўтган Шарқ ва Ғарбни боғлаган савдо йўллари туфайли савдогарларнинг карвонларини хавфсиз ҳаракатланиши таъминланган, айрим давлатлардан олиб келаётган молларнинг имтиёзли божлар асосида савдо қилинган, шунингдек турли товарларнинг айирбошлаши фаол амалга оширилган. Бу эса мамлакатимиз ўтмишида божхона фаолияти қадимги тарихий илдизларга эга эканлиги шак-шубҳасиздир.

Кўп асрлик тарихини ўрганар эканмиз, божхона иши ҳар даврларда давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг ажралмас қисми бўлганлигига қайта қайта амин бўламиз. Божхона органлари ташқи савдо айланмасини тартибга солиш, бож ва солиқларни ундириш, давлатга ноқонуний контрабандани олиб кирилишдан ҳимоя қилиш вазифасини бажарадилар. Албатта ҳозирги технологик тараққиёт асрида божхона назоратини юқори даражасида амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос, ҳам малакали кадрлар, ҳам технологик тараққиёт имкониятлари мавжуд. Лекин жамият ўтмишининг мураккаб бўлган тарихий даврларида давлатнинг молларини қўриқлаш, товарларнинг хавфсиз ҳаракатланиши, бож ва солиқларни ундирилиши доим ҳам осон иш бўлмаган.Тарихдан маълумки мамлакатимиз ҳудудида иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши

асносида божхона фаолияти амалга ошириб келган. Унинг хусусиятлари ва механизмлари эса у ёки бу тарихий даврнинг ўзига хос шароитларига боғлиқ бўлган.

XIX асрнинг 30 йилларида рус молларининг Туркия ва Ироннинг бозорларидан инглиз товарлари томонидан сиқиб бошлагандан сўнг Россия империясининг эътибори Туркистон бозорларига тобора кучайиб борди. Кейинчалик рус қўшинлари ҳарбий ҳаракатларининг чуқурлашиши эса Ўрта Осиё минтақасидаги сиёсий вазиятни кескин ўзгаришига олиб келди. Россиянинг бундай юришлари Ўрта Шарқда ўз сиёсий-иқтисодий таъсирини кучайтиришга қаратилган эди. 1867 йилда Туркистон генерал губернаторлигининг ташкил этилганлигидан сўнг ўлкада сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини бошқарадиган маҳаллий ҳокимият органлари шакллана бошлади. Бу пайтда ташқи савдо ишларини мувофиқлаштириш учун божхона механизмларидан кенг фойдаланилган.

Россиянинг Туркистондаги божхона сиёсати тарихи 1868 йилда Оренбург ва Ғарбий сибир божхона чизиқларининг тугатилиши билан бошланган ва шу йўл билан Туркистон ўлкаси империянинг божхона тизимига киритилди [1]. Гап шундаки, 1868 йилга қадар Ўрта Осиёдан Россияга олиб кирилаётган маҳаллий ва хорижий товарлар Сибир-оренбург божхона чизиғи идоралари орқали олиб кирилиб Осиё бож тарифи бўйича тўловлар қилинган. Ўрта Осиёнинг ҳудудларини қўлга киритгани сари ва уларнинг алоҳида генерал-губернаторлик таркибига қўшилиши, сибир-оренбург чизиғи ичкига айлантирилиб, 1898 йил 22 апрельда тугатилди. Ғарбий Хитой билан савдони амалга ошириш жараёнларини кузатиш эса Семипалатинскда жой олган махсус агентга топширилди [2]. Мазкурйўл билан Россия Туркистон ўлкасини империянинг божхона тизимига киритилиши ва барча иқтисодий-савдо жараёнларини назорат қилишга ҳаракат қилган.

Умуман олганда, бу давр мобайнида Чор Россияси Ўрта Осиёни ўзининг хом-ашё етказиб берадиган мустамлакасига айлантириб олган эди. Хусусан, Чор Россиясига пахта, ипак, олтин, кумуш каби хом-ашъё ва қимматбаҳо металлар олиб кетилиб, у ердан тайёр маҳсулотлар олиб келинар эди. Шу билан бирга, Чор Россияси томонидан Европа, Эрон, Туркия маҳсулотларини олиб кирилишини таъқиқлаб қўйилиши, Ўрта Осиё бозорларида рус товарлари монополиясини вужудга келтирган эди. Ўлкадаги божхонага оид барча ишлари Мудофаа Вазирлигининг тасарруфига қараган. Шу боис 1882 йилда Туркистонда Биринчи Зарафшон божхона округи ташкил этилган. 1886 йилдан бошлаб божхона ишларининг бошқаруви ҳарбий воситалардан иқтисодий воситалар орқали мувофиқлаштиришни бошланади ва Чор Россияси Давлат кенгашининг 1886 йил 2 майдаги қарорига кўра Туркистон ўлкасидаги божхонани бошқариш Молия вазирлигига юклатилган [3, 75]. Шу йили Туркистонда Молия вазирлигининг божхона ишлари бўйича махсус лавозим таъсис этилди. 1888 йилга келиб Туркистоннинг божхона идоралари ва омборларини босқинчилардан қўриқлаш учун божхона қўриқчиларига хорижий ўқотар қуролларидан фойдаланишга рухсат берилган. 1889 йил 23 майда Туркистонда божхона ишини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат кенгаши қарори билан захира жамғармаси тузилиб, унинг маблағлари божхона идораларида хизмат қиладиган шахсий таркибни кучайтириш ва Туркистон ўлкасида божхона назорати соҳасида кутилмаган харажатларни амалга оширишда ишлатилган. Жамғарманинг бюджети мусодара қилинган товарлардан олинган даромадлар суммасидан 25 фоизлик ажратмалари ташкил этилган. Айнан мазкур захирадан фойдаланиб Фарғона божхона округида 1897 йилда Хитойдан келадиган контрабандани олдини олиш учун махсус қўриқчилар отрядлари ташкил этилди [4, 123].Шу боис божхона тизими шаклланишининг кейинги босқичи XIX аср 90-чи йилларига Туркистон ўлкаси божхона ҳудудининг катталиги ва ходимлар сонининг кўплиги, бошқаришдаги қийинчиликлар сабабли Чор Россиясининг 1890 йил 12 июндаги Қонунига асосан, Туркистон ва Семипалатинск божхона округлари ташкил этилди. Туркистон божхона округи бошқармаси Тошкентнинг ўша вақтдаги Лахтинская кўчаси, 15 уйда жойлашган бўлган. Туркистон божхона округига Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларидан ҳамда Еттисув вилоятининг Прежевальск шаҳридан бошлаб Туркистон ўлкасининг аксарият вилоятлари кирган.

1893 йил 4 июнда рус императори Александр III нинг қарори билан чегара чизиғини ўрганиш учун Марказий Осиёнинг чегара ҳудудларига чегара қўриқчилари ва божхона бошқармаси ходимларидан иборат махсус комиссия юборилди. Мазкур комиссия томонидан олиб борилган фаолият натижасида Бухоро ҳудудлари чегаралари ҳамда Эрон ва Афғонистон билан чегаралари батафсил ўрганилди ва тўлиқ тавсифланди. Савдо ҳаракатларини ҳажмларини инобатга олиб Бухоро хонлиги ва Каспий орти вилоятида божхона ва чегара назоратини ташкил этиш, шунингдек, божхона идораларнинг чегара қўриқловчи хизматлари ўртасидаги муносабатлари тартиби тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилди. Лекин кўп вақт ўтмасидан иқтисодий савдо айланмасининг ҳажми катталиги туфайли иккита йирик божхона масканларининг мавжудлигига қарамай минтақанинг эҳтиёжларига жавоб бераолмаётганлигини юзага кўринди. Бундан келиб чиқиб 1894 йилда Ўрта Осиё ва Туркистонда божхона назоратининг янги тизими жорий этилди. Туркистон генерал-губернаторлиги чегаралари, Еттисув вилоятининг жанубий қисми, Амударё ва Панж дарёлари воҳалари ва Бухоро ерларини ўз ичига олган Туркистон божхона округи ҳамда Томск губернияси, Семипалатинск вилояти, Еттисув вилоятининг шарқий қисмларидан ташкил этилган Семипалатинск божхона округлри билан Каспий орти вилояти ва Узун-Адан божхонасини ўз ичига олган Каспий орти округи таъсис этилди [5, 670]. Шу йили «Ўрта Осиёда чегара назоратини ташкил этиш тўғрисида» фармон қабул қилинди ва унинг асосида Туркистон ва Каспий орти божхона округларининг чегара хизматларини ташкил этиш лойиҳалари қабул қилинди. 1895 йилда Туркистон ўлкасида дастлабки божхона пости Термиз шаҳрида (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг маркази) ташкил этилган бўлиб, у «Паттакесар» божхона пости деб номланган. Ушбу пост Афғонистон билан чегара ҳудудида жойлашган бўлиб, чегара орқали ўтган юклардан бож олиш ва назорат қилиш билан шуғулланган. 1896 йилда Туркистон божхона округи ҳудудида Амударё чегара бригадаси ташкил этилиб, Амударёдан 1,2 км

масофада жойлашган Паттакесар (Янги Термиз)да жойлаштирилд [6, 97]. Умуман олганда 25 божхона постидан иборат бўлган Туркистон божхона округига юқори унвондан 5 обер-офицер, пастки унвонлардан бўлган 176 отлиқ ва 10 пиёдалардан ташкил этилган ҳарбий таркиб тайинланган. Шунингдек, чегара назоратига раҳбарлик қилган бошлиқларга жойида маҳаллий аҳолидан ишончли ва хизматга лойиқ бўлган 175 «йигитни» йоллашга рухсат берилган. Каспийорти божхона округи 30 божхона постидан иборат бўлиб, унга очилиши даврида 6 обер-офицер, 122 отлиқ ва 11 пиёда унвонлар ажратилган эди. Бу ерда Туркистон округи каби маҳаллий халқлардан бўлган 297 нафар кишини жалб этиш орқали постларни таркибини тўлдириш имконияти мавжуд эди [5, 671].

1894 йил 1 июлда биринчи тоифали Туркистон божхона округи бошлиғига бўйсунувчи Асхабод ва Бухоро божхоналари очилиб унинг таркибида бошқарувчи, иккита хазиначи аъзолари, божларни хисобчиси ва котиби, назоратчи ва иккита таржимон хизмат қилган. Туркистон божхона округи доирасида, шунингдек, божхона идораларнинг Амударё, Каттақўрғон ва Самарқанд бўлимлари фаолият кўрсатган. 1896 йилда Самарқанд-Андижон темир йўли бўйича товарлар айланмасини очилишини инобатга олиб Қўқон шаҳрининг йирик чой савдогарлари вакиллари томонидан ушбу шаҳарда бир йиллик муддатда товарни сақлаш ҳуқуқи билан божхона идорасини ташкил этиш тўғрисида илтимос билан Россия империясининг Молия вазирлигига мурожаат қилинган. Мазкур мурожаат қўллаб-қуватланди ва рус императорининг қарори асосида 1896 йил 23 декабрда божхона идорасини ташкил этиш учун Фарғона божхона участкаси Янги Марғилондан Қўқон шаҳрига ўтказилди ва ишчилар штати кенгайтирилди (бошқарувчининг учта ёрдамчиси, иккита котибият амалдорлари ва 12 назоратчи) [7.52].

Каспийорти, Туркистон ва Семипалатинск божхона округларида хизмат қилаётган шахсий таркибни харажатлари учун 1897 йилда 279955 рубл, 1898 йилда эса – 277883 рубл ажратилган эди. XIX асрнинг охирида рус ҳукуматининг кун тартибида Туркистонда божхона хизматини қайта ташкиллаштириш масаласи қўйилиб, бир географик маконда учта йирик божхона масканининг мавжудлиги мақсадсиз деб тан олинади. Ўрта Осиёда шаклланган божхона идоралари тизимини қайта кўриш ва ўзгартириш бўйича 1898 йилда лойиҳалар яратилиб йуқори сиёсий доираларда кенг муҳокама қилинади.1899 йил 1 майда «Каспийорти, Туркистон ва Семипалатинск божхона округлари доирасида божхона назоратини ташкил этиш тўғрисида» қонун қабул қилиниб Каспийорти ва Семипалатинск округлари фаолияти тугатилиб, Каспийорти божхона округининг божхона идоралари Туркистон округининг тасарруфига ўтказилди.

Шунингдек, Ўрта Осиёда божхона тизимини ривожланишининг сўнги босқичида яна ўзгаришлар рўй беради. Бу пайтда йирик округларга бўлинишдан воз кечилиб унинг ўрнига божхона йиғимлари Департаментига қарашли божхона инспекторлари бошчилигидаги божхона участкалари ташкил этилди [5.671].

Шунингдек, 1899 йил 10 августда Туркистон божхона округи таркибида тўртта божхона инспекторлик учсткаси ташкил этилди: а) биринчи – Каспий денгизининг шарқий қирғоқларидан Асхоболдаги Кайна-Кассир чегара пунктигача;б) иккинчи – Асхоболдан Янги Бухорогача;в) учинчи – Амударё бўйлаб Керкидан Буғороқгача;г) тўртинчи – Қўқондан Хитой чегарасигача, деярли Семипалатинск божхона округигача, яъни Узун-Кора тоғ тизмасигача.

1900 йилга келиб Фарғона божхона участкасига тегишли Қўқон божхона идорасининг фаолияти товарларни оқимидан кучайтирилган тартибда амалга оширилиб келган. Унинг шахсий таркиби ҳар куни эрталаб соат 8дан кундузи соат 2 гача ва кечқурун соат 6 дан тунги соат 12 гача ишлаб ҳам, товарларни назорат қилишни улгурмаган. Юзага келган мазкур ҳолатни инобатга олиб Молия вазирлиги Фарғона божхона участкасини тугатиб Қўқон шаҳрида биринчи тоифали божхона идорасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.Божхона йиғимлари Департаментининг даромадлар, харажатлар ва махсус маблағлар сметасига кўра Туркистон божхона округи тасарруфидаги божхона идораларига қўйидаги миқдорда маблағ тушган:

- 1907 йилги смета бўйича:

	12 ой давомида	Биринчи 6 ой давомида
1902 йилда	2.844.103 рубл	1.196.951 рубл
1903 йилда	3.562.982 рубл	1.688.211 рубл
1904 йилда	4.670.900 рубл	1.434.019 рубл
1905 йилда	4.864.710 рубл	2.334.941 рубл
1906 йилда	5.613.318 рубл	2.904.924 рубл
Ўртача	4.331.203 рубл	1.911.809 рубл
1907 йилда	-	3.223.084 рубл

- 1912 йилги смета бўйича:

1906 йилда	5.613.318 рубл	2.905.000 рубл
1907 йилда	5.970.268 рубл	3.223.000 рубл
1908 йилда	6.040.885 рубл	2.968.000 рубл
1909 йилда	6.718.048 рубл	3.174.000 рубл
1910 йилда	7.210.324 рубл	3.294.000 рубл
Ўртача беш йил давомида	6.311.969 рубл	3.113.000 рубл
1911 йилда	*7.818.662* рубл *(1913 йилги Смета бўйича)*	4.152.000 рубл

Кўриниб тургандек, XX асрнинг бошларида ҳам Туркистон ўлкаси иқтисодий алоқалар доирасига қамраб олинган бўлиб, бу ерда қизғин божхона фаолияти амалга оширилган. Хусусан, 1914 йилда Россия Туркистон ўлкасидан пахтачилик (75 %), чорвачилик (10 %) ва боғдорчилик (4 %) молларини олиб чиққан. Туркистонга Россиядан текстиль саноатининг ярим тайёрланган ва тайёр маҳсулотлари (41 %), озиқ-овқат ишлаб

чиқарилиши моллари (13 %), металл газламалар (11 %), нон (7 %), ёғоч, кимё, нефть ишлаб чиқарилиши, шиша, фарфор ва чармдан тайёрланган маҳсулотларни олиб кирган [8.36].

Биринчи жаҳон уруши даврида аксарият божхоначилар урушга сафарбар қилинганлиги ва чегаравий қўриқлов заифлашганлиги туфайли Туркистонда божхона фаолияти мураккаблашди. Уруш даври шароитида барча тоифадаги кириб келаётган товарларга бож тўловлари кўтарилиб, товарларнинг олиб чиқиши таъқиқланган эди. Туркистон чегаралари бўйлаб божхона фаолиятининг нормал даражада сақлаб туриш учун салмоқли уринишлар талаб қилинган. Божхона хизматчиларининг миқдори ва малакасининг етишмовчилиги Божхона назорати тизими учун жиддий муаммога айланган. Шунга қарамасдан божхона йиғимлари Департаментининг маълумот беришича 1915 йилда божхона йиғимлри 10435281 рублни ташкил этди.

Умуман олганда мавжуд бўлган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан мазкур тарихий даврда Ўрта Осиёдаги божхона идоралари ўзининг назорат-қўриқловчи вазифаларини бажарган ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. Алимджанов Б. Таможенная и торговая политика Российской империи в русском Туркестане. // [Электроннқй ресурс]. Научный журнал «Клио», 2015.
2. Шишкина Н.В. Из истории таможенной службы в Туркестане. // [Электроннқй ресурс]. https://museum.customs.gov.ru/
3. Козинцев М., Почекаев Р. К истории среднеазиатской таможенной политики России ово второй половине XIX века (окладная записка В.П.Череванского 1872 год). // OrientalStudies. №5, 2018. С.-75
4. Алимджанов Б. Экономическая политика Российской империи в Туркестанском генерал-губернаторстве (вторая половина XIX – начало XX вв.). Дисс. на соиск.учёной степени канд.ист.наук. СПб., 2016. С.-123
5. Inna V. Anisimova. Turkestan and the Steppe Krai Customs System's Formation and Development in the second half of the XIX – early XX centuries: General Imperial Processes and Regional Features. // Bylye Gody. Vol. 52. Is. 2, 2019. P.-670
6. Божхона иши тарихи. С.Гулямов, Д.Зияева, Ғ.Бобоёров, С.Шодмонова ва бошқ. Т.: «Янги аср авлоди», 2015. Б.-97
7. Курбанов Ч. Из истории формирования единой таможенной линии и организации охраны границ Туркестанского генерал-губернаторства во второй половине XIX в. // TheNewmaninForeignPolisy. №39(83), 2017. С.-52
8. Фурсов К. Имперская экономическая политика в русском Туркестане и британской Индии: сходства и различия. // ВОСТОК (ORIENS) № 6, 2010. С.-36

XIX əsir ақыры XX əsir басларында Россияның Орта Азиядағы бажыхана сиясаты
Мадалиева Р. Ҳ. Мəмлекетлик бажыхана комитети Бажыхана институты

Резюме. Мақалада Орта Азияда XIX əсир ақыры XX əсир басларында Россия империясы тəрепинен əмелге асырылған бажыхана сиясатының тийкарғы бағдарлары үйренилген. Сондай ақ,бажыхана мəкемелериниң қурамы, атқаратуғын хызмети, ўазыйпалары ҳəм бажыхана бақлаўының формалары ҳаққында айтып өтилген.

Таяныш сөзлер: бажыхана, бажы төлемлери, бажыхана бақлаўлары, товар айланбасы, бажыхана мəкемелери.

XIXаср охири – XX аср бошларида Россиянинг Ўрта Осиёдаги божхона сиёсати.
Мадалиева Р. Х. Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти

Резюме. Мазкур мақолада Ўрта Осиёда XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империяси томонидан амалга оширилган божхона сиёсатининг асосий йўналишлари ўрганилган. Шунингдек божхона идораларнинг таркиби, фаолияти, вазифалари ва божхона назоратининг шакллари ёритилган.

Калит сўзлари: божхона, бож тўловлари, божхона назорати, товар айланмаси, божхона идоралари.

Таможенная политика России в Средней Азии в конце XIX – начале XX веков
Мадалиева Р.Х. Таможенный институт государственного таможенного комитета

Резюме. В статье изучены основные направления осуществления таможенной политики Российской Империи в Средней Азии в конце XIX - начале XX веков. В частности, освещены вопросы, касающиеся структуры таможенных учреждений, их деятельность, задачи и основные формы таможенного контроля.

Ключевые слова: таможня, таможенные платежи, таможенный контроль, товарооборот, таможенные учреждения

The customs policy of Russia in Central Asia in the late XIX - early XX centuries
Madalieva R.Kh. Customs Institute of the State Customs Committee

Summary. The article studies the main directions of the implementation of the customs policy of the Russian Empire in Central Asia at the end of the 19th - early 20th centuries. In particular, issues related to the structure of customs institutions, their activities, tasks and main forms of customs control have been covered.

Key words: customs, customs payments, customs control, goods turnover, customs institutions

---

ПРАВО НА ВОДУ ЖИТЕЛЕЙ ПРИАРАЛЬЯ: ВОЗМОЖНО ЛИ РЕШЕНИЕ В XXI ВЕКЕ?

[1]Умарова К., [2]Гулимов А. Б.
[1]Каракалпакский государственный университет
[2]Университет мировой экономики и дипломатии

Актуальность. Деградация экосистемы Приаралья, (в частности Республики Каракалпакстан) проблемы водных ресурсов, ухудшение санитарной обстановки стало признаваться с 1975 года и регион остается зоной экологического бедствия, претерпевая климатические, водные, санитарно–эпидемиологические трудности. В Республике Каракалпакстан заметно ощутим дефицит воды, как для сельскохозяйственных, так и питьевых нужд. Узбекистан занял 25-е место из 164 в рейтинге стран, страдающих от водного стресса, опубликованном Институтом мировых ресурсов. Высыхание Аральского моря негативно влияет на изменение климата, увеличивая темпы опустынивания региона. Специалисты отмечают отрицательное влияние дефицита воды на экономическое развитие страны [1, 21].

Главная цель статьи высветить краткую историческую хронологию реализации государственных актов, приведших к экологическому бедствию, оценить значимость публичных актов, принятых и принимаемых в последнее десятилетия, а также международных документов и договоров на предмет их сопоставлений для сравнения результатов, обосновать необходимость трансграничного управления водораспределением Амударьи, определить детерминации современного экологического правотворчества, обозначить законность возмещения экологического вреда населению, политико-правовое значение доступности информации об экологической ситуации.

Ученые и эксперты разных научных направлений, занимающиеся экологическими последствиями высыхания Аральского моря в Приаралье, «били тревогу» о природной катастрофе и нарастающем характере вреда от высыхания моря. [2, 42-с.]. Известно множество ценных научных работ, а также документов о предпринимавшихся мерах по восстановлению, улучшению экологической ситуации. Вопрос о том насколько полно учтены научные результаты научных изысканий в государственных актах не требует специальных исследований, поскольку спустя четыре десятилетия проблема остается. Фундаментальные научные результаты, достигнутые учеными должны стать основой для новых дополнений, корректировок или нововведений[3].Каждое государство суверенно на пространстве, находящемся под его юрисдикцией. Безраздельное распоряжение водными ресурсами реки, однако, невозможно, если они принадлежат также другому, такому же суверенному государству, претендующему на их использование для удовлетворения собственных нужд. В связи с этим, все чаще говорится о том, что государство имеет не только право на использование своих природных ресурсов, но и обязанность не наносить значительный ущерб другим государствам при использовании своих ресурсов. В основе справедливого использования лежит идея о равноправии. Правы авторы утверждающие, что равноправие не нужно путать с равным распределением общих водных ресурсов между прибрежными государствами, и что для этого требуется лишь признать и сбалансировать целесообразное использование государствами общих водных ресурсов и выгод от этого использования [4].

Материалы и методы. Высыханию Аральского моря способствовали публичные акты Туркестанского генерал губернаторства XIX века, идеократические акты, принятые для освоения пустынных земель с целью повышения посевов хлопчатника в среднеазиатских республиках бывшего СССР XX века. Объявление Приаралья зоной экологического бедствия сопровождалось принятием нормативно-правовых актов и странами бассейна Аральского моря в конце XX начале XXI века, об успешной реализация которых трудно говорить, и в настоящее время речь идет только о смягчении последствий экологического кризиса. Контент анализ таких документов имеют цель оценить их стратегическую продуманность и научную обоснованность. Ученые эксперты разных научных направлений, занимающиеся экологическими последствиями Приаралья, «били тревогу» о природной катастрофе и нарастающем характере вреда от высыхания моря. Известно множество ценных научных работ, а также документов о предпринимавшихся мерах по восстановлению, улучшению экологической ситуации. Вопрос о том, насколько полно учтены научные результаты научных изысканий в государственных актах не требует специальных исследований, поскольку спустя четыре десятилетия проблема остается. Фундаментальные научные результаты, достигнутые учеными должны стать основой для новых дополнений, корректировок или нововведений.

Внимание авторов этой статьи фокусируется на международно-правовых аспектах трансграничного управления водотоком Амударьи и Сырдарьи и необходимости срочного инициирования межгосударственного соглашения о справедливом водораспределении. Весьма конструктивным является исследование вопросов, касающихся речной народной дипломатии, сотрудничества ученого сообщества стран БАМ (бассейна Аральского моря), привлечения граждан и общественных организаций, СМИ стран бассейна Аральского моря для организации и участия в экологических мероприятиях, обсуждении проблемных вопросов водопользования и их освящения.Методы исследования – исторический, сравнительный,системный и структурно-функциональный, обусловлены междисциплинарным характером темы, поскольку кроме водораспределения, есть необходимость научных исследований по устранению вредных последствий для растительного и животного мира, почвы, возмещения экологического ущерба здоровью граждан, разработки водосберегающих технологий; повышение качества организационно-управленческой деятельности водохозяйственных органов стран ЦА.

Результаты. Ученые, исследовавшие и проводящие научные работы по водным проблемам, считают, что высыхание Аральского моря можно приостановить увеличением поступления в море воды Амударьи, водоток которой проходит по территории нескольких государств. «Справедливое использование» является одной из наиболее приемлемых решений для регулирования совместно используемых водных ресурсов. Оно является реакцией на недостатки таких подходов, как «право первого использования» государств, расположенных в верхнем течении реки или абсолютное территориальное верховенство, которые предоставляют исключительные права на воду прибрежным государствам. Источники права, принятые на постсоветском пространстве, свидетельствуют об объективных и субъективных факторах детерминирующих их.

По мнению Г.Дж.Бермана, с которым вполне можно согласиться, право – это не только свод определенных правил, но это еще и те люди, которые издают законы, выносят судебные решения, отправляют правосудие. Именно субъект права своими действиями формирует правовую реальность. Субъективный фактор, способствующий созданию новых источников права, выходит на первый план в связи со сменой лидера государства. Идеократический контекст правотворчества в СССР, о котором пишет С. В. Кодан, сохраняется в

известной мере как власть идей публичных субъектов права и выступает основанием для правотворчества в современности.[5, 88] Анализ 20 совместных постановлений партии и правительства СССР 1939 – 1979 гг. позволяет оценивать их как: 1. Систему нормативной регуляции эколого-экономических отношений субъектами политической деятельности; 2. Высшее партийно – государственное требование, обеспечиваемое характером политического режима власти и подчинения ей; 3. Игнорирование научных результатов важности сохранения природных ресурсов.По форме и содержанию все отмеченные постановления были «руководством к действию» как для государственных исполнителей, так и для масс населения. Одно из объяснений «эффективности реализации» постановлений в специфике общественного сознания масс в первые годы советской власти, в которой восторжествовало ожидаемое разрушение власти имущих и достижение равенства в новом мире.Названия постановлений говорят о субъектах власти, инициировавших документ, о задачах, поставленных для решения, о системной последовательности требований и отдельных переменах в названиях в связи со сменой главных публичных субъектов власти.

Начиная с 80-х годов XX века до настоящего времени были приняты законы, касающиеся экологической безопасности, международные договора, реализованы международные проекты, вложены финансовые средства, как самих стран, так и доноров. С момента создания МФСА были реализованы три программы бассейна Аральского моря: ПБАМ-1 (1994-2002), ПБАМ-2 (2003-2010), ПБАМ-3 (2011-2015)[6].Проект ПБАМ-4, разработанный Исполнительным комитетом МФСА, МКВК и МКУР с привлечением национальных экспертов и международных партнеров в соответствии с решением Правления МФСА 30 января 2018 года определил реализацию программ по преодолению Аральского кризиса и укрепления сотрудничества путем целенаправленных действий на национальном, региональном и международном уровнях.Как было отмечено, в сложившихся условиях, Аральское море не может быть восстановлено до прежнего уровня. Но, что касается эффективного управления и использования водных ресурсов, то у специалистов нет сомнения в том, что ситуация может быть стабилизирована и улучшена. Более того, в случае реабилитации ирригационных систем и создания соответствующих условий, многие ирригационные системы Центральной Азии могут быть экономически жизнеспособными. В аналитической записке, подготовленной по материалам исследования «Переосмысление водного вопроса в Центральной Азии: цена бездействия и преимущества водного сотрудничества», 2017 г., проведенного консультационным бюро «Adelphi» и РЭЦЦА (Региональный экономический Центр Центральной Азии) при поддержке Швейцарской водной инициативы отмечается: «отсутствие полноценного сотрудничества по водным вопросам влечет за собой значительные убытки и серьезные риски, подрывающие будущее развитие региона в целом. Даже если учитывать не все составляющие, потери из-за недостаточно эффективного сотрудничества превышают 4,5 млрд долл. США в год». В этом контексте управление водными ресурсами является актуальной и приоритетной задачей.

«Справедливое использование» является одной из наиболее приемлемых решений для регулирования совместно используемых водных ресурсов. Оно является реакцией на недостатки таких подходов, как «право первого использования» государств, расположенных в верхнем течении реки или абсолютное территориальное верховенство, которые предоставляют исключительные права на воду прибрежным государствам. Каждое государство суверенно на пространстве, находящемся под его юрисдикцией. Безраздельное распоряжение водными ресурсами реки, однако, невозможно, если они принадлежат также другому, такому же суверенному государству, претендующему на их использование для удовлетворения собственных нужд. В связи с этим, все чаще говорится о том, что государство имеет не только право на использование своих природных ресурсов, но и обязанность не наносить значительный ущерб другим государствам при использовании своих ресурсов. В основе справедливого использования лежит идея о равноправии. Правы авторы утверждающие, что равноправие не нужно путать с равным распределением общих водных ресурсов между прибрежными государствами, и что для этого требуется лишь признать и сбалансировать целесообразное использование государствами общих водных ресурсов и выгод от этого использования [7].

С 2016 года в Узбекистане с приходом к власти Президента Ш.М.Мирзиёева, начались реформы в государственно-правовой, экономической, социальной сферах, в том числе принимаются широкомасштабные меры по смягчению последствий Аральской катастрофы. Сопоставление исторических совместных постановлений с нормативно-правовыми актами настоящего времени показывает: публично-правовой характер, государственно – правительственное правотворчество, так как, среди общеизвестных видов источников права в Узбекистане правообразующим остаются нормативно-правовые акты публичных субъектов, нормы международного права, имплементированные в законы страны, продиктованные значимостью международно-правовых отношений и договоров по экологическим вопросам, внутриполитической обстановкой и изменением вектора политико-правового развития. В этой связи нельзя не отметить, того обстоятельства, что проблематичность успешной реализации экологических законов могла бы быть компенсирована признанием верховенства международных договоров и их исполнением в силу принятых обязательств государствами.В постсоветских странах бассейна Аральского моря внутригосударственные и международные вопросы решаются главным образом лидерами стран.

Анализ выводов. Уместно отметить, что вода не признается как самостоятельное право человека в международных договорах. Изучение и оценка множества материалов по теме устранения, смягчения последствий высыхания Аральского моря и последовавших за ним экологических проблем, позволяет заключить, что одно из возможных решений – справедливое распределение водотока Амударьи странами Центральной Азии. Со стороны Узбекистана для совершенствования и дальнейшего развития

межгосударственного сотрудничества в сфере использования трансграничных водных ресурсов региона предусматривается: разработка и продвижение взаимоприемлемых механизмов по совместному управлению трансграничными водными ресурсами региона, которые обеспечат баланс между интересами стран Центральной Азии; продвижение норм и принципов конвенций ООН по трансграничным водам (1992 и 1997 гг.); создание совместного механизма мониторинга и открытого обмена данными для выполнения действующих правовых соглашений, включая программу по совершенствованию учета воды на уровне рек Сырдарьи, Амударьи и других трансграничных рек и другие мероприятия. Изменения международной ситуации в мире и в Центральной Азии создают новые вызовы для социально – экономического развития стран региона.

Как утверждают эксперты, это диктует необходимость развития межгосударственных отношений по вопросам устойчивого использования трансграничных водных ресурсов, разработки взаимоприемлемых механизмов совместного управления трансграничными водными ресурсами региона, обеспечивающих баланс интересов стран Центральной Азии. В ближайшие 15 лет Кабул увеличит отбор водных ресурсов из Амударьи в пять раз и доведёт данный показатель до 10-15 км^3 в год. При таком развитии событий, по предварительным оценкам, уже имеющийся дефицит воды в Узбекистане по бассейну реки Амударья, в среднем от 1,5 до 3,0 км^3 в год может возрасти до 10 км^3 в год.Афганистан как и другие страны Центральной Азии заинтересован в налаживании контактов со странами Центральной Азии, в том числе с Узбекистаном, по водопользованию. В этой связи принятие Региональной программы рационального использования водных ресурсов в Центральной Азии, инициированной Президентом Узбекистана на заседании глав государств-учредителей МФСА в августе 2018 года стало бы конструктивным шагом к решению водной проблемы.

Заключение. Для решения проблем справедливого распределения водотока Амударьи необходимо межгосударственное соглашение Узбекистана, Туркменистана, Таджикистана, Казахстана, Киргизии, Афганистана и решение по заключению такого договора правомочие глав каждого из государств Центральной Азии. «Верхи» и лидеры стран признают право на воду и в целом на благоприятную окружающую среду и ответственны за ее обеспечение. Поскольку круг полномочий президентов широк и касается важнейших вопросов государственного управления, вопрос о межгосударственном соглашении по международному статусу Амударьи может отодвигаться на второй план, к примеру, как в год глобальной пандемии. Конечно же, «низы хотят» справедливого рационального водораспределения, действенного международного речного права для настоящего и будущего поколений. Нельзя не отметить того обстоятельства, что основная масса населения Узбекистана, Казахстана, Таджикистана, Туркмении относительна инертна, а законы «Об общественном контроле», «Об экологической экспертизе» Республики Узбекистан в целом не реализуются в плане общественных обсуждений экологической обстановки, получении информации о состоянии водных ресурсов и ее качества, обращений к депутатам, сенаторам с предложениями.

Выдающийся мыслитель эпохи ПросвещенияЖан-Жак Руссо, право понимает как позитивный закон. По его определению, это есть правило, устанавливаемое непогрешимой «общей волей» народа по вопросам, касающимся всех граждан. Один из значимых критериев закона – это критерий всеобщности: «Всякий закон, если народ не утвердил его непосредственно сам, недействителен; это вообще не закон»[8] . Аристотель же полагал, что гражданами могут называться только те люди, которые активно участвуют в политической жизни государства, имеют довольно полное представление о его делах, то есть обладают развитой политической культурой или, как она называлась в более ранних произведениях, гражданской »[9].

Население всегда за решение водного дефицита, однако проблема в том, что основная масса населения этих стран не обладает навыками политического участия, умением формализовать свои интересы и законные требования по решению вопроса в международно-правовом ключе. Их законные интересы в продвижении и ускорении вопроса о заключении межгосударственного соглашения должны быть представлены депутатами, партиями, Президентом страны. До широкомасштабных мероприятий обсуждения справедливого распределения водотока Амударьи серьезное значение приобретают научное сотрудничество в вопросах водных ресурсов и устойчивого развития стран ЦА. Новая эра требует сотрудничества «за пределами воды» в контексте устойчивого развития, безопасности, социально - экономического развития и, соответственно, новых подходов к научной кооперации.

ЛИТЕРАТУРА

1. Аширбеков У.А., Зонн И.С. Арал: история исчезающего моря. –Душанбе, 2003 г. 86 с.
2. Честнова И.Л. Правотворчество как индикатор правовых ценностей: внутригосударственное, наднациональное и международное измерения. Коллективная монография / Под ред. И.Л. Честнова. –СПб.: Астерион, 2018 г. – 267 с.
3. Духовный В.А., Стулина Г.В., Кенжабаев Ш.М. О результатах экспедиций по осушенному дну Аральского моря в 2019-2020 гг. Ташкент, НИЦ МКВК, 2021 г. – 284 с.
4. Кодан С.В. «Совет Народных Комиссаров и Центральный Комитет ВКП (б) постановляют…» Совместные нормативно-правовые акты коммунистической партии и советского государства в системе источников советского права. –М., Генезис: исторические исследования. 2016 г. С. 53.
5. Жильцов С.С., Зонн И.С. Роль водных ресурсов в Центральной Азии. Проблемы постсоветского пространства. 2019.
6. Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVII века. –Ташкент, 1902 г.
7. Бурнакова Е.В. Приаралье: экологический кризис социальноэкономический кризис миграция угрозы политической стабильности? // Вестник Евразии. 2002 г. №3. С. 150-173.
8. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре, или принципы политического права. – М., Канон-Пресс. 1998 г. С. 322.
9. Аристотель. Политика. –М. Ексмо-Пресс., 2018 г. С. 320.

Гулимов А. Б. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети

Резюме.Мақолада муаллифлар томонидан қуйидагилар таҳлил қилинган: XIX - асрдан XX асрнинг ўрталарига қадар тарихий хронологияда чўл ерларни ўзлаштириш бўйича оммавий ҳужжатлар, уларнинг амалга оширилиши Орол денгизининг қуриб қолишига олиб келиши; Оролни қутқаришда XX аср охири ва XXI аср бошларида давлат ҳужжатлари ва халқаро шартномалар оммавий ҳуқуқ ижодкорлиги нуқтаи назари ва уларнинг самарадорлиги.

Калит сузлар: Оролбўйи экотизимининг бузилиши, сув муаммолари, оммавий ҳуқуқ ижодкорлиги, тадқиқотларнинг илмий ҳамжиҳатлиги, сувдан фойдаланишни оқилона тақсимлаш, давлатлараро битимлар тузиш.

Право на воду жителей Приаралья: возможно ли решение в XXI веке?

Умарова К. Каракалпакский государственный университет
Гулимов А.Б. Университет мировой экономики и дипломатии

Резюме. В статье авторы анализируют публичные акты в исторической хронологии от XIX до середины XX века по освоению пустынных земель, реализация которых привела к высыханию Аральского моря; государственные акты и международные договора конца XX и начала XXI веков по спасению Арала в ракурсе публичного правотворчества и их результативности.

Ключевые слова: деградация экосистемы Приаралья, водные проблемы, публичное правотворчество, научная кооперация исследований, справедливое распределение водопользования, инициирование межгосударственного соглашения.

The Aral Sea residents' right to water: Is a solution possible in the 21st century?

Umarova K. Karakalpak State University
Gulimov A.B.University of World Economy and Diplomacy

Summary. The authors of this article analyzed the public acts in the historical chronology from the XIXth to the middle of the XXth centuries on the development of desert lands, the implementation of which led to the drying up of the Aral Sea; state acts and international treaties of the late XXth and early XXIst centuries to save the Aral Sea from the perspective of public lawmaking and their effectiveness.

Key words: degradation of the Aral Sea ecosystem, water problems, public lawmaking, scientific cooperation of research, fair distribution of water use, initiation of an interstate agreement.

ЮРИДИКАЛЫҚ ШАХСЛАРДЫ ҚАЙТА ШӨЛКЕМЛЕСТИРИЎДЕ КРЕДИТОРЛАР ҲУҚЫҚЛАРЫН ҚОРҒАЎҒА БАЙЛАНЫСЛЫ НЫЗАМШЫЛЫҚТЫҢ РАЎАЖЛАНЫЎ ГЕНЕЗИСИ

Қутлымуратов Ф.К.
Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Юридикалық шахс өз искерлигин айрықша мал-мүлкке таянып әмелге асыратуғын ҳәм сол мал-мүлк пенен миннетлемелери бойынша жуўап беретуғын субъект есапланады. Сол себепли юридикалық шахсты дүзиўден мақсет шөлкемлестириўшиниң миннетлемелер бойынша тек сол мал-мүлк шеңберинде жуўапкер болыў есапланады. Әлбетте, юридикалық шахсты дүзиў мақсетлери түрлише болыўы мүмкин (капиталларды бирлестирип көбирек дәрамат алыў, жумыс күшин жәмлеў арқалы экономикалық нәтийжелиликке ерисиў ҳ.т.б). Бирақ ҳуқықый көз-қарастан ҳуқықтың бир субъекти тәрепинен басқа бир ҳуқық субъектин пайда етиў нийети ҳәм өзиниң жеке нийетин билидириў саналады. Яғный, ҳуқықый қатнасыққа тиккелей өзиниң атынан емес, бәлким жасалма ат астында қатнасыў арқалы келешекте жүз бериўи мүмкин болған унамсыз ақыбетлерден өзин қорғаў саналады. Бул жағдай жүзеге келиўи мүмкин болған жуўапкершилик ушын оның өзи емес, ал өзи ойлап тапқан жасалма субъект жуўапкер болады.

2015 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон телеканал кўрсатувлари кунига 18 соат ҳажмда аналог ва рақамли форматда намойиш қилинмоқда. Қорақалпоғистон телерадиоканалларининг қамров доираси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 95-98 фоизни ташкил этади.2018 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёрдамида Республика телестудияси 2 та sony PXW маркали видео камера, 2 та «Nexia»-3 русумли автомашина билан таъминланди.2016-2021 йиллари «Бир дўстинг бўлсин» (20 қисм) «Орзули йўллар» (4 қисм), «Қалб кўзи» (20 қисм), «Айжамал» (20 қисм) миллий сериаллар тасвирга олинди. Бугунги кунда республикада Каримбай Давлетмурадов, Алтынгул Утениязова, Базарбай Есмирзаев, Тамара Матбаева каби Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналистларнинг ижодий мактаблари яхши натижалар билан ишлаб келмоқда.Шу билан бирга, Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат университети таркибидаги 1983 йилда ўз фаолиятини бошлаган журналистика кафедраси асосида миллий тилда ёзаётган замонавий кадрлар тайёрланиши йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кундача 700дан ортиқ олий маълумотлижурналистлар тайёрланди.

Қорақалпоғистон оммавий ахборот воситалари янги Ўзбекистон руҳига мос тарзда республика ва унга яқин бўлган ҳудудларга бугунги куннинг оммавий ахборотини самарали тарқатмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. –Тошкент, «Ғофур Ғулом» нашриети, 2009, 768-б; Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. I-том,−Тошкент, «Шарх», 2008, 67-116-б.
2. Арзиев Р. Қарақалпақстан журналистикасының тунғыш өрелери. − Нөкис, «Қарақалпақстан»., 2015.
3. Нуржанов С. Периодические печат Каракалпакстана система обшественных отначений.−Нөкис, «Илим» 2015.
4. Маълўмотлар Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот ва оммовий коммуникациялар бошқармасидан олинди.
5. Нуржанов С.У. Периодияеская печать Каракалпакстана в системе обшественных отношений. −Нөкис.: «Илим» 2015.
6. Нуржанов С.У. Периодияеская печать Каракалпакстана в системе обшественных отношений. −Нөкис.: «Илим» 2015.
7. Маълумотлар Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси архив фондидан олинди.
8. Мадреймов Т. Телевидение – жәриялылық қуралы. −Нөкис., «Қарақалпақстан», 1989.
9. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: замон билан ҳамқадам. −Тошкент., 2016.

Қорақалпоғистон Республикаси ОАВ тарихи
Бекбаўлиев Д. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада ҳозирги кунда Қорақалпоғистон журналистикасининг ривожланиш босқичлари ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топади. Унда даврий матбуотнинг бугунги аҳволи, унинг муоммоларининг ечимлари бўйича фикрлар берилган. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон радиоси ва телевидениесининг бугунги аҳволига ҳэм баҳо бериб ўтилади.

Таянч сўзлар: ёғоч босма (кселография), тош босма, литография, механистик босма, нодавлат телеканаллар, ФМ радиоканали, миллий матбуот, миллий телерадиокомпания, ОАВнинг ҳуқуқий асослари, цензура, эфир, теле марказ, мураккаб телеускуналар, рақамли формат.

История СМИ Республики Каракалпакстан
Бекбаўлиев Д. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье дана общая характеристика развития журналистики, периодической печати, радиотелевидения в Каракалпакстане, дана оценка сегодняшнего состояния и перспективы их дальнейшего развития, освещены прпоблемы и их пути решения.

Ключевые слова: ксилография, литография, механическая печать, негосударственные телеканалы, ФМ радиоканалы, национальная печать, национальная телерадиокомпания, правовые основы СМИ, цензура, эфир, теле-центр, сложные теле оборудование цифровой формат.

History of the media of the Republic of Karakalpakstan
Bekbauliev D. Karakalpak State University

Summary. The article deals with the current stages of development of journalism steps in Karakalpakstan. It provides views on the current state of the periodical press and solutions to its problems. At the same time, the current state of radio and television in Karakalpakstan will be assessed.

Key words: Wood printing (xelography), stone printing, lithography, mechanical printing, non-governmental TV channels, FM radio channel, national press, national television and radio company, legal basis of mass media, censorship, broadcasting, TV center, complex TV sets, digital format.

АСҚАД МУХТОР ПУБЛИЦИСТИКАСИ

Мамбетирзаева Н.М.
Қорақалпоқ давлат университети

Сўз – энг таъсирчан ва энг қудратли қурол. Аммо сўзни ўрни-ўрнида ишлатиш, унга безак бериш ва у орқали халқ юрагига йўл топиш осон эмас. Бу тинимсиз ва машаққатли меҳнат эканлигини кўплар яхши тушунади. Асосийси, сўздан бўстон яратган буюк аждодлар ўз она тилини такомиллаштириб, шу тилнинг мавқеини юксалтириб, келажак авлодлар учун ўлмас мерос қолдиришган.

Ўзбек адабиётини ўзининг ранг-баранг асарлари билан бойитган Асқад Мухтор шахси ҳақида ҳам жуда кўп сўз этиш мумкин. «Асқад Мухтор деганда, деб ёзади Ғайбулла Саломов ва Абдулла Матёқубов - XX аср ўзбек адабиётининг чинордай бақувват, йирик намояндаси, бадиий прозанинг ҳикоя ва очерк сингари мўъжаз турларидан тортиб йирик салмоқдор романларгача, поэзияда шеър ва кичик миниатюравий қўйма мисралардан тортиб, қамровдор поэмаларгача бўлган ажойиб намуналарни яратган баркамол носир ва шоир кўз ўнгимизда гавдаланади. У драматург сифатида саҳна асарлари бунёд этди, публицист бўлиб эҳтиросли мақола ва памфлетлар ёзди, таржимонлик қилиб жаҳон халқлари адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ўгирди. Носир, шоир, журналист, адабиётшунос, халқ жонли тилини ғоят нозик ҳис этувчи, адабий тилнинг бойлиги ва поклиги учун жон куйдирган стилист, таржимон сифатида бадиий ижоднинг қайси соҳасига қўл урмасин, фасиҳ асарлар, нафис дурдоналар яратди, қайноқ инсоний туйғулар супрасида йўғрилган ажойиб бадиий тафаккур намуналарини берди»[1].

Дарҳақиқат, Асқад Мухтор ижоди серқирра. Айниқса XX асрнинг 60-70 йилларида адиб ижоди гуллаб яшнади. У кўплаб йирик асарлар билан бирга моҳир журналист сифатида публицистик асарлар ҳам ёзганлигини эътироф этиш ўринли. Негаки шу кунга қадар Асқад Мухтор публицистикаси ўз олдига тадқиқ этилганича йўқ. Унинг «Ҳаётга чақириқ» китобига киритилган очерклари да, «Ёш дўстларимга» деб номланган икки китобдан иборат адабий суҳбатларида долзарб ва ҳар бир давр учун муҳим бўлган масалалар тилга олинган. Публицистика асли маъноси ҳам «ижтимоий», «жамиятга оид» бўлиб, даврнинг долзарб ижтимоий-сиёсий ҳамда жамиятнинг кундалик ҳаётига бағишланган масалаларини акс эттиради. Публицистика бу – ҳаётни тасвирлашнинг алоҳида бир йўли, усули, ижод туридир. У жамият ҳаётининг шу кундаги, айни замондаги бўлиб ўтган ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисаларини ёритади, даврнинг энг долзарб масалаларига муносабат билдиради, ечилиши керак бўлган муаммоларни кўтариб чиқади, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилади. Шу боис тарихни тилга киритишда публицистик асарларни ўрганишнинг ўрни алоҳида. Доцент Сайди Умировнинг ёзишича, «...Асқад Мухтор олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида ўн мингга яқин публицистик асар ─ корреспонденция, лавҳа, репортаж, ҳисобот, интервью, мақола, тақриз, кузатиш, шарқ, хат, фельетон, эссе, очерклар ёзган, экранда беҳисоб чиқишлар қилган публицист. Ўн мингтача! Айтишга осон: битта мақола, очерк ёзиб, эълон қилиш қанчалар қийин...»[2].Ёзувчининг барча асарларида учрагани каби унинг публицистикаси ҳам фалсафий мушоҳадаларга бой, оддий воқеалардан ҳам катта фикр, салмоқли хулосалар чиқарилган бўлиб, ўқувчини ўйлашга ва фикрлашга даъват этади.

«Ёзувчи маҳорати бирор қизиқ воқеани топиб тасвирлашдан кўра, бирор воқеани қизиқ қилиб тасвирлашда кўпроқ намоён бўлади», деган эди адибнинг ўзи. Чиндан ҳам Асқад Мухторнинг ҳар бир мақоласида тасвирланган объект ва субъектлар беихтиёр хотирангизга жойлашиб олади. Йўл очерклари дан бири «Заранг япроғи» да гўзал Канада табиатини кўрасиз. «Умр ҳикмати»да нуронийларимизга хос донишмандлик, бағрикенглик, меҳр-охибатни юрак-юракдан ҳис қиласиз. Асқад Мухтор билимдонлиги, тилни мукаммал билиши, таҳрир санъатининг устаси бўлганлиги боис ҳар бир ёзган катта асаридан тортиб, кичик мақоласигача ўқиш силлиқ кечади. Ҳеч қандай тушунмовчилик, дағаллик учрамайди. Унинг шоир, ёзувчи,

публицист сифатида танилиши ва шаклланишида "Шарқ юлдузи", "Гулистон" журналлари ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигида узоқ йиллар кўрсатган муҳаррирлик фаолияти давомида тўплаган бой тажрибасининг ҳам ўрни беқиёс бўлган.

Иккинчидан, Асқад Мухтор кузатувчан инсон ва тажрибали журналист сифатида бугунги кун учун нима муҳимлигини аниқ билган, англаган ва шу йўналишда қалам тебратган. Унинг «Ёш дўстларимга» номли китобида берилган ҳар бир суҳбат ўта муҳим масалаларга бағишланган. У китобда сўз этилган муаммоларга якка ўзи эмас, жамиятнинг олд зиёли инсонлари билан биргаликда жавоб излайди. Суҳбатларнинг ёзилишидан мақсад ҳам шу бўлган. Суҳбат жанри биз учун журналистнинг савол беришию, респондентнинг жавобидан иборатдек кўринади. Аммо ўзбек журналистика тарихида икки нафар шахснинг тенг мунозара олиб боришини ҳам кузатамиз. Бу айниқса Ақсад Мухтор публицистикасида кўзга ташланади. «Ижодкорнинг дахлсиз дунёси», «Перспектив манба», «Тарихийлик ва замонавийлик», «Дарё ва соҳиллар», «Инсон меҳнати билан гўзал», «Китобхонимиз элчилари», «Ажойиб сирли гармония» номли суҳбатларида ёзувчи феномени яққол кўринади.

«Ижодкорнинг дахлсиз дунёси» суҳбати танқидчи У.Норматов билан олиб борилган. Унда ўша даврдаги адабий-бадиий тараққиётнинг характерли белгилари ҳақида гап боради. Суҳбатни танқидчи бошлаб беради. Саволлар, муносабатлар жуда узун шаклда берилган бўлиб, масалан, «ижод психологияси фақат китобхонларни эмас, адабиётшуносларни ҳам қизиқтираяпти, у ҳақда хилма-хил баҳслар бўлаяпти. Баъзи адабиётчилар ижод психологиясини ўрганиш фойдали, самарадор деб ҳисоблайдилар, айрим адабиётчилар эса бадиий ижод индивидуал, субъектик характерга эга, у — дахлсиз дунё, шунга кўра адабиётшунослик ижодий жараён натижаси — конкрет асарни таҳлил этиш билангина шуғулланган маъқул, ёзувчининг шахсий «дахлсиз» дунёсига, ижод сирларига бош суқмаган дуруст, дейдилар...»[3]. Сиз бу ҳақида нима дейсиз?», деган шаклда. Жараёнда иккала шахс тенг ҳамкорликда мушоҳада юритиб ўша давр адабий хусусиятларини ҳам айтиб ўтади. Бир-бирларининг фикрларини тўлдириб, суҳбат жанрининг имкониятларидан тўла фойдаланади. Айтайлик У.Норматовнинг фикрича, ўзбек адабиётшунослигининг характерли анъанаси бор. Улкан сўз санъаткорлари бир эмас, бир неча жанрларда қалам тебратганлар. Навоий аввало шоир, шу қатори моҳир прозаик, етук адабиётшунос эди. Бобур ҳам шундай. Бу ҳодиса совет даврида ҳам давом этди. Ҳамза аввалига шоир эди, ўзбек насри усталари Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом бадиий ижодни шеъриятдан бошлаган. Шу ўринда бир қизиқарли масала бор. Ҳар ҳолда проза билан поэзия алоҳида-алоҳида олам. Насрнинг ҳам, назмнинг ҳам ўз талаб, қонуниятлари бор... Асқад Мухтор эса бу фикрни давом эттиради, тўлдиради: «Сиз ўзимизнинг адибларимизнигина айтдингиз. Лекин айтиш керакки, жаҳон адабиётида ҳам шеър ёзмаган, поэзия билан шуғулланмаган адибни топиш қийин...» [3].Суҳбатнинг асосий ўзига хослиги у нафақат адабий мавзуларни, балки санъатга оид қизиқарли мунозараларни келтириб чиқарганидир. Драматургия, кинодан яна адабиётшуносликка қайтилади. Эркин фикр, кенг дунёқараш акс этади. Ўқувчиларнинг эътиборини тортувчи қизиқарли мисоллар келтирилади. Дарҳақиқат, ўша пайтда «ХХ аср услуби», «янгича стиль» кириб келган. Унга Асқад Мухтор қуйидагича муносабат билдирган:

«Изланиш яхши. Лекин экспериментни асосий машғулот қилиб олиш керак эмас. Новаторликни ўйлаб чиқариб бўлмайди. У энг яхши анъаналардан табиий ўсиб чиқади. Яқинда Москвада бўлиб ўтган ёшлар кенгашида бир йигитнинг ҳикояларини муҳокама қилдик. Феъл ишлатмаяпти. «Мозаика» дейди. «Бу қизиқ ўйин экан, лекин туйғулар бутунлиги йўқ-ку», деса; «Мен эксперимент қилаяпман, одам доим парвозда бўлиши керак, занг босмайди», дейди. Парвоз яхши, учиш керак. Лекин қаёққа? Буни аниқлаш ҳам керак-да. Классикани, бутун адабиёт тажрибасини билмай туриб, эксперимент қилавериш новаторликка олиб келмайди»[3].

Фикрлар шу тарзда дадил ва аниқ ифода этилган. Мужмал, маъно чиқмаган жумлалар учрамайди. Бундан кўриниб турибдики, Асқад Мухтор сўзни жой-жойида тежаб ишлатишни яъни таҳрир санъатини яхши билган ва нафақат жанрлар ривожига балки адабий тилимизнинг гўзаллашувига, бойишига ўз ҳиссасини қўша олган.

Асқад Мухторнинг ҳар бир публицистик асарида инсон камолоти учун кураш, маънавий етуклик масаласи кундаланг қўйилади. У бу йўлда собит бўлган. Унинг фикрича ёзувчи шахс сифатида замонавий бўлиши, кўп китоб ўқиши, изланиши керак. «Сиз қандай ўқийсиз?», «Камолот калити», «Умр ҳикматлари», «Хат ёзиб турасизми?» номли мақолаларида айнан ҳар бир давр учун долзарб бўлган масалалар сўз этилган. Адиб бугунги кунни олдиндан билганидек, ҳеч бир техника китобнинг ўрнини боса олмаслигини, китоб худди жонли бир воситадек ўқувчи билан тўғридан-тўғри мулоқатга кириша олишни, уни камолотга етакловчи бирдан-бир ишончли восита эканлигини таъкидлайди. «Ўқишлар ҳар хил бўлади. Биров эрмак учун ўқийди, биров хордиқ чиқариш учун; биров ўқиётган китобини илмий таҳлил қилиш учун, яъни «бурч юзасидан». Биров бўлак машғулот бўлмаганидан, вақт ўтказиш учун, биров ниманидир билиб олиш учун, биров асардаги воқеага қизиқиб ўқийди. Шунинг учун атрофимизга қарасангиз турли хил китобхонни кўрасиз...»[3].

Мақола орқали адиб ўқувчини ўйлашга ундайди. Ҳар қандай иш қилишдан белгили бир мақсад бўлганидек, «ўқиш бу меҳнат» деб келтиради.

Асқад Мухторнинг публицистик мақолалари эътибор бериб қаралса бир-бирини тўлиқтириб, бойитиб боради. Масалан, «Китобхонларимизнинг элчилари» ва «Ажойиб сирли гармония» мақолалари «Сиз қандай ўқийсиз?» нинг мантиқий давомидек кўринади.

Муставид тузум даврида баландпарвоз гаплар публицистиканинг асосини ташкил этарди. Кўпчилик қалам аҳли шу давр тузумини олқишлаб, «кун кўрган»лиги сир эмас. Лекин Асқад Мухтор ўз табиатининг табиийлиги, самимийлиги ва софлигини сақлай олган адиб. Қандай мавзуда ёзмасин унда ҳаётий воқеалар, жонли фактлар иштирокини кўрамиз. Асар қаҳрамонлари шунчаки ўйлаб топилган образлар эмас, халқнинг

орасидан чиққан оддий инсонлар эди. Лекин ана шу оддий инсонлар мисолида катта муаммоларга ечим қидириб, одамлар дарди билан яшади. Кузатувчан ва «безовта» жон сифатида жамиятдаги воқеаларга шунчаки кўз юмиб кетолмади. «Қони бало», «Тилимиз бир мўъжиза» мақолаларида айнан жамиятдаги айрим оғриқли жиҳатлар тилга олинади. Ички ликнинг тараққиёт кушандаси эканлигини ўтмиш ва бугунги кун мисолида кўрсатиб беради. Шунингдек, «Тилимиз бир мўъжиза»сида тилнинг софлигини сақлаш масаласи кўтарилади. «Тил жонли нарса. Тил дарахтдай, гиёҳдай яшнайди, гуллайди, синдирсанг синади, каллакласанг чўлтоқ бўлади, тилсанг чираси ерга оқади. У тирик, нафас олади. Матбуотимиз, китоб, газета, журнал, радио ─ унинг жонли нафаси, юрак уруши» деб кетиради мақолада. Ўша даврда бундай ўткир фикрлар айта олиш катта жасорат эди. Иккинчидан, бу мақола бугунги кун, ҳамма замон учун ҳам ўта аҳамиятлидир. Негаки тил масаласи – миллат билан бирга яшайди. Асқад Мухтор энг кўп мурожжат этган мавзу ҳам айнан тил масаласидир. Мазкур мақолада бир китобхон унга — журнал редакторига «кўз» сўзи билан боғлиқ мингга яқин мақол, матал, афоризм ёзиб юборганини жуда-жуда миннатдор бўлиб эслайди, бундан бағоят хурсанд бўлади…

«Тил кундан кун бойлик, гўзаллик орттирса, бунда бизнинг (яъни муҳаррирларнинг) хизматимиз бор. Агар тил бузилса, қашшоқлашса бунда ҳам бизнинг «Хизматимиз» бор»[3].

Асқад Мухтор мақоласида матбуотни «тилнинг қибласи», муҳаррирларни «тилимиз боғбонлари» деб атайди. Шунингдек, у узоқ йиллик тажрибаларидан сўнг яъни кексалик даврида ёзилган «Тундаликлар» («Уйқу қочганда...») да ҳам айнан тилга оид фикрларини очиқ-ойдин келтириб ўтади: ...»Кўча одамлар билан гавжум», дейдилар. Ваҳоланки, «одамлар билан гавжум», «қўйлар билан гавжум» деб бўлмайди. Чунки «гавжум»нинг ўзи «одам кўп» дегани.»Фаолият кўрсатишни амалга оширдилар», «шарофати натижасида», «рақобат кураши», «устидан кулди»… Бундай «нодир» кашфиётларни санайверсангиз, сон мингта. Ёшларнинг, айниқса,мухбирларнинг тилдаги пала-партишликларидан ҳар гал ранжийман. Ахир, тилимиз – шаклланган буюк тарихий тил. Ҳеч бўлмаса, унинг оқ сочли бобо ёшини ҳурмат қилиш керак. У юз йил эмас, беш юз ёки минг йил эмас, ўн беш, ҳатто йигирма асрлик тарихга эга.Ўн олти аср олдин тошга ўйиб ёзилган Ўрхун битикларини ўқинг: «Отим Элтуғон Турук. Бан тангри элимга элчи эртим. Олти боғ будунга бег эртим… Тангридаги кунга, ердаги элимга бўкмадим, айрилдим…Қандай содда, тиниқ жумлалар! Фақат ҳозирги тилда бир-иккитагина кичик изоҳга муҳтож: «тангри эл» – давлат, империя; «будун» – халқ; «бўкмадим» – тўймадим...» [4]. Адиб она тилининг чинакам жонкуяри эди. Тилни соф ҳолда сақлашга, бойитишга нафақат ўзи қаттиқ бел боғлади, балким бошқаларни ҳам хайрли ишга даъват этди.

«Тундаликлар»га келадиган бўлсак, бу тунги кечинмалар, фикр мулоҳазалар маҳсули. Улар ягона ғоявий фалсафий йўналишга эга эмас, лекин унда ёзувчининг бедор қалби, уйғоқ тафаккури, туғёнли кечинмалари суратланган. «Кейинги вақтда ─ кексалик, хасталик сабаб ─ жуда камуйқу бўлиб қолдим. Уйқу қочганда бош-кети йўқ, узик-юлуқ ўй-ҳаёллар қалашиб келаверяркан. Шунда тунчироқ остида турган дафтарга баъзи тасодифий фикрларни ёзиб қўядиган бўлдим. Дафтаримни «Тундаликлар» деб номладим. Бу «жанр»нинг «кундалик»дан фарқи шуки, унда хронологик тартибдаги воқеалар бўлмайди» ─ деб тушунтиради адиб [4].Асқад Мухторнинг бошқа бирон та асарига ўхшамаган, ҳатто минг йиллик адабиётимиз шу пайтгача кўрмаган янги бир «жанр»нинг, янги бир адабий дурдонанинг пайдо бўлиши катта янгилик эди. Албатта, бу ўз ўзидан тўғилгани йўқ, адиб неча йиллик меҳнат маҳсулининг сўнгги унутилмас меваси эди. Шуни таъкидлаш жоизки, адабиётга ҳам, журналистикага ҳам жанр керак. Ижодкор бедарвоза ёзмаслиги, минглар орасида қаришиб кетмаслиги керак. Йўналишни йўқотиш ярим йўлда қолиш демакдир. Йўналиш – бу жанр. Жанр ўқувчини белгили бир мақсад томон етаклайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Асқад Мухтор публицистикаси жуда бой ва аксарияти замонлар оша ҳам ўз қийматини, долзарблигини йўқотмайдиган мақолалардан иборат. Чунки адиб шунчаки ёзмасди, ёзолмасди. У ўқувчига ўй солиши учун аввал ўзи жуда узоқ ўйларди, ҳаммасини миясида пишитарди, сўнг халққа тақдим этарди. «Гулистон» журналидаги фаолияти бунга ёрқин мисолдир. У «Гулистон»ни сўз оламининг чинакам гулистонига айлантирган ҳақиқий боғбон эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. –Т.: Маънавият, 2003
2. Сайди Умиров. Асқад Мухторнинг элчилари. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2005 йил, 7 январ.
3. Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга. –Тошкент, «Ёш гвардия», 1980.
4. Асқад Мухтор. Уйқу қочганда. –Тошкент.; «Манъавият», 2005

Асқад Мухтар публицистикаси
Мамбетирзаева Н.М. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчиси, етук публицист Асқад Мухтор шахси, адибнинг бой публицистикаси ҳақида сўз этилган. Унинг «Ёш дўстларимга» деб номланган китобига киритилган суҳбат, эссе, очерклари таҳлил қилинган. Суҳбат жанрининг ўзига хослиги, бу жанрда ёзиш маҳорати аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатилган.

Таянч иборалар: публицистика, жанр, суҳбат, журнал.

Публицистика Асхада Мухтара
Мамбетирзаева Н.М. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Статья посвящена публицистике народного писателя Узбекистана, Аскада Мухтара, анализируются статьи, интервью, очерки, включенные в его книгу «Ёш дўстларимга». Своеобразие, новаторство, мастерство писателя иллюстрируются конкретными примерами.

Ключевые слова: журналистика, жанр, интервью, журнал.

The journalism of Askhad Mukhtar
Mambetirzaeva N.M. Karakalpak State University

Summary. This article is devoted to the publicism of the People's Writer of Uzbekistan, prominent publicist Askad Mukhtar, the articles, interviews, essays included in his book, «To My Young Friends» are analyzed. The uniqueness,innovation, the skill of the writerare illustrated by concrete examples.

Key words: journalism, genre,interview, magazine

UDK 811.512.121'373.423

ON THE STATE OF THE PROBLEM OF HOMONYMS IN THEMODERN KARAKALPAK LANGUAGE

Kaljanov A.

Karakalpak Scientific-Research Institute of Humanitarian Sciences, Karakalpakstan branch of the Academy of Sciences of the Republic ofUzbekistan

INTRODUCTION. The study of language as a system of signs requires special attention to the phenomenon of homonymy. The problem of homonymy is part of the more general problem of the relation of form and content in language, which makes its deep theoretical study necessary. The need to study homonymy is also caused by the needs of applied linguistics. Many linguists have dealt with this problem.The relevance of this issue is great because to this day there are still controversial issues regarding the phenomenon of homonymy. To date, the question of the place and role of homonyms in the language remains open, there are still disputes about the need for their use in speech, different opinions are expressed about the necessity and inevitability of their use. The degree of research on the problem is not deep enough. There is no clear classification of homonyms, there is no universal definition of the concept itself, there are disagreements about the very phenomenon of homonymy.Defines homonymy as the lexical relation between two lexemes that have the same grammatical category, sound form, and spelling but have unconnected meanings. Homonyms are part of Karakalpak language lexicon, which causes confusion among Karakalpak language learners.Having told about the linguists studying the material before, we can mention that our paper was based upon the investigations made by a number of well-known Karakalpak linguistics such as N. Baskakov, E.Berdirmuratov and some others.If we tell about the methods of scientific approaches used in our paper, we can mention that the method of typological analyses was used. The aim of the paper is to investigate homonyms in Karakalpak language, to classify Karakalpak homonyms.

The main goal of the homonyms analysis is actual. On the one hand, we wanted to evaluate how the occurrence of homonyms in identifying different contexts of usage of the same word is done; on the other hand, we aimed at verifying its behavior when real homonyms were found. This is because although the analysis always tries to find a grouping for a set of words related to a given one, many but not all of them are characterized by different usage contexts, and only a few actually have homonyms. Our approach starts from the observation that although the study of homonyms is interesting in different application fields, only a few approaches address the problems.

We seem to say that the appearance of new, homonymic meanings is one of the main trends in development of the modern Karakalpak language, especially in its colloquial layer, which, in its turn, is supported by development of modern informational technologies and simplification of speech. Studying of homonyms of words is one of the developing branches of lexicology nowadays. Homonyms reflect the general trend of simplification of a language. Homonymic meanings of words are closely connected with the development of modern informational technologies.

MAIN PART. Words with different words that coincide graphically only accidentally are considered homonyms. This is the case of the pair qulaq, meaning «organ of hearing» and qulaq, meaning «the part of a musical tool».We should opt for homonyms in two cases: when there is a semantic relation of inclusion or hyponymy between the two words under discussion or when there is semantic transfer.

The semantic unrelation between words is the key of homonyms. When speakers do not recognise any semantic relation between the different uses of a linguistic form, linguists consider that we are dealing with homonyms, namely different words having the same form as, for example, in the case of the linguistic form bólme, which means «a room» 4 or «don't separate» 5.

4 As in «Bul úlken bólme.» (This is a big room)

5 As in «Iltimas, topardı bólme». (Please, don't separate)

In this paper, I have tried primarily to provide an overview of the approaches in the indigenous study of Karakalpak language to facts of homonyms, and, more particularly, I have attempted to highlight two points:

- the classification of homonyms of the Karakalpak language
- the role of homonyms in the Karakalpak languag;

Homonyms, a pervasive phenomenon in Karakalpak language, is a relation of lexical ambiguity between words having different meanings. According to the type of meaning that helps to differentiate words that have the same sound and form, homonyms may be grouped in four categories:

-Lexical homonyms. Two or more homonyms that have not changed the form of the dictionary: ay – moon, ay – month; Lexical - grammatical homonyms. One of the two homonyms has changed the dictionary form of the word, one of which has not changed: alma – apple, alma – don't give.

-Grammatical homonyms. The dictionary form of two or more homonyms words has changed: Men qoydı alaman. (I take a sheep) – Ol kitaptı qoydı. (He puts a book);-Universal homonyms. The presence of the above two or three types in one homonym: bas

The distinction between lexical and lexical-grammatical homonyms relation and grammatical and universal homonyms relation is clearly distinct in most cases.In the Karakalpak language homonyms have some features. Semantically, they have diverged so much in their meaning that their unity in the modern language is no longer felt, and they are considered as homonyms, although, perhaps, they are common to each other, for example, *qız* – burn, gain heat, *qız* – a girl [1, 321].The affix -iw/ - iw/ - w, being a later version of the previous affix, ǵa/ge forms lexical and functional forms of the verb-action names, but it is sometimes found in isolated derived verbal names that have been separated from the verb system, for example: jaylaw "letovat, go to letovka", jaylaw "pasture, letovka"; sonnan anası jaylawǵa ketti (then his mother went to letovka, to pasture). The form "*jaylawǵa*" is a curious example of grammatical homonymy, which is explained by a single process of development and splitting of word meanings. Here, the word "*jaylawǵa*" has fully retained two meanings: 1) "to jaylaw, to letovka, to pasture", as an isolated form of a verbal name with objective static semantics, and 2) "to graze cattle, spend time on *jaylaw*", as an action name in the directional case with dynamic, process semantics of the functional form of the verb the action name [1. 406].

In the language, we also offer some opinions about lexico-grammatical homonyms. Isolated forms of names and verbs that stand out from the composition of significant parts of speech in a new service meaning for them, sometimes being simultaneously are homonyms in relation to the same form in the system of names or nominal forms of the verb. For example, the particle *shıǵar* "probably, probably" and the future participle *shıǵar* "one who usually goes out" from the verb *shıǵıw* "to go out" [1. 475].

Postpositions historically go back to independent, significant words with real semantics. Some modern postpositions have been distinguished from the general vocabulary in the special meaning of postpositions, as a special service part of speech, but a significant part of them are isolated forms, most often nouns, adverbs and nominal forms of the verb, which are either completely separated from the corresponding part of speech, joined in their function in the sentence to the system of postpositions, or also distinguished in the service meaning of words, which are at the same time homonyms in relation to the corresponding word with a significant meaning, for example, the postposition *qaray* in the service meaning "towards" and in the meaning of the adverbial part on-y from the verb *qaraw* "to look" [1. 482].

The accent in the Karakalpak language serves as a morphological means for differentiating homonymic forms, for example, *alma* "do not take, do not take"; *alma* "apple"; *jazba* "do not write"; *jazba* "manuscript". However, in this function, stress is not widely used and is used in a limited number of cases [1, 113].There is in the language the allocation of different parts of speech and their transition to the service parts of speech, for example, *qaray* "looking" and *qaray* "to, towards"; *qusaǵan* (the participle of the verb qusaw to approach) and *qusaǵan* "as", "like as" and others [2, 102].

Now let's look at some grammatical homonyms in different cases. Both the affix-la/-le and the affix-ar/-er/-r, in addition to their inherent meanings of the transformation of the name into a verb (-la/le) and the formation of the future participle (-ar/-er/-r), also contain the meaning of multiplicity, which in combination represent the complex affix-la-r/-le-r, homonymous in its meaning: a) as the plural affix-lar/-ler and b) as the affix of the formation of the future participle from the name -lar/-ler, forming a homonymic pair\, but going back to the same form:

- lar/-ler 1 - in the modern meaning of the future participle form, appearing in the finitive form, for example, *taslar* "he will throw, he usually throws" or *isler* "he usually works, he will work";

- lar / - ler 2 - in the modern meaning of the plural affix, for example, *tas* "stone", *taslar* "stones"; is " work", *isler* " works".

The common origin of these homonymous affixes, as already noted above, is explained by the presence in their composition of common elements in meaning and phonetic design, namely, -la/-le, reflecting the set, multiplicity, ordinariness, constancy, as can be seen in the sphere of the verb, for example, *atıw "*shoot", *atqı* "shooting", *atqılaw* "shoot many times, shoot, shoot" and *atqılar* 1) "one who shoots a lot, shoots repeatedly" and 2) multiple shootouts or *is* "work", *islew* to work", *isler* 1) "someone who is constantly usually working" and 2) isler "works".

So, we can assume that -lar/-ler is a historically common single affix, differentiated later into two independent affixes-homonyms with different, but similar meanings in terms of internal general semantics, meaning. It is curious that in some cases these two affixes, being homonyms, nevertheless retain a synonymous meaning in some constructions and can be perceived in the same phrase both as a plural and as a future participle, for example, *ne islerimdi sirá bilmeymen* 1) "I do not know what my affairs are" and 2) "I do not know what I will do", where the word form *islerimdi* can be interpreted as a form of the future participle in the personal possessive form of the first person in accusative case and as the plural form of the name is "case, work" is also in the possessive form of the first person in the accusative case.

It should be noted that similar affixes-homonyms are also found in relation to other word-forming and inflectional forms that form different categories while retaining the internal common meaning [2,39-40].

The differentiation of stylistic varieties of the literary language has not yet been fully completed for the Karakalpak language written literary language although significant typological transformations have already occurred and are noticeable in relation to the beginning of their formation. Our opinions are directly influenced by this process to the concept of homonyms.

The expansion of the meanings of words, the appearance of homonymic series, variants of words in new meanings, the creation of complex words and terms of various composition, the development and use of phraseological units of a new type, the widespread use of lexical and lexical-grammatical cripples, and finally, the widespread borrowing of words from other languages, and primarily from foreign languages these are the processes that radically changed the lexical structure of the Karakalpak language. The extraordinary expansion of the social functions of its

literary form has enriched it with a variety of terminology that covers all branches of the science. Terminology grew both through the use of internal resources of word formation and the assimilation of dialect and professional vocabulary, and mainly through the borrowing and international terms through the foreign languages.

Modern processes of development of the Karakalpak language are characterized by its increasingly significant improvement, which is expressed in the formation of a more stable, normalized grammatical system and a widely developing special vocabulary and terminology, as well as the further development and complication of its stylistic modifications.Homonymic clash is a term used to refer to the ambiguity arising from homonyms because of the similarity in spelling and enunciation. An example is the sentence «*Ana jerde eki zalım bar*», which may mean 'I have two halls there' or 'There are two tyrants there'. Therefore, the word «*zalım*» that means home and the word «*zalım*» that means person are the cause behind this ambiguity.

In the language, another difficulty arises when having to distinguish between polysemy, i.e., between one word with several meanings, and homonymy, i.e., between two separate words with the same form and unrelated meanings. Though, according to Lyons, «the distinction between homonymy and multiple meaning is, in the last resort, indeterminate and arbitrary», there are three criteria that may constitute the starting point in drawing a demarcation line between the two: etymology, formal identity or distinctness and close semantic relatedness [4, 406].

Even though both homonymy and polysemy, superficially, are examples of lexical ambiguity, the fact that the meanings associated with a homonymous form are not derivationally or etymologically related while those with a polysemous word are is a crucial distinction that needs to be addressed in the semantic representation of a word. In fact, such a distinction has received empirical support from previous psychological investigations of meanings and senses. The semantic lexicon may have separate entries for homonyms representing the distinct meanings, but overlapping representations for polysemy within each entry.

Also, in Karakalpak linguistics, Esemurat Berdimuratov paid attention to the distinction between homonymy and polysemy. Nevertheless, the distinction between homonymy and polysemy was still based on whether the meanings were listed under the same lexical entry or across distinct entries in the dictionary [3, 33-43]. Our study defined lexical ambiguity as involving homonymic meanings.The analysis of homonymic material is important, in our opinion, for studying the development of the Karakalpak language since individual homonymic units contain lexical, morphological and syntactic elements.The development of homonymy issues is also of great importance for translators who study foreign languages. Homonymic richness opens up wide opportunities for them to use it as an expressive means of language.

The origin of the decaying homonyms has not yet been clarified. It should be noted, however, that the question of the disintegration of homonyms is not only not studied, but also the materials on the data of homonyms usually do not occur completely in the scientific lexical Turkic languages. At the same time, we can express full confidence that the solution of the problem of the origin of decaying homonyms depends on largely on the study of all types of homonyms and the etymology of the word.

Homonyms are the main source of both lexical and structural ambiguity due to the fact that homonymy may be understood or interpreted in more than one way. To avoid such ambiguity in translation, much effort must be exerted in perceiving the context in which the ambiguous word or sentence occurs. For example, ′ear′, the organ of hearing, and ′ear′, one part of the musical instrument are complete homonyms. Partial homonymy is represented by homographs and homophones. Homographs are related to these words spelt similarly but have different meanings and pronunciations such as *′tur′* /ˈtuwr/ that refers to a "tour" and *′tur′* /tur/ that describes a verb "get up!". Homophones are those words that sound similarly but differ in spelling and meaning such as *′jaza aladı′* /jazaladı/, (He or she) can write and *′jazaladı′*/jazaladı/, a verb relating to the punished [3,43].

CONCLUSION. As a conclusion, we can once again emphasize that homonymy is a very difficult and controversial phenomenon. Some problems of homonymy have not been fully studied to date. The study of other problems is just beginning.Having considered in this article the question of the state of homonyms in the language, we have presented the view of many scientists on this problem, compared the points of view of linguists from different countries. In the next study, we will consider the problem of homonyms in the context environment and attempt to quantify the use of homonyms in speech.

REFERENCES

1. Baskakov.N. A. Karakalpak language. II, Phonetics and morphology. Publishing House of the USSR Academy of Sciences, – Moscow, 1952.
2. Baskakov N. A. Karakalpak language. Volume IV. Lexicon. Nukus:, Bilim, 1996.
3. Esemurat Berdimuratov. Modern Karakalpak language: lexicology. Nukus:, Bilim, 1994.
4. Lyons, J. Introduction to Theoretical Linguistics. London: Cambridge University Press, 1968.
5. Khojanov SH, Karamatdinova N. Homonyms in Karakalpak language.Nukus, Qaraqalpaqstan, 2018.
6. Pakhratdinov K, Bekbergenov K. Dictionary of homonyms of the Karakalpak language. Nukus:Qaraqalpaqstan, 2015.

Qaraqalpaq tilinde omonimler máseleleriniń halatí haqqında

Kaljanov A. *Ózbekistan Respublikası Ilimler Akademiyası Qaraqalpaqstan bólimi Qaraqalpaq gumanitar ilimler ilim izertlew institutı*

Annotaciya. Maqalada keyinshelik te izertlewdi talap etetuǵın qaraqalpaq tiliniń omonimikasına baylanıslı máselelerge qısqasha sholıw jasaladı. Qaraqalpaq tilinde omonimiya boyınsha arnawlı izertlewdiń bolmawı sheńberinde omonimlerdi klassifikaciyalaw tarawında qıyınshılıqlar júzege keledi. Ana tiliniń til sistemasınıń bul aspekti qıyın hám shatastıratuǵın máselelerinen bolǵanlıqtan polisemiya menen qatar úyreniliwi kerek.

Gilt sózler: omonimler, qaraqalpaq tili, klassifikaciya, leksikalıq múnasibet, omonimlik mániler, semantikalıq máni.

Qoraqalpoq tilida omonimlar masalalarining holati haqida

KaljanovA. *O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Qoraqalpoqg'iston bo'limi Qoraqalpoq gumanitar fablar ilmiy-tadqiqot institute*

Annotatsiya. Maqolada kelgusida chuqur o'rganishni talab qiluvchi qoraqalpoq tili omonimikasiga oid masalalar qisqacha ko'rib chiqiladi. Omonimiya bo'yicha qoraqalpoq tilida maxsus tadqiqotlar olib borilmagani uchun omonimlarni tasniflash sohasida qiyinchiliklar yuzaga keladi. Ona tilining til tizimining bu jihati murakkab va chalg'itadigan muammolardan biri bo'lib, polisemiya bilan birga ko'rib chiqilishi kerak.

Kalit so'zlar: omonimlar, qoraqalpoq tili, tasniflash, leksik munosabat, turli ma'nolar, omonimik ma'nolar, semantik ma'no.

О состоянии проблемы омонимов в современном каракалпакском языке

Калжанов А.Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан

Резюме.В статье дается краткий обзор вопросов, касающихся омонимов каракалпакского языка, требующих в дальнейшем углубленного изучения. На фоне отсутствия специального исследования по омонимии в каракалпакском языке возникают трудности в сфере классификации омонимов отмечается, что данный аспект языковой системы каракалпакского языка, являясь одной из сложных и запутанных проблем, должна рассматриваться наряду с полисемией.

Ключевые слова: омонимы, каракалпакский язык, классификация, лексическое отношение, различные значения, омонимические значения, семантическое значение.

On the state of the problem of homonyms in the Modern Karakalpak language

Kaljanov A.Karakalpak Scientific-Research Institute of Humanitarian Sciences of Karakalpak Branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Summary. The article provides a brief overview of the issues related to homonyms of the Karakalpak language, which require further in-depth study. Against the background of the lack of a special study on homonymy in the Karakalpak language, difficulties arise in the classification of homonyms. This aspect of the language system of the native language, being one of the complex and confusing problems, should be considered along with polysemy.

Key words: homonyms, the Karakalpak language, classification, lexical relation, different meanings, homonymic meanings, semantic meaning.

Ж. ИЗБАСҚАНОВ ШЫҒАРМАЛАРЫНДА РИТОРИКАЛЫҚ СОРАЎ ГӘПЛЕРДИҢ ҚОЛЛАНЫЛЫЎЫ

Қазымбетова З. М.

Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Шайыр Ж.Избасқанов шығармаларында риторикалық сораўлардан шебер ҳәм өнимли пайдаланған. Шайыр шығармаларындағы риторикалық сораўлар лирик қаҳарманның ишки кеширмелери – шадлығы, қайғысы, қандай да бир жағдайға мүнәсибети – наразылығы, қыйналыўы, таңланыўы сыяқлы қатнасларын бериўде жәрдем берген. Риторикалық сораў гәплердиң мазмунынан тастыйықлаў, хабар етиў мәниси аңланады, сол себепли риторикалық сораў гәплер әдебий тилде эмоционал мәнилерди бериўде стилистикалық қурал хызметин атқарады.

Шайырдың қосық қатарларында сораў гәплер күтилип атырған жуўапқа мүнәсибетине қарай екиге бөлинеди:1. Сап сораў гәплер – жуўап талап етиўши сораў гәплер:

Оған қалай реҳим қыламыз? Тыңшы болып шықса нетемиз?//Жүрген болса қәйттик ортада **Жилли болған болып жортаға?** –[5, 571] 2. Риторикалық сораў гәплер – жуўап талап етпейтуғын сораў гәп, формасы жағынан сораў гәп, ал мазмуны бойынша хабар гәп: Бирлик болса арада Тегинликте даў келмес.//

Ал, ийесиз қалаға **Қәйтип енди жаў келмес ?!** [5, 130]

Бул сораў түрлеринен риторикалық сораў стиллик қурал сыпатында оқыўшының яки тыңлаўшының дыққатын белгили бир тема ямаса оның бир бөлегине аўдарыў ушын жумсалады. Ол экспрессивлик функция тасыўшы синтаксислик қураллардан есапланады. Әдетте сораў гәп тыңлаўшыдан жуўапты талап етеди, риторикалық сораў гәплерде болса жуўап талап етилмейди. Риторикалық сораў гәплерде даўыс үлкен роль ойнайды, даўыс жәрдеминде көбинесе сораў гәптиң өзи тастыйықлаўды билдирип турады. Оларда сораўлық мәни менен бирге күшли сезимлер толқыны жатады. Олар арқалы сөйлеўши ямаса шайырдың көтериңки ишки сезимлери бериледи [1, 110].Риторикалық сораў гәпте субъект жаңа мағлыўмат алыўды гөзлемейди, сораў арқалы өзиниң ҳәр түрли сезимлик қатнасларын билдиреди. Оның синтаксислик қурылысы логикалық мазмунына сай келмейди: **Қыз қыялын, шерлерин, дәртин, Уғар ма ҳәрким ? –** [5, 24]Бул берилген мысалда автор сораўына жуўап талап етпеген, ал өз гәпиниң мақулланыўын күткен.

Риторикалық сораў гәплер экспрессивлик функцияны атқарады. Олар көтериңки, күшли эмоция менен айтылады. Эмоция болса, бир тәрепинен, зәрүрияттың конкрет техник формасы болса, екинши тәрепинен, индивид зәрүриятынан келип шығып ҳалатты баҳалаў, қайта сазлаў, оны зәрүрли ҳәрекетке таярлаў механизми есапланады [2, 235]. Ж.Избасқанов шығармаларында риторикалық сораў гәплер төмендеги жәрдемши қураллар арқалы жасалған;

1. Сораў алмасықлары арқалы:Сол сезим қағазға қуйылар шым-шым,// **Қайдан пайда болған буныңдай тилсим ?** [5, 52]2. Сорау жанапайлары арқалы: Қыздың көңли - тынық суў, **Ылайтыўға болар ма?**Турған болса толықсып, **Муңайтыўға болар ма?//** [5, 30] 3. Сораў интонациясы арқалы:**Қар, сен нурдан шығарсаң?** Бизге қатты унарсаң!// Қалай енди тынарсаң, Ойын ести алған соң. [5, 373]

Шайырдың айырым риторикалық сораў гәплеринен соң оған жуўап бола алатуғын гәплер де келеди. Бундай гәплер риторикалық сораў гәплерге анық жуўап сыпатында болмаса да, мазмуны жағынан олардың

жуўмағы екенлиги билинип турады. Мысалы: Сазендем, сезиндим аҳыў-зарыңды, Сен бунша еңиретпе тилла тарыңды! Мен тыңлап, қанбасам ырғақларыңды//

Нетермен?! Олар – мың. Ал, мен жалғызбан [5, 56] **Биймәни бәзимлер, ишкен шарабың, Ким билипти көрген түстей боларын?!**Таўсылмастай көрип өмир алабын, Оны узын-шубай байрам етиппиз. [5,253]

Айырым жағдайларда сораў гәплер жуўабы менен сондай биригип кетеди, оларды сораў ҳәм жуўапқа ажыратыў қыйын болып қалады: Буныңдай ҳалатты менде бар еткен,// **Сени умытайын дейип ҳәлекпен?!//**

Әттең, тумлы-тустан, барлық тәреплтен,//Ышқы атлы ҳәўли-ҳәрем көринер [5,161] .

Көркем шығармаларда автор өз көркем нийетин оқыўшыға жеткериў мақсетинде риторикалық сораў гәплерден избе-изликте бир нешесин де пайдаланады. Бул ҳалат Ж.Избасқанов лираларында да ушырайды:

Жас улғайды. Питкен пүтин исим қайда? Қыйналғанда қол созғандай кисим қайда? Бул аҳымды ким түсинер усындайда?//Өмиримниң қыймас шағын жойтып турман. [5, 266]// **Дослар тахқа минди, атқа не болды?// Көңлим әрман еткен бағқа не болды? Төктим туйғым болса хатқа не болды?//Буным надурыс па, дурыс па, бирадар ?** [5, 269]

Сораў гәплер форма менен мазмун бирлигинен дүзилетуғын болғанлықтан, олардың форма ҳәм мазмуны бир-бирине сәйкесликке ҳәм сәйкессизликке ийе болады. Сәйкеслилик қатнастағы сораў гәплерди анық сораў гәплер дүзеди. Олар анық сораў мәнисиниң үстине хабар ямаса буйрық мәнилерди қосып алмайды. Сол анық сораў мәнисинде қолланылады. Форма ҳәм мазмун арасындағы сәйкессизликти риторикалық сораў гәплер дүзеди. Сораў гәптиң бул түринде сораў формасы қатнасқаны менен мазмуны жағынан өз үстине хабар ямаса буйрық мәниси қосылып айтылады. Усы сыяқлы форма ҳәм мазмун сәйкеслигине қарай риторикалық сораў гәплер сораў-хабар ҳәм сораў –буйрық болып екиге бөлинеди [3: 36].

Ж.Избасқанов шығармаларында риторикалық гәплердиң бул еки түринен де көплеп мысаллар келтириўге болады.

1. Сораў-хабар гәп. Бул түрге өз үстине хабар мәнисин қосып алған сораў гәплер киреди. Олар тастыйықлаў яки бийкарлаўшылық мазмунды хабарлайды: **Гүзги қыялларым болар ма умыт? Қалай умытарман муңлы жамалын?//**Сағыныш сезиминен тебиренип турып,// Ғазлардың изинен узақ қарарым… [5: 107]

Бул сораў гәплерде бийкарлаўшылық мәни хабар гәптегиге қарағанда тыңлаўшыға жүдә тәсирли жеткерилген.

2. Сораў-буйрық гәп. Бул түрге өз үстине буйрық мәнисин қосып алған сораў гәплер киреди.

Толғаныстан гүздей әрманлы// Ғамгүнликке берилген пайты//

Ышқымызға гүўа талларды Бунша неге тонаған, айтың?! [5,12];

О, жыллар – түс бәри// Зымырайды, өтеди// Буншелли тысқары// **Ушпаса нетеди ?!** [5,374]

Бул сораў гәптеги буйрық мәниси әпиўайы буйрық гәптеги буйрық мәнисине қарағанда тәсирлирек, өткирирек қолланылғанлығы менен ажыралып турады.

Ж.Избасқанов шығармаларындағы риторикалық сораўларды функциясына қарай еки топарға бөлиўимиз мүмкин. Биринши топардағы риторикалық сораўлар (жуўап талап қылмайтуғын мүрәжат) адресаты – тыңлаўшыға қандай да бир тәсир көрсетиўге бағдарланады:

Тебиренисим, унап турып,// Не теңеўлер таппасам,// - Көңилимди булақ қылып,// **Ким ағады ақпасам ?** [5,71] Ойнар едик асық үлеп, **Не бар туўған жерден артық ?** [5, 45] Бул гәплерде пикир көтериңки рухта күшли эмоция менен берилген. Екинши группадағы риторикалық сораўлар тек ғана экспрессивлик функцияны атқарып , сап эмоционал тәсир көрсетеди: Тәғдиримиздиң жолында,// **Ығбалың ба, сорың ба? –//** Пүткил өмириң соңында// Бир күн шелли болмайды [5, 78]

Көмип атыр январь айында,// Қар кимниңдур өмир гүзарын, // **Қуўанып, я қыйналайын ба? –//** Бузғанына қыстың нызамын. [5, 81]

Риторикалық сораў гәплерде гәптиң бийкарлаў формасы арқалы күшли тастыйықлаў мәниси берилсе, керисинше тастыйықлаў формасы арқалы күшли бийкарлаў мәнилери бериледи. Бундай гәплерде сөйлеўшиниң яки өзге шахстың руўхый ҳалаты жүдә тәсирли сүўретленеди [4, 18]. Ж.Избасқанов шығармаларында да гәпте сораў алмасықларының қатнасыўына қарамастан усындай күшли бийкарлаў ҳәм күшли тастыйықлаўды көриўимизге болады: Қолдың ушы тийер-тийместен// Қымтанысар, уялып өзи!//

Тебиренбессең, қалай сүймессең,// Гүлде болса қыздың минези?! [5, 103] Бул қатарларда бийкарлаў мәнисиндеги болымсыз фейил арқалы шайыр өз ишки сезимин тастыйықлаў мәнисинде бере алған. **Гүзги қыялларым болар ма умыт?// Қалай умытарман муңлы жамалын?//** Сағыныш сезиминен тебиренип турып, Ғазлардың изинен узақ қарарым… [5, 107] Ал, бул қатарларда керисинше тастыйықлаў мәнисиндеги болымлы фейил арқалы шайыр өз ишки сезимин бийкарлаў мәнисинде бере алған.

Риторикалық сораў гәплердиң екинши топарында сөйлеўши ушын оны қызықтырған пикирдиң бир элементи белгисиз болады. Сөйлеўши ҳәрекетти атқарыўшы шахстың белгиси, орны, ўақты, себеби, мақсетин билиўди қәлейди. Бул ўақытта сөйлеўши ушын белгисиз болған нәрсениң аты гәпте аталмастан, оған силтеў бериледи, гәп қурамына сораў алмасықлары киргизиледи: **Несин жасырайын**?// Сағындым пүтин!// Сыртым пүтин, мейли.// Ал, ишим түтин!// Күйген жүрегиме еталмай ҳүким,// Мына жақты дүнья әрең көринер. [5: 161]; Бул кактустың…// **Шыдамы қаншама?!** Бир тутам қыс күнлери өтти.// Тар майдан, нур қәҳәт болса да, // Барлығына берер төтепки. [5,81]

Шайыр шығармаларында сөйлеўдиң тәсиршеңлигин арттырыў ушын сөйлеўшиниң өзине өзи сораў бериўи усылынан кең пайдаланылады: **Эй, Жийенбай, мына қарлы қыстан соң,// Қәне енди, ышқ паслындай – март келсе?!...** [5, 327]

Тилшунослик тадқиқида коммуникатив мулоқотдан кўзланган мақсад фақатгина ахборотни ифода этиш, ўзаро ахборотлар алмашиш бўлибгина қолмай иккинчи бир тарафга нутқ орқали таъсир кўрсатиш, қандайдир ҳаракатга ундашни ҳам кўрсатиб туради. Тилшунос Шаҳриёр Сафаров «...Лекин мулоқот мақсади оддийгина ахборот алмашиш билан чегараланиб қолмайди, ахборот узатишдан «ҳамкор»га таъсир ўтказиш, уни бирор нарсага ишонтириш, бўйсундириш, ҳаракатга ундаш мақсади кутилади. Бундан ташқари, семиотикларнинг ўзлари эътироф этганларидек, алоқа воситаси бўлмиш белгилар сўзловчи томонидан ўз майлини, бировни ёки бирор нарсани ёқтиришини, норозилигини, ҳайратини ва бошқа руҳий туйғуларини изҳор этиш учун ҳам қўлланишини биламиз, дея таъкидлаган [7]. Шу билан бирга Шаҳриёр Сафаров Киев университетинингпрофессори О. Г. Почепцов бу борадаги талқинини келтириб ўтади. Унга кўра, «нутқий ҳаракат ва бу ҳаракат воситасида воқеланадиган мақсад сўзловчи кўзлаган асосий мақсадга эришишнинг фақатгина бир босқичидир» (Почепцов 1986: 75). Шунинг учун ҳам олим умумий интенцияни икки қисмга яъни *«бошланғич интенция (мақсад)»* ва *«натижавий интенция»*га ажратишни таклиф қилади [7]. Тилшунос М.Ҳакимов эса нутқий акт тушунчаси моҳиятига кўра, сўзловчи нутқида коммуникатив ният акс этишини билдириб, коммуникатив ният бевосита нутқий актларнинг кўринишлари сифатида нутқда намоён бўлишини айтади [8].

Бизнинг фикримизча, коммуникатив мулоқот жараёнида нафақат коммуникатив мақсад, балки ундан ҳам кенгроқ бир тушунча бўлган коммуникатив стратегия ҳам борки, у нафақат нутқ жараёнида, балки ундан кейин ҳам узоқ муддатда амалга ошадиган ҳаракатлар билан ҳам бевосита боғлиқдир. Бу тилшунос Олег Георгеевич Почепцов юқоридаги келтирилган фикри бўлган *«натижавий интенция»* билан боғлиқдир. Назаримизда, коммуникатив стратегия асосини ҳам «натижавий интенция» ташкил қилиб, нутқ айни реал вазиятда мавжуд бўлиб, бироқ нутқий мақсадга етиш борасида танланган мулоқот стратегияси ва тактикаси ўз таъсирини бироз вақт ўтгандан сўнг намоён қилиши мумкин. Бу бевосита адресатнинг нутқ таъсиридаги ҳаракати, фикрлари билан боғлиқ бўлиб, адресант ўз олдига қўйган мақсадга қай даражада эришганлиги билан баҳоланади.

Назаримизда, нутқий мулоқот жараёнида баъзан умуман коммуникатив стратегия бўлмаслиги мумкин, бу ҳолатда фақатгина коммуникатив мақсад кўзланиб (чунки маълум бир мақсадга қаратилмаган гап ҳам бўлмайди), у қисқа муддатга мўлжалланган бўлади. Масалан, «Ҳиёбонга қайси йўлдан борилади?» гапида фақатгина коммуникатив мақсад мавжуд бўлиб, аввало мақсад маълумот, ахборот олиш, сўнгра манзилга етиб боришга қаратилган. Манзилга етиб борилгач, коммуникатив мақсад ҳам тугайди. Бизнингча, нутқий актда «коммуникатив стратегия» олдиндан режалаштирилган, узоқ муддатли,одатда бир қанча шахслараро муносабатларга қаратилганлиги билан ҳам алоҳида хусусиятга эгадир. Коммуникатив мақсадни амалга ошириш учун сўзловчи албатта, бирон бир усулдан фойдаланади, бироқ коммуникатив стратегия бир қанча мақсадларни ўз ичига олгани учун ҳам унга эришишда бир неча тактикаларни (усулларни) қўллашни тақозо этади. Бироқ аҳамиятли жиҳати шундаки, агар адресат, яъни тингловчи мазкур нутқий вазиятда адресант томонидан билдирилаётган маълумотлар, ахборот ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаса, сўзловчи томонидан танланган коммуникатив стратегия ва тактикалар ўз вазифасини бажара олмайди. Шу сабабли ҳар бир адресант мазкур жиҳатларни ҳисобга олиши нутқий таъсирчангликни янада оширади. Масалан, Ўзбекистон Президентлигига номзод, сиёсатчи Н.Обломуродовсайловчилар билан мулоқотда дунё миқёсида атмосферага заҳарли моддалар чиқариш кўпайиб бормоқдалигини таъкидлаб, «Статистик маълумотларга кўра, коронавирус пандемияси шароитида жаҳонда бир йилда 1,8-3 миллион киши ушбу хасталик туфайли вафот этган бўлса, атмосферадаги заҳарли моддалар сабаб 7 миллион киши оламдан ўтмоқда» дея мурожаат қилди [9]. Бу ерда нутқий таъсир этиш «қуроли» сифатида «коронавирус» сўзини олишимиз мумкин. Яъни, тингловчилар охирги йилларда бутун дунёни ташвишга солаётган «коронавирус» ҳақида деярли маълумотга эга, уни хавфли касаллик сифатида яхши «танийди». Демак, заҳарли моддалар туфайли келиб чиқаётган бу муаммолар мазкур касаллик хавфидан ҳам юқори, деган маълумотнинг таъсири ўз олдига қўйган мақсадга эришиши мумкин. Яъни, сиёсатчи

ўзининг сиёсий позициясини қўллаб-қувватлашга ундаш билан бирга, ўз олдига қўйган мақсад қанчалик долзарблигига аҳамият қаратмоқда.

Шу маънода Н.Маҳмудов фикрига кўра ҳам «Нутқий коммуникациянинг тўғри ва реал амалга ошиши учун коммуникантлар нутқ моментига қадар муайян фактлар билан таниш бўлиши, муайян вазият билан муайян билим — хабардорликка эга бўлишлари лозим. Ана шу фактлар, билимлар тилшуносликда пресуппозиция номи билан умумлаштирилади» [10, 29]. Прагмалингвистиканинг хусусий масалаларидан бири бўлган тагмаънони пресуппозициядан фарқланиши каби изланишлар эса лингвопрагматиканинг долзард муаммолари сирасига киради. Олим М.Ҳакимов, М.Газиевалар «...коммуникатив тактика, коммуникатив стратегия тушунчалари моҳияти таъсирида лингвистик прагматиканинг хусусий муаммоларидан яна бири - тагмаъно юзага келади» деб ҳисоблашади [11, 46]. Сўнгги йилларда прагматикада коммуникатив стратегия ва тактикани кенг тадқиқи этишнинг аҳамияти борасида жаҳон тилшунос олимлари ҳам кенг қамровли тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Хусусан, Залегдинова А. Р., Паршина О. Н., Скулимовская Д. А., Антонова Ю. А., Марина Р., Ҳелтукҳина З, Меркулова М. Г.[12] каби олимларнинг тадқиқотлари айнан шу масалага қаратилгандир.

Филалогия фанлари доктори Паршина Ольга Николаевна «...коммуникатив стратегия сиёсатдаги раҳбарларнинг нутқдаги энг муҳим харектерларидан бири эканини айтиб, биз стратегияни маълум бир вазиятда манфаатларга эришишнинг аниқ йўналиши сифатида тушунамиз деб таъкидлайди [11]. Д. А. Скулимовская диссертация ишидатилшунос Чернявскаяни қарашларини келтириб, «Стратегия» ва «Тактика» терминлари одатда ўзора боғлиқ, деб ҳисобланади, чунки аниқ «қадамлар»сиз (тактикаларсиз) стратегияни амалга ошириш имконсиздир. Коммуникатив стратегия — бу суҳбатдошнинг нутқий хатти-ҳаракатларини белгилайдиган коммуникатив макроинтенсия, коммуникатив тактика эса — мавжуд вазиятга мос равишда ўзига хос нутқ актини белгилайдиган ният» деб таърифлайди [12].

Рус тилшуносларидан Антонова Юлия Анатольевна» ...коммуникатив стратегияни маърузачи томонидан олдиндан режалаштирилган ва коммуникатив мақсадга эришиш учун мўлжалланган коммуникатив нутқий ҳаракатлар пайтида амалга оширилган ҳаракатлар» дея илмий изоҳлайди. Тилшуноснинг таъкидлашича, ҳозирча коммуникатив стратегияларнинг ягона таснифи йўқ, чунки тадқиқотчилар нутқ таъсирини таҳлил қилиш учун турли мезонларга асосланади [13].

Жаҳон тилшунослигида олиб борилаётган тадқиқотлардан кўриш мумкинки прагматиканинг алоҳида йўналиши сифатида коммуникатив лингвистика доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Хусусан, коммуникатив стратегия ва тактика муаммоларини ўрганиш прагматикани сиёсатшунослик, социология, психология каби фан тармоқлари билан янада мустаҳкам боғланишга олиб келади. Бу эса лингвопрагматика тадқиқи масаласида коммуникатив стратегия ва тактиканинг ўрганилишининг илмий-назарий аҳамиятини янада кўрсатиб беришга хизмат қилади.

ЛИТЕРАТУРА

1. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). — Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995. – 232 б.
2. Вахтель Н.М. Прагмалингвистика в таблицах и схемах. Учебное пособие. –Воронеж,2006
3. Матвеева Г.Г., ЛенецА.В., Петрова Е.И. Основы прагмалингвистики. — Москва: «Флинта-Наука», 2014. Семиотика (Ю.С.Степанов таҳрири остида). Москва: Радуга, 1983. –С.5, Клаус Г. Сила слова. — Москва, “Прогресс”, 1967. Бюлер К. Теория языка. Репрезентативная функция языка. — Москва, 1993. Петров В.В. Философия, семантика, прагматика. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – М., 1985.
4. Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап.// Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, 6-сон, 42-45 бетлар; Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филол.фанлари док.дисс...автореферат. — Тошкент, 2001., Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозияси. Филол.фан.ном.дсс.автореферат. Самарқанд, 1994. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши. Филол.фан.ном.дисс.автореферат. — Тошкент, 1994.
5. Ҳакимов М., ГазиеваМ., Прагмалингвистика асослари.– Фарғона, 2020. - 19
6. Ўша асар. – 26 б.
7. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси , 2008.
8. Ҳакимов М. Ўзбек пракмалингвистика асослари. — Тошкент: Академнашр, 2013.
9. https://uza.uz/uz/posts/atmosferadan-zaharlanib-vafot-etayotganlar-koronavirusdan-nobud-bolayotganlardan-ikki-barobar-kop_305147
10. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап. ЎТА. – Тошкент, 1986, 6-сон, 29-бет.
11. «Коммуникативные стратегии и тактики в дискурсивном пространстве ток-шоу (на материале русского и английского языков)» Автореферат диссертации на соискание ученой степеникандидата филологических наук. − Казань, 2013.
12. Паршина О. Н. «Стратегии и тактики речевого поведения современной политической элиты россии» филол.фан. док.дисс.автореферат. −Саратов. 2005.;
13. Скулимовская Д. А. Политическая лингвистика. −Иркутск, −Россия.2017
14. Антонова Ю. А. «Коммуникативные стратегии и тактики в современном газетном дискурсе(отклики на террористический акт)» // Автореферат диссертации на соискание ученой степеникандидата филологических наук

Прагмалингвистикада коммуникатив стратегия ва такти муаммосини ўрганишнинг илмий-назарий аҳамияти
Барлибоева С. ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Резюме. Мақолада прагмалингвистиканинг янги йўналишларидан бири бўлган коммуникатив лингвистиканинг муҳим жиҳатлари ёритилган. Хусусан, мақолада коммуникатив стратегия ва тактика муаммосини ўрганишнинг илмий-назарий аҳамияти дунё тилшунослари фикри, таҳлилий хулосалар асосида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Прагмалингвистика, коммуникатив стратегия, коммуникатив тактика, нутқий акт, нутқий вазият, семантика, инсон, олам.

Научно-теоретическое значение исследования коммуникативной стратегии и тактической проблемы в прагмалингвистике
Барлибоева С. Институт узбекского языка, литературы и фольклора АНРУз

Резюме. В статье рассматриваются важные аспекты коммуникативной лингвистики, которая является одним из новых направлений прагмалингвистики. В частности, в статье показана научно-теоретическая значимость исследования проблемы коммуникативной стратегии и тактики на основе взглядов мировых лингвистов, аналитических выводов.

Ключевые слова: прагмалингвистика, коммуникативная стратегия, коммуникативная тактика, речевой акт, речевая ситуация, семантика, человек, мироздание

Scientific and theoretical significance of the study of communication strategy and tactical problem in pragmalinguistics

Barliboeva S. Institute of the Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Summary. This article discusses important aspects of communicative linguistics, which is one of the new directions of pragmalinguistics.In particular, the article demonstrates the scientific and theoretical significance of the study of the problem of communicative strategy and tactics on the basis of the opinion of world linguists, analytical conclusions.

Key words: pragmalinguistics, communicative strategy, communicative tactics, speech act, speech situation, semantics, man, universe

---

ПРОБЛЕМА ПОНЯТИЯ «СЛОВО» КАК ЕДИНИЦЫ ЯЗЫКА В МИРОВОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Хван Л.Б., Кеулимжаева У.

Каракалпакский государственный университет

Проблема слова является одной из значительных проблем лингвистики. Интерес к этой проблеме проявился у многих ученых. Отдельно из них пытались дать значение понятия «слово». Наиболее интересными в этом аспекте являются работы В.фон Гумбольдта, А.А Потебни, В.В. Виноградова, В.М. Немченко, Н.М. Шанского , А.А Реформацкого и т.д.

Объектом внимания было определение «слово». Несмотря на многочисленные понятия «слово», наиболее интересным на наш взгляд определение «слово» дается в словаре С.И.Ожегова «слово – это единица языка, служащая для наименования понятий, предметов, лиц, действий, состояний, признаков, связей, отношений, оценок» [1]. Были предприняты попытки для определения понятия «слово», но нужно согласиться с Петерсоном, который считает, что «вообще удовлетворительного определения слова нет, да и едва ли можно его дать»[2]. Наряду с этим представлением, такую же мысль выражает и американский лингвист Э.Сепир, который подчеркивал о несмыслимости слова : «Первое наше пробуждение – определить слово как языковой символ соответствующий отдельному понятию. Но подобное определение несмыслимо».[3]

Объектом внимания была проблема функция слова. Под функцией понимается «цель и назначения воспроизведения в речи лексической единицы, ее актуализация». Слово имеет свои особенности как способствовать выполнению любым языком основной функции – служить средством общения людей, обеспечивать взаимопонимание между ними. Это подтверждается, в частности, тем, что степень владения языком определяется прежде всего объемом усвоенной лексики чужого языка.Собственная функция слов в языке – это функция называния , номинативная . Словами мы называем вещи, явления, существа. Слова прежде всего – это названия. Но так как слова состоят из морфем, а морфемы выражают понятия, то и слова в той или другой мере выражают понятия. Подчеркивая, что это различие в том, что «в морфеме данное понятие выражается в «чистом виде», абстрагируясь от многообразия вещей, отвечающих данному понятию; в слове же понятие конкретизируется, прикрепляясь к названию вещей и явлений»[4].

Конечно, номинация в слове не связана с прямым отношением: данное слово – данная вещь. Слово, называя, имеет перед собой не одну вещь, а класс вещей. Так, слово стол может служить названием любого отдельного стола, но оно предназначено в языке для называния любых столов, целого класса вещей. Даже собственные имена не ограничиваются единичным отношением: Иван, Мария и т.п. – это тысячи типизированных отношений, так как людей, носящих имена Иван и Мария, – тысячи, и имена Иван и Мария принадлежат не только данному Ивану или данной Марии, но всем, кто носит это имя. Многозначность понятия «слова» выражается в морфемах, в частности, в корне слова так, корень современного русского слова красный, краснота, краснеть и т. п. понятен, в нем, как таковом, есть смысл: [красн-] – это не [б'эл-], не [чорн-], не [жолт-] и т. п., но «смысл» корня – это только выражение понятия, никакого отношения к вещам и названию вещей корень с его«значением» не имеет. Когда же мы постигаем «смысл» слов красный, краснота, краснеть, краснить и т.п. , то к вещественному значению корня [красн-] прибавляются иные созначения, указывающие на качество (красный), на отвлеченную предметность (краснота), на пассивный процесс (краснеть) илиактивный процесс (краснить) и т. п.

Самое интересное здесь состоит в том, что, поступая в распоряжение грамматики, эти абстрактные корни-значения делаются конкретными значениями в связи с номинацией, делаются словами, необходимыми для речевого общения, и оформленными элементами высказывания. Проблема слова связана и с особенностями семантики, семасиологией слова. Эти термины, выражающие почти идентичные значения, являются основными разделами лексикологии.Под семантикой понимается «раздел языкознания, занимающийся значениями языковых единиц(слов и словосочетании), которые используются для названия отдельных предметов и явлений действительности» [2]. Она изучает смысловую сторону языковой единицы, сопоставляя её с другими единицами того же уровня. Также она показывает, как в единицах языка отображается внеязыковая действительность. Считается, что лингвистическая семантика, или семасиология, в качестве самостоятельного раздела науки о языке начала формироваться в 19 веке. Его основоположниками считают немецкого ученого

К.-Х. Рейзига (введение термина «семасиология») и французского языковеда М.Бреаля (введение термина «семантика»).

Одним из первых, не давая определение семантике, сделали подход древние греки Платон и Аристотель. Важно отметить, что интерес к изучению семантики слова всегда преобладал над изучением его формально-звуковой стороны. Свидетельством тому служат труды древнегреческих философов Платона и Аристотеля, где основное внимание уделялось семантической стороне слова – его отношению к обозначаемому предмету и к идее о нем: Платон считал, что имя (слово) – это «орудие обучения и распределения сущностей». Справедливости ради стоит отметить, что большую роль в становлении семантики, как отдельной отрасли языкознания, сыграли философские взгляды В.Ф.Гумбольдта и А.А.Потебни.

В. Ф. Гумбольдт интересен тем, что он связывал язык с духовной энергией народа. По мнению ученого, все предметы и явления в природе представлены множеством знаков и, постигая эти знаки, человек сближается с внешней природой и «самодеятельно развертывает свои внутренние ощущения в той мере, в какой его духовные силы дифференцируются, вступая между собой в разнообразные соотношения» [5]. Одним из первых подход к определению внутренней и внешней форме слова предпринял А.А.Потебня в работе «Мысль и язык»: «В слове мы различаем: внешнюю форму, т.е. членораздельный звук, содержание, объективируемое посредством звука, и внутреннюю форму, или ближайшее этимологическое значение слова, тот способ, каким выражается содержание»[6]. Здесь важно особо подчеркнуть тот факт, что содержание слова и внутренняя форма – понятия разнородные и их нельзя смешать.Под внутренней формой слова понимается осознаваемая говорящими на некотором языке мотивированность значения слова (или словосочетания) данного языка значением составляющих его морфем или исходным значением того же слова. То есть образ или идея, положенные в основу номинации и задающие определенный способ построения заключенного в данном слове концепта.Следуя вышеизложенным взглядам, можно прийти к следующему заключению: внутренняя форма даёт объяснение, почему данное содержание облечено в том или ином языке в соответствующее звучание.

Известно, что В.В.Виноградов, опираясь на вышеназванные работы В.Ф.Гумбольдта и А.А.Потебни, объектом своего изучения также сделал природу слова. Говоря о слове он выделяет сложность понятия «слова»: «лингвисты избегают давать определение слова или исчерпывающее описание его структуры, охотно ограничивая задачу указанием лишь некоторых внешних(преимущественно фонетических) или внутренних (грамматических или лекционно -сематических) признаков слова» [7]. Прав Н.М.Шанский, который считает, что «несмотря на несомненную реальность слова как определенного языкового явления, несмотря на яркие признаки, ему присуще, оно очень трудно поддается определению. Это объясняется многообразием слов со структурно – грамматической и сематической точек зрения» [8]. Еще решительнее высказывался против слова Ш.Балли: « Понятие слова считается ясным; на деле же это одно из наиболее двусмысленных понятий, которые встречаются в языкознании» и далее даже «Необходимо освободиться от неопределенного понятия слова»[9]

Таким образом сущность понятия «слово» при определении важно исходить из учета его места в структуре языка, его отличия от вышестоящих единиц (предложения) и от нижележащих (морфема), его самостоятельность, его специфические функции и его знаковый характер. Характеризуя его специфические функции обусловленные грамматическими, морфологическими, синтаксическими особенностями. А также мы должны понимать, что при образовании языка понятие служит впечатлением, которое объект производит на человека, а слово представляет собой звук или набор звуков, вырывающийся из груди под действием этого впечатления.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Ожегов С.И. Словарь русского языка. −Москва, 1949.
2. Петерсон М. Н. Вопросы языкознания. Издательство АН СССР».-М;1961. С
3. Сепир Э. Язык. Русский пер. −М; - Л; 1934.с26
4. Маклакова Е.А, Стернин И.А. Теоретические проблемы семной семасиологии. −Воронеж.,2013, с.49
5. В.фон Гумбольдт. Избранные труды по языкознанию. −М; «Прогресс», 1984,с80
7. Потебня А.А. Мысль и язык.//Потебня А.А. Поэзия. Проза. Сгущение мысли. −М; «Правда»,1989,с.213
8. Виноградов В.В «Русский язык».- М;1977.с25
9.ШанскийН.М«Современный русский язык.Часть2.–М;1987»
10.БаллиШ.«Общая лингвистика и вопросы французского языка. Русскийпер. −М;1955.Стр315

Jahon tilshunosligida til birligi sifatida «so`z» tushunchasi muammosi
Xvang. L.B., Keulimzhaeva U. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Maqolada "so'z" tushunchasi bilan bog'liq muammo bo'yicha olimlarning nuqtai nazari ko'rib chiqiladi, so'zning semantikasining funktsiyasi, xususiyatlari, semasiologiyasi tavsiflanadi.

**Tayanch so`zlar:** so`z, vazifa, semantika, semasiologiya, morfema, tovush, fonema

Проблема понятия «слово» как единицы языка в мировой лингвистике
Хван Л.Б., Кеулимжаева У. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматриваются точки зрения ученых на проблему, связанную с понятием «слово», характеризуется функция, особенности семантики, семасиологии слова.

Ключевые слова: слово, функция, семантика, семасиология, морфема, звук, фонема.

The problem of the concept of «word» as a unit of the language in world linguistics
Khvan L.B., Keulimjaeva U.Karakalpak State University

Summary. The article discusses the points of view of scientists on the problem associated with the concept of «word», characterizes the function of the word, features of the semantics and semasiology of word.

Key words: word, function, semantics, semasiology, morpheme, sound, phoneme.

ISTIQLOL DAVRIDA JALOLIDDIN MANGUBERDI OBRAZINING BADIYIY ADABIYOTDAGI O'RGANILISHI

Kenjayev F. I.
Nukus Davlat Pedagogika Instituti

Adabiyot, san'at til tanlamaydi deyishadi, tarixda adabiyotga va san'atga uning nomi va shoni xizmat qila oladigan tarixiy shaxslar borki yozgan sari, izlanishlar olib brogan sari haqiqat ham ochilib boraveradi.Xorazmdiyoriqadimo'tmishdano'ziningolim-uulamolari, janglarda dong taratgan qahramonlari ila dunyoga dong'I ketgan o'lka hisobladi. Mana shunday ulug' ulamolar ta'limini olgan bahodir Sulton JaloliddinManguberdihayotiuningo'zdavrivakelajakuchunqoldirganqahramonliklari, shuningdek kelajak avlodga, adabiyotga butun umr xizmat qila oladigan xalq farzandi sifatidagi badiiy ko'rinishlari zamonlar oshgan sari oshdiki kamaymadi. Xo'sh bunday ulkan bir kuch-qudratga ega bo'lgan shaxzodaning hayoti borasidagi afsonalar, rivoyatlar qay darajada asosli va haqiqatga yaqin. Tarixchilar o'z davriday ozgan salnomalarga ko'ra Jaloliddin Manguberdi hayoti va shaxsiyati borasida tortishuvlar mavjudki, bu adabiyotdagi obrazida ham o'z aksini topgan, albatta. Masalan, Jaloliddin Manguberdi bilan deyarli bir davrda yashagan, tarixchi Shihobiddin Muhammadan-Nasaviyning, Siyratas-sulton Jalolad-Din Mengburni» asarida Sulton jaloliddin bunday tasvirlanadi: „Bug'doy mag'izranglik, o'rtabo'ylik, turkey qiyofalik va turkiyda gapiradigan odam edi, shu bilan birga forsiyda ham so'zlasha olardi.

U sherlar orasida eng zo'r sher edi, qo'rqmas chavandoz, lashkarlar orasida eng botir edi. U yuvosh, muloyim odam edi, jahldor emasdi, haqoratomuz so'zlarni aytmasdi. U nihoyatda jiddiy edi, kulmasdi, faqat jilmayib qo'yardi, kam gapirardi. U haqgo'ylikni, adolatni ulug'lardi, ammo u yashagan davrdagi g'alayonlar, alg'ov-dalg'ovlar fe'l-atvorini o'zgartirdi. U qo'l ostidagi odamlarning og'ir hayotini yengillashtirishni xohlardi, ammo u yashagan davr qonunlari uni zulm qilishga majbur etardi «. Manguberdiga berilgan bu ta'rif ko'plab asarlarga manbaa bo'lib xizmat qiladi.

Masalan, turk yozuvchisi Yavuz Bahodiro'g'lining Xorazm romanidagi „ Alvido, xorazm! « deb nomlanuvchi ikkinchi qismida Manguberdining sarkardalik mahorati, oilasiga mehribonligi, xalqini chindan sevishi tasvirlangan. Bundan tashqari asarda Jaloliddinning saljuqiylar sultoni Alovuddin Kaykubodga yozgan alamli maktubi orqali Jaloliddin Manguberdi obrazini badiiy bo'yoqlarsiz, tarixiy faktlardan manbaa olgan xolda ko'rsata bilgan. „ Biz Ollohdan boshqa kimsadan qo'rqmaymizki, xufyona ishlar qilaylik, biz qaroqchi emasmizki, qishloqlarni bosib, yag'molasak. Biz sulton o'g'li sultonmiz. Yolg'onchilikdek pastkashlikka tushmaymiz, qilgan ishimizga javob beramiz, ammo hech kimsa qilmagan ishimizni qildi deb bizni aybdor qilolmaydi». Bu maktub asarda aslida, Jaloliddin Manguberdi nomining tarixiy qoralanishiga badiiy bir javob edi.Eng qizig'i barcha asarlarda ham Jaloliddin Manguberdi nomi bilan bog'liq asarlar Manguberdi obrazini ochib berolgan deb aytish noto'g'ri tahlildir.

Masalan, istiqlol davrida yozuvchimiz Shahodat Isaxonova tomonidan yozilgan „ Sulton Jaloliddin Manguberdi, yoxud Chingizxon tuzog'iga tushgan malika « deb nomlangan romanda bu kamchilikni ko'rish mumkin, to'g'ri badiiy asar faqat bir inson obrazini ulug'lamasligi kerak lekin ulug' nomiga yarasha asarning shoni ham bo'lishi kerak. Shu o'rinda aytib o'tish kerakki 13-16- asrlar oralig'ida Sharqda yashagan birorta tarixchi yo'qki xorazmshohlar tarixini, xususan, Jaloliddin Mangubedri hayoti, faoliyatini qalamga olmagan yoki ular taqdiridan misollar keltirmagan bo'lsin.[9]Lekin, badiiyat o'z javobini bergani kabi tarix ham o'z davrida va o'rnida achchiq bo'lsada salnomlarini bitgan. Ya'niki Shihobiddin an-Nasaviyning „ Siyrat as-sulton Jalol ad-Din Mengburni « (Bu asarning ikki xil bosma variant bo'lib, bugungi kungacha yetib kelgan ulardan biri Parij Milliy kutubxonasida, yana biri Britanya muzeyda saqlanadi) asarining tarjimasi hisoblangan, Ziyo Bunyodov qalamiga mansub „ Anushtagin Xorazmshohlar davlati «nomli Xorazmning 1097-1231- yillardagi davrini o'z ichiga oluvchi asarida Jaloliddin Manguberdi shaxsiga (obraziga) turli xil ta'rif berilganki, o'quvchini badiiy va tarixiy asarlarni o'rganishga majbur qiladi.

Masalan, asarda ko'rishingiz mumkunki unda tarixchi Ibn al-Asir o'zining ulkan salnomasida Yaqin Sharq mamlakat va o'lkalari mo'g'il istilosiga duchor bo'lishini g'amgin tavsiflash bilan yakunlaydi. Ibn al-Asir 50 yildan keyin mo'g'illarning yangi istilo qilishi haqidagi bashoratini undan keyin o'tgan tarixchi Ibn Vosil o'z boshidan kechirdi, u 1258- yili mo'g'illar Bog'dodni istilo qilib, uni g'orat va vayron qilganliklarini o'z ko'zi bilan ko'rgan.

U bunday yozgan: „ Shubhasiz, Alloh Jaloliddinni gunohlari uchun jazoladi, unga muhlat ham bermadi, balki ildizi bilan sug'urib oldi. Baribir, uning halokati musulmonlarning mo'g'ullar tomonidan istilo qilinishiga sabab bo'ldi. Axir, uning otasi Aloiddin Muhammadning o'limidan keyin, mo'g'ullar mamlakatlarni vayron qilib aholisini qirganlaridan so'ng, Jaloliddin Hindistonga qochdi, keyin orqaga qaytdi. Uning ishi mustahkamlanib, qudrati o'sayotgan edi, u Kirmon, Iroqi Ajam, Ozarbayjon va Arroni zabt etdi va u bilan birga katta lashkar bor edi. Agar u insofli bo'lib yashaganida, odil bo'lganida va shunchalik qon to'kmaganida edi, u mo'g'ullar bilan jang qilgan bo'lar edi, chunki u biz bilan mo'g'ullar o'rtasidagi to'g'on edi. Biroq, u buzuq hayot kechirdi, gunoh qildi, adolatsizlik qildi, qo'shnilariga dushmanlik qildi, o'zini hoinlarcha tutdi va noroziliklarni keltirib chiqardi. Bu uning halokatiga va

lashkarining halokatiga olib keldi. Bundan keyin esa mo‘g‘ullarning istilosi va ularning islom mamlakatlari ustidan g‘alabasi keldi. Agar Alloh biror narsani xohlasa, u uning sabablarini ham tayyorlaydi «.

Ibn al-Asir ham xuddi shu ruhda bayon qiladi: « Jaloliddin badxulq odam edi va mamlakatini yomon boshqarardi. U dushmanlik munosabatida bo‘lmagan, mulkiga qasd qilmagan va unga yoqimsiz bo‘lmagan biror qo‘shnisi yo‘q edi. Shuning uchun ularning hammasi uni tashlab ketdilar va unga yordam qo‘lini cho‘zmadilar.» Ammo, Jaloliddin Mankburniyning shaxsiy munshiysi Shahobiddin an-Nasaviy o‘zining xojasini butunlay boshqacha ta’riflaydi: « U qorachadan kelgan, o‘rta bo‘yli, tili bo‘yicha turk, lekin forscha ham so‘ylar edi. Uning jasoratiga kelganda, u sherlarning sheri edi va otliq yigitlar ichida eng dovyuragi edi. U yumshoq edi, jahli chiqmas edi va so‘kinmasdi ham. U jiddiy edi, hech qachon kulmas edi, faqat jilmayardi va kamgap edi. U adolatni sevardi, biroq, u duch kelgan suronli yillar uning ustidan g‘alaba qildi va uning fe’lini o‘zgartirdi. U fuqarolarning hayotini osonlashtirishni yoqtirardi, lekin tanazzul paytida boshqargani uchun jabr qilishga ham bordi. Jaloliddin og‘ir holatlarda matonatli edi va mashaqqatli sinovlarda sovuqqon edi.

Xorazmshoh Jaloliddin o‘ldirilganidan so‘ng, u o‘ldirilmagan, o‘ldirilgan kishi uning silohdoridir, degan ovozalar tarqaldi. Jumldan, Ibn al-Ibriy bunday xabar qiladi: «Ayrim kishilar, o‘ldirilgan Jaloliddin emas, uning silohdori edi, Jaloliddin o‘sha kuni qurolsiz bo‘lgan va sulton libosini kiymagan, deydilar. U so‘filar kiyimida edi va o‘lkalar bo‘ylab darbadarlikda yurardi. Odamlar yana, xorazmshohni falon mamlakatda va falon shaharda ko‘rganlarini va 652-yil (milodiy 1254-yil) bir guruh savdogarlar Jayhundan o‘tganlarini va soqchilar o‘sha yerda savdogarlar bilan ketayotgan bir noma’lum kambag‘alni tutganliklari haqida ham gapira boshladilar. Soqchilar uning kimligini aniqlay boshlaganlarida u Jaloliddin xorazmshoh ekanligi ma’lum bo‘lgan. Ular uni tutib, ura boshladilar va so‘roq qildilar.Biroq, u aytgan so‘zlaridan qaytmagan va qiynoq ostida o‘lgan. Lekin, u xorazmshoh emas edi, bunga aql bovar qilmaydi, shubhasiz u aqldan ozgan edi». [2] Mana shunday bir-biriga zid bo‘lgan tarixiy ma’lumotlar adiblarni ta’sirlantirmay qolmaydiki ular bir shaxs, bir voqea asosidagi bir-biriga zid va yaqin asarlar yozadi.

IstiqloldavridaJaloliddinManguberdihaqidayozilganasarlardahamshuikkixilqarashsezilibturadi. Shuning uchun ham chet-el adiblari tomonidan yozilayotgan va o‘zbek o‘quvchilariga taqdim qilanayotgan romanlar ilmiy tahlil va izlanishlarga muhtojdir. Aynan chet-el yozuvchilari eng qizg‘i Sulton Jaloliddin Manguberdi hayoti haqida o‘zbek adiblariga nisbatan ko‘proq qalam tebratgan.

Xulosa qilib aytganda Manguberdi obrazini shakilantirishda adiblarimizdan manbaa borasidagi bilimlarini yanada oshirish va qunt bilan izlangan ilmiy salohiyatni adabiy muhit taqazo qilmoqda. To‘g‘ri, adabiyot tarix emas, lekin, tarixsiz adabiyot ildizidan ham ayriladi.

ADABIYOTLAR

1. Isaxonova SH. Sulton Jaloliddin Manguberdi, yoxud Chingizxon tuzog‘iga tushgan malika. –Toshkent, «Sano-standart» 2018.
2. Bunyodov Z. Anushtagin Xorazmshohlar davlati. −Toshkent,1998.
3. Shihobiddin Muhammad an-Nasaviyning Siyrat as-sulton Jalol ad-Din Mengburni. −Toshkent, «O‘zbekiston» 2009.
4. Yavuz Bohodiro‘g‘li Xorazm. −Toshkent, «O‘zbekiston», 2009.

Istiqlol davrida Jaloliddin Manguberdi obrazining badiyiy adabiyotdagi o’rganilishi
Kenjayev F. I. Nukus Davlat Pedagogika Instituti

Annototsiya: Maqolada ozarbayjon yozuvchisi Ziyo Bunyodovning «Anushtagin xorazmshohlar davlti» romanidagi va turk yozuvchisi Yavuz Bahodiro‘g‘lining «Xorazm» romanidagi Jaloliddin Manguberdi obrazining ifodalanishi qiyosiy o‘rganiladi.

Kalit so‘z: Obraz, shaxs,asarning shoni,ilmiy tahlil, badiiy javob.

Изображение образа Джалолиддина Мангуберди в художественной литературе в годы Независимости
Кенжаев Ф.И. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье дана сравнительная характеристика образа Жалолиддин Мангуберди изображенного в исторических романах азербайжанско и турецкого писателя Явуза Баходуроглу «Хорезм».

Ключевые слова: образ, личность, слава произведения, научный анализ, художественный ответ

TADBIRKORLIK FAOLIYATI OBYEKTLARI, FIRMA, KORXONALAR, ISTE’MOL TOVARLARI UCHUN NOM HOSIL QILISH USULLARI

Lutfullayeva D.
O‘zFA O‘TAFI

Tadbirkorlik faoliyati obyektlari, firma, korxonalar, iste’mol tovarlari uchun nom hosil qilishda muayyan tamoyillar va nomlash usullari qo‘llaniladi. Nomlar atash vazifasini bajaruvchi birliklar hisoblansa-da, fonetik, orfoepik, leksik, grammatik, so‘z yasalishi kabi muayyan meyorlarga, nomalsh tamoyillariga bo‘ysunadi. Sh.Ergashxojayeva iste’mol tovarlari uchun yangi nom hosil qilishda quyidagi tamoyillarga amal qilish zarurligini qayd etadi: izlanishning ijodiy usullaridan foydalanish; biron-bir ma’lum nomni yangi nomga nisbatan huquqiy e’tirozlar qolmaguncha transformatsiya qilish (o‘zgartirish); yangi nomni raqobatchi tovar nomining aksi sifatida shakllantirish; biron-bir mashhur nomdan uni yangi tovar nomiga qo‘shib qo‘yish uchun foydalanish[1,14].

Nom hosil qilishga, so‘z yasash me’yoriga rioya qilish nihoyatda muhim ahamiyatga ega. Yangi nom hosil qilinar ekan, so‘z yasashning shu tilga xos me’yorlariga mos kelishi maqsadga muvofiq. Ularga amal qilish yaratilgan nomlarning kommunikativ natijaviyligi va samaradorligini ta’minlashga xizmat qiladi. Nom yaratishda, avvalo, har bir tilning o‘z ichki imkoniyatlaridan foydalanish maqsadga muvofiq. O‘zbek tilida so‘z yasashning barcha usullari asosida nom yaratish imkoniyati mavjud. Nom yaratishda tilimizning bu imkoniyatlaridan to‘liq foydalanish lozim. Amaliyotda qo‘llanib kelinayotgan ba’zi nomlarda so‘z yasash me’yorining buzilishi ham uchrab turadi. Masalan, **Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Beruniy tumanida soya** yog‘i ishlab chiqarish faoliyati bilan shug‘ullanuvchi aksiyadorlik jamiyatiga «YOG‘GAR» nomi berilgan bo‘lib, bu nom *yog‘* so‘ziga *-gar* qo‘shimchasini qo‘shish bilan hosil qilingan. Bizningcha, bu nom qo‘llanishda notabiiylikni keltirib chiqargan.

Akademik A.Hojiyev o‘z vaqtida *-gar* qo‘shimchasiga quyidagicha tavsif bergan edi: «*-kor* affiksi. Bu qo‘shimcha aslida fors-tojik tilidan o‘zlashgan so‘zlar tarkibida bo‘lgan. Boshqacha aytganda, dastlab tojik tilidan shu element bilan yasalgan so‘zlar o‘zlashgan. Bunday o‘zlashma so‘zlar tarkibida «kor»ning *«kar», «gar», «gor»* variantlari ham bo‘lgan: *miskor, zargar, duradgor* va b. Biroq hozirgi o‘zbek adabiy tilida faqatgina *-kor* so‘z yasovchi qo‘shimcha hisoblanadi. Uning variantlaridan birontasi yangi so‘z yasash uchun qo‘llanmaydi. Mas., -gar, -gor* qo‘shimchalari *da’vogar, sehrgar, jodugar, talabgor* kabi o‘zlashma so‘zlar tarkibidagina uchraydi, o‘zbek tilining o‘zida yangi so‘z yasamaydi. Tojik tilidagi *-gar, -gor* qo‘shimchasi bilan hosil qilingan ba’zi yasama so‘zlar o‘zbek tilida umuman qo‘llanmaydi. Mas., *choragar, istilogar, shishagar, malomatgar* va b. Hatto, tojik tilidagi *-gar, -gor* qo‘shimchalari bor bo‘lgan ayrim so‘zlar o‘zbek tilida *-kor* qo‘shimchasi bilan qo‘llanadi. Mas., tojik tilidagi *hiylagar, fusungar, xizmatgor, madadgor* so‘zlari o‘zbek tilida *hiylakor, fusunkor, xizmatkor, madadkor* tarzida qo‘llanadi. Shu faktlarning o‘ziyoq ko‘rsatadiki, tojik tilidagi *-gar, -gor, -kar, -kor* qo‘shimchalaridan faqat bittasi (bir varianti), ya’ni *-kor* qo‘shimchasi hozirgi o‘zbek tilida yangi so‘z yasash uchun xizmat qiladi.» [268-69] Izohdan ma’lum bo‘ladiki, tojik tiliga xos *-gar* affiksi o‘zbek tilida yangi so‘z yasamaydi.

Anglashiladiki, tadbirkorlik faoliyati obyektlari, iste’mol tovarlariga nom hosil qilishning o‘ziga xos tamoyillari va meyorlari mavjud. Bu kabi nomlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, respublikamizda tadbirkor-nominatorlar mahsulotiga nom berishda, asosan, quyidagi nomlash usullaridan foydalanishgan:

I. Nom uchun o‘z til (yoki o‘zga til) zaxirasidan leksik birlik tanlab olish.**II.** Nomni o‘zbek tili ichki imkoniyatlari asosida turli usullarda yasash.

Ushbu maqolada bu turdagi nomlarning o‘zbek tili ichki imkoniyatlari asosida yasalishi xususida fikr yuritamiz.

Yurtimizda tadbirkor-nominatorlar tomonidan tijorat obyektlari, iste’mol tovarlariga tilimizning ichki imkoniyatlari asosida quyidagi usullarda yangi nomlar hosil qilinganligi aniqlandi:

1. Leksik-semantik usul. Tadbirkorlik faoliyati obyektlari, iste’mol tovarlarini bu usulda nomlashda so‘zning ko‘chma ma’nosiga asoslanganligi kuzatildi. Masalan, poytaxtimizning Yunusobod tumani 19 dahasida ishlab chiqarilayotgan ko‘k choyga berilgan «TOZA» nomi so‘zning ko‘chma ma’nosi («aralshmalardan xoli, sof, asil» [3, 133])asosida hosil qilingan. Toshkent shahri, Uchtepa tumanida ishlab chiqarilayotgan bolalar yogurti, qatiq, ayron mahsulotiga berilgan «MUSAFFO» nomida ham *musaffo* so‘zining ko‘chma ma’nosi («toza, asl») inobatga olingan.

2. Affiksatsiya usuli. Tadbirkorlik faoliyati obyektlari, iste’mol tovarlariga affiksatsiya usulida yangi nom hosil qilinishi ko ‘p kuzatilmadi. Bu usulda quyidagi nomlar hosil qilinganligi aniqlandi: «CHILLACHI» (konditsioner mahsuloti), «MARVARIDZOR» (firma, Toshkent shahri), «QANOTCHI» (restoran, Toshkent shahri), «YOG‘GAR» (korxona, Qoraqalpog‘iston).

2. Kompozisiya usuli. Tadbirkorlik faoliyati obyektlari, iste’mol tovarlariga kompozitsiya usulida quyidagi nomlar hosil qilinganligi aniqlandi:a)so‘zlarni qo‘shish orqali yangi nom hosil qilish:»O‘ZBEKNAVO» (estrada birlashmasi), «DILSHODQAHRAMON» (dehqon bozori, Urgut shahri), «HYDROLIFE» (gazli suv, Toshkent viloyati, Bo‘stonliq tumani);b)so‘zlarni yonma-yon qo‘llash orqali yangi nom hosil qilish: «ZIYO NUR FARM» (xususiy korxona, Toshkent shahri), «NUR KITOB» (savdo do‘koni, Samarqand viloyati); «TURKISTON MEVA» (O‘zbekiston-Rossiya qo‘shma korxonasi, Samarqand viloyati, Pasdarg‘om tumani); c)so‘zlarni juftlash orqali yangi nom hosil qilish: «ISHONCH-IMON», «MEROS-FILM» (mas’uliyati cheklangan jamiyatlar, Toshkent shahri), «SAMARQAND-PARRANDA» (O‘zbekiston-Chexiya-BAA qo‘shma korxonasi, Samarqand shahri); d) so‘zlarni yonma-yon qo‘llash va juftlash orqali yangi nom hosil qilish: «QARSHI YOG‘-EKSTRAKSIYA» (korxona, Qarshi shahri), «GULISTON EKSTRAKT-YOG‘« (aksiyadorlik jamiyati, Guliston shahri).

3. Abbrevatsiya usuli. Tadbirkorlik faoliyati obyektlari nomining bu usulda hosil qilinishida quyidagi holatlar aniqlandi: 1) birikmaning birinchi tovushi bilan nom hosil qilish; 2) qisqartmalar ishtirokida nomlar hosil qilish; 3) so‘zlarni yonma-yon qo‘llash orqali «shartli qisqartmalar» hosil qilish. Qisqartma nomlar ko‘p hollarda davlat muassasalari nomida kuzatiladi.

Birikmaning birinchi tovushi bilan nom hosil qilinishi quyidagi nomlarda kuzatiladi: AOKA (Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi), «BMG» («Business management group», buxgalteriya-konstalting xizmati, Toshkent shahri).Yurtimizda qisqartmalar ishtirokida nomlar hosil qilishning quyidagi turlari uchraydi:
qisqartma + qisqartma: «ChayKof« (restoran, Toshkent shahri);qisqartma + qisqartma + qisqartma: «UZTELECOM» (aksionerlik kompaniyasi), «TOSHKOCHAVTO» (mas’uliyati cheklangan jamiyat);qisqartma + qisqartma + so‘z+ qisqartma: «MELIOMASHLIZINGSER» (mas’uliyati cheklangan jamiyat); qisqartma +

qisqartma + qisqartma + so‘z: «TIBTEXTA’MIRSHIFO» (davlat unitar korxonasi); qisqartma+ qisqartma+ qisqartma + qisqartma+so‘z: «TOSHSHAHDAVEKOEKSPERTIZASI» (davlat tashkiloti);qisqartma+ qisqartma + so‘z +so‘z: «TOSHVILYERLOYIHA» (davlat korxonasi bo‘linmasi);qisqartma + so‘z: «TRANSTURKISTON» (transport-ekspedisiya kompaniyasi), «UZONLINE»(internet provayderlik xizmati); qisqartma + so‘z + so‘z: «O‘ZGAZINJINIRING» (mas’uliyati cheklangan jamiyat); «O‘zpaxtayog‘« (aksiyadorlik jamiyati); qisqartma + so‘z + so‘z + so‘z: «TOSHSANOAT MAXSUS QURILISH»; qisqartma+so‘z+so‘z+so‘z+so‘z: «O‘ZDAVLATTA’LIMLOYIHAQURILISH» (davlat tashkiloti) va hokazo.

So‘zlarni yonma-yon qo‘llash orqali «shartli qisqartmalar» hosil qilinishi quyidagi nomlar misolida kuzatiladi: «FARG‘ONAYOG‘MOY» (aksiyadorlik jamiyati, Farg‘ona shahri), «TOSHKENTLIFTXIZMAT» (davlat unitar korxonasi, Toshkent shahri), «O‘ZBEKQOG‘OZTA’MINOT» (mas’uliyati cheklangan jamiyat), «TOSHKENTGAZSUVQURILISHMONTAJ» (davlat korxonasi bo‘linmasi, Toshkent shahri).

4. **Leksik-sintaktik usul**. Bu usulda tadbirkorlik faoliyati obyektlari, iste’mol tovarlari uchun, asosan, so‘z birikmasi shaklidagi nomlar hosil qilinganligi aniqlandi. Masalan: «BERUNIY KOSHONASI» (kafe, Toshkent shahri), «Toza 95» (ko‘k choy, Toshkent shahri), »BESH QOZON» (kafe, Toshkent shahri), »BIR GUMBAZ» (choyxona, Toshkent shahri), «BIZNING TAOM» (kafe, Toshkent shahri), »O‘ZBEGIM TAOMLARI» (restoran, Toshkent shahri). Bunday nomlarning xorij so‘zlari ishtirokida hosil qilinishi ham kuzatiladi. Masalan: «MARHABO PALACE» (mehmonxona, Toshkent shahri), »UZBEKCHA GAMBURGER« (kafe, Toshkent shahri).

Anglashiladiki, yurtimizda tadbirkorlik faoliyati obyektlari, iste’mol tovarlari nomlari leksik-semantik, affiksatsiya usuli; kompozisiya, abbrevatsiya, leksik-sintaktik usullarda hosil qilinganligi kuzatiladi. Nomlar qanday usulda hosil qilinmasin, nomlash jarayoni bir necha bosqichlarda amalga oshiriladi. Manbalarda nomlash jarayoni bosqichlari quyidagicha ajratilgan:

1. Mavjud nomlar va ularni yaratishning konsepsiyalari tahlil qilinadi. Bu holat, birinchidan, bozorda mavjud bo‘lgan nomning takrorlanishining oldini olsa, ikkinchidan, raqobotchilar tomonidan yo‘l qo‘yilgan xatolarni inobatga olish imkonini beradi, uchinchidan, neymerlarga original nomlar yaratishga turtki beradi. 2. Brend qiymatining shakllanishida nomning vazifasini aniqlash. Yaxshi nom «tovar yoki xizmat sifati bo‘yicha unda aks etgan hamda tajribaga asoslangan xush taassurotni kuchaytiradi va shu asosda iste’molchining aynan shu mahsulot yoki xizmat turiga ega bo‘lishini ta’minlaydi». 3. Nom muvofiq bo‘lgan filtr va mezonlarni belgilash. 4. Semantik va leksik maydonlarni hosil qilish. Masalan, sharob nomlarini yaratishda ko‘pincha «sharob oliyjanob odamlar uchun oliyjanob ichimlik» turg‘unlashgan stereotipiga asoslangan holda «oliyjanoblik va aristokratlik» semantik maydonidan foydalaniladi va tarixiy-romantik mavzudagi nomlar yaratiladi...5. Yangi tovarning muayyan iste’molchilari aniqlangandan keyin nomlarning variantlari va konsepsiyalarni saralash amalga oshiriladi...6. Nomni tahlil qilish va filtrlash. 7. Testdan o‘tkazish. 8. Patent olishga mosligini aniqlash [4, 261].

Albatta, tadbirkorlik obyektlari, iste’mol tovarlariga nom tanlash, yangi nom hosil qilish bir zumda amalga oshiriladigan ish emas. Nom hosil qilishda yuqorida ko‘rsatilgan usullarni inobatga olish, nomning shu kabi boshqa obyekt nomlari bilan bir xil bo‘lib qolmaganligiga amin bo‘lish, buning uchun kuzatuvlar, nom ustida tahlillar, sinovlar o‘tkazish maqsadga muvofiq. Kuzatuvlar, tahlillar yaratilgan nomning boshqa nomlardan farqli jihatiga oydinlik kiritishga imkon beradi, nomning kelajakda samara bera olishiga ishonch tug‘diradi. Nomning boshqa nomlar bilan solishtirilishi, qiyoslanishi uning obyektni qay tarzda nomlashi, mohiyatini namoyish qila olish-olmasligini aniqlashga yordam beradi. Nomni tahlillardan o‘tkazish orqali uning milliy qadriyatlarimizga, xalqimiz madaniyatiga mosligi belgilanadi. Va nihoyat, ishlab chiqarish mahsulotining dunyo bozoriga chiqishiga nomning monelik qilmasligiga ishonch hosil qilinadi.

Umuman, nom yaratish mas’uliyatli vazifadir. Nom yaratishda muayyan tilning so‘z yasash me’yorlariga amal qilish barobarida xalq madaniyati, dunyoqarashi, mentaliteti, psixologiyasi kabilarni ham inobatga olish lozim bo‘ladi. Shundagina yaratilgan nom mahsulot va iste’molchi yoki ishlab chiqarish obyekti va iste’molchi o‘rtasida manfaatli kommunikativ aloqa vazifasini bajarishga xizmat qiladi, mahsulotning keng tarqalishiga, bozor raqobatida kuchli pozitsiyani egallashiga yordam beradi.

ADABIYOTLAR

1. Эргашходжаева Ш. Инновацион маркетинг. Ўқув қўлланма. – Тошкент:, ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014. – Б. 44. (177 б.)
2. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: «O’qituvchi» Нашриёт-матбаа ижодий уйи.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.IV жилд. – Тошкент:,Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2008.
4. Вегенер Ю.С. Нейминг в системе формирования и продвижения бренда // Омский научный вестник. №1 (105). 2012.

Tadbirkorlik faoliyati obyektlari, firma, korxonalar, iste’mol tovarlari uchun nom hosil qilish usullari

Lutfullayeva D. O‘zFA O‘TAFI

Rezyume. Maqoladatadbirkorlik obyektlari, iste’mol tovarlariga nom tanlash, yangi nom hosil qilishmasalalaritahlilqilingan. Shuningdekmaqoladayaratilgan nomning boshqa nomlardan farqli jihatiga oydinlik kiritishga imkon beradi, nomning kelajakda samara berishiisbotlangan.

Tayanch so’zlar:tadbirkorlik obyektlari,nom tanlash, yangi nom hosil qilish.

Способы создания названия для объектов бизнеса, фирм, предприятий, товаров народного потребления

Лутфуллаева Д. УзФА ОТАФИ

Резюме. В статье анализируются проблемы субъектов хозяйствования, выбора наименования товаров народного потребления, создания новых наименований. Это также позволяет нам уточнить разницу между именнами, предложенными в статье, и другими именами; что имя показывает свою эффективность в будущем.

Ключевые слова: бизнес-объекты, выбор имени, создание нового имени

Methods for creating names for business objects, firms, enterprises, consumer goods
Lutfullaeva D.UzFA OTAFI

Summary. The article analyzes the problems of business entities, the choice of the name of consumer goods, the creation of new names. This also allows us to clarify the difference between the name created in the article and other names; this name has proven to be effective in the future.

Key words: business objects, name selection, new name creation

---

КУЛГИЛИЛИК (ҲАЖВИЙЛИК) ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ШАРҚ ВА ҒАРБ МЕТОДОЛОГИЯСИДА ЎРГАНИЛИШИ

Эшонқулов Л. Н.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали

Эстетик ҳиссиётнинг турли шакллари ва ифодалашни даражаларини акс эттирувчи категориялар – «гўзаллик», «олийжаноблик», «тубанлик», «ярамаслик», «фожиавийлик», «кулгулилик», субъект – объект категориялари қаторига тегишлидир. Чунки бир томондан, уларнинг вакили фақат одам бўлиши мумкин, улар инсонийлик ривожининг меъёрини ифодалайди, бошқа қандайдир предметли вазиятлар ҳодисалар томонидан яратилгандир. Шуни таъкидшлаш жоизки, кейинги йилларда эстетика фани нафосатшуносликни инсон моҳияти, унинг ўзлигини англаш йўналиши масалалари билан боғлиқ тарзда эмас, балки кўпроқ «гўзаллик», «улуғворлик», «фожиавийлик», «кулгулилик», «эстетик», «эстетик фаолият», «санъат» каби мезоний тушунчаларнинг мазмунини ёритиш, уларни таҳлил ва тавсиф қилиш билан шуғулланадиган ўқув предмети бўлиб қолмоқда[1, 43]. Мумтозчилик (классисизм) эстетикаси комедияга «бебош омма»ва жозибадор малай сифатида муносабат билдиради.

Маърифатпарварлик эстетикаси эса кулгилиликни эстетик идеалларга қарама-қарши йўллар орқали очиб беришга, кулгилилик кундалик икир-чикирлар эмас, балки олий даражадаги туйғу сифатида эътироф этилади. Лессининг фикрига кўра, кулги касалликни даволамайди, лекин у соғлом организмни янада мустаҳкамлайди.Классик санъатда иккита муқобил эстетик категориялларривожланган. Улар фожиавийлик ва кулгулиликдир. Файласуфлар уларни санъатдаги драматиклик билан боғлаб тушунтиради. Романтик санъатда классик санъатдан фарқли равишда хунуклик категорияси келиб чиқади. Улар санъатнинг тарихий шаклланиш шаклларидан бирортасига тўғри келмайди, улар бир вақтнинг ўзида санъатнинг ҳам классик, ҳам романтик шаклларига тегишлидир. Классик санъатда фожиавий қаҳрамонлар алоҳида шахс каби эмас, балки субстанционал кучга эга шахс каби чиқадилар. Унда «уларнинг бевосита индивидуалликнинг тасодифий хусусиятлари йўқолади».

Гегел комедияни кулгулиликдан фарқлаган. Унинг фикрича, мақсад ва воситанинг, кўлам ва натижаларининг ҳар қандай алмашинуви кулгули бўлади. Кулгу эса ўз-ўзидан хурсанд амалий ақлнинг ифодасидир[2, 579-580].Эстетиканинг кулгулилик категорияси санъатда комедия жанрида амалга ошади. Гегел санъат тарихида мавжуд бўлган комедиянинг иккита турини ажратади. Биринчи тури Аристофан комедияларида кўрсатилган. У умумий кулгулилик руҳи билан кирган, унда кулгули персонажлар нафақат актёрлар, балки томошабинлар томонидан кулиб қабул қилинади. Комедиянинг иккинчи тури, «Гегел фикрича, антик даврнинг охирида (Плавт, Терентий) юзага келади ва янги даврда (Мойер) ҳукмронлик қилади. Бу ерда комедия предмети проза билан боғланади. Замонавий комедияда ёлғон ва проза оламида содир бўладиган шахсий манфаатлар тўқнашуви ҳукмронлик қилади. Комедия ижодида тарихий ривожланишида изоқлашди. Классик санъат тизимида у индивидуалликни ёркинроқ ва чуқурроқ намойиш етишга ҳаракат қилган.

Романтик санъатда эса кулгулилик категорияси абсолют субъектив ва тақдир каби ифодаланади. Шунинг учун санъат мутлоқ ғояни кўрсатиш ва ўрганиш каби кулгули шаклда пайдо булади ва ўлади. Шундай қилиб олижаноблик, гўзаллик, хунуклик, фожиавийлик ва кулгулилик категорияларнинг ривожланишини Гегел тарихий ривожланиш мантиғи билан боғлаб тушунтириб берди. Ҳар бир эстетик категория жаҳон тарихининг ривожланишидаги маълум босқичини англатади.Кишилик жамияти фожиа ва кулгининг ҳақиқий ҳукмдори ҳисобланади. Инсон кулишга ва кулдиришга қодир бўлган ягона моҳиятдир. Кулгилилик воқеликнинг объектив ижтимоий қадрияти ҳисобланиши баробарида табиат билан қисман алоқа боғлайди. Бу алоқа тўғридан тўғри эмас, балки билвосита амалга ошади. Айниқса, ҳайвонларнинг табиий хусусияти инсоний хатти –ҳаракатлар билан яқинлашади ва улар эстетик баҳо объектига айланади. Масалан, тулкига хос айёрлик, қувлик, чаққонлик инсон фаолиятида кулгилилик призмасидан ўтиб, эстетик баҳоланади.

Кулги ўз табиати жиҳатидан демократик мазмунга эга бўлиб, барча одамларни бир-бирига қовуштириб бараварлаштиради, чунки кулишаётган одамлар ўзаро тенглашадилар. Кулги эскилик билан курашнинг омилкор воситасигина бўлиб қолмай, балки инсоннинг куч-қудрати ва озодлиги тимсоли ҳамдир. Кулги беқиёс ранго-ранглик, хилма-хил қирраларга эга майин, рағбатлантирувчи, хушфеъл ҳазил туйғусидан тортиб, то аёвсиз аччиқ истеҳзогача бўлган кенг доирада амал қилади. Кулгилилик ўзининг барча хилма-хил кўринишлари бойлиги билан санъатнинг меъморчиликдан бошқа деярли ҳамма турларида намоён бўлади. Бироқ, у ўзининг енг тўла бўлган Эстетик ифодасини комедияда топади. «Бугунги кунда «санъат» сўзи «воқеликни бадиий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш», «ишнинг кўзини билиш ва маҳорат кўрсатнш жараёни», «ҳар қандай ишнинг ўзи ва у талаб қиладиган маҳорат даражаси» маъноларида қўлланилади. Санъат моҳиятан ижтимоий - Эстетик ҳодиса бўлиб ҳар қандай демократик давлат сиёсатини, умуинсоний ва миллий маънавий

қадриятларга асосланган мафкурани тарғиб етади, ватанпарварлик, қахрамонлик, фидойилик, ғояларини илгари суради, лозим бўлса, жангаворлик касб этади. Санъат тарихида муаййан ғояларни, айниқса умум башарийликни инкор қилмайдиган миллий ғояни ифодаламаган санъат асари кам топилади[3, 145].

Санъат кенг маънода санъат асарлари (бадиий қадриятлар) билан бирга уларни яратиш (бадиий ижод қилиш) ва истеъмол (бадиий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади. Санъат ҳозирга даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган [4, 135]. Айнан кулги, ҳажв санъати ҳам халқимиз қон-қонидан жой олиб келаётган соҳалардан саналади. Санъатнинг кучи – кишилар дилига йўл топа билишида ва ҳайратлантира олишида. Санъат ҳамиша жамият аъзоларининг дунёқараши уларнинг ижтимоий ҳаёт тарзи, аҳлоқий ва эстетик қадриятлари ва шунингдек бутун маънавий оламини ўзида мужассамлаштирган ҳолда идрок етувчиларга завқ улашиши керак. Мамлакатимиз санъаткорлари ўз соҳасидаги иновацияни, кўр-кўрона бадиий ижодга тадбиқ этмасдан, миллий менталитет талабларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиши керак деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда таниқли олим Э.Умаров мулоҳазаларига таяниб иш кўриладиган бўлса, инсоннинг дунё воқеа-ҳодисаларига муносабатларидан бири кулгилилик тушунчаси билан изоҳланади. «Кулгилилик ҳам иқтисодий-моддий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳаёт жабҳаларида доимий равишда намоён бўлади». Ҳақиқатдан кулги деб аталмиш ҳиссий тушунча инсон фаолиятининг барча соҳаларида учрайди ва у жамият билан яъни ижтимоийликга эгадир. Табиат ҳодисалари ва ҳатто инсон фаолияти натижасида кулги ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Айни пайтда ҳодиса кулгига айланиши учун у ёки бу тарзда инсон билан боғланиши, улар ўртасида у ёки бу кўринишда муносабат пайдо бўлиши лозим. Воқеликдаги кулгилилик ҳолатига фақат инсонгина кулги билан жавоб берадиган қобилиятга эга бўлиб, бошқа жонзотлар бундай қобилиятдан маҳрумдирлар.

Эстетиканинг муҳим категорияларидан бири бўлмиш кулгилилик жараёнини тадқиқ қилганларнинг аксарияти, кулгилилик тушунчасининг мураккаблиги ва уни тушуниш, англаш, инъикос этиш жуда қийин эканлигини эътироф этишган. Гап шундаки, кулги қўзғайдиган ҳодисаларнинг бениҳоят кўплиги, энг муҳими, кулгилилик кўлами ҳамда чегарасининг ўта ҳаракатчан, қўнимсиз, ўзгарувчан бўлиши натижасида қайси нарса қачон, қаерда, қандай шароитда кулгили бўлади-ю, қайси нарса қачон, қаерда, қандай шароитда кулгили бўлмайди деган саволга бир хил жавоб бериб бўлмайди. Кулгилилик тушунчасига берилган таърифлар, айтилган қарашлар, фикр-мулоҳозаларнинг ўта хилма-хиллиги, ранг-баранглиги ҳам шундадир. Кулгилиликка берилган таърифларда хилма-хиллик, табиийки, нафақат нарса, ҳодиса билан боғланиб қолмай, балки унинг ижтимоий мазмуни гўзаллилик ва хунуклик тушунчалари билан алоқадорлиги ҳам акс этган. Кулгилилик тушунчаси талқини ўзининг аниқ, оқил мазмунига эга бўлиб, ҳақиқатда ҳам кулгилиликка хос бўлган баъзи томонларини очиб беради. Баъзилар Арасту фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда кулгилиликнинг объектив асосларига еътибор қарацалар, Т. Гоббс издошлари эса кулгилиликнинг субъектив туйғулигига ишонч ҳосил қиладилар. Баъзилар кулгилиликда етук англанмаганлик асосларини кўрсалар, бошқалар унда онглилик замини мавжуд еканлигини уқтирадилар.

Кулгилилик — хунуклик ва гўзаллик ўртасидаги зиддият ифодаси (Арасту), кутилаётган воқеликнинг аҳамиятлилиги ва натижанинг арзимаслиги (Кант), моҳияти жиҳатидан пасткаш, сохта, аҳамиятли ва шакли жиҳатидан аҳамиятли (Гегель), тимсол ва ғоя (Фишер), бехосдан содир бўлган ва жонли мулоқот натижаси (Бергсон) каби таърифлар ана шундай бир томонлама хусусиятларга эга бўлса-да, уларнинг оқил томони кулгилиликни қарама-қаршилик билан боғлаб мушоҳада етишга интилишдадир.

Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг эстетик қарашларида кулгилилик хунуклик билан боғлаб мушоҳада қилинади, хунукликнинг ўзи кулгили эмас, балки унинг гўзаллик даъво қилиши ва ўзини гўзаллик ўрнига қўйишга ҳаракат қилиши кулгилидир, деб таъкидланади. Бу тушунча бошқа эстетик ҳодисалар сингари ташқи ва ички томонларни ўзида бирлаштиради. Кулгилиликнинг ички томони — кенг маънодаги ҳазил (юмор) туйғусидир. Ҳазил туйғуси инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган энг муҳим хислатдан биридир. Ҳазил туйғуси шахснинг табиий ва эркин, бевосита идрок этиши натижасида хилма-хил кулгили, беўхшовликларни кўриб, англаб, уларга кулги билан жавоб бериш қобилиятининг ифодасидир. Ҳазил туйғуси мураккаб ақлий туйғу бўлиб, унда шахс ўзининг бутун борлиғи билан намоён бўлади, унинг ҳис-туйғу ва ақл маданияти, орзу-умидлари намойиш этилади. Инсоннинг кулгиси турли сабабларга кўра қистайди. Масалан, тўйимли ва мазали овқатланишдан роҳатланиб куладиган одамлар ҳам учрайди. Бундай одамлар учун кулгу ҳаётни соф физиологик — жисмоний идрок этиш ифодаси бўлиб хизмат қилади. Кулгилилик билан бевосита боғлиқ бўлган кулги ҳақида шуни айтиш керакки, у бирор ҳодисанинг, энг аввало, инсоннинг ташқи кўриниши билан унинг асл моҳияти ўртасидаги номувофиқлик зиддияти, бошқача айтганда амалдаги воқелик билан юксак Эстетик орзуларга мос келиши керак бўлган воқелик ўртасидаги муҳим тафовутлар, беўхшовликлар, келишмовчиликларни табиий англаш натижасида вужудга келади.

Баъзи бир одамлар ўзининг пасткаш, жоҳил, лоқайд, худбин, моҳиятини ташқи виқор, олифталик, такаббурлик билан «безаб» кўрсатмоқчи бўлади. Бундай одамларни учратганда ҳам кулиш, ҳам қувониш мумкин. Кулишимизга бу одамдаги ички руҳий моҳият билан унинг ташқи кўриниши ўртасидаги беўхшовлик сабаб бўлса, қувониши-миз сабаби мазкур ҳақиқатни англашимиздан, ҳақиқатни ёлғондан ажратиш қобилиятимиз мавжудлигидан келиб чиқади. Бу иисбатнинг яна бир ўзига хос кулгили томони шундаки, бизнинг қувончимизга «соғлом» худбинлик ҳисси ҳам қўшилиб кетиши мумкин, чунки мазкур одамнинг асл моҳиятини англаш қобилиятимиз билан маънавий-инсоний жиҳатдан у одамдан юқори туриш кайфиятида бўлишимиз ҳам бизга ёқади. Кулги шу тариқа инсон руҳини кўтаради, унга инсоний ғурур туйғуси бағишлайди.

Қўрқув ва кулги тушунчалари бир-бирига ўта қарама-қарши тушунчалар бўлганлиги боис инсон ярамас ва хунук ҳодисалар устидан кулишга ўргана билса, у қўрқув ҳиссини тарк этади ва номатлуб иллатлардан фориғ бўлади. Кулги катта ижтимоий маънога эга бўлиб, турли тарихий даврларда турлича аҳамият касб этган. Масалан, феодал тарқоқлик, ўзаро тинимсиз уруш-жанжаллар, у ёки бу диний, фалсафий, ахлоқий чекланишлар ҳукм сурган шароитларда кулги кенг ўрин эгаллай олмаган. Лекин энг оғир моддий-сиёсий, маънавий-ахлоқий шароитларда ҳам оддий халқ ўз орасидан этишиб чиққан ўткир сўзли, ҳозиржавоб, зукко вакиллари (*Насриддин афанди, алдар кўса*) воситасида кулги қуроли билан ижтимоий иллатларга қарши курашиб турмуш икир-чикирлари, ҳаёт камчилик-нуқсонлари устидан кулиб келди. Ўзбек халқининг миллий-маънавий мулки бўлган аския воситасида кулиш ҳам ўзининг ижтимоий мазмундорлиги билан катта аҳамият касб этади. Кулги ўз хусусиятига кўра, демократик мазмунга эга бўлиб, у барча одамларни бир-бирига қовуштиради. Улар кулги воситасида ўзаро тенглашадилар. Кулги ноинсоний, ноахлоқий иллатлар билан курашнинг омилкор воситасигина бўлиб қолмай, балки инсоннинг куч-қудрати ва озодлиги тимсоли ҳамдир. Кулги ранг-баранг ва хилма-хил қирраларга эга бўлиб, майин рағбатлантирувчи, хушфеъл ҳазил-мутойиба ҳиссиётидан тортиб, то аёвсиз, аччиқ истеҳзо ҳиссиёти доирасигача ҳам амал қилади [5, 126-129]. Комедия ўз мавзуини жамиятдаги ва инсондаги беўхшовликлар, номутаносиблик устидан ҳажв қилишдир. Жамиятдаги симметрик ҳолат бузилиб, ассиметрик ҳолатга ўтганида кулгили, ҳажвийлик ривожланади. Кулгилиликнинг намоён бўлиш шаклларининг хилма–хиллиги уларнинг санъатда ранг–баранг тарзда акс этилишини юзага келтиради. Комедия билан кулги бир–биридан ажрамайдиган эгиз тушунчалардир. Кулги комедияда тасвирланаётган воқеа–ҳодисалар моҳиятини очиб беришнинг ҳал қилувчи воситаси, тасвирланаётган объектга нисбатан эстетик баҳолашнинг ва муаллиф муносабати ифодасининг асосий шакли бўлиб хизмат қилади. Комедия санъатида кулгини асосий эстетик восита қилиб ишга солиш унинг ижтимоий аҳамиятини пасайтирмайди Чунки кулги дунёнинг мукаммал эмаслигини таъкидлаб қолмасдан, балки уни қайта қуриб янгилашни ҳам кўзда тутади [3, 122].

Кулгулилик турларининг турли-туманлигини англаш учун комик ва кулгили тушунчалари моҳиятини бир-биридан фарқлай билиш мақсадга мувофиқдир. Кулгилилик тушунчаси комик тушунчадан анча кенг бўлиб, ҳар қандай комик ҳодиса кулгили, лекин ҳар қандай кулгили нарса комик бўлавермайди. Комик воқеа деганимизда ижтимоий ва эстетик аҳамиятга эга бўлган ҳодисани англаймиз. Кулгили ёки энг содда комик воқеа латифа мавзуи бўлиб хизмат қилиши мумкин ва унда ҳажвий ўхшатма (пародия), ҳазил (шарж) каби санъат кўринишлари ўрин олган. Бу ерда комик усуллар ножўя хатти-ҳаракатларга тақлид қилиш билан чегараланган бўлади» [6, 126-129].

Комедия энг оддий кулги билан эмас, балки комик матн билан боғлиқ бўлади. Комедия учун «қийшиқ бурун эмас, қийшиқ жон керак» деган еди Гогол. Унинг асосини комик тўқнашувлар ва комик табиатли рамзий қиёфалар, «фош» этилиши зарур бўлган комик вазият ташкил этади. Арасту айтганидек, комедия салбий одамларни акс эттирувчи асар маъносини англатади, аммо ушбу адабий жанр кишиларнинг ўта бузуқлигини эмас, балки кулгилилик жиҳатларинигина қамраб олади.

Ижтимоий воқелик, ҳодиса, одамларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари аввал ижобий тарзда шаклланган тасаввурларга қарама-қарши келиб тўқнашса, комик тус олади. Инсон туғма моҳиятининг қўпол бузилишларини намойиш қилиш учун беор, лаганбардор, мунофиқ, сансалор одамлар ҳам комик тасвир асари объекти қилиб олинади. Комиклик «оламнинг комик манзараси» ифода этади. Тадқиқотчилар уни «Оламнинг умумий эмоционал манзараси структурасига киритилган бўлаги (парчаси)», унинг моҳияти асосини «атрофдаги оламни стереотипик идрок этишдан, меъёрий ҳаётий қадриятлардан оғган, комик эффект келтириб чиқарадиган комик образлар йиғиндиси»[7, 55] ташкил қилишини таъкидлайдилар. А.В.Карасикнинг фикрича, олам комик манзарасининг тўрт сатҳи мавжуд: 1) умуминсоний; 2) этномаданий; 3) ижтимоий-гуруҳий; 4) индивидуал [9-13-22].

Комик ҳолат даврнинг ижобий томонларини акс эттириб, шунчаки қиёфага кирган одамларга тааллуқлидир, дейиш ҳам хато. Бунда комик тасвир кўпроқ мувофиқсизлик асосига қурилиб, у мазкур одамнинг чин гўзал моҳияти билан бошқа одамлар ҳақидаги ўзининг сохта, ёлғон тасаввурлари ўртасидаги қарама-қаршилик тарзида намоён бўлади. Гоҳо комик тўқнашув моҳиятини янгилик билан эскилик ўртасидаги курашда кўрадилар. Бу фикр фақат комедияга эмас, балки ҳамма драматик асарларга хосдир. Комедия заминида ҳамиша кулгили тўқнашув этади. Комик асар ҳаётнинг кулгили беўхшовликларини, орзуга мувофиқ келмаслигини, одамлар хулқининг кулгили ҳолатларини очиб беришга хизмат қилади. Бу ерда А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» ва «Оғриқ тишлар», Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Э. Воҳидовнинг «Олтин девор» комедияларида комик тўқнашувлар ёпишмаган, қовушмаган, ақл бовар қилмайдиган комик вазиятлар орқали қаҳрамонлар асл феъл-атворини табиий ва эркин тарзда «фош» қилинади.

М.Р.Желтухина томонидан комиклик турларини фарқлашнинг қуйидаги мезонлари ишлаб чиқилган: 1) эстетик: а) комиклик объекти; б) комиклик объектининг идеал билан ўзаро муносабати; 2) ижтимоий: а) долзарблик даражаси; б) танқидийлик даражаси; 3) биопсихологик: а) эмоционал тўйинганлик даражаси; б) эмоцияларни ифодалаш жадаллиги; в) ифодаланаётган эмоциялар характери; г) тажовузкорлик даражаси; 4) лингвистик: 4.1. Лингвокогнитив: а) интеллектуаллик даражаси; б) баҳоловчи белги хусусияти; в) салбий (негатив)лик даражаси; 4.2. Лингвопрагматик: а) адресат томонидан комикликни тушуниш даражаси; б) перлокутив эффект; в) баҳони ифодалаш хусусияти; 4.3. Соф лингвистик: а) ифода ва мазмун планларидаги қарама-қаршилик даражаси; б) устувор лисоний воситалар[8, 10].

Комик мазмун, комик табиатли қаҳрамонлар, комик тўқнашувларнинг ўзига хос хусусиятлари турли комик бадиий воситаларни тақозо этиб, улар ҳам ҳар хил муболағалар, ёлғон-яшиқлар, хаёлий тўқималар

кўринишини олади. Муболаға мақсади соддагина, кундалик одат бўлиб қолган оддий ҳодисалардан тортиб, катта ижтимоий воқеани кўргазмали, кескин туйғу воситаси орқали «фош» этишдир. Муболаға ижтимоий ҳодиса билан ижобий орзу ўртасидаги қарама-қаршиликни очиб ташлайди. Бу қарама-қарашликни англаш эса ўқувчи ёки томошабинга ҳавола этилади.

Тадқиқотчи И.Рустамовнинг фикрича, комиклик яратилишининг омиллари ва шартлари қуйидагилардан иборат: кулги объекти, яъни субъект устидан кулаётган шахс. Рўёвий идрок ва унинг барбод бўлишига асосланган ҳамда ўз ижтимоий мавқеини пасайтиришга мойиллик; субъект – объектив ва субъектив кўриниш орасидаги қарама-қаршиликни англаётган кузатувчи, унинг учун завқ олишга хос, ўз баҳосини оширишга бўлган истак;. комик вазият – комик эффектнинг пайдо бўлишига замин яратувчи шарт-шароит; комикликни амалга ошириш воситалари – комик эффектни юзага келтирувчи вербал ва новербал воситалар; кулгу реакцияси (муносабат) – инсон физиологияси ва руҳиятининг кўриниши [9, 75]**.**

Комедия билан кулги бир-бирини тўлдирадиган тушунчалар бўлиб, кулги комедияда тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини очиб бериш воситаси, тасвирланаётган объектга нисбатан эстетик баҳолашнинг ва муаллиф муносабати ифодасининг асосий шакли бўлиб хизмат қилади. Комедияда кулгининг эстетик восита сифатида қатнашиши унинг ижтимоий аҳамиятини пасайтирмайди. Чунки кулги дунёдаги ғайритабиий ҳодисаларни қоралабгина қолмай, балки уларни яхшилашни ҳам кўзда тутади.

Комедия энг аввало, ўз-ўзини танқид қилишнинг махсус шакли сифатида амал қилади. Комедия ўзининг ижтимоий вазифасини ўта соддалаштириб, у ёмон хулқ, ёмон одам, ёмон ҳодисаларни тўғридан-тўғри, бевосита тузатишга, яхшилашга олиб келади, деб тушунадилар ва тушунтирадилар.

Ҳақли равишда кулгининг фош этувчи хусусиятини таъкидлар эканмиз, унинг аҳамияти кам бўлмаган бошқа томонлари — тарбияловчи кулги, кўнгилни юмшатадиган ва бўшатадиган кулги, ачиниш ва меҳр-шафқат кўрсатиш кулгиси, ҳаётбахш ва дўстона кулгуни ҳам унутмаслигимиз керак. Кулгулиликнинг барча шакллари қанчалик эркин намоён бўлиш имкониятларига эга бўлиб борсалар, шунчалик кўп аҳамият касб этадилар. Беозор ҳазил-ҳажв туйғуси инсон ҳаётининг кулгили томонлари, унинг барча қирра ва зарраларини илғаб олиш ва фаҳмлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради ва у борган сари шахснинг маънавий-руҳий камолоти кўрсаткичи бўлиб бораверади» [5, 132-135].

Хулоса қилиб айтганда, эстетик фикр тарихида кулгилилик асосан гўзаллик ва хунуклик (Арасту), улуғворлик ва тубанлик (Кант), сохта беъманилик ва ҳақиқат(Гегел) ўртасидаги қарама-қаршиликнинг натижаси сифатида тарифланилади. Кулгилиликнинг эстетик аҳамияти, моҳияти шундаки, унда жамият ҳаётидаги ҳодисаларга, шахс ҳатти-ҳаракатига эстетик идеал мезонидан туриб баҳо берилади [7-35]. Кулгилилик доимо кишида психофизиологик ҳолатни келтириб чиқаравермайди. У қарама-қарши қутбдаги томонларни оқловчи ёки қораловчи кулгидир. Бошқача қилиб айтганда мазкур кулгу жамият ва шахс ҳаётидаги зиддиятли ҳодиса, жиҳатларга ижтимоий-эстетик идеал мезон бўйича бериладиган баҳодир. Шунга кўра у моҳиятан ижтимоий аҳамиятга молик кулгу бўлиб, у айни пайтда кишида қайғуриш, ачиниш, азобланиш ҳис-туйғуларни уйғотади. Масалан, терроризм умуминсоний-гуманистик, эстетик идеаллар ўлчовидан туриб баҳоланганда, шу маънодаги кулгили ҳолат ҳисобланади. Кулгулилик санъатнинг бадиий адабиёт туридаги комедия, сатира, юмор каби жанрларда ифодаланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Оллоёров М. Эстетик категорияларни системалаштириш масаласи хусусида // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси, 2010 йил, 4-сон, 43-бет.
2. Гегель Г.В. Ф-. Эстетика. - М. «Искусство» 1973. с. – 579-580.
3. ШерА., ХусановБ.Эстетика.–Тошкет Ўз файласуфлари миллий жамияти нашрёти,2010. 145 бет
4. Эстетика. Умаров Э. –Тошкент., «Ўзбекистон», 1995й, 135-бет.
5. Умаров Э. Эстетика.–Тошкент, «Ўзбекистон», 1995й,126-129
6. Оллоёров М.Эстетиканинг асосий категориялари.Услубий қўлланма.-Самарқанд: СамДУ нашри, 2012.-35 бет.
7. Карасик А.В. Язык, коммуникация и социальная среда. Вып.1.- Воронеж, 2001.- С.13-22
8. Желтухина М.Р. Комическое в политическом дискурсе. Дисс…канд.филол.наук.- Волгоград, 2000.- 10 с.
9. Рустамов И.Т. Комиклик категориясини тадқиқ қилиш муаммоси// **Илмий хабарнома, АДУ, №2 2016.**

Кулгилилик (ҳажвийлик) феномени ва унинг шарқ ва ғарб методологиясида ўрганилиши

Эшонқулов Л. Н. Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали

Резюме. Мақолада кулгилилик (ҳажвийлик) феномени, унинг шарқ ва ғарб методологиясида ўрганилиши, ҳамда Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг эстетик қарашларида кулгилилик хунуклик билан боғлиқлиги ўрганилган. Кулгилилик инсоннинг воқеа-ҳодисаларга бўлган мураккаб руҳий, психофизиологик ҳис-туйғулари билан боғлиқ бўлган ўзига хос муносабатлар фалсафий-эстетик тарзда тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ҳажвийлик, эстетик тафаккур, гўзаллик, хурсандчилик, вақтичоғлик, завқланиш, мақсад, санъат, фаровонлик, эстетик фаолият, олижаноблик, бадиий қадриятлар, миллий қадриятлар.

Феномен юмора (сатиризма) и его изучение в восточной и западной методологии

Эшонкулов Л. Н. Самаркандский филиал Ташкентского государственного экономического университета

Резюме. В статье рассматривается феномен юмора (сатиризма), а также его отражение с весельем в эстетических воззрениях западных и восточных мыслителей.Обосновывается что смех — это философско-эстетическое исследование отношения человека к сложным психическим, психофизиологическим чувствам, связанным с жизненными событиями и явлениями.

Ключевые слова: насыщение, эстетическое мышление, красота, радость, веселье, удовольствие, цель, искусство, комфорт, эстетическая деятельность, благородство, художественные ценности, национальные ценности.

The phenomenon of humor (satirism) and its study in Eastern and Western methodology

Eshonqulov L. N. Samarkand branch of Tashkent
State University of Economics

eastern and western methodologies, as well as its association with fun in the aesthetic views of Western and Eastern

Summary. The article deals with the phenomenon of humor (satirism), its study in the thinkers. Laughter is a philosophical-aesthetic study of the relationship of a person to complex mental, psychophysiological feelings connected with events.

Keywords: satiety, aesthetic thinking, beauty, joy, fun, pleasure, purpose, art, comfort, aesthetic activity, nobility, artistic values, national values.

SLANG

Seytova D.U.
Karakalpak state university

There is hardly any other term that is as ambiguous and obscure as the term slang. Slang seems to mean everything that is below the standard of usage of present-day English.Much has been said and written about it. This is probably due to the uncertainty of the concept itself. No one has yet given a more or less satisfactory definition of the term. Nor has it been specified by any linguist who deals with the problem of the English vocabulary.The first thing that strikes the scholar is the fact that no other European language has singled out a special layer of vocabulary and named it slang, though all of them distinguish such groups of words as jargon, cant, and the like. Why was it necessary to invent a special term for something that has not been clearly defined as jargon or can't have? Is this phenomenon specifically English? Has slang any special features which no other group within the non-literary vocabulary can lay claim to? The distinctions between slang and other groups of unconventional English, though perhaps subtle and sometimes difficult to grasp, should nevertheless be subjected to a more detailed linguistic specification.Webster's «Third Mew International Dictionary» gives the following meanings of the term:

Slang [origin unknown] 1: language peculiar to a particular group: as a: the special and often secret vocabulary used by a class (as thieves, beggars) and usu. felt to be vulgar or inferior-argot; b: the jargon used by or associated with a particular trade,» profession, or field of activity; 2: a non-standard vocabulary composed of words and senses characterized primarily by connotations of extreme informality and usu. a currency not limited to a particular region and composed typically of» coinages or arbitrarily changed words, clipped or shortened forms, extravagant, forced or facetious figures of speech, or verbal novelties usu. experiencing quick popularity and relatively rapid decline into disuse.

The «New Oxford English Dictionary» defines slang as follows:

«a) the special vocabulary used by any set of persons of a low or disreputable character; language of a low and vulgar type. (Now merged in c, \cant\) b) the cant or jargon of a certain class or period; c) language of a highly colloquial type considered as below the level of standard educated speech, and consisting either of new words or of current words employed in some special sense.»As is seen from these quotations slang is represented both as a special vocabulary and as a special language. This is the first thing that causes confusion. If this is a certain lexical layer, then why should it be given the rank of language? If, on the other hand, slang is a certain language or a dialect or even a patois, then it should be characterized not only by its peculiar use of words but also by phonetic, morphological and syntactical peculiarities.J.B. Greenough and C.L. Kitteridge define slang in these words:«Slang… is a peculiar kind of vagabond language, always hanging on the outskirts of legitimate speech but continually straying or forcing its way into the most respectable company» [1, 55]. Another definition of slang which is worth quoting is one made by Eric Partridge, the eminent student of the non-literary language.

«Slang is much rather a spoken than a literary language. It originates, nearly always, in speech. To coin a term on a written page is almost inevitably to brand it as a neologism which will either be accepted or become a nonce-word (or phrase), but, except in the rarest instances, that term will not be slang. In most of the dictionaries sl. (slang) is used as convenient stylistic notation for a word or a phrase that cannot be specified more exactly. The obscure etymology of the term itself affects its use as a stylistic notation. Whenever the notation appears in a dictionary it may serve as an indication that the unit presented is non-literary, but not pinpointed. That is the reason why the various dictionaries disagree in the use of this term when applied as a stylistic notation [3].

Any new coinage that has not gained recognition and therefore has not yet been received into standard English is easily branded as slang.

The Times of the 12th of March, 3957 gives the following illustrations of slang: leggo (let go), sarge (sergeant), 'I've got a date with that Miss Morris to-night'. But it is obvious that leggo is a phonetic impropriety caused by careless rapid speaking; sarge is a vulgar equivalent of the full form of the word; date is, a widely recognized colloquial equivalent (synonym) of the literary and even bookish rendezvous (a meeting).

These different and heterogeneous phenomena united under the vague term slang cause natural confusion and do not encourage scholars to seek more objective criteria in order to distinguish the various stylistic layers of the English colloquial vocabulary. The confusion is made still deeper by the fact that any word or expression apparently legitimate, if used in an arbitrary, fanciful or metaphorical sense, may easily be labeled as slang. Many words formerly labeled as slang have now become legitimate units of Standard English. Thus the word kid (child), which was considered low slang in the nineteenth century, is now a legitimate colloquial unit of the English literary language.

Some linguists, when characterizing the most conspicuous features of slang, point out that it requires continuous innovation. It never grows stale. If a slang word or phrase does become stale, it is replaced by a new slangism. It is

claimed that this satisfies the natural desire for fresh, newly created words and expressions, which give to an utterance emotional coloring and a subjective evaluation. Indeed, it seems to be in correspondence with the traditional view of English conservatism, that a special derogative term should have been coined to help preserve the «purity of standard English» by hindering the penetration into it of undesirable elements. The point is that the heterogeneous nature of the term serves as a kind of barrier which checks the natural influx of word coinages into the literary language. True, such barriers are not without their advantage in polishing up the literary language. This can be proved by the progressive role played by any conscious effort to sift innovations, some of which are indeed felt to be unnecessary, even contaminating elements in the body of the language. In this respect the American newspaper may serve as an example of how the absence of such a sifting process results in the contamination of the literary tongue of the nation with ugly redundant coinages. Such a barrier, however, sometimes turns into an obstacle which hinders the natural development of the literary language.

The term ‘slang’, which is widely used in English linguistic science, should be clearly specified if it is to be used as a term, i. e. it should refer to some definite notion and should be definable in explicit, simple terms. It is suggested here that the term 'slang' should be used for those forms of the English vocabulary which are either mispronounced or distorted in some way phonetically, morphologically or lexically. The term 'slang' should also be used to specify some elements which may be called over-colloquial. As for the other groups of words hitherto classified as slang, they should be specified according to the universally accepted classification of the vocabulary of a language.

But this must be done by those whose mother tongue is English. They and they only, being native speakers of the English language, are its masters and lawgivers. It is for them to place slang in its proper category by specifying its characteristic features.

Slang is nothing but a deviation from the established norm at the level of the vocabulary of the language. V.V. Vinogradov writes «that one of the tasks set before the branch of linguistic science that is now called stylistics, is a thorough study of all changes in vocabulary, set phrases,» grammatical constructions, their functions, an evaluation of any breaking away from the established norm, and classification of mistakes and failures in word coinage.[2;146].

H. Wentworth and S. Flexner in their «Dictionary of American Slang» write:«Sometimes slang is used to escape the dull familiarity of standard words, to suggest an escape from the established routine of everyday life. When slang is used, our life seems a little fresher and a little more personal. Also, as at all levels of speech, slang is sometimes used for the pure joy of making sounds, or even for a need to attract attention by making noise. The sheer newness and informality of certain slang words produce pleasure.But more important than this expression of a more or less hidden aesthetic motive on the part of the speaker is the slang's reflection of the personality, the outward, clearly visible characteristics of the speaker. By and large, the man who uses slang is a forceful, pleasing, acceptable personality».

This quotation from a well-known scientific study of slang clearly shows that what is labeled slang is either all kinds of nonce-formations - so frequently appearing in lively everyday speech and just as quickly disappearing from the language-, or jocular words and word-combinations that are formed by using the various means of word-building existing in the language and also by distorting the form or sense of existing words. Here are some more examples of words that are considered slang:

to take stock in–'to be interested in, attach importance, give credence to; bread-basket–'the stomach' (a jocular use); to do a flit–'to quit one's flat or lodgings at night without paying the rent or board'; rot–'nonsense!’; the cat's pajamas–'the correct thing’So broad is the term 'slang' that, according to Eric Partridge, there are many kinds of slang, e. g. Cockney, public-house, commercial, society, military, theatrical, parliamentary and others. This leads the author to believe that there is also a standard slang, the slang that is common to all those who, though employing received standard in their writing and speech, also use an informal language which, in fact, is no language but merely a way of speaking, using special words and phrases in some special sense. The most confusing definition of the nature of slang is the following one given by Partridge.«…personality and one's surroundings (social or occupation-al) are the two coefficients, the two chief factors, the determining causes of the nature of slang, as they are of language in general and of style» [3;5].

According to this statement one may get the idea that language, style and slang all have the same nature, the same determining causes. Personality and surroundings determine:1. the nature of the slang used by a definite person,2. the nature of the language he uses,3. the kind of style he writes.

There is a general tendency in England and to some extent in the US to over-estimate the significance of slang by attaching to it more significance than it deserves. Slang is regarded as the quintessence of colloquial speech and therefore stands above all the laws of grammar. Though it is regarded by some purists as a language that stands below standard English, it is highly praised nowadays as «vivid», «more flexible», «more picturesque», «richer in vocabulary» and so on.

Unwittingly one arrives at the idea that slang, as used by English and Americans, is a universal term for any word or phrases which, though not yet recognized as a fact of Standard English, has won general recognition as a fresh innovation quite irrespective of its nature: whether it is cant, jargon, dialect, jocular or a pure colloquialism. It is therefore important, for the sake of a scientific approach to the problem of a stylistic classification of the English vocabulary, to make a more exact discrimination between heterogeneous elements in the vocabulary, no matter how difficult it may be.The following is an interesting example illustrating the contrast between Standard English and non-literary English including slang.In the story «By Courier» O. Henry opposes neutral and common literary words to special colloquial words and slang for a definite stylistic purpose, to distort a message by translating the literary vocabulary of one speaker into the non-literary vocabulary of another.

«Tell her I am on my way to the station, to leave for San Francisco, where I shall join that Alaska moose hunting expedition. Tell her that, since she has commanded me-neither to speak nor to write to her, I take this means of making one last appeal to her sense of justice, for the sake of what has been. Tell her that to condemn and discard one who has not deserved such treatment, without giving him her reason or a chance to explain is contrary to her nature as I believe it to be».

This message was delivered in the following manner:

«He told me to tell yer he's got his collars and cuffs in dat grip for a scoot clean out to' Frisco. Den he's goin' to shoot snowbirds in de Klondike. He says yer told him to send' round no more pink notes nor come hangin' over de garden gate, and he takes dis mean (*sending the boy to speak for him. – I.G.*) of putting yer wise. He says yer referred to him like a has-been, and never give him no chance to kick at de decision. He says yer swiled him and never said why».

The contrast between what is standard English and what is crude, broken non-literary or uneducated American English has been achieved by means of setting the common literary vocabulary and also the syntactical design of the original message against jargonisms, slang and all kinds of distortions of forms, phonetic, morphological, lexical and syntactical.

It is suggestive that there is a tendency in some modern dictionaries to replace the label slang by *informal or colloquial[4]*. Such a practice clearly manifests the dissatisfaction of some lexicographers with the term 'slang'. This is mainly due to the ambiguity of the term.

On the other hand, some lexicographers, as has already been pointed out, still make use of the term 'slang' as a substitute for 'jargon', 'cant', 'colloquialism', 'professionalism', 'vulgar', 'dialectal'. Thus, in his dictionary Prof. Barnhart gives

the label st to such innovations as «grab – to cause (a person) to react; make an impression on», which, to my mind, should be classed as newspaper jargon; «grass or pot – marijuana», which are positively cant words (the quotation that follows proves it quite unambiguously); «groove–something very enjoyable,» «grunt – U.S. military slang», which in fact is a professionalism; «gyppy tummy, British slang, – a common intestinal upset experienced by travellers», which is a colloquialism; «hangup–a psychological or emotional problem», which is undoubtedly a professionalism which has undergone extension of meaning and now, according to Barnhart also means «any problem or difficulty, especially one that causes annoyance or irritation.»

The use of the label *sl* in this way is evidently due to the fact that Barnhart's Dictionary aims not so much at discrimination between different stylistic subtleties of neologisms but mainly at fixation of lexical units which have already won general recognition through constant repetition in newspaper language.The term 'slang' is ambiguous because, to use a figurative expression, it has become a Jack of all trades and master of none.Slangs are words which are used to create fresh names for some things. Sometimes slangs are vulgar and cynical.There are following slang words for money: beans, jolly, brass.The functions of slang in the written text may be the following to characterize the speech, of the person, to produce a special impression and humorous effect. For example: breadbasket (the stomach), go crackers (go mad)

REFERENCES

1. Greenough and Kittcridge.Words and their Ways in English Speech.−N.−Y., 1989, p. 55
2. Виноградов В. В. ОКультуре речи и неправильном словоупотреб-лении. // «Литературная газета», 1971.
3. Partridge, Eric. Op. cit.
4. See also Prof. R.W. Burclifield's remark on the system of labelling in his Introduction to "A Supplement to the Oxford English Dictionary". Oxford, 1982, p. XVI.

Сленг

Сейтова Д.Ю. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Бул мақалада белгили бир нәрселерге жаңа сөзлерге жасаў ушын қолланалатуғын сленглер туўралы айтылады.

Таяныш сөзлер:функция, гәп, аныклаў, фиксация , лексика, тил.

Сленг

Сейтова Д.Ю. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Эта статья посвящена сленгу - словам, которые используются для создания новых имен для некоторых вещей явлений.

Ключевые слова: функция, речь, распознавание, фиксация, лексика, язык.

Slang

Seytova D.U. Karakalpak state university

Summary. This article is dedicated to slangs are words which are used to create fresh names for some things.

Key words: function, speech, recognition, fixation, lexical, language.

ГАП ТАРКИБИДАГИ АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК ФУНКЦИЯЛАРИ

Мамбетниязова А.

Қорақалпоқ давлат университети

Замонавий тилшуносликда тилнинг барча ҳодисалари маълум бир функцияни бажариш аспектларида кўриб чиқиш одат тусига кирган. Тилнинг кўп сонли функциялари одатда асосий (биринчи даражали) ва қисман (ясама) функцияларга бўлинади. Асосий, энг муҳим қисмига коммуникатив ва когнитивлик функциялари киради. Мазкур ишда бизни аввалambор одамлар ўртасида мулоқот жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган коммуникатив функция қизиқтиради. Коммуникатив функция конкрет нутқ ситуациясини ёки волюнатив, яъни прагматик функцияда таъсир кўрсатувчи сифатида ёки фатик (алоқа ўрнатувчи) сифатида намоён бўлади. Прагматик функция адресат нутқига интеллектуал, эмоционал ёки иродали таъсири учун тилнинг қўлланиши билан боғлиқ бўлади.

Коммуникатив-прагматик ёндашув “нутқ ҳаракатидаги фикрнинг моҳияти ва вазифасини” тушунишга имкон беради. Ушбу “янги” ёндашувда Н.И.Формановская мулоқотни фаолият, тилни эса коммуникатив ва коммуникатив бўлмаган мақсадга эришиш воситаси сифатида кўриб чиқади [3,130]. Демак, бундан келиб чиқадики, мазкур ёндашувда “маънога эга бўлган тил бирликлари компонентларини алоқа воситаси сифатида ишлатиш ва ўз фикрини ифодалашда асосий мақсад этиб қўллаш” назарда тутилади.

Гапирувчи ва тингловчи муносабатлари ҳамиша мулоқот жараёнида амалга оширилади. Мулоқот деганда биз Н.А.Ипполитованинг фикрига бўйсунган ҳолда, сўзловчининг маълумотни тингловчига етказиб бериш ва маълумотни қабул қилиниш жараёнини тушунамиз [1,26]. Мулоқот қоидалари шахсларнинг ўзаро мулоқоти доирасида ва матн сатҳида алоҳида кўринишда намоён бўлади деб ҳисоблайди Жеофри Лич [7,38]. Мулоқот мақсади фақат маълумотлар алмашиш учун эмас, балки маълумотни етказаётган ҳамкорига таъсир кўрсатиш, уни айтилаётган маълумотга ишонтиришга ҳаракат қилиш мақсади тушунилади. Шу билан бир қаторда, алоқа воситаси бўлган мулоқотда сўзловчи фикрни ифодалашда ҳар хил тасвирловчи бирликлардан фойдаланади. Тил бирликлари мулоқотнинг худди шу жиҳатларини эътиборга олингандагина семиотик тизимнинг қисмлари ўзаро динамик, ҳаракатчан муносабатда бўлишини тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Мулоқот жараёнида ифодаланган тил бирликлари лингвистик конструкция сифатида гапнинг тузилиш ва шаклланишини аниқлаб, унинг маъносини семантик бойитиб беради. Содда гап таркибини мураккаблаштирувчи тўлдирувчилар гапнинг таркибида ихтиёрий позицияда ифодаланиб, асосий гап таркибидаги тўлдирувчининг маъносини конкрет ифодаловчи ажратилган бўлак сифатида кўришимиз мумкин. Ушбу ўринда германист тилшунос Ulrich Engel ўзининг “Немис тили грамматикаси” китобида тўлдирувчиларга қўйидагича тавсиф берган: “Гап таркибида тўлдирувчиларнинг ёки мажбурий ёки факультатив ҳолатда ифодаланишини кўришимиз мумкин. Булар асосан феълнинг спецификасига боғлиқ бўлади. Одатда уларнинг гапда берилиши билан эганинг маъноси “бойитилади”, эганинг “бойитилиб” маъноси тўлдирилиши эса ўз навбатида “адресант томонидан адресат”га датив ёки аккузатив келишикларида келувчи тўлдирувчилар ёрдамида фикрни тўла-тўкис етказиб бериш бўлиб ҳисобланади. Матннинг ўзаро боғлиқлиги етарли даражада аниқлиқ билан амалга оширилган бўлса, бу матннинг конкрет ҳолда тўлдирилиши бўлиб ҳисобланади” [6,181]

Гапда тўлдирувчиларнинг ажратилган бўлак сифатида ифодаланиши нутқни шакллантирувчи бўлиб улар ёрдамида мулоқот жараёнидаги нутқ тузилмасининг намунавий қолиплари шаклланади. Сўзловчининг вазифаси тингловчини бошқариш, мулоқот жараёнига фаол иштирок этиш ва сўзловчининг онгида мавжуд бўлган ва кўзланган коммуникатив мақсадга эришиш бўлиб ҳисобланади. Мулоқот жараёнида сўзловчи коммуникатив мақсадга эришиш учун ҳар хил сўз бирикмаларини қўллайди, бу шахснинг прагматик заҳираси ва имкониятидир. Ушбу прагматик заҳира мажмуасининг миқёси кенг ёки торлигига нисбатан танлов имконияти ҳам эркинлашади ёки чегараланади [3,142]. Ш.Сафаровнинг мазкур фикридан келиб чиқан ҳолда, биз фикрни ифодалашда иштирок этувчи адресант сўз бирликларини ўзи танлаб олади ва маълум қилинаётган хабарни етказиш усули адресатнинг онгида хабарни фикрлаш услубига боғлиқлигини таъкидлаб ўтамиз.

Прагмалингвистика асоси биринчи ўринда коммуникатив нутқ актларидан ташкил топар экан, у мулоқот пайтида сўз ва сўз бирикмаларини ишлатиш хусусиятларини ва мазкур бирикмаларнинг мулокот жараёни ва бадиий асар матнларида ифодаланиш услубини ўрганади. Прагматик омиллар турли хил маълумотларни ўз ичига олади ва бу маълумотлар энциклопедик билимлар, фикрлар ва эътиқодлар каби тадқиқотларнинг устувор йўналишларига қараб белгиланади. Мазкур маълумотлар таҳлил қилинган материалнинг маъносини дарҳол берилган вазият шароитида аниқлашга имкон беради. И.М.Кобозева “коммуникатив фаолият асосини ўзаро ҳамкорлик тамойили ташкил қилади ва коммуникатив фаолиятда қатнашувчи иборалар кенг ва тор маънода ишлатилади” деб таъкидлайди [2,13]. Мулоқот жараёнида берилаётган ахборотнинг миқдори, сифати, муқобиллиги ва муомала тарзи муҳим роль ўйнайди.

Нутқ фаолияти инсон мулоқотининг асосий бирлиги бўлиб ўз, таркибида кўп қиррали бўлган маълум бир коммуникатив вазифаларни ташувчи сифатида ҳаракат қилади ва адресат томонидан таъсирчан ёки ҳиссий реакция билан тан олинадиган маълум таъсирларга эришишга қаратилган фаолиятини белгилайди. Адресант ўзининг коммуникатив муносабатини амалга ошириш ва адресатга таъсир ўтказиш учун эмоционал ифодаларни қўллашнинг турли шаклларидан фойдаланади. Фикрни ифодалаш учун танлаб олинган экспрессив тил воситалари ёрдамида адресант нутқининг тасвирланиш прагматик вазифаси билан асосланади.

Юқарида айтилганлардан маълум бўладики, ҳар қандай сўзловчи шахснинг нутқи эмоциясиз ифодаланиши мумкин эмас. Эмоциясиз нутқ тингловчига таъсирсиз бўлади. Нутқнинг эмоционаллигини оширувчи воситалар ичида грамматик функциянинг кенглиги, ифодалилиги, таъсирчанлиги, қулайлилиги ва равонлиги билан ажралиб туради. Бир тушунчанинг маъносини кенгроқ ёритиш, унга урғу бериш, бўрттириш, конкретлаштириш, тингловчининг диққатини ана шу тушунчага ёки фикрга алоҳида жалб қилишда ажратилган бўлаклардан фойдаланилади: *Sie hat ihn, ihren ehemaligen 15 jährigen Ehemann, Arno, nicht mehr getroffen. (4,75)*

Мисолдаги *Sie hat ihn nicht mehr getroffen,*пропозицияжиҳатидан*унибошқакўрмаганлиги*ҳақидахабарберсада, маълум вазиятда *унинг ким эканлигини* конкретлаштирган ифодасига айланиши мумкин. Прагматик маъно тадқиқининг кенг тарқалган йўналишларидан бири унинг таснифий белгилари ёрдамида аниқлашади. Таснифлар ўзаро яқинлашиб, бир-бирининг мазмунини тўлдира олишини кўрсатади.

Таҳлил қилинган мисолдан кўринадики, гап таркибидаги бир сўз ёки сўз бирикмасининг такрорий, маънолари ўхшаш ёки синоним сўзлар билан ишлатилиши биринчидан, жанр услуби бўлса, иккинчидан, муаллифлик интециясини (нутқий мулоқот мақсадини) амалга ошириш йўли бўлиб ҳисобланади. Ш.Сафаров ҳам ўз илмий асарида мазкур ҳолатни қўйидагича таърифлайди: “Тавтологик такрорлар, кўп маъноли сўзлар, киритма ибораларини кенг қўллаш воситасида муаллиф ўз мақсадини ўқувчига нафақат тушунарли қилиб етказиш, балки уни шу мақсадни қабул қилиш ва бевосита ижро этишга ундаш ниятидадир. Бу ниятни руёбга чиқариш учун тилнинг зоҳирий ва ботиний имкониятлари уйғунлашуви лозимдир“ [3, 140].

Агар хабарда тингловчи учун гаплардаги маълум бир сўзларнинг маънолари тўлдирилмасдан, яъни ажратилган бўлакларсиз ифодаланса, маълумот унга ноаниқ бўлиши мумкин. Ушбу ноаниқликни эътиборга олган ҳолда сўзловчи уларни муайянлаштирувчи сўзлар билан қўллайди. Мазкур муайянлаштирувчи сўзлар ажратилган бўлаклар бўлиб топилади.

Ажратилган бўлакларни аниқлашда гапда сўз тартиби муҳим роль ўйнайди. Ажратилган бўлак, ўзи маъносини кенгайтириб конкретлаштираётган бўлакдан кейин келади ёки гапнинг энг сўнги ўрнида жойлашиб келади. Ажратилган бўлакларнинг гап таркибида жойлашиш ҳолатига немис тилшуноси H.Altmann “жойини ўнг томонга ўзгартирувчи” (Rechtsversetzung) гап бўлаги деган атамани ишлатади ва гап охирида асосий гап бўлагидаги қайси бир аъзосининг маъносини теранлаштириш учун қўшимча маънолар билан ифодаланади деб аниқлиқ беради [5, 100].

Und wurdest du die gemacht, Blutprobe? (7,54), Diese Frau ist wirklich unangenehm, mit ihrerewigen Nörgelei, Zank und Streit. (2, 36)Endlich konnte er sich seinen Wert beweisen, Sophieswegen. (9,98)

Биринчи мисолдаги *die Blutprobe*с ўзи асосий гап бўлагида берилган *die* нинг маъносини аниқлаштириб келувчи бўлак сифатида, иккинчи мисолдаги *mit ihrerewigen Nörgelei, Zank, Streit* ва учинчи мисолдаги *Sophieswegen* асосий гап бўлагининг маъносини тўлдириб, конкретлаштириб, қўшимча маъно берувчи ажратилган бирликлардир. Агар биз берилган мисолларни ажратилган бўлаксиз ифодалаганимизда биринчидан, фикрни баён этишда сўзловчининг ҳеч канақа ҳис туйғуси сезилмайди, иккинчидан, тингловчининг диққат-эътиборини ўзига қаратадиган муҳим гап бўлаги йўқлиги сабабли фикр тўла якунланмагандек бўлиб кўринади:

Und hast du die gemacht?

Diese Frau ist wirklich unangenehm.

Endlich konnte er sich seinen Wert beweisen.

Берилган мисоллардаги *die Blutprobe; mit ihrerewigen Nörgelei, Zank, Streit; Sophieswegen* иборалари ёрдамида гапнинг маъноси кейинги берилган мисоллардагига қараганда нафақат гапнинг маъноси бир қанча аниқлаштирилган, балки тингловчига бу ҳақида аниқ маълумот берилиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида ҳам тўлиқ ахборот берилган.

Ажратилган тўлдирувчи ли бўлакнинг гап таркибига прагматик таъсири гапга ўзига хос ден отатив мазмунберишибўлибҳисобланади: асосий гап таркибидаги тўлдирувчи қўшимча бошқа тўлдирувчи сўзлар билан ифодаланади. Мазкур ажратилган бўлак гап грамматик структурасининг экспрессив имкониятларини кенгайтириш учун хизмат қилади.

Қўйидаги мисолда ажратилган гап бўлаклари мустақил баҳолаш характерига эга:*Aberder Aufgeregte beeiltemit Karla, demKätzchen.(1,.21)*Мисолда *Karla*нинг ички ҳолати ва бошдан кечирганлари аниқ тасвирланиши учун ажратилган бўлаклар ишлатилади.

Und schon lange Jahre, wo Du, mein alter Mensch, nach zehn jähriger Trennung wieder einmal an meiner Seite bist und mich wiedersehen willst, der aller geschickteste für diese Besuchsreise? (1, 22) Мисолнинг бошида шериклар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятини кўрсатадиган ифодаловчи бирликлар ишлатилган. Сўнгра мурожаат йўналтирилган шахсга алоҳида аҳамият берадиган субстантив номинация *mein alter Mensch* келади.

Матн маъноси ўз таркибидан тўлдирувчи ли бўлакларининг ажратилиши, гап тугаллангандан сўнг гапнинг охирида келиши, такрор берилиши ёки гапнинг асосий маъносига қўшимча қилиниши билан кенгайиб, конкретлаштирилиб борилади. Гап таркибидан бу каби қайси бир бўлакнинг ажратилиши, такрорланиши ёки қўшимча қилиниши билан гапнинг таркиби мураккаблашибгина қолмасдан, сўзнинг шакли ва маъноси ҳам ўзгариб, лексик-семантик маъноси теранлашиб боради. Гапда асосий “ахборотни фаоллаштирувчи“ сифатида тўлдирувчиларнинг ажратилиб берилиши нафақат нутқий бирликнинг луғавий ва прагматик маъносини, балки семантик структурасини денотатив маъно ва сўзловчининг коммуникатив мақсадини акс эттирувчи прагматик мазмундан иборат.

Демак, ўлдирувчиларнинг гап таркибида ажратилган бўлак сифатида бажариб келадиган прагматик маъноси сўзловчининг коммуникатив мақсадига боғлиқ бўлиб, бевосита сўзловчи ва тингловчининг нутқий

мулоқоти вазиятида юзага келади. Ажратилган тўлдирувчиларнинг нутқий мулоқот вазиятида фаоллашувини акс эттирувчи прагматик мазмун қўшимча маъно кўрсаткичларга ҳам эга бўлади. Бу кўрсаткичлар сўзловчининг маълум қилинаётган ахборотга муносабатини ифодалаб, коммуникатив мақсадга қўшимча конкретлаштирувчи маъно беради. Прагматик маъно кўпинча маълум турдаги гап таркибининг шаклланишига хос бўлади ва бу шаклланган гап таркибида у ёки бу гап аъзоларининг кенгайтирилган ҳолда берилиши кузатилади. Мазкур кенгайтирилган гап бўлаклари ёрдамида гапнинг прагматик маъноси контекстга боғлиқ ҳолда юзага келиши ҳам мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Ипполитова Н. А. Общая риторика: учеб. пособие. - М. 2013.-404 с.
2. Кобзева И. М. «Теория речевых актов» как один из вариантов теории речевой деятельности. В кн: Новое взарубежной лингвистике. Выш. 17,- М. Прогресс, 1986,-с.7-21
3. Сафаров Ш. С. Прагмалингвистика. –Тошкент, 2008. -318 б.
4. Формановская Н. И. Речевое общение: коммуникативно-прагматический подход. - М. Русский язык, 2002. – 213 с.
5. Altmann H. Formen der „Herausstellung» im Deutschen: Rechtsversetzung, Linksversetzung, Freies Thema und verwandte Konstruktionen// Linguistische Arbeiten. Tübingen: Niemeyer. 1981.-106S.
6. Engel U. Deutsche Grammatik//Heidelberg: Julius Groos Verlag, 1996. — 888 S.
7. Leech G. Principles of pragmatics. –London; New-York, 1983.-250 p

Гап таркибидаги ажратилган бўлакларнинг коммуникатив-прагматик функциялари

Мамбетниязова А. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада ажратиш ҳодисаси гап таркибини мураккаблаштирувчи синтактик восита сифатида кўриб чиқилади. Ажратилган бўлакларга ўзаро фикр алмашинув жараёнида коммуникатив конкретлаштирувчи восита сифатида ўхига хос эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: синтаксис, синтактик боғлиқлик, гап, ажратилган бўлак, тема, рема, гапнинг актуал аъзолари

Коммуникативно-прагматические функции обособленных членов в структуре предложения

МамбетниязоваА.Каракалпакский государственный университет

Резюме. В данной статье рассматривается один из аспектов синтаксической структуры предложения – обособление, как синтаксический прием, связанный с усложнением структуры предложения. Особое внимание уделяется понятию предложения как минимальной коммуникативной единицы, обладающей определенной коммуникативной нагрузкой, а также средствам конкретизации этой нагрузки.

Ключевые слова: синтаксис, синтаксическая связь, предложение, обособление, тема, рема, актуальное членение предложения.

Communicative-pragmatic functions of detached parts in the structure of a sentence

Mambetniyazova A. Karakalpak State University

Summary. The paper highlights one of the aspects of the syntactical structure of a sentence – detachment as a syntactical method that is connected with sentence structure. It also focuses on the notion of a sentence as a minimal communicative unit with a certain communicative meaning and also on means of a specification of this meaning.

Key words: syntax, syntactical connection, sentence, detachment, theme, rheme, actual division of a sentence.

КОРЕЙС АДАБИЁТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Сайдазимова У.Т.

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январда муҳим тарихий сана – Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлари ўрнатилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан Корея Республикаси раҳбариятини табриклар экан, икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч, очиқлик ва ҳамфикрлик қарор топгани, бу турли соҳаларда, жумладан, маданий-гуманитар соҳада ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини катта мамнуният билан таъкидлади.[7]Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликнинг чуқурлашувида маданий алоқалар муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда корейс тили, маданияти, адабиёти ва тарихига қизиқиш кучайиб бораётгани ҳам ана шу маданий-маърифий ҳамкорлик алоқалари билан изоҳланади.

Мамлакатимизнинг, айниқса, Корея Республикаси билан муносабатлари ҳар томонлама фаол ривожланмоқда, улар янги инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, маданий тадбирларни ўтказиш каби муҳим соҳалар ривожида ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Айни вақтда, Ўзбекистон илмий жамоатчилигининг корейс халқи ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган Жанубий Корея тарихи, маданияти, адабиётшунослигига бўлган қизиқиши кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон маданияти сингари Корея маданияти ҳам умуминсоний маданият хазинасига улкан ҳисса қўшган. Унинг анъанавий маънавий қадриятлари инсонни камолот чўққиларига кўтариш, уни дунёнинг ранг-баранглигини англаб етиш, шу асосда ўз дунёқараши ва борлиқ ҳақидаги тасаввурларини такомиллаштираётган шахс сифатида камол топтириш учун имконият яратади. Ўзбек тадқиқотчиларининг ўрта аср корейс адабиётининг ривожланиши муаммоларини ўрганиш, унинг энг сара намуналари, диний-фалсафий таълимотлар – конфуцийчилик, буддизм ва даосизмнинг адабиётга таъсири, халқ оғзаки ижодидаги мифологик анъаналарнинг ролини таҳлил қилишга бағишланган айрим тадқиқотлар маълум. Юқорида тилга олинган масалалар ўзбек корейсшунос тадқиқотчилари (У.Т. Сайдазимова, О.В. Кон, З.С. Бабаева, Л.М. Сим, Л.Б. Хван ва бошқалар) томонидан даврий нашрларда эълон қилинган мақолалар мазмунида акс этган бўлиб, кўпроқ умумий хусусият касб этган.[2]Уларда асар бош қаҳрамони образининг эволюцияси кузатилган, жамият ва

шахслараро муносабат масалалари, корейс халқи тафаккуридан мустаҳкам ўрин олган уч етакчи диний-фалсафий таълимот – конфуцийчилик, буддизм ва даосизмларнинг роли каби масалалар ўрганилган.

Мустақил Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама чуқурлашаётган бугунги кунда корейс халқининг анъанавий урф-одатлари ва миллий маданияти жозибасига мамлакатимиз илмий жамоатчилигининг қизиқиши кучайиб бормоқда. Бир қатор илмий тадқиқотларда инсон камолотининг бош шарти бўлган жамият ва табиат ўртасидаги уйғунликка эришиш имконияти очиб берилмоқда[3] Л.Б. Хван ва Б.С. Лиларнинг «*Корея ва Ўзбекистоннинг маданий ҳамкорлиги*» номли монографияси шундай муҳим тадқиқотлар жумласига киради. Мазкур тадқиқот муаллифлари корейс халқи анъанавий маданиятининг аҳамиятини ёритар эканлар, ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлиги ва инсонни маданият воситаси орқали шахс сифатида камол топтиришда адабиётнинг роли муҳимлигини асослайдилар.

В.Н. Ким, У.Т. Сайдазимова, И.Л. Паклар ҳамкорлигида тайёрланган «*Ўрганилаётган мамлакат адабиёти (Корея)*» ўқув қўлланмаси эса корейс адабиётини даврлаштириш, ўрта аср адабиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Муаллифлар корейс анъанавий адабиётининг ривожланиш тарихини кузатар экан, муайян адабий даврнинг етакчи шахслари – айрим ёзувчилар ижодини тушунтиришга, ўрта аср корейс адабиётининг ўзига хос ва бетакрор сўз санъати ҳақида маълумот берадилар. Хусусан, халқ оғзаки ижоди, мифология анъаналаридан фойдаланиш, оила-маиший соҳадаги одатлар, диний маросимлар Осмон подшосини мадҳ этиш, давлат асосчилари ҳақида афсоналар каби масалаларни ўзида акс эттирган Уч подшолик ва Силла даври, тарихшунослик обидалари алоҳида ўрин тутадиган, расмий ва норасмий тарихий асарлар пайдо бўлган, илк корейс новелласи ҳақида маълумот берувчи Корё даври, барча соҳалар қатори адабиёт оламида ҳам тараққиёт юз берган, бошқа даврлардан янги жанрлар таркибидаги сифат ўзгаришлар билан ажралиб турадиган Чосон сулоласи даврининг асосий хусусиятларини аниқлашга диққатни қаратади.

2013 йили Тошкент давлат шарқшунослик университети (собиқ институти) Корейс филоогияси кафедраси профессор-ўқитувчилари, Бердақ номидаги Нукус давлат университети профессори Корея Республикасининг Корея Фаундейшин фонди гранти доирасида «*Классик корейс насри антологияси*,[4]«*Классик корейс шеърияти антологияси*»**,[5]** 2014 йили эса «*Замонавий корейс насри антологияси*»**[6]**, «Замонавий корейс шеърияти антологияси» лари чоп этилди.

«Классик корейс насри антологияси»га мумтоз давр корейс адабиётини сулолалар бўйича даврлаштириш тамойилига кўра, илк адабиёт (Х асргача бўлганУч давлат ва Силла даври адабиёти); Корё сулоласидаври адабиёти (Х-XIVасрлар); Чосон (Ли) сулоласи даври адабиёти (XIV асрнинг охири XIX асрлар) тарзида мазкур даврга тегишли бадиий насрдан намуналар киритилган. Хусусан, давлат асосчилар ҳақида афсоналар, Чосон сулоласи даври адабиётида пхесол тўпламлари матнлари, биринчи корейс новеллисти Ким Сисип қаламига мансуб асарлар, Лим Же сатирик қиссаси, илк корейс романи «*Тўққиз кишининг булутли туши*», сосол насрий асарлар туркумига кирувчи мумтоз корейс қиссаси намуналари бўлган «*Хон Кил Дон ҳақида қисса*», «*Чхунхян ҳақида қисса*», «*Хинбу ҳақида қисса*»ва ҳ.к.лар. Шу билан бирга антологияга Ким Бусик тарихий асари таркибига киритилган қатор асар матнлари киритилган, матнни беришдан олдин унинг ғоявий мазмуни, бадиий ва жанрга оид хусусиятлари таҳлил қилинган. Антология якунида ҳар бир давр асарларига берилган шарҳлар алоҳида қимматга эга.

«*Классик корейс шеърияти антологияси*»дан эса мантиқий жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қисқа қўшиқлар, хянга ва корё каё, корё қўшиқлари ва илк сижолар, насрий сижолар ўрин эгаллаган. Янги сижо, чан-сижо, каса каби янги шеърий жанрларнинг тавсифлари келтирилган.Антология бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тўртта алоҳида бўлимдан ташкил топган. 1 Қадимги давр шеърияти. Хянга ва Корё каё. 2. Корё шеърияти. 3. Чосон шеърияти. 4. Навосоз сатрлар. Тўпламга киритилган барча корейс шеърияти бадиий адабиётнинг бир тури сифатида барча қонуниятларни ўзида мужассам этган. Шоир «қалби» асосига қурилган корейс шеърияти фикрнинг теранлиги, муаллифнинг ҳис-туйғулари, шоир ички кечинмалари билан ажралиб туради. Корейс шеърияти моҳиятини тушунишда В.Д. Сквозниковнинг: «*Шоирнинг эмоционал жиҳатдан тўйинтирилган ички кечинмалар образида ўз ифодасини топган фикр-ўйлари лирик шеъриятнинг асосини ташкил этади*»[6], деган фикрлари ўз тасдиғини топади.Антологияга киритилган мумтоз давр корейс шеъриятининг етакчи мавзулари – ҳукмдорга садоқат, ватанпарварлик, муҳаббат, табиат, ота-онанинг муқаддаслиги, дўстлик ва ҳ.к.лардан иборат.

Корейсшунос олимлар М. В. Солдатова ва К. А. Пакнинг нуқтаи назарларига кўра, янги корейс насри: 1910-йиллар насри; 1920-йиллар насри; 1930-1945-йиллар насри; 1950-йилларгача бўлган хаос ва мафкуравий курашлар даври тарзида даврлаштирилган. «*Замонавий корейс насри антологияси*»дан ўрин олган ҳикоялар янги корейс насрининг даврлаштирилиши шартли характерга эга 1910-1950-йиллар кесимида жойлаштирилган.

Антологияга киритилган ёзувчиларнинг ижодида рус ёзувчиси А. П. Чехов ижодига хос импрессионистик тенденциялар, хусусан, «*қаҳрамон ҳаётида юз берган ҳодисалардан кўпроқ муаллиф диққат марказида турувчи ҳис-туйғулар, персонажлар кайфияти, руҳиятининг тез ўзгариши, безовталик ва бундай ҳолатларнинг чуқурлашиб бориши*»ни кузатиш мумкин. Янги насрнинг специфик хусусияти унинг ҳам мазмунида, ҳам шаклида намоён бўлди.

Янги наср тематикаси муаллифларнинг ҳақиқий ватанпарварлиги, фуқаролик туйғулари, олий даражадаги ижтимоийлик, истибдод шароитида турли табақадаги инсонлар — ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг кундалик ҳаётга эътиборли қарашлари, ишқ-муҳаббат, оила, таълим, иш, дин-диёнат, маънавият, анъанавий оилавий урф-одатлар, деспотизм унсури бўлган феодал сарқитларга асосланган муҳим ижтимоий ва маънавий турмуш шарт-

шароитлари, персонажлар яшаган моддий-маиший муҳит тақозоси билан демократик йўлдан боришга интилишлар билан белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, янги насрнинг етакчи мавзулари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: мамлакат ва халқнинг қулликка тушиши, зулмат, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумлиги, тафаккурнинг қотиб қолганлиги, маънавиятнинг чўкиши; ишқ-муҳаббат мавзуси, хотин-қизларнинг оғир турмуши, ижтимоий тенгсизлик ва ҳ. к. Ана шу мавзулардан энг асосийси қаҳрамонларнинг маънавий уйғониши, интеллектуал тараққиёт, таълим олишга интилиш, илм-фан чўққилари сари интилишлари мавзусидир. Бу мавзуларнинг очиб берилиши она тупроққа бўлган ҳаққоний севги, халққа юракдан ҳамдардлик руҳи билан суғорилган.

Ижтимоий қарама-қарши қарашлар, интилишлар ёки манфаатлар тўқнашувининг маънавий аспектларга кўчирилиши, қаҳрамон ҳаётидаги фожиавий вазиятларнинг қаҳрамоннинг шахсий кечинмалари, туйғулари контекстига киритилиши, ички монологлардан фойдаланишга асосланган чуқур психологизм, уйқу мотивлари, мактуб, турли предмет деталлари, интерер тасвири, табиат тасвири, публисистик хусусиятлар, универсализмга интилиш, интертекстуаллик, реминиссенсия, пичинг ва ҳ. к. янги корейс насрининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади. Япон истибдодининг шафқатсизликлари, у келтирган фожиалар туфайли инсонларнинг орзу-умидларининг чил-парчин бўлиши, мотам, изтироблар ва буларга қарши норозилик, японлар олиб борган мустамлакачилик сиёсатига қарши ўзига хос қасос сифатида қабул қилинувчи қаҳрамоннинг ўлими, озодлик рамзи, халқнинг букилмас иродаси, инсон ҳаётининг ҳаққоний мазмуни ва воқеликнинг асл ижтимоий табиатини фош қилиш, ижтимоий шарт-шароитлар туфайли юзага келган 1910-1950-йиллар насрининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Тўпламдаги асарларни ҳикоя қилиш шакллари ўзининг ранго-ранглиги билан алоҳида ажралиб туради – Ким Донинниng «*Бир сават батат*», Хён Жингоннинг «*Омадли кун*», Ке Ёнмукнинг «*Адада*», Ли Хёсокнинг «*Маржумак гуллаганд*а», «*Хаёлот клуби*» ва бошқа асарларда акс эттирилган воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамонлар ҳақида сўзловчи ҳикоячи-муаллифлар алоҳида эътиборни ўзига жалб этади.

Янги насрнинг энг муҳим ўзига хослиги тарихий воқелик, ёзувчининг дунёни англаши, унинг мафкуравий қарашлари билан боғлиқ. Бу эса яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим каби қарама-қарши тушунчалардан фойдаланиш, тасвирнинг бинар усулини қўллаш, буддавийлик, насронийлик каби диний идеалларнинг тарғиб қилиниши, аҳмоқона одатлар (йўлдан озиш, ароқхўрлик, енгилтаклик каби)да намоён бўлади.

Услубий хусусиятларнинг асар концепцияси, жанр хусусиятлари билан мутаносиблиги янги насрнинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Шубҳасиз, янги наср ўз тараққиёти мобайнида миллий адабиёт ва халқ оғзаки ижоди анъаналари таъсиридан истифода этади. Ватанпарварлик ва фуқаролик туйғуси, ижтимоий тенгсизликка қарши норозилик, қадимги мумтоз адабиётга хос фош қилувчи ҳажвий тенденциялар янги насрнинг энг сара намуналарида ўз ифодасини топади.

«*Замонавий корейс шеърияти антологияси*»га киритилган янги шеърият ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан мукаммал даражада шаклланлиги, бу бадиий асарларда ўз ифодасини топганлиги кузатилади. Дарҳақиқат, замонавий шеъриятга ўтиш давр талабига айланган эди. Бу хусусда М. В. Солдатованинг қуйидаги сўзларини келтириш жоиз: «*Янги лексика, янги ритмик тасвирлар ва «чханга» образлари XIX аср охири ва XX аср бошида корейс шеъриятида «эркин шеър»нинг ўз ўрнини топишига кенг йўл очиб берди. Беш-етти бўғинли сатрларнинг кетма-кет келишига асосланган янги япон шеърияти таъсири остида юзага келган «янги шеър» бу йўналишдаги муваққат шакллардан бири эди. «Эркин шеър» даврига ўтиш муносабати билан, маълум маънода, шоирларнинг «йўллари очилди», зеро «эркин шеър» верлибр (фран. верс либре) дегани ўлчов ва қофияга эга бўлмаган, насрдан шеър парчаларининг бўлиниши хусусиятига кўра фарқ қилувчи шакл эди*».

Эркин шеър ўзига хос янги ифодавийлик бахш этади, чунки унда ритм қандайдир муайян бир ҳодиса учун «мослашади» (Маяковский В. В.). Табиатдаги образларининг хусусийлашувчи, шунингдек, шоирларга халқ фожиаси, унинг мотамсаро руҳи, фуқаролик туйғуларини аниқ очиб беришга кўмак берувчи халқ рамзлари, истиора, ўхшатишлар, анафоралар, мурожаатлар, сўроқ ва ундов гаплар ва шунга ўхшаш усуллардан кенг кўламда фойдаланилганлик янги шеъриятнинг алоҳида фарқловчи хусусиятларидандир.

Ҳозирги замон кореяшунослигида янги давр шеърияти қуйидаги даврларга бўлиб ўрганилади: XX асрнинг 1910-йиллари шеърияти; XX асрнинг 1920-йиллари шеърияти; 1930-1945 йиллар шеърияти; 1950 йиллар – хаос ва мафкуравий кураш даври шеърияти.

У. Сайдазимова, Чой Со Ёнг, Л. Хван ва бошқалар томонидан тайёрланган «*Корейс адабиёти*» ўқув қўлланмасида ҳам Кореянинг адабий-маданий ҳаётига хос жараёнлар ўз ифодасини топган. Қўлланмага кўпгина манбалар жалб этилганбўлиб, у корейс адабиётининг, жумладан, Чосон даври насрининг ўзига хослиги, унинг бадиий хусусиятлари, адабий жанрлар эволюцияси, ўша даврда яратилган асарларда ўз аксини топган тарихий воқеликни теран англаб етишга ёрдам беради. Шу билан бирга ўқув қўлланманинг иккинчи боби замонавий корейс адабиётининг асосий ривожланиш тенденциялари, Ғарб адабиёти ва санъатининг янги давр насри ва назмига таъсири масалалари, янги мактаб ва йўналишлар, ҳар бир мактаб вакили – давр ижодкори ҳақида маълумот беради.

Бироқ ҳозирга қадар мумтоз ва замонавий давр корейс адабиётининг кўпгина муаммолари, хусусан, мазкур даврларда яратилган қисса ва романларда адабий-эстетик тамойиллар яхлит таҳлил қилинмагани, жамият ва ижтимоий тараққиёт уйғунликда ўрганилмагани, умуминсоний қадриятларга таъсир кўрсатган уч диний-фалсафий таълимот масалалари чуқур таҳлил қилинмаган. Мумтоз ва замонавий корейс насрининг адабий-эстетик тамойилларини умуминсоний қадриятлар асосида янада муфассал тадқиқ этишга эҳтиёж бор. Бундай тадқиқот корейс адабиётида юз берган, унинг ўзгариши ва такомиллашуви билан боғлиқ бўлган серқирра жараёнларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунишга ёрдам беради.

2014 йил Жанубий Кореялик тадқиқотчи ИнгЁнг О ўзбек-корейс адабий алоқалари, хусусан, икки халқ фольклорини қиёсий-типологик ракурсда тадқиқ қилди[7]. Мазкур тадқиқот ишида ўзбек халқининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги бўлган «*Алпомиш*» достонида кўтарилган она Ватанга муҳаббат, халқ фаровонлиги йўлида мард ўғлонлар кураши масалалари тадқиқотчи томонидан алоҳида қайд этиб ўтилган. Достонда етакчилик қилувчи ватанпарварлик, бирдамлик, бунёдкорлик ғоялари корейс халқ эпоси «*Жумўнг*»да ҳам ўз аксини топгани қиёсий ўрганилган. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан мазкур асарга берилган юксак баҳо: «*Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган. Шу маънода халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агар халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи тугунмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана ўша достоннинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади*» ўз тасдиғини топади.

Тадқиқотчи ўз ишида халқ бадиий тафаккури ҳар икки халқ достонига сингдирилганлиги, ҳар икки достон замирида, асарлар сюжетида асосий мотивлар Марказий Осиёда яшаган қадимги туркийларнинг эпик анъаналарга бориб тақалиши, корейс қаҳрамонлик достонининг шомон қўшиқчилиги анъаналари билан боғлиқлиги масалалари тадқиқ этилган.

2015 йил Койка ташкилоти волонтёри Ким Хён Ёнг ва кафедра иқтидорли талабалари томонидан «*Корейс адабиётидан танланган асарлар*»[8] тўплами нашрдан чиқарилди. Тўплам тўрт қисмдан иборат:. 1. Сижо. 2. Классик наср. 3. Замонавий шеърият. 4. Замонавий наср. Тўпламга «*Классик корейс насри антологияси*», «*Классик корейс шеърияти антологияси*», «*Замонавий корейс насри антологияси*», «*Замонавий корейс шеърияти антологияси*»ларига киритилмаган сижолар, классик корейс насри намуналарининг бошқа вариантлари, замонавий наср намуналари киритилган. Замонавий насрда фуқаролар уруши даври ва янги давр ижодкорлари қаламига мансуб асарларнинг киритилиши, ҳар бир ижодкор ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар тўпламга алоҳида қиммат бағишлайди.

Бугунги кунда корейс насрининг маънавий-эстетик концепцияларини тадқиқ этиш нафақат корейс халқи миллий маънавияти ҳақидаги билимларни бойитади, балки икки томонлама муносабатларнинг чуқурлашувига таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида адабиётшунослик соҳасида ҳам тадқиқотлар доирасини кенгайтириш имкониятини беради. 2019 йил Ўзбекистонда амалга оширилган «*XVII-XVIII асарлар корейс насрининг маънавий-эстетик концепциялари*»[9] тадқиқот ишида XVII–XVIII асрлар корейс адабиётига таъсир кўрсатган конфуцийчилик, даосизм, буддизм каби диний қараш ва таълимотларга асосланиб корейс насрида миллий ғоянинг ифодаланиши, корейс насрида миллий менталлик феномени бўлган: ҳурмат категорияси *хё,* итоаткорлик, кўнгли очиқлик, некбинлик сифатларини кўрсатувчи *хан,* яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва садоқат, юксаклик ва тубанлик каби маънавий-эстетик категориялар, озодлик концепти, идеал ҳаёт ва идеал қаҳрамонлар ҳақидаги тасаввурларнинг моҳияти асосланган.

Шунингдек, ишда *сосол* насрий асарлар туркумига кирувчи асарларнинг *пхэсол* кичик насрий асарлар асосида юзага келганлиги, Пак Чи Вон асарларида сирхак ҳаракатининг ватанпарварлик ғоялари, маънавий қадриятлар, олижаноблик, инсонийлик фазилатлариустунлик қилиши, Ким Манжуннинг «*Са хонимнинг жануб бўйлаб саргардонликлари*» ва «*Тўққиз кишининг булутли туши*» романларида корейс халқига хос дунёқарашнинг икки тенденцияси – одиллик ва шахснинг ички уйғунлиги намоён бўлиши ҳамда давлат аҳамиятига молик муаммолар шахсий муаммолардан устунлиги каби масалалар чуқур ёритилган.

XVII–XVIII асрлар корейс насри поэтикаси ва унга хос «шартли гўзаллик» ўрнига моддийлашган табиат тасвири, образларни тавсифлаш ва тасвирлашда табиат манзараларидан кенг фойдаланиш, инсоннинг табиатдаги ўрнини аниқлаш, қаҳрамонлар тасаввурида оламнинг маконларга бўлиниши каби адабий анъаналар янгиланган бадиий воситалар орқали акс эттирилиши каби масалалар ҳам қамраб олинган.2020 йил чоп этилган «Мутахассисликнинг назарий масалалари»[10] дарслигижуда ҳам кенг қамровли маълумотлар асосида тузилган бўлиб, илмий майдонда корейс адабиётининг муҳим масалалари, мумтоз ва замонавий давр адабиётини даврлаштириш муаммолари, жанрларнинг ривожланиш қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари, жанр ва услубнинг мунозарали масалалари, турли бадиий – ифодавий воситаларни ўрганиш усуллари ҳақидаги илмий адабиёт юзага келганлиги билан изоҳланади. Дарслик муаллифи корейс адабиётшунослиги масалалари, бадиий асар тили, услуби, жанр хусусияти, насрий ва назмий жанрлар доирасида илмий муаммолар ва уларни таҳлил қилиш, корейс адабиётшунослигида долзарб масалаларни ажратиб кўрсатиш ҳақида маълумот беради.

Корейс маданиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган бадиий адабиёт инсон фаолиятидаги маънавий қадриятни ўз ичига олади. Бадиий адабиёт маънавий қадриятларни англаб етиш учун замин яратадиган мураккаб адабий-маданий жараёнлар ва ҳодисаларни ёритиш учун хизмат қилди. Корейс адабиёти ўз халқи маданиятининг асосини ташкил этади, ўзи яратилган даврни акс эттиришнинг муҳим манбаига, жамият тараққиёти жараёнига, унинг муаммолари ва зарурийвазифаларига хизмат қилади, бу эса унинг ривожланиш хусусиятларини белгилайди. Мумтоз ва замонавий корейс насри ижтимоий-тарихий ҳаётида юз берган мафкуравий жараёнларнигина эмас, балки конфуцийчилик анъаналарига содиқ бўлган ва бош мезон – ўз асарларининг тарбиявий ролидан келиб чиққан ёзувчилар қарашларини ҳам акс эттиргани билан тавсифланади. Миллий руҳ халқ оғзаки шеъриятида ўз ифодасини топган. Бир вақтнинг ўзида – қадимий корейс ва хитой адабиётидан ўзлаштирилган адабиётнинг икки қатлами ривожланган, улар бир-биридан алоҳида ажратилмаган, аксинча – бир-бирига таъсир кўрсатган, ривожланишнинг битмас-туганмас манбаига айланган.

Бугунги кунда корейс адабиёти Ўзбекистонда кенг ўрганилмоқда, қатор таржималар, ўқув қўлланма ва дарсликлар яратилмоқда. Аммо баъзи бир муаммолар ўз ечимини кутмоқда:Мумтоз ва замонавий давр корейс адабиётининг бадиий хусусиятлари, адабий жанр шаклларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, асарларда корейс халқининг дунёқараши, тарихий воқелик, ижтимоий ривожланишнинг турли босқичларида Корея ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ўзига хосликларининг ифодаланиши тавсифига бағишланган, шунингдек, Корея таниқли ёзувчилари ва шоирлари асарларининг маънолари корейс адабиининг умумэътироф этилган даврий таснифига мувофиқ хронологик тартибда жойлаштирилган хрестоматиялар ҳозирча етарли эмас.Корейс адабиётида янги шаклларни топиш йўлидаги изланишлар тарихий ва географик хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг шахсий ҳаёти, унинг ҳиссиёт ва кечинмаларини тавсифловчи – кундаликлар махсус монографик планда ўрганилмаган.Корейс насрида *хё* номи остида маълум бўлган ота-онага ҳурмат категорияси муҳим роль ўйнайдиган асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. *Хё* категорияси ўрта асрлар Корея маданияти ҳақидаги тасаввурларнинг туб маъносига етиш учунгина эмас, халқнинг миллий менталлиги феномени сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Катталарга ҳурмат-эҳтиром, бурчга садоқат, миллий урф-одатлар, удум ва анъаналар ҳамда халқнинг диний маросимлариўз ифодасини топган замонавий корейс насри ўз тадқиқини кутмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Бабаева З.С. Развитие искусства Кореи и Узбекистана // Проблемы корееведения в Узбекистане. – Т., 2009.
2. Zamonaviy koreys nasri antologiyasi. Tuzuvchi va nashrga tayyorlovchilar: Saydazimova U.T., Choy So Yong va boshq. – Toshkent.«Istiqlol» nashriyoti. 2014.
3. Zamonaviy koreys she’riyati antologiyasi. Tuzuvchi va nashrga tayyorlovchilar: Saydazimova U.T., Choy So Yong va boshq. – Toshkent. «Istiqlol» nashriyoti. 2014.
4. ИнгЁнг О. «Алпомиш» ва «Жумўнг» достонларининг қиёсий типологияси. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т. Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти, 2014.
5. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т. Ўзбекистон, 1999
6. Kim V.N., Saydazimova U.T., Pak I.L. Tili o‘rganilayotgan mamlakat adabiyoti (Koreya). o‘quv. qo‘l. – T., 2013.
7. Klassik koreys nasri antologiyasi. Tuzuvchi va nashrga tayyorlovchilar: Saydazimova U.T., Choy So Yong va boshq. – Toshkent «Istiqlol» nashriyoti. 2013.
8. Klassik koreys she’riyati antologiyasi. Tuzuvchi va nashrga tayyorlovchilar:
9. Saydazimova U.T., Choy So Yong va boshq. – Toshkent «Istiqlol» nashriyoti. 2013.
10. Кон О.В. Эстетика корейской классической повести XVII – XIX вв. // Проблемы корееведения в Узбекистане. – Т., 2009.
11. Koreys adabiyoti (qadimdan – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr) Tuzuvchilar: Saydazimova U., Cho So Yong, Kim V.N. va boshq. – Toshkent. «Istiqlol», 2015.
12. Koreys adabiyotidan tanlangan asarlar/ Tarjimonlar: Mahkamova Yulduz va b…– Seoul/ Think-book, 2015.
13. СайдазимоваУ.Т. Геройиситуациивсредневековойкорейскойповести «ОХонГильдоне» // Вмирекорееведения. – Тошкент, «Фан», 2008.
14. Сайдазимова У.Т. «XVII-XVIII асарлар корейс насрининг маънавий-эстетик концепциялари». – Toshkent «Istiqlol» nashriyoti, 2018.
15. Saydazimova U.T. Mutaxassislikning nazariy masalalari. – T.: TDSHU, 2020. – 120 б.
16. Сим Л.М. Особенности корейского менталитета: прошлое в настоящем // Материалы VII Международной конференции по корееведению. – Т, 2007. – с. 109-120.
17. Сквозников В.Д. Лирика. Роды и жанры литературы. – М.: Наука, 1964.
18. Хван Л.Б. Культура как инструмент гуманизации социальных отношений, этнической и межэтнической консолидации (по материалам русской и корейской литературы // В мире корееведения. – Т.Фан, 2008 – с. 83-105
19. Хван Л.Б., Ли Б.С. Культурное сотрудничество Кореи и Узбекистана. Вып. IV. – Т., 2008.
20. novosti-uzbekistana.ru. 2017. 5 января.

Корейс адабиётининг ўзбекистонда ўрганилиши масаласига доир
Сайдазимова У. Т. Тошкент давлат шарқшунослик университети

Резюме. Корейс адабиёти Корея Республикасининг ўзида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тизимли равишда ўрганилди. Бу борада корейс адабиётшунослари Ко Жон Ок, Лю Чхан Сон тадқиқот ишлари эътиборга молик ҳисобланади. Бугунги кунда корейс адабиётининг долзарб масалаларига қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университетида олиб борилмоқда.

Таянч сўзлар: адабиёт,конфуцийчилик, буддизм, даосизм, жанр, концепция, инсон ва табиат

К вопросу изучения корейской литературы в Узбекистане
Сайдазимова У. Т. Ташкентский государственный университет востоковедения

Резюме. В Республике Корея систематическое изучение корейской литературы началось во второй половине XX века. В этом отношении заслуживают внимания исследования корейских литературоведов Ко Джон Ок и Лю Чан Сон. В настоящее время актуальные вопросы корейской литературы изучаются в ряде ведущих исследовательских центров и высших учебных заведений по всему миру, в том числе и в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Ключевые слова:литература, конфуцианство, буддизм, даосизм, жанр, концепция, человек и природа

On the study of Korean literature in Uzbekistan
Saydazimova U.T. Tashkent State University of Oriental Studies

Summary. Korean literature has been systematically studied in the Republic of Korea in the second half of the twentieth century. In this regard the research work of Korean literary critics Ko John Ok and Liu Chan Son is noteworthy. Today, research on topical issues of Korean literature is carried out by a number of leading research centers and higher education institutions in the world, including Tashkent State University of Oriental Studies.

Key words: literature, Confucianism, Buddhism, Taoism, genre, concept, man and nature

АКСИОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ИЗУЧЕНИЮ ПОСЛОВИЧНОЙ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЫ МИРА

Абдуллаева Р. Х.

Самаркандский государственный университет

Аксиологический аспект отношений между человеком и окружающей его реальностью закреплен его сознании и языке в виде ценностной картины мира, в центре внимания которой всегда находится личная оценка качества объектов и явлений действительности. Оценка определяет взгляд человека к физическому и психологическому, чувствам и эмоциям, мыслительной деятельности по отношению к себе и другим людям и объектам окружающего мира. Аксиологический подход активно развивался в лингвистических исследованиях Ю.Д. Апресяна, Н.Д. Арутюновой, В.И. Карасика и др. В настоящее время широко распространен тезис об аксиологической природе сознания человека, при этом основой когнитивной деятельности является оценка, а ценности отражают сущность культуры.

Ценность носит антропогенный характер и является результатов деятельности и оценки человеком. Ценность представляет собой положительное или отрицательное значение объектов окружающего мира для отдельного человека, социума, их интересов и потребностей, формируемых в рамках социального взаимодействия. При этом система ценностей отражает культурно и социально обусловленное восприятие мира и отношение к нему в соответствии с нормой или отклонения от нее. Объектом аксиологического подхода при изучении языковой картины мира является совокупность понятий «языковое сознание-культура-носители языка», предметом – язык как средство формирования, развития, выражения и передачи ценностей в рамках отдельных социальных групп и их представителей.

Антропоцентричность ценностей обусловлено тем, что в языке фиксируются интеллектуальные, эмоциональные характеристики, внутренние состояния, а также отношение к другому человеку и общности [1]. Основным объектом изучения в данном случае будет являться личность носителя языка, поскольку именно они используют язык, а существующие ценности оказывают влияние на их сознание. Значение лексической единицы находится в рамках семантической логики, являясь средством выражения качеств, отношений, характеристик, оценки в контексте индивидуально-личностной языковой картины мира [1].Аксиологический подход предусматривает выявление системы ценностей носителей языка в контексте определенной культуры, ее национально специфичных характеристик. Используя ценностное видение мира, человек формулирует оценочные суждения в отношении реалий его повседневной жизнедеятельности, осуществляет поиск моральных, нравственных, эстетических и этических принципов, что отражается в языке. Оценка не рассматривается вне ценностной системы и имеет культурное, национальное или историческое основание.

В работах Л.М. Васильева, Ю.Д. Апресян, В.Н. Телии, Н.А. Авгановой рассматривалась ценность с точки зрения возможности ее оценивания: надежность, сомнительность, достоверность, полезность, важность, эстетичность, этичность и т.д. в сравнении со стандартом, идеалами [4]. Таким образом, в результате отношений языковое сознание-ценность-носитель языка-стандарт/идеал формируется конечная оценка объекта.

В классификации Л.М. Васильева выделены значения оценочных суждений:модально оценочная лексика с точки зрения ценности возможности и необходимости;общеоценочные (хорошее/плохое, красивое/безобразное и т.д.);частнооценочные: а) рациональные, связанные с практическими интересами и потребностями, бытом (полезный/невыгодный, благоприятный/вредный); б) этические, отражающие социально определяемых нормы и стандарты, нравственные ценности (добрый/злой, честный/лживый); в) эстетические, выражающие удовлетворенность чувством красоты (красивый/безобразный), г) гедонистические, в основе которых лежат субъективные ощущения, впечатления, чувственный опыт (приятный/неприятный) (Л.М. Васильев). Существование ряда классификаций признаков оценки свидетельствует о возможности определить ее компоненты:метод оценки (абсолютная и сравнительная оценка);аксиологическая интерпретация (положительная и отрицательная оценка ценности);объект оценки (оценка свойств объектов и оценка ситуации, состояния дел, процессов и т.п.);основание оценки (оценка рациональная и эмоциональная) и т.д.

В национальной картине мира представлены ценностные установки, которые отражают отношение той или иной общности к явлениям действительности. Соответственно, картина мира есть результат познания человеком окружающей действительности, а познание включает в себя не только восприятие, переработку информации, но и оценку. У каждой национальной общности есть фоновые знания, концепты, стереотипы, которые закрепляются на уровне сознания и языка как общности, так и конкретного этноса [3].Аксиологический подход позволяет определить структуру и содержание процесса взаимодействия человека и окружающего мира, поскольку данный процесс социально обусловлен (человек живет и функционирует в социуме). Окружающий мир структурируется человеком с точки зрения его ценностного отношения к добру и злу, хорошему и плохому и т.п., что и отражается в языковом содержании [4].

Аксиологическая составляющая взаимодействия человека и окружающей его действительности фиксируется в сознании личности и языковых структурах в виде ценностной картины мира, в содержание которой входит совокупность знаний о стереотипных представлениях народа о внешнем мире, получивших одобрение и положительную оценку, а также с точки зрения существующих в конкретном этносе ценностей [6].

Исследование аксиологического подхода в контексте изучения ценностной картины мира широко представлено в работе В.И. Карасика. Автором выделены следующие специфические черты ценностной картины мира:наличие общечеловеческой и специфической составляющей (различия в номинации объектов,

оценочном отношении, комплексе ценностей); система взаимосвязанных оценочных суждений в сознании народа как носителя языка (религиозные, моральные, культурные и т.п.);наличие ассоциативных пересечений и совпадений ценностных представлений в культуре народа;всегда существуют ценностные смыслы, которые доминируют в определенной культуре, социальной / возрастной группе;существование на индивидуальном и коллективном сознании [6].

С точки зрения аксиологического подхода основным фактором, формирующим ценностную картину мира, является оценка как основной компонент ценностных представлений, существующих в каждой культуре: ценности как социально-психологические конструкты передаются новым поколениям и оцениваются ими по-разному;у каждого народа есть иерархично выстроенная система ценностей, выраженная в оценках; оценочное суждение формируется, исходя из предметной ценности объекта; в основе оценки лежит соотношение знаний, представлений человека и системой национально-культурных стереотипов;одна из содержательных сторон мировоззрения как ситсемы идеалов, которые определяют, каким должен быть окружающий мир. Исходя из данных определений, формирование ценностной картины мира осуществляется посредством взаимосвязи оценочных суждения на основе ассоциативной связи и концептуальных смыслов.

Следует отметить, что система преобладающих ценностей в сознании и языке складывается на протяжении разных исторических периодов и определяет пути развития отдельного народа, в процессе которых ценности способствовали выживанию народа как единого целого, формировали культурные границы и модели поведения [5]. В современной языковой пословичной картине мира широко распространена оценка социально-политических событий и реалий на государственном уровне. Общественно-политические ценности отражают отношение народа к своему социуму, к реалиям действительности [8].Оценка в языковой пословичной картине мира является основным средством отражения аксиологической составляющей в культурной сфере. При этом сама картина мира идеализируется, трансформируется и соотносится со шкалой оценок.

Язык неизменно отражает национальную культуру, олицетворяет оригинальность народа, описывает национальное видение мира. Культура, являясь совокупностью языка должна подвергаться анализу, при этом необходимо учитывать ее традиции. Развитие и сохранение в культуре основных ценностей способствуют формированию адекватных принципов жизни людей. Данные ценности воплощаются в языковых средствах, отражающие нерушимый смысл. Мыслительная деятельность человека передает и показывает специфичность менталитета, которая воспроизводится в языке. В связи с этим, пословицы и поговорки представляют собой полноценный действующий организм, характеризующий все изменения мира и общества.

Поскольку языковая пословичная картина формируется в языке (слово, текст, лексические средства и т.д.), то можно предположить, что данные лексические средства фиксируют в сознании и языке, а затем транслируют фоновые знания о национальной картине мира. Применение той или иной пословицы способствует выражению оценочного отношения человека со смысловой содержательностью, яркостью. Именно в пословицах отражается ценностная значимость предметов, явлений, реалий действительности. Соответственно, имплицитные грани стираются и приобретают эксплицитное содержание, основанное на аксиологическом отношении к окружающей реальности, и отражающее:критичность и объективность суждения;стихийность выражения; глубину смысла умозаключения [2].Исходя из того, что пословицы имеют долгую историю развития, сочетая в себе богатство литературы, искусства, языка, можно сделать вывод о том, что они аккумулируют культурные и языковые особенности. При этом стоит отметить, что высказывание переходи в категорию пословицы в том случае, когда соотносится с взглядами, мыслями, образом жизни общества.

Учитывая обусловленность пословиц культурными представлениями и стереотипами, суждение оформляется в языковой форме на основе соотнесения значения ключевых образов с ситуациями и явлениями реальности и фиксируется в форме оценки, что и является основанием для формирования ценностного отношения к предмету / явлению/ объекту оценки. Взаимодействие человека с окружающим миром неизбежно приводит к оценке человеком этого мира, что влечет за собой формирование ценностного видения мира. Ценностное отношение к окружающей действительности присутствует у каждого индивида [9]. Выражая собственные мнения о мире, человек постоянно рассматривает его через призму общечеловеческих и индивидуальных представлений о добре и зле (хорошем и плохом), создавая тем самым оценочные категории, отражающие вкусы, надежды, страхи и суеверия. Будучи выраженной языковыми средствами, оценка становится свойствами языковых элементов, то есть оценочностью, под которой понимается семантический признак, отражающий положительное или отрицательное отношение субъекта оценки к объекту (предметам окружающей действительности). С точки зрения субъекта разграничивают индивидуальные, групповые, этнические и общечеловеческие ценности, однако существует определенная базовая система ценностей, характеризующая нацию и определяемая общностью исторической судьбы, географическим пространством обитания, преимущественным характером хозяйственной деятельности и многими другими факторами.

Аксиологическое восприятие транслируется на события в социальной, личной жизни человека и социума и получает свое отражение в ценностной интерпретации мира, приобретая оценочный характер стереотипа, представления, закрепленного на разных уровнях языка. При этом оценочность в языковой пословичной картине мира имеет не только признаки оценочного отношения (хорошо/нормально/плохо), но и эмоциональное (приятно/неприятно), рациональное (полезно/вредно), аффективное (великолепно/безобразно и т. д.)

К примеру, иерархия ценностей в русской пословичной языковой картине мира представлена следующим образом [10]: морально-нравственные, практические, психологические и эстетические. С точки зрения

аксиологического подхода к изучению пословичной языковой картины мира можно сделать вывод о том, что пословицы фиксируют эмоциональное отношение коллективного носителя языка к предмету оценки. В то же время в пословичной языковой картине мира сохраняется и транслируется обобщение коллективного жизненного опыта, результат нравственного осмысления общественной деятельности, причинно-следственных связей, моделей поведения в ключевых ситуациях по отношению к важным для данной национально-культурной общности.

Таким образом, пословицы, отражающие эмоциональную оценку, позволяют определить наиболее приемлемые для данного народа признаки объекта/ситуации/явления и модели поведения как результат нравственного осмысления реальности. При этом пословичная языковая картина мира принимает участие в экспликации того набора ценностей, который был сформирован посредством распределения оценок по категориям.

ЛИТЕРАТУРА

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1999.
2. Богатырева И.И. Языковая картина мира. Режим доступа: http://www.portal-slovo.ru/philology/43646.php (03.11.2010)
3. Буряковская В.А. Признак этничности в семантике языка (на материале русского и английского языков): автореф.дис. ...к.фил.наук. – Волгоград, 2000.
4. Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – Москва, 2002.
5. Зверев О.В. Этническая картина мира как выражение менталитета этноса // Вестник МГУ КИ. – 2011. – № 4. – С.105-108.
6. Карасик В.И. Аксиогенная ситуация как единица ценностной картины мира // Политическая лингвистика. № 1. – 2014. – С.65-75
7. Кубрякова Е.С. Языковая картина мира как особый способ репрезентации образа мира в сознании человека. –2003.– № 4 (38).– С.2-12.
8. Леонтьев А.А. Языковое сознание и образ мира. – М., 1993. – С.16-21
9. Постовалова В. Картина мира в жизнедеятельности мира // Роль человеческого фактора в языке.– М., 1988.– С.8-17.
10. Ярцева К.В. Понятие «картина мира». Адаптивная функция картины мира // Вестник Северного федерального университета. Серия: Гуманитарные и социальные науки. – 2010. – № 4. – С. 87-90.

Dunyoning maqol lingvistik rasmini o'rganishga aksiologik yondashuv

Abdullaeva R. X. Samarqand davlat universiteti

Rezyume. Qadriyatlar lingvomadaniyatshunoslikning aksiologik tilshunoslikning istiqbolli yo'nalishida asosiy tushuncha bo'lib, hozirgi davrda o'zining shakllanish bosqichidadir. Qiymat – bu obyekt yoki hodisaga alohida shaxs yoki jamiyat tomonidan berilgan bahodir. Aksiologik tilshunoslik insonning nutqiy fikrlash faoliyatini bir vaqtning o'zida atrofdagi voqelikni o'zlashtirish va baholash jarayoni, to'plangan tajribani matnlar orqali moddiylashtirish jarayoni deb biladi. Shaxsning atrofdagi voqelik bilan munosabatining aksiologik jihati uning ongi va tilida dunyoning qimmatli tasviri ko'rinishida mustahkamlangan bo'lib, u xalqning kognitiv ongi tomonidan tashqi voqelik obyektlari va hodisalari qiymat ahamiyati to'g'risida shakllantirilgan tartibli bilimlar majmuasi hsoblanadi, shuningdek, etnik guruh vakillari o'rtasida ijobiy baho olgan tashqi dunyo haqidagi stereotipik g'oyalar majmuidir. Tildagi qadriyatlarni har tomonlama o'rganish dunyoning lisoniy tasviring tarkibiy qismi sifatida belgilangan dunyoning qiymat tasvirini o'rganish orqali amalga oshiriladi.

Kalit so'zlar: maqol va matallar, aksiologiya, qadriyatlar, antropotsentrizm, aksiologik yondashuv, dunyoning lisoniy maqol tasviri.

Аксиологический подход к изучению пословичной языковой картины мира

Абдуллаева Р.Х. Самаркандский государственный университет

Резюме. Ценности являются ключевым понятием в перспективном направлении лингвокультурологии аксиологической лингвистики, которая на современном этапе находится в стадии становления. Ценность есть суждение об оценке предмета или явления отдельным человеком или общества в целом. Аксиологическая лингвистика рассматривает речемыслительную деятельность человека как одновременный процесс освоения и оценивания окружающей действительности и материализацию накопленного опыта посредством текстов. Аксиологический аспект взаимоотношений личности с окружающей его реальностью, закрепляется в его сознании и языке в виде ценностной картины мира, которая является сформированной когнитивным сознанием народа упорядоченной совокупностью знаний о ценностной значимости объектов и явлений внешней действительности, а также как совокупностью стереотипных представлений о внешнем мире, получивших положительную оценку среди представителей этноса. Комплексное исследование ценностей в языке возможно при изучении ценностной картины мира, выделяемой как компонент языковой картины мира.

Ключевые слова: пословицы и поговорки, аксиология, ценности, антропоцентричность, аксиологический подход, языковая пословичная картина мира.

Axiological approach to the study of the proverbial linguistic picture of the world

Abdullaeva R.Kh. Samarkand State University

Summary. Values are a key concept in the promising direction of linguaculturology of axiological linguistics, which at the present stage is in its infancy. Value is a judgment about the assessment of an object or phenomenon by an individual person or society as a whole. Axiological linguistics considers human speech-thinking activity as a simultaneous process of mastering and evaluating the surrounding reality and the materialization of accumulated experience through texts. The axiological aspect of the relationship of a person with the surrounding reality is fixed in his consciousness and language in the form of a value picture of the world, which is an ordered body of knowledge formed by the cognitive consciousness of the people about the value significance of objects and phenomena of external reality, as well as a set of stereotypical ideas about the external world that have received a positive assessment among the representatives of the ethnic group. A comprehensive study of values in a language is possible when studying the value picture of the world, which is identified as a component of the linguistic picture of the world.

Key words: proverbs and sayings, axiology, values, anthropocentricity, axiological approach, linguistic proverbial picture of the world.

CAUSATIVE CONSTRUCTION IN THE ENGLISH AND KARAKALPAK LANGUAGES

Musaev A. A.
Karakalpak State University

Bessonov N.Yu. states that the category of causation is treated as a lexical parameter, indicating events or phenomena that generate other events or phenomena, verb category, functional-semantic, lexical and grammatical category expressing a wide range intraphrase relations, which can be broadly characterized as cause-effect relationship, as a universal linguistic category characterized by a wide range of means of expression in multi-structured languages.

The category of causation is expressed differently in the languages of the world. Some languages use analytical construction in order to indicate causative category whereas in some languages causatives are indicated by morphological means. Besides that, the category of causation can be expressed by lexical means as well and different languages use various means in expressing this category.

Languages vary considerably in the extent to which morphology is employed in expressing causative situations. In languages such as Turkish and Quechua a wide spectrum of event-types undergo morphology-based causativization processes; e.g., Turkish ol-dür 'kill/cause to die', kos-tur 'cause to run', ye-dir 'feed/cause to eat', oku-t 'cause to read'. On the other hand, languages like English lack productive causative morphology and instead contain a large number of transitive verbs that are causative in meaning but that defy morphological identification of a causative element; e.g., kill, open, widen, feed. [1.2]. Analytical causative construction is considered one of the way a causative situation can be expressed in English.Analytical causative constructions contain two separate lexical items corresponding to the two events of the causative situation. The first lexical item is a periphrastic (also analytical or overt) causative verb expressing the cause, such as English *make* in the following example:

*He made her cry.*The second item is usually the lexical verb expressing the resulting action or state. Although both notions of cause and effect are indicated by two distinct words, these words are inseparable from each other. The first word has all the grammatical properties of a main verb but limited semantics so that it requires the second non-finite verb, which carries the core lexical meaning. [2.10]

Besides the verb *make* there are such verbs as *let, have, get* which are supposed to serve as causal predicate, which denote the cause of the action. Actually, these periphrastic verbs are followed by non-finite form of the verb that serve as effected predicate.

In the given example below, causal predicate *make* is followed by bare infinitive without to where the word *laugh* represent effected predicate. *You make me laugh, Charlotte; but it is not sound.*[3.31]

Here causal predicate shows causation of the action while effected predicate illustrates the result. However, the structure of effected predicate can be different if causal predicate is used in passive voice like this:

I am made to laugh.

The structure of the causative verb *let* remains as the verb *make*.

You have delighted us long enough. Let the other young ladies have time to exhibit. (J.Austen. Pride and Prejudice. P 153.)

But, we can not use the causative verb *let* in passive, instead of *let* we use the verb *to allow* in passive form.

Young ladies were allowed to have time.

To‘rtinchidan, istiqlol davri fitratshunoslari adib dramalariga oid turfa xil qarashlarni qiyosiy o‘rganib, uning adabiy merosini qayta baholash zaruriyati borligini o‘z chiqishlari orqali asosladilar. Bunday ilmiy izlanishlar mobaynida jadid adabiyoti va dramaturgiya, milliy ozodlik g‘oyasi, matbuot va teatr, Fitrat dramalari poetikasi mavzulari doirasida adib asarlari tahlilga tortildi. Ayniqsa, I. G‘aniyevning «Fitrat dramalari poetikasi» nomli monografiyasi maxsus tadqiqot mahsuli ekanligi bilan e’tiborga loyiq. Umuman olganda, mustaqillikka erishilgandan so‘ng Fitrat dramalari turli munosabat bilan adabiyotshunoslar tomonidan o‘rganildi. Fitrat dramalarining janr xususiyatlari ozodlik g‘oyasi, erk tushunchasi, matbuot va teatr hamda adibning bizga qadar to‘liq matni yetib kelmagan pyesalari turli aspektda talqin qilindi. Masalan, I. G‘aniyev Fitrat dramalari bo‘yicha nomzodlik va doktorlik dissertatsiyasini himoya qildi. Dastlab «Fitratning tarixiy fojia yaratish» mavzusida «Abulfayzxon» pyesasi yuzasidan tadqiqot olib borgan bo‘lsa, doktorlik ishida Fitrat dramalarini kengroq o‘rganishni maqsad qildi, ya’ni adib dramalarining poetik xususiyatlari talqiniga qaratildi. Dissertatsiya Fitrat dramalarining janr poetikasi, badiiy adabiyotda makon va zamon muammosi, badiiy tasvir poetikasi, til va uslub kabi muammolar tahliliga qaratilgan. Adabiyotshunos mazkur muammolar talqini orqali adibning dramaturgiyaga doir asarlarining janr xususiyati obrazlar tabiati va ularda pafos, konflikt, badiiy nutq, zamon va makon kabilarning poetik matn to‘qimasiga tayanib, o‘z qarashlarini asoslashga kirishadi. Tadqiqotchi yozadi: «Fitrat hayoti va ijodining o‘rganilish tarixi va taqdiri ham murakkab kechdi. Fitrat ijodining u yoki bu qirrasiga oid dastlabki qaydlar 20 – 30 yillarda yaratilgan turli tarix, tazkira, bayoz, maqola, risola va tadqiqotlarda uchraydi» [1, 4]. Ko‘rinadiki, adabiyotshunos, birinchidan, dramalarning poetik o‘ziga xosligini yoritishda bizgacha yetib kelgan asarlar doirasida ish ko‘radi. Ikkinchidan, Fitratning adabiyotshunoslikka doir istilohlari atrofidagi munozaralarga oydinlik kiritishni maqsad qiladi. «Abulfayzxon»ning fojia deb nomlanishi adabiyotshunoslar oldiga bu pyesa tragediyami degan savolni ko‘ndalang qo‘ygan edi. Shu sabab kimdir bunday pyesalarni drama janriga mansub desa, yana birovi tragediyadeb da’vo qilar edi. Bu borada I. G‘aniyev quyidagicha yozadi: «Abulfayzxon»ni tragediya sifatida saqlab *turuvchi umurtqa pog‘onasi ham Abulfayzxonning «tragediya janriga yirik va kuchli kurashchi, o‘z maqsadi yo‘lidagi qarshiliklardan tap tortmovchi yaxlit xarakter» ekanligida emas, balki aynan o‘shanday shaxs emasligida, aynan ana shunday qat’iyatsiz, johil, qonxo‘r kishining butun boshli xalq ustidan hukm yurgizganligida, elu yurt masalasi bir yoqda qolib, nuqul maishat va yovuzliklar bilan mashg‘ul bo‘lganligida, ...yillar davomida hosil qilingan jamiki orzu-a’mollarni ag‘dar-to‘ntar qilib tashlashidadi»[1.14-15]*. Adabiyotshunos Fitratning pyesalarini janrlarga ajratishda jahon dramaturgiyasiga doir ilmiy-nazariy xulosalar va ulardagi konflikt va pafos muammolarini yoritish orqali tegishli tashxis qo‘yadi. «Abulfayzxon», «Shaytonning tangriga isyoni», «Temur sag‘anasi» pyesalaridagi konflikt va pafos muammolari drama so‘ngida ham hal bo‘lmagani tragik vaziyatni yuzaga keltirgani ta’kidlansa, «Chin sevish», «Hind ixtilolchilari» qahramonlari jismonan halok bo‘lsa-da, ularning orzu-maqsadlari, ezgu niyatlari barhayot qolishiga ishora qilinadi. «Chin sevish», «Hind ixtilolchilari»da qahramonlarning hayoti nechog‘lik tasodifiy voqea va hodisalarga duch kelmasin (masalan, Dilnavozning O‘kunar tomonidan o‘ldirilayotgan ayni lahzada niqoblilar tomonidan qutqarilishi. Nuriddinning tasodifan zindonda ko‘zadagi zaharni ichmasligi), ayrim sahnalardagi dialog va mogolog qanchalik romantik, hayotiylikdan yiroq bo‘lmasin, baribir, ular o‘zimiz har qadamda ko‘rib-bilib yurgan kishilardir. Bu esa mazkur ikki pyesaning drama ekanligini yana bir karra tasdiqlaydi» [1.21]

Umuman olganda, I. G‘aniyev o‘zining «Fitrat dramalari poetikasi» nomli monografiyasida adib dramalarining janr xususiyatlarini belgilashda 3 jihatga e’tibor qaratadi: 1. Fitrat dramalari badiiyati; 2. Muallifning dramaturgiyaga oid nazariy qarashlari; 3. Jahon nazariyotchilarining dramatik turga tegishli ilmiy-nazariy qarashlariga tayaniladi.

Olim monografiyaning keyingi fasllarida o‘z qarashlarini kengroq yoritishga kirishadi. Badiiy pafosning dramatik, tragik va komik turlarini farqlab, pyesalarning janrlarini belgilovchi mezon sifatida talqin qiladi. «Arslon», «Ro‘zalar», «Shaytonning Tangriga isyoni» pyesalari ayni nuqtayi nazardan tekshiriladi. «Arslon»da dramatik, «Ro‘zalar»da tragik-komedik, «Shaytonning tangriga isyoni»da tragik pafos ustuvorligi misollar orqali ko‘rsatiladi. «Arslon»ning boshidagi monologidayoq dramatik pafos namoyon: «Ter to‘kamiz, ishlaymiz-da, yashaymiz. Mansur boylar kabi odamlarni aldab so‘ymaymiz. Imom-oqsoqollarga o‘xshab suyg‘uchilarning oyoqlarini o‘pmaymiz, bolaga yuk bo‘lib tushmaymiz. Kimsaga hasad qilmaymiz, kimsaning kundoshi bo‘lmaymiz, *kimsaga yomonlik-da qilmaymiz...[1.30]*.

I. G‘aniyev o‘z talqinlarida dramaning umumiy pafosini belgilash bilan birga pyesaning muayyan lavhalarida mavjud boshqa pafos turlarini ham ko‘rsatib o‘tadi. Masalan, «Arslon» pyesasining umumiy kompozitsiyasi grammatik pafos asosiga qurilgan bo‘lsa-da, unda komizm, elementarizm, geraizm pafos turlari ham zuhur qilishini ta’kidlaydi. Tadqiqotchi fikrini dalillash maqsadida dramadan ikkita parchani keltiradi. YA’ni imomning Mansurboyga Arslonning yerini aldab olish maqsadida uning onasi Oynuqsa bibiga 8 olchin chit berishni maslahat berishi, buromad – xarajat daragini eshitgan boy bir uchib tushishi, «Sakkiz olchin chit nega beray? ...Jim turing-yey... Sakkiz olchin chit bering-a... Sakkiz olchin chit qancha turadir? Pulsiz qolgach, o‘zlari sotarlar» va xuddi shu sahna davomida ularning u dunyo, oxirat savol-javobi, Munkar-nakir haqida suhbatlashayotganda Boturning qo‘rqinchli qiyofada paydo bo‘lishi, boy uni ko‘rib qo‘rqqanidan boshqa tomonga emas, aynan Botur tomonga qochishi voqeasini I. G‘aniyev dramaturg tomonidan atayin kiritilgan «sekinlashtirish», «yengillashtirish» sahnasi ekanligini, bu bilan tomoshabinga dam berishni maqsad qilganligini aytib o‘tadi.

Adabiyotshunos tomonidan erksizlik, xurofot, ma’rifatsizlik kabilar xalq ichida urchib ketganligi pyesalardagi personajlarning gap-so‘zlari, ma’naviy qiyofasi, xatti-harakatida kuzatiladi. Bunday obrazlarni tasvirlashda Fitrat o‘z davri odamlari orqali emas, o‘zga yurt vakillari va diniy syujetning ramziy ifodasi orqali ko‘rsatishni maqsad qiladi. I. G‘aniyev Fitrat dramalarining poetikasini tadqiq qilishda uning ijodiga xos bosh g‘oyasini belgilab, unga tayanish kerakligi uqtiradi. Fitratshunoslikning o‘zak muammolari mana shunday nuqtai nazardan talqin qilinsa, samarali bo‘lishi asoslanadi. «Bu – bulbul obrazi. Asar ana shu bulbul «qaynoq yoniq tovushi»ning «sahnadagi jimjtlikni titib yubor»ishi bilan boshlanadi: «O‘y-tushuncha dengizida to‘lib qolgan Rahimbaxsh bulbulning tingani bilan oyilg‘on(hushyorlangan – I.G‘.) bo‘lur» ... Xalqimizcha, bulbul – ishq, ezgulik, oshiqlik, timsoli. ... Lekin Fitrat dramada Bulbul obrazini ozodlik ramziga aylantiradi[1, 56-57].

Ayniqsa, bu borada Fitrat dramalarini qayta baholash muammosi adibning «Shaytonning Tangriga isyoni» pyesasi atrorfida kechgan bahslarda ko‘rinadi. Kimdir ushbu pyesani Fitratning ateistik ruhda yozilgan asarlari sirasiga kiritsa, yana kimdir mazkur pyesaga siyosiy tus berib, undan ramziy ma’no axtaradi. I. G‘aniyev ham ushbu pyesani tahlil qilar ekan, tanqidchilarning qarashlariga munosabat bildirib, o‘z fikrlarini bayon qiladi. Olim bu pyesani qayta baholashda quyidagilarni nazardan chetda qoldirmaslik kerak, deb biladi. Bular:Fitratning umumijodiga xos ma’rifatpavarlik g‘oyasi;Fitratning kuchli islomiy e’tiqodda bo‘lganligi;Ommaning islomiy e’tiqodini hisobga olmay, shaytonni ijobiy obraz sifatida talqin qilinmasligi kabilar.

I. G‘aniyev mana shunday asoslarga tayanib yozadi. «Shaytonning Tangriga isyoni»idagi shayton – dahriylikka yo‘liqqan rus bolshavoylarining umumlashma timsoli, uning g‘oyalari sotsializm g‘oyalarining aynan o‘zidir, *deyishimizga asos beradi.[1.62] Anglashiladiki, mazkur she’riy pyesani talqin qilishda tadqiqotchi asarning kompozitsion butunligi, obrazlarning o‘zaro dialogiga emas, balki adibning ijod laboratoriyasiga tayanadi. Bu esa ilohiy sayyor syujet asosiga qurilgan bunday tipdagi asrlarni haqqoniy bahosini berishga ojizlik qiladi. Shu boismi bu pyesa atrofidagi bahslar adabiyotshunoslikda hali-hanuz to‘la-to‘kis hal qilingan emas. Uzoq Jo‘raqulovning mana bu qarashlari ham fikrimizni tasdiqlaydi. «Garchi, adabiyotshunosligimiz ushbu asardagi shayton obrazi orqali ilgari surilgan muallif pozitsiyasini erksizlik va ma’rifatsizlikka qarshi, sho‘rolar pozitsiyasining obrazli ifodasi tarzida baholab kelayotgan bo‘lsa ham, uni katta adabiyot, sof insoniy ma’naviyat, sharqona estetik tafakkur va etik an’analar nuqtai nazaridan oqlab bo‘lmaydi. ... Mobodo Fitrat adabiyot vositasida – ramzan sho‘ro tuzumini inkor etishni xohlaganida ham, shunday katta iste’dod va bilim egasi uchun boshqa syujetlar topilmay qolmasdi. Bunday talqinni, bizningcha, zamon va ijtimoiy hayotdan emas, balki asar muallifining dunyoqarashi, shaxsiyatida ro‘y bergan o‘zgarishlardan qidirish maqsadga muvofiqdir [2.54]. Ko‘rinadiki, mustaqillik davrida «Shaytonning Tangriga isyoni» pyesasini turli aspektda o‘rganilishi Fitrat asarlarini qayta baholash muammosining dolzarbligini ko‘rsatadi. Fitratning nafaqat «Shaytonning Tangriga isyoni» pyesasi, balki uning shu mazmundagi kichik hikoyalarini ham zamonaviy o‘zbek adabiyotshunosligi nuqtai nazaridan yangicha tahlil va talqin qilish ehtiyoji borligi anglashiladi. I. G‘aniyevning tadqiqoti chin ma’noda bunday talqinlarga yo‘l beradi. Shu bilan birga Fitrat dramalarini kompleks o‘rganishda nazariy manba sifatida qimmatlidir. Uning mana bunday xulosalari fikrimizni quvvatlaydi. «Umuman olganda, Fitrat asarlari ibtidosidan intihosigacha ramziylik bilan sug‘orilgan. Bu esa muallifga haq so‘z va hur fikr qatag‘on qilingan davrda ham katta haqiqatlarni ayta olish imkoniyatini berdi. Ikkinchi tomondan esa ramziylik Fitrat pyesalarining badiiyligini oliy cho‘qqilarga ko‘tardiki, bu cho‘qqiga chiqish, shu balandliklarda turib Fitrat asarlarida muhrlangan haqiqatlarni anglash va hazm qilish uchun zamonlar kerak bo‘ladi[1.70]*.

Adabiyotshunos Fitrat dramalarini sahnaviylik darajasiga qarab uch guruhga bo‘lish mumkinligini bayon qiladi. Birinchi guruhga «Arslon», «Vose’ qo‘zg‘oloni», «Ro‘zalar» pyesalarini kiritib, ular aynan o‘z davrida sahnalashtirishga mo‘ljallanganligi, sababi, bu asarlarni sahnalashtirish oson, dramatizmga boy real voqea-hodisalarni to‘g‘ridan-to‘g‘ri tasvir etganligi bilan muallifning boshqa dramalaridan farqlanishini ta’kidlaydi. Ikkinchi guruhga ham

sahna, ham mutolaa uchun mo‘ljallangan ijtimoiy-siyosiy mavzudagi ramziy dramalari – «Chin sevish» va «Hind ixtilolchilari»ni kiritadi. Chunki oddiy tomoshabin uchun bu spektakl mustamlaka Hindiston voqealaridan boshqa narsa emas. I. G‘aniyev ta’biricha, ular uchun bu pyesalar «teatrdan so‘ng o‘z umrini tugatadi», ammo faylasuf va tadqiqotchi tomoshabin uchun esa Hindiston voqealari shunchaki «libosi mavzun». Uchinchi guruhga kirgan asarlar birinchi va ikkinchi guruh asarlardan o‘zining serqatlam ramziyligi va chuqur falsafiy yukka egaligi bilan tubdan farqlanadi. Ular «Abulfayzxon» va «Shaytonning Tangriga isyoni» pyesalari bo‘lib, muallif bu asarlarni «fojia» deb nomlaydi. Adabiyotshunos I. G‘aniyev ushbu asarlarni xuddi shu nom ila tilga olar ekan, «Bu ikki fojia inson va jamiyat, olam qonunlari va tarix singari falsafiy mavzulardan bahs etadi»[1.77], deb ularga yuksakroq baho beradi.

Bunday usul monografiyada adabiyotshunosning Fitrat dramalari makoniy va zamoniy chegaralarini aniqlashda ham ko‘zga tashlanadi. YA’ni Fitratning 7 ta pyesasining badiiy xronotopiga tayanib, xronologik tartibga ko‘ra talqin qilinadi. «Shaytonning Tangriga isyoni» pyesasi voqeasi real makondan tashqarida, ilohiy xronotopda sodir bo‘lganligi, o‘z navbatida ushbu pyesa Fitrat dramalarining «Mahzan ul-asror»i, «Hayrat ul-abror»i ekanligi ta’kidlanadi. «Abulfayzxon», «Arslon», «Vose’ qo‘zg‘oloni» badiiy vaqt nuqtai nazaridan bir-birining mantiqiy davomi sifatida talqin qilinsa, «Chin sevish», «Hind ihtilolchilari» yagona mavzuga bag‘ishlangan mustamlakachilikning turli muammolari talqiniga qaratilgan Fitrat dramalariga xos tarixiy zanjirning muayyan davrini aks ettirgan asarlari o‘laroq tahlilga tortiladi. «Ro‘zalar» pyesasi esa mana shu ikki toifa dramalari oralig‘ida yaratilgani asoslanadi. Monografiyaning so‘nggi boblarida tadqiqotchining talqin obyekti umumiylikdan xususiylikka o‘tadi, ya’ni qism orqali butunning xossalari o‘rganiladi. Fitrat dramalarining poetikasi badiiy san’at turlari – tashbeh, mubolag‘a, istiora va nutqning individualligi, so‘z qo‘llashda meyor masalasi kabi muammolar talqini orqali tadqiq etiladi. Drama tili va uslubi haqida umumlashma xulosalar chiqariladi. Masalan, tashbeh san’atini adib pyesalarida ko‘p uchratamiz. Tadqiqotchi, o‘zi o‘rgangan manbalar asosida pyesalarda qo‘llangan tashbehlarning yangilik bo‘yog‘iga ko‘ra ikki guruhga ajratada: 1. So‘zlashuv nutqidagi «shablonlashgan» tashbehlar; 2. Bevosita Fitrat badiiy tafakkurining mahsuli bo‘lgan tashbehlar. Ularga quyidagilarni misol qiladi: Arslon tilidan botur haqidagi «Tog‘ kabi bir yigitimiz yo‘qolur». Xuddi shu kabi tashbeh «Abulfayzxon»da xayol tilidan taxtga qarata aytilgan: «Ey qora kuch, ey qurib ketkur taxt! Hech gunohi bo‘lmag‘on bolalardan, tog‘ kabi yigitlardan millionchalari sen uchun qurbon bo‘lib ketarlar». Ushbu tashbehlar xalq tilida qotgan bo‘lib, quyidagilar esa bevosita Fitrat badiiy tafakkurining mahsuli o‘laroq yaralgan. Rahimbaxsh: «Qur’on» betig‘a hayvon oyog‘i tegmak nima esa, hind qizining yuziga ingliz ko‘zi tushmoq ham shudir» yoki Dilnavoz: «Qur’on»ni hayvon tepkisidan qutqarishdek buyuk» va hokazolar.

Mubolag‘a san’atidan nafaqat adabiyotimizda, balki Fitrat pyesalarida ham unumli foydalanilgan. I. G‘aniyev adib pyesalarida qo‘llangan mubolag‘alarni o‘rganar ekan, ularni 3 turga ajratadi. 1. «Shablon» mubolag‘alar; 2. Xalqona mubolag‘alarga sinonim xarakterdagi mubolag‘alar; 3. Bevosita dramaturgning badiiy kashfiyoti bo‘lgan mubolag‘alar. Bularga quyidagi misollarni keltirish mumkin: «Oynuqsa: Bizning vaqtimizda hammaning sho‘ri tutqon. Hamma o‘layozg‘on. O‘zimni ko‘rmaysanmi, burnimni tutsalar, jonim chiqadir» yoki «Chin sevish»da Ayubxon Karimbaxshxon haqida aytgan so‘zlari: «U kishi dunyo ko‘rgan qari bir kishi dunyoning qay bir ishini yetmish besh yo‘la sanab ko‘rgan»[1, 139]. Olim Fitrat asarlarini o‘rganar ekan, pyesalarining o‘zida badiiy san’atlarning o‘ttizdan ortiq turi uchrashini aytib o‘tadi.

Bunday badiiy san’at turlarining dramalardagi yorqin misollari pyesalarning badiiy xususiyatini tizimli o‘rganishda qo‘l keladi. Olim Fitrat pyesalarini badiiy san’atlar nuqtai nazaridan tekshirish mobaynida shu xulosaga keladi: «...badiiy san’at uni ishlatgan qahramonning mulkiga aylanmas, unga butkul «sotilmas» ekan, boshqacha aytganda, uning ortidan ijodkorning o‘zi ko‘rinib qolar ekan, bu badiiy san’at har qancha mukammal bo‘lmasin, dramatik asarda meyordan oshsa, asarning hayotiyligiga putur yetkazadi, badiiylikni oshirishga xizmat qilmaydi[1.179]. Bunday mulohazalar, hech shubhasiz, fitratshunoslikda tadqiq sarhadlarini yanada kengaytiradi. Xullas, I. G‘aniyevning mazkur tadqiqotida Fitrat dramalari poetikasi atrofidagi ilmiy-nazariy, g‘oyaviy-badiiy muammolarni qayta baholashda adibning adabiyot qoidalariga oid qarashlari, drama nazariyasining umumtipologik mezonlari, badiiy matnning tagma’nolarini sharhlash, mustabid tuzumning biryoqlama siyosati tazyiqini nazarda tutish metodologiyasi ustuvor sanaladi.

Istiqlol davrida Fitrat dramalarini qayta baholash muammosining yuzaga kelishining bir qancha omillari bor. Bular fitratshunoslikning sho‘ro mafkurasi tazyiqida shakllangani, shu tufayli adib dramalari haqida birdirilgin fikrlarni bir yoqlamaligi, bunda bir toifa tanqidchilar Fitrat dramalarini tuzumga qarshi asarlar sifatida o‘rgangan bo‘lsalar, ikkinchi guruh maslakdosh adabiyotshunoslar tomonidan katta hayrat bilan talqin qilindi. Qolaversa, har qanday asarning asl bahosi uch avlod yoshiga teng vaqt mezoni bilan belgilanishi hisobga olinsa, tabiiy bir ravishda mustaqillik sharofati o‘laroq adib dramalarini qayta baholash ehtiyoji bo‘lganligi oydinlashadi. Mustaqillik davri fitratshunoshlik tarixiga nazar tashlansa, quyidagilar oydinlashadi:dramalar poetikasini qayta baholash muammosiga qaratilgan tadqiqi, Fitrat pyesalarini keng ko‘lamda o‘rganish, ularni to‘plash, bir jild ostida yig‘ib chop ettirish, shu bilan birga, adib dramaturgiyasiga doir tanqidchilik talqinini qayta baholash metodologiyasi shakllandi; I. G‘aniyev tadqiqoti bizgacha Fitratning matni to‘liq holda yetib kelgan pyesalarining barchasi qamrab olinganligi bilan xarakterlidir.

Unda Fitrat dramalari poetikasi bilan bog‘liq g‘oyaviy-badiiy, tarixiy-nazariy muammolarni hal etishda quyidagilarga tayanadi: a) pyesalarning janr xususiyatlarini yoritishda adibning nazariy qarashlariga suyanish;b) dramalarning g‘oyaviy-badiiy xususiyatlarini talqin qilishda adibning umumijodiga xos qarashlarini va mustabid tuzumning bir tomonlama shafqatsiz talablarini nazarda tutish;v) Fitrat pyesalari poetikasini yangicha o‘rganishda an’anaviy drama nazariyasining sof komponentlari – badiiy pafos, badiiy konflikt, zamon va makon, dialog hamda badiiy san’at vositalari kabilarni tahlil qilish metodiga amal qilinishi;g) adib dramalarini qayta baholashda katta ishtiyoq

va muhabbat bilan yondashish, mavjud qarashlarga keskin munosabatda bo‘lish, ayrim o‘rinlarda bir oz ehtirosga berilish kabilar ko‘zga tashlanishi oydinlashadi.

ADABIYOTLAR

1. G‘aniyev I. M. Fitrat dramalari poetikasi: Filol. fan. d-ri... diss. – Toshkent, 1998. –B.4.
2. Jo‘raqulov U. Nazariy poetika masalalari: Muallif. Janr. Xronotop. Ilmiy-nazariy tadqiqotlar,adabiy-tanqidiy maqolalar. – Toshkent:G‘ofur G‘ulom n.m.i.u. 2015. – B.54.

Fitrat dramalari poetikasi tadqiqi
Kenjayev T.A. Qarshi davlat universiteti

Rezyume. Mazkur maqolada o‘zbek adabiyotshunosligida Fitrat dramalarining o‘rganilishi, xususan, adib dramalariga doir yangicha fikr va qarashlar, mustaqillik sharofati o‘laroq dramalarining asl ma’no qatlamini yoritish, ulardagi diniy-ramziy, siyosiy-majoziy va g‘oyaviy-badiiy xususiyatlarini boricha talqin qilish; istiqlol davri fitratshunoslari adib dramalariga oid turfa xil qarashlarni qiyosiy o‘rganib, uning adabiy merosini qayta baholash zaruriyati borligi hamda badiiy xususiyatlari tadqiqi masalasi o‘rganilgan.

Kalit so’zlar: matbuot, tadqiqot, maqola, ijtimoiy-falsafiy, badiiy-psoxologik, talqin, tahlil, mavzu, g‘oya, mahorat.

Исследование поэтики драм Фитрата
Кенжаев Т.А. Каршинский государственный университет

Резюме. В данной статье исследуются история изучения драм Фитрата в Узбекском литература ведении, в частности, интерпретация новых идей и взглядов на драмы писателя, освещение изначального смысла драматических произведений в результате обретения независимости, их религиозно-символический, политико-образный и идейно-художественные особенности; литературоведы периода независимости сравнительно изучали разные взгляды на драмы писателя, изучены проблемы исследования необходимости переоценки его литературного наследия и художественных особенностей.

Ключевые слова: пресса, исследование, статья, социально-философское, художественно-психологическое, интерпретация, анализ, тема, идея, мастерство.

Study of the Poetics of Fitrat's Dramas
Kenzhaev T.A. Karshi State University

Summary. This article examines the dramas of Fitrat in Uzbek literature, in particular, the interpretation of new ideas and views on the writer's dramas, the coverage of the original meaning of dramatic works as a result of gaining independence, their religious-symbolic, political-figurative and ideological and artistic features; literary scholars of the period of independence have comparatively studied different views on the writer's dramas, studied the problems of researching the need to reassess his literary heritage and artistic features.

Key words: press, research, article, social-philosophical, artistic-psychological, interpretation, analysis, theme, idea, skill.

СИРОЖИДДИН САЙЙИД ТЎРТЛИКЛАРИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Сирожиддин Саййиднинг «Кўнгил соҳили» шеърий тўплами мисолида)

Дошанова Г.
Қорақалпоқ давлат университети

Сирожиддин Саййид бугунги кун ўзбек шеърияти ривожига салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган шоирлардан биридир. Давр нафаси билан ҳамоҳангликда шоир шеърлари овози китобхонга эмқоционал-экспрессив жиҳатдан таъсир кўрсатиши билан аҳамиятга моликдир. Бу шоирнинг бадиий изланишлари ва кўнгил сарзанишлари инъикосидир. С.Саййид ижодида бадиий изланишлар натижаси ўлароқ бир қанча шеърий шакллар вужудга келган. Албатта, ушбу бадиий изланишга таъсир қиладиган асосий жиҳатлардан бири дунё адабиёти ва қардош туркий халқлар адабиётининг таъсиридир. Шу боис, шоир ижодида кичик лирик шаклларнинг кенг қўлланилганлигининг гувоҳи буламиз. Биз бу мақоламизда шоирнинг тўртликларида фалсафий тафаккурнинг бадиий ифодаси хақида фикр-мулоҳаза юритмоқчимиз.

Лириканинг кичик ҳажмли шеърлари шаклий жиҳатдан кичик лирик шеърлар деб юритилади. Бундай шеърий шакллар ҳақида жаҳон ва туркий халқлар адабиётшунослигида бир қанча назарий фикрлар бор. Масалан, рус адабиётида Д.Кузьмин, Л.Н.Конюхова, узбек адабиётшунослигида Р.Орзибеков, И.Ҳаққул, У.Тўйчиев, Н.Афоқова, К. Юлчиев қорақалпоқ адабиётшунослигида Қ.Оразимбетов, О.Гайлиева, А. Досимбетова ва бошқа олимлар фикр билдирганлар.

Кичик лирик шакллар ҳақида сўз борар экан, олима О.Гайлиева[1] туркий халқлар поэзиясида бундай бадиий шаклларнинг пайдо бўлиш ҳодисаси ҳакида, бу ҳодиса генезиси шубҳасиз туркий халқларнинг оғзаки ижодига, мумтоз адабиёт манбаларига, энг асосийси, баъзи ҳозирги кичик лирик шакллар дунё шеъриятидан ўрганиш тажрибаларига асосланганликларини таъкидлайди. Ҳақиқатан хам, ҳозирги ўзбек шоирлари ижодида учрайдиган кичик ҳажмли лирик шеърларда юқоридагича адабий таъсирни кўришимиз мумкин. Масалан, биз тадқиқот объектимизда таҳлилга олган С.Саййид қаламига мансуб кичик лирик шеърлар тўртлик, учлик, иккилик шеърий шаклларга мансублиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, композицияси, мазмуни, жарангдор овози, мажозий белгилари, бадиий нафосати, фонологик жихатларига эгалиги, бироқ, уларда фольклор ҳамда мумтоз адабиёт намуналарининг шунингдек, жахон адабиёти ижодиётининг адабиий таъсири мавжудлигини англашимиз мумкин. Масалан, шоир С.Саййид қуйидаги тўртлигида:

Худойим, шукрким, қошу кўз бердинг, Пушту паноҳ бердинг менга ўзингдан,
Яна тилларимга равон сўз бердинг. Яна ўз дилимдай содиқ дўст бердинг.[1]

Инсоннинг бу дунёга келиши, одамнинг яралиши ҳақидаги фалсафий фикрлари, яъни, Аллоҳ таолонинг инсонга забон, кўз, фарзанд каби неъматларни инъом этганлигини,бу дунёда инсон шукроналик билан яшаши лозимлигини сабрли қаҳрамон тилидан ифодалайди. Шеърнинг тўртинчи мисрасида инсонга ўзига мос суюкли

ёр рўбарў келишини ёйиқ мушоҳада ва нафис туйғуга йўғрилган мисраларда бадиий ифодалаган. Рубоийга хос поэтик қиёфа бахш этган ҳолда яратилган мазкур шеър а а б а шаклда қофияланган бармок вазнида яратилган. Шеърда мумтоз анъанавий шаклнинг такомиллаштирилганлигини кўришимиз мумкин. Шоир шеърда тасаввуф таълимотига хос шукроналик концепциясига янгича оҳанг багишлаб, Аллоҳга шукроналик замонавий қаҳрамон тилидан баён қилинади, иккинчидан, поэтик усулда янги қиёфа кўзга ташланади, учинчидан, рубоийларда лирик қаҳрамон ўз туйғу ва кечинмаларини ифодалаш билангина чекланса, мазкур шеърда ҳаракатчанлик. ўқувчининг қалбига чуқурроқ кириб бориш, уни уйғотиш, келажакка умид бадиий ифодасини топган.

Шунингдек, шеърда радифли оҳангдошлик ва уйғунлик ва аллетерациянинг кенг қўлланилиши шеърга жарангдорлик ҳамда мусиқийлик бағишлаган. Масалан, шеърнинг биринчи мисрасида «кўз бердинг», иккинчи қаторидаги «сўз бердинг», тўртинчи мисрадаги «дўст бердинг» бирикмаларида қўлланган «ў» унлиси такрорий келиши композицион яхлитликни таъминлашда катта поэтик вазифани бажарган.

Шоирнинг тафаккур олами ва тасаввуф қамровини янги босқичга кўтарган услубий-шаклий изланишлари унинг қуйидаги тўртлигида хам мутафаккирона тарзда намоён булади:

Болалик, мен сени кўриб турибман, Сен мениң йўқолган қўзичоғимсан,
Ҳар бир қадамингни кўриб турибман, Мен ҳамон қирларда излаб юрибман [1]

Рубоий қиёфасидаги бу тўртликда муаллиф инсоннинг дунёга келиши, унинг вояга етиши мобайнидаги вақт ва замон бирлиги тасвири ўқувчи эътиборини ўзига жалб қилади. Яъни, инсоннинг болалиги, ота-онаси багридаги бахтли пайтидир. Лирик қаҳрамоннинг болаликни қўмсаши «Мен ҳамон қирларда излаб юрибман» мисраларида теран зукколик билан терилган топилмалар мисолида бадиий ифодаланган.

«Сен менинг йўқолган қўзичогимсан» мисрасидаги маъжозий жонлантириш усулида қаҳрамоннинг маънавий олами, шеър замирида акс этган согинч туйғуси тавсифланади. Шу ўринда муаллиф анъанавийликдан янгиланиш сари интилади. Яъни анъанавий шаклдаги шеърлар мазмун-моҳиятида шоир келажакка умид богласа, бу шеърда болалик хотиралари ва уша пок ва беғубор кезларни қўмсаши бадиий инкишоф этилади. Шоирнинг:

Қанча молу давлат тупроқдир, гилдир, Менинг йўқотганим кўнгилдир, эй дўст,
Нечук маъводир бу? Нечук манзилдир? Менинг излаганим балки бир дилдир?

мазкур тўртлигида мумтоз шоирлар Алишер Навоий, Машраб, Умар Хайём каби буюк сўз заргарларининг ижодидаги ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашларининг такомиллашганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, мумтоз шоирлар ижодида ҳэм бу дуненинг ўткинчи эканлиги,бу ҳаётда инсон беш кунлик меҳмон сингари келиб кетиши метафорик тарзда «дунё-сарой, манзил» каби тасвирланади. Бироқ, шоир С.Саййиднинг мазкур тўртлиги композицион бутунлиги,мушоҳаданинг салмоқдорлиги жиҳатидан мумтоз адабиётдаги мураббаъ, рубоий қиёфасидаги шеърлариддан ажралиб турадики, лирик қаҳрамон олам, унда содир булаётган ҳодисалар, инсонларнинг бойликка ружў қўйганлиги ва шу йўлдаги бетиним югуриб-елишлари тўғрисида фикрларини баён қилган. Аммо, буларнинг барчаси инсон учун бир муддат муваққат меҳмонлигини, оқибатда одамзод бу оламдан ўтиб тупроққа аралашиб кетиши ҳақидаги мушоҳадаларини мумтоз поэтик анъаналар асосида тўкиб солган. Лекин, шоир узи баён қилаётган фикрлариига шубха билан қараб, шеърда риторик сўроқ орқали мурожаат қилади: «Нечук маъводир бу? Нечук манзилдир?» Ваҳоланки, шоир бу дунёда одамзод бири-бири билан яхши муносабатда бўлиб, эзгу амалларни бажариб,меҳр-окибатда яшаш кераклигини «Менинг йўқотганим кўнгилдир, эй дўст» дея ифодаласа, тўртинчи қаторда «Менинг излаганим балки бир дилдир?» деб, лирик қаҳрамоннинг замондошлари қалбидан йўл топиш илинжида эканлигини услубий воситалар ёрдамида риторик сўрок орқали мохирона баён қилади. Эстетик мазмунига асосан шеърда ҳаёт манзараси акс этган, яъни лирик қаҳрамонни инсон қалби, қадр-қимматига муносабат масаласи (Менинг йўқотганим кўнгилдир, эй дўст) қийнаши қаламга олинган. Шеърда қўлланган риторик сўроқ усули мумтоз шеъриятдаги тажоҳули ориф санъатига жуда монанд келади. «Тажоҳул ул-ориф – мумтоз адабиётдаги бадиий санъатдир. Тажоҳул ул-ориф қўлланган байт риторик сўрок гап шаклида намоён булади, яъни шоир қайсдир нарсани сўраши, ноаниқ белгига равшанлик киритиши эмас, балки риторик сўроқ воситасида ёрнинг жамоли ёки бошка шу каби ҳолатни ўхшатиш ва киёслаш билан ифодалашни мақсад қилади».[1]

Бу олам, инслоният, ҳаёт масалалари ҳақидаги фалсафий мушоҳадага бой шеърлар С.Саййид билан замондош шоирлар А.Орипов, А.Суюн ижодида хам кўп учрайди. Учала шоир шеърларини ўзаро қиёсий таҳлил қиладиган булсак, А.Ориповнинг:

«Бозорга ўхшайди асли бу дунё, Иккиси ичра ҳэм кўрмадим асло,
Бозорга ўхшайди бунда ҳэм маъни. Молим ёмон деган бирор кимсани» [4, 231],

Тўртлик шаклида ёзилган шеърида муаллиф олам тушунчасини ранг-баранг образли шаклда ифодалаган. Яъни, ҳаётни метафорик усулда бозорга менгзайди. Шоирнинг бу шеъри ҳақида олима О.Гайлиева қуйидагича фикрларни баён қилади. Яъни: «Дархақиқат, эътибор билан қарасак, бозорда бирор нарса сотиб олмоқчи бўлсак, албатта, сотувчининг ўз молини ўтказиш мақсадида мақтаётганлигини кўрамиз. Шоир бозор ҳамда оламни метафорик тарзда ёнма-ён тасвирлайди ва иккаласи учун бир хил «ташхис» қўяди. Дунёда хам, бозорда хам шоирнинг фикрича «маъно» бир хил»[2]. А.Суюн қаламига мансуб мазкур пурмаъно сатрларда

«Эй дўст! Гарчи барчага тенг офтобнинг нури, // Дунёни кўрдим мен минг қиёфатда[3]. лирик қаҳрамон олам тушунчасини турли шаклларда тасаввур қилади. Яъни: «самода қуёш нурини барчага бирдек баравар сочиб туришини, лекин инсонлар ҳодисаларни турлича тушуниб ўзлаштиришларини турлича рангларда кўради. Оламнинг ҳайратга солувчи муъжизавий ҳодисалари, ғайритабиийлиги лол қолдиради,тўлғонтиради» [1].

Демак, учала шоир хам олам, турмуш, ҳаёт масалалари ҳақида фалсафий мушоҳадани акс эттиришда бадиийликнинг полифункционал хусусиятидан ўринли фойдаланилади. С.Саййид тўртлигида бу дунёда инсон

кўнглини огритмасдан, бир-бири билан тотувликда, баҳамжихатликда, дўстликда яшаса деган фикрлар илгари сурилади, А.Орипов тўртлигида олам кенглиги, унда инсоннинг бу дунёга келиши – бозорга йигилган одамларга қиёсланади. А.Суюн оламни ҳеч бир нарса билан таққослай олмай, турли кўринишларда деб билади. Шу ўринда тушунча, оламшунослиқда А.Суюн билан С.Саййиднинг карашлари бир-бирига яқин келади. Яъни, икки шоир «дўст» сўзига урғу бериб, риторик ундаш воситасида ўз қарашларини баён қилади. А.Ориповда эса кўпроқ поэтиканинг анъанавий усулини кўришимиз мумкин. Шу боис, лирик қаҳрамон хает ҳақидаги руўҳий тушунчаларининг мазмун-моҳияти кенгайиб, умуминсоний тус олади.

Дунёга келдингу кетгайсан қачон? Неки бор, етишдинг елиб-югуриб,
Эзгулик нақшини битгайсан қачон? Эй инсон, ўзингга етгайсан қачон?

Мазкур тўртликда сўраш охангида тузилган эпифоралар (қачон?) шоирнинг тўлгонишларида баён қилган қарашларига эмоционал куч бахш этган. Шоир риторик сўроқ қўллаш орқали, ўқувчининг диққат марказини ўзига жалб қилинади.

Умуман, шоир тўртликларида олам, ҳаёт мазмуни, одамзод ҳақида фалсафий мушоҳаданинг шоир ижодида моҳирона тарзда босқичма-босқич ривожланиб борганини кузатиш мумкин. Яъни, шоир инсон тўғрисида фикр юритар экан, ёруғ оламга келганлигини шукроналик ғоялари орқали тасвирлаган бўлса, иккинчидан, инсоннинг бахтли яшаши ва бахтга эришиши Аллоҳ томонидан инсонга берилган инъоми деб билса, учинчидан,инсоннинг узидан язши ном қолдириши у дунёси учун мухимлигини эътироф этади. Бу жараён шоирнинг бадиий изланишлари натижаси ўлароқ,шоирнинг тўртлик туркумларида бадиий ғоянинг ҳажми сўз заргари - ижодкор «мен»ининг шахсий кечинмаларидан теранлашиб, кўп ҳолатларда поэтик усуллар орқали умуммиллий,баъзан умуминсоний мазмунда юзага чиқиши кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Гайлиева О. Ғарезсизлик даўири түркий халықлар лирикасында формалық изленислер ҳәм олардың типологиясы. Докт.дисс. Нукус, 2019.
2. Саййид Сирожиддин. Кўнгил соҳили.Тўртликлар. –Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2004. – Б.7.
3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akademnashr, 2013. –Б. 304.
4. Орипов А. Меҳр. Тўртликлар. –Тошкент: Шарқ нашриёт–матбаа акциядорлик компонияси бош таҳририяти, 2004. –Б. 231.
5. Азим Суюн. Танланган асарлар. Биринчи китоб. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2009. –Б. 166.
6. Gaylieva O. Literary Traditions of Mahtimkuli in Modern Turkish Poetry (Poets in the example of S.Ibragimov, HamrakulAskar, K.Gurbannepsov works). Psychology and education An Interdisciplinary Journal (2021) 58(2): 390-393
7. Article Accepted: 08th January, 2021

Сирожиддин Саййид тўртликларининг бадиий хусусиятлари (Сирожиддин Саййиднинг «Кўнгил соҳили» шеърий тўплами мисолида)

Дошанова Г. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада ўзбек шоири С.Саййиднинг тўртликларида олам ва ҳаёт мазмуни, инсоният тўғрисидаги фалсафий қарашларининг бадиий такомиллашуви муаллифнинг «Кўнгил соҳили» шеърий тўплами мисолида қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинади. Шунингдек, шоирнинг бадиий маҳорати умуммиллий ва умуминсоний аҳамиятга моликлиги баён қилинади.

Таянч сўзлар: шеър, кичик лирик шакллар, тўртлик шеърий шакли, бадиий тушунча.

Художественные особенности квартетов Сирожиддина Сайида (на примере сборника стихов Сирожиддина Сайида «Кўнгил сохили»)

Дошанова Г. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В данной статье анализируется смысл мира и жизни, художественное развитие философских взглядов на человечество на примере авторского сборника стихов «Кунгил сохили», а также художественное мастерство поэта Сирожиддина Сайида.

Ключевые слова: стихи, малые формы стихов, четверостишье, художественое иыражение

Artistic features of Sirojiddin Sayid's quartets (on the example of the collection of poems by Sirojiddin Sayid "Konil sokhili")

Doshanova G. Karakalpak State University

Abstract: This article analyzes the lyrical poems of Sirajaddin Sayid, the peculiarities of his philosophical thoughts in his quatrains.

Keywords: artistic research, small genres, quatrain, lyrical hero.

С О Д Е Р Ж А Н И Е

ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ ДҮЗИЛГЕНИНЕ 45 ЖЫЛ

Айтмуратов Ж., Ҳәкимниязов Ж., Айтмуратова Ж. Ж. Қарақалпақ мәмлекетлик университетиниң ашылыўы илим – билим, мәденият жолындағы қутлы қәдем	4

Е С Т Е С Т В Е Н Н Ы Е И Т Е Х Н И Ч Е С К И Е Н А У К И

МАТЕМАТИКА. ФИЗИКА. ТЕХНИКА.

Juzbaev N. O. Matematikaliq logikadağı aytimlar algebrasiniń texnikaliq qurilmalarda qollaniliwlari	8
Nurimbetova G., Bekbergenov S. E., Saparniyazov A., Qurbanova A. Lazer nurlariniń volfram- arsenid galliy kontaktiniń elektro fizikaliq qásiyetlerine tásirin izertlew	11
Сатторов А. А. Қуёш элементлари ёрдамида муҳит тозалигини ўрганиш ва уни аниқлаш имкониятлари	13
Рахмонов И. У., Нажимова А. М.Пахта-тўқимачилик кластери корхонасининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш	16

ХИМИЯ. БИОЛОГИЯ. ГЕОГРАФИЯ

Алламуратова А. Ж., Эркаев А. У., Реймов А. М., Таиров З. К. Усовершенствование состава продуктов азотнокислотной переработки карбонатных фосфоритов кызылкумов	22
Туремуратов Ш.Н., Нурымбетов Б.Ч., Чимбергенова Г. Б. Гидратационное структуро образование в системе известково-белитовое вяжущее –растворимый ангидрит-вода	26
Кидирбаева Ж., Юсупова З., Оразбаева Р. Ўзбекистон шароитида брезент тўқимасининг янги таркибини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш технологияси	28
Shukurov K. E., Xasanov U. K., Allamuratova Z. J. Nutq signallariga ishlov berishda adaptiv filtrlarning ahamiyati	32

ЭКОНОМИКА. ФИНАНС.

Бозоров Б. У., Тухлиев Б. М. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида ёшлар бандлигини оширишнинг назарий асослари	37
Жузбаев А. О. Кичик бизнес корхоналарида молиявий фаолиятдан олинадиган даромадни оширишнинг аҳамияти	41
Сеилбеков Б. Б. Фермер хожалықлары ҳәм басқа хожалық субъектлери ортасындағы экономикалық қатнасықларды жетилистириў мәселелери	45
Джумабаева Ш. Х. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудини иқтисодий районларга ажратиш ва улар ривожланишининг асосий йўналишлари	47
Зокиров С. С. Ўзбекистонда йўлдош-шаҳарлар: шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари	51
Тошкулов А. Х. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиққа тортиш тартибларини қўлланишнинг хусусиятлари	56
Kalenov K. T. Ózbekistan Respublikasinda qamsizlandiriw bazarin mámleket tárepinen tártipke saliwda shet el tájiriybesinen paydalaniw	61
Досчанов А.Т. Тадбиркорлик тизими барқарорлиги ва хавфсизлигига бўладиган тахдидларни анкеталаштириш усули ёрдамида тадқиқ қилиш	65
Raximov Z. O., Abdurasulov Sh. E. O'zbekistonda turizmni rivojlanishida transport xizmatlarining ahamiyati	69
Исмаилов Б.А. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми элементлари ва омиллари	71
Қалмуратов Б. С., Миратдинов С. Қ. Экономиканы модернизациялаў шараятында еркин экономикалық зоналар хызметин раўажландырыў мәселелери	75
Элмуродов Ш. Яширин иқтисодиёт даражасини камайтириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси	78

ОБРАЗОВАНИЕ. МЕТОДОЛОГИЯ. ПСИХОЛОГИЯ

Хакимов Ғ. Қ. Олий таълим тизими фаолиятини ташкил этишда уни бошқариш самарадорлигини баҳолаш	82
Ходжаева Г. А., Жиемуратова Г. Ө. География пәни сабақларында аўызеки методтан пайдаланыўдың әҳмийети	84
O`rozboyev N. U. Bo'lajak o'qituvchilarda mas'uliyatlilikni rivojlantirishning psixologik-pedagogik shartlari	87
Utegenov J.J., Turdımuratov J.A. Student-jaslardíń ruxiy hám dene mádeniyatín rawajlandíríw máseleleri	90
Машарипова Ш. Р. Вопросу о формировании читательской грамотности учащихся с использованием технологии развития критического мышления	92
Matjanov N.S. Kvant fizikasini o'qitishda mustaqil ishlarni tashkil etish	95
Urazimbetov A.B. Qoraqalpoq yoshlarining milliy identik xususiyatlari	97
Тлеубаева Г.С. О развитии одаренности студентов	99
Турсунов Ф. Ғ. Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштириш	102
Тангриев А. Ж. Совершенствование скоростно-силовой подготовки дзюдоистов с помощью метода круговой тренировки	104

Чоршамиев Н.А. Мунтазам спорт машғулотларининг ёш спортчилар организмга таъсири	106
Бузрукхонов С. М. Олий таълим инновацион инфратузилмасини молиявий таъминотини диверсификация қилишнинг илмий ёндашувлари	108
Машарипов Ф. Т. Концептуальная модель развития физкультурной деятельности студентов	113
Пирниязова Н. В. Анализ формирования креативности преподавателя высшей школы в системе непрерывного образования	116
Бабаджанов Ф. Қ. Медиамаконда ОТМ имижининг яратилиши	119
Пазылова М. Е.Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантирувчи принцип ва методларнинг аҳамияти	121
Аллияров А. Д. Олий таълим муассасалари талабаларда маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	124
Елмуратов И. Г. Қорақалпоғистон Республикаси олий таълимида ўтказилган ислоҳотлар (Қорақалпоқ давлат университети мисолида)	126
Abdimuratov J. Shańaraq tár biyasi paziyletleri	130
Хожаназарова Р.М. Педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлили	132

ИСТОРИЯ. СОЦИОЛОГИЯ. ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.

Камалова Х. С. «Гендер» мәселелериниң тарийхый раўажланыў дәўирлери	137
Сейтимбетов М.К. Қубла Арал аймағындағы суў жоллары ҳәм қарым-қатнас қураллары (XIX әсир)	141
Танирбергенов С. Б. Конституционные основы развития экологического законодательства Республики Каракалпакстан	144
Генжемуратов Я. XX аср охирида Қорақалпоқ халқининг маданиятига халқаро қизиқишнинг ортиб бориши	146
Прекеева А., Қутлымуратов К., Хожабаева А. Ферғаналы қарақалпақлардың үрп-әдет дәстүрлери	148
Матирзаев У.С.Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати- вакиллик орган аъзоси	151
Исақова З. Р. Ирфоний билимлар ривожининг ўзига хос жиҳатлари	155
ДжумашевА., Сайманов С. Приговор приведен в исполнение за 15 минут	158
Утепбергенов Ф. Ж. История археологического изучения древних и ранне средневековых памятников Приаральской дельты Амударьи	161
Қайыпова Ф. Ж. «Бердақ атындағы қарақалпақ мәмлекетлик университети ХАБАРШЫСЫ»ның шөлкемлестирилиў тарийхынан	165
Ходжаниязов С. У. Сулаймон Боқирғоний таълимотида гўзал ахлоқ ва шахс камолоти ҳақидаги фикрларнинг акс этиши	166
Курбанов Э.Э . Ўзбекистон заминида демократик сайлаш – янгиланиш эхтиёжи сифатида	169
Исмоилов О. Ю. Прогнозирование и предупреждение латентной преступности коррупционной направленности с помощью гис технологии	172
Юсупов М. Б. Миллий гвардия ходимларининг сайлов жараёнидажамоат тартибини сақлашдаги айрим масалалар	177
Бердалиев Н. Ш. Ёшлар сиёсати ва маънавий тарбия масалалари	179
Утемуратов М. А. Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализмнинг ҳуқуқий онг ва маданият даражасига таъсири	182
Атаджанова С. Э. Толерантность как принцип воспитания в поликультурном обществе	184
Сейтимбетова Н.М.Оммавий ахборот воситаларининг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги фаолияти	187
Бердимуратова Г. М., Мухиддинов Н. Авиация ишларини бажариш субъекти сифатида ўта енгил авиация эксплуатантининг ҳуқуқий мақоми	190
Абдуллаев Д. Н. Мукофотлаш анъанаси, тарихий босқичлари ва уларнинг аҳамияти (тарихий-қиёсий таҳлили)	195
Төрениязова Д. Қ. Қарақалпақ халқының өнерментшилиги тарийхынан	198
Нажимов М. Ш. Оилага ва ёшларга қарши жиноятлар тушунчаси ва уларнинг хусусиятлари	201
Мадалиева Р. Х. XIXаср охири – XX аср бошларида россиянинг ўрта осиёдаги божхона сиёсати	203
Умарова К., Гулимов А. Б. Право на воду жителей Приаралья: возможно ли решение в XXI веке?	206
Қутлымуратов Ф. К. Юридикалық шахсларды қайта шөлкемлестириўде кредиторлар ҳуқықларын қорғаўға байланыслы нызамшылықтың раўажланыў генезиси	210

ФИЛОЛОГИЯ. ЖУРНАЛИСТИКА.

Алламуратов Н. Е.И. Юсупов шығармаларында қолланылған юридикалық терминлер	215
Бекбаулиев Д. Ө. Қорақалпоғистон Республикаси ОАВ тарихи	217
Мамбетирзаева Н. М. Асқад Мухтор публицистикаси	220
Kaljanov A. On the state of the problem of homonyms in the modern karakalpak language	223
ҚазымбетоваЗ. М. Ж. Избасқанов шығармаларында риторикалық сораў гәплердиң қолланылыўы	226
Aytmuratov A. Sanlí texnologiyalíq terminlerdiń qaraqalpaq tilinde júritiliwi	228
Абишов Г. М. Қарақалпақстан оронимлериниң лексика-семантикалық өзгешелиги бойынша түрлери	231
Ulugova Sh. Sh. Conceptual metaphorical structures and theiractivation in artistic texts	234
Яхияев З. Жаслар баспасөзи – медиа базардың өзгеше сегменти	237
Амонтурдиева Ш. Диний матнларда гапнинг ифода мақсадига кўра турларининг қўлланилиши	239
Юсупова Б.Т. Қарақалпақ тилиндеги айырым фразеологизмлердиң фоностилистикалық өзгешеликлери	242
Қурбанбаева Б. Р. Қарақалпақ тилиниң арқа диалектинде қолланылатуғын келбетликлердиң мәнилик түрлери ҳәм жасалыў өзгешеликлери	246
Орынбаев Т. Б. Ҳәзирги қарақалпақ лирикасындағы көркем формалардың изертлениўи	249
Барлибоева С. Прагмалингвистикада коммуникатив стратегия ва такти муаммосини ўрганишнинг илмий-назарий аҳамияти	252

Хван Л.Б., Кеулимжаева У. Проблема понятия «Слово», как единицаязыка, в мировой лингвистике	255
Kenjayev F. I. Istiqlol davrida Jaloliddin Manguberdi obrazining badiyiy adabiyotdagi o'rganilishi	257
Lutfullayeva D. Tadbirkorlik faoliyati obyektlari, firma, korxonalar, iste'mol tovarlari uchun nom hosil qilish usullari ..	258
Эшонқулов Л. Н. Кулгилилик (ҳажвийлик) феномени ва унинг шарқ ва ғарб методологиясида ўрганилиши	261
Seytova D.U. Slang	265
Мамбетниязова А. Гап таркибидаги ажратилган бўлакларнинг коммуникатив-прагматик функциялари	268
Сайдазимова У.Т.Корейс адабиётининг ўзбекистонда ўрганилиши масаласига доир	270
Абдуллаева Р. Х. Аксиологический подход к изучению пословичной языковой картины мира	275
MusaevA. A. Causative construction in english and karakalpak languages	278
Тлеуниязова Г. Б. Лирикалық шығармада автор индивидуаллығы	280
Жәримбетов Е. Көркем әдебият мәселелерин сәўлелендириўде журналистика жанрларының қолланылыўы	282
Нзанова С. К. Қарақалпақ халық нақыл-мақалларында жанапайлардың қолланылыўы	285
Хабипова Р., Ешимбетова Г. Принципы межъязыковой корреспонденции в категории каузативности, основанные на субъектно-объектных отношениях с учетом их анимативности и инанимативности	288
Ешбердиев Ф. А. Қарақалпақ тилинде модаль сөзлердиң изертлениўи	291
Торебаева Ф. Қ. Тил билиминде гендер мәселесиниң үйренилиўи	294
Nazarov N. A. Turk runologiyasidagi «Sir» etnonimi va bugungi voqe'lik	296
Алламуратов Ғ. А. К.Каримовтың «Ағабий» роман-тетралогиясында статикалық портрет	300
Қурбаниязов Д. Газета мақалалары темасында иркилис белгилериниң қолланылыўы	303
Нурабуллаев Б.Х. Мемуарлық шығармаларда қаҳарман образы	307
Кенесбаев Қ. Қорақалпоғистонда журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш тарихидан	309
Kenjayev T.A. Fitrat dramalari poetikasi tadqiqi	312
Дошанова Г. Сирожиддин Саййид тўртликларининг бадиий хусусиятлари (Сирожиддин Саййиднинг «Кўнгил соҳили» шеърий тўплами мисолида)	315